

Илҳом Зойир


# ҲУКМ




84 (59) 6  
3-73



# Илҳом Зойир



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017



Илҳом Зойир

# ҲУКМ

*Роман*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017

УЎК 821.512.133 3

КБК 84 (5 Ү)6

373

## **Зойир, Илҳом**

Ҳукм / Илҳом Зойир. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 416 б.

Қадрли китобхон, Сиз ўқишга чоғланаётган мазкур китоб дўстликка хиенат, муҳаббатга садоқат, яъни неки эксанг шуни ўрасан, деган эзгу тушунча ҳақида ҳикоя қилади.

Таниқли езувчи Илҳом Зойир ўз сўзи ва ўз овозига эга езувчи. Ушбу китоб ҳам Сиз мутолаа муҳибларига ажойиб совга бўлишига ишонамиз.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84 (5 Ү)6

ISBN 978-9943-4798-9-0

© Илҳом Зойир

© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017

## Биринчи қисм

### СЕВГИ САДОСИ

#### 1

Ҳаммаси Жамшиднинг қишлоққа келиши билан бошланди.

Айниқса, ёз билан кузнинг ўртасида қишлоқ бошқача кўриниш касб этади. Майли, иссиққа иссиқ бўлар-у, аммо боғ-роғларнинг таровати ҳар қандай иссиқни кесиб, кўнгилларга ҳузур-ҳаловат бағишлайди, асл жаннат ер юзида эканку, деб енгил нафас оласиз. Пишиқчилик мавсумида қишлоқдагилар янада сахий бўлиб кетади, ҳаммада боғ, томорқа, мевалар фарқ пишган, дастурхонлар тўкин-сочин. Бирови, бизнинг боққа ўтинг, жавзойи ўрикка маза кирган, оғзингиз тегсин, деса, бошқаси, бизникида қандил пишди, тишга тегса карсиллайди, деб манзират қилади.

Яккатутда ўрик билан олма сероб. Пишиқчиликнинг олди бошланди дегунча бу ёққа шаҳарлик бозорчилар оёк чиқаради. Қишлоқ одамлари савдолашиб ўтирмайди, кўтарасига беради, яна анчаси рўзғорида қолади, яна бир қисмини кўни-кўшнисига тарқатади. Қишлоқнинг у томони Бешкапа, бу томони Мингчинор; Қумработ хиёл нарида, овоз берсангиз етиб бормайди, қирдан қарасангиз кўринмайди ҳам. Бу қишлоқлар ўтмишда ҳам шу ном билан аталганми-йўқми, номаълум.

Яккатутнинг номи ҳам, кўриниши ҳам бошқача – бозориям, мозориям битта бўлган, дейишади. Шўролар даврида боғу роғларга қайчи урилиб, қишлоқларни, бозору мозорларни, ҳатто одамларнинг фикру ўйларини тўзғитиб юборишган. Шукрки, замон ўзгариб, қишлоқлар қайта бирлашди, боғлар

яна гулга кирди, ҳовли-жойлар, ҳаёт изга тушди. Одамлар эса ўша-ўша, фақат ўй-хаёллари, орзу-умидлари, гам-ташвишлари, фикру қарашлари бошқача. Бу яхши, албатта!

Қишлоқ номи тўғрисида гап кетганда, бобойжону момойжонлар дарров Чилдухтарон тепалигидаги якка тутга урғу беришади. Кимдир, бу тепалик вақти замонида катта боғ бўлган, боғда турли мева-чевалар қатори ширин-шакар тут дарахтлари ҳам экилган, қаҳатчилик йилларида ана шу тутлар қишлоқ аҳлини очарчиликдан қутқарган; боғни парвариш қилган боғбоннинг қазоси етгач, жасади шу тепаликда, боғ ўртасида кўмилган-у, кейинчалик боғ ўрни қабристонга айланиб кетган; ўша тут дарахтларининг бири ҳозир ҳам шамолга бош эгмай, мағрур турибди ва унинг шарафига қишлоқ Якка-тут деб аталади, деса, кўпни кўрганлар: тўғри, тут қадимий, унинг қадимийлигини биздан ўтган тўрт-беш авлод ҳам билган ва тепалик ўшанда ҳам Чилдухтарон деб аталган, дейди.

Яккатутнинг танаси бамисоли метин, адолат туморининг қирқ нафар ҳур қизлари ҳам айнан шу тут атрофида кўмилган; мозорда ер бағирлаб ўсиб ётган гулпечакларни ўша ҳур қизларнинг ер юзида қолиб кетган соч толалари, деб изоҳлашади. Энди бу гапларнинг қай бири тўғрию қай бири уйдирма, худога аён.

Қабристон қишлоқнинг шимолида, ундан чамаси бир ярим-икки тош йўлдан кейин яйлов – чўл бошланади. Тепаликда доира шаклидаги майдонча бор, ундан қишлоқ бор баста билан кўринади. Гарбда саксовулзор: юлғун, каврак, янтоқ ва бошқа наботот билан зийнатланган дала гўё бир тутам гулга ўхшайди; ёбони Қушбегидаги экинлар чўл шамолидан баҳра олиб, офтоб нурига чўмилади. Худди шу ёбон ёқалаб Тентаксой оқиб ўтади, сой сувининг шарқираши бамисоли кўшиқ каби қишлоққача эшитилиб туради.

Қабристон, ундаги ёлғиз тут дарахти билан боғлиқ ривоят то ҳануз тилдан-тилга, авлоддан-авлодга кўчиб юради.



Ривоятдан улги олган Элёр қизиқ бир ҳикоя ёзган, ёмон эмас: кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади, ўртада кўп баҳс-мунозара бўлди. Ўша ҳикоя туман газетасида босилгандан кейин кўпчилик ривоятга чиппа-чин ишонди. Негаки, қишлоқ одамларида, газетага босилган ҳар бир хабар, ҳар бир воқеа ҳақиқатдан йироқ эмас, агар у ҳақиқат бўлмаса, газетага босилмайди, деган тушунча бор.

Элёр – яккатутлик, туман газетасида ишлайди, Жамшид билан синфдош, ҳатто талабаликда битта ҳовлида ижарада яшаб, бир-бири билан қалин жўра бўлиб кетган. Буларнинг Латиф, Усмон деган жўралари ҳам бор, улар ҳам синфдош. Жамшид аслида буларга тўққизинчи синфда Тепақишлоқдаги саккиз йиллик мактабдан келиб қўшилган. Усмон билан Латиф Самарқандни битирган, Жамшид билан Элёр эса Азимкентда ўқиган: бири юрист, бири журналист.

Элёр қишлоқда, Жамшид ўқишни битириб Азимкентда қолиб кетган. Элёр ҳам марказда қолиб ишламоқчи эди-ю, лекин... лекин Яккатутда уни Ойсулув – гўзал Ойсулув кутарди. Элёр учун Ойсулувсиз бу дунё кемтик эди. У Ойсулувни қанчалик яхши кўрса, Яккатутни ҳам шунчалар севарди.

Ойсулув чиндан-да гўзал эди. Қирқ кокил қилиб ўрилган сочларининг ўзи бир ҳусн эди. Ўн олтисида очилди-ку: юз думалоқ, қошлар қалам, ёноқлар чала қизарган гилос; киприклар охуники каби, кўзлар қора эмас, қорая бошлаган қўшалок олча, бурун нозик, сочлар қирмизига ҳам тортадимидей, тусини илғаш қийин; ақиқ лаблар гунча қизлар ичидан топиб олиш осон бўлсин дебми, лаб четида қалам учидек хол; жилмайса кулгичлар бир ҳуснга ўн ҳусн қўшади, қора хол ўн ҳуснни юз чандон оширади.

Бунча чиройли бўлмаса, бу Ойсулув!

Саратоннинг сариқ куни, жиққа пешин.

Ойсулув говмиш излаб далага чиқди-ю, офтоб урди. Элёр ўша куни Рўзиқул тоғасининг полизидан қайтаётган эди,

беҳуш қизни кўриб, қадами сустлашди. Қариялар, иссиқ кунда далада ёлғиз юрма, парилар оғзингни қийшайтириб қўяди, деб болаларни қўрқитишарди. Мана бу ерда ётган қиз ҳам ўша парилардан эмасмикин?

Элёр турган жойида бўйнини чўзиб “пари”га қараркан, на олдинга, на орқага юришни билмай қолди. Тилига калтак тушиб, тош қотди, гўё қимирласа ёки гапирса, пари уйғонади-да, оғзини қийшайтириб қўяди. Лекин у таваккал олдинга қадам босди. Кўрдик, беҳуш ётган пари эмас, парига ўхшаган қиз, юзларида шудринг мисол тер йилтиллайди.

– Э, Ойсулув-ку бу!

Элёр жон ҳалпида чўккалаб унинг юрагига қулоқ тутди: дук-дук уради. Қумарикдан ҳовучида сув олиб келиб юзига сачратди. Қиз бир қалқиб кўзини очди.

– Менга нима бўлди?.. Вой, бошим...

– Бўлди, бўлди, гапирма, Ойсулув!

– Сен... Элёр, сенмисан?

– Менман, Ойсулув... Офтоб урганга ўхшайди сени.

– Бошим айланиб кетяпти.

– Қани, опичла-чи.

– Вой, нега?

– Уйларингга олиб бораман.

– Кўрганлар нима дейди?

– Нима дерди... Қани, бўл тезроқ... Ҳа, ана шундай... кетдик.

Элёр бора-боргунча қиз қалбининг тафтини ҳис этди, ҳис этгани сайин танаси қизиб борди.

Ўша кечаси унинг елкалари лов-лов ёниб чиқди, вужуди аланга ичида қолди. Бу аланга юрагига кўчиб, эрталабгача тўлғанди.

У ишқ домига илинган, Ойсулув номини мангуга қолдириш учун соатлаб шўрлик бошини қотириб шеър тўқишга ҳаракат қиларди. Кунлардан бир кун завқ-шавққа тўлган пай-

тида бу шеърни Ойсулувнинг ўзига берди. Бу шеъри билан Элёр унга олийҳиммат ва мардонавор кўринди. Таассуфки, шеърга ҳожат қолмаган эди. Чунки Ойсулувнинг ҳам қалби аллақачон шод-хуррамликка лиммо-лим тўла эди, Элёр билан учрашганда гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўзини ҳар вақтдагидек тутса-да, хаёли унга томон қочар, қувончини ҳаммадан пинҳон тутар, фақат очилиб-сочилиб, кулиб юрадиган бўлди. У бугун-эрта сири ошкор бўлишини биларди, ўша қувончли онни кутиш унга янада кўпроқ завқ бағишларди. Шу билан бирга хаёлчан, онасининг товушидан чўчийдиган, уйқуси қочадиган, фоний дунёдан чиқиб кетгандек бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган бўлиб қолди. Борлиқ унинг учун янада гўзал тусга кирди. Сувнинг шилдираши, баргнинг шитирлаши, қушнинг нағмаси ҳам унга севгидан эртак айтарди гўё.

Бир куни боғларидаги олма дарахти устида шу томондан кўз узмай ўтирган Элёрни кўриб, унинг ҳамма гапдан хабари борлигига амин бўлди. Эртасига ҳам, индинига ҳам бу ҳол такрорланди.

– Элёр, бу нима қилиқ? – деди Ойсулув мактабдан қайтаётганларида Элёрни яниб. – Қўлга тушсанг, шарманда қиласан-ку одамни.

– Сени кўргим келаверса нима қилай?

– Мактабда кўрганинг камми?

– Кам...

– Қўйвор, жинни, қўлимни оғритиб юбординг... Қилигини-чи? Бўлди, ё олдинлаб кет, ёки орқада қол!..

– Нега?

– Нега?! Уйимизга яқинлашиб қолдик. Онам бизни бирга кўриб қолсалар нима деб ўйлайдилар?

– Севишганлар деб...

Элёр бу гапни болаларча шодланиб айтди.

Ойсулув қизариб кетди, жиннивой, деган сўздан нарига ўтолмади.

Тепакшилоқлик Жамшиднинг ҳам ишқи Ойсулувга тушиди. У худонинг берган куни бир баҳона топиб қизга хушомад қиларди.

Унинг пашшахўрда бўлаётганини Элёр кундан-кунга аниқроқ англай бошлади ва ҳар куни эрталаб уни синф хонасида хавфли душманни кутгандек қарши оларди ва дарсдами, танаффусдами ёки йўлдами Ойсулувга син солиб юришини сезар, унинг адабини бераману шундан кейин тинчийман, деган фикр кўнглини тарк этмай, қулай фурсат келишини пойларди. Одатда бировни жон-дилидан севган йигит ўз муҳаббатини шу тахлит ҳимоя қилади.

Хуллас, Элёр Ойсулудан кўнгли тўқ бўлса ҳам, узоқ вақтгача хотиржам юролмади, рашк ўти уни қийноққа соларди.

Янги йил байрами арафаси, қиш заптига олган, ер оппоқ қорга бурканган, болалар мактаб ҳовлисида қорбўрон ўйнашарди. Жамшид қорни думалоқлаб Ойсулувни мўлжалга олаётганда қаршисида Элёрни кўрди-ю, ўртада муштлашиш бошланиб кетди. Болалар ҳар иккисини ажратиб қўйишди. Синф раҳбари ҳар иккисини доскага чиқариб танбеҳ бераркан, отасига ҳурмат тариқасида кўпроқ Жамшидга ён босиб, Элёрни даккию дашиномларга кўмиб ташлади. Бу айирмачилик Элёрнинг қалбига наштардек санчилди. Фақат ўғрию муттаҳамларни кўпчилик орасида шундай изза қилишарди. Хўш, Элёр ўғрилиқ ёки муттаҳамлик қилдими? Ўкинч ва номусдан унинг вужуди ўт бўлиб ёнди. Ўқитувчининг ҳай-ҳайига қарамай синф хонасидан чиқиб кетди. Ойсулув ҳам бу ноҳақликка чидаёлмай, у ҳам Элёрга эргашди. Бу ҳол Жамшид учун мағлубият эди.

Эртаси куни Жамшид гўё енгилганини тан олиб, кечаги ишидан пушаймон бўлгани, айбдор Элёр эмас, ўзи эканлигини айтиб, узр сўради. Ҳатто Элёрга биринчи бўлиб қўл узатди. Албатта, бу ҳаммани лол қолдирди.

Хўш, унинг бундан кўзлаган мақсади нима эди? Ўзини ҳар қанча ишонтирмасин барибир мутлақо севмайдиган қиз-

нинг севгисига зўрлик билан эришиб бўлмаслигини билса-да, палончининг ўгли бўла туриб, битта қизни ўзига ром қилиб ололмади, деб синфдаги болаларнинг ачиниб ёки масхара қилиб юришларини истамасди. Зимдан уни кўз остига олиб юрган Зубайда деган қиз, болалар Ойсулувни ўз ҳолига қўйса бўларди, ахир унинг тенги эмас-ку, деган гап топиб келганида ҳам кўнгли жойига тушмай, жаҳди чиқди. У бу гапни Зубайда эмас, айнан Элёр тарқатяпти, деб ўйлади. Бир куни жини қўзиб, Элёр билан юзма-юз гаплашмоқчи бўлди, бироқ негадир Элёрни кўриб, бўшашиброқ қолди, чунки Элёр ундан кўра суяги йирикроқ эди. Шундан кейин, у рақибни билан юзма-юз келиб қолмаслик учун, ундан ўзини олиб қочиб юрди, у билан суҳбатлашганда ўзини қанчалик меҳрибон кўрсатмасин, ундан шунчалик газабланарди, имкони топилди дегунча, Ойсулув билан Элёрнинг иноқлигини бузишга ҳаракат қиларди...

Орадан оз эмас, кўп эмас, етти йил ўтди. Элёр билан Ойсулув турмуш қуришди. Жамшид ҳам уйланди, тўйи шаҳарда бўлди. Бу тўйни кўриш учун шаҳар эмас, қишлоқ – айтилган, айтилмаган ҳамма ёпирилиб борди. Қишлоқ одамлари тўйни – дастурхонда нималар борлигию базмга нечта таниқли хонанда келганини, келин-куёвга тушган совға-саломларни ўз кўзлари билан кўришга ишқибоз эди, чунки улар шаҳар тўйлари ҳақидаги миш-мишларга ишонмай қўйишганди, муболаға деб билишарди. Тўйнинг дабдабасини кўриб оғизлари ланг бўлди ва ланг оғизлар қарийб бир йилгача ёпиламай юрди.

Жамшид қишлоққа келган куни кўк юзини булут қоплаб, ҳавода ҳарир парда – сув заррачалари пайдо бўлди, чақмоқ чақнаб лой шувоқ уйларни зириллатди, кетидан ёмғир ташлади. Бирпасда ҳаммаёқ шалаббога айланди.

Ёмғир тингач, осмон қўрғошин тусига кириб, кечгача қовоғини очмади. Чўл тарафдан сузиб келаётган янги булутлар кун юзига парда ташлаб турди, устига-устак шамол қўзғалиб, дов-дарахтнинг қовурғасини қисирлатди.

Жамшид атайин эмас, Мулқободга хизмат сафари билан келган, баҳонада қишлоққа ҳам кириб ўтмоқчи эди. Бундан хабар топган Элёр, меҳмон бўлмасанг, дўстликни йиғиштирамиз, деб унинг лафзини олди ва уйига кела солиб хотини Ойсулувга оғиз солганида, аёлнинг ташвиши ортди, эрининг бемаслаҳат меҳмон чақириб қўйганидан бир оз хафа бўлди, шунақа ниятингиз бор экан, бир кун бурун айтсангиз бўларди-ку, деб таъна қилди. Бу унинг меҳмон кутиш ёки меҳмонни ёқтирмаслигидан эмас, аксинча, бунинг бошқа бир сабаби бор эди. Бундан Элёрнинг хабари йўқ эди. Дўстларнинг ўртасига совуқчилик тушмасин учун Ойсулув ўша сабабни ҳозирга қадар сир тутиб келарди. Унинг айна дамдаги таънаси ана шундан, жини суймаган одамнинг уйига меҳмон бўлиб келаётганидан эди.

– Ҳозир Қумрабодта экан. Хизмат сафари билан келган эдим, дейди. Индинга қайтармиш, – деди Элёр хурсандчилик билан. – Аввал вақтим тигиз деб хўп саркашлик қилди, зўрға кўндирдим.

– Ўзининг меҳмон бўлгиси йўқ эканми? Қалай кўнибди?

Элёр хотинининг гапига эътибор бермай, давом этди:

– Эсингдами, бултур Рўзиқул тоғамни Азимкентга, дўхтирга кўрсатгани олиб борганимда Жамшид бизларни меҳмонга чақириб, роса сийлаган. Бунинг сенга айтгандим-ку... Энди шу қарзни узмасак уят ахир, Ойсулув...

Лекин Ойсулув бу хабарни эшитишни истамас, эрининг бир қарорга келганини билса ҳам, бир нарсадан чўчигандай юраги пўкиллаб, худди ўғрилиқ устида қўлга тушган одамдай ғалати бўлиб кетди. Элёр бунинг сабабини сўраганида:

– Ҳеч нарса, ўзим шундай, – деди, сўнг вазиятдан чиқиб кетиш учун, – меҳмон келишига қарши эмасман, лекин меҳмондорчилик бора-бора бўйинга тушадиган қарзга айланса, меҳр-оқибат қайда қолади, демоқчи эдим, – деди Элёрнинг чеҳрасига боқиб. Яна нимадир демоқчи ҳам бўлди, эри ажиб

нигоҳлар билан ўзига қараб турганини кўргач, фикридан қайтиб, кўзларини ерга тикди. Бор гапни гапириб бермоқчи бўлди, лекин ҳаммаси ичида қолиб кетди. У бир оз аввал хурсанд эди, бу хурсандликка ғайритабиий қўрқинч ва уят ҳислари аралашиб, пировардида юзидаги кулги ғам билан алмашинди.

Элёр унга бир назар ташлади-ю, алланечук бўлиб кетди, лекин у кўнглини чулғаб олган хаёлларга сабр билан қаршилик кўрсатди.

– Қарз деганим шунчаки даромади гап эди, сен буни тескари бурма, – деб кулди. – Мен битта ўқ билан иккита қуённи урмоқчи бўлиб турибман. Китобим чиққандан бери, қачон ювасан, деб Латиф билан Усмон ҳам бошимни қотириб юриб эди. Жамшиднинг келиши баҳонасида уларнинг оғзини бекитай, деб ҳаммасини бир йўла меҳмонга чақирдим. Узоғи билан беш-олти кишилик дастурхон тузасак, бир ташвишдан қутуламиз.

Латиф билан Усмоннинг ҳам келишини эшитиб, Ойсулув ён берди. Бу тадбирни амалга ошириш учун эр-хотин ўртасида махсус бир таомнома тузиладиган бўлди.

Ойсулув пишир-куйдирга уста. Уйига меҳмон келса борми, дастурхонни тўлдириб ташларди.

Таомнома тузилаётганда у аввалгига қараганда анчагина очилган, кўриниши яхши эди. Бироқ Элёрнинг: “Меҳмоннинг оёғи остига қўрадаги қўйни сўйиб юборсак, нима дейсан?” деган таклифидан кейин алланечук бўлиб кетди:

– Қувондиқнинг туғилган кунига аталган қўйни-я?!

– Ҳа, нима, Қувондиқнинг туғилган кунига ҳали бор, унгача бошқасини оламиз. Шунга ҳам ота гўри – қозихонами!

– Вой-вой, бу нима деганингиз? – бирдан Ойсулувнинг феъли айниди. – Бўлмайдими-э! Атаб қўйилган жонлиқни бошқа маъракага сўймайди. Шунга биласизми?.. Йўқ, мен бунга мутлақо қаршиман! Қўй сўйиш ниятингиз бўлса, ана, бозорга боринг-да, бошқасини олиб келинг.

– Ҳали шунга ҳам аччигинг чиқдими? Мен ҳолвайтарга туз солса қанақа бўлади, демоқчи эдим. Бўпти, сени айтганинг бўла қолсин... Майли, дастурхонни йигиштириб ол-чи, кейин бафуржа маслаҳатлашамиз.

Ойсулув дастурхондаги коса-товоқларни ошхонага олиб чиққанида ҳовли сутдек ойдин, ёқимли шабада эсар, кўкда яккам-дуккам юлдузлар живаланар, нимжонгина ой гоҳ кўриниб, гоҳ булутлар орасига кириб кетар эди. Гарчи ҳавонинг захри этни жунжиктирса-да, шабада кўнгилни яйратар, ёмғирдан кейинги райҳоннинг ҳиди димоғини қитиқлар, ташқаридаги хира чироқ нури дарахтлар баргида жилваланиши хаёлини чалғитар эди. Ойсулув худди театрининг қоронғи залида ўтириб, ёруғ сахнадаги томошани кўраётгандек ҳис этарди ўзини. Унинг табиати безовта ва изтиробли бўлиб, гул баргида титраб турган шабнам томчисига ўхшарди. “Қани энди “меҳмон”нинг кейинги қилиқларини эримга айтиб, ўкириб-ўкириб йиғласам, гуноҳларим кўз ёшларим билан ювлиб кетармиди, деди ўзига ўзи. Лекин эри бу савдони қандай қабул қилар экан? Шу савол уни қийнади.

Ойсулув Мулкободдаги педагогика техникумида ўқиб юрганида Элёрга хат ёзиб турарди. Жамшид билан Элёр бошқа-бошқа институтда ўқишса-да, битта ижара уйда туришарди. Ойсулув ҳар сафар Элёрга, менинг хатларимни Жамшидга зинҳор кўрсатма, деб ёзса-да, Жамшид унинг мактубларидан воқиф бўларди.

Нима бўлди-ю, Жамшид Элёрдан яширин Ойсулувга хат ёзди. Элёр хатларини шундай мулойим сўзлар билан бошлардики, гўё Ойсулув шиша каби мўрт нарса-ю, қўл тегар-тегмас чил-чил бўлиб синиб кетадигандай, эҳтиёт бўлиб ёзарди. Жамшид эса, биринчи хатининг ўзида, изҳори дил қилиб юборди. Хатни ўқиб қиз шу қадар довдирадидики, “бу бола Элёр билан бирга яшаса-да, нима учун унинг юзига оёқ босиб, хоинларча менга хат ёзади? Нима, Элёрнинг бундан



хабари бормикан?” деб хафа бўлди ва ўпкаси тўлиб, изтироб билан “хомтама бўлманг, ўла қолсам ҳам Элёрдан бошқасини демайман”, деган мазмунда раддия ёзди.

Жамшид раддияга кўнмади.

Ойсулув билан Элёрнинг муносабатларини била-кўра туриб, ота-онасига, “Мен Ойсулувни севаман, у ҳам мени севади, кечаги хатида “уйимга совчи юбор” деб ёзибди. Тезроқ совчи юборинглар”, деган мазмунда хат ёзди. “Ошиқ”нинг ота-онаси, келиб-келиб етимни келин қиламизми, деб аввалига қарши чиқишди, кейин ўғилларининг кўнгли учун Ойсулувларнинг уйига совчи юборишди, лекин муродлари ҳосил бўлмади. Бу, албатта, ота-онанинг кўнгли тагидаги гап бўлди-ю, лекин яна бир марта Жамшиднинг “шоҳ”и синиб, аламини қўзғади ва узоқ вақт Ойсулувнинг жавоби унинг эсидан чиқмади, қулоғи тагида ҳар куни янграйверди. Гарчи рад этилган севгининг маъносини тушунса ҳам, умидвор бўлаверди ва бу умид унинг дилига тобора сингиб бораверди. Ҳатто Ойсулув Элёрга турмушга чиққандан кейин ҳам унинг олдига келишни қанда қилмади. Қизнинг шаҳло кўзларига тикилганида ўзини йўқотиб, нима қилаётганини билмай қолар, бироқ ҳар сафар Ойсулувнинг рад жавобини эшитиб, ич-ичидан зил кетарди.

– Нима қиласан Элёрни, бошингга урасанми, – деди бошқа сафар келганида, – бировнинг қўлидан ем еб катта бўлган, ҳеч вақоси йўқ.

– Нима истайсиз ўзи мендан? – деб сўради Ойсулув.

– Юрагимни сенинг қўлингга топширмоқчиман.

– Бу нима деганингиз?

– Меники бўл, деяпман.

– Менинг юрагим сизники бўлолмайди.

– Аммо мен ҳам сени жон-дилимдан севаман. Сени илк кўрган чоғимдан суратингни дилимга жойлаб олганман.

– Йўқ, мен фақат ўз севган ёримники бўламан.

– Ахир ёлгиз муҳаббат билан кун кўриб бўларканми? Оёқда маҳкам туриш учун бойлик керак. Ўша бойлик эса менда бор: маликалардай яшайсан!

– Йўлингиздан қолманг ва иккинчи марта бу ёққа келманг...

Ойсулув дунёни бошига кўтариб қичқиргиси келди-ю, андишага борди, шовқин-сурон билан ўзимни-ўзим шарманда қиламан, деб шайтонга ҳай берди. Жамшидда эса, унинг кўз ёшини кўргани на кўз ва на оҳу зорини эшитишга қулоқ бор эди. Энг ёмони, у уйланиб ҳам Ойсулувни тинч қўймади. “Хотинимга кўнглим йўқ, барибир бир куни сенга уйланаман”, деб катта-катта ваъдалар билан эски лапагини айлантирди. Ойсулув бунга парво қилмади, чунки Жамшиднинг гап-сўзида тарозининг палласини босадиган мулоҳаза, маъно-мазмун йўқ эди, фақат у битта нарсадан чўчирди: гап Элёрнинг қулоғига етиб боришидан, эл ичида миш-миш бўлишдан хавотирланар ва шу билан бирга ҳеч кимнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қиларди.

Жамшид дил розларини бас қилмади, унинг қилиқлари Ойсулувнинг меъдасига тегди. Назарида бу унинг қалбидаги пок туйғуга доғ тушираётгандек туюлди. Ахир у бу туйғуни фақат Элёр учун пок сақлаб келган ва унга, дўстинг ҳол-жонимга қўймаяпти, деб очик эътироф этмоқчи бўлди-ю, бундай эътироф унинг дилига озор етказишини ўйлаб, чурқ этиб оғиз очмай, илойим, охири бахайр бўлсин-да, деб қўйди. Ҳозир шундай йўл тутгани учун ўзини койиб ўтирибди. Агар ўшанда Элёрнинг қўли билан бу можароларга зарба берганида, бугун ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирмасди.

Ойсулув ўша кунларни ёдга олар экан, бир қадар довдираб қолдики, эртага Жамшид билан юзма-юз келганида қандай йўл тутишини, унга нима дейишини билмай боши қотди. Бироқ ҳушини бошига тўплаб олганида бирдан қаршисида беписандларча тиржайиб, мендан қочиб қутулолмайсан,

уйингга ҳам бостириб келавераман, деб турган Жамшид пайдо бўлди-ю, унинг безбетлигидан ёзгириб, кўнгли озди, беихтиёр қўлларини мушт қилиб, жўна, уятсиз, йўқол ярамас, деган сўзлар оғзидан чиқиб кетаркан, ўз овозидан ўзи чўчиб, ён-верига аланглаб қаради.

У ошхонадан қайтганида, Элёр уни шу сўзлар билан кутиб олди:

– Ўйлаб кўрсам, ҳақ экансан, гап бўлиши мумкин эмас, мулоҳазаларинг тўғри, қўрадаги қўйга тегмаймиз.

Ойсулув, бу кўнгил учун гапиряпти, деб айтмаса ҳам, эрининг кўнглидаги гапни билди ва, Элёр билан Жамшиднинг орасида ер билан осмонча фарқ бор, бири осмон – бири ер, деган фикр хаёлидан кечди. Элёр билан севишмасидан олдин хаёлига келган бу фикр ҳозир қатъий ишончга айланди.

– Ўзи, меҳмон келиши аниқми? – деб сўради жўрттага.

– Келади, кўнглим белги бериб турибди. Ўзинг нима деб ўйлайсан?

Ойсулув гапни чувалаштирмай, ёлгондака таъна билан, бўлмаса-чи, деб қўйди. Агар терс жавоб берса, эрининг жаҳли чиқади: нега бунақасан, меҳмон келса, ўзингни қўярга жой тополмай, оёғинг олти, қўлинг етти бўларди, бугун шаштинг паст, бунга бирор сабаб борми, деб сўраса, нима деб жавоб беради, қанақа важ кўрсатади?

– Чой ҳам қайнагандир, дамлаб келай.

Ойсулув чой дамлаб келди. Чой ичиб туриб ҳам, чуғур-чуғурлари бир дам бўлсин тинмади, ҳар қайсиси қизиқроқ гап айтиб, бошқасининг фикрини чалгитишга уринарди. Сухбат мавзуси тез-тез ўзгариб турди. Меҳмон баҳона ёшликлариди бўлиб ўтган барча воқеаларни бирпасда гапириб бўлишди. Бу вақт ичида Ойсулув роса ўз ёғига ўзи қоврилиб, ҳар хил гумонлар қалбини поралаб турди. Гоҳ бор гапни айтмай ёмон иш қилдимми, деб ўзини айблар, гоҳ нега шуни меҳмонга чақирди, деб Элёрни койир эди.

– Хўш, эртага нима қиласан энди? – деб сўради Элёр.

Ойсулувнинг юраги шиг этиб кетди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, муғамбирона кулди:

– Нима қилишим керак?

– Ана холос, шунча гапни кимга айтдим. Эртанги зиёфат ҳақида гапираётибман. Қайси бир супер овқатингни тайёрламоқчисан? Меҳмон кўп, ўзинг эплайсанми ёки синглингни чақирасанми? Ҳарна, Қувондиққа қараб турса ҳам катта ёрдам. Бола қўлингни боғлаб қўймасин, дейман-да.

– Синглимни мактаби бор-ку. Гап болада бўлса, ана Дилиш янгани чақираман, жон деб қарашади... – деди Ойсулув ва бирдан таъби намозшом бўлиб, меҳмон билан мактаб ўртасидаги фарқни чамалаб чиқди. – Айтгандай, эртага тўрт соат дарсим бор, меҳмон кутаман деб гап эшитмай тагин. Чорак якуни бўлса, давомат, текшир-текшир... гап тегмасин, дейман...

Элёр бир муддат жим бўлиб қолди. Кейин қўлини кўксида чалмаштириб, унга диққат билан разм солди.

– Биласанми, Ойсулув, сен мени хафа қиляпсан, ўлай агар, хафа қиляпсан. Қани айт-чи, ниманинг ташвишини қиляпсан ўзи!

– Мактабга чиқмасам бўлмайди, гап шу.

– Ҳали шуни муаммо қиляпсанми? Қўй-е, шуям гап бўлдими? Одамда истак бўлса, имкон топилади. Бир оғиз директорга вазиятни тушунтирсанг, йўқ демас. Бирови ўрнингга дарс ўтса, зарур бўлганда сен унинг дарсини ўтиб берасан. Жўраларим олдида мени уятли қилма энди. Ҳар куни меҳмонга келишяптими!

Ойсулув эридаги ўзгаришни дарҳол пайқаб, ён бергиси келди:

– Эрта нима ўзи?

– Нима эди?... Чоршанба!

– Чоршанба?.. Эсим курсин, – яна чалғиди Ойсулув, – эртага онамни кўргани бормоқчи эдим-ку, паққос унутганимни қаранг! Ахир, бу ҳақда кеча ўзингизга ҳам айтган эдим. Бир ойдан бери ётган жойлари, қиз бўлиб бир хабар олмасам, қандай одам бўламан?

Элёр гапни бошқа ёққа буриш учун:

– Барака топ-э, шанба куни, дегансан, – деди тўнғиллаб. – Нега бунақа қиялсан: у десам бу дейсан, бу десам у дейсан, сени тушунолмай қолдим. Ўша меҳмон бегона эмас, сенга ҳам синфдош бўлади... Обрў бўлади, ахир. Эртани ўтказиб олайлик, онангни кўргани бирга борамиз, маъқулми?

Ойсулув гап айланиб кўнгилисизликка тақалишини сезиб:

– Туринг, шунча баҳслашганимиз етар, эртагаям қолсин, – деди ўрнидан туриб. – Эрта бўлаверсин-чи, бир гап бўлар. Меҳмоннинг ҳам ризқини Ўзи берар... Жуда тиқилинч эмасдир...

Ойсулув тикан устида ётгандек тун бўйи тўлғаниб чиқди. Жамшиднинг ташрифи унинг фикрларини тўзғитиб, ҳар ёққа сочиб юборди. У ёруғликдан безгандек чироқни ўчирди, чунки қоронғида истаганча ўйлаш, хаёл суриш мумкин эди.

Меҳмон ҳозир кириб келадигандай эшикнинг гижирлашини пойлаб ётди, азбаройи толиққанидан мияси ғовлаб, тонггача миужа қоқмади.

Тонгга яқин бир оз мизғиб олди. Узоқ ётиб қолган бемордек бошини кўтарганида оппоқ тонг хонани ёритиб турар, Элёрнинг эса қораси кўринмас эди.

Ойсулув меҳмондорчиликни тўхтатиш учун яна бир баҳона топиб, эрини кўндирмоқчи бўлди-ю, тез фикридан қайтди. Агар яна битта ортиқча гап қилсам, эримнинг мендан бутунлай кўнгли қолади, деб қўрқди. Лекин барибир ичида бир ҳадик бор эди: назарида Жамшид уни шармандан шармисор қилиш учун келаётгандай туюлди. Унинг қўлидан бу иш келади ва бу ўлимдан ҳам даҳшатли эди.

Хуллас, ана шу ҳадик унга тинчлик бермаса-да, эрининг шаштидан қайтармоқчи эмас. Нима қилади унинг хурсандчилигини бузиб?

Ким билсин, эҳтимол элдан бурун маҳобат қилаётгандир?

## 2

Танҳонинг совуққонлиги Жамшиднинг умидларини пучга чиқарди. Турмуш қурганларига бир ой ҳам тўлмай, янги келин-куёвнинг ўртасида яқинликдан кўра, алақандай илғаб бўлмас тўсиқ пайдо бўла бошлади. Келинчак биринчи кундан бошлаб тунд бўлиб қолган, куёвнинг мулойим гапирганига қарамай, унга юрагини очмай қўйди. Унинг муомаласидаги совуқликни кўриб, куёвнинг ҳам нафаси ичига тушиб қолди. Бироқ куёвга ёмон таъсир қилган жойи шу бўлдики, келиннинг ота-онаси, айниқса, отаси қизини мажбурлаб эрга беришганини айтишмади, ваҳоланки, куёв, шу қизга уйланаман, деб ўлиб турган жойи йўқ эди. Иккисининг ўртасида кўринмас парда қалинлашиб борган сари, бир-биридан узоқлашиб, бегоналашиб бораверди. Бир ёстиққа бош қўйиб ётсалар ҳам ўртада илиқлик йўқ: Танҳо тескари ўгирилиб оларди-да, ишқнинг дастлабки онларини эслаб, ўша ширин хотираларга берилганча ухлаб қолар, Жамшид бўлса, Ойсулугга қасдма-қасд бориб, оқибатда нима иш қилиб қўйганини ўйлаб, уйқуси қочар, қўлларини бошининг тагига қўйганча зим-зиё хонада ой шуъласи жилва ураётган қандилга тикилганча хаёл сурарди.

Жамшид хаёлларига фарқ бўлган кўйи бундан бир-икки йил олдин бу хонадонга келиб-кетиб юрган дамларини эслади. У шунчаки ўз ихтиёри билан эмас, отасининг қистови билан келарди бу ерга. Отаси бўлажак қайнатаси Рамазон Наим билан яқин, қолаверса, ҳамқишлоқ дўстлар эди. Шунга отаси, дўстимникига бориб тур, деб қаттиқ тайинларди.

Отамнинг гапи ерда қолмасин, деб мажбур келиб-кетарди. Ўшанда Жамшид талаба, университетнинг охириги босқичида ўқирди. У келган куни Рамазон Наим, кел, ҳамқишлоқ, дея бағрига босиб, сийларди. Дастурхон атрофида ўтирганларида, Танҳонинг юзига қарашга журъат қилолмай, тили йўқ одамдай жимгина ўтиргани ўтирган эди. Унинг бу зайлда ўтириши қизи тушмагурнинг кўзига қовушиқсиз кўриниб, гашини келтирар ва Дониёрни ундан устун кўриб, илтифот ҳам кўрсатмай, отасининг ўқрайиб қош чимиришларига эътибор бермай, бу бола бизникига бунча келаверади, деб шарт туриб хонадан чиқиб кетарди. Қизининг бу қилигидан Кибриё хоним изза тортиб, бу шунақа эрка, эътибор берма, ўғлим, деб Жамшиднинг кўнглини кўтараркан, қизининг номидан узр сўраб кўярди. Ўшанда Жамшид, бу қиз нега бунча димоғдор, арпасини хом ўрибманми, ёки унинг турқини кўргани келибманми бу ерга, деб жаҳди чиқарди. Кейин ўзига-ўзи, иккинчи бор келмайман, деб сўз берса-да, барибир отаси қишлоқдан туриб, қисталанг қилишини қўймасди ва яна шу қизга рўбарў келишга мажбур бўларди. Ким ўйлабди, орадан бир йил ўтиб, Танҳога уйланишини?

Жамшид бошини кўтарганда дераза оқариб, хона қуёшнинг заррин нурлари билан чароғон эди. У эринибгина ўрнидан турди-да, имиллаганча кийинна бошлади. Қачон кўзи илинганини билмайди, ҳозир боши ари уясидек гувуллайди, хайриятки, ёнида Танҳо йўқ, унинг қачон чиқиб кетганини ҳам билмайди. Кийиниб бўлгунча зора фикрларим равшан тортса, деб имиллашда давом этди. Айни дамда кийинаяптими ёки бошқа иш билан машғулми, бунинг аҳамияти йўқ эди унга. Кийиниб бўлганидан кейин ҳам бошининг гувуллаши тинай демасди.

Хонанинг осуда ва салқинлиги унинг ёлғизликка бўлган истагини оширарди. У ваннахонада ювиниб-тарангач, секин ошхонага ўтди, у ерда ҳам хотинини кўрмади, кўрмагани яна-

да яхши бўлди, кўрса дарди баттар зўрарди. Лекин бахтга қарши ошхонада қайнатаси ўтирар, пишиллаганча қовурилган товук гўштини иштаҳа билан чайнади. Жамшид иштаҳаси бўғилгандай, орқасига қайтмоқчи бўлган эди, қайната бошини кўтармай, тўхта, деди. У ноилож тўхтади.

Қайната ёғланган лаб-даҳанини арта туриб, оёғи билан табуреткани нари суриб, мана бу ерга ўтир-чи, деди. Унинг қиёфаси анча жиддий, ҳозир айтиши керак бўлган гапини анчадан бери ўйлаб юргандек, муштига йўталиб олиб:

– Хотинлар йўқлигида гаплашиб олсак, ўғлим, – деди салмоқлаб. – Мана, бир йилдан бери битта оиламиз, бошида сени куёв эмас, ўғлим деганман. Танҳо яккаю яғонам, унинг бир марта кулганига боримни бераман! Ҳали ёшсизлар, қизиққонсизлар, буни турмуш дейдилар, ораларингда сантак-мантак гаплар ўтиши тайин. Бу пайтда биттанг оғир бўл, сабр қил, шунда ҳаммаси силлиққина ўтиб кетади. Энди, биз катталар сизларга шу ўғитни бермасак, ким беради, хўш? Бегона бермайди, кўни-қўшни томошабин, уруғ-аймоқ узоқда... Ақлингни йиғ, кўнглингни хотиржам қил, бу ҳовли-жой бус-бутунича сенларники, биз чолу кампир сизларга ижарачимиз, ўғлим. – Жамшид бир нима демоқчи бўлган эди, қайната унинг шаштини кесиб, гапиргани изн бермай, елкасига қўл ташлади. Жамшиднинг бўйи ўзиникидан баланд эмасми, назарида, куёви унга тик қараётгандек туюлди, аслида куёв унга эмас, ўзининг тиззасига қараётган эди. – Сен гапни охиригача эшит, гапинг бўлса кейин айтасан, – деди у босиқлик билан. – Биз ҳам куёв танлашни биламиз. Сен қадрдон ўртоғимнинг ўғлисан, демак, менга ҳам ўғилсан. Ўғил ҳеч қачон отанинг гапини бўлмаслиги, уни охиригача эшитиши, қилган ҳар бир насиҳатини қулоғига қўрғошиндек қўйиб олиши ва уни қонун деб қабул этиши шарт! Ота-болаликнинг бор ҳикмати ҳам шунда. Мени яхши биласан, бу шаҳарда ўзимга яраша обрў-эътиборим бор. Сенинг эндиги бу юриш-туришинг,



кўпчилик орасида ўзингни тутишинг каминанинг мавқенга муносиб бўлиши керак. Одамлар энди сени шунчаки Жамшид Зарипов эмас, Рамазон Наимнинг куёви деб билади. Бунинг ўзига яраша масъулияти бор, буни ҳар босган қадмингда ҳис этиб туришинг даркор.

– Дада, ёш бола эмасман-ку...

– Барибир-да, бу гапни айтиб қўйиш оталик бурчим, ахир! Ҳа, айтгандай, ишингни гаплашиб қўйдим, етар шунча терговчи бўлиб юрганинг, кўтарилишинг керак. Замон тезкор ва бешафқат, одам ўз мавқени сақлаб туриш учун унга мансаб ёрдам бера олади. Мен бор эканман, ўша мансабга ўтирасан. Шундай экан, эндиги айтар сўзингни ўйлаб гапир. Ота ҳеч қачон боласини ёмон йўлга бошламайди. Бу ёғига нима десам, шунга кўнасан, таомил шунақа.

– Мен бир нима деяпманми, дада? Сиз нима десангиз шу!

Рамазон Наим пихини ёрган одам, у бекорга ёки бекорчиликдан гапирмайди, гапирса, гапи ерда қолишини ёмон кўради. Унга Худо яккаю ягона қиз бериб, ўғилга зор этди. Астойдил сўрасанг, худо бераркан. Унга ўша ўғилни берди, бу – куёв эди. Омадга қарангки, куёв-ўғил оёғи остидан чиқди. Уйига келиб турадиган дўсти Холмурод Зарифнинг ўғлини куёвликка танлади. Қизи, суйганим бор, деб кўп хархаша қилди. Ким экан у суйгани, деб суриштирса, ўзининг қўлида ишлайдиган шогирди Дониёр экан. Бўлмайди, деб қизининг йўқ дейишига қарамай: отанг ким – ошқовоқ; онанг ким – носқовоқ, сенга ким қўйибди нозу фироқни, деб бир ой ичида тўйни ўтказиб юборди.

Ўшанда Жамшиднинг севги бобида омади чопмай, гарангиб юрган пайтлари эмасми, қармоғига осонгина илинди. Жамшид шундан кейин, тақдирга тан бердим, деб турганида, Танҳонинг ҳам қусури борлиги маълум бўлди. Унинг ҳам суйгани борлигини билиб қолди. Унинг тўйдан кейинги инжиқлигининг сабаби ҳам шу экан. Бироқ минг афсуски,

ғишт қолипидан кўчган эди. Ўзи мактабдаям, талабаликдаям, йўллари айро тушгандаям у Ойсулув ҳақида ўйламаган бир куни йўқ эди. Мана уйландим, пешанамга ёзилган шу экан, энди уни унутаман, деб ўзига-ўзи таскин бериб турганида Танҳо дард устига чипқон бўлиб, эски дарди қайталанди, яна хаёли Ойсулувга қочиб, Танҳо ҳам, қайнатасининг ваъда-вафоси ҳам кўзига кўринмай қолди.

Агар кўнгилсизлигини демаса, Танҳо ёмон эмасди: она-сидан гўзал қоматни, отасидан катта-катта кўзларни наслан олган, аммо бу кўзлардан бепарқлик ва совуқлик уфуриб туришини ширин сўз билан ифодалаш қийин. Шу билан бирга рўзғор ишларига ҳам уқуви йўқ, ҳамиша онасининг маҳоратига суянар, онасисиз ҳеч бир рўзғор ишига қўл урмайди. Кун бўйи уйда ўтириб, мусиқа тинглайди, китоб варақлайди, бўлак ишга рағбат билдирмайди. Кўп ўқимасди, ўқийдиганлари ҳам енгил-елпи – сурати бору сийрати йўқ китоблар эди. Начора, бир нима қилиб вақтни ўлдириши керак-ку. Тўғри, кейинги пайтларда китоб ўқишдан кўра, хаёл суришни одат қилиб олди. У меҳр тафти билан эрини иситиб, ўзига ром эта олиши мумкин, аммо илк севги дарди бунга изн бермайди. Унинг бу дардини Кибриё хоним ҳам билади, билгани учун ҳам посангини тўғирлаб, қизи билан куёвининг кўнглига бирдек қарашга интилади.

– Бундан ортиқ яна қанақа бахт керак сенга?! – деди бир куни она. – Бекорчи хаёлларингни йиғиштир! Умид боғлаганинг – энди йўқ, у ҳам жойини топиб кетгандир. Қайтиб келган тақдирида ҳам, отанг унга рўйхушлик бермайди.

– Бахтмиш-а? Шу ҳам бахтми? – деди Танҳо лабини чўччайтириб. У бунақа насиҳатларни хўп эшитгани учун онасига терсайиб, насиҳатни қулоққа илмасди. Илк севгисини унутиб, Жамшид билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишига кўзи ҳам етмасди, тасаввурига ҳам сиғдиrolмасди.

– Бахт бўлмаса, нима бу ахир!

– Нима қил дейсиз? Қачонгача қийналиб яшайман? Мени ҳам ўйлайсизларми бундоқ? Болали бўлсанг кўникиб кетасан, бола бахтингга кавшар бўлади, дегандингиз, қани ўша кавшар?!

– Бирга ўтмасанг, бола осмондан тушадими? Ўзинг айбдорсан!

– Севгисиз турмуш турмушми, нега тушунмайсизлар!

– Бир гап айтсам, севги деб оғзимга урасан! Мен тушунмайман: ўша шўртумшукнинг нимасини яхши кўрасан ўзи? Ўзимдан қиёс, отангни фақат чимилдиқда кўрганман, лекин шу кунгача бинойидай яшаб келяпмиз-ку, мана! Болага келсак, ҳали ёшсизлар, этакларинг тўла бола, худо уни ҳам беради бир куни, фақат меҳр-муҳаббат керак, холос.

Танҳо учун бу гаплар карнинг қулоғига азон айтгандай таъсирсиз эди.

– Ўша шўртумшук бегона эмас, шогирди эди-ку! Билмадим, унинг нимаси ёқмади отамга? Мохов, кар ёки кўр бўлмаса, нимаси ёмон эди? Топиш-тутишими? Нима, отам пулни ердан супуриб оладими? У ҳам бир кун келиб йўлини топиб кетарди. Ёки қайсарлиги ёқмадими? Ўт тутунсиз, йигит қусурсиз бўлмас, деган сизмидингиз? Тўғриси, отам уни етим деди, бошини силашга бўйни ёр бермади. Ҳамма қусур ана шунда.

– Бунча отангни айбламасанг, сенинг бахтингни деб шундай қилди!

– Отам ҳам ўзича қайсар, яккаю ягона қизининг бахтини ўйласа, шунақа йўл тутадими?! Унга менинг бахтим эмас, қуруқ жасадим керак бўлган.

Она қизининг сўзини босиб тушди:

– Оғзингни юм! Бунча нолийсан, эрингни нимаси ёмон?

– Уни ким ёмон деяпти?

– Ёмон бўлмаса, нега бунча ёзғирасан?

– Тўғрисини айтсам, унинг кўнглида ҳам бошқа биров бор экан. Қишлоққа серқатновлиги ҳам шундан.

– Бу гапни қаердан топдинг? Ўзи, ҳамма бало сенда, эрингни айбламай қўяқол. Онам ҳеч нарсани билмайди, десанг, адашасан. Ер остида илон қимирласа сезаман-а! Ўз манфаатингни, деб бировни ёмон отлик қилиш уят. Мен куёвни яхши биламан, уйим-жойим дейди. Сен сабр қил, сабрнинг ости сариқ олтин.

– Сабр, сабр дейсиз, сабрнинг ҳам чегараси бордир?

– Уни-бунни қўй, кеча қаерга бординг?

– Нуриянинг туғилган кунига.

– Бир йилда неча марта туғилади у қанжиқ?

– Нега уни ёмон кўрасиз, арпангизни хом ўрганми?

– Оёқ олиши бежо. Ўшани деб бахтингдан айрилмасанг гўргайди. Ҳали бир пушаймон бўласан, жойига тушмайди. Биламан, ўша ақл бўляпти сенга. Эримнинг кўнглида бошқа биров бор, дейсан, ўша биров Нуриянинг ўзи бўлмасин тагин, кўзингни каттароқ оч, ҳой қиз. Унинг гапларига кўпам ишонаверма.

– Қўйинг шу гийбатчиларнинг гапини.

– Бунинг нимаси гийбат экан? Онангдан кўра, ўшанга кўпроқ ишонасан. Бошингда эринг бор, бунақа питбилдиқ отиб юришинг уят. Ўша мегажинга камроқ яқинлашсанг, ана у гўрсўхтани ҳам тезроқ унутасан.

– Қани энди уни унута олсам?!

– Унутасан! Вақт шамоли ҳар қандай оловни ўчиради.

– Ўчирилмаса-чи? Ахир, бодом эрта гулагани билан кеч мева беради.

– Бир куни севги совийди, шамол унинг кулини эрингга қараб учиради. Қарабсанки, ҳаммаси изига тушиб кетади.

– Қўйинг, мен барибир...

– Хўп, ана, ажрашдинглар ҳам дейлик, кейин нима қилмоқчисан? Сарқит бўлмоқчимисан?! Пиёланинг тагидаги шамадек туссиз нарсани оғзига олармиди? Ҳечам-да! Бировдан қолган сарқит қорин оғритади. Ғурур борми сен қизда?

Ниманики хор этсанг, бир кун ўша нарсага зор бўласан! Буни танангга яхшилаб ўйлаб кўр!..

Инсон идрокининг ғалати хусусияти борки, хаёллари баъзан уни ўз ихтиёридан ташқарига, олис-олисларга бошлаб кетади. Танҳо баъзан шу кўйга тушганида, болалигини эслайди. Унинг болалиги қишлоқда кечган. Кенг далалар, табиатга ошуфталик, қалби тоза, содда қишлоқ одамлари. Уларнинг ҳовлиси қирга чиқиб қараганда қишлоқдаги бошқа ҳовлилардан ажралиб турарди. Негаки, бошқа ҳовлилар гувала деворли, бир-бирига ўхшаган лой сувоқ томли уйлар эди. Уйлари унинг тунука томи қуёшда кўзни қамаштирар, атрофидаги бўйдор тераклар шамолда ҳилпираб турган алвонни эслатар; ҳовли ичи чоғроққина боғча эди. Супадаги катта ўрик остида ёғоч чорпоя, чорпояда дугоналари билан дарс қилар, ўйнар, уришар ва яна ярашарди. Қандай беғубор дамлар эди!

Ота-онаси бу ёққа кўчиб келганида у институтнинг учинчи босқичида ўқирди. Нурия ўзига ўхшаган – қишлоқдан чиққан қиз, у билан сирдош бўлиб қолди. Институтни тугатаётиб ҳам йигит зотига рўйхушлик бермади, туйқус шу Дониёрга кўнгил қўйди.

Дониёр қотмадан келган, ўрдак бурун, истараси иссиқ, қолаверса, отасининг шогирди эди. Отадан эрта айрилган, укаси Мўмин билан иккисини онаси тарбиялаб вояга етказган. Рамазон Наим етим деб унинг бошини силади, ўрни келганида қарашиб турди. Танҳо уни кўп кўрган-у, эътибор бермаган, Дониёр ҳам уни сингил ўрнида кўрарди. Бироқ, севги шунақа бир сеҳрли куч эканки, унинг олдида шоҳ шоҳлигини, гадо гадолигини унутиб қўяркан.

Ўшанда баҳор билан ёзнинг ўртаси эди, кунлар анча ташлаб берган. Рамазон Наим туғилган кунини нишонлаш учун Тиктепадаги дала ҳовлисига яқинларини тўплаб, катта зиёфат берди. Ўртача тўйда у ўтган зиёфатга Дониёр ҳам борган эди. Ярим тунгача давом этган базму жамшид тугаб,

меҳмонлар тарқалишди. Дониёр ҳам бирортасининг машинасида шаҳаргача етиб олай, деган мақсадда ўрнидан қўзгалган эди, Рамазон Наим, сен қол, эртага бирга қайтамиз, деб қолди.

Дониёр зиёфат тараддудидан бошлаб, то элётар пайтигача давом этган пишир-куйдиру келди-кетдига қарашиб тоза чарчади. Рамазон Наим хотини билан иккинчи қаватдаги бўлмасига кириб кетган чоғда соат ўн иккига занг урганди. Танҳо ҳам ўзининг хобхонасига кўтарилиб, хонанинг чироғини ёқмай, тунчироқ ёруғида ечиниб, тункўйлагини кийиши билан каравотга бор бўйича ўзини ташлади.

Ой нурига чўлганган ҳарир парда, салқин ҳавонинг йўлини тўсиб, шабада билан ўйнашар, қиз ҳарчанд кўзларини юмишга ҳаракат қилмасин, уйқуси келамасди. Бир-икки ёнбошидан-ёнбошига ағдарилиб, қулайини тополмай, тўлганди. Шу пайт ташқаридан майин оҳангдаги муסיқа эшитилди. Муסיқа маҳзун эди, эшитувчининг қалбини мумдай эритиб, ширин хотираларини эсга соларди.

Қиз секин ўрнидан қўзғалиб, деразага яқинлашди-да, ҳарир парданинг бир четини кўтариб ташқарига қаради. Тўлин ой ёруғида ҳовли саҳни мисоли кундузгидай чароғон эди. Ҳовлининг кунчиқаридаги олма билан гилос дарахти ўртасида ҳалинчакда, магнитофондан таралаётган муסיқа оҳангига ҳамоҳанг тебранганча Дониёр ўтирарди. Сокин тун товушни янада тиниқлаштирар, муסיқада яширинган дард ҳарир пардани ёриб ичкарига мўралаб, қизнинг дил торларини чертар эди.

Йигит муסיқа оҳангидан маст бўлиб, худдики тўлин ой билан суҳбат қуриб ўтирар, шундоққина боши узра тебраниб турган дарахт баргларининг шитирлаши қалбига хушнудлик бағишлаётгандек эди. Унинг чақноқ кўзлари ноҳос қиз ётоғининг деразасига тушди-ю, ҳарир парда ортидан ўзига қараб турган ўткир кўзлар вужудини титратиб юборди ва ўзини

ёмон хаёллардан чалгитиш учун тезда деразадан нигоҳини узиб, бошини қуйи солганча ширин энтикиб қўйди. Шу зайлда қанча ўтирди – билмайди. Яна ўша деразага қараган эди, тунчироқ ёруғида акс этиб турган қадду қоматни кўрди. Бу сафар ундан кўзини узмай ўтираверди. Қиз унинг қараб турганини сездими, дераза олдидан узоқлашди. Тунчироқ ўчди, дераза қоронғилашди. Йигит зўр томошадан умидини узиб, яна ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Бироқ бу ёлғизлик узоққа чўзилмади. Дониёр ака, салқинда ўтирибсиз, совқотмаяпсизми, деган кўнгироқдай овоздан чўчиб бошини кўтарган эди, қаршисида турган фариштани кўриб, ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетди. Қаршисида турган қиз ҳақиқатан ҳам фаришта эди: зулукдай сочлари тун бағрида қорайиб, чиройини янада очиб юборган, оппоқ бўйнию елкалари ой шуъласида ялтираб кўринарди.

Қиз, совуқ экан, деб нозик ва эҳтиросли жунжикиб қўяркан, майлими сиз билан бирпас ўтирсам, уйқум қочиб ҳеч ухлаёлмаяпман, деб йигитнинг ёнида ўтирди. Илгари бунақа ҳолатга тушмагани учунми, йигитнинг овози қалтираб, юрак уриши тезлашди. Энди қулоғига на мусиқа, на дарахтлардан тўкилаётган шудринг товуши, уларга жавобан ернинг гижиниши эшитишмай қолди, чунки хаёлини аллақачон тун эртаги ўзига мафтун этганди. Тун сокин бўлгани учун ҳар қандай овоз жаранглаб чиқарди. Шунинг учун улар беданадек ку-кулаб, иложи бўлса, нигоҳлари билан гаплашишар экан, қалбларида ажиб бир туйгулар жўш урарди.

– Қанотим бўлсайди, самоларда учардим, – деди қиз энтикиб.

Йигит унга жавобан:

– Мен ҳам сизга шерик бўлсам майлими? – деб сўради.

– Одам ўз хаёллари билан учса яхши-да.

– Хаёл суриш икки кишига ҳам зиён қилмайди.

– Бирга хаёл сурайлик, демоқчимисиз?

- Ҳа, бирга учайлик деяпман.
- О, қароқчига ўхшайсиз, мени ўғирлаш ниятингиз йўқми?
- Сиз хўп десангиз, бунисини ҳам удалаймиз.
- Мени кўтара оларканмисиз?
- Хоҳласангиз, елкамда кўтариб юраман.
- Нега энди бошингизда эмас, елкангизда?
- Оёғингиз елкамда бўлгач, бошимга ўзингиз чиқиб ола-  
сиз-да.

- Демак, жilовингизни қўлимга бермоқчисиз, шундайми?
- Мен сизга жilовимни эмас, юрагимни бераман!

Қиз йигитнинг кўкрагига қўлини босиб:

- Юрак борми ўзи? – деди.

Йигит кўкрагида турган қўлни маҳкам сиқиб:

- Бор эканми? – деб сўради.

Бу суҳбат аввало қулоқни, сўнг вужудни қиздириб, юрак-да қайноқ эҳтирос, тизгинсиз ҳиссиёт, ҳали синаб кўрилма-ган туйғуларни қўзғатди. Қиз юзларига тегиб турган олма дарахтининг бутоғини синдириб олди-да, йигит қўлига бера-ётиб, қўли титраб, юраги дукуллаганини сезди. У шундай бў-лишини биларди, йўқ, шундай бўлишини истарди ва беихти-ёр кўзларини юмди. Шу туришида унинг лаблари намланиб, бўсага шайланди.

Йигит фурсатни бой бермади, қиз ҳам осонликча бўй бергиси келмади ва чаққонлик билан лабини олиб қочмоқчи бўлди, лекин белидан қучиб тутган қўл уни қўйиб юборма-ди. Энди у бошини орқага ташлаган эди, оппоқ бўйин, майин тук қоплаган ёноқлар йигит ақлини шоширди ва ўша жой-ларга лаб босди. Қиз вужудини куйдираётган қайноқ бўсалар тафтидан ақдан озаёзди, назарида, юраги шу ойдин кечадек ёришиб, қинидан чиқиб кетай деди. У тўлғонар, мастдек бо-шини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ташларди. Бироқ шу пайтда кучли бир эҳтирос уни ўзига келтирди ва туйқус йигитнинг кўкра-гидан итариб юборди. Бўлди, мен кетаман, деди пичирлаб,



аммо унинг кетгиси келмасди. Тун сокин, бу ажиб сокинлик икки қалбни аллалар, уларга ҳузур бағишлар эди.

Осмон оқариб, тонг яқинлашса-да уларнинг суҳбати тугамади. Шунда қиз биринчи марта тонгга норозилик билдирди, ундан ёзғирди: бунчалар барвақт отмасайдинг, эй тонг!

У ноилож ётоғига чиқиб кетди. Каравотга чўзиларкан, ўша заҳоти уйқуга кетди. Ҳатто кўзларини қамаштириб, юзларини сийпалаётган қуёш нурларини ҳам сезмади. Фақат онаси, ҳой, кун ёйилди, ётаверасанми, деб хонага киргандагина аранг кўзини очиб, роҳатланиб керишди.

Нонуштадан сўнг йўлга чиқишди. То шаҳарга етгунларича ҳам худди тун лаззатининг давомидай баданлари баданларига тегиб борди. Танҳо йигитнинг ёнида бораётганини кўриб, билиб турса-да, бу шунчаки бир туш деб ўйларди, аммо бу туш эмас, айна ҳақиқат эди. Агар туш бўлганида, борлиқ кўзига бунчалар гўзал кўринмаган бўларди. Қизиқ, унга нима бўлди ўзи? Ёнида ўтирган бу йигит энди уни асир қилиб олдимми? Бунчалар ширин бўлмаса бу севги!

Қиз ҳар замон-ҳар замонда ўнг томонида ўтирган онасининг кўзларини шамғалат қилганча йигитга ўғринча қараб-қараб қўяр, йигит бўлса, юзини четга буриб жилмаяр эди...

Шундан кейин Дониёрнинг Танҳоларнинг хонадонидан қадами аримай қолди. У келганида Танҳо ўзини қўярга жой тополмас, унинг олдига дастурхон ёзиб, илтифотлар кўрсатар, чой тутиб кўз уриштирар, кетмоқчи бўлса, эшиккача кузатиб қўяр эди. Қизининг бу ҳаракатлари бежизга эмаслигини, албатта, Кибриё хонимнинг дили сезарди ва қизининг қалбида севги меҳмон бўлганидан суйинарди ҳам.

Нега энди ўшанда Дониёрга ён босган Кибриё хоним, айна дамда уни алидан олиб балига уряпти, қизига ёмонотлиқ қилиб кўрсатяпти? Бунинг сабаби битта – эрининг хоҳишига қарши боролмаганидан. У ҳозир битта нарсадан хаво-

тирда: Танҳо ростдан ҳам уни унутолмагани учун куёвидан совуётган бўлса-чи? Ҳозир қизимни қўллаб-қувватлаб, бахтинг қаерда бўлса, ўша ерга бор, деб изн берса, нима бўлади? Йўқ, бундай қилса, катта хатога йўл қўяди. Куёви яхши, унинг кўкрагидан итариш катта гуноҳ. Унга ёрдам бериш, йўл кўрсатиш керак. Агар янглишса, ҳар икки томонга ҳам ёмонлик қилган бўлади.

### 3

Элёрнинг бир ҳафтадирки, бир оёғи газетада бўлса, бир оёғи касалхонада бўлиб қолди. Бош шифокорнинг устидан тушган шикоятни текшириш осон бўлмади, албатта. Мақолани ёзиш қийин иш эмас, энг асосий иш – ёзилажак мақолага масаллиқ тайёрлаш.

Биринчи кунни Элёр касалхонага шунчаки разведкага борди. Эртасига бухгалтерия билан шугулланиб, касалхонанинг бир йил мобайнидаги кирим-чиқим ҳисоб-китобларини ўрганди. Яна ҳомийлик асосида берилган дори-дармонлар ҳам бор экан, уларнинг ҳужжатлари билан танишди; рақамларни ҳижжалади. Гўё ҳаммаси жойида, шикоятда келтирилган далиллардан асар ҳам йўқ. Наҳотки, хат ифвогарлик ёки бўҳтон бўлса? Агар шундай бўлса, нима учун хатга ўн бир киши имзо қўйган?! Йўқ, бу ерда бир сир бор.

Эҳтимол, ҳисоб-китоб қоғозда тўғри олиб борилгандир. Бироқ амалда-чи? Амалда ҳам қоғоздагидекми?

Бу саволга жавоб топиш мақсадида, Элёр ниятини ошқор этмасдан, бир-икки палатага кириб, беморлар билан суҳбатлашадиган бўлди. Суҳбат жараёнида берилган саволларга бирови таажжубланди, бошқаси гапни чувалаштирди, хуллас, тайинли жавоб олинмади. Негаки, ҳаёт-мамоти дўхтирлар қўлида бўлгач, қандай қилиб уларга қарши гапира олади. Гапирган тақдирда ҳам бош шифокор Қиёмиддин Олмосо

ўша беморнинг ишини қандай баҳолайди-ю, унинг кейинги тақдири нима билан тугайди? Кейин, ростини айтасан, деб беморларни мажбурлаб бўлмаса...

— Элёр қандай йўл тутсам, мақсадимга етаман, деб хўп ўйлади-да, сўнг бир қарорга келди. Вақтини пойлаб, дард жонидан ўтган тажанг беморга ҳамдара кишидек, унинг кўнглига қўл солди.

Бемор ёши ўтинқираган, ҳаётнинг кўп бурди-балоларини бошидан кечирган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, жик-каккина бўлиб, Элёрнинг саволига жавоб беришдан олдин муштига йўталиб:

— Ётганимга ўн беш кун бўлди, — деди ҳаво етишмагандай ҳансираб, — адашмасам, битта сигирнинг пули кетди. Олмосов ҳар куни керак-нокерак дориларни ёзиб, жуда арзон аптека, деб, — чол гугурт қутисидек қоғозчани кўрсатди, — мана шу телпонга сим қоқса, керак бўлса, ўзлари етказиб беришди, дейди. Олиб келиб бергани яхши, лекин дорилари ҳаддан зиёд қиммату қирон, фойдаси ҳам ҳаминқадар. Энди мажбур бўлганингдан кейин, дард жонингдан ўтиб турса, нима қиласан, қанча деса ҳам ноилож сотиб оласан-да.

— Бошқалар ҳам шунақами?

— Касал борки, барига шу телпон рақами бор, — қийналиб томоқ кирди чол. — Доринг бунча қиммат, деб сўрасанг, топиб олган гапи: четники, пайдаси дарров билинади. Фойдаси гўргами! Нархни эшитган касалнинг дарди баттар зўраяди. Шунча пулга дори олгандан кўра, маншатни суриб, кейин майли, ўлиб кетса ҳам афсусланмайди киши. Бироқ одам яшагиси келади, ҳечқурса, бола-чақам, деб яшайди. Буни дўхтирлар билиб олган: яшашни истаган касал борки, айтганимга кўнади, деб яна қўлингга ҳам қарайди. Буларнинг киссасига тиқдинг нима, тиқмадинг нима, барибир ўзиникидан қолмайди. Энди касал ҳам, касаллик ҳам кўп, қай бирига қарайди? Худога таваккал, деб берганингни олиб кетаверади.

тирда: Танҳо ростдан ҳам уни унутолмагани учун куёвидан совуётган бўлса-чи? Ҳозир қизимни қўллаб-қувватлаб, бахтинг қаерда бўлса, ўша ерга бор, деб изн берса, нима бўлади? Йўқ, бундай қилса, катта хатога йўл қўяди. Куёви яхши, унинг кўкрагидан итариш катта гуноҳ. Унга ёрдам бериш, йўл кўрсатиш керак. Агар янглишса, ҳар икки томонга ҳам ёмонлик қилган бўлади.

### 3

Элёрнинг бир ҳафтадирки, бир оёғи газетада бўлса, бир оёғи касалхонада бўлиб қолди. Бош шифокорнинг устидан тушган шикоятни текшириш осон бўлмади, албатта. Мақолани ёзиш қийин иш эмас, энг асосий иш – ёзилажак мақолага масаллиқ тайёрлаш.

Биринчи кунни Элёр касалхонага шунчаки разведкага борди. Эртасига бухгалтерия билан шугулланиб, касалхонанинг бир йил мобайнидаги кирим-чиқим ҳисоб-китобларини ўрганди. Яна ҳомийлик асосида берилган дори-дармонлар ҳам бор экан, уларнинг ҳужжатлари билан танишди; рақамларни ҳижжалади. Гўё ҳаммаси жойида, шикоятда келтирилган далиллардан асар ҳам йўқ. Наҳотки, хат ифвогарлик ёки бўҳтон бўлса? Агар шундай бўлса, нима учун хатга ўн бир киши имзо қўйган?! Йўқ, бу ерда бир сир бор.

Эҳтимол, ҳисоб-китоб қоғозда тўғри олиб борилгандир. Бироқ амалда-чи? Амалда ҳам қоғоздагидекми?

Бу саволга жавоб топиш мақсадида, Элёр ниятини ошкор этмасдан, бир-икки палатага кириб, беморлар билан суҳбатлашадиган бўлди. Суҳбат жараёнида берилган саволларга бирови таажжубланди, бошқаси гапни чувалаштирди, хуллас, тайинли жавоб олинмади. Негаки, ҳаёт-мамоти дўхтирлар қўлида бўлгач, қандай қилиб уларга қарши гапира олади? Гапирган тақдирда ҳам бош шифокор Қиёмиддин Олмосов

ўша беморнинг ишини қандай баҳолайди-ю, унинг кейинги тақдири нима билан тугайди? Кейин, ростини айтасан, деб беморларни мажбурлаб бўлмаса...

Элёр қандай йўл тутсам, мақсадимга етаман, деб хўп ўйлади-да, сўнг бир қарорга келди. Вақтини пойлаб, дард жонидан ўтган тажанг беморга ҳамдард кишидек, унинг кўнглига қўл солди.

Бемор ёши ўтинқираган, ҳаётнинг кўп бурди-балоларини бошидан кечирган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, жик-каккина бўлиб, Элёрнинг саволига жавоб беришдан олдин муштига йўталиб:

– Ётганимга ўн беш кун бўлди, – деди ҳаво етишмагандай ҳансираб, – адашмасам, битта сигирнинг пули кетди. Олмосов ҳар куни керак-нокерак дориларни ёзиб, жуда арзон аптека, деб, – чол гугурт қутисидек қоғозчани кўрсатди, – мана шу телпонга сим қоқса, керак бўлса, ўзлари етказиб беришади, дейди. Олиб келиб бергани яхши, лекин дорилари ҳаддан зиёд қиммату қирон, фойдаси ҳам ҳаминқадар. Энди мажбур бўлганингдан кейин, дард жонингдан ўтиб турса, нима қиласан, қанча деса ҳам ноилож сотиб оласан-да.

– Бошқалар ҳам шунақами?

– Касал борки, барига шу телпон рақами бор, – қийналиб томоқ қирди чол. – Доринг бунча қиммат, деб сўрасанг, топиб олган гапи: четники, пайдаси дарров билинади. Фойдаси гўргами! Нархни эшитган касалнинг дарди баттар зўраяди. Шунча пулга дори олгандан кўра, маишатни суриб, кейин майли, ўлиб кетса ҳам афсусланмайди киши. Бироқ одам яшагиси келади, ҳечқурса, бола-чақам, деб яшайди. Буни дўхтирлар билиб олган: яшашни истаган касал борки, айтганимга кўнади, деб яна қўлингга ҳам қарайди. Буларнинг киссасига тикдинг нима, тикмадинг нима, барибир ўзиникидан қолмайди. Энди касал ҳам, касаллик ҳам кўп, қай бирига қарайди? Худога таваккал, деб берганингни олиб кетаверади.

– Модомики аҳвол шу экан, ўша дорини бошқа жойдан олса бўлмайдими?

– Бўлмайди-да! Олмосовнинг айтганини қилмасанг, ҳолингга вой, саломингга алик олмайди. Кейин, бу ерда оёғингга тикан кирган бўлса, келган заҳотинг ўша тиканни олиб ташлашмайди, аксинча, тиканни ичкарироққа тиқишади, кейин йиринглашини кутишади.

– Нега?

– Тиканни олиб ташлаш бирпаслик иш, аммо йирингни даволаш узок давом этади. Шундай бўлгач, нархиям шунга яраша-да.

– Эҳтимол, гапингиз тўғридир, – деб Элёр пешанасини қашлади, – фақат битта лекини бор. Шунақаларга ўзимиз шароит яратиб бермаяпмизми? Буларни аввал қўлга ўргатамиз, кейин, ундоқ-бундоқ, деб бир-биримизга ёзғирамиз. Ўзингиз айтинг, шу ишимиз тўғрими?

Чолнинг ранги баттар бўзариб, нафаси қисилиб, узок йўталди, кейин оғзининг суви оқиб, гапиришини ҳам, гапирмаслигини ҳам билмай, бир оз нафас ростлаб олгач:

– Э, ўғлим, – деб зўраки жилмайди, – гапинг кўҳна гап, бунни ҳамма билади, аммо ўзлари амал қилмайди, ваҳоланки, ҳамма гап амалда, оғиздагиси ҳавойи, қулоқнинг тагидан шамолдай ўтиб кетади.

Шу пайт хонага яна бир бемор кириб келди-ю, тезда суҳбатга қўшилиб кетди.

– Дорини айтган жойидан олдингми, ёки бошқа жойданми, бунинг назоратини шахсан Олмосовнинг ўзи олиб боради, – деди оғзи бўшлиқ қилиб. – Ишнинг кўзини билади-да, бўлмаса, ҳар куни янги-янги машина миниб юрармиди? Замон-замон – шуларники бўлди!..

Суҳбат чўзилган сари яширин сирлар, хатда келтирилган далиллар аста-секин юзага чиқиб, Элёр калаванинг учини топиб олди. У зудтар солиқ идораси билан маслаҳатлашиб, Ол-

мосовга қарашли дорихонада текширув ўтказди. Текширув натижаси ўлароқ, ҳужжати, сертификати йўқ бир олам дори воситалари чиқди. Дорихона эгаси, катта жаримадан қўриқиб, дориларнинг кўпи Олмосов бош бўлган касалхонадан олиб келиб берилиши ҳақида маълумот берди. Мана шу тариқа катта бир иқтисодий жиноят очилди.

Элёр йиғилган далилу ҳужжатларни яна бир неча кун синчиклаб ўрганди, рақамларни бир-бирига чоғиштирди, керакли хулосалар чиқарди ва ниҳоят, ёзишга ўтирди. Қарийб бир-икки қоғоз материал ёзилгач, кейин фикрларни калласида пишириш учун муштини иягига тираганча бир нуқтага тикилиб ўтирган эди, эшик очилиб, пишқириб, қовоғини уйганча Салимий кириб келди-ю, бўш креслога ўтирди.

Элёрнинг фикрлари учиб кетди.

– Сен қачон одам бўласан! – Салимийнинг кўзлари чақчайиб кетди. – Нима иш қилганингни биласанми? Ҳозир тўғри Маматовнинг олдидан келяпман. У менга нима деганини биласанми? У айтган гапларга илон пўст ташлайди-я! Унақа қарама менга! Тирноқ остидан кир қидиришни қачон тўхтатасан ўзи? Ёзаман десанг, бошқа мавзу қуриб кетганми?

– Нима гап ўзи, Шоди ака? – ажабланди Элёр. – Ўлай агар гапингизга тушунган бўлсам. Бундай очикроқ гапиринг. Сиз қанақа гуноҳ қилдингизки, Маматов сизни уришади?!

– Гуноҳ менда эмас, сенда! – кичкина мушти билан столни урди Салимий. – Хўш, нега Олмосовга бунча ёпишяпсан? Ахир, у Маматовнинг жиянлари эканини билмайсанми?! Нега энди қайсидир аптекадан чиққан камчиликни Олмосовнинг иши, деб юрибсан?

– Йўқ, бу гапни Маматовнинг ўзи айтдимиз сизга?

– Бошимни қотирма!.. Ўзи, сенга ким айтди, Олмосовни текшир деб?

– Ким айтарди, ўзингиз. Мана, – Элёр кўк папкадан орқасига хатжилди қистириб қўйилган бир варақ хатни кўрсат-

ди, – ўзингиз “ўрганилсин” деб имзо қўйиб, бизнинг бўлимга ўтказгансиз. Мен ўзимча текширганим йўқ, мана шу хатга асосландим, холос.

Шоди Салимий хатни қўлига оларкан, қўллари титраб, ўз имзосига узоқ тикилди ва бунга қарши нима дейишини билолмай, қоши чимирилди, овози ўзгариб, дудуқланди.

– Қа-қачон келган экан бу хат-т? – деди Элёрнинг кўзига қараёлмай, бошини қуйи соларкан, азбаройи худо, иситмаси чиққандек, юзи олов бўлиб ёнди. – Қара-я, эътибор бермаган эканман. Лекин барибир Маматовнинг ҳурматлари бор, йўқот бу хатни! Мабодо, бу гап газетага босиладиган бўлса, эшитадиганимизни эштамиз. Сенга керакми шу бош оғриғи? Сен, яхшиси, Олмосов тўғрисида ижобий бир нарса ёз, биринчи бетга бостириб, яхшигина қалам ҳақи ёзиб бераман.

– Мен-ку, ижобий нарса ёзсам ёзавераман, лекин ўн бир киши қўл қўйган хатга нима деб жавоб берасиз? Агар сиз босмасангиз, бу хат марказий газетада босилади. Ана ундан кейин Маматовингиз жиянини қутқара олармикин?

– Менга ўргатма! – Салимий тутақиб кетди. У шу тутақиши билан ўз айбини хаспўшламоқчи бўлди. – Бу нарса ўзимизда босилса ҳам, бошқа жойда босилса ҳам, барибир гап туман раҳбарларига келиб тегади. Биз бунга йўл қўймаслигимиз, уларни ҳимоя қилишимиз керак.

– Гапингизга қараганда, раҳбарларни эмас, ўзингизни ҳимоя қилмоқчига ўхшайсиз, – деди Элёр андишани йиғиштириб қўйиб. – Олмосов ишдан кетадими-қоладими, барибир, сизни зигирча қизиқтирмайди. Маматов масаласига келсак, бундан хавотирланманг, унга гап тегмайди.

– Отамидингки, менга насиҳат қиласан?! – ўдағайлади Салимий. – Мен муҳаррир эканман, Олмосов тўғрисида ёзган мақолангни газетага бостирмайман! – Кейин кетишга чоғланар экан, қўшиб қўйди. – Сен, яхшиси, тинчгина ҳикоянгни ёзиб юравер, бунақа ишларни ўзимга қўйиб бер, тушунарлими?



Элёрнинг энсаси қотди. Бирор дилсиёҳлик бўлиб, ўртадан парда кўтарилмагани, деган хаёл билан тилини тишлаб турди, лекин, Салимий буни, сукут – аломати ризо, гапим бунга кор қилди, попуги пасайди, деб ўйламаслиги учун, кўнгилга тегмайдиган тарзда, бу ишлар сизга ярашмабди, эшитган одам кулади, дейиши билан, муҳаррирнинг ранги оқариб, пешанасига совуқ тер тепчиди. Назарида, Элёр унга, ўзинг ҳам шунақасан, хашакни шилдиратма, дегандек туюлди ва, бунинг нимаси кулгили экан, деб сўради.

– Уқувсиз бир киши шу гапни айтса, айтди қўйди-да, дердим. Аммо буни сиздан кутмаган эдим! – деди Элёр таассуф билан. – Таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликдан қачон қутуламиз ўзи! Сизнинг тасаввурингиз шу бўлса, кўчанинг одамидан нима гина?! Журналистнинг вазифаси, жамиятда томир отаётган порахўрлик, олгирлик, тадбиркорлик пардасига ўралган ишбилармонлик, кўзбўямачилик ва шунга ўхшаш истиқболимизга раҳна солаётган, кишиларни чалғитаётган иллатларга жамоатчиликнинг диққатини тортиб, бу иллатларнинг келиб чиқиш сабабларини халққа кўрсатиш, уларни ҳушёрликка чорлаш, иллатга қарши курашга даъват этишдир. Газетанинг вазифаси ҳам шу! Ана шу масъулиятли вазифани бажармас экан, газета ҳожатга ҳам ярамай қолиши, шубҳасиз! Шундай экан, иллатга қарши илк зарбани журналистлар бериши керак. Бу уларнинг бурчи, ахир. Бурчни бажармаслик, иллатдан кўз юмиш, лоқайдликка берилиш ниймондан кечишдай гап! Олмосовга ўхшаганлар кўрпага тушган битга ўхшайди, бирпасда болалаб кетганини билмай қоласан киши. Уларнинг турган-битгани муртад, яхши-ёмоннинг фарқига боришмайди, хатарли адашув таъсирида иш юритишади, холос. Сиз бўлсангиз, ана шундай муртадларни фош этувчи мақолани бостирмайман, деб ўтирибсиз. Ким айтади сизни газетачи, деб? Бу гапни менга айтдингиз, бошқага оғиз очманг, уят бўлади.

Салимий, бу суҳбатдан бирор ижобий натижага эришмаган бўлса-да, Элёрнинг пичинг аралаш гапларини эшитиб, чақнаб турган кўзларидаги қатъиятни кўриб, бунга жавобан бир сўз айтмоқчи бўлиб оғиз ростлади-ю, аммо ўша сўзини тополмай, қилма деса, қиладиган, қайсари қаттол экансан, деб хонадан чиқиб кетди.

Элёр кўнгли ғаш бўлди, бошлаган мақоласи ҳам чала қолди. Бу кетишда бу одам билан ишлаб кетаманми-йўқми, деган савол юзага қалқиб чиқди. Унинг гапларини яна бир бор эслаб, ичида бир кулди, ташида жиддийлашди.

Котиба Шаҳлонинг, ҳамма мажлисга, деган чақирувини эшитиб, ҳушёр тортди. Қанақа мажлис? Салимий совутмай туриб иккинчи зарбани бермоқчими? Кўнглидан шундай фикр ўтиши билан ўрнидан ирғиб турди-да, тез қайта ўтирди. Тўхта, деди ўзига-ўзи. Салимий ўртамизда бўлиб ўтган хангомани тарозига қўйган, ноҳақлигини билиб, ҳовуридан тушган, афсусланган, энди вазиятни юмшатиб, узр сўрамоқчи. Мажлис шунчаки баҳона! Шундай фикрга келиб, мажлисда ўзини қандай тутиш, яраш таклиф қилинса, нима дейиш кераклиги ҳақида ўйлаб, тайёрлана бошлади. Хиёл ўтиб, Шавкат келди, иккаласи қўшилиб мажлисга киришди.

Салимий гап бошладан аввал Элёрга гўё миннатдор боқиб, уни қатъиятли эканини, бунга ўзининг шубҳаси йўқлигини, шунчаки бир синаб кўрганини, синовдан яхши ўтганини таъкидлади. Сўнг, масалани яхшилаб ўрганиб, танқидий мақола ёз, газетага босамиз. Ўша эркатойлар ҳам бизнинг кимлигимизни кўриб қўйсин, деди.

Элёр бу гапни эшитиб, ичида, бу одамдан бекорга хафа бўлибман, кечирим сўрасаммикин, деб туришга чоғланган эди ҳамки, Салимий фикрини давом эттирди:

– Бироқ мақола чиқди, шу билан иш битди эмас, – деди у асл башарасини намоён қилиб. – Қаҳрамон ҳам тинч ўтирмайди, албатта, ўз шаънини ҳимоя қилиб, турган гап, газетага

тош отади. Шундай пайтда жавобгарлик битта муҳаррирнинг бўйнига тушмаслиги, елкама-елка туриб муаллиф ҳам жавоб беришига тўғри келади. Так что, масаланинг шу томонларига ҳам шай бўлиб тур, демоқчиман.

Ҳалигина кечирим сўрайман, деб турган Элёр бирдан айниди. Салимий бу билан нима демоқчи, деб ўзига савол берди. Мен, ёз, текшир, дейман, жавобини ўзинг берасан, деб масъулиятдан қочмоқчими, ёки яна бир ўйлаб кўр, эҳтимол, ёзиш фикридан қайтарсан, деб шама қиялпими?

– Бу гапингиз тўғри! – деди у ўрнидан туриб. – Бу гапингизга қўшиламан. Лекин масъулият, жавобгарлик масаласига келсак, хавотирланманг. Сиз бизга суянсангиз, биз жамоатчиликка суянамиз.

Элёр шу ерда қатъиятлилик қилди, чунки ёзилажак мақола учун йиғилган далилларнинг салмоғи ва аҳамиятига қаттиқ ишонарди. Олмосовнинг бундан ташқари, маънавий ахлоқи ҳақида бир-икки нарсани маълумот учун айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтламоқчи эди, Салимий, бу ҳақда алоҳида гаплашамиз, деб унинг гапини кесди ва тезда Ҳожишариповнинг мақоласи ҳақида сўз юритиб кетди.

Муҳокама қилинажак мақола ҳам шу мавзунинг давоми эканлигини билиб турса-да, Элёр гап таллашиб ўтирмади. Ўринбосар Муртазо Офоқов ҳам, жим дегандек ишора берди.

Мажлис тугаб, Эшмат муҳаррир хонасида қолди, бошқалар аста-секин тарқалишди. Элёр хонасига кираркан, бирдан тутақиб, Салимийнинг асл мақсадини билмоқчи бўлиб, қабулхона эшигини очган эди, Шаҳлохон, ҳокимиятга чақириб қолишди, ўша ёққа кетдилар, деб унинг шаштини синдирди. Энди у ўз хонасига эмас, масъул котиб Шавкатнинг олдига бориб, мажлисдан олдин Салимий билан ўрталарида бўлиб ўтган ҳангомани айтиб берди.

– Қизиқ экансан, шуни гапига ишониб ўтирибсанми? – деб Шавкат кулиб юбораёзди, аммо тезда жиддий тортди. –

Сенингча, Маматов шунақа дейдими? Демайди! Неча марта ҳокимият йиғилишларида бўлгансан, унинг нима дейишини эшитгансан. Ўзи юлғичларга қарши гапирса-ю, яна ўзига қарши бориб, кўпчиликнинг олдида бу гапни Салимийга айтса? Бўлмаган гап-э! Ўзи тўқиган буни. Мен биламан-ку, Олмосов ҳокимга ҳеч ким, бор-йўғи ҳамқишлоқ. Эҳтимол, Олмосовнинг ўзи Салимийдан илтимос қилган, бу бўлса, унинг гапни Маматов номидан сенга айтган. Шундай десам, бу кўрқадди, деб ўйлаган. Шахло сенга, ҳокимиятга кетди, дедими? Гирт ёлгон! Ҳокимни қиладиган иши йўқ экан-да, бир кунда Салимийни икки марта қабул қилса. Ёлгончи-ку бу одам. Биламан, қаёққа кетганини. Тўғри Ғани Бозорнинг олдига боради, бир-икки қўл шахмат ўйнайди, кейин қорин ғамидан қутулиб, қайтиб келади. Ҳамма гапи сиёсат, иши эса маишат.

– Ҳамма гапдан хабаринг бор-а?

– Газетада ишлаймиз-да.

– Қани эди ёзишда ҳам илғор бўлсанг.. Сен ялқовсан...

Элёр бу гапни шунчаки ҳазил тариқасида айтган эди, лекин Шавкат ҳазилни жиддий ўйлади ва бирпасда вужудига титроқ кириб, ўзини тутолмай қолди:

– Ёзишни биламан, деб бошқани ерга урма-да! Вазифам, масъул котиблик, нимани беришса шуни саҳифага жойлайман, ёзиш менинг ишим эмас. Шундай бўлса ҳам, хабар-пабар ёзиб тураман.

– Тирикчилик учун ёзаман де? – яна ҳазилини давом эттирди Элёр. – Сенинг тирикчилик учун ёзган хабаринг газетанинг обрўйини тўқади.

– О, сизники кўтараркан-да? Жуда манман бўлиб кетибдиларми? Салимий бекорга койимаскан-да сени?!

Элёр, бундай бўлишини кутмаган эди, Шавкат ўртага Салимийни қўшиб, ҳазилнинг белига тепди.

– Э-ҳа, дўстимда душманнинг қулоғи борлигини билмаган эканман!

– Кечирасан-у, сен ҳам одамнинг дилини оғритмагин-да.  
 – Дўст ачитиб гапиреди, жўра. Кўнглингга олма-ю, журналистикани тамомлагансан, масъул котибман, деб ёзишни ташлагансан. Журналистнинг ҳақиқий маоши унинг қалам ҳақи бўлади.

Шавкат гуноҳкордай каловланди.

– Узр, жўра, гапимни кўнглингга олма-ю, сеникям қизиқ бўлди-да.

Элёр яна мавзуга қайтди:

– Турсунбой аканинг иши ҳам қизиқ бўлди. Салимийнинг биттагина гапига, миҳдай мақоладан воз кечиб ўтирибди-я?!

– Аканинг оғзи куйган. Беш-олти йил бурун Жўра сельпо ҳақида ёзиб, боши балога қолган. Хайрият, ўртага Жўрақул Қобилов тушиб, жонига оро кирган эди. Ҳали унинг ёнини олиб тўғри қилдинг. Эшмат анчадан бери аканинг жойини кўзлаб юриб эди, тоза таъзирини бердинг.

– Бўлди энди, гап чўзилса ғийбатга айланади. Бориб чала ишимни битирай энди, – деди Элёр ўрнидан тураркан, вужудида ажиб бир енгиллик сезиб, ўз хонаси томон кетди.

#### 4

Аксига олиб, кун бўйи очилиб-сочилиб турган куннинг авзойи пешиндан кейин айниди. Йўқ жойдан тўда-тўда булутлар пайдо бўлиб, кўк юзига қоракуя суркади; қуёш ҳали ботмаган, лекин қайси бир кунжақдалиги билинмас эди. Бу асргача давом этиб, туйқус осмон тешилгандек бир соатча ёмғир ёғди. Ҳаммаёқни кўлмаклар босди; ёмғир кўлмакларга чунон урилардики, син солсангиз, худди ер билқ-билқ қайнаётгандек кўринади. Ёмғирки ерни қайнатяптими, тошни эритса керак, дейсиз.

Хиёл ўтиб булутлар бўшанди, осмон яна юз очди. Юлдузлар парда ортидан пойлаётгандек, кўз қиса бошлади. Бундай пайтда оламни ажиб бир сукунат қоплайди.

Эгиз туғарканми, булутларни дард тутиб, кўкарди, чақмоқдан қўрқиб, яна ёмғир қуйиб берди. Деразалар кўзи сарғарди, чироқ шуъласи қоронғилик бағрига санчилди.

Тиктепа шунақа жой, тоққа яқин бўлгани учун бир ёмғир ёгса, кетма-кет савалаб беради. Серёгин бўлса-да, кузда бу ерлар анча тинч. Одамлар фақат баҳорда бола-чақаси билан келиб, кузакда яна шаҳарга қайтади, кейин бу ерлар яна баҳоргача ҳувуллайди. Кузда заруратдан бир-икки оила яшаб қолмаса, аксарият ҳовлилар бўм-бўш. Дала ҳовли дегани шуда, экин-тикин пайтида, жазирамада соя-салқин, деб келишади, совуқда кимга ёқади бунақа жойга келиш?

Рамазон Наим бугун дачага заруратдан келиб ўтирибди, бўлмаса зарил келибдими шундай ҳавода бу ёқларда санғиб юриш! Битта меҳмонни бўлса, шаҳардаги уйида ҳам кутса бўлади-ку. Лекин кутолмайди, чунки меҳмон жуда нозик, уни хилватда кутмаса бўлмайди. Уни мана шу ерда кутгани маъқул. Бироқ негадир меҳмон ҳаяллаяпти. Ишқилиб, йўл-пўлда қўлга тушиб қолмаса бўлгани.

Ёмғир тингач, тун ёришди, кўк тоқида мис патнисдек ой кўринди. Бойўғли ойни қўрқитмоқчи бўлиб, ваҳимали қичқирди. Дарвоза тақиллагандек бўлди. Рамазон Наим пардани суриб, кўча томонга – зим-зиё қоронғилик қўйнига зеҳн солди-ю, ҳеч нарсани кўрмади. Бир неча фурсатдан кейин дарвоза яна тақиллади. Рамазон Наим ҳушёр тортди ва бу сафар қўлини пешанасига тираб кўчага мўралади. Бу ёқлар салқин бўлишини билмаганми, дарвоза пешайвони остида юпун кийинган икки кишининг қунишиб, дилдираб турганига кўзи тушди-ю, апил-тапил даҳлизга чиқди-да, бўмазей чопонини елкасига ташлаб жадаллаганча кўча эшигига қараб чопди, ким, деб ҳам сўрамай, дарвозани ланг очиб, уларни тезда ичкарига оларкан, бемаҳалда қолибсизлар, деб сўрашди.

– Ўзимиз, ойдинда юрмайлик, деб кунни кеч қилиб чиқдик. Йўлда милиса-пилиса тўхтатмасин, дедик-да.

– Бу ёғини яхши ўйлабсизлар, – деди Рамазон Наим гап маъқуллаб. – Қўрқмайди деб бўлмайди-ку, барибир эҳтиёт шарт. Лўппи этиб бирови ўшлаб олса, ундан ёмони йўқ. Совқотганга ҳам ўхшайсизлар. Бу ерлар шунақа, эрта совуқ тушади. Э, ҳай, қани, ичкарига марҳамат!

У шундай деб, меҳмонларни олдинга ўтказди, ўзи эса орқадан юрди. Улар долондан супага чиқишгач, еш меҳмон ҳовли саҳнини кўриб, бу каби ҳашаматни тасаввурига сиғди-ролмай, баланд – икки қаватли гиштин бинога қараб ҳайратланиб, ташқариси шундай бўлса, ичкариси қандоқ экан, деб кўнглидан ўтказди. У ҳарчанд ичкарини кўришни қанчалар истаса-да, қўлини кўксига қўйиб, бизга узр, деб тисарилади.

– Рамазон ака, қайтмасам бўлмайди, – деди узрини асослаб. – Қоронғида анча вақтни йўқотдик. Банкнинг ишини ўзингиз яхши биласиз, ҳозир бормасам бўлмайди. Жон деб қолардим-у, лекин ҳеч иложим йўқ. Мана, бобойни сизга ташлаб кетяпман, элан-қаран суҳбат қурарсизлар. Эрта-мертан хабар оларман. – Кейин бир оз хижолатпазликка борди. – Айбга буюрмайсиз, йўлда тўхташнинг иложи бўлмади, у-бу ололмай, қуруқ келавердик.

– Ғалати бола экансан-ку бунинг, – кулди мезбон, – қуруқ келдик, дегани нимаси! – Катта меҳмонга юзланди: – Пўрим, сенинг ўғлингми шу? Айт бунингга, эркак кўчада тоғора кўтариб юрмаслигини... Ҳазил, ўғлим, гапимга парво қилма. Лекин сенга қуруқдан-қуруқ жавоб бериб юборсак, қандоқ бўларкин?

– Майли, кетаверсин! – Пўрим ўғлининг ёнини олди. – Давлатнинг иши, мени деб икки кун ишдан қолди. – Сўнг ўғлининг елкасига қоқди. – Боравер, кўп ҳаяллаб кетма. Келишингда қалинроқ кийим билан уч-тўртта кўйлак ола кел, шошганда юпун кийиниб келаверибмиз... Бўпти, кўзингга қараб ҳайда, бу томоннинг йўллари нобоб экан...

Ўғил кетди, ота қолди. Рамазон Наим уйга киргач, Пўримдан, ўғлинг қайси банкда ҳозир, деб сўради. Пўрим, олдин-

ги банкида, деб юпқа нейлон плашини илгакка илиб, қўл қо-  
вуштириб, қайси хонага кирамиз, дегандек остонада туриб  
қолди.

Рамазон Наим кўзини тўрт қилган меҳмонини кенг-мўл  
хонага бошлади. Хона дид билан безатилган, хонтахта атро-  
фига асл матодан қавилган яккандозлар тўшалган бўлса-да,  
дастурхон унчалик бой эмас, эркакнинг қўли билан тузалган  
хаминқадар бир нарса эди. Пўрим ўтиришдан аввал, қаердан  
битта сув ичса бўлади, ичим куйиб кетяпти, деб атрофга ола-  
зарак боқди. Мезбон, ҳозир, деб кетиб, ҳаяллатмай бир шиша  
минералка кўтариб келди. Пўрим ютоқиб-ютоқиб шишани  
яримлатаркан, ичидаги олов ўчдими, ҳақиқат бор экан-ку, деб  
роҳатланиб кекирди ва мезбонга раҳмат деб қўйди.

Рамазон Наим, айбга буюрмайсан, бугун дастурхон ха-  
роб бўлди-да, дегандек нон синдириб, чой қуйиб узатаркан,  
меҳмондан, ишқилиб, бу ёққа келишингни ҳеч кимга айтма-  
дингми, деб сўраган эди, меҳмон бундан ҳеч кимнинг хабари  
йўқлигини, устига-устак, девонанинг иши ўнгланиб, сумбула  
кирмай ёмғир ёганини, шу боис йўлда бежавотир юрган-  
ларини завқ билан гапириб бераркан, худонинг ишлари-да,  
унга аралашиб бўларканми, деб шукроналик келтирди.

Рамазон Наим андиша қилиб ўтирмади, худонинг ишига  
аралашиб бўпсан-ку, тайсаллаганинг нимаси яна, деди.

– Ўзингдан эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, деган гап  
бор, – фикрини давом эттирди у. – Ишинг ҳам эҳтиёткорлик-  
ни талаб этади-да. Чойни ол, ичинг исийди.

Пўрим чойдан ҳўплаб, пиёлани кафтлари орасида сиққан-  
ча хонани кўзи билан айланиб чиқаркан, боплабсиз, дегандай  
гап қилди:

– Икки-уч йил олдин келганимда бунақа эмас эди. Ча-  
мамда, ҳали иккинчи қават чала эди. Кошона бўлибди, буюр-  
син, қойил!



Рамазон Наим дарров хат тўғрисида сўрашни ўзига эп кўрмади, буни меҳмоннинг кайфиятидан келиб чиқиб сўрашни мўлжаллаб индамади.

– Гани телефон қилганидан кейин миямга қон қуйилиб кетди, – деди у ҳам зорланиб, ҳам койиб. – Ҳеч бир ишни айтгандай қилолмадинглар-да. Артистман, деган гапинг қаерда қолиб кетди? Ҳалиям ёш боласан, кетингдан бир одам овора. Қачон ақлинг киради, билмайман-да.

– Одам шошса ақли кетаркан-да, Рамазон ака.

– Шошмасдан олдин ақлинг бормиди?! Йўқ, сенда грамм ақл йўқ! Букрини гўр тузатади, деган гапни сенга чиқарган. Ўзингга-ўзинг жаноза очиб ўтирганинг нимаси? – Айни пайтда кўнгилга ҳазил сиғмаса-да, ҳазилга яқинлаштириб: – Маъракангга боролмадик, биздан хафа эмасмисан? – деди-ю, беихтиёр ўз гапи ўзига наъша қилиб, кулиб юборди. Пўрим эса, бундан огринди.

– Кулинг, кулаверинг-чи, – деди у бошини қуйи солиб, муштини кафтига урди. Кейин ўз ҳазилидан ўзи хижолат тортиб қолган мезбоннинг авзойини кўриб, уни ноқулай аҳволдан қутқариш учун ҳазилга ҳазил билан жавоб берди. – Ўзим қатнашолмадим-ку, сиздан нима гина, ака.

Рамазон Наимнинг чехраси очилиб, ҳазилни давом эттирди:

– Шу келишингда, нариги дунёдан келяпсан-да энди, шундайми? – Жавоб кутмай чумак урди. – Қалай, у томонлар зўр эканми? Пули сирот, Мункар-Накир, жаннат, дўзах... Бор эканми шунақа жойлар ўзи?

– Тавба, деб гапиринг, иймонингиз куйиб кетади-я! Сизга латифагўйлик бўлса, эшилиб кетасиз. Кулаверинг-чи, кулишга бизга ҳам гал келар ҳали, ўшанда кўрамиз кулишингизни, ака.

Рамазон Наим бу истехзони иши юришмаган кишининг жаҳл устида айтган гапи, деб ўйладими, фавқулодда жиддий тортиб:

– Кулги кулги билан-у, сен нима бўлганини гапир-чи! – деди.

Пўрим гоҳ маънос, гоҳ эхтиросга берилиб ҳикоясини бошлади: Ғани Бозор нима дегани, ўзи унга нима деб жавоб бергани, бегараз тарзда фақат хат учун аёлникига киргани, палакат босиб қўлга тушгани ва аёл эҳтиётсизлик туфайли жувонмарг бўлгани, кейин ўзи боши айланиб омборга келиб, қоровул болага ёлғон гапириб қўйгани-ю, ўз ёлғонини хаспўшлайман, деб уни тинчитиб, омборга ўт қўйиб юборганини, нажот истаб яна Ғани Бозорнинг олдига боргани, Ғани Бозор эса, уни бу ёққа жўнатганини батафсил гапириб бераркан, гап якунида, яхши иш бўлмади, деган маънода пешанасини жимжилоғи билан қашиб:

– Омад келмаса ҳам бир бало экан. Албатта, аёл ўз айби билан ўлган бўлса-да, менинг ҳам айбим оз эмас, – деди афсус билан. – Ғани акага худонинг зорини қилдим, бу ишни менга буюрманг, деб. Эрини ҳам мен нобуд қилмаган, дедим...

– Э, қандай қилиб? Насимни мен тинчитдим, деб биздан бадал олган эдинг-ку?!

– Ўшанда очкўзлик қилиб ёлғон гапирган эдим, ўша ёлғон умримга эгов бўлди. Шайтон бўл-бўл демаганда, шу йўлга кирармидим? Ҳали бу туришим ҳолва, аёлнинг арвоҳи бир кун эмас, бир кун мендан қасос олади, ака. Қасос ҳам олиб бўлди. Қоровул болани тинчитиб, унинг қўлига соатимни тақиб, сўнг омборга ўт қўйгандим, худдики, одамларга ўзим олов ичида қолиб кетгандек таассурот уйғотмоқчи бўлиб. Ҳа, ўз қўлим билан ўз устимга тупроқ тортдим. Бунақасини етти ухлаб тушингизда кўролмайсиз.

– Ғирт аҳмоқ экансан! Хўп, қилғиликни қилибсан, бало бормиди ўликнинг қўлига ўз соатингни тақиб?

– Ўшанда нима бўлди ўзи, шошдимми, ғафлат босдимми, билмайман. Бунақа пайтда одам ўзини-ўзи билмай қоларкан. Худонинг ургани шу бўлса керак-да!

Рамазон Наимнинг бу ҳикоядан Ғани Бозорнинг қўнги-роғи орқали оз-моз бўлса-да хабардор эди, бироқ бу ҳангомани қаҳрамоннинг ўзидан эшитгач, уни ваҳима босиб, ўзи билмаган ҳолда сакраб турди-да, лаҳза ўтмай яна ўтирди. Ҳаяжонданми, унинг қўллари ўз-ўзидан титрай бошлади. Титроқни яшириш учун панжаларини панжаларининг орасига тикқан эди, титроқ бутун танасини қамраб олди.

– Менга унақа қарама, сени бу йўлга мен бошламадим. Ҳаммасига ўша Ғани айбдор! Мени ҳам шу палакатга қўшган ўша!

– Ҳали бир нима дедимми, сизга?

– Демасанг ҳам, кўзларинг айтиб турибди.

– Нима десангиз денг-у, лекин мен мағлуб бўлдим. Мени нафс енгди, ака. Қўлига қайчини олган заҳоти уйдан чиқиб кетишим керак эди? Нима қилай, уни тункўйлақда кўргач, карахт бўлиб қолдим. Бунақа пайтда одам нимага қўл ураётганини билмаскан.

– Ўша ерда ҳам очкўзлигингни намоён қилибсан-да, эшшак! Ишни битирдингми, чиқиб кет эди! Уни-буни қўй, Ғани нима каромат кўрсатди сенга? Сув бўйига олиб бориб сугормай қайтган бўлса керак-да? Агар сенга ичи куйганида, бу ёққа югуртирмай, ўзи бирор чорасини кўрарди. У муртаддан қишда қор сўраб бўлмайди. О, у мулкимни озмунча овламадимми? Шу ишга мени балогардон қилди-ю, баҳонада боримни тортиб олди. Мендан ундирганлари етти пуштига етиб ортади. Оғзи ёпилсин, деб лимонарийни қарийб текинга номига ўтказиб бердим. Унга ишониб нима орттирдим, бурундигимни унинг қўлига тутқазиб қўйдим, холос. Ўзимнинг гўллим сабаб бўлди. Ўшанда нега юзига бир шапалоқ урмадим, деб ҳозиргача афсусланаман. Менинг ўрнимда бошқа биров бўлганида шу ишни қиларди, шапалоқ тортмай қўймасди. Хўп, менга-ку бир-икки қоғозга қўл қўйдириб, тилимни қисик қилган. Энди сени нима жин урди?

– Мен ҳам сизга ўхшаб бир таъзимни едим-да... А, бу, топган-тутганим ўзимнинг меҳнатим, деб юради-ку.

– Номатқулнинг нонини ебди. Номард, қачон қарама, орқасига сийиб юради. – Рамазон Наим ўзини нотавон кўрсатиб, Пўримнинг раҳмини келтирмоқчи бўлди, ваҳоланки, Пўримнинг ўзи раҳм-шафқатга муҳтож эди. – Ҳозир мени аввалги сиёғим йўқ. Ёш ўтган сари қувват кетаркан. Не-не йигитларим бор эди, думчаси сув кўргач, бари қочди. Биттасигина садоқатли чиқди: Ёқуббой, уни кўргансан... Худди ўша, барзанги. Ҳозирча қаватимда юрибди: чаққон, гапга чечан. Айби йўқ эмас, ичади, топганини сувга уради. Ичма деган билан, қулоғига олмайди, касаллик дейди. Отаси ҳам бир ялоғи, ўғлинг нега бунақа, десам, ўзим ҳам шунақа эдим, бора-бора ақли кириб қолар, дейди. Ота гўри – қозихона, дегани шу-да.

– Агар сиз шу гапни айтиб турсангиз, мен бошимни қайси деворга урай, ака? Бу ерга фақат сизга ишониб келдим!

Рамазон Наим ташвишга тушди. Бу бош оғриқни қаерга яширса экан? Четга чиқарса, тил билмайди, нонини топиб еёлмайди. Бирорта дўхтирга айттириб бетини ўзгартиришга бу кўнармикин? Хўп, ана, ишлар бости-бости бўлгунча шу ерда, шу дала ҳовлида қолдирса, бир балоси чиқмасмикин? Кузакда сукунатга чўмган Тиктепа баҳорга чиқиб яна жонланади: боғларда, соя-салқинда, сув бўйида, ҳовлиларда мўр-малахдек одам қайнайди. Ёзлаб, дам олгани чиққанлар ҳам ижара истаб шу томонга югуради, танда қўйиб олади. Унда нима бўлади? Биттаси эмас, биттаси бу ҳаромига қизиқиб, бу ким бўлди экан, деб сўраса, нима важ кўрсатади? Алдаса, бир алдар, иккинчи марта миси чиқиб, шармандан шармисор бўлмайдами? Бу ерларда синчков, ўзига пишиқ одамлар яшайди, ҳар нарсага бурун тикишади. Биттаси ҳид олиб, миш-миш тарқатса, ков-ков бошланмайдами? Сир очилади, бу ялоққа қўшилиб ўзи ҳам кетади-ку! Ўғрилиқ бўлса ҳам майлига эди, ўртада одам жони нобуд бўлган, бу ҳазилакам айблов эмас.

Шу каби ўй-хаёллар кўнглининг тубига кўрғошиндек чўқаркан, кенг юраги тораёди. Бир оз тин олиб, энди, ўзингдан ўтар гап йўқ, деб гап бошламоқчи эди, Пўрим бир қадушиб тушди.

– Дийдиёнгизга қараганда, бу ерда сенга жой йўқ демоқчимисиз?

– Гапирма бу гапингни-е, ким кўкрагингдан итаряпти?! Мен омади бир гапни айтяпман, холос, – деди Рамазон Наим ва мавриди келганини билиб: – Хўш, хатни олдингми? – деб сўради.

– Қанақа хат? – ўзини анқовликка солди меҳмон.

– Ҳали айтдинг-ку, хатни олганимдан кейин аёл кириб қолди, деб?

– Йў-ге, хат демадим-ку, – муғамбирона кулди меҳмон, – сизга шундай эшитилгандир?

Рамазон Наим ўзини тутолмай пишқирди, гўё баданига минглаб ниначалар бир йўла санчилгандек бўлди. Бу энди шунчаки оғриқ бўлмай бутун вужудини титратиб, қақшатиб юборди. Унинг диққати ошиб, бир оз жаҳли чиқди, чиққанда ҳам чапақай чиқди.

– Ҳазиллашма! Бу ерга ҳазиллашгани келмагандирсан?! – у бошқача таъсир кўрсатиш мақсадида, бу иш номардлик, деб пўписа қилди, лекин меҳмон пинагини бузмади, ҳатто бир қадар кўрслик билан:

– Шайтонламанг, ака, хат ёнимда, – деди аввал кўкрагига шапатилаб, сўнг йўрмадўз кителининг чўнтагидан хатжилд чиқарди. – Бир синамоқчи бўлдим. Мана ўша хат, кўрдингизми?

Рамазон Наимнинг бу ҳазилдан аччиги чиқиб, бароқ қошлари пасту баланд бўлди. Пўримнинг назарида, у ҳозир қаттиқроқ бир гап айтадигандек туюлди. Бироқ унинг юзидаги тундлик булутдек тарқалиб, ўрнини табассум эгаллади. Қани-й, деб қўлини чўзган эди, Пўрим дарров хатни қайта чўнтагига солиб, мен гўл эмасман, дегандек гап қилди.

У хижолатпазлик билан қўлини тортди-ю, жаҳлини ичига ютди. Чунки айни дамда жаҳл билан иш битмас, бу ерда ақл керак эди.

– Ким сени гўл деяпти? – зўраки кулди у. – Шунчаки хат ўшами-бошқами, кўриб қайтариб бермоқчи эдим. Ким билди, мени алдаётибсанми ёки гапинг чинми? Ахир, ўша хат илинжида сенга дарвозамни очиб ўтирибман. Ўзинг биласан, хат ҳаёт-мамотим, унда нима ёзилганини билгим келади. Йўқ, ишни уддалаганингга қойилман! Фақат битта кўрсат, – у титроқ қўлларини яна чўзди. – Кўрсатасанми?

– Хўп, хатни кўрсатдим ҳам дейлик, кейин нима бўлади? Мен-ку ўлган одамман, ўлганни тирилтира оласизми?

– Бир одамга меҳрим тушса, уни ташлаб қўймайман. Феълимни ўзинг яхши биласан. Менга орқа қилиб келибсанми, албатта кўмак бераман. Чет элда танишларим кўп, ўша ёққа жўнатсам, сени ит ҳам тополмайди.

– Тил билмайман, у ерда очимдан ўлиб кетаманми?

– Ҳозир юзни ўзгартирадиган дўхтирлар чиққан дейишадди, биттасига айтсак, бетингни ўзгартиради, кейин туққан онанг ҳам танимайди сени, қандингни уриб юраверасан. Онда-сонда бола-чақангни кўриб турсанг бўлди-да, бошқаси билан нима ишинг бор! Кел энди, хатни бер, мен уни темир сандиққа солиб қўяман, сен ҳам тинч, мен ҳам.

Пўрим ҳам анойилардан эмас эди. Хат унинг жонини сақлаб қоладиган бирдан-бир восита эканлигини яхши биларди. Ўғли Кабир ҳам, хатни дарров бериб қўйманг, деб хўп тайинлаган.

– Йўқ, хат ўзимда тургани маъқул, – деди у бамайлихотирлик билан Рамазон Наимнинг гапини такрорлаб. – Шунда мен ҳам тинч, сиз ҳам.

– Демак, хатни бергинг йўқ?

– Нега энди, хатни сизга олиб келганман. Ғани Бозор ҳам кўп эланди, бермадим.

– Унда хатни менга бер!

– Бераман шу хатни сизга, фақат битта шарти бор.

– Айт ўша шартингни?

– Шартим шуки, қачонки иш бости-бости бўлади, ўшанда бераман. Унгача мендан ҳеч нарса сўраманг, акажон. Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳаммаси яхшилик билан тугайди, деб умид боғлаб турибмиз. Аёлнинг эрини, хотинингни ўзинг ўлдиргансан, деб ҳибсга олишган. Устига-устак, омбордаги ёнғин ҳам унинг бўйнига тушиб турибди, деб эшитдим. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку! Тўғри, унга одамнинг ичи ачишади, аммо начора, уни қўйиб юборишса, мени ҳибсга олишларига тўғри келади. Ҳаммамиз тирик жон, ўз тинчимизни ўйлаймиз. Ҳаёт қонуни шу, ҳатто ҳайвонларнинг зўри кучсизини ейди.

– Сен мен ўйлагандан ҳам айёрроқ экансан! Худди тўқимини қорнига қилиб олган эшакка ўхшаб ўжар экансан!

– Ҳозир айёр ёки ўжар бўлмасанг, олдиндаги у ёқда турсин, оғзингдагини ҳам олдириб қўясан. Шундай экан, мендан хафа бўлманг, хатни сиздан мол-дунё ундириш учун олиб келмаганман, чунки мол-дунё керак эмас, жонимни асрасангиз бўлди, бир куни шу хат сизники. Нодонлик қилдим, энди пишиқ бўлишим керак, ака. Бир шошиладим-да. Шайтон шоширди мени.

Рамазон Наим ишнинг бу тарзда ниҳоя топишини кутмаган эди. Унинг аламдан юраги эзилди, бошини эгиб жим бўлиб қолди, гўё бундан кейин ҳам худди шундай сукут сақлаб ўтирадигандек эди. Пўримнинг ичи қисилди, сукунатни бузгиси келди.

– Ака, мен учун ҳаётнинг қизиғи қолмаган, – деди сўзни сўзга улаб. – Менга шу ишни қил дейишди, мен қилдим. Очиқ гап, мен хумсаликни кечирмайман! Бу ишни, тўғриси, фақат сиз учун қилдим. Қарз қиёматда қолмасин дедим. Қамалиб чиққанимдан кейин ҳеч ким мени сиғиштирмагани

етмагандай, ҳолинг не, деб сўрамади. Сиз-чи, сиз бошимни силадингиз, қаватингизга олдингиз. Тонмайман, тузингизни ичдим, энди тузлуққа тупуриш номардлик бўлади. Сизнинг раҳмингизни келтириш учун бу гапларни айтаётганим йўқ. Хатни ҳам сизга қўрқмай беришим мумкин, лекин ўртада одамни ҳар кўйга соладиган шайтон бор. Ўртага совуқчилик тушмаслиги учун хат ҳозирча ўзимда турсин, дейман. Аҳволимни тўғри тушунинг, акажон.

Рамазон Наимнинг кўнгли алланечук ийиб, энди нима қиламиз, дегандек меҳмонига қаради.

– Меҳмоннинг ихтиёри мезбонда, – деди Пўрим, – нима десангиз шу: чопасизми, кўмасизми, ўлик-тиригим қўлингизда!

– Мени оғир аҳволга солиб қўйдинг сен бола, – деди Рамазон Наим иягини қашлаб туриб. – Нима қилсам экан? Бетингни ўзгартиришни хоҳламаяпсан, чет элга чиқиш ноқулай дейсан. Нима қиламиз энди? – У бир қарорга келдими, қаддини тик тутиб, охирги сўзни айтди. – Майли, шу ҳовлида турасан.

Пўрим қанақа ишга қўл ургани, ишнинг моҳиятини, бошини айлантирган кишиларнинг мақсадини билмасди. Энди билса, уларнинг қўлида бир қўғирчоқ бўлган экан. Назарида ўша қўғирчоқнинг тақдири яна шуларнинг қўлида ҳал бўладиган кўринади. Рамазон Наим ҳам уни чуқурроқ кўмиш пайида сўнги сўзини шундай ифодалади:

– Бўлар иш бўпти, энди можаронинг бости-бостисигача ҳеч кимга чурқ этмай, оғзингни юмасан. Буқаламундек одамга қараб турланасан. Тўғри, буқаламуннинг тили узун, тили билан овлайди, тилсиз қорни оч қолади, аммо сен тилингни ичингга ютасан.

Пўримнинг кўзига можаро оқибати ўз-ўзидан ечиладиганга ўхшаб кўринди-ю, ичидаги гулгула ўрнини умид эгаллади.

– Сиз нима десангиз шу, – бош эгди у. Унинг гап оҳангидан чексиз миннатдорчилик туйғуси ҳам сезилиб турарди. – Биров таниб қолса-чи?



– Ўзинг танитмасанг, ким танийди сени! Ўзингга эҳтиёт бўл. Бу ерга янганг, қизим, ҳатто куёвим келганда ҳам ўзингни сездирма.

– Янга билан куёв мени танийди-ку?!

– Мен сенга нима деяпман, уларга ўзингни танитмайсан-да. Патакдай соқол қўйиб, ўзингни соқовга сол! Сўрашса, имо-ишора билан, қоровулан, дейсан. Ўғлингга айт, ҳуда-беҳудага келавермасин. Келса ҳам кечаси, қоронғи тушганда, ўшанда ҳам эҳтиёт бўлиб келсин. Қўшнилар нобоб, айниқса, ўнг тарафимиздаги Мирфаёз чатоқ, гапга солиб, гап ўгирлайди. Энди бу ёғи ўзингга боғлиқ. Ҳа, ўртада Матмуса аканинг ҳурмати бор. Вақтида менга қайишган, шу қарз эвазига ҳам сенга жой беряпман, буни эсингдан чиқарма!

## 5

Рамазон Наимнинг калласи қоқ иккига бўлинди. Қай бирини ўйласин: ишиними, ёки меҳмониними, қай бирини? Кўпинча иккинчиси биринчисини бошиб, бош қотиргани билан таскин тополмаётибди, ўйлови ортса ортаяптики, камаймаётибди. Бунга кўникишга, бўлажак воқеаларга ўзини чоғлашга, шу йўл билан вазиятдан чиқиб кетишга чора-тадбир излаяпти-ю, аммо ўша чорани дарров тополмаяпти. Умиди суд ҳукмидан эди, аксига олиб, ҳукм битта мақола билан беллашолмай бели чиқди, иш яна терговга қайтарилди.

Энди мағлубиятга бўй бермай, яна олдинга интилишга жазм этди. Қандай бўлмасин судни бузиб, олдинги ҳукмни тиклаши керак. Шу ҳақда бош қотириб англадики, ташвишдан қутулишнинг ягона йўли – Жамшидни бу ишга жалб этиш ва пировардида Намозни ўртадан кўтариш. Шунда Аббос ўз-ўзидан четга чиқиб, ғам-ғуссаси арийди.

Бироқ буни қандай ва қачон айтишни мўлжаллаб юрган кунларида, Жамшид дала ҳовлига олинган қоровулдан гап очиб қолди.

– Қоровулни кимгадир ўхшатдим, – деди Жамшид синчковлик билан, – қишлоқда шунга ўхшаш одамни эс-эс билман, назаримда, ўша одам туман маданият бўлимида ишлармиди-ей. Агар оловда ёниб кетди, деган гап чиқмаганида, ўша одам дердим.

– Дастлаб мен ҳам ўшанга ўхшатдим. Ахир, бурун қўлимда ишлаган, қиёфаси кўзимга ўтириб қолган. Ўхшатганим учун ҳам бу одамни кўнглимга яқин олдим, меҳрим товланди, қолаверса, раҳмим келиб, етаклаб келавердим. Соқов бўлгани ҳам бир ҳисобда яхши, у-бу эшитганини ичига ютади, ташқарига чиқармайди. – Рамазон Наим ҳарчанд ўзини хотиржам тутишга уринмасин, унинг титроқ овози бетоқатлигини билдириб қўяр, буни ўзи ҳам сезгани учун ҳар замон-ҳар замонда кўз милкларини артиш баҳонасида бошини қуйи солар, ундан-бундан гапириб, мақсадга кўчишга тараддулланар эди. – Бу гапларни қўятур, – деб қўл силтади, – сенга бошқа гап бор, очиги бир илтимос бор. Буни қандай қабул қиласан, ўзинг биласан. Лекин, олдиндан айтиб қўяй, бу оддий илтимос эмас. Ўртага жуда нозик одам турибди, йўқ демассан деган умид-даман.

– Қўлимдан келса, бемалол, – деди Жамшид.

– Қўлингдан келадики, ҳаддим сиғиб айтяпман, – деди-ю, шу заҳоти, қайнатанинг куёвга илтимоси ўринлими, деган фикр кўнглидан ўтди. Жамшиднинг юзида ҳеч бир ўзгаришни сезмагач, сўзини сўзга улади. – Мана, ҳозиргина оловда куйиб кетди, деб эслаган одамимизнинг онасини бошига яна кулфат тушибди. Бу кулфат, қайғу дегани қўша-қўша келади дегани рост экан-да. Унинг ўлимига сабабчи бўлган, яъни яқинда Мулқобод туман суди ўз хотинининг жонига қасд қилгани учун ўн йилга кесилиб кетган жиноятчи, хоти-

нимни Аббос ўлдирган, деб туриб олибди. Суд уни айбдор санаб ҳукм ўқиган эди, газетада бир мақола босилди-ю, суд ўз ҳукмини бекор қилиб, ишни қайта терговга оширибди. Аблах қайта терговда ҳам ўз айбини Аббосга тўнкаб ўтирганмиш. У аллақачон бандаликни бажо келтирган бўлса, қандай қилиб одам ўлдирди? У нокас ўлган одамнинг номини булғаб нима фойда кўрмоқчи, ҳеч тушунмайди киши. Шунга бир ёрдамнинг керак.

– Қизиқ, мен унга қандай ёрдам беришим мукин? – деди Жамшид бўштобгина елка қисиб.

– Ташаббус кўрсатиб, қайта терговни қўлингга олсанг, ҳақиқатни тикласанг.

– Бунақа ишларга ҳали қўлим калталиқ қилади. Бунинг устига эндигина лавозимга ўтирган бўлсам. Ҳали янги лавозимнинг пасту баландини билмай туриб, қандай қилиб таваккал қила оламан?

Бу жавобдан, турган гапки, Рамазон Наимнинг пешанаси тиришди ва ич-ичидан ошиб-тошиб чиқаётган титроғини пичинг билан изҳор қилди.

– Ҳа, энди, катта курсига чиқариб қўйсаг-у, озиб-ёзиб битта илтимосимизга берган жавобинг шу бўлдими? Отга минган отасини танимас экан-да! Бошида, ҳамма ишни сиз билан бамаслаҳат қиламан, деган эдинг, берган ваъданг дарров эсингдан чиқдимми? Буёғи қандоқ бўлди?

Жамшид ҳайрон бўлиб сўради:

– Ҳозирги кунгача қайси бир илтимосингизни бажармадим?

– Тўғрику-я, лекин у илтимослар билан бу илтимоснинг фарқи бор-да... Ундан кейин, ўзим учун эмас, биров учун сenga эланияпман. Сўз бериб қўйганман-а! Юзимни ерга қаратиб, мени лафзсиз қилиб қўймоқчимисан?

Жамшид талмовсиради.

– Аввал, шу иш қўлингдан келадими, деб сўрамайсизми, сизга боримни айтмайманми? Бировга орқа қилиб лафз бер-

ган одам олдин ишонгани билан бундоқ маслаҳат қилмайди-ми? Ахир, ваъдани мен эмас, ўзингиз бузаяпсиз-ку!

Рамазон Наим ўзгирлик қилди.

– Маслаҳат қилганимда ҳам шу гапни айтармидинг?

– Ўйлаб кўриб, бир нима дердим-да. Ўз ихтиёрим ўз қўлимда бўлганида эди... Афсуски, менинг тепамда ҳам одам ўтирибди.

– Ўша одамни кўндирсам-чи?

Жамшиднинг нафаси ичига тушиб, бир муддат жим турди-да, кейин сипоҳгарчилик билан сўради:

– Айбга буюрмайсиз, Аббос дегани сизга ким бўлади? Яқин қариндош десам, танимай турибман, дўстингиз бўлса, ҳамма дўстларингизни яхши танийман. У ким ўзи?

– Нима десам экан! – каловланди қайната ва нима бўлса-да, сўзини ўтказишга уринди. – Мулкободда юрганимда жойи жаннатда бўлгур билан жуда қалин эдик. Ўғли, отамнинг руҳи чинқирмасин, деб орқа қилиб келгач, кўзларимга ёш айланиб кетди. Тиригида урилиб-сурилиб таъби дил кун кўрмади, ўлганидан кейин ҳам номига қора чаплаш... энди билмадим, буни нима деб аташ мумкин? Бир лагандан ош еб, кимлигини кўриб-билиб турсам-у, яна елка қисиб кетаверсам, бечоранинг руҳи чинқирмайдими?

– Энди унинг қанақа бечоралиги қолган? Ўлганни бечора деб бўладими?

Рамазон Наим лабини чўччайтирганча Жамшиднинг фикрига қўшилгандек сўз бошлади-ю, охирида бир оз қизишди.

– Мени товламачи, муттаҳам, деб ўйласанг, бу фикринг хато, куёв. Ўзимни оқламоқчи эмасман. Бировнинг ўртасига тушиш оғир масала, буни ўзим ҳам яхши биламан, аммо ўлганнинг устига чиқиб тепиш, буни виждоним қабул қилмайди. Вақтида кимгадир яхшилик қилгандирман, ҳозир эсимда йўқ, бироқ бировнинг менга кўрсатган ҳамиятини унутолмайман, унутишга ҳаққим йўқ. Қулогингга чалингандир, Матмуса ака

дегани?... Ҳа, ўлма, банкда ишларди. Ўша киши вақтида менга ҳам, отангга ҳам кўп қайишган. Умри узоқ бўлсин, тилла одам. Унинг яхшилигини унутган одам кўр бўлади. Аббос ана ўша кишининг жияни, қолаверса, ҳамюртлик ҳурмати бор.

Тамом, шу билан бошқа гапга ўрин қолмади, юраги мумдай эриди, энди ҳам кўнмай кўрсин-чи, деб турганида, Жамшид яна шапшақлигига борди.

– Майли, шундай ҳам дейлик, бироқ бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти. Хотинининг жонига қасд қилган эри бўлса, бу ерда Аббос аканинг нима алоқаси бор?

– Мен яхши билмайман, – Рамазон Наим нимадир димоқчи бўлиб, бир-икки оғиз ростлагандан сўнг, оғзига келган гапни айта бошлади, – одамларнинг гапига қараганда, Аббос марҳума билан ўйнашиб юрармиш. Энди бу қанчалик рост ёки ёлгон, худога аён-ку, мен одамларнинг тусмолини айтаётибман, ўзимдан тўқиганим йўқ. Марҳумларнинг орқасидан гапириш, уларни ёмонлаш худога хуш ёқмайди. Ўзим ҳам ёлгон гапиришдан кўрқаман. Эшитишимча, жувонни жуда чиройли, ошиқлари кўп эди, дейишади. Эҳтимол, калвак ҳар хил гапларни эшитганидан кейин, номусига чидаёлмай, хотинини ўзи ўлдириб, айбни Аббоснинг бўйнига қўймоқчи бўлгандир. Тасодифни қараки, икки воқеа: жувон билан Аббоснинг фожиаси бир кечада содир бўлган. Бу жувоннинг эрига қўл келган. Ҳозир биласан-ку, одамлар сувдан қуруқ чиқишга устаси фаранг бўлиб кетган.

Жамшид ўйлаган сайин бу ишнинг илмоғини тополмасди.

– Нима бўлган тақдирда ҳам, ўлган одамга қарши даъво иши қўзғаш қонунда кўрсатилмаган. Бу ерда бирор қитмирлик борга ўхшайди. Эҳтимол, терговчи адашган ёки эътиборсизлик қилгандир. Кўпинча тезкор-қидирув ишларида суриштирув билан тергов алоҳида ташкил этилади-да, натижада ишнинг айрим қисми чала қолиб, жиноят тўла-тўқис очилмайди. Энди бир мулоҳаза қилайлик: бу ишда Аббосни

айблаб бўлмайди. Бироқ битта лекини бор. Аёлнинг ўлими-гача Аббос тирик бўлганида, унга қўйилаётган айб қайсидир маънода асосли чиқарди. Терговнинг биринчи вазифаси, ҳар икки фожианинг содир этилган вақтини минутма-минут ҳисоблаб чиқиши керак.

Жамшиднинг бу гапидан кейин Рамазон Наим мунгайиб турди-ю, фикр билдиришга шошилмади. Чунки шошилиб айтилган нотўғри мулоҳаза ишни изидан чиқариб юбориши мумкин эди. Айниқса, омбор кимга қарашли эди, деган савол уни бир оз доводиратиб қўйди. Бир нималар деб мижғовланди, Жамшид ҳеч нарсани илғамади.

– Мана, ўзингиз айтаётибсиз, – деди Жамшид янги мулоҳазага бориб, – ўша кечаси омборда қоровул ҳам бўлган деб.

– Қоровул қочиб кетган эмиш, – деди Рамазон Наим мумкин қадар босиқлик билан. – Лекин бунинг анигини ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, ўша кечаси қоровул бўлмагандир.

– Йўқ, сиз икки хил гапиряпсиз. Бир қоровул бор дейсиз, бирида йўқ дейсиз? Қайси гапингизга ишонса бўлади? У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам, барибир қоровулни сўроқ қилиш керак эди. Битта мақола сабаб суд ҳукми бекор бўлди, дедингиз. Журналист бир гапни билгандир-да, бўлмаса, унинг фикри билан ҳукм бекор бўлиб кетавермайди-ку. Бу нарсалар кичкина детал, лекин терговчи кичкина детални ҳам кўздан қочирмаслиги шарт. Керак бўлса, ўша миттигина детал жинойтни фош этиш учун калит вазифасини ўташи ҳеч гап эмас. Ким билади, қоровулнинг қасди бўлса, хўжайинини ўлдириб, кейин жинойтини ёпиш учун омборга ўзи ўт қўйган бўлса-чи? Шунақа вазият юзага келмаган, деб ким кафолат бера олади?

Рамазон Наим, бунақа икир-чикирларга менинг ақлим қайдан етсин, ўғлим, деб чекинди. Бироқ бутунлай эмас, аксинча, янги ҳужумга ўзини чоғлаш, нафас ростлаш учун шундай йўл тутди. Унинг назарида, фикрлар тарози палласидек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушар, вазият ҳам шунга монанд ўзгарар,

бир фикр бошқасини чалкаштирар, равшандек кўринган нарса бирдан бемаъни нарсага айланар, бундан эса унинг жаҳли чиқар эди. Аёлнинг кўксига қадалган буюмдан айнан ўз эрининг бармоқ излари топилиши, Аббоснинг айбдор эмаслигини англамайдимми?

Бу тахмин масаланинг уруғи деб билган Рамазон Наим ана шу уруғнинг кўкаришига умид боғлаб, қайта ҳужумга ўтди.

– Майли, ҳукм бузилди, иш қайта тергов қилинар экан, шу ишни ўз қўлингга олсанг бўлмайдимми?

– Яна бир бор айтаман, қўлимдан келса, сизни ялантирармидим?

– Чораси топилмайдиган ишнинг ўзи йўқ, фақат бунга озгина иштиёқ керак. Янада очиқроқ айтадиган бўлса, эҳтиёж ҳам бўлиши лозим, нимагаки, эҳтиёж иштиёққа йўл очади, тўғрими? Сен ишни қўлингга олавер, эҳтиёжига одам топилади, топилмаса, топтирамиз. Хўш, ёрдам берамизми?

Жамшид ноқулай аҳволда қолди. Ич-ичидан бир овоз чиқди, қулоқ тутса, овоз жуда майин, кишида раҳм уйғотади. Шу пайт майинлик ўрнини оғриқ эгаллади, гўё чўғдек қизиган омбур билан юрагини кимдир суғуриб олгандек бўлди: бу ичидаги шайтон билан раҳмоннинг олишувви эди. Уларнинг қай бири ғолиб чиқди, натижасини Жамшиднинг жавобидан ҳам билса бўларди.

– Хўп, мен бир ўйлаб кўрай-чи, – деди-ю, кетидан яна қайнатасининг бу ишга бемаслаҳат киришганини, бунинг устидан ваъда бериб қўйганидан хафалигини изҳор этаркан, Рамазон Наимнинг бу ишга бош қўшаётганидан шубҳаланди: бу одам нимагадир безовта, йўқ деганга кўнмаяпти, худди ўзи жиноят қилиб қўйгандек ялиниб-ёлвораяпти ёки ўртада туриб бирор жузъани кўзлаяптими? Негадир, қайнатанинг сўнгги кунларда қадам олиши бежо, дала ҳовлига серқатнов бўлиб қолган, шу қоровулда бир гап бормикин?

Иккиланиб берилган жавоб ҳам Рамазон Наимни бир қадар хурсанд этди, гапхонаси очилиб, гўё қайната билан куёв ўртасида мулозамат кўтарилиб кетди. Сухбат унинг борини тавсифлаб, ички дунёсини ёритди, ёлгон гапи рост гапига қўшилиб кетдики, қай бир томон кўпроқ тош босаётгани билинмай қолди. У ёлгонини яшириб, ростини ошириш учун гоҳ кулди, гоҳ ачинди, гоҳ ўз натимосидан хижолат бўлди, гоҳ мавзунини хиёл ўзгартирса ҳам, мақсаддан чекинмай давом этаверди.

– Қадимда тухматчини жазолаш учун унга олдин муздек тарвуз, кетидан пайдар-пай тандирдан узилган иссиқ нон едир шаркан. Қизиқ-а? Кўпчилик бунда қандай ҳикмат бор, деб ажабланиши мумкин. Ҳикмат шундаки, жазода ҳам шафқат, ҳам нафрат яширин. Иссиқ билан совуқ бир ҳафта – ўн кунда кишининг милқларини бўшатиб, бирин-кетин тишларини тўкиб қўяркан. Оқибатда ошқозонга тушган овқат ҳазм бўлмай, одамни чўпдек оздириб юборар экан. Ҳозир бунақаларга бериладиган жазода шафқат кўпроқ. Узоқ борса, жарима билан қутулиб кетади. Нафрати-чи? Одамлар ундан нафратланиб бир кун гапиради, икки кун гапиради, учинчи кун эсларидан чиқаришади. Гап-сўз қизиғида таъсир кўрсатмаса, совуганидан кейин кучи қирқилиб, кулгидан бошқа нарсага ярамай қолади.

– Мен ҳам бир бечорага ноҳақ тухмат қилиб, алал-оқибат кунимиз совуқ тарвузу иссиқ нонга қолмасин учун ўйлаб кўрай деяпман-да, – деди Жамшид. – Бу ишни жиддий ўйлаб, сўнг бир хулоса чиқариш керак.

Жамшиднинг бу гапи Рамазон Наимнинг кўнглида ҳозиргина уйғотган умидни бирдан сўндириб, унинг кайфини учириб юборди. “Ҳа, номард, кипригим билан елиб вояга етказган қизимни бериб қўйсам-у, сендан кўраётган ҳамиятим шуми?! – деб ичида койинаркан, тишларини ғижирлатди. – Куёв дегани барибир ёв, одамга эш бўлмаскан-да. Юз-хотир



деган нарса йўғ-а бу сурбетда! Қўлингга катта бир ҳокимиятни олиб бериб қўйган бўлсам, хўп десанг чурранг тушадими? Ахир, сени суянчиқ, ҳимоячи – қалқон бўлади, деб ният қилган эдим-ку! Ҳа, аттанг!”

– Майли, ўйлаб кўр, етти ўлчаб бир кес, кейин охирига гапингни айтарсан, – деди у пичинг аралаш зарда билан. – Лекин одам барибир ўз кучига ишониши ва мижғов бўлмаслиги керак!

Сухбат охирлади-ю, аммо тугамади. Ҳар иккиси ўз ўй-хаёллари билан тарқалишди. Рамазон Наим ўз жуссасига сизмади, узоқ ўйлади. У ниманики ўйламасин, битта саволга кўндаланг келаверди: Жамшид нима учун бунақа саркашлик қиляпти?

У бу саволга жавоб излаган сайин янги-янги саволлар чиқиб келаверди: Дала ҳовлидаги меҳмон унга шубҳа уйғотяптимикин? Текшириб кўриш керак деганига сабаб шу эмасмикин? Мумдек мулойим бола қачондан бери бунчалар қаттиқ бўлиб қолди экан? Ёки мендан-да ўткирроқ устоз измига солиб олдимикан? Эҳтимол, Кабирнинг ўзини ишга солиш керакдир?

Охирига савол унга қайта умид уйғотди.

## 6

Жамшиднинг меҳмонга келолмаслиги Элёрнинг ҳамиятига тегди, ҳозир бундан-да хунук хабар эшитганида ҳам бу қадар хафа бўлмасди. Гани Бозордан келган элчи ўзига юклатилган юмушнинг мазмун-моҳиятини баён этгач, бир оз юмшаб, унга қўшилишиб Мингчинорга кетди.

Гани Бозор, меҳмонлар бирон нарсадан ранжимамай кетишсин, деб ҳамма нарсани тўкиб солибди. Дастурхонда нима йўқ дейсиз: диркиллаб турган ҳусайнидан бутоғидан хо-

зиргина узилган анору олма, апелсину мандарингача муҳайё; резаворларни айтмаса ҳам бўлади; норину ҳасип, қазии-қарта, хил-хил яхна, писта-бодомлар, биринчи мени ол, мени ол, деб турибди. Давра тор, бари сараланган меҳмонлар – туманнинг гапга етар кишилари тўпланган. Мезбон юбиляр мақомида кайфияти аъло, гоҳ у, гоҳ бу меҳмонга меҳр билан боқади, гарчи каттазанг, туманда обрў-эътиборга лойиқ кишиларга айрича илтифот кўрсатса-да, бошқаларга ҳам бирдек қараб, манзират кўрсатар, дастурхонга қистар, ҳазил-ҳузул билан кулдирар эди.

Ғани Бозор вақтида бош ҳисобчиликнинг даврини сурган, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобига тиши ўтадиган киши эди. Бу кабилар замоннинг эски-янгисини фарқламайди, вазиятга қараб бир думалайди-да, замонга мослашиб кетаверади. Ҳозир у тадбиркор. Нафсиламбрини айтганда, анча ҳаракатчан, тетик ва чаққон, шу туришини кўриб ҳеч ким унга элик ёшни бермайди, ваҳоланки, олтмишга қараб кетяпти. Савлати, қора қалин қошлари остидан айёрона боқувчи кўзлари ҳар қандай суҳбатдошни шошириб қўяди. Ҳаётга, шароитга мослашиш йўлини билгани учун қийинчилик кўрмаган, икки юзи ҳамаша анордай қип-қизил.

Бир пайтлар Рамазон Наим билан бақамти ишлагани ҳаққи-ҳурмати Жамшидни сийлаб, давранинг эркаси қилиб қўйди. Даврада сўз олган киши борки, меҳмон, шу қадахни бошқа биров билан бўшатсам, кейин бир умр афсусланиб юраман, қани, райимни қайтарманг, деб Жамшидга манзират қилади. Хуллас, бир маромда бошланган давра кун қиёмида қизиб, асрада совуди.

Қайтишда Латиф, шошмаяпсанми дегандек юзланаркан, Жамшид, нима эди, деб сўради.

– Кечда қайтадиган бўлсанг, бир оз вақт бор, бирор жойга бориб ўтирсак, кейин ўзимиз кузатиб қўярдик, нима дейсан? – деди Латиф йўлдан кўз узмай машинани бир маромда ҳайдаб бораркан, Жамшидга бир қараб олди.

– Нега энди бирор жойда, ҳамма нарса шай, тўғри бизникига ҳайда! – деди Элёр гапни пайсалга солмай. – Ойсулув ҳам хурсанд бўларди. Боёқиш меҳмон кутаман, деб тоза тайёргарлик кўрган эди.

Жамшид Ойсулувнинг исмини эшитиб, ҳаприқиб кетди.

Латиф Элёрнинг шаштини қайтарди.

– Қўй энди, Ойсулувнинг олдида ноқулайчилик бўлади. Жамшид ваъда берди-ку, эндиги келишимда меҳмон бўламан, деб. Ҳозир шунчаки бир жойда суҳбатлашиб ўтирамыз. Ғани Бозорнида ёйилиб гаплашолмадик ҳам. Агар хўп десаларинг, Дуобага борамиз, ўтирадиган жой, соя-салқин. Устига-устак, болам ўша ерда, шароит қилиб беради. Нима дейсанлар, Дуобага ҳайдайми?

– Дуобага ҳайда! – деди Усмон баралла, ҳамманинг номидан ҳукм чиқариб. – Меҳмон изми мезбонда, бизнинг айтганимиз бўлади. Шу бугун Элёрникида маза қилиб ўтирамыз дегандим, худо шуни ҳам кўп кўрди. Кетдик энди, тўртталамиз ўтириб, бир чакчақлашайлик. Улфати чор, анда маза бор, деганлар.

Жамшид ялт этиб орқа ўриндиқда ўтирган Усмонга қаради.

– Кимни меҳмон деяпсан?

– Кимни бўларди, сени айтяпман-да, – деди Усмон.

– Нега энди мен меҳмон бўларканман?!

– Ие, хафа бўлдиларми? Хафа бўлмасинлар, керак бўлса, бу дунёда ҳаммамиз меҳмон! Қани, Латиф буларнинг гапига парво қилма, Дуобага қараб бур машинани. Нима, ҳар куни учрашиб турибмизми?..

Дуоба – икки сув кесишган, табиати баҳаво жой. Кўз илғамас сайхонлик томондан чўл гиёҳларининг муаттар ҳидини олиб келувчи ҳузурбахш шабадалар бу ерда бунёд этилган замонавий дам олиш масканига ташриф буюрганларнинг баҳридлини очар, ҳавоси ёз ойида ҳам танани тетиклаштиргудек салқин, нафас олиш енгил эди. Икки томондан оқиб

ўтувчи сувнинг шарқираши кишига бамисоли қўшиқ каби ҳузур бағишлайди. Кўпчилик кўнгила очиш учун келади бу ерга, чунки табиат қўйнида шаҳарга хос барча қулайликлар муҳайё, атроф-жавониб осуда, шовқин-сурон йўқ, табиат ўзини кўз-кўз этиб турибди.

Жамшид Дуобани болалигидан билади, лекин анчадан бери келмаган, бу ердаги ўзгаришни кўриб, дабдурустан ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг ҳайратини кўрган Усмон, ана шунақа жой бу, дегандек бошини ликиллашиб қўйди. Латифнинг божаси Низомжон меҳмонларни дарров сув бўйидаги чорпояга олди, йўқ дейишларига қарамай, бир келибсизлар-да қабилда қўярда-қўймай дастурхон тузади, бир-икки дастёрни хизматга қўйди.

Латиф иштаҳа билан чой шопирар, Усмон нималарнидир тушунтириб Элёрни атроф манзараси томошасига ундар экан, Жамшид зимдан Элёрнинг жиддий қиёфасини кузатар эди. Қизиқ, Элёрнинг ичида нима борлигини юзидан билиб олиш қийин: бир қарасанг, шартаки, гап келса юзингда кўзинг борми, деб ўтирмайди, ичида борини шарт-шарт айтиб ташлайди, ичимдан топ хилдан эмас; бир қарасанг, оддий кишилардек содда ва хушчақчақ, гапирса одоб сақлайди. Ҳали зиёфатда ўзини қандай тутган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай, кўпчилик ўртасида изза қилдим-у, кўнгила учун бўлса-да кечирим сўрай, деган гап хаёлига келмайди. Бор-йўғи туман газетасининг мухбири, қарасанг, димоғидан эшак қурти ёғилади. Нимасига бунча керилади бу?

Элёр атроф томошасидан узилиши билан ўзига тикилиб турган Жамшиднинг нигоҳи билан тўқнашиб кетиб, унинг чеҳрасидаги тундликни кўриб хиёл жилмайди ва тушундики, Жамшид ундан ҳалиям хафа, қовоғини солиб ўтирибди.

– Жамшид, ҳалиям мендан хафамисан? – бошини қуйи солганча сўради Элёр ва жавоб кутмай гапида давом этди. – Аслида Ғани акангни гапи нотўғри бўлди-да, сен унинг ёнини

олиб шартакилик қилдинг, энди мен жим ўтирсам, у яна авж оларди. Унинг кимлигини биламан-ку, фойда чиқса, сичқоннинг инини минг йил бўлса, минг йил пойлайди, пихини ёрган одам.

– Билдим, режанг бузилгани учун бир йўла ундан ҳам, мендан ҳам ўчингни олдинг, шундайми?

– Йўқ, унга эмас, Салимий ялтоқланганида сен ҳам унга қўшилиб Ғани Бозорга думингни ликиллатганингга жаҳлим чиқди.

Латиф чойни қайтариб, дамга қўйгунча шунча гап-сўз бўлиб ўтди. Қарасаки, суҳбатнинг рафти жанжалга қараб боряпти, ўртага тушмаса бўлмайдиган.

– Хафа бўлмаяю, сен ҳам ошириб юбординг-да ўзи, – деди у Жамшидга чой узата туриб. – Ма, чойни ол. Ғани акангни ҳиммати пўстакка урвоқ бўлмайди-ю, сени бўлса, кредит олиб бераман, деб чакагинг тушиб кетяпти. Шунақа иш қўлингдан келаркан, Усмонга қайишсанг бўларди.

Усмон, шуни чакки айтдинг дегандек, бошини ликиллатди. Жамшид аввало ўз ёлғонидан пушаймон еди, кейин Усмонга қараб:

– Сенга кредитнинг нима кераги бор? – деб сўради.

– Амбулаториянинг аҳволини кўрмаганмисан? – Усмоннинг ўрнига жавоб бераркан, Латиф қишлоқ томонга бош иргиди. – Қарийб тўртта қишлоқнинг одами шу амбулаторияга қатнайди. Шароит эса ҳаминқадар, иккита одам кирса, учинчиси сиғмайди, учтаси кирса, биттасининг оёғи ташқарига чиқиб қолади. Тиббий техникани гапирмаса ҳам бўлади. Озгина кредит ажратишса шу жой кенгайиб, обод бўлармиди?

– Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси нима дейди?

– Уларда ҳамишагидек қуруқ гап, – деди Усмон хи жолатпазлик билан. – Уларнинг олдига қатнайвериб пошнам ейлиб кетди. Сен буларнинг гапига қулоқ солма, жўра, булар гапираверади, бу масаланинг ечимини ўзимиз топамиз. Ўртага

одам тушса, бошқарма бошлигининг энсаси қотиб, тўнини тескариб кийиб олса-ю, оддий дори-дармондан қисиб қўйса нима бўлади кейин?

– Ана шунақа, бу бола андишага боради, – Латифнинг елкасига қоқди Элёр, – бошқарма бошлиғи бўлса андишанинг отини кўрқоқ қўйиб олган. Шу ишингни жўнаштириб берай, дедим, катта билан тескари бўлмай, деб унамади. Марказий касалхонанинг бошлиғи Олмосовни биласан-а?.. Ана у одам андишани билмайди. Бошқарма билан келишиб нормадан кўп дори оларкан-у, бу ёқда беморларга берилди, деб акт тузиб, аслида орқа эшикдан жиянининг аптекасига ошириб, пулларкан.

– Одамлар бировнинг ҳақидан ҳазар қилмай қўйган ҳозир, – ўртага луқма ташлади Латиф, – бугун имконинг борми, юлиб қол, эртага худо пошшо, дейдиган бўлиб қолишди. Лекин Элёр, Олмосовни тоза таъзирини берди, ҳозир ялтирамай қолган. Бунақаларнинг жазаси шу! Бошқа юлғичларга ибрат бўлиши керак.

– Хуллас, қўлингдан келса Усмонга ёрдам бер, – давом этди Элёр, – Ғани Бозор сенсиз ҳам йўлини топиб кетади. Ўзинг эшитиб-билиб юрибсан: жўмард тадбиркорлар бор, топганидан қишлоғига, маҳалласига ёрдам беради. Ғани Бозорнинг ҳам бунақа ишларга қурби етади, лекин хоҳиши йўқ, чунки бировнинг дарди қизиқтирмайди уни. Агар тагини суриштирса, қўлидаги лимонарий вақти-замонида яккатутликларнинг пешана тери билан бунёд этилган, давр келди-ю, Ғани Бозор бирпасда ўзиники қилди-олди. Сен бўлса, уни баттар ҳаволатяпсан. Ундан кўра, Усмонга қайиш, эл савоби-га қоласан.

Жамшид истехзоли кулди.

– Бош қизиб турганда айтдим-қўйдим-да, – деди у қўл силтаб. – Банкирмидимки, бировга кредит берсам. Олдиндан бир нима деёлмайман-у, Усмон учун ўйлаб кўраман.

– Уйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи...

Усмон нимадир деб буларнинг баҳсига нуқта қўйиш баҳонасида мавзунини ўзгартириш учун муносиб бир сўз тополмай, хижолатдан эзилиб ўтираркан, охири ҳамияти қўзиб:

– Бўлди-е! – деди овозини баланд қўйиб. – Дунёда гап қуриб қолганми, қарз-қаволадан гапирасанлар! Нима, бу ерга шунинг учун келдикми? Битмайдиган иш борақанми, бир кун келиб бу ишлар ҳам битиб кетар. Ундан кўра, Жамшиддан пойтахтдаги ўзгаришлардан сўрайлик.

Унинг гапига жавобан Латиф, уйингда телевизоринг йўқми, деган гапни қилган эди, Усмон яна тутақиб кетди.

– Телевизорда кўрган бошқа, одамидан эшитган бошқа! Телевизорда ҳамма нарсани ҳам кўрсатавермайди. Жамшид эса пойтахтда нималар бўляпти барини ўз кўзи кўриб юрибди. Қани, гапир-чи, Жамшид!

Жамшид гапни қисқа қилди.

– Телевизорда ниманики кўрсаларинг, пойтахтда ҳам худди шу гап. Ҳозир журналист халқидан гап яшириб бўлмайди, ҳидидан топиб олишади.

Буни эшитиб Элёр донг қотди, Жамшид менга тегизиб ҳазил қиляпти, ҳозир узр сўраб кулиб юборса керак, деб унга тикилиб турди. Жамшид пинагини бузмади. Бундан жаҳли чиққан Элёр сал бўлмаса сўкиб юборай деди, лекин шу заҳоти эсини йиғиб олди. Гарчи ичида сўкиб қўйган бўлса-да, ташида шунчаки жилмайди.

– Ана у томонга қарасаларинг-чи, – Элёрнинг чехрасидан нима деб ўйлаётганини, ҳозир жанжал чиқиб кетишини фаҳмлаб, Латиф ҳаммани чўл томонга қаратди. – Табиатнинг турган-битгани мўъжиза-да, худди аёлга ўхшайди, янги либос кийса гул-гул очилиб, яшнаб кетади. Ҳар баҳор келганида биз бир ёшга қариймиз, лекин у ҳусн-малоҳатини кўз-кўз қилиб, ясан-тусан билан яшариб бораверади.

– Бизлар ҳам яшарардиг-у, лекин асабимиз чатоқ, – деди Усмон. Кейин гап бўлмаганда гап бўлсин, деб Жамшидга юз-

ланди. – Қумрабoтдаги иш нима бўлди? Ҳойнаҳой шуни текширгани келган бўлсанг керак-а?

– Ҳа, шу ҳам бошга битган бало бўлди-да, – деди Жамшид.

– Бизлар ҳар хил гап эшитамиз, – деди Усмон. У “биз” деганда Латиф, Элёр ва ўзини назарга тутган эди, ўз гапи ўзига наъша қилиб, мийиғида кулиб қўйди. – Нима бўлган ўзи? Бир камашди, бир газетага уришди, бир суди бузилди дейишди, қай бири тўғри?

Худдики жойи келдими, Элёр:

– Бу ерда юристларнинг хатосини журналист тузатиб, ҳукми бекор қилиб қўйган, – деди. – Ўша журналистни зимдан танийман, қалами жуда ўткир.

Жамшид ялт этиб Элёрга қаради.

– Ўзимизнинг Салимийдан ҳам зўрми?

– У билан бўйлашишга йўл бўлсин. Салимийда сумбат бор, холос.

– Ўзинг-чи? Қаламинг дуруст эди, нега ўзинг ёзмадинг шу мақолани? Ҳар ҳолда Қумрабoтга ундан кўра сен яқин эдинг-ку?!

– Қумрабoт менга яқин бўлгани билан мавзудан йироқманда. Бунинг учун оз бўлса-да юридик маълумот керак. Рустам Қодиров эса юристдан чиққан журналист, қолаверса, катта тажрибага эга. Эҳтимол, шу мавзунини мен ёритганимда, бу қадар натижа бермаслиги мумкин эди. Ҳар ишни ўз устаси бажарса натижа ҳам шунга яраша бўлади.

– Бир мавзуда иккинчи киши ёзса бўлмайдими? Масалан, сен ҳам ёз, энг зўр фактларни мен топиб бераман. Айтмоқчи бўлган фикрларим ўша Қодировингнинг етти ухлаб тушига кирмаган.

Жамшиднинг бу гапи Элёрга маъқул бўлди. У пича ўйла-ниб туриб:

– Ўша далилларинг асосли бўлса, менга бер, – деди, – ҳечқурса туман газетамизда бир нима ёзиб берарман.



– Сен ёз, – деди Жамшид қўлидан ҳар иш келишини кўз-кўз қилиб, – керак бўлса, марказий газетага ўзим бостириб бераман. Ҳар қалай обрўйнинг ошарди, кўпчилик сени таниб қоларди.

– Журналист танилиш ёки обрў олиш учун эмас, адолатни тиклаш учун қўлига қалам олади.

Элёр ҳозир Жамшид билан бу мавзуда баҳсга киришиб кетишини пайқаган Усмон умумий аҳволнинг яна бузилиб қолишидан хавфсиради ва шу баҳонада Элёрнинг обрўйини бир қадар кўтаришни, ёзганларини матбуотга чиқариш ёки чиқармаслик учун у Жамшиднинг ёрдамига муҳтож эмаслигини писанда қилган ҳолда:

– Керак бўлса, – деди тўлқинланиб, – бировнинг кўмагисиз, айнан нашриётнинг талаби билан Элёрнинг китоби босмадан чиқди. Менимча, шундай ижодкорнинг қаламига мансуб мақолани газетага босиш учун бирор кишининг кўмаги зарур бўлмаса керак?!

Жамшид бу янгиликни энди эшитаётган бўлса-да, гапнинг замирида қандай маъно ётганини, ҳозир ўша маънони юзага чиқариб, бу ҳақда мунозара қилса, натижада яна энгилиб қолишини билса ҳам паст тушгиси келмай, эътироф этиш ўрнига ўзини ишонмаганга олиб, йўғ-е, деб юборди.

Латиф бу жавобини маъқул кўрмагани ва шу билан бирга бу ҳақда муфассалроқ маълумот беришга чоғланган эди, ўзи бошлаган гапни ўзи ниҳоясига етказиш мақсадида сўзни Усмоннинг ўзи илиб кетди.

– Ишонмасанг, дастхат ёзиб берилган ўша китобнинг бир нусхаси ишхонамда турибди, – деди у ҳаяжонли товуш билан, – мен эса келган-кетганга, дўстимнинг китоби, деб мақтанаман. Ахир, бу мен учун катта фахр!

– Бригадамдаги болаларнинг бари Элёрнинг китобини ўқиб чиқди ҳисоб, – қўшимча қилди Латиф. – Ўзинг туғилиб ўтган жой ҳақидаги ҳикояларни ўқиб фахрланмай бўларкан-

ми? Китоб қаҳрамонлари таниш, уларнинг гап-сўзлари дилга яқин, худди ўзимизнинг қишлоқ одамлариникига ўхшайди, ўша қаҳрамонлар даврасида ўзингни ҳам кўргандай бўласан.

Жамшид гарчи бу хушxabарни унча хушламаса-да, ўзини кўпчилиكنинг фикрига қўшилаётган қилиб кўрсатиш учун истехзо билан Элёрни енгилгина яниб қўйди.

– Писмиғ-е, ҳаммадан кейин мен эшитибман-да! Қачондан бери мендан сир яширадиган бўлиб қолдинг?

– Нега?! – елка учирди Элёр. – Ўзинг-ку думингни ушлатмайдиган. Бугун уйимга борганинга биттасини қўлингга тутқазардим, жўра. Бизнинг ҳеч бир ишимиз хуфия эмас.

– Латиф, ўзинг айт, – Латифни гувоҳликка чорлади Жамшид, – мен атайин буникини бормадимми, айт қани! Ҳадеб юзимга солаверма-да, жўра. Бир-биримизга бегона бўлсакки бошқа гап. Сенга бўлган ҳурматимни биласан-ку.

– Хўп, Ғани Бозорнинг иши узрли экан. Нима бўлса ҳам, Жамшидга қўшиб ҳаммамизни дастурхонига таклиф қилди. Энди бир-бирингдан гина қилишни йиғиштиринглар. Нима, дўстлигимиз бир кунлик эмас-ку, ҳали бир-биримизникига кўп бор меҳмон бўламиз. Энг асосийси соғ бўлайлик, соғлик бўлса ҳамма нарсани жойига қўйса бўлади.

– Латифнинг гапи тўғри, – деди Усмон қувончи ичига сиғмаса ҳам ўзини тутиб. – Мана шу ўтиришимизнинг ўзи қайси меҳмондорчиликдан қолишадиган жойи бор? Элёрникида ҳам шундай ўтирардик-да, ёки бошқачами? Ундан кўра, Элёр бизга ёзаётган янги асари ҳақида гапириб берсин. Орқаворотдан эшитдим, Чилдухтарон ҳақида каттароқ асар ёзаётган экан. Чилдухтарон тарихий жой, табаррук маскан.

– Ҳа, ҳа, – ўтирган жойида бир қимирлаб олди Латиф, – мен ҳам эшитдим, Чилдухтарон тўғрисида қанақадир ривоят топибсанми-е?

Элёр сўзининг асосий қисмини, ҳали битмаган асар ҳақида гап очиш ноқулай эканлиги, қаламқаш сифатида ҳали ҳам

изланишда эканлиги, асар воқеаларини эшитгандан кўра, ўқиган афзаллиги, асар ҳақида эмас, ривоятнинг ўзини ҳикоя қилиб беришлигини айтди. Бу гапларининг қанчалик самимий эканлигини Усмон билан Латиф эмас, балки Элёрнинг ҳар бир сўзидан ижирганиб ўтирган Жамшиднинг ўзи ҳам сезиб турарди. Элёр чиройли ташбеҳлар билан мавзуга яқинлашар экан, унинг ҳикояси беихтиёр Жамшидда ривоятга нисбатан айрича бир қизиқиш уйғотди.

Ривоятни бошлашдан олдин Элёр Жамшидга юзланаркан, Чилдухтарон қабристонининг кунгай тарафидаги қари балх тутни кўргансан-а, деб сўради. Жамшиднинг: чақмоқдан қорайган тутми, жуда эски дарахт-ку, деганидан кейин, биларкансан-ку, деб гапида давом этди.

– Ўша тут минг йил, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ тарихга эга. Элнинг олди кишилари, бу тут қадимда ҳам бўлган, дейди. Қишлоқ номи ҳам шу тут билан боғлиқ – Яккатут. Бундан анча йиллар бурун чақмоқ шу тутни ёндирганида, одамлар, дарахт чақмоқдан эмас, ҳасратларга чидаёлмай ёнган, деган экан. Шу-шу, дарахт бирор дона барг ёзмаган, ҳамма уни қуриди, деб ўйлаган ва уни кесишмоқчи бўлганларида, унга на болта таъсир этган, на арра. Кимдир, табаррук дарахт, унинг илдизи бақувват, танасида ҳаёт шарбати бор, деб унга тегмай қўйишган экан. Дарахт шу аҳволда яна узок йиллар турган, тураверган. Кейин... баҳорда япроқ ёзган-у, кузга бормай барглари қовжираб тўкилган. Кейинги йили баҳорда яна барг ёзиб, мева ҳам туккан. Бу тутга олдин ҳам бир неча бор чақмоқ тушиб ёнган, лекин ҳар гал ўзида куч топиб, яшаб кетаверган. Ҳозир ҳам чоллар, бутун ер юзини излаганда ҳам бу каби умрбоқий дарахтни топиш амримаҳол, дейди. Тош қотиб кичрайишига қарамай, ҳамон Яккатутдаги ягона яшовчан дарахт шу. Қишлоққа яқинлашганда биринчи бўлиб ана шу балх тут кўзга ташланади, унинг яшил учларига қизиқсиниб қараган кишининг кўнгли алланечук орзиқиб кета-

ди. Унда аллақандай сеҳр бор, аммо бу қандай сеҳр, то ҳануз бирор кимса англаб ололгани йўқ, фақат унда жўш ураётган ҳаёт завқидан ажабланиш мумкин, холос.

Ривоятда айтилишича, бизнинг қишлоқ вақти замонида жуда обод, одамлари аҳил-иноқ, иймон-эътиқодли; қизлари гўзал, йигитлари жўмард бўлган. Энг қизиғи, қишлоқнинг обрўйи, бу – унинг сеҳрли туморида экан. Кимки қозилик курсисини эгалласа, шу тумор тантанаю асъаса билан ўша қозига инъом этилар, қози кимни-ки сўроқ қилса ёки ҳукм ўқиса, албатта, туморни бўйнига тақиб, сўнг иш юритар экан. Мабодо унинг чиқарган ҳукмида саҳву хато ораласа, тумор қозининг бўйнини чунон сиқар эканки, бечора нафас ололмай, шу заҳоти ҳукми бекор қилар, тумор эса асл ҳолига қатиб, сўроқ қайта бошланар экан. То адолат қарор топмагунча тумор торайиб, кенгайиб туравераркан. Халқ туморга Адолат деб ном берган экан.

Жамшид унинг гапини ҳам, ўзини ҳам писанд қилмагандек деди:

– Қизиқ, бу бор гапми ёки ўзинг тўқидингми? Агар гапинг чин бўлса, турган-битгани кашфиёт экан-ку!

– Сен кулма, Жамшид! – танбеҳ берган бўлди Латиф. – Бу гапларни, айниқса, сен тинглашинг даркор. Эшитяпсан-ку, қозилар ҳақида ривоят наҳотки сенга қизиқ бўлмаса?

Жамшид ўз наздида Элёрни пийпалаб ташламоқчи эди, лекин Элёрдан эмас, Латифдан дакки эшитгач, бошини қуйи солиб лом-мим демай ўтирди-ю, ҳикояни давом этгандан кейин яна бошини кўтарди.

– Авлоддан-авлодга ўтиб турадиган тумор вақти келиб, Ҳонис исми йигитга насиб этибди. Ҳонис ёш, мужаррад – ҳали уйланмаган йигит бўлиб, кунлардан бир куни Иқлимо исми қизга кўнгли суст кетиб, ҳаловатини йўқотади, турли баҳоналар билан бир неча бор қизнинг йўлини тўсади ва ниҳоят унга мақсадини баён этаркан, қиз анча йиллар олдин

Йигитали исмаи чўпон йигит билан аҳду паймон қилганини айтиб, Ҳониснинг раёини қайтаради. Ҳонис чўпоннинг исмини эшитибок чўчиб тушади.

У бошида ўзига таскин бериб, чўпонга ҳавас қилади. Лекин ишқ ўти бағри-дилини куйдириб, унга тинчлик бермайди. Ундаги ҳавас аста-секин чўпонга нисбатан нафратга айланиб, яна қизга хушомад қилишда давом этади. Қиз севгисида собитлигини, чўпондан кечмаслигини қайта-қайта таъкидласа-да, ёш қози ниятидан қайтмайди. Мақсадига етмоқ учун чўпонга тухмат уюштиради. Чўпонни қотилликда айблаб, сохта гувоҳлар иштирокида унинг устидан ҳукм ўқийди. Ҳукм ўқиладиганда негадир тумор қозининг бўйинини сиқмайди. Бу ҳолнинг гувоҳи бўлган оломон, чўпон чиндан ҳам қотил экан-да, деб ўйлаб, уни лаънатлаб, қозини кўкка кўтаришади.

Қатлгоҳда чўпон дорга тортилади. Ҳонис, қани энди ҳам қиз менга йўқ десин-чи, деб ўз маҳкамасида ўтирса, орадан санокди вақт ўтиши билан, ёридан айрилган қиз ўз жонига қасд қилибди, деган хабар келади-ю, Ҳонис хатога йўл қўйганини англаб, азобда, ўз ёғига ўзи қоврилиб қолади. Бироқ иш шу билан тугамайди. Тун ярмидан оғганда адолат туморининг маҳрами келади-да, Ҳонисни даст кўтариб чўпон билан қиз дафн этилган қабристонга, яъни Чилдухтаронга олиб боради. Суд бошланаркан, Ҳонис бу суд қонуний эмаслигини, далилий ашёлар, ишончли гувоҳлар йўқлигини айтиб, тархашлик қилганида, адолат туморининг амри билан қўш қабр очилиб, ундан чўпон йигит билан қиз чиқади. Ҳонис дарров ўз қурбонларини таниб, нафаси ичига тушади.

Суд бошланади. Тут шохида илиб қўйилган адолат тумори иштирокида гувоҳлар ўз сўзларини айтишади. Худди ана шу жараёнда қози чўпоннинг устидан чиқарилган ҳукмни ўқиётганида нима учун тумор унинг бўйинини сиқмагани маълум бўлади.

Ҳонис айбига иқрорлик келтириши билан маҳрамлар уни тут дарахти остига судраб, бўйнига туморни тақишади. Тумор то ҳаёт шами ўчгунча уни бўғаверади...

Эртаси куни қишлоқ аҳли Ҳонисни излашга тушади ва охири Чилдухтаронда унинг дарахт шохида осилиб турган жасадини топишаркан, бўйнидаги қўш тумордан унинг айби нимада эканлигини билиб олишади.

Қабристонга Чилдухтарон – Қирқ қиз номининг берилиши ҳам адолат туморининг қирқ маҳрами билан боғлиқ экан. Бу ривоят қачон пайдо бўлганлиги маълум эмас. Кимдир Искандар Зулқарнайн даврида деса, бошқа биров Қутайба ибн Муслим босқини даврида дейди. Рўзиқул тоғамдан, қабристондаги гулпечаклар қирқта қизнинг ер юзида қолиб кетган жамалак сочлари, деган гапни ҳам эшитганман. Яна бир гап бор: шу кунларда, тун ярмидан оғанда кимки қабристон олдидан ёлғиз ўтса, тут остида кимнидир суд қилаётганларини ўз кўзи билан кўрармиш.

Элёр сукут қилиб қолди. Усмон оғир хўрсинди. Латифнинг дами ичига тушиб кетди. Жамшид бошини қашлаб туриб, мулоҳазакор қисик кўзларини Элёрга тикдики, унинг кўзларидаги истехзони, жиртакилик ва беписандлик аломатини шундоққина кўриб, билиб олиш мумкин эди.

– Ривоятинг мунгли экан-у, аммо ишониш қийин, – деди Жамшид кулимсираб. – Битта жойи менга ёқди, ростми, ёлгонми буни билиб олиш мумкиндир. Қани, тун ярмида учламиз қабристон олдидан ўтайлик-чи, бирорта суд жараёнини кўрармиканмиз-а?

Энди бу очиқчасига истехзо эди. Элёрнинг пешонаси тирришди. Унинг ҳолатини сезган Усмон куттирмай жавоб қилди.

– Биламан, сен ҳазиллашяпсан, лекин шуни билки, у нарса кўпчиликнинг кўзига кўринмайди. Кўргинг келаётган бўлса, бир ўзинг боришинг керак.

– Кўрмаган нарсамга қандай ишонай? Ўзинг шу гапга ишонасанми?

– Сен руҳият билан моддийликни чалкаштирма! – деди Элёр ва жилмайиб илова қилди. – Пишлоқ сутдан олиними ни ҳамма билади, лекин уларнинг қўлига бир пиёла сутни тутқазиб, пишлоқни кўрсат, десанг, кўрсатолмайди. Ривоят ҳам шу: хаёлот кучи билан яратилади, замирида ҳаёт бор, биров шу ҳаётни кўради, биров кўрмайди.

– Демак, хаёлот моддийлик эмас, кўз билан кўриб бўлмайди?

– Кўриб бўлмаса-да, ривоятда ҳақиқат яширин. Агар мағзида ҳақиқат бўлмаса эди, ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб, миллий меросга айланармиди? Қуёшни олайлик. Қуёш ерни тутиб туради, биз эса ўша тутиб турувчи нарсани кўрмаймиз, буни инкор ҳам эта олмаймиз. Шундай экан, ўша адолат туморини кўрмаган бўлсак-да, борлигига ишонгимиз келади. Ривоятнинг кучи ишонтиришда. Ёки кечаги кунимизга бир боқайлик. Кеча ўтиб кетди, уни бугун кўролмаймиз, лекин уни кеча кўрганимиз ҳақиқатми – ҳақиқат! Кунлар бир-бирини такрорламайди, вақт селида оқиб, ўтмишга айланаверади. Кеча ёхуд бугун бўлиб ўтган воқеаларни юз ёки минг йилдан кейин ривоятга айланмайди, деб айта оламизми? Ахир, биз унинг ҳақиқат эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз-ку! Демак, ривоят дегани аجدодларимизнинг ўтган кунни, бизнинг ўтмишимиз. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак, бугунимиз шу қадар гўзал, эртаимиз шу қадар фаровон бўлади.

Жамшид ҳайрон бўлди. Нега мен ҳадеб унинг жиғига тегяпман, жангга чорлаяпман? Наҳотки, менинг ҳаракатларим Ойсулув туфайли унга қилаётган ҳасад оқибати бўлса? Нима бўлганда ҳам, у Элёрнинг жаҳлини чиқаришга баҳона бўладиган бирор сўз айтишни, унинг тилини қичитиб, жанжал чиқаришни, оқибатда ўзини осмонда кўриб, уни ерга туширмақни истарди.

– Э-ҳа, сен гап билан тирикчилик қиласан-ку, узр буни билмабман. Лекин, қуруқ гапга ишонмайман-да мен: нақди

асал, насияси касал. Менга кўп гапирма, яримта далил кўрсат, шунда ҳамма гапингга ишонаман. Кеча, бугун, эрта, деб жўжани кузда санамоқчи бўласан, ваҳолангки, бугун ҳеч ким жўжа эмас, пул санайди. Майли, сенингча, ўша тумор мавжуд эди ҳам дейлик, бироқ уни исботлаб берадиган далил борми?.. Йўқ! Йўқ нарса эса чўпчак, яъни қуруқ гап. Хафа бўлма, бу гапларни касбимдан келиб чиқиб айтяпман. Устозларимиз бизга шунақа ўргатишган: кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган нарсага ишонма, дейишган. Кейин, чиройли гапиришга сен каби уста эмасман.

– Модомики, далил керак экан, унда эшит: одамзод нимаси билан ҳайвондан фарқ қилади? Албатта, тил-забони, хотираси, ақл-заковати билан. Ривоят эса ақл-заковат ва хотира меваси. Хотира барҳаётми, демак, ривоятлар ҳам умрбоқий. Тасаввур қил: тақдир тақозоси билан ҳозир адолат тумори пайдо бўлиб қолди дейлик, қандай воқеа юз беради?

Жамшид, бу нима деяпти, дегандек бир Усмонга, бир Латифга маъноли қараб оларкан, Элёрнинг мулоҳазаси қанчалар тўғри бўлмасин, мабодо унинг гапини маъқулласам, бу бола янада ҳовлиқиб кетмасмикин, деган фикр уни ўйлантириб қўйди. Бу ҳақда ўйлаган сари кўнглида ғашлик туша бошлади. Бироқ Элёр жавоб кутяпти, жўн бўлса-да бир нима дейиши керак.

– Аввало саволинг ноўрин, – деди у, – кейин йўқ нарсанинг бор бўлишини ўзи кулгили. Учунчидан, техника ривожланган шундай замонда тумор билан иш кўриш турган-битгани бидъат; тўртинчидан, ғирт хаёлпараст бўлиб қолибсан.

Элёр унинг нима демоқчи эканини англади-ю, гап совумай унга қарши фикр билдирди.

– Техника ривожланган деган гапинг тўғри, лекин ўша техникани инсоннинг ўзи яратган ва уни хоҳлаган пайтида ўз измига сола олади. Агар адолат тумори мавжуд бўлиб қолганда эди, ҳеч бир кимса ҳақиқатдан нолимасди, қонунлар



бузилмасди, нопоклик барҳам топарди, ҳолвани ҳаким еб, калтакни етим емасди, порахўрлик деган иллат тағ-томири билан йўқоларди. Ахир, одамни бузадиган пора эмасми? Инсоф, диёнат, ҳақиқат пойдорлиги қураётган ҳуқуқий давлатимизнинг таянчи эмасми? Инсоннинг бахти адолат тантанаси билан бутун эмасми? Ахир, инсон ана шу саволларга жавоб топиш учун адолат тумори ҳақидаги ривоятни ўйлаб топган, ҳақиқат барҳақ бўлишини орзу қилган.

Элёр қанчалар ҳаяжон билан гапирса Усмон билан Латиф шунчалик диққат билан эшитар ва киприк қоқмай, ҳар замон-ҳар замонда бошларини чайқаб қўяр эдилар. Кулиб турган Жамшиднинг эса чеҳраси бирдан ўзгарди, лекин бўй бермаслик учун бир гапдан қолишни истамади.

– Орзу яхши нарса, – деди у пайдар-пай, – қачонки у амалга ошадиган орзу бўлса. Дунё оқу қорадан яралган, оқ бўлмаса қорани фарқлай олмайсан. Ўша даврларда ҳам шундай: чўпон – оқ, Ҳонис – қора эди. Чўпон ҳалол, Ҳонис сохтакор эди. Тумор бизнинг замонга келиб қолса, уни ҳеч ким сохталаштирмайди, дея оласанми? Сохтаси йўқ нима қолди ўзи? Бу дунёни ёлғончи, деган киши хўп топиб айтган.

Жамшиднинг гаразини англаган Латиф оғринди ва баланд овозда: аслида ёлғончи инсон, ўз айбини яшириш учун дунёни ёлғончига чиқаради.

Латифнинг ҳаракати Жамшиднинг наздида Элёрнинг ёнини олаётгандек бўлиб туюлди ва: тилларинг бирга ўхшайди, сенлар ақлли, битта мен гаранг, ҳеч балога тушунмайман, деди. Усмоннинг чапақай жаҳли чиқди: қаердан олдинг бу гапни, деб зугум қилди. Жамшид эса уни эшитгиси ҳам келмай: нима десанглар шу, миқ этсам тил тортмай ўлай, чунки мен дўст учун жонини берадиган одамман-у, аммо қўполман, сўхтаси совуқман, ҳаммага ҳам ёқавермайман; мени ҳеч ким тушунмайди. Мен пастман десам кўнгилларинг жойинга тушадими?!

Элёр Жамшиднинг бу сўзларида ҳам жиртакилик борлигини сезди ва унга қандай ва қайси усул билан гап уқтиришни билмай боши қотди.

– Сен ақллисан, – деди у хиёл овозини пастлаб, – бу ақлни қаерда ва қай йўсин ишлатишни биласан. Бу дунёни ёлғончи дединг, бу – бор гап, бироқ мана шу ёлғончи дунёдан кимдир ёмонлик, кимдир эса яхшилик излайди ва ҳар ким излаганини топади: ёмонга ёмонлик, яхшига яхшилик қайтишини наҳотки кўрмаган ёки эшитмаган бўлсанг?! Ҳонис ҳам бу дунёдан ёмонлик излаб, оқибатда нима топди?

Жамшид бир нафас тўхтаб, энди пластинкани тескари айлантира бошлади.

– Ҳониснинг нияти ёмон бўлмагандир. Ахир, у ҳам ўз севгиси учун курашди-ку! Нима, бу унинг гуноҳини юволмайдими?

– Ўзгалар бахти эвазига бахтиёрликни кўзлаган Ҳонис ҳақ эдими? – деди Элёр. – Тўғри, у ҳам ўз севгиси учун курашгандай кўринса-да, у танлаган кураш йўли ҳақ йўли эмас, хиёнат йўлидир. Инсоният ҳар қандай гуноҳни кечира олади, бироқ хиёнатни асло кечирмайди.

Шу билан баҳс ниҳоясига етгандек кўринди. Элёр, ушбу суҳбатдан кейин Жамшид анчагина нарсаларни фаҳмлаб олди, буёғига бир-биримизга бўлган меҳримиз ортса ортадики, ҳеч камаймайди, деб келажакка умид боғлади. Бироқ Жамшиднинг нияти ҳам, ўй-хаёллари ҳам бошқача эди.

## 7

Салимий Элёрни ёмон кўриб қолди. Унинг гап-сўзлари аридек чақиб оляптики, захри юз-бетларини шишириб, баданини кўкартириб, юрагига оғриқ беряпти. Бунинг учун ундан қасд олмоқчи, лекин бу қасосни қандай, қай тарзда амалга оширади, билолмай гаранг.

Қасосни шунчаки эмас, бошлаб олиши керак, токи Элёр бошига тушган кўргиликни бандасидан эмас, Худодан деб билсин...

Мажлис бошида бир нави эди, Ҳожиниёзовнинг масаласидан кейин гала-говур бошланиб, ким гапиряптию ким эшитяпти, билиб бўлмасди, ҳамма Ҳожиниёзовни қўлаб, муҳаррир яққаланиб қолди. У, кўпчилик нима деса шу-да, деб кўпчиликка ён берса-да, раҳбар сифатида ўз фикрида қолавермади. Элёр туриб, буни мунофиқлик, деди. Эшмат муҳаррирнинг ёнини оламан, деб таъзирини еди-да, чимилдиққа кирган куёв боладек бир кунжакда биқиниб олди. Ўринбосар гўё йиғилиш аҳлини муросага келтириш баҳонасида бир-икки нордон сўз қилса-да, Элёрни қўлаб-қувватлаб ўтирди. Бу муҳаррирга ёқмади, ўринбосарини сотқинга чиқариб, ичида сўқди ва мажлисни тугатаркан, йиғилганларга жавоб бериб, Эшматга кўрсаткич бармоғини ўйнатиб, сен қол, деди.

Салимий, эти устихонига ёпишган, ичи тўла ғусса, егани баданига юқмайдиган одам эди; ўз жуссасидан ўзи ажабланса, йўғон томирлари ўйнаб турувчи озгин қўлларидан ижирғанарди. Назарида, танаси ўзиники-ю, елкасидаги калла бошқаникидай. Оғзи катта, лаблари ингичка, кўзлари пиёла тубидаги шама орасида қолиб кетган гилос мураббосининг данагидек қорайиб кўринади. Эшмат эса тамоман унинг тескариси, камбар елкалари букридек ташқарига уриб чиққан, бели хиёл майишган, қорни осилиб чиқиб, лапанглаб юрадиган хўппасемиз эди. Айни дамда нотаниш бир киши муҳаррирни излаб келса-ю, Шаҳдохон уни шу хонага киритиб юборса, ўша киши Эшматни муҳаррир, Салимийни эса аризачи, деб тусмоллашига шубҳа йўқ.

Хуллас, Салимий йўлакдаги гала-говур тиниб, кишилар узоқлашгунча мум тишлаб ўтираркан, Эшматга айтадиган гапларини калласида пиширар, Элёрнинг айтганларини яна-бир бор эслаб, унга нисбатан қаҳри ошар, қасос олиш истаги

кучаяр эди. Элёрни аввалроқ ҳайдашим керак эди, нега буни кетга ташладим, деб ичи куярди, бу куйикни нима билан ўчиришни эса билмасди. Раҳбар жамоага ҳукмрон бўламан деса, қўл остидагиларга ён бермаслиги, муросою мадорани йиғиштириши керак экан, шундай йўл тутмаса, бошқарув жиловини қўлдан чиқариб юбораркан. Ҳозир қаршисида ўтирган Эшматнинг кўзидан ҳам: эй, одам, шартинг кетиб партинг қолди, деган маънони уқиб турибди. Ишнинг кетиши шу бўлса, эртага жавондаги хўжа кўрсинга қўйилган чинни лагандан фарқи қолмайди-ку. Мана шу Эшмат ҳам қанчалар ялтоқланмасин, фақат ўзи учун титраб-қақшайди.

Муҳаррирнинг жим ўтириши Эшматга, гапни сен бошла дегандек туюлди ва у тирсакларини столга тираб, бўйинини олдинга чўзиб:

– Авлиё эканманми? – деб эшикка томон им қоқиб қўйди. – Бу шунақа, юзингда кўзинг борми, дейдиганлардан эмас, хаёлига нима келса шуни айтадиганлар хилидан. У – сиз билан мен, катталар олдида қўл қовуштириб, андишага бориб ўтирадиган. Агар мен сиз бўлганимда, бунинг кавушини аллақачон тўғирлаб қўярдим. Афсуски, сиз бўлолмайман, чунки сиз мендан ҳам баттар кўнгилчангсиз, бировга қаттиқ гапиролмайсиз... Оббо, нега ишонмайсиз? Худо ҳаққи, бурунги одил пошшоларга ўхшайсиз-а...

Эшматнинг дардкашлиги Салимийга далда ёки кўнглига мадад эмас, аксинча, дарду аламга айланиб, юрак-бағрини чўғ каби ўртаб юборди.

Эшмат, муҳаррир уни нима мақсадда олиб қолганини яхши биларди. Унинг фикрича, ҳозир Элёрдан гап очади, гап очмаса-да, унга тегизиб бир нима дейди. Шундай бўлса, Салимий билан Элёр ўртасига адоват уругини экади-қўяди.

Бахтга қарши Салимий Элёрдан гап очмади, аксинча, нима учун Ғани Бозорга саҳифа ажратилмаганини рўкач қилиб, ўдагайлади. Эшмат буни кутмаган эди, нима дейиши-

ни билмай довриради, лекин тезда ўзини ўнглаб, Муртазо Офоқовни ўртага суқди: кетма-кет битта киши ҳақида ёзилаверса, газета тарафкашга айланишини айтди.

– Бу қанақа ўзбошимчалик?! – Салимийнинг қошлари чимирилди. – Бор, Офоқовни бу ёққа чақир! – Эшмат ўрнидан туриб эшикка йўналган эди, уни тезда изига қайтарди. – Йўқ, ўтир, у билан ўзим алоҳида гаплашаман... Ҳамма ўзича иш юритаверса, мен нима қилиб сақич чайнаб ўтирибман муҳаррир бўлиб? Ахир, Офоқов иккалангга қаттиқ тайинлаган эдим-ку, донгдор тадбиркор Ғани Бозоровнинг юбилейи, унга битта саҳифа тайёрланглар, деб. Ҳатто ёнларингга маъсул котибни чақиртириб, макетини ҳам тушунтирган эдим: биринчи бетга қаҳрамоннинг лимон ушлаб тушган суратини, сурат остида мақоладан кичкина анонс бериб, давомини учинчи бетга жойлаштиринглар, демаганмидим?! Хўп, Офоқовдан шу фикр чиққан экан, нега дарров уриб олдимга кирмадинг?

– Ҳар ҳолда у ҳам муҳаррир ўрин...

Салимий унинг сўзини оғзидан юлиб олди.

– Газетада битта бош бор, у ҳам бўлса менман! Ўринбосар, бу – ўринбосар, муҳаррир эмас. Минг марта тайинлагандирман, бирор муаммо чиқдим, югуриб менга кир, деб. Хўп, энди мен Ғани Бозорнинг олдида ким деган одам бўлдим? Юбилейида, кейинги сонда сизга саҳифа ажратдик, дегандим, буёғи неча пулга тушди? Мақола чиқмаса, лафзинг йўқ экан, деб мендан ўпкаламайдими?! Майли, бир бало қилиб уни кўндирарман, лафзимни катталар ҳам эшитган, улар нима дейди ҳали? Тоза уятга қўйдиларинг-ку!

Эшмат хижолат, ўзини оқламоқчи бўлди.

– Сизга айтмоқчи эдим...

– Биладан, айтмоқчи эдинг, аммо атайлаб айтмадинг! – жеркиди Салимий. – Ўзингни қанча оқласанг оқлайвер, қаршилигим йўқ, аммо ёлгон гапирма! Худдики, икки томон

учун ишлайдиган агентга ўхшайсан: менга ялтоқланасан-у, Офоқовга ён босасан... Гиди-бидини йиғиштир, хўп де, Эшмат, хўп де! Мен биламан-ку сени, ёзишга улгурмагансан...

– Нега?! – ўрнидан турди Эшмат. – Ҳозир Офоқовдан материалларни олиб келаман.

– Ўтир! Энди бефойда. Ҳайит ўтгандан кейин... – Бу Салимийнинг даромади гаплари эканми, муаммони тинчлик-омонлик билан ёпиб, асосий масалага кўчди. – Яхшиси, менга айт-чи, Элёр қанақа бола, ўзи? Намунча танқидга ўч бўлмаса? Билмадим, бу газетчиларга теккан касалликми, бировни “урсам” обрўйим ошади, деб ўйлашади. Э, бундай кўзини катта очиб атрофга қарасин, қанча ўзгаришлар, янги-янги иморатлар, тўрт томонда янгиланиш, ўсиш-улғайиш... шулар ҳақида ёзса ўладими ёки уни биров уришадими?

– Аслида бу Қобиловдан юққан, – Эшмат ғазаб билан тишларини гижирлатди. – Ўша айтарди: мактов – ютуқлардан эсанкираш; ютуқ чўнтақдаги нақдина, биз ютуқ сари олиб борадиган йўлимизда учрайдиган иллат томирига болта уришимиз керак; танқид – ғафлатдаги кишиларни уйғотувчи куч, деб.

– Ҳаҳ, шу гапга ишонгансанлар-да?! У қанжиқнинг нияти катталарнинг пинжигга кириш бўлган. Сенлар ўлардек лақма, унга эргашгансанлар. Охири нима бўлди, ўзини бошини ўзи еди. Ҳозир Бешкападаги мактабда оддий муаллим эмиш, – деди Салимий. У бу гаплар қуруқ эмаслигига ақли етиб турса ҳам, ғуссага тўлган юрагим, ёки бошқа жойими жизиллаб, мард одамга ён бергиси келди. Омад кишига осмондан тушмаслигини, осмондан тушган омад бир куни бурундан булоқ бўлиб чиқишини яхши билгани учун, тили бурро-бурро айланса ҳам, ичида тавба деди. – Майли, тавба дейиш керак, шунақа кунлар бизнинг бошга тушмасин. Энди ҳар кимнинг омадини берсин-ку, лекин ўша Қобилов ўрнига Офоқовни михлаб кетган экан, зимдан иш бажариб юрибди, лаънати!

Бу гапни эшитиб Эшмат алланечук бўлиб кетди.

– Нима десангиз денг-у, мени уларга қўшманг! Офоқов ўша ғаламиснинг шогирди эканини тўғри англабсиз. Ҳамма бало ўшанда, Элёрни айнитган ҳам ўша. Жуда айёр, ўзи бир чеккада туриб, Элёр орқали сизга босим ўтказяпти. Назаримда, – деб Салимий ўтирган курсига қош қоқди, – шу жойга кўз тикаётибди-ёв. Ҳали кўрдингиз, бўш келмадим, туриб оғзига урмоқчи эдим-у, кўпчилик, муҳаррирнинг ёнини оляпти, деган хаёлга бормасин, деб ўзимни тийдим. Ахир, яқинлигимизни ҳамма билади-да. Мен сизга айтсам, Офоқов билан Элёр битта одам, бир бўлиб обрўйингизни тўкмоқчи, бир пул қилмоқчи. Буларнинг оғзига кулсангиз, арпа бўйи ўсаверади. Шунинг учун...

– Ҳ-ҳовлиқма. – уни тўхтатди Салимий овози қалтираб, – дона-дона гапир: қай бири бу жойга кўз олайтиряпти?!

– Иккиси бир гўр деяпман-ку. Сезган бўлсангиз, ҳар йиғилишда баравар сизга ташланишади. Демак, ҳар иккисининг нияти бир. Тунов куни биттаси, Шоди акага суйкалаверма, эрта-индин ишдан кетади, кейин ёлғизланиб қоласан, деб тўғри юзимга айтди. Мен, бор-е, бу гапни чиқарган номаъқулнинг нонини ебди, деб сўкиб бердим. Ҳа, гап-сўз ёмон, бирпасда тарқалиб кетади. Бу душманларингизни иши, аниқлаш керак.

Салимийнинг кўз олди қоронғилашиб, фикрини бир ерга тўпловмай сўкинди. Сўкинган сари кўнглида ғулғула кучайди. Уни ишдан кетиш муаммоси чўчитарди, чунки у бу соҳа одами эмас эди. У Элёрга қўшиб ўзини ҳам оғзига келган сўз билан лаънатлади. Бу иғволарни Элёрга ағдарди, ўшандан гумон қилди. Элёр, Олмосов масаласида бир нимани сезган. Ахир, Олмосов, шу текшир-текширни бир ёқлик қилсанг, деб катта ваъдалар берган, буни Элёр эшитган бўлса, ҳамма ёққа дўмбира қилади энди. Э, художон-э, нималар қилиб қўйди-а?! У дастрўмоли билан шоша-пиша пешанасининг терини артар экан:

– Ким айтди шу гапни?! – деб столни муштлаган эди, стол устидаги қоғоз-қалам борми – бари учиб ерга тушди. Озгин

қўллар ҳам азоб чекди. – Ким, ким тарқатди?! Ҳозироқ айт, бўйнини сапчадек узиб ташлайман!

У оғриқни совутиш учун қўлини ҳавода силкитаркан, пешанасида тарам-тарам ажин пайдо бўлди. Ажаб, столни муштлашга ярамаган қўл билан калла узаман, деб чиранишига бало борми! Бу миш-мишни бор-йўғи Эшматнинг ўзи, Салимий билан Элёрнинг ўртасида низо солмоқ мақсадида тўқиган эди. Низо туфайли Элёр кетса, Маданият бўлими унга қолар эди. Бироқ муҳаррирнинг вазоҳати Эшматни шоширди: кимлигини айтсам жанжал бошланиб кетади-да, деган ваз билан вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, аммо Салимий қайта-қайта сўрайвергач, таваккал Элёрни пешлаб юборди.

Муҳаррирнинг чеҳраси бўриқиб кетди.

– Ҳали унинг шунақа қилиғи ҳам борми?!

– Ёмоннинг қўлидан ҳар иш келади, унга худо бас келмаса, бандасиники бекор, – деганча Эшмат бўёғига хаёлига келган гапни тилига чиқараверди. – У бу гап билан нима демоқчилигини дарров англади. Ахир, мен редакцияда бўлаётган гапларни сизга етказишимни билгани учун ҳам, менга шундай деган. Ғаламис одам нишонни қандай олишни билади. – Муҳаррирнинг тушкун кайфиятини, ҳали ҳам қўл оғриғи азоб бераётганини кўриб, унга раҳми келиб кетди. – Шоди ака, сиз парвойингизга келтирманг, нимагаки, юз фониз кафолат берман, Мулқободни минг айланиб чиққан тақдирда ҳам, муҳаррирликка сиздан ўтадиган одамни топишолмайди. Буни юқори ҳам, қолаверса, ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шунинг учун кўнглингизни тўқ тутиб, хаёлдан чалғиманг. Буни Элёрга ҳам айтиб юрманг, номери ўтмаганини билиб, ўзидан-ўзи даф бўлиб кетади. Айтсангиз, яна гап кўпаяди.

Салимийнинг қулоғига гап кирмас, энди Эшматни эшитмай қўйганди. Бир муддат гўё гап халтасидаги гапи тугаб қолгандек, Эшмат ҳам гапдан тўхтади.

– Биладан, ҳаммасини биладан! – деди Салимий камтарликни ортга ташлаб. – Ўзимни қийнаб нима қилдим, жон



деб кетар эдим-у, афсуски, бу ерга ўз ихтиёрим билан эмас, шахсан Маматов аканинг тавсияси билан қўйишган, агар ўзбошимчалик билан кетсам, у кишининг ишончини сунистеъмол қилиб, юзларига оёқ босган бўламан... Э, қаерларда ишламадим! Биринчи ишга кирганимда ариза ёзганим, шундан кейин мени ишга олинглар, деб ариза ёзмаганман, юқорининг ўзи кўтаради, тайинлайди, тажрибамни рўкач қилиб, ҳоли-жонимга қўйишмайди. Бўлмаса, мен ҳам жонимнинг ҳузурини биламан. Нима қилай, ҳукуматга керак одам эканман, йўқ деёлмайман.

Эшмат гапни ҳарчанд айлантирмасин Салимийни мавзуга яқинлаштира олмас, бекорчи нарсалардан тез-тез ўтиб кетса ҳам, суҳбат чўзилгандан чўзилиб кетяпти. Бу сафар ҳам, бир қозонда қайнагандан кейин кимлигингизни билмаслик итликдан бошқа нарса эмас, деб гапни қисқа қилмоқчи бўлиб эди, Салимий яна ижикилади.

– Қани энди суянадиган метин тоғинг бўлса-ю, оёқ-қўлингни узатиб даврон сурсанг, – деб орзиқди, кейин бирдан хомуш тортди. – Суяниш эмиш, давру даврон эмиш! Қани ўша тоғ, қани ўша даврон? Мен бир умр ўзимга суяниб ~~ш~~ даражаларга эришдим. Начора, онамиз бизни раҳбарлик учун туққан бўлса, тақдирдан нолиб қаёққа борардик. Кўпчиликнинг кўзида раҳбарлик осон иш бўлиб кўринади: буйруқни бериб, кейин яллоланиб юради, деб ўйлайди. Қани энди шундай бўлса?! Тўғри, олдинлари шунақа эди, ҳозир унақа эмас. Одамлар фақат олдинга қараса, раҳбар тўрт томонга, айниқса, оёғи остига қарайди, чунки уни чалмоқчи бўлган одамлар кўп. Ҳа, раҳбар жудаям эҳтиёткор, сезгир одам бўлиши керак. Баъзида ўта эҳтиёткорлик ҳам панд беради, ўзи билмаган ҳолда хатога йўл қўяди, бировнинг дилини беҳудага огритади, кейин ўзи азобланади. Шунақа, ука, раҳбар ўзининг азоби билан бошқаларга роҳат бағишлайди. Лекин кўпчилик бунинг тескарисини ўйлаб, унга кун беришмайди. – У зўр-

ма-зўраки кулди ва бу кулги замирида қандай маъно борлигини хаспўшлаш учун гапни яна Элёрга бурди. – Бу боланинг ақли ўзига душман, буни билмайди, ёш ҳали. Биз ҳам ёшликда қизиққон бўлганмиз, ҳамма ҳам шундай, бироқ устозлар ўғитига амал қилиб, вақтида ўпкамизни босиб олдик. Биламан, унинг Офоқов билан тили битта; мақсадларидан ҳам хабардорман. Майли, билганларини қилаверишсин-чи, бузоқнинг югургани сомонхонагача, бир таъзирларини берайки, қани ўшанда додларини кимга айтишаркин? Бу ерда ҳозирча мен борман, менинг айтганим бўлади, сен эса яқин одамим, жамоада ким нима деяпти, қандай фикрда, менга етказиб турасан... Гапни охиригача эшитишни ўрган: бу сотқинлик эмас, хушёрлик! Ёмон хаёлга борма, ҳамма жойда шунақа. Кейин бошлиқлар тўғри келган одамни ўзига яқин олавермайди. Шундай ишончга лойиқ экансан, бундан хурсанд бўлишинг керак.

– Мен нима қиляпман, ака?! – Гўё олдинги хизматлари нутилиб кетгандай, Эшматнинг кўзлари ялтираб, норозилигини билдирди. – Миннат эмас-ку, қаерга борсам, ким билан суҳбат қурсам, фақат сизни мақтайман. Элёр ким бўпти, ёзишдан бошқа нарсани билмайди, рўйхотир йўқ унда. Ўша сассиқ гапидан кейин уни холи тутиб, бир-икки насиҳат қилсам, бу аблахнинг нима деганини қаранг, сен елпатак, бу насиҳатингни бориб Шоди акангга қил, деб хонасидан қувиб солса бўладими, лаънати!

Салимий Элёрнинг бу ерга ишга келганидан кейин қандай кароматлар кўрсатганидан ташқари, яна кимларга жабр кўрсатгани, хусусан, Қобилов билан муносабати қандайлигига қизиқди. Бироқ, Эшмат Элёрнинг истеъдодли экани, газетага келганига бир йил тўлмай ўзининг ўрнига, Маданият бўлимига мудир бўлгани, шундан бери уни кўрарга кўзи йўқлиги ва яқинда марказий нашриётда унинг китоби чоп этилганидан бошқа янги гап айтолмади. Қобилов тўғрисиغا

келганда эса, қаттиққўл, қалами борларнинг бошини силаб, қолганларни зириллатар эди, деган гапдан нарига ўтолмади.

– Падар қусурнинг истеъдоди кўпроқ тош босади-да! – Салимий ўзи билмаган ҳолда Элёрни эътироф қиларкан, ингичка бармоқлари билан қотма иягини сийпаб туриб, тушқун оҳангда: – Бу тирмизакни йўқотиш бирпаслик ишқу-я, аммо Маматов уни ҳурмат қилади, шундан чўчийди-да, одам, – деди.

– Бу гапингиз тўғри! – сездирмай бурнини жийирди Эшмат. – Кимга ёқишни билади у аблаҳ. Қобилов кетадиган бўлганда, уни олиб қолиш учун ҳам хўп югурди, бўлмади. Ўша пайтда Маматов йўқ эди. Сизнинг ошнангиз Мавлонов туманни бошқарарди. У Қобиловга қўшиб Элёрни ҳам йўқотмоқчи бўлганди, улгуролмай, ўзи ишдан кетди. Ҳаддан зиёд ҳақиқатпарвар бу бола. Масалан, арпасини хом ўрганманми, сиз билан гаплашиб турганимни кўрса гаши келади; бир баҳона топиб чақиб олади. Аввал ҳам шунақа эди-ю, сиз келгандан кейин авж олди. Маданият бўлимига мудир бўлди-ю, тўрт-беш сўм эвазига танишларнинг нарсасини бостириб берардим, шу даромадни ҳам ўлдирди. Газета қофия бозори эмас, деб ўзимни нарсаларимга ҳам тўсқинлик қила бошлади. Тўрт йил ичида атиги биттагина саккизликим, ўшанда ҳам ўзингизни зуғумингиз билан каптарнинг кетидай бўлиб чиқди. Ҳамсоялар, газетада шеърларингиз чиқмай қолди, бошқа ишга ўтганмисиз, деб шеър талаб қилишганида, нима дейишни билолмай қоламан. Ўзингиз ўйланг, газетада ишласам-у, шеърим босилмаса, уят эмасми бу, ака?!

Салимий қаламнинг орқаси билан столни тик-тик урганча оғир ўйловда қолди. Бир оздан кейин қадини хиёл ростлаб, “да” деб пастки лабини тишлади.

– Дардингни биламан, ука. Агар бу куйдиргини йўқотмасак, сенга ҳам, менга ҳам ҳаловат ҳаром. Нима қилса бўлади, буни-а?

Ва, ниҳоят, мавзуга яқинлашишди, бу Эшматнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Супураверсанг – ер, эговлайверсанг – ол-

мос ҳам юпқалашар экан. Мана, Салимийнинг ҳам асаблари юпқалашгани айна муддао бўлди. Эшматга жон кирди, эшитганларининг барини жамлаб, худди кўпни кўрган кишидек ўзининг қарорини маълум қилди.

– Дурустроқ айбини топиб, йўқотиш керак!

Салимий истехзо билан кулди.

– Тўғри, Элёр биз учун ёмондир, бироқ шу гапларингни бошқа бировга айтсанг, уни мақтаган бўласан. Биз унинг шундай бир айбини топишимиз керакки, бу айб бизга яхши, бошқаларга ёмон бўлиб кўринсин, ана шундагина биз кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Гапимга тушундингми?

– Тушунгандай бўляпман-у, лекин... – Эшмат деразадан ташқарига қараганча бир лаҳза хаёлга берилса-да, Элёрнинг бошқаларга ёқмайдиган айбини ҳеч тополмади. Қизиқ, бандаси маъзур дейдилар-у, излаганда унинг айбини тополмасанг...

Салимий, хаёлга ғарқ бўлгани билан, ундан тайинли бир фикр чиқишидан шубҳаланди ва ўзининг калласига келган тахминни ўртага ташлади.

– Сен Холмурод Шарифнинг ўғлини танийсанми?

– Прокурорми? Танийман! Нимайди?

– Исми Жамшид, мен билан жуда яхши. Ҳозир Қумрабоддаги иш юзасидан шу ерда юрибди. – Салимий елкасини қисиб қўйди-да, Эшматга синовчан кўз ташлаб олди. – Шу бола Элёр билан қил ўтмас ўртоқлигидан хабаринг борми?

– Хўш, хўш?! – қизиқсинди Эшмат.

– Ҳозир иккисининг ўртасидан қора мушук ўтганга ўхшайди. Сабабини билмайман. Ғани Бозорнинг юбилейида сезиб қолдим. Холи жойга ўтганимизда, бу ходимингизни тартибга чақириб қўйинг; сизга ҳам шунақа пешхезлик қиладими, деди ўша прокурор Элёрдан ёзғириб. Даврада ўтирганимизда Элёр бир-икки унинг сўзини бўлди. Мен, шуни назарга тутиб айтаётибди-да, деб гапнинг тагини суриштир-

май, ҳа-йўқ, дедим-да қўйдим. Ҳозир шу эсимга тушиб, нега бу гапни айтди, деб ўйланиб қолдим. Бир-биридан кўнгли қолмаган бўлса, менга шунақа дермиди? Сен бир ҳидлаб кўрчи, нима гап-сўз? Агар жиддийроқ нарса бўлса, сопини ўзидан ясармидик.

Эшмат бир лаҳза жим бўлиб қолди. Салимий унинг бу ҳолатини кўриб, кимдан сўраб билиш йўлини қидиряпти, деб ўйлади. Аммо Эшмат ҳозир бошқа нарса: биладиганларим ичида Жамшид билан Элёрга яқин киши борми-йўқлиги ҳақида бош қотираётган эди. У ўйлаган сари диққати ошиб, ўпкаси пўкиллаб, юрак уриши тезлашар, буни ўзи ҳам сезиб турарди.

Бир пайт юраги адашиб қолиб, қафасидан чиққудай қовургаларга урила бошларкан, танга топиб олган болакайдек хурсанд бўлиб ўрнидан ирғиб турди-да, ўрдакникига ўхшаш тумшуги билан им қоқди.

– Эсимга тушди! – қичқириб юборишидан чўчиб, қўли билан оғзини бекитди. Кейин ўзини босиб олгач, секин оғзидан қўлини олди-да, паст овозда: – Комил амакимнинг Усмонжон деган ўғли бор. Элёрни ўшаларникида кўп кўрганман, улар битта компания. Эртагаёқ суриштириб биламан-да, натижасини сизга айтаман.

Салимий ҳам чўқиб олмоқчидай тумшугини Эшмат томонга чўзди.

– Агар шундан бир иш чиқара олсанг, Маданият бўлими чўнтагимда деявер!

– Тилингизга шакар! Шу гапингиз гап бўлса, бутуноқ аниқлайман. – Бу фикрдан қувониб, яна мулоҳазага киришиб кетди. – Олмосов орқали босим ўтказсак-чи! Унинг дарди бедаво, кўчабезори укаси бор, гаплашиб, ишқал уюштирсак қандоқ бўларкин?

Салимий жим дегандек, кўрсаткич бармоғини лабига босиб, очиқ эмасмикин, деб эшикка қаради, кейин кўзларини ўйнатиб секин шивирлади:

– Буни менга айтдинг, бошқага чурқ этма! Бунинг натижаси нима билан тугашини биласанми? Олмосовнинг ишини ким текширяпти?.. Ҳа, ўлма! Элёрга бирор гап бўлса, албатта, Олмосовдан кўришади-да, қарабсанки, ков-ков бошланиб кетади. Лўп этиб Олмосовнинг укаси қўлга тушиб, уни қистовга олишса-ю, у бизни сотиб қўйса, нима деган одам бўласан, галварс? Бу фикрни каллангдан чиқариб ташла-да, тинчгина мен айтган ишни бажар. Бир ишга қўл урдингми, сопини ўзидан чиқаришни ўрган... Гап ҳам чўзилиб кетди, ана у гўрсўхталарнинг кўнглига бошқа нарса келмасин, бор, хонангга чиқ!.. Ҳа, ҳамма гап шу ерда қолсин, оғзингга маҳкам бўл!

Эшмат ўрнидан тураётиб юзини ишқалади, елкаларини учирди. Кондиционерга тўғри ўтирганини сезмаган эканми, бадани увушиб, боши ғувуллади, худди биров калтаклагандай аъзойи бадани сирқираркан, эшикка яқин боргач бир жунжикди-да, хонангиз совуқ экан, деб чиқиб кетди.

Салимий унинг орқасидан қараб қоларкан, кўнглида ишонч билан бирга аллақандай гашлик пайдо бўлди.

## 8

Қишлоққа бориб Жамшиднинг дарди янгиланиб қайтди. У ўқувчилик, кейин талабалик, қолаверса, йўллари айро тушганда ҳам Ойсулувни унутолмагани ажаб. Баъзида ҳафсаласи сўниб қўл силтаган, пешанамга битилмаган экан, суйиб нима кўрдим, деб Ойсулув ҳақида ўйламай қўйган кунлари кўп бўлган. Бироқ Элёрни кўрди дегунча Ойсулув яна эсига тушиб дарди янгиланар, юрак-бағри аланга оларди. Шунақа пайтда Танҳо кўзига кўринмай, ўзи билан ўзи гижиллашарди. Одам шунақа пайтда дардкашга, далдага, ширин сўзга муҳтожлик сезаркан. Дардкаш топилса-ку хўп-хўп, топилмаса ўзини қаёққа уришни билмай, кўча-кўча санғиркан, ўзига ҳамдам изларкан-у, афсуски, “ҳам”нинг ўзини ҳам тополмаскан.

Жамшид шунақа пайтларда савдойига айланиб, ўзга аёл меҳрини қумсар, бутун фикру зикри ана шу меҳрда бўлиб, ҳатто тушларида ҳам шу аёлни кўриб чиқарди. Чунки кўнгли Танҳодан совиган, номигагина эр-хотин. Э, шу ҳам ҳаётми, шу ҳам турмушми? Ойсулув эса аллақачон хаёлга айланган, қўли ўн аршин бўлса-да, унга етмайди энди. Шунинг учун нима қилиши керак, албатта, Нуриянинг уйига бориши керак. Фақат ўша ердан ҳаловат топади, фақат ўша ерда юзлари анордек қип-қизил, қадди-қомати келишган, йўгон икки ўрим сочини бўлиққина қуймучи устида селкилатиб юради-ган, қоп-қора, шахло кўзи Нурияни кўради-да, бор гам-гуссани унутади.

Мана, қарийб уч йилдирки, аҳвол шу. Хўп, Танҳодан топмаган меҳрни Нуриядан топар экан, Ойсулув билан Элёрнинг орасига суқилиб нима қилади? Ўзи қалби кимни иштайди? Нурияни деса, Танҳога хиёнат қилади. Танҳони деса, Ойсулувга бўлган севгиси ёлгонга чиқади. Беқарор одамнинг севгиси ҳам беқарор-да...

Нурия ким ўзи? У ўн етти ёшида ўғай ота зуғумидан шаҳарга қочиб келган қишлоқлик бир қиз. Поезддан тушиши билан, вокзалда фаррош бўлиб ишлайдиган Ҳанифа кампирга қиз бўлиб олган. Агар у Ҳанифа кампирга эмас, бошқа бировга рўбарў келганида, ким билади қайси йўлга кирган бўларди. Худо деган экан, кампир уйдан жой бериб, худди ўз қизидай бошини силади. Нурия раққоса бўлишни орзу қиларди. Лекин бу орзуси амалга ошмади. Ҳанифа кампир ҳам тутинган қизини раққоса эмас, муаллима бўлишини истарди. Майли, тутинган онасининг сазаси учун педагогика институтига ўқишга кирди. Танҳони ҳам шу ерда учратди.

Қонда жўш уриб турганда истакдан воз кечиб бўлмайди. Нуриядаги рақсга бўлган қизиқиш қонида жўш уриб, уни ёшлар саройидаги рақс тўгарагига бошлади. Ўша ерда Ҳошимжон деган гижжакчи йигит билан танишиб, турмуш

қуришди. Афсус, бу турмуш бир йилга бормай бузилди. Ўзининг айтишича, эри ўтакетган рашкчи, Нурияни институтдан ҳам чиқариб олган. Муштумзўр эрнинг дастидан ажрашиб қутулган. Кейинги эри Чуқурсойдаги тайёрлов идорасига қарашли омборда мудир экан, Нурия унга тўқол эди, эркак никоҳ маҳри учун унга бир хонали уй олиб берган, яъни мана шу, Жамшид билан учрашиб турадиган уйни.

Нуриянинг пешанаси шўр эканми, ноҳос омбордан камомад чиқиб, иккинчи эри юрак хасталиги билан оламдан ўтади.

Жамшид Танҳо билан турмуш қурган кунларида Нурия бева эди. Танҳога келин дугона бўлиб, унинг ёнида ўтирди. Жамшид уни биринчи марта ўшанда кўрган, лекин унга қачон боғланиб қолди, эслолмайди, эслаган билан энди бунинг аҳамияти йўқ.

Чорсу бозорига ёндош йўл чеккасида “Чарос” қаҳвахонаси бўларди. Нурия биринчи эри туфайли ўқишдан мосуво қолгач, иккинчи эри уни шу қаҳвахонага жойлаб қўйганди. Ўшанда қаҳвахона давлатга қарашли эди, ҳозир у йўқ бўлиб кетган, жойига озиқ-овқат дўкони қурилган. Жамшид сиқилган пайтлари қаҳвахонага, Нурияни қора тортиб борар, то қаҳвахона ёпилгунча ўша ерда гашт суриб ўтирарди. Нурия, дугонамнинг эри-ку, деб уни ўзига яқин олиб, хизматни ҳам шунга яраша кўрсатарди.

Бир куни Нурия ишдан кеч бўшади, Жамшид уни кузатиб қўймоқчи бўлган эди, қаршилиқ кўрсатмади. Иккиси йўлда дардлашиб борди. Белгиланган манзилга етишгач, Нурия бир пиёла чойга таклиф қилганида, йўқ демади... Шу-шу, Нурияга боғланиб қолди.

Ўшанда ўрталарида севги-муҳаббат бормиди-йўқмиди, ўзлари ҳам билишмас, шунчаки эрмакка учрашиб юришарди. Бир йилча шу тарзда вақт ўтди, кейин бирдан Нурия дом-дараксиз кетди. Орадан бир-бир ярим йил ўтгач яна пайдо бўлди. Жамшид буни Танҳодан эшитди-ю, чанқаган туядек маъшуқасинига қараб югурди.



Одам соғинган кишисини кўргиси келса, йўл қисқараркан. Жамшид бир зумда етиб келиб, ичкарига кириши билан Нуриянинг шаҳло кўзлари қувончдан яшнаб кетди. У хиёл озган бўлса-да, аввалги латофати йўқолмаган, ўшандаги жўшқинлиги сақланиб қолган эди.

– Одам ҳам шунчалик бўладими?! – деб Жамшид унга талпинди.

Нурия йўлига бегонасираб, шошмасангиз-чи, деб тўдасидан ажралиб қолган бир тутам сочини беозор бош силкитиш билан тўдасига қайтараркан, бир қадам орқага тисарилди.

– Соғинтирдинг-ку! – Нурия барибир тутқич бермади, орқага тисарилиб бораверди. Деворга тақалгач тўхтаб, яқинлашманг, деди. Айни дамда Жамшиднинг қулоғига гап кирмасди. – Хафамисан, айт, мендан хафамисан? – деди унинг елкаларини силаб. – Нега қочяпсан?

Нурия ҳеч нима демай, Жамшиднинг кўзларига қараб тураверди. Лаблари сув очиб, бўсага шай турган бўлса-да, ўзини тийди.

– Йўқ, мени соғинмагансиз, бўлмаса излаб топиш сизга чўт эмасди. Ҳозир ҳам Танҳодан яширин келгансиз, алдаманг!

Жамшид бўса билан жавоб берди. Нурия дув қизариб, қошлари чимирилди.

– Мен Танҳо бўлганимда, сизни ўзимдан ҳеч узоқлаштирмасдим.

– Сен мен учун ҳали ҳам танҳосан!

– Ёлғон айтасиз! Агар сиз учун Танҳо бўлсам, демак, мени ҳам севмас экансиз-да?!

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Ҳали ҳам Танҳо билан ўрталарингда совуқчилик бор экан-ку.

– Буни сенга ким айтди?

– Танҳо айтди.

– Танҳо айтди?!

Шу пайт Нуриянинг хаёлига ғалати фикр келди: Танҳо билан Дониёр ўртасидаги муҳаббатдан гап очиб, Жамшидни ундан совутмоқни кўзлади-ю, тезда бу фикридан қайтди. Агар Жамшид бу ҳақиқатни эшитса, шубҳасиз, Танҳони зуғумга олади ва Дониёрнинг кимлигини суриштиради. Ўртада ўз дугонаси тўғрисида айтган гапларини Жамшид хусуматга йўйиб, Нурияни ёмон кўриб қолиши эҳтимолдан холи эмасди.

– Ҳа! – Нуриянинг овози қалтираб чиқди. – Ахир, қайтганимни ҳам Танҳодан эшитгансиз-ку, шундайми?

– Бу гапинг тўғри, – тасдиқлади Жамшид, – бироқ қочиб кетганингни нима билан изоҳлайсан? Мен бу ерга неча бор келганимни биласанми? Кўшниларинг, кўчиб кетган, деганига қарамай, келишни қанда қилмадим. Ҳар келганимда, бу сафар эшик очилади, деб ўзимни ишонтирдим. Хўш, айт-чи, қаёққа кетган эдинг?

Нурия йиғлаб юбормаслик учун юзини дераза томонга бурди.

– Қишлоққа...

– Шунақа заруратинг бор экан, бир оғиз айтиб кетсанг бўларди-ку.

Нурия чуқур нафас олганида кўкраги пуфакдай шишиб, кўйлагининг тугмачаси узилай деди. Бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю, ҳаяжонданми, гапиролмай, қизариб кетди. Кўзларини четга бурди ва кўпга сабри чидамай Жамшиднинг юзига қараганида, қорачиқлари кенгайиб кетди.

– Ҳа, айтсам бўларди, лекин... – у бир оз жим бўлиб қолди. – Билсангиз, ўша ерда ҳам сизни ўйламаган куним бўлмади: кундузлари ичимда, кечалари ташимда йиғлаб чиқдим. Ҳамиша қулогим остида овозингиз жаранглаб турди, юзларимда нафасингиз тафтини ҳис қилардим. Тушимга кирардингиз, чўчиб уйғонардим ва юм-юм йиғлардим: сиз билан кечган кунларнинг бари сароб, хаёллар ўйини, қисмат ёстиқни ҳўл-

лаб тонгни қаршилаш экан-да, деб юрак-бағрим ўртанарди. Бошқа кўролмаيمانми, деб кўрқардим... Қайтиб келгандан сўнг, тўғри уйингизга бостириб бориб, бор ҳақиқатни Танҳога айтмоқчи ҳам бўлдим-у, шаштимдан қайтдим. Лекин охири шунақа бўлишини кўнглим сезарди. Танҳо дугонам, уни сизга ёмонласам, кўнглингиизга бошқа гап келади, деб дардимни ичимга ютишга мажбур эдим. Энди бунга ортиқ чидаёлмаيمان, Жамшид ака. Ахир, менинг ҳам севишга ҳаққим борми?!

– Ҳаққинг бор, Нурия, ҳаққинг бор! – деди Жамшид. – Ох, Нурия, жисмим шу ерда бўлди-ю, қалбим сени излаб кетди. Сени ҳеч қачон бунчалар қўмсамаган эдим. Нурия, жоним, яна озгина чидасанг, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

– Шунча пайтдан бери чидамаган эканмиз-да? Начора, яна чидаймиз!

– Мен ҳам чидаяман-ку... – деди Жамшид огриниб. – Нурия, сен ойга ўхшайсан, кечалари дилимни ёритиб, кундузлари бағримни ўртайсан. Қани энди ҳар куни, ҳар дақиқа ёнингда бўлсам эди, аммо бунинг иложи йўқ. Биламан, сен ҳам менга бефарқ эмассан. Ўртамизда Танҳо борлигини ҳам унутмаслигинг керак. Тўғри, биз у билан ота-она орзуси туфайли турмуш қурдик, ўртамиздаги совуқчиликнинг сабаби ҳам шунда. Бироқ, бизнинг бу ишимиз ҳам унга нисбатан шафқатсизликнинг ўзгинаси. Мен унга ёмонлик истамаيمان ва бу билан ўзимни оқламоқчи ҳам эмасман. Қани энди сендаги меҳринг ярми унда бўлсайди...

Нурия шундан кейин бирдан ўзгариб қолди.

– Мен тушундим, – деди чуқур хўрсиниб, – сизни қийнаб қўйибман. Танҳо яхши аёл, унинг ёнига боринг. Ҳозир мен шуни хоҳдайман.

– Мендан хафа бўлдингми?

– Йўқ, ўзимдан хафа бўлдим. Ҳозир жуда ёлғиз қолгим келяпти.

– Демак, мендан хафасан?

– Йўқ-йўқ, асло! Мен сизни кўкрагингиздан итармоқчи эмасман, энди бунга ҳаққим ҳам йўқ, фақат мени ҳозир ёлғиз қолдиринг, илтимос!

Жамшид эшик томон юраркан, Нуриянинг, қайтинг, дейишидан умидвор бўлди, аммо Нурия бу сўзни айтмади ва Жамшиднинг орқасидан эшикни ёпиши билан эшикка орқа бериб, қўлларини юзига босганча йиғлаб юборди. Унинг юраги оғир дарду андуҳдан сиқилиб, ўзи учун энг қадрдон ва азиз кишисини энди ҳеч қачон кўролмайдигандек эзилиб-эзилиб йиғлади.

Жамшид кўчага чиқди. Тун қаримоқда эди. Қоронғилик билан олиша-олиша чарчаган ой ўз кемасида имиллаб борар экан, унинг салқин нурлари дарахтлар баргида жилваланар эди. Жанубда порлаб турган ёрқин Зухра жилвасига ҳаммоҳанг бошқа юлдузлар ҳам гавҳардек порларди. Айни дам бутун шаҳар аҳли уйқуга чўмган, машиналар қатнови сийраклашиб, кўчалар деярли бўм-бўш, бир неча соатлар олдинги шовқин-суронни сукунат ютиб юборган, шаҳар жим-жит ва кимсасиздек, фақат аллақайси каваклардан тун қушининг ўқтин-ўқтин сайрагани қулоққа чалинар, бу гўёки умидсиз севгидан ёзғираётган ошиқнинг оҳу ноласи каби Жамшидадаги кўҳна оғриқни янгилаб, юрак-бағрини баттар эзарди. У бир маъшуқа уйини тарк этиб, иккинчисининг бағрига шошаркан, узоқдаги бошқа бир маъшуқанинг дарду хаёли ҳам қалбини туздай куйдирар эди. Ўтмишни унутай дейди-ю, негадир унутишга журъати етмаяпти. Унутишга нима халақит беряпти, ўзи? Нима, шайтон у билан ўчакишяптими? Билмайди, билмайди...

У ўз ўй-хаёллари билан йўлак бўйлаб қадам босаркан, оёғи остида хазонлар шитирлашидан-да ҳадиксирарди. “Одамзод қизиқ-да, – деди у қоронғилик қўйнига олазарак қараб олиб, – баъзан вужудини гам-андуҳ чўлғаганида, юраги худди дув

тўкилган мана шу кузги япроқлардек оёқлар остида қолади ва бу кенг олам кўзига миттигина бўлиб кўринади. Лекин шу миттигина оламда яшаётган тирик жон борки, ҳамма-ҳаммаси нимагадир интилиб яшайди, курашади. Курашда эса кимдир енгади, кимдир енгилади, аммо ҳеч ким кураш майдонига енгиламан деб тушмайди. Шунинг учун токи тирик экансан, сичқонга ўхшаб ўзингни қоронги кавакка эмас, бамисоли шер каби кураш майдонига уришинг керак экан...”

Бироқ, Жамшид билмасдики, голиб ҳам, мағлуб ҳам олонинг наздида баробар, яъники ҳар қайсиси ўзича мағлуб, ўзича голиб. Кимки ўзига берилган яхши-ёмон кунларни тангрининг ажри, деб билса, кўнгли хотиржам бўлади, беҳудага ич-этини еб, ўзини адо этмайди. Шундай экан, голиблик ҳам, мағлублик ҳам тангрининг лутфи карами эканини англаган инсон голибдир...

Жамшид эҳтиёткорлик билан эшикни очиб, мушук юриш билан ичкарига кириб олди-да, пайпаслаб хобхонага ўтди, чироқни ёқмай ечиниб чўзилган эди, каравот хазондек гижирлади. Танҳо бошини бир кўтарди-ю, ҳеч нарсани эшитмаган, сезмаган бўлиб, кўрпага ўраниб ётаверди. Унинг ўзини билиб билмаганга, кўриб кўрмаганга олиши Жамшиднинг жаҳлини чиқарди. У ўрнига чўзилиб, кўрпа устида оёқларини қимирлатганча талай вақт кўзларини шунчаки юмиб, Нурия, Танҳо ҳақида, бир кун келиб Ойсулувнинг висолига етгандан кейин нима бўлиши тўғрисида ўйлай бошлади. Буларни у кўз олдига келтира олмасди. Фақат Нуриянинг қиёфасини аниқ-таниқ кўз олдига келтирар, аммо унга боғланиб қолгандан кейин нима бўлишини тасаввур қилолмасди. Танҳо билан ажрашадди, Ойсулув хаёлий тушга айланиб кетади, ана ундан кейин унинг Танҳосидан ҳам, Ойсулувдан ҳам нишон қолмайди. Лекин шундай бўлишига ишониш қийин. У Танҳодан ажрашиб, Нурияни йўқотиб қўйишдан ачинмасди. Бундай қилиши зарурлигини билади, лекин Ойсулувнинг висолига ҳам етолмай қолса, ундан кейин қандай яшайди?

Ҳисоблаш керак бўлган нарсани чамалаган Жамшид ҳақ томонлама мўлжаллаб кўрди, чунки ҳозир унинг учун худди шу нарса муҳим эди гўё.

“Қани энди бу аёл ҳам рашкни билса, – деди Танҳо томонга қараб туриб, – нега кеч келдинг, деб тергаса менинг ҳақ кўнглим ёзилармиди? Йўқ, бу аёл учун менинг бор-йўқлиги бир пул. Озгина бўлса ҳам Нурияда менга нисбатан нимади бор, фақат мен гумроҳ ўша ниманидир англаб етолмаяпман. Ойсулув мени чалғитяпти чоғи... – Жамшид бир нарсада ташвишда эди: – Эҳтимол, Танҳонинг ўзи мен билан ажр: шишни истаётган, мен эса унга йўл бермаётган бўлсам-чи. Шундай бўлган тақдирда, унга кўмак беришим лозимдир. Агар бу йўлда янглишсам, турган гап – унга ёмонлик қилга бўламан...”

Киши бир нарса ҳақида ўйлайверса, ўнгида ҳам, тушида ҳам ўша нарсага боғланиб қолади. Жамшид эрта турди. Танҳо ҳали ҳам талтайиб ётарди. Кўрпа хиёл сурилиб, унинг оппоқ болдирлари кўриниб қолган эди, суқ билан қараган Жамши ўрнидан туриб унга яқинлашди ва оппоқ билагидан тути силтади. Танҳо: нима дейсиз, дегандек минғирлади.

– Танҳо, нима дейсан, ота-онангдан мустақил яшаб кўсакмикин?

Танҳо шарт ўрнидан туриб ўтирди-да:

– Нима, ота-онам сизга ёқмай қолдимиз? – деди ва апила-тпила кийиниб хобхонадан чиқиб кетди.

Жамшид хобхонада қолди. Шу пайт йўлакда минғир минғир овоз эшитилди: Танҳо онаси билан зўр бериб тоғ тишарди. Жамшид ўзини ноқулай сизди. Она-бола тайинла гапни гапирганларида ҳам майли эди. Қаёқда, улар тайинла гапни билишармиди? Ҳозир дастурхон бошида дилсиёҳлар бошланади. Нега шу гапни ҳозир сўради-а? Танҳонинг жам жалга баҳона тополмай юргангани биларди-ку. Агар Танҳо бир оз бўлса ҳам эрга нисбатан қайишиш бўлганда эди

ота-онамга маслаҳат солиб кўрай, деди. Жамшиднинг ҳам бекорга дили хира бўлмасди.

Негадир нонушта тинч ўтди. На қайнатадан, на қайнанадан садо чиқди, Танҳо ҳам ер чизиб ўтирди. Жамшид ишга отланаркан, қайната унинг биллагидан тутиб, гап бор, дегандек меҳмонхонага олиб ўтди-да, гап даромадини, шундай қилсак, бундай бўларди, қабилида бошлади.

– Танҳога иш топиб берай, баҳонада инжиқлиги барҳам топармиди, дегандим, аммо Кибриё “битта туғсин, кейин”, деб йўл бермади. Энди унга ҳам бир нима деб бўлмайди. Она-да, боласини ўйлайди, кўз олдимда юрсин, дейди. Майли, буни қўйиб турайлик. А-бу, келинчак нима деяпти? – деди қайната диққатбозлигини яширишга уринар экан, гапни кулгига олди. У Жамшиднинг кўнглини юмшатиш, қолаверса, ўзини бетараф кўрсатиш мақсадида қизини “келинчак” деб атади.

– Мен, алоҳида яшасак муносабатларимиз яхшиланармиди, деган эдим, – деди Жамшид “ўзим аҳмоқман, шу ғавғони нимага айнан шу бугун қўзғадим-а, бир оз совутиб айтсам ҳам бўларди-ку”, деб ўзини-ўзи койиркан, зўраки жилмайди. – Бу ҳали хомаки гап, ўзимиз бир қарорга келиб, сўнг сизларга айтмоқчи эдик. Танҳо мени нотўғри тушунибди-да.

– Мен ота, қолаверса, оила бошлиғиман, нима гапинг бўлса, аввал менга айтишинг, маслаҳатлашининг керак эди, – деди Рамазон Наим босиқлик билан. – Танҳо ҳали ёш, бунақа гапларни ўзига оғир олади. – Қайната гап орасига “оила бошлиғиман” деган гапни атайин қистириб ўтишидан мақсад, куёвига бу уйда ким хўжайин эканлигини эслатиш ва унинг этини ўлдириш эди. Оилавий можароларга тоқати йўқ Рамазон Наим бирор гап-сўз чиқса, хотинига ҳам, қизига ҳам чунон ўшқириб берардики, сичқоннинг ини минг танга бўлиб, она-бола ўзларини қайси туйнукка уришни билмай зириллаб қолишарди. Хўш, энди куёвига нима десин: бу уйда яшаш

ёқмаса, тўрт томонинг қибла, бор, кетавер, деб эшикни кўрсатиб қўйсинми? Шундай йўл тутиши мумкин, лекин айни дамда бу йўл равон эмас. Жамшид унинг кирдикорларидан анча-мунча хабари бор, ёмонликка олса, кесакдан ўт чиқиб кетиши мумкин. Устига-устак, ўзи танлаган куёв, энг яқин ошнасининг боласи, қаттиқ гапирса, эртага қишлоқда бир олам гап тарқалади. – Хўп, биздан айри яшасаларинг, эҳтимол яхши бўлар, оғирчиликка кўникарсизлар, лекин бунга қўни-қўшни, таниш-билиш нима дейди, шу ҳақда ўйлаб кўрмадингми? Битта қизию битта куёвини кенг уйинга сиғдиrolмабди-да, деб бизнинг устимиздан кулишмайдими?

– Бошқалар яшаяпти-ку, – деди Жамшид.

– Бошқаларнинг йўриғи бўлак, – хиёл овозини кўтарди қайната, – бошқаларда иккита-учтадан бола, бизники ёлғиз, дарров гап-сўз қилишади. Мен йўқ демайман, лекин бу бир нафасда битадиган иш ҳам эмас, етти ўлчаб бир кесиш керак. Шошмайлик, ўйлашиб кўрайлик, ечими топилар, ўғлим. Ҳали келинчакнинг юзидаги қайғуни ўзинг кўрдинг. Ёлғиз фарзанд шунақа бўлади, ота-онасига боғланиб қолади, улардан айро яшашга чидаш беролмайди, буни тушунишинг лозим. Кўриб турибсан, биздан кўнгил узолмагани каби, сендан ҳам ажрашгиси келмаяпти.

Охирги гап Жамшиднинг кўкрагига мушт бўлиб тушдики, унинг вужуди зириллаб кетди.

– Дада, ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз-ку...

Қайната вазиятни кулги билан хаспўшлашга уринди.

– Сен билмайсан-да, аёлларнинг нози баланд, шу нози билан биз эркакларнинг кўнглини ўзларига ром этиш билан банд. Биз эса шу ноз учун эркимизни уларнинг қўлига тутқазиб қўйганимизни ўзимиз билмай қоламиз. – Рамазон Наим бирдан жиддий тортди. Бу жиддийлик замирида дард билан қоришиқ айёрлик ҳам бор эди. У куёвнинг таклифига дарров кўниши, уларга янги уй олиб бериши муаммо эмас,



аммо куёвни ўзидан узоқлаштира, жилов қўлдан чиқади, жилов қўлдан чиқса, уни йўлга солиш мушкуллашади, назоратни йўқотиб қўяди. – Тўғриси, ўзим ҳам шу масалада анчадан бери ўйлаб юрардим, – деди у сўздан сўз ясаб. – Одамнинг ёши ўтган сайин файласуф бўлиб боравераркан. Ҳар мушкул ақл билан ечилса пушаймонга ўрин қолмас. Отанг энг яқин дўстим, унинг феълени хўп яхши биламан, аммо-лекин... Йўқ, сени ким йўлдан уряпти, ҳайронман! Кимларнинг измига тушиб қолдинг? Ота-бола, деган сулҳ-салоҳимиз бор эди, бўёғи қандоқ бўлди? Мени сенлардан бошқа меросхўрим бўлмаса, қариган чоғимда бу уй-жой, мол-давлатнинг менга нима кераги бор, топган-тутганимнинг бари сенга, Танҳога...

– Гап мол-дунёдами?

– Нимада бўлмаса? Айт, ё эркингни чеклаб қўйдикми? Ўзингга хон, кўланканг майдон; қўлингни совуқ сувга урдирмасак, ёнингда пишакка “пишт”, товуққа “кишт” демасак, тўғри келган жойда шўрва шопириб, ялло қилиб юрсанг, яна қанақа гўстоҳлик ўтди биздан?

– Ўз уй-жойим, ўз оилам бўлишини...

– Сенингча, ҳали биз бир оила эмас эканмиз-да? Мен сени ўғлим десам-у, сен бунақа деб турсанг, уят эмасми?! Танҳо ёш, эркалиги бор ҳали, буни ҳеч ким инкор этаётгани йўқ, лекин бу ўткинчи ҳол, бунақа пайтда тирноқдек сабр-тоқат, чигитдек муросан мадора кифоя. Оила дегани шу, ё униси, ёки буниси паст келмаса, посанги бузилади. Қўй бунақа ўй-хаёлларни, кўз ўнгимизда ўйнаб-кулиб юраверинглар... Агар, йўқ, мен ўз фикримда қоламан десанг, хўп, биз – чолу кампир дачага кетайлик, сизлар шу уйда яшаверинглар! Шунини маъқул кўрсанг, шу бугуноқ кўч-кўронимизни кўтарамиз!..

Шу пайт меҳмонхонанинг эшиги ғирчиллаб, Кибриё хоним пайдо бўлди. Жамшид унинг гап пойлаб эшик орқасида турганини, бу ердаги ҳангомадан аввал хабардор эканлигини сезиб, пешанаси тиришди.

Намоз Жумаевни қайта-қайта сўроқ қилсалар-да, тарози палласи гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, бир жавоб иккинчисини чалкаштириб юборар, нўноқ режиссёр сахналаштирган спектаклдек воқеалар чалама-чатти бўлиб, аниқ-равшан кўринган нарса бирпасда бемаънилик касб этар эди. Жамшид бор кучини ишга солмасин, кўзлаган натижасига эриша олмасди.

Кейинги терговдан ҳам бирор натижа чиқмади, вақт бекорга кетди. Бу ҳолат яна мухбирларнинг диққатини тортган бўлса, жамоатчиликнинг норозилигини кучайтирди. Намозни ҳеч ким танимаса ҳам кўпчилик унга қайгурарди. Негаки, фойдаю зиёни йўқ одамга бепарво бўлишдан кўра, ачиниш ҳам унга нисбатан кўрсатилган раҳмдиллик-да. Айниқса, қишлоқ одамлари кўчага чиқиб, бир-бирларига очиқчасига Аббос Бешимовни ёмонлаб, Намозга куйинар эдилар: “Ҳеч тушуниб бўлмайди, қилғилик Аббосники-ю, Намозни бунча сиқувга оламасалар! Бу терговчиларнинг кўзи қаерда?”

Бу миш-миш тарқалган кунларда Рустам Қодиров имзоси билан газетада яна мақола эълон қилинди. Кўп ўтмай ушбу мақолага муносаб тарзда яна бир мақола чоп этилганда Жамшид шошиб қолди. Мақола салмоқли бўлиб, унда Қодировнинг фикрларини қувватлаган ҳолда аксарият жиний ишларнинг фош этилишида ҳали ҳам фаоллик, ташаббускорлик етишмаслиги; жиноят очишда сусткашликка йўл қўйилаётгани; айбдорнинг шахси аниқланмагач, гумондор сабабсиз жабр кўраётгани, айбни унга тўнкаш учун тергов ва тезкор-қидирув ишлари номигагина, жуда юзаки ўтказилаётгани, бунда прокурор назоратининг бўшлиги, изчиллик етишмаётгани, маълум бир тизим ёки қатъий режа йўқлиги; тергов ва суриштирувда юзакичилик мавжудлиги аниқ далиллар билан изоҳланган ҳамда Намоз Жумаевга қўйила-

тган айбловга нисбатан жамоатчилик эътибори қаратилиб, у ишнинг туя гўшти егандек чўзилаётганига сабаб айнан рокурорнинг масъулиятсизлиги экани ва бу инсон тақдирига бефарқлик кайфиятининг туғилишига омил бўлаётгани чиқ-ойдин таъкидлаб ўтилган эди.

Мақола остидаги имзо Элёрга тегишли бўлиб, бу, албатта, Жамшидга жиддий таъсир қилди. “Элёр бу билан менга имани исботламоқчи?! – У газетани гижимлаб туриб жаҳл билан столга урди. – Ҳониснинг ноҳақлигини исботламоқчи, бу даюс! – Кейин Элёрга хаёлан мурожаат қилди: – Эй, Элёр! Худо ҳаққи, яхшиликча айт, сенга нима керак эди ўзи? Еч нарса керак бўлмаса, худо хайрингни берсин, ўчакишиб, прагимда сўниб бораётган алам ўтини нега қайта алангалатпсан! Ана энди кўриб қўй, бу аланга сени кунпаякун қилади, Ҳонис менинг макрим олдида ип эшолмай қолади! Намоз билан сенинг гўрингни бирга қазаман! Ҳаҳ...”

Жамшид бир нуқтага қараганча ўйланиб қолди: инсоннинг яхши бўлмасин, барибир унда бир қусур бор, ҳамма ҳам яхши кўринавермайди. Элёр ҳам бундан холи эмас, албатта, ундан норози, қаламидан азият чеккан, алам ўтган дамлар бўлиши табиий, шундайлар билан тил топишиб, иш-миш тарқатиш ва уни бадном қилиш мумкиндир?

У Элёрга нисбатан оташин қаҳр-ғазаб билан ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, ичидаги алам ўри аланга ола бошлади. Яланг оёқ чўғни босиб олгандек ипирчилади: қандай қилсам, Элёрдан муносиб ўч олган ўламан, деб лаҳзанинг ўзида ёмонликнинг минг бир кўчага кириб-чиқди ва ноҳос кўз олдида Салимий келди, унинг Элёрдан нолиганини эслаб, апил-тапил телефонга ёпишди.

Элёрдан зада икки аламдйда топишишди чоғи, узоқ гап уришди. Муаммога ечим топганидан хурсанд бўлиб кетган Салимий бу машваратнинг тагида нима борлигидан беҳабар, бу тақдирнинг менга кўрсатаётган инояти деб ўйлади,

Жамшиднинг фитнасини маъқул кўриб, унга қўл берганини билмай қолди. Хуллас, муаммо ўз-ўзидан ечилиб, Жамшид энгил нафас олганча гўшакни жойига қўйди-да, кафтларини бир-бирига ишқалади, махсус тугмачани эзиб, ёрдамчиси Мардон Мардиевга Намоз Жумаевнинг иши юзасидан тўпланган янги маълумотларни олиб киришини сўради.

Мардоннинг қўлидан маълумотлар папкасини олаётди:

– Хўш, Мардонбой, Жумаев бу сафар яна қанақа ҳунар кўрсатяпти? – деди. Мардон ҳафсаласизлик билан курсига ўтираркан:

– Яна ўша Аббосга ёпишиб олган, – деди. – Ўн қайталаб сўрасам ҳам, шу гап. Бошим қотиб қолди. Иш жудаям чўзилиб кетяпти-да.

– Газетани кўрдингми? – Жамшид ерда гижимланиб ётган газетага ишора қилди. – Ўтган кунги мақоладан унча хафа бўлмаган эдим, бугунгиси юрагимни ўртаб юборди. Ўзимга яқин одам шу ишни қилиб ўтирса-я! Алам қиларкан.

– Элёр Ботировни танийсизми?

– Танийсизми деганинг нимаси, битта синфда ўқиганман, талабаликда битта ижара уйда турганмиз, иккаламиз битта... Майли, бу ёғини қўя турайлик. Шунчалар яқин бўла туриб, қилган ишини қара.

– Ҳамма гап ўзингникидан чиқади. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога, деган экан машойихлар... Эҳтимол, сизга яхшилик қилаётгандир?

– Яхшиликни раво кўрган одам газетага чиқариб шарманда қиладими?

– Сизга айтган эдим-ку, Аббос Бешимовнинг жасадини эксгумация қилиш керак, деб. Оиласини пешлаб, ўзингиз йўқ дедингиз. Шу ишни вақтида амалга оширганимизда, Жумаевнинг оғзига урган бўлардик. Ўзингиз ҳам минг марта сўроқ қилдингиз, бирор натижаси бўлдимми? Қўлимизда ишончли далил бўлмагач, айбини қандай исботлаб берамиз?

Жамшид папканинг устига шап этказиб панжа босди.

– Демак, ишончли далилимиз йўқ, шундайми? – Мардон, шунақа, дегандек елка қисди. – Нега елка қисасан? – деди Жамшид. – Битта далил топиш шунчалар қийинми? Ўша кечаси ичиб олгансан, нима ишга қўл урганингни билмайсан, деб, бир-икки гувоҳни тиқиштириб, шартта айбини бўйнига илмайсанларми? Қачонгача ўргатаман сенларга? Ўзларинг ҳам бундай каллани ишлатсаларинг-чи!

– Бу финтни ишлатиб кўрдик. Ҳеч қачон ичмаганман, дейди.

– Ичмаганман, деяверади-да! Биттагина гувоҳ топинглар, нафаси ичига тушиб кетади.

– Намозхон экан, қўни-қўшниларидан суриштириб билдик.

– Шунақа дегин? – Ўйланиб қолди Жамшид. – Бу номер ўтмаган бўлса, бошқасини топиш керак. Майли, бошқа далил тўғрисида сен ҳам ўйла, мен ҳам ўйлай, кейин гаплашамиз. Агар бирор маъқул йўл топсанг, уриб менга кир, биргалашамиз. Лекин босим ўтказаверинглар, бир дақиқа ҳам тинчлик берманглар. Бездор бўлганидан кейин айбини бўйнига олади. Бунақаларни тажрибада кўрганмиз. – Мардон кетгани ўрнидан туриб, эшикка томон юрган эди, уни тўхтатди. – Сен бола кўзингга қара, ҳозирги гапларнинг бари махфий-я, шу бутундан эътиборан бу иш юзасидан бўладиган сўроқ-суриштирув борасидаги гап-сўзлар ташқарига чиқмасин. Бундан ташқари, ҳеч қайси терговчи на уйда, на кўчада иш бўйича оғиз очмасин. Кўриб турибсан, мухбирларнинг ҳид олиш қобилияти яхши, беш юз километрдан ҳам ҳид олади-да, оғзингдан чиққанини ёқангга ёпиштиришади. Тилингга маҳкам бўл, уқдингми?!

Мардон ўз тилига маҳкамлигини айтмоққа эндигина оғиз жуфтлаган эди, телефон жиринглади. Жамшид гўшакни кўтара туриб, Мардонга, қўлини силкитганча, чиқиб кетавер, деган ишорани бериб, кейин телефонга жавоб берди.

– Ҳа, айтган эдилар... Жуда яхши... Ичкарига киравермай-сизми?.. Хўп, бир оз кутинг, ўзим пастга тушаман... Муҳим гап деяпсиз-ку, овораси бор эканми...

Жамшид гўшагини жойинга қўйиб, ҳамма ёш раҳбарлардай номуносиб бир кеккайиш билан ўрнидан турди-да, тарадудланиб кўчага чиқди ва аланг-жалаанг ўнгу сўлга қаради. Кўчанинг нариги бетида турган қора “Волга”, мен бу ердаман дегандек, бабаплади ва ундан бир йигит тушди-да, йўлни кесиб Жамшид томон кела бошлади.

– Кабир дегани шу экан-да? – ўзича тусмоллади Жамшид. Йигит чаққон ҳаракатлар билан йўлни кесиб ўтди-да, худди эски танишлардек Жамшиднинг қўлини маҳкам сиқиб кўришди.

– Танишиб қўяйлик... Кабир... Аббос аканинг ўғли...

Жамшид унинг юзига бир кўз ташлади-ю, кейин қабарик кўкрагию миқти гавдасига, чапаниларга хос қош-кўзларига, дид билан таралган сочига, олифтанамо кийимларига қаради ва жилмайиб:

– Ҳойнаҳой Рамазон Қосимович юборган бўлсалар керак? – деди.

Кабир тилла тишларини кўрсатмасликка тиришиб куларкан, шундай, деб маъқуллади, сўнг: ўзлари ҳам қўшилишиб келмоқчи эдилар, ишлари кўпайиб қолибди, деб бир ёлғонни ўртага сўқди-да, орқасидан ўзининг қаердан эканлигини билдириб қўйиш учун, айбга буюрмайсиз, қумработликлар шунақа, бостириб келаверишади, деди.

– Бешкапаликлар ҳам улардан қолишмайди. – Жамшид шу гапни айтишга айтди-ю, бу билан ўзини суҳбатдошига хайрихоҳ кўрсатиб, уни ўзига яқин олиб қўйганигами, ёки бошқа сабабми, ҳар нечук, юзлари қизариб, кўзлари ер чизиб қолди.

– Сиз ҳақингизда эшитган бўлсам ҳам, отангиз Холмурод акани яхши танийман. Бизди бобой у киши ҳақида кўп

яхши гапларни айтиб юрарди. – Кабир ўғринча билагидаги соатга кўз ташлаб олди. – Мана, энди сиз билан ҳам танишиш бахтига муяссар бўлиб турибман. Ҳар ишнинг ўз вақти-соати бўларкан-да. Хўш, вақтингиз қалай? – У жавоб кутмай сўзида давом этди. – Йўқ демасангиз, холироқ жойда ўтириб, бир-биримиз билан яқинроқдан танишиб олсак. Кейин, сизга маслаҳатли иш бор, уни ҳам бир йўла гаплашиб олардик. Нима дейсиз, Жамшидбек?

– Кабинетда гаплашсак бўлмайдимиз? – деди Жамшид унга жавобан.

Кабир қошларини чимирганча жилмайди.

– Кабинетда гаплашадиган иш бўлганида, сизни овора қилмай, тўғри олдингизга кирардим! – Кейин, худди узр сўрагандек яна жилмайди. – Кабинетда ҳам гаплашса бўлади-ю, буёғи расмиятчиликка айланиб кетадимиз, дейман-да. Бир пиёла чой устида мириқиб гаплашишга нима етсин! Шунда гап гапга ҳам қўшилади. Қолаверса, тоза ҳаво...

Жамшид Кабирнинг ниятидан яхши хабардор ва бўлажак суҳбатдан кўзланган мақсад ҳам кундек равшан эди. Бу учрашувни қайнатаси Рамазон Наим уюштирган, мақсад – уни шу ишга янада яқинроқ тортиш.

– Майли, – Жамшид бурнини шишириб нафас оларкан, ҳавонинг ҳидини татиб кўраётгандек тамшанди, – бирон жойни тайинланг, лекин шаҳар четидан эмас, яқинроқ бўлсин...

Кабир бўйнини чўзиб эътироз билдирмоқчи бўлди, лекин, сиз айтган жой бўлади, деб билагидаги соатга қаради-да, ўтириш вақтини белгилади.

## 10

Элёр автобекатда жўнашга шай қилиб қўйилган автобусга юкларини жойлаштириб, ўзи бир четда, скамейкада ўтириб олиб, йўловчиларни кузата бошладди. Автобус соат ўн иккида қўзғалади, ҳали бир соат вақт бор.

Автобуснинг олдида югур-югур авжида, ғала-ғовур. Айни вақтда юк ортиш ҳам, одам йиғиш ҳам давом этарди. Қоратўри бир болакай у ёқдан-бу ёққа бориб келар, тинимсиз пишқирар, овози бўғилиб, ўн дақиқадан кейин автобус юришини маълум қилиб, одамларни шоширар, лекин автобуснинг ўн дақиқадан кейин йўлга тушиши амримаҳол, чунки автобуснинг салони ҳали бўм-бўш эди. Йигирматача одам худди борадиган манзилни йўқотиб қўйгандек, автобус олдига келиб, ҳайдовчидан, автобус қаёққа боришини, қачон йўлга тушишини эринмай сўрар, йўл ҳақини суриштирар, ўз имкониятларини айтиб, палон жойгача олиб боришларини илтимос қилишарди. Яна бир қанча одамларнинг елкасида юк, яна тишларида ҳам бир нималарни маҳкам тишлаганча, бошлари эгик гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа шошилади. Ҳар жой-ҳар жойда беш-олтидан бўлиб олган кишилар тўдаси кўзга ташланади: уларнинг баъзи бирлари сафарга кетаётган таниш-билишини кузатишга чиққан бўлса, баъзилари сабрсизлик билан кимларнидир кутарди. Бир кампир ўқишгами, ишгами кетаётган ўғлига панд-насихат қилар; яна бир эркак иш ахтариб узоққа кетаётган дўсти билан суҳбатлашар ва яна бир қанча бекорчилар ажриқ устида ёнбошлаб олиб, ўтган-кетганга, қайга боряпсиз, қайдан келяпсиз, деб гап отишарди. Қоратўри бола эса, ҳали ҳам, автобуснинг ўн дақиқадан кейин жўнашини, кетадиганлар бўлса, олдинги ўриндиқдан жой қилиб беришини қайта-қайта таъкидлаб, одамларни шошириш билан овора эди.

Элёр скамейканинг суйанчигига тирсагини қўйиб бу манзарани кузатаркан, гарчи ҳозир унинг олдида бўлмаса ҳам, фикру хаёли Ойсулувда бўлиб қолди, гўё мана шу одамлар орасида у ҳам юргандай эди. Шу дамда ҳижрон дардини ҳис эта бошлади. Ўн-ўн беш кун ҳижрон дардида қоврилади. Бунини кўз олдига келтириши биланоқ, кўнгли алланечук ўрта-ниб кетди. Ахир, турмуш қурганларидан бери бир-бирлари-



дан бунчалар узоқлашмаган эдилар. Элёр хаёлга берилганида гўё одамларнинг ғала-ғовури тиниб, қулоққа сирли-сирли овозлар эшитилди. Шундоққина ўн қадамча нарида кечаги ёмғирдан пайдо бўлган кўлмакчадан сув ичаётган бир жуфт мусичанинг модаси нарига қараб нозланар эди. Қушларки бир-бирига ноз билан яқинлашар экан, одамзодни айтмаса ҳам бўларкан.

Элёр мусичаларнинг ўйинига қараб туриб, Ойсулунни, унинг ҳали эрталаб айтиб берган тушини эслаб, кўнгли бир оз хира тортди. “Тош қудуқдан сув оламан деб борсам, қудуқ қуриб қолган экан, – деди Ойсулун маъюсланиб. – Ҳафса-лам пир бўлиб изимга қайтаётсам, олдимдан сиз чиқиб: юр, ариққа бирга борамиз, дебсиз. Ариққа юз буришимиз билан бир дев пайдо бўлибди-да, сизни қудуққа ташлаб, мени зулмат қаърига тортқилаверибди... Ярқ этиб кўзимни очсам, терга ботиб ётибман...”

Элёр ғалати тушнинг тафсилотига берилди: қудуқ – хавф, ғайритабиий ҳолат; ариқ – олисдан келган хабар; дев – таъқиб. Булар нимани англатиши мумкин?..

Нозирхонадан йўл ҳужжатларини олиб чиққан ҳайдовчининг, чиқинглаб-ў, кетамиз, деган дўриллоқ овозидан чўчиган мусичалар пар-р этиб учиб кетаркан, улар билан бирга Элёрнинг ҳал хаёли тўзғиди. Шунда йўловчилару кузатувчилар гимирлаб қолишди. Кампир ўғлининг юз-кўзларидан ўпиб, сўнгги насиҳатини айтди. Эркак дўсти билан қучоқлашиб, борган заҳотинг қўнғироқ қил, деб тайинлади. Элёр ҳам хўрсинганча ўрнидан қўзғалди.

Ниҳоят автобус йўлга тушди. Элёр ёнидаги ҳамроҳига қараса, ҳалиги кампирнинг ўғли, ташқаридан кўз узмай, хо-муш тортиб боряпти. Элёр ҳам унинг хаёлини бузгиси келмай, иягини қўлига қўйиб жимгина кетаверди. Автобус катта йўлга тушиб олгандан кейин тезлиги ҳам ошди. Йўл четидаги нарсалар шунчалар тез ўта бошладики, уларни бир қараган-

да илғаб бўлмай қолди. Тезлик ошган сари моторнинг ғувуллаши ҳам анча пасайди, одамни элитадиган ҳолат юз берди. Кўпчилик бошини суюнчиққа қўйиб пинакка кетди. Кампирнинг ўғли ҳам ухлаб қолибди. Элёрнинг эса кўзи илинай демасди, чунки у йўлда ухлашни одат қилмаган эди.

Ажаб, кеча ишда эди, бугун йўлда, кечда шаҳарда бўлади. Одамзод эртага нима бўлишини билмас экан-да. Кеча худдишу пайтда йўлга чиқишини, шаҳарга боришини билмасди, хаёлига ҳам келтирмаган эди.

У хонасида ишлаб ўтирарди, бирдан Салимий чақириб қолди.

– Малака оширишга биздан одам сўралган, – деди худди унинг гапига Элёр ишонмаётгандек, қўлидаги қоғозни пеш қилди. – Мана, вилоят матбуот бошқармасидан хат келган. Ўзим бораё, баҳонада бирор ҳафта-ўн кун дам ҳам олиб келаман, деб мўлжаллаб турган эдим, Маматов қўнғироқ қилиб, ўзингизда бўлиб туринг, яқинда бир янгилик бўлади, деб қолдилар. Шавкатни юборайлик десам, иши кўп. Эшмат яқинда бориб келди. Муртазо акангизга айтсам, тўйим бор дейди. Ҳожиниёзов пенсиядаги одам, малака ошириб, энди қаёққа борарди. Фақат сен қолдинг. Бундай қарасам, ҳар томонлама имкониятинг бор экан. Шунга ўқув курсига ўзинг бор, дами ҳам ўзинг ол, демоқчи эдим.

Назариди, дастлаб Элёр бу таклифга розилик бергандай, ҳатто бундан хурсанд бўлгандай туюлди. Аммо Ойсулувнинг ёш бола билан уйда ёлғиз қолишини ўйлаб, алланечук орқага тисланди.

– Ўқиб-ўрганиш яхшику-я, – деди у хушламайгина, – лекин рўзгор янги, келингиз бир ўзи, ёш бола, уларни ёлғиз ташлаб кетиш ноқулай. – Кейин қўшиб қўйди: – Оилавий шаронтим кўтарганида, тўғриси, йўқ демасдим, ўзим ҳам талабалгим ўтган шаҳарни соғинганман.

“Яна бир озгина туртки берса, йўқ демайдиганга ўхшайди”.

– Борди-келдинг, еб-ичишинг, ётоғинг – бари газета ҳисобидан, олдиндан командировка пулини оласан. Бола-чақангга келсак, нима, уларни бўри еб кетармиди? Келиннинг битта-яримта опа-синглиси бордир, бир ҳафта-ўн кун қаватига кирса, ҳеч зарари йўқ.

Элёр буни ўйламаган экан: Ойсулунинг синглиси Алимани ёнига чақирса, опа-сингил бир-бирига суянчиқ бўлиб яшайверади. Устига-устак, қўни-қўшни бор...

Бу сафар Элёрнинг хаёлини салонга кириб олган арининг гингиллаши бўзди. Ари ташқарига чиқишга жой тополмай ўзини гоҳ ойнага, гоҳ шифтга урар, иложини тополмай яна салонда гир айланиб гингиллаб, кишининг асабини қақшатар эди.

Орқа томонда ўтирганлардан кимдир: чиқариб юборинглар ўша арини, қулоқ-мияни еди-ку, деди. Олдинда ўтирганлардан бири тепа люкни очиб юборган эди, шамол арини кампирнинг ўглининг юзига урди. Йигитча чўчиб уйғониб кетаркан, жон ҳалпида арини уриб, оёқ остига туширди. Арининг уни ўчди. Йигитча кўзларини ишқалаганча Элёрга қараб:

– Йўлингиз бўлсин, ака, қаёққа кетяпсиз? – деб сўради.

– Ҳеч қаёққа, – кулимсираб жавоб берди Элёр.

– Мардикорчиликка экан-да? – деб хулосаланди йигитча.

Элёр унинг хулосасидан ажабланди.

– Нега энди мардикорчиликка бўларкан?

– Ҳеч қаёққа дегани – мардикорчилик-да.

– Ўзинг-чи?

– Ўқишга, ака... Буғалтирликка ўқияпман.

– Пул санашни ўрганапман, дегин?

– Пул санаш ҳам одамни бездираркан, – деди йигитча чуқур эснаб, ярадор оққуш каби бошини яна ойна томон ташлади. – Тўйдан қайтяпман, уйқу босяпти, ака.

– Сени кузатиб қўйган аёл киминг бўлади?

– Онам-да, – деб яна эснади йигитча. – Кап-катта йигит бўлсам, тергаганлари тергаган: ундай қилма, бундай қил, ундай юрма, бундай юр. Ёш бола қилиб юборадилар баъзан.

– Ҳа, оналар шунақа, боласи етмишга кирса ҳам, она учун у ёш бола, хавотир олади-да... Қаерликсан ўзи?

– Қамчикўлдан. Ўзингиз-чи?

– Яккатутдан, – деди Элёр, йигитча сўрамаса ҳам, туман газетаси мухбири Элёр Ботиров эканлигини қистириб ўтди.

– Журналист экансиз-да? – ҳушёр тортди йигитча. – Мен ҳам саккизинчи синфгача журналист бўламан, деб юргандим, акам йўл бермадилар.

– Нега?

– Сен ҳисоб-китобга устасан, деб қўярда-қўймай нархозга ҳужжат топширтирдилар. Мана, тишимни-тишимга қўйиб ўқиб юрибман. Азимкентга айлангани боряпсизми?

– Озгина чаласи бор экан, шуни битириб келай, деб боряпман.

– Э-ҳа, малака оширишга, денг?

– Исминг нима?

– Мўмин, Мўминжон! – йигитча лунжини шишириб, сўнг пуф деб юборди. – Энди Элёр ака, менга дам берсангиз, яна бир озгина мизгиб олмасам каллам ёрилиб кетади. Синфдошимни тўйига келгандим, эрталабгача даврадан чиқмабмиз. Чарчатишини демаса, тўй яхши нарса-да...

Мўмин гужанак бўлиб уйқуга кетди.

Элёр яна ўз хаёллари билан қолди.

Ойсулув, Элёрдан сафар ҳақида эшитиб, оловдек қизиган юзлари баттар қизиб кетди. Куз шабадаси ҳам унинг қизиб турган юзидаги тафтни сўндира олмади. Ҳали Элёр кетмай туриб, ҳижрон дардини яққол сизди, руҳи сўлгинлашди. Эру хотин ўртасида ноқулай вазият юзага келди. Шу кунгача қовушиб келаётган гап-сўзлари бирдан қовушмай қолди. Сафар олдидан бир-бирларига айтадиган гаплари кўп эди, лекин на униси, на буниси оғзини очолмай, мум тишлади. Ойсулув кўзларидан оқиб тушаётган ёшни ўзи сезмади. Бирор нима дейишга ожиз ҳолда жим туриб қолди – нимадир унинг қал-

бини эзар, лаблари ёпишиб қолгандек очилмасди. Ниҳоят у бор кучини тўплаб, қалтироқ овоз билан:

– Шунча узоқ кутаманми-а, – деди хўрсиниб, – ўн беш кун-а! Шунча вақтга бардошим етармикан?

– Албатта, етади, – деди Элёр унинг сочларини силаб. – Бир кўз очиб юмгунингча мен яна ёнингдаман-да.

– Шундайликка шундайку-я, лекин кўрган тушим юрагимга гулгула соляпти. Тош қудуқдан сув оламан деб борсам...

Автобус бир ташлаб олган эди, Ойсулув хаёл кўзгусидан йўқолиб қолди. Бу пайтда автобус поёнсиз Малик чўлини ортда қолдириб, темир йўлда тўхтаб қолган вагонлар янглиг оппоқ намунавий уйлар орасидан ўтиб, тинимсиз олдинга қараб интилар экан, йўл манзаралари ҳам турли кўриниш олиб, гўзаллашиб борарди. Ноябрьнинг ўрталари, ҳосилдан бўшаган далалар устида сузиб юрган булутлар хил-хил шаклларга кириб, тафаккурни чархлай бошлади: айиқнинг хумдай боши, онасини эмаётган бузоқча ва яна зоғлару махлуқлар. Ҳу, ана у оппоқ булутлар фонида бир гала қушлар чарх уради, яқинда улар – тақдир хавф-хатарини енгишга қодир жониворлар иссиқ ўлкаларга учиб кетар эҳтимол. Вақт қадрини шулардан ўрганмоқ керак. Вақт шафқатсиз, сониялар кетидан дақиқалар, дақиқаларга уланиб соатлар ўтавергач, вақтнинг ҳисобини йўқотасан-да, бирдан қуёшнинг уфққа оғаётганини кўриб ҳайратга тушасан. Қуёш булутларга суркалганча уфққа ёнбошлайди, кун хиралашади, автобус эса ўткир пичоқ мисол хира кунни иккига бўлиб олдинга интиларкан, кимдир, шаҳарда ёмғир ёғаётганмиш, деб башорат қилади. Унинг башорати тасдиғи сифатида автобус олд ойнасига ёмғир зарралари урила бошлайди, қаршидан келаётган машина чироғининг нури йўл четидаги темир-бетон плиталарга урилиб, ранг-баранг тусда айланиб кўзни қамаштиради.

Осмон пастлаб кетган томонда шаҳар чироқлари гуж-гуж юлдузлар чамани каби кўзга ташланиб, тўқ мовий рангда

товланади. Бу манзара ҳаммага, шаҳарга яқинлашиб қолганларидан дарак беради.

Шаҳар оби раҳмат сувларига чўмилаётган бир пайтда автобус шоҳбекатга келиб тўхтади. Йўловчилар плашларининг ёқасини кўтарганча, ёхуд шамсиялари остига бекинганча ўзларини ёмғирдан панага уришади. Кўлмакчалар қайнаётгандек қуббалайди, оёқ ости чалпилайди. Шулар қатори Элёр ҳам ўзини панага олганида, қулоғига: борадиган жойингиз йўқми, деган овоз эшитилади. У ялт этиб овоз келган томонга қарайди-да, Мўминни танийди ва ийманибгина: ёмғир тинсин, ётоқхонага етиб оларман, деб жавоб беради.

– Кўйинг ётоқхонани, – дейди Мўмин такси тўхтатишга уннаб, – бизникига борамиз, жуда яқин. Баҳонада турадиган уйимизни кўриб оласиз, кейин эрталаб ётоқхонангизга кетаверасиз. Қани, бўлинг, кетдик...

Нафсиламбрини айтганда, Элёр учун ётоқхона тугул, тайинлик манзил ҳам йўқ бўлиб, кўп тархашлик қилмай, Мўминга эргашади...

Элёр кеч ётиб, талабалардан олдин уйғонганида, деразаларга ҳали тонг нурлари тушмаган, тун пардаси энди-энди очилиб, субҳ шафақлари қоронғилик билан олишаётган эди. Меҳмоннинг ҳурмати эрта турган Мўмин ва унинг икки шериги апил-тапил нонушта тайёрлашди ва нонуштадан кейин, қолинг, шу ердан ўқишга қатнайсиз, дейишларига қарамай, Элёр хайрлашиб кўчага чиқди.

У ўқиш ишлари бўйича проректор қабулхонасига кириб келганида соат саккиздан ўн дақиқа қочаётган эди. Қабулхонада ундан олдин яна тўрт киши навбат кутиб турар экан, улардан бири собиқ курсдоши Тожибой эканини билиб Элёрнинг кўнгли ёришиб кетди.

Тожибойнинг ўзи белги бермаганида Элёр уни бир кўришда таниёлмас эди. Бир пайтлар эти устухонига ёпишган Тожибой ҳозир қорин боғлаб, яхшигина салобат касб эт-

ган, уни аввал кўрмаган киши, бирон каттакон бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

– Биласан, чўл зонасида яшаймиз, тўрт томонимиз яйлов, – деди Тожибой кўришиб, сўрашиб бўлгандан кейин ҳам Элёрнинг қўлини қўйиб юбормай. – Бир ҳафтадан бери чўпон-чўлиқларнинг ўтовида санғиб юргандим, кеча таҳририятга келсам, ўқишга борасан, деб қолишди. Ўзи, шаҳарга келишга баҳонаи сабаб тополмай юриб эдим, муҳаррирнинг ўзи бу ёққа йўл очиб берди. Ҳайё-ҳуйт деб келавердим-да, ошна. Мен кеча самолётда келганман, куни билан шаҳар айландим: бай-бай, Азимкент тоза ўзгарибди, биз ўқиган пайтдаги шаҳар қайда-ю, ҳозиргиси қайда, таниёлмай қоласан. Қаёққа қарама, қурилиш, янгиланиш... баҳри дилинг очилди. Энди, ошна, ўқиш деб келдик, шу баҳона бир дам олиб кетамиз-да. Ҳар холда катта, бола-чақали одамлармиз, домлалар ҳам, ўқи деб қийин-қистовга олмас.

– Бизнинг муҳаррир ҳам шунақа, – қўшиб қўйди Элёр, – ўқиш баҳона дам оласан, дейди. Мен эса, ўқишнинг дам олиш эканини ҳеч ҳазм қилолмайман.

– Ўқиш планини вақтида бажарганмиз, эндигиси дам олиш-да, ёки нотўғрими?.. – Тожибой куйиб-пишиб яна алланималарни тушунтирмоқчи бўлган эди, Элёр сўзини бўлди:

– Унда ётоқхонани аниқлаб олайлик, кейин қанча дам олгинг келса, дам олаверасан, керак бўлса, шаҳар айланасан.

Тожибой билолмай қолди: бу Элёрнинг тасалли берганими, ёки пичинг отганими? Тожибой унинг яна бир нима дейишини ва шундан кейин биратўласи чақиб олишни мўлжаллаган эди, улгуролмади, навбатлари келиб, ҳар иккиси проректор олдига кириб кетишди.

Ётоқхона аниқ бўлди. Иккаласи алоҳида-алоҳида хонага тушишди. Бу тасодифан эмас, Тожибой шуни хоҳлади. Элёр ҳам шуни хоҳлаган, лекин айтишга истиҳола қилиб турганида, Тожибойнинг қарори кўнглининг тагидан бўлиб, ўзини

қушдай енгил ҳис этди. Ётоқхона унча узоқда эмас, ўқув биносининг қаватида, рўпарадаги тўрт қаватли бино экан.

Шундай қилиб Элёр, худди омади чопган ёки омади чопаетгандай, терисига сиғмай, хурсандлигидан димоғида аллақандай қўшиқ сўзларини хиргойи қилганча иккинчи қаватга, ўзига ажратилган хонага кириб: Тожибой билан битта хонага тушмаганимиз яхши бўлди. Бўлмаса, маишатга ўч бу бола ўқишга халақит берарди, деб кийимларини жойлаштираётган эди, эшик тақиллади. “Ўббо, ҳойнаҳой бу Тожибой, шу ерда ҳам тинчлик бермайди бу, – деб ўйлади Элёр ва: – Эшик очик, кираверинг”, – деганча ўз ишини давом этираверди. Эшик оҳистагина очилиб: “Бизнинг ҳам жойимиз шу ерда экан, мумкинми?!” – деган ёқимли овоз эшитилди. Элёр ярқ этиб эшикка қаради-ю, чехраси янада ёришиб кетди.

– Э, марҳамат, келинг қани, Рустам ака! – Рустам ака дегани, ўша биз билган Рустам Қодиров эди. Элёр бу киши билан вилоят миқёсидаги бир-икки йиғинларда кўришган бўлса-да, унчалик яқин эмас, орқаворотдан танирди, холос. – Сизни ҳам ўқишга юборишдими?

– Жуда тўғри пайқадингиз, – деди Рустам Элёр билан кўришиб бўлгач, мовут шляпасини ечиб бўш каравотга ташлаб, ўзи ҳам ўша каравотга ўтирди. – Сиз – Элёр Ботиров, Мулқобод туман газетасида ишлайсиз. Менинг мақоламга муносабат билдирган ҳам сиз бўласиз. Авлиёликка даъвоим йўқку-я, лекин бир қарашда танидим, – деди Рустам, кейин кулиб юборди. – Келинг, сирни оча қолай: кимлигингизни комендантнинг журналидан кўриб-билиб олдим. Ўхшатмасдан – учратмас, деган гап бор. Сиз билан ҳамхона бўлганимдан хурсандман. Ўйлайманки, тез тил топишиб кетамиз. Бунинг устига, ҳамшаҳар эканмиз. Мақолангиз менга ёқди, фикрларингиз тиниқ. Айтганча, сиз ҳикоялар ҳам ёзиб юрасиз-а?.. Агар Намоз Жумаев тақдирини яхшигина ўргансангиз, сизга янги ижодий материал бўлади. Шу иш юзасидан



яна бир қанча мулоҳазаларим бор: менимча, – Рустам бир муддат иягини силаб турди-да, фикрини баён эта бошлади, – омбордаги ёнгин билан аёлнинг ўлими орасида қандайдир боғлиқлик бор. Шу илмоқни тополмаяпман. Намоз Жумаев, хотинимни Аббос Бешимов ўлдирган деяпти, Аббос эса ёнгинда куйиб кетган. Бироқ ўртада омбор қоровули бор, у қочиб кетган дейишяпти. Қаёққа қочади? Нега уни қидиришмаяпти? Агар уни топишганида, воқеа ойдинлашарди. Шу ерда бир мавҳумлик бор. Назаримда, жараённи кимдир четдан туриб бошқараётганга ўхшайди. Ўша кимдир Намозга душман, ёки Аббосга дўст бўлиши мумкин. Мен Аббосни яхши танийман, туман маданият бўлимида ишлаб юрганида бир-икки суҳбат қурганмиз. Бир маҳал, нима бўлди-ю, қамалдим, мажбурий иш олдими, хиёл вақт кўринмай қолди. Кейин эшитсам, “Мулкобод” хўжалигида ферма мудури бўлиб ишлаётган экан.

– Сизнингча, қоровул нимадандир хабардорми?

– У қотил ҳам бўлиши мумкин. Кимдир унинг қўли билан ишни битириб, сўнг уни яширган ёхуд қочирган. Намознинг гапида жон бор, лекин у шу гапини асослаб беролмаяпти.

Элёр ҳам баҳсга киришиб кетди.

– Бу аёл Намознинг иккинчи хотини экан. Аёлнинг ҳам иккинчи турмуши бўлиб, биринчи эри тухмат туфайли қамалиб, аристонда ўлган дейишади. Кейин, эҳтимол, бу одамлар тўқиб чиқарган миш-мишдир, аёлнинг қўлида биринчи эридан қолган хат бор бўлиб, хат қотиллик кечасида сирли гойиб бўлган. Гўёки, ўша хатда алақандай жиноят фош этилган-у, жиноятчилар хатни қўлга киритиш учун аёлни ўлдиришганмиш.

Рустам бир дақиқа ўйга толиб турди-да, кейин бир нима ни эслагандай бўлди.

– Афтидан, бу фожианинг сабабини сал олдинроқдан излаш керакка ўхшайди. Агар мен тахмин қилаётган ўша воқеа

аёлнинг фожиасига дахли бўлса... – Рустам хом фикрни ўртага ташлагиси келмадими, ёки синашта бўлмаган Элёрга бор гапни тўкиб солишни истамадими, баҳсни шу ерда тўхтатди. – Узр, Элёржон, ҳали ўн беш кун биргамиз, ҳамма гапни ҳозир айтиб олсак, эртага нимани гаплашамиз? Қани, мана бу жомадонни очинг-чи, чойнак билан кепятельник бор, малол келмаса, битта чой қўйсангиз-да, ҳалқумимизни ҳўллаб олсак, хўп ажойиб иш бўларди. Бу ёғига қарасак, хуфтон ҳам яқинлашиб қолибди.

Элёр сув олиб келгани чойнакни қўлига олиши билан, эшик ланг очилиб, Жамшиднинг қораси кўринди-ю, кўришиш, сўрашиш йўқ:

– Тағин бу киши дўст эмиш, – деб гапни койишдан бошладди. – Бу қанақа бемаънилик? Йўқ, ноқулай аҳволга қўйдинг мени. Агар бу гап қишлоққа етиб борса, ким деган одам бўламан? Менинг ҳайҳотдек уйим туриб, тўғри ётоқхонага келишинг нимаси? Нима, сенга бегонаманми? – Жамшид Элёр билан кучоқлашиб кўришгач, Рустам билан қўл олишиб, унга Элёрдан шикоят қилди. – Энг яқин дўстим, биринчи бизникига бориб, сўнг бу ерга келиши керак эди. Бу бўлса...

Жамшид гапиряпти-ю, Элёрнинг хаёлида бошқа нарса: ажабо, менинг бу ердалигимни қаердан билдийкин бу?

– Телепатмисан, шаҳарга келганимни қаердан била қолдинг? – деб сўради у Жамшидга ҳайрат билан боқиб. – Бу ҳақда сенга айтмаган эдим-ку?!

– Нега анқаясан? – кулди Жамшид унинг елкасига уриб. – Агентларим яхши ишлайди-да, ҳамма балодан хабарим бор. – Элёрнинг ҳали ҳам ҳайратланиб турганини кўриб, сир яшириб ўтирмади. – Салимийдан эшитдим. Кеча бир сабаб билан қўнғироқ қилсам, жўранг ўқишга кетди, деб қолди. Тўғри бизникига келсан, деб кутдим, ҳа деганда дарагинг бўлмади. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдимки, сен ётоқхонага жойлашгансан, таваккал деб келавердим.

Рустамга бу гаплар эриш туюлдими, Элёрнинг ёнини олмақчи бўлдими, Жамшидга сипоҳгарчилик билан:

– Дўстингизни меҳмон қилишга улгурасиз, – деди жиламайиб, – ҳали нақд икки ҳафта шу ерда бўлади.

Элёр, узр сўрагандек, Рустамни Жамшидга таништирди.

– Бу киши ўзимиздан, вилоят газетаси муҳбири Рустам Қодиров!

Жамшид, э-ҳа дегандек, димоғ билан Рустамга қаради, лекин сир бой бермай, танишганимдан хурсандман, деди ва, ҳозир бизникига борамиз, фақат гапни кўпайтирманглар, деб манзират кўрсатди.

– Йўқ, – эътироз билдираркан, Элёр дўстига курси қўйиб берди, – мана бу ерга ўтир, ҳали вақт бор, меҳмон бўлиш қочиб кетмас. Яхшиси, ўзинг меҳмон бўл, мазор босиб келган нарсалар бор, бир пиёладан чой ичамиз.

Жамшид дўстининг бу таклифида катта самимият борлигига шубҳа қилмаса-да, унга нима деб миннатдорчилик билдиришни билмай, бугунча майли, лекин эртага бу баҳонанг ўтмайди, деб кетгани ўрнидан турди.

– Дўстингизнинг кўриниши бинойи-ю, хиёл димоғдорга ўхшайди, – Элёр Жамшидни кузатиб қайтгач, Рустам минг истиҳола билан фикрини баён этди. – Ўзини худди каттаконлардай тутадими-ей? Ишқилиб, мансабдор эмасми?

– Танимадингизми буни? – деди Элёр ҳозиргина Жамшид чиқиб кетган эшикка томон им қоқиб. – Шаҳар прокурори, Рамазон Наимнинг куёви-да.

– Кимнинг куёви? – қулоқларига ишонмай, қайта сўради Рустам. – Кимнинг? “Мулкобод” хўжалигига раис бўлган Рамазон Наимними?

– Ҳа, худди ўшани! – тасдиқлади Элёр.

Жамшид Кабир билан учрашгандан кейин қайнатасининг гапини икки қилган куёвдай хижолат тортди ва иштиҳам йўқ баҳонасида кечки овқатга чиқмай, ичкарида чўзилиб ётди. Унинг дастурхон бошига келмаётганини кўриб, Кибриё хоним:

– Сиз бир оғиз ҳўй деб юборинг, зора чиқса, – деди эрига қараб. Рамазон Наим хотинининг гапини эшитди, ё ўзини атайин эшитмаганга солдими, жим тураверди. Эридан тайинли гап чиқмагач, Кибриё хоним ҳам бошқа индамади. Танҳо буни пайқади ва онасига, “қўяверинг, ресторанда ўтириб келганга ўхшайди”, деди. Рамазон Наим хотинининг гапига парво қилмаганига сабаб, у куёвининг нега иштаҳаси йўқлигини аллақачон билган ва уни дастурхонга чақирмаган эди.

Рамазон Наим, ҳар кунгидай, кечки овқатни жимгина тановул қилса-да, ичидан зил кетган, рўйи рост аччиги чиқиб ўтирар эдики, буни унинг чакка томирларининг бўртганидан кўриб-билса бўларди. У пиёладаги чойини ичиб бўлгач, ички бир жаҳл билан бошини кўтарди ва билинар-билинемас тишларини гижирлатиб, аввал қизига, сўнг ичкарига ишора бериб ўрнидан турди.

Танҳо отасининг ишорасини тушунмай, бир лаҳза анграйиб, ноқулай аҳволга тушиб қолди. Рамазон Наим энди овоз чиқариб: эрингни чақир бу ёққа, деди ва куёвнинг чиқишини кутмай, елкасига чопонини ташлаганча, кўчага чиқиб кетди. Унинг одати шунақа эди: хотинлар олдида куёви билан очиқчасига ёки эркакчасига гаплашолмасди, шунинг учун кўча айланиш баҳонасида уни ташқарига бошларди. Ҳозир ҳам очиқчасига гаплашиб олиш учун Жамшидни кўчага олиб чиқишга жазм этди.

Эрининг эшикдан пишиллаб, қовоғини солиб чиқиши Кибриё хонимга нохуш бир кайфиятни уйғотдими, ундан

кейин чиқаётган Жамшидга, эҳтиёт бўлинг, дадангизнинг юраги чатоқ, бир кор-ҳол бўлмасин тагин, деб тайинлади.

Жамшид кўчага чиққанида, Рамазон Наим худдики юлдуз қидираётгандек, икки кўзи қўрғошин ранг осмонда бўлиб турибди. У шу туришида куёвнинг кўзини очишни, лозим топса уни тахтага олиб, хиёл тобини тортиб қўйишни ўйлар, гапни нимадан бошлашни мўлжаллаб турарди. Жамшид унинг авзойини кўриб, Кабирнинг иши битмаганига хафа бўлганга ўхшайди, деди-ю, нордон насиҳатларни эшитишга ўзини чоғлаб унга яқинлашди. Унинг яқинлашганини сезган Рамазон Наим:

– Нега Кабирнинг кўкрагидан итардинг? – деб сўради. Жамшид: “Мен унга...” дейиши билан, уни қайириб ташлади. – Кўнгли учун хўп деб, кейин мен билан маслаҳатлашсанг, нима дейишингни айтардим-ку! Биринчи марта кўриб турган одамнингни лат қилиб, уни ўзингдан совутишинг одобдан эмас. Унга нима дейишни ҳам билмай қолдим.

Жамшиднинг кўкраги кўтарилиб-тушаркан, афти гознинг терисидек дағаллашди.

– Аввало бировнинг кўнглида умид уйғотиб, сўнг ўша умидни сўндириш уни ўлдириш билан баробар. Иккинчидан, ўша Кабирингизда ёш болачалик ақл йўқ экан. Учинчидан, кечирасиз-у, уни умуман тушунмадим. Менинг чўнтагимга пул тикмоқчи бўлди. Ахир, биров четдан қараб турган бўлса, нима деб ўйлайди?!

Рамазон Наим заҳарханда қилиб, чамаси, бу масалада ўзининг муносабатини билдиришни лозим кўрди:

– Қизиқ, пулдан юз ўтирган одамни энди кўришим! Одамлар бир-бирининг ишончига кириш учун шундай йўл тутуди; бунақа пайтда кишининг раўйини қайтариш, ишончни йўқотиш дегани. Хўш, энди ўша Кабир, биласанми, сени ким деб ўйлайди? Бу одам билан ҳеч қачон иш пишмайди, унда муқаддас нарсанинг ўзи йўқ, унга суяниш хавфли, деб ўйлайди.

Қайнатанинг бу гапидан кейин Жамшид мунгайган овозда, ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлмайдик-ку, деди.

– Пошшонинг ўғли бўлсанг ҳам сўзинг сўзга ўхшасин. Билмасанг, билиб қўй: обрўни оширадиган ҳам, айбни яширадиган ҳам мулла жиринг. У борми – акасан, йўқ бўлса – такасан.

– Пулни қўя турайлик. Сиз нима деган эдингиз-у, Кабир нима деяпти? Қай бирингизга ишониш мумкин? Ё сиз, ёки у мендан сир яширяпсизлар?

– Сир?! Қанақа сир? – ишшайди қайната. – Бўлмаган нарсани гапирма! Кабир банкир, биз унинг мижозимиз. Уни тўғри тушуниш керак: бутун бошли отасидан бирпасда ажралиб, бошвоғини йўқотиб қўйдик-да.

– Пора берсанг, ишинг осон битади, деб маслаҳат берган сизми? Агар сиз шунақа маслаҳат берган бўлсангиз, унга яхшилик эмас, ёмонлик қилган экансиз. Ахир, ҳозирги замонда оқни – оқ, қорани – қора дейиши учун ҳам қоғоз керак. Менда ўша қоғоз бўлсаки, қўрқмай унга ваъда берсам.

Рамазон Наим гапни яна айлантирди:

– Нега айнан унга шунақа маслаҳат берарканман? Башарти ўша маслаҳатни берган бўлсам, демак, қандайдир манфаатни кўзлаган бўламан. Афсуски, икки дунёда ҳам бунақа маслаҳатни бермайман. Ўзимники мана бундоқ ўзимга етиб ортади. Бор-йўғи Матмуса аканинг жияни экани учун орага тушдим, бўлмаса менга нима?!

– Ўзимиздаги Матмуса акани айтяпсизми?

– Ҳа-да! Ўзимиздаги банк хўжайини ўша Барноев! Вақтида отангга ҳам меҳнати синган, қўллаб-қувватлаган.

– Наҳотки?! – Жамшид истехзоли кулди. – Бу янгилик-ку!

– Бир вақтлар отангни бошига қандай савдолар тушганини билмасанг керак? Матмуса ака бўлмаганида, отанг қамалиб кетарди. Сендан сўралаётган кўмак бор-йўғи бўталоқнинг кўзидеккина, у ҳам бўлса, оила шаъни. Сен Кабирнинг

отасининг исм-фамилиясини тергов ҳужжатларидан олиб ташлайсан холос. Устига-устак, у одам тирик бўлса кошки, аллақачон хоки туробга қўшилиб кетган.

– Сиз аввало отамнинг бошига тушган савдони айтинг?!

Рамазон Наим бу суҳбатга хўп тайёргарлик кўрган, қандай саволлар бўлишини ва бу саволларга қандай жавоблар берилишини олдиндан ўйлаб, пухта-пишиқ қилиб қўйгани учун ўйлаб ўтирмай гапираверди.

– Отанг сени ўқишга жойлаб қўйиш учун анча катта харажат қилиб қўйганди, – деган ёлғонни ўртага сўқди у. – Сен-ку ўқишга кириб кетдинг, у ёқда отангни ишхонасини комиссия босди. Комиссиянинг оғзини ёпиш учун отангда ҳеч вақо қолмаган эди. Улар отангни қаттиқ ушлашди, бир йиллик эмас, беш-олти йил бурун бўлиб ўтган воқеаларга қизиқишди: минг-минглаб қоракўл тери, тонналаб жун, қанчадан-қанча гўшт ҳақида гап айлантирилди. Шунда нима бўлди, ўртага Матмуса ака тушди, ўша камомадларни ёпиб, отангни ботқоқдан чиқариб олди. Агар бундай олиб қараса, сенинг кўмагинг унинг отангга кўрсатган яхшилиги олдида урвоқ ҳам бўлмайди.

– Нега мен бу ҳақда эшитмаган, ёки отам гап очмаган?

– Қизиқ экансан-ку! Сенга айтса, стипендияларингни тўплаб, камомадни тўлаб берармидинг? Кейин, қайси ота ҳали қўлидан иш келмайдиган боласига дардини айтиб, ҳам ўзининг, ҳам боласининг кўнглини вайрон қилади? – Жамшиднинг юраги шув этди, наҳот шундай бўлса, шунақа бўлган экан-да, деб ўйлаб дами ичига тушиб, овози чиқмай қолди. Рамазон Наим бошини ҳам қилганча юришда давом этаркан, куёвни йўлга солиб, уни қайириб олишни кўзлаган бўлса-да, уни осонгина измимга солиб оламан деб ўйламаган эди. – Мен бу гапларни ҳозиргача ичимда сақлаб келаётган эдим, кун шу бугун экан, айтишга мажбур бўлдим, чунки яхшиликка яхшилик қайтсин, деб бу сирни очишга жазм этдим. Энди ту-

шунгандирсан, Кабирга ёрдам беришинг кераклигини? Хўп, энди буёғи ўзингга ҳавола, ёрдам берасанми-йўқми, отангни ҳурмати, танангда ўйлаб кўр. – Рамазон Наим шу кетишда уч-тўрт қадам олдинлаб кетган экан, бир вақт орқасига қараса, Жамшид ўйланганча тўхтаб қолибди. У, ўббо, деганча қадминни секинлатган эди, Жамшид тез етиб олди. – Сен мени ҳам, ўзингни ҳам ўйловга қўйдинг, – деб Жамшиднинг елкасини силаб, яна олдинга юрди. – Отанг, бу гапларни ўғлимга айтиб юрманг, деган эди, сен бўлса айтишга мажбурладинг. Йўқ, шу иш шунчалик қийинми? Битта фамилияни ўчирасан, жон халос, худдики хамирдан қил суғургандай. – Рамазон Наим бир олдинга, бир орқага қараб олиб, “энди уйга қайтсак ҳам бўлар”, деб хўрсинди.

Қайтарда қўш мақола тўғрисида гап бўлди. Рамазон Наим нописандлик билан: “Газетчилар ҳам бола-чақа боқиш учун бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида ёзади-да, парво қилма, ваҳолангки, ҳозир ҳамма нарса тескари, газетага урилган борки, обрўйи тушиш ўрнига, кўтарилиб кетяпти, – деди. – Бу томонидан хавотир олма. Бир зўр танишим катта газетада ишлайди, унга айттириб чиройли мақола ёздирамиз, қарабсанки, қасд қилганлар паст бўлади. Кўрқмай газни босавер, ҳаммаси жойинга тушади...”

Жамшиднинг кўнгли ялдо туни каби қоп-қоронғи эди. Қайнатасининг сўзларига жимгина қулоқ солиб, бошини соллантириб борар экан, кўз олдида Элёр билан Рустам гавдаланди ва ер остидан унга қаради-ю, мингирлаганча, қўяверинг, мен бу тўғрида сиздан кўпроқ ўйлаб юрибман, деди. Қайната, ихтиёр ўзингда, нима қилсанг ўзинг биласан, мен фақат сенинг обрўйингни ўйлаб айтдим-да, жон болам, дея таъкидлаб, йўлида давом этди.

Ночор ахволдан чиқиб кетиш, гапни кўпайтирмаслик учун Жамшид коптокдек гужанак бўлиб, аразлаган боладек бошини ичига тортиб кетаверди, хаёли дам мақолада, дам



Элёрда, уни қай балога гирифтор этсин? У шу саволни ўзига берар экан, аниқ бир тўхтамга келолмаяпти, бир тўхтамга келганида, ҳозир қайнатасининг раъйини қайтармай, Кабирга кўмак берган бўларди. Элёр чўрткесар, шартаки бўлгани билан, унда ҳалиям соддадиллик, ишонувчанлик бор. Унга ана шу – соддадиллиги томонидан фириб бериш керакдир, деб ўй сурарди у.

Улар уйга яқинлашганда, тун бирдан ёришди-да, момақалдироқ гумбурлаб, орқасидан ёмғир шивалади. Шунда Жамшид, айнаи муддао бўлди, бу чолнинг минғир-минғирдан қутулдим, деб ўйлаган эди, бўлмади.

– Сен Мулқободга, Норчаевга қўнғироқ қил, – маслаҳат солди Рамазон Наим, Жамшидни ёмғирдан панага тортиб. – Ҳар ҳолда қуш тилини қуш биледи. У эски гувоҳларни оёқлантириб, аёлнинг эрини қоралаб берсин. Шунда сенинг ишинг ҳам осонлашади.

Жамшиднинг энсаси қотиб, қайнатасининг юзига бақрайганча қараб турди-ю, анчадан кейин:

– Эски гувоҳлар эскирдн энди, – деди. – Янги ишга янги гувоҳлар жалб этилади. Норчаевдан умид йўқ, гувоҳни шу ердан топиш керак.

– Майли, ўғлим, нима қилсанг ҳам, ишқилиб шу боланинг ишини тўғирлаб бер! Агар ўзингни гўлликка солиб, ёки хўп деб, қўйнимни пуч ёнгоққа тўлдирсанг, хафа бўламан.

– Бўпти, айтинг ўша Кабирингизга, ёрдам бераман.

– Шу гапинг гапми? Шу гапингдан қайтмайсанми?

– Хўп, бўпти!..

Жамшид ухлашга киргандан кейин эртага шанба эканини билиб, соатни олтида жиринглайдиган қилиб қўйди. Ахир, эрта вақтли туриб, бозорга тушиши, кейин ётоқхонага ўтиши, у ердан Элёр билан Рустамни олиб, дала ҳовлига боришлари керак. Бу меҳмондорчиликни кечга суриш мумкин эмас. Агар меҳмонларга дала ҳовли ёқиб қолса, уларни ўша ердан

ўқишга қатнашга кўндириши ва шу орада ўйлаб юрган қамлоблигини амалга ошириши мумкин. Бу ҳақда қайнатаси билан маслаҳатлашмоқ учун оғиз очмоқчи бўлди-ю, кел, гапни кўпайтирмай, деб фикридан қайтди. “Мабодо уларни дала ҳовлида яшашга кўндира олсам, – деб ўйга толди Жамшид, Мутал орқали бир-икки қизни уларга қўшиб, ўртада жанжал чиқарамиз, қарабсизки, Элёр ҳам, Рустам ҳам балога гирифторм бўлади. Ўшанда кўрамиз, макр-ҳийла олдида уларнинг қамламларининг кучини. Дала ҳовли қоровули гувоҳликка ўтса қулоқларини ҳам қимирлатолмай доғда қолишади...”

Жамшид мана шундай фикр-хаёллар билан ётиб, эрталаб вақтли турди-да, машинага ўтириб бозорга томон йўлга тушди. У кўчада кетиб бораркан, йўллар ҳалқоб, девор намланган бир ҳолатдаги уйларнинг деразалари қоп-қорайиб, кўчаларнинг икки бетида ёмғир ва шамолдан шохларангилиб ётган дарахтлар мунғайиб кўринарди: кечаси яхшигўна ёмғир ёғибди-ку! У кўча манзарасига эътибор бермай, қоқшларини чимирганча тўғрига қарар, кўксини руль чамбарига берганча гужанак бўлиб, бошини елкалари ичига тортиб олган эди. Қаёққа қарама – ҳар пучмоқда кузнинг сарғимти туси кўзга ташланади.

Бинойигина бозор қилган Жамшид ётоқхонага мўлжал олди. У манзилга етиб борганида, ётоқхона атрофида заққуринмасди. Чунки бугун талабалар интиқ кутган дам олиди-куни, қулоқлари остида милтиқ отсангиз ҳам уларни уйғотолмайсиз. Айни дамда уларнинг уйқусини бузган киши – дунёдаги энг бадхулқ махлуқ ҳисобланади. Жамшид шундайлигини била-кўра туриб, ичкарига кирмай, сигнал берди.

Элёр эндигина ёстиқдан бош узган эди, ташқарида машинанинги бабаплаганини, кимдир унинг исмини айтиб чақирганини эшитиб, юраги шув этиб кетди. Овоз эгаси танилбўлгани учун Элёр ҳафсала билан ўрнидан турди-да, деразага яқин бориб пастга қараб, Жамшиднинг сиёғидан тани,

ди ва Рустамга, Рамазон Наимнинг куёви – бизнинг жўра хойнаҳой меҳмонга олиб кетгани келди, деди. Бироқ Рустамнинг истиҳола билан, менга ноқулай, ўзингиз бафуржа бориб келинг, деб чўзилиб ётаверди. Элёр: юринг энди, бормасак жўрам хафа бўлади, деб уни қўярда-қўймай пастга олиб тушди. Пастга тушгунча ҳам Рустам кўп ўйлади: борса ҳам бормаса ҳам бир бало, борса – Жамшидга хайрихоҳ бўлади, бормаса – Элёрни хафа қилади. Ундан кейин нима бўлади? У пастга тушиб Жамшид билан кўришаётган пайтда ҳам, машинага ўтирганида ҳам ўйлаб ўйига етолмаган эди.

Улар шаҳарни ортда қолдириб дала йўлига тушиб олгач бошлари устидаги осмон жуда-жуда пасайиб кетган, қушлар худди сувда чўмилаётган каби учиб юрар, узоқда – жимирлаган ерларда қишлоқ уйлари кўзга чалинар, атроф шафақ ранг йўл эса мовий эди. Йўл четидаги тошларнинг қирралари кулофтобининг шуъласи остида ранг-баранг тусга кириб товланарди, қинғир-қийшиқ, паст-баланд уйлар шу қадар пастқам эдики, улар мисоли йўл четида қолиб кетган вагонларга ўхшарди. Кўҳна далалардан ўтиб, қишлоқнинг чеккасига чиқишгач, осмон яна мовийлашиб, кўзни қамаштира бошлады. Теварак-атрофдаги ҳаво ҳам кўк рангга ботириб олинган гўё қуёшдан оқариб ётган тоғлар ҳам ним мовий тусда кўринарди. Қуёш билан бирга кўкка интилаётган қушлар феруз осмонда элас-элас кўзга ташланган нуқтадек пирилларди. Энди қишлоқ ортда қолди, ҳозиргина эсиб турган шамоли бирдан тўхтаб, ҳаво дим бўлиб кетди, қуёш булутлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Йўл кенг, теп-текис ва кимсасиз эди, на ўтқинчи, на у ер-бу ерда қапага ўхшаган уйлар бор. Машина салоида ҳамон жимлик, гўё ҳамма ўз фикр-ўйлари билан банд: Жамшид йўлдан бўлак ҳеч нарсага қарамайди. Элёр унинг ёнида ўтириб, газета ўқийди; Рустам Қодиров орқа ўриндиқда ястаниб олиб атроф томошасига берилган.

– Яхшигина юрист экансиз-у, – жимликни бузган Жамшид пешойна орқали Рустам билан мулоқотга киришди, – газетада нима қилиб юрибсиз? Ёки ҳуқуқ соҳасида омад келмадимми?

Бу савол жиддий тарзда берилган бўлса ҳам Рустам кулди ва ўйлаб туриб:

– Менинг юрист эканлигимнию газетада ишлашимни қаердан била қолдингиз, ёки Элёржон айтдиларми?

– Мухбир эканлигини билардим-у, лекин юристлигингиздан хабарим йўқ эди, – деди Жамшид пешойнага бир қараб олиб. – Мақолангизни ўқигандан кейин, мухбир эмас, юристлигингизни илғаб олдим.

– Зийрак экансиз, Жамшидбек. Қайси мақоламни ўқигансиз?

– Намоз Жумаев ҳақидаги мақолангизни.

– Элёржонникини-чи?

– Уни ҳам ўқидим, – деди Жамшид. Элёр бир нима демоқчи эди, унга, қулоқ сол, деб ишора берди. – Сизни-ку билмадим-у, Элёр Жумаевнинг ишини мен кўраётганимни яхши биларди. Бу ҳақда сизга айтмаганмиди?

– Йўқ, айтмаган, буни ўзим билардим. Ўша ётоқхонага кириб келган кунингиз билгандим. Нима, мақола сизга маъқул бўлмадимми?

– Нега энди, маъқул. Мақола айни вақтида чиқди, – деди Жамшид, – айни вақтида чиқди. Тан олишим керак, фикрларингиз тўғри. Ишда биздан олдин анча чалкашликлар бўлган. Биз ишни чўзаётганимиз йўқ, аксинча, олдингиларнинг хатосини такрорламаслик учун эҳтиёт бўлиб ҳаракат қиляпмиз. Сизлар бўлса шоширяпсизлар. Хато қаердан келиб чиқади, албатта, шошма-шошарликдан.

– Ахир, бир бегуноҳ одам қарийб бир йилдан бери ҳибсда ўтирибди.

– Керак бўлса, яна ўтириши мумкин. Суд жазо белгилаётган пайтда, қанча ўтирганини ҳисобга олиб, жазо муддатини шунга тўғрилайди.

– Агар у ҳақ бўлиб чиқса-чи?

– Кечирим сўраб, қўйиб юборилади.

– Майли, уни қўйиб юборарсиз, лекин у кечирармикин? Прокурор-чи, у бу хато учун жавоб бермайдими?

– Бу ҳолат қонунда белгиланмаган. Прокурор таваккал қилади, таваккал тўғри ёки хато бўлиши мумкин. Бунинг учун у жавоб бермайди. Жиноят ишида кўнгилчанлик кетмайди, буни яхши биласиз-у, яна куласиз.

– Журналист кулиб эмас, куйиб ёзади! – Рустам оғринганини хаспўшлашга уринди. – Бу куйинчаклик кимгадир ёқадди, кимгадир йўқ.

Суҳбат қизиб, Элёр чеккада қолиб кетгандек бўлди.

– Мақола сенга таъсир қилибди, – деди у, – демак, мақола бекорга ёзилмабди. – Элёр бундан хурсанд бўлди-ю, кўнглига олмасин деб, Жамшиднинг хатосини юзига солмай, бошқа гапга ўтди. – Қани ўзинг айт, сенингча, Намоз Жумаев жиноятчими?

Жамшид нима дейишини билмай турганда, Рустам илдамлик қилди:

– Йўқ, у тақдир қурбони! Аёлнинг ўлими билан омбордаги ёнғин ўртасида қандайдир боғлиқлик бор. Ана шу боғлиқликни кимдир четдан туриб узган, оқибатда жиноят мотиви бузилган. Прокурор билган, аммо ишни қўшимча терговга қайтармаган ёки омбор қоровулини ҳисобдан чиқарган. Эҳтимол терговчи прокурорга қарши боролмай, иккаласи келишгандир? Тергов якунида ишнинг бир қисми алоҳида ажратиб олингану қарор қабул қилинганда қоровул назардан тушиб қолган, яъни ҳисобдан яширилган. Кимдир бу ҳолни фош этилиши қийин жиноят деб, ҳисобга олинмагани натижасида содир этилган англашилмовчилик, деб изоҳлаши

мумкин. Аслида ҳам шундай, бироқ бу ерда қалбакиликка йўл қўйилгани аниқ.

– Жуда тўғри пайқабсиз, – деди Элёр Рустамни қувватлаб. – Жумаевда айб йўқ! – Кейин у Жамшидга тик қараб, кўкрагига уриб-уриб қўйди. – Сен мана бу ерингга ишон! Юрагинг нима деса, шуни қил! Аслида, Аббос Бешимовнинг мурдасини қайта экспертиза қилдирсанг, менимча, ҳамма нарса ойдинлашади. Бунга нима монелик қилади сенга?

Жамшид чурқ этмай хийла вақт индамади, кейин кескинлик билан у ҳам кўкрагига муштлади:

– Бизнинг ишда мана бу ерга эмас, далил-исботга ишонишади! Жиноят қуролидан айнан Намоз Жумаевнинг бармоқ излари топилган, буни қандай инкор этиш мумкин?

Рустамни чакка томирлари ўйнаб, пешанаси йилтиради.

– Бунда ҳам хатолик бор: жабрланувчининг руҳий ҳолати ҳисобга олинмаган. Ички ишлар ходимлари ишни тезроқ ёпиш учун ишни жиддий текширишмаган, деб ўйлайман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон тақдирига бунчалик бепарволик билан қараш адолатдан эмас. Яна уни ёнғинни содир этишда айбланаётганини қандай тушунмоқ мумкин?

– Мен тушунмаётиман, – Элёр ҳар икки томонга ўнғай бўлсин учун орқага ярим ўгирилди, – Жумаев ёнғин барта-раф этилгандан кейин хотинининг фожиасини билган-ку? Демак, қўш жиноятни бир ўзи амалга ошириши мумкинми? Агар жиноят мотивига эътибор қаратилса, ўртада яна бир киши бор. У ким? – У чап қўлини ўнг қўли кафтига асабий муштлади. – Аҳ, худди ана шу пайтда адолат тумори бўлсайди!

– Нима уни бўйнимга тақармидинг? – Элёрга қараб қош қоқди Жамшид. – Ёки Жумаевнинг бўйнигами?

– У қанақа тумор экан? – ажабланиб сўради Рустам.

Жамшид қувлик билан кулди.

– Бу шогирдингизда адолатга ташхис қўядиган бир асбоб бор, – деб у аввал кеккайиш ва такаббурлик билан пешой-

надаги Рустамнинг аксига қаради, сўнг Элёрдан: – Тўғри айтдим-а? – деб сўради майин жилмайиш билан. Бу Элёрнинг ғашига тегди ва ғашликни юзага чиқармаслик учун бошини қуйи солди. – Чўпчагингда шунақа дейилганмиди? – Жамшид жавоб кутмай бидирлаб кетди. – Шу десангиз, домла, сизга айтиб берганми-йўқми, шогирдингиз ана шу асбоб тўғрисида ажойиб бир чўпчак тўқиган. Гўёки қадим замонда, ростми-ёлғонми, бир тумор бўлган экан. Қозилар бировнинг устидан ҳукм ўқиётганида ўша нарсани бўйнига осиб оларкан. Мабодо ўқиган ҳукми нотўғри бўлса, тумор бўйинни сиқармиш-у, қози, ўламан саттор, мен адашдим, терговни бошқатдан ўтказаман, деб жавраркан-да, то тўғри ҳукм чиқаргунича бу ҳолат такрорланавераркан. Қизиқ чўпчак-а, домла?.. Элёр бир куни, тумор бизнинг кунларга келиб қолса, нима бўлади, деб мендан сўради. Мен унга... Йўқ, сиз бунга нима деб жавоб берган бўлардингиз?

– Ибратли ҳикоят экан, – деди Рустам пинагини бузмай. У жавоб беришга шошмади, бир оз мулоҳаза юритди. – Биласизми, Жамшидбек, одамлар қачон бир-бирига яқинлашади, албатта, маслак бир бўлса, бири ўзидаги хислатларини бошқасида кўрса, ўртада меҳр уйғонади ва бу меҳр уларни бир-бирига яқинлаштиради. Мен бу билан нима демоқчиман: одамлар жипслашса, бир-бирига нисбатан ишончи ортади. Демак, ишонч бор жойда адолат бўлади! Ана энди ўзингиз ўйланг, адолат бўлган жойда туморга ҳожат борми? Тўғри, бу ривоят, яна такрор айтаман, ибратли ривоят! Туморнинг бизнинг кунларга келиб қолиши ҳақидаги масалага келсак, у аллақачон бизнинг ҳаётимизга сингиб кетган. Бу ҳали айтганим, ишонч – ишонч тумори!

– Агар сиз ривоятнинг охирини эшитсангиз, бу фикрингизни ўзгартиришингиз аниқ, – деди Жамшид жиззакилик билан. – Ўша пайтларнинг ўзида туморни сохталаштириб, одамлар бир-бирига туҳмат тошларини отишган. Сиз ишонч

деяпсиз, лекин кафолат бера оласизми, ҳозирги одамлар ҳам бир-бирига бўлган ишончни сунистеъмом қилмаслигига?

– Бунақа сохтакор кишилар ҳар замонда бўлган, кейин ҳам бўлади! – таъкидлади Рустам. – Улар ўз нафсини виждонидан устун қўйган унсурлар. Хўп, майли, Элёр айтгандек, адолат тумори юзага чиқса-ю, уни кимдир яна сохталаштирса, бу – инсониятни ўз-ўзини маҳв этиши ва ўша сохтакор Ҳонистга ўхшаб келажак авлоднинг тавқи лаънатига учраши муқаррар. Ёмонлик ҳеч кимга наф келтирмаган.

Жамшид ҳеч нарсага ишонмагандек пичинг аралаш лабини бурди.

– Туморнинг айна кунда пайдо бўлишини, унинг хунук оқибатларини тасаввур этиш қийин. Энг аввало, қозиликка интимай қўйишади.

– Энг муҳими, виждон уйғоқ бўлади! – деди Элёр.

– Сен, бу билан, виждони мудроқлар кўп демоқчимисан?

– Менми? Мен адолат барқарор бўлади, демоқчиман.

Рустам:

– Бундай мавҳумлик устида қизишмаслик керак, – деди.

Жамшид заҳарханда қилди:

– Кўряпсизми? Тумор ҳақидаги гапларнинг бари бошдан-оёқ ёлғон. Буни ўзингиз ҳам айтиб турибсиз-ку! Мавҳумот – хаёлий тушунча, унинг замирида албатта ёлғон ётади...

Хайриятки, машина баланд-паст йўллар оралаб пастликка шўнгиб, манзилга етиб келмаганида, ким билди, бу баҳс яна қанча давом этиб, қайси бир тарафнинг кўнгли хира тортган бўлармиди? Шундай рўпарада салобат тўкиб турган оқ бино ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Қўш қаватли, алламбало услубда қурилган бино кўринишидан далаҳовлига эмас, кўпроқ қасрга ўхшарди. Кираверишда оқбадан тераклар чаппар урар, ичкарида барглари олтин тусга кирган дарахтлар, ҳовлини кесиб сув бўйига чиқиладиган эшик ёнида бир жуфт кўм-кўк арча мунғайиб турар; бинонинг орқасида тикан



босган ер, ерга олдин ҳам бирор бута ёки экин экилмаган, табиат қандай яратган бўлса шундай кўринишда бетартиб. Ундан нарида жарлик, беш-олти метр пастга тик тушган, этагида шарқираб оқаётган катта бўзсув. Оқ гишдан тикланган, томи қиррадор қуббали уйга бутун бошли уч-тўртта оила бемалол сиғади. Биринчи қаватда кенг-мўлгина ошхона, кийимхона, омбор ва яна тўртта ҳайҳотдек кенг-мўл хона ҳамда вестибюл бор; вестибюлдан кўриниб турган айлана панжарали йўлак орқали иккинчи қаватда жойлашган хоналарга чиқиш мумкин. Йўлакнинг охирида катта ва шинам меҳмонхона классик услубда эман ёғочидан ишланган юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган.

Гарчи Жамшид бу бинонинг қачон қурилганию қанча материал кетган, материаллар қайси мамлакатдан олиб келингани, қанча меҳнат кучи сарфлангани каби икир-чикир таърифларни келтирмаса-да, бинонинг ҳашаматидан унинг қийматиню салобати аён эди.

Бинога киришдан аввал унинг ташқи безакларини томоша қилишди, сўнг катта сув бўйида нафас ростлаб, атроф жавонибнинг манзарасини томоша қилишди.

– Ёзда бу жойлар жаннатга айланади, – деди Жамшид сув бўйида туриб туман пардасига бурканган қурама тоғларга ишора қиларкан, ўзининг ҳам завқи тошиб кетди. – Тоғ этагига яқинлашиб бораверсангиз, об-ҳаво ўзгариб, ўзингизни қушдай енгил ҳис қиласиз, – деб кўзларини юмиб ўша томондан эсаётган ҳавога юзини тутди. – Қандай маза! – Кейин кўлини чўзиб тоғ томонга ишора берди. – Тоғ этагидаги дачаларни кўрсангиз, бизникини шунчаки қапа дейсиз. Одамларимизнинг ҳам диди ўсиб кетди. Мана бу сув баҳор бошида бўтага бўлиб оқади, ёзга яқин тиниқлашиб, шишага айланади, ана ундан кейин чўмилсангиз балиқдай яйрайсиз-да... – Жамшид шаҳардан чиққандаёқ бу ердагиларнинг ҳаммаси шаҳардан қочиб келганлар; у ҳам ўзига қолса шу ерларда иложи

борича узоқроқ қолишини, аммо шаҳарда зарур ишлари кўп-лигини айтган эди. Ҳозир шу гапининг давоми ўлароқ: – Бу дача аслида сизларга ўхшаган дўстлар учун, биз сизлар баҳона келмасак, бошқа вақт келиб дам ололмаймиз, – деди...

Тоғ ҳавоси ўзгарувчан эмасми, бирдан намхуш парда паға-паға булутлар билан бирга кўтарилиб, кўз илғамас қуёш нурлари тоғ чўққиларидан пастга сирғалиб туша бошлади. Борлиқ гўё енгил нафас олгандай, ёқимли шабада эсди. Элёрнинг назарида юраги худди мана шу борлиқ сингари кенгайиб кетдими, худди илк бор муҳаббат асири бўлиб қолган йигитчадай, бутун вужуди билан табиатга талпинаркан, ўзи билан табиат ўртасида қандайдир муҳаббат борлигини ҳис этди. Рустам ҳали йўлдаги суҳбат учун хижолат тортиб, кўзининг қирини бир-икки Жамшидга ташлаб қўйди. У бирор нарса деб уни гапга солмоқчи бўлди, бироқ ўрлиги тутиб, индамай қўя қолди.

Жамшиднинг бирдан Элёр билан холис гаплашгиси келиб, уни чеккага торди, бир нималар деб пичирлагач, мен ҳозир, деганча ҳовли саҳнига бурилди, тутунга омухта зирвак ҳиди келиб турган ошхонага кириб, у ердан ҳаяллатмай чиқди-да, қани энди дастурхонга дегандек, меҳмонларни иккинчи қаватга – меҳмонхонага бошлади.

Одатда дала ҳовлига тансиқ таом ейиш учун эмас, шаҳар шовқинидан қочиб ҳордиқ чиқаргани, табиат билан мулоқот қилгани чиқилади. Ҳозир эса, меҳмонхонадаги дастурхонни кўриб, Рустам ҳам, Элёр ҳам, бу таклиф атайинми ёки одамгарчилик юзасиданми, дабдабанинг маъноси не экан, деб ўйлаб, бир-бирига елка учуриб қўйишди.

Улар кира солиб дастурхонга ўтиришмади. Ҳадди сиққани учунми, Жамшид, қарашиб юбор, деб Элёрни яна пастга олиб тушди. Рустам ёлғиз қолгач, у меҳмонхона жиҳозларини кўздан кечирди, сўнг девордаги бир жуфт гиламчага тикилиб қолди. Гиламчалар буюртма асосида тўқилган чоғи,

биринчисида эгнида ажойиб пушти ранг кўйлак кийган салобатли жувон бармоқларини мушт тугиб оппоқ иягига тираганча қуралай кўзларини кенгликларга қадаб турган сурати туширилган. Бу – Рамазон Наимнинг аёли Кибриё хонимнинг ўн йиллар чамаси олдинги қиёфаси эди. Иккинчи гиламчада ўткир нигоҳи билан рақибни шошириб қўядиган Рамазон Наимнинг киборли сурати ўз аксини топган. Бир чеккада қўйилган ойнали сервант, унинг полкаларига тартиб билан жойлаштирилган ажойиб чинни ва биллур идишлар, бурчакда қўйилган одам бўйи келадиган катта соат, шифтдаги қандил, оёқ остидаги чўғдай қизил гилам ҳам Рустамнинг нигоҳидан четда қолмади. Бу анчайин меҳмонхона эмас, нақ музейнинг ўзи.

Элёрнинг қўлида аччиқ-чучук, Жамшид эса яхна терилган катта лаганни кўтариб, хуш келибсизлар, дегандек кириб келишди. Уларнинг орқасида хиёл букчайган, соқол-мўйлови кузалмаган, кўзлари ўйнаб турувчи яна бир чол бобо патнисда чойнак-пиёла олиб кирди-ю, Рустамга кўзи тушиши билан ҳаракати сустлашиб, қўлидаги нарсани қаерга қўйишни билмай саросималанди. Рустам унга бир муддат тикилиб қолди. Чол қўлидаги патнисни столга қўйди-да, апил-тапил орқасига қайтмоқчи эди, Жамшид имо билан уни тўхтатди. У остонада бир муддат анграйиб турди.

Жамшиднинг: отам, қозонга гурунчни қачон солишингизни ўзим айтаман, деганидан кейин чол пастга тушиб кетди. Рустам сўрамаса ҳам, Жамшид, эшик томонга ишора қилиб, дала ҳовлининг қоровули, қўли ширин дастёр, зипиллаб, ҳамма ишга қўли ўралиб кетаверади, деди. Чой қайтаришу дастурхонга манзират қилиш билан бўлиб, Жамшиднинг гапи чала қолди.

Бир пиёла чойдан кейин, ҳар турли янгиликлар бўлди, Рустам уларнинг бирортасига қўшилмади, икки кўзи эшикда, хаёл суриб ўтирди.

– Тақдирнинг ишига тушуниб бўлмайди, – деди Жамшид яна қоровул чолдан гап очиб. Рустамнинг қулоқлари тиккайди. – Мири кам икки экан бу дунё, чолимизни кўрдинглар, оёқ-қўли бут, қўлидан ҳамма иш келади, лекин сўққабош одам, хотини беш йил бурун ўтиб кетган, уч нафар боласи турмаган экан; қариндош-уруғдан ҳам дарак йўқ.

– Ватан ҳам қилмаган эканми? – деб сўради Элёр. – Қаерлик ўзи?

– Мана шу атрофдаги аллақайси қишлоқдан, қишлоғининг номини билмайман ҳозир.

Рустамнинг сабри чидамади.

– Анчадан бери сизларда қоровулми? – деб сўради.

– Бир йилнинг нари-бериси бўлди-ёв. Қайнатам топган. Фақир бир одам, ҳуда-беҳуда хархаша қилмайди. – Жамшиднинг ёдига бир нима тушдим, қимирлаб қолди. – Э-ҳа, яна бир хислатини айтмабман-ку. Қурмагур алламбало шеърлар ёзади. Бир куни дафтари қўлимга тушиб варақласам, денг... Бир минут, қаердадир ўша дафтар ётибди, ҳозир топамиз. – Жамшид, булар қуруқ гапга ишонмайди, деб ўйладими, лўкиллаб қўшни хонага чиқди, мактаб боласининг дафтарини олиб кириб, Рустамнинг қўлига берди. – Сизлар ҳар ҳолда ижод кишиси, бир қаранглар-чи, газетага босишга ярайдими? Ярайдигани бўлса, газетага берайлик, бечора хурсанд бўлади. Қофиянинг кифтини келтирган, ўқисангиз, кўзингизда ёш айланади.

Дафтар варақлаётганида эшикдан шарпа мўралади, бу – ашъорлар муаллифи эди. У мулкига дахл қилганлари учун безовта бўлса-да, ичкарига киргани ҳайиқдими, эшик орқасида тураверди. Рустам буни сезиб:

– Ўзларини чақиринг, – деди Жамшидга қараб. Унинг истаги чолни яна бир марта кўриш, унинг суҳбатини олиш эди. – Шеърни шоирнинг ўзи ўқиса бошқача жаранглайди-да.

Жамшид аввал бошини сарак-сарак қилди, сўнг тилининг учини тишлаб кўрсатди.

– Худонинг ишига нима дейсиз! Худо уни тил-забондан ҳам қисган, гунгалак-да!

– Э, шунақами?! – деб ачинган Рустам бирдан ўйланиб қолди ва шеър танлаган киши бўлиб дафтарни варақдай бошлади. Дафтарнинг қатидан бир варақ қоғоз ерга тушди. Уни ердан кўтариб, наридан-бери кўз югуртирди:

Магар тунни қаро чиммат ўраб йўлда қолар бўлсанг,  
Умид боғла, келур фурсат, ёришган кундузингдан кўр...

Рустам шеърни маъқул кўргандай бўлди.

– Маънили экан, шунисини газетага берамиз, – деди. Қоғозни чўнтагига солгач, Жамшидни огоҳлантирди: – Ўзларига айтиб юрманг, сюрприз қиламиз, чол бир хурсанд бўлсин.

Жамшид, шундай қилинг, домла, дейиши билан мушук тирнагандай эшик тақиллади. Жамшид, ош тайёр бўлганга ўхшайди, деганча ўрнидан туриб эшик томон йўналди.

## 12

Намоз йўлакда оёқ товушини эшитиб сесканди. Кир-чир пиджагининг енги билан юзидаги терни артаркан, бир хўрсиниб ҳам қўйди. Юзидаги тер бекорга эмас эди, кечадан бери тез-тез терлаб, боши сим-сим оғрир, кўнгли озиб, ўзини лоҳас сезар: ё шамоллаган, ёки безгакка ўхшаган бир касалликни орттириб олганга ўхшарди. Айни ҳолати – уйқудан уйғонган-у, ўзининг қаердалигини билолмаган одамдай хонанинг тўрт кунжагига аланглаб қарарди, ваҳоланки, у ухламаган, тонгги мудроқни демаса, кечалари деярли мижжа қоқмай чиқади. Робия билан кечган кунларини эслаб маъюс тортар, жуфтининг жонсиз жасадини кўз олдида жонлантириб, кўз ёш қилар; аёлининг она бўлиш бахтидан боши кўкка етганини, унинг қувончдан яшнаб,

ҳар дақиқада худога шукрона айтганини эсларди. Улар қисқа фурсат бирга яшашган бўлишса-да, бир-бирларига жудаям яқин бўлиб қолишган эди. Намоз шундай яқин одамнинг жасадини ўз қўли билан қабрга қўёлмаганидан, маъракаларида туролмаганидан афсусланар, ўзида қарздорлик ҳиссини туйиб, кечалари бутунлай уйқуси қочарди.

Шу ерга келганидан бери аҳвол шу – кўзларида уйқу йўқ, неча кундан бери таом татимаган бемордек силаси қуриган. Худдики унинг қорни ҳам гам чекаётгандек жизилларди. Овқатни қорин тўйғазиш учун эмас, йиқилиб тушмаслик учун ейишга мажбур эди. Агар ўзини мажбурлаб бир нима емаса, йиқилади-да, у ер-бу ери лат ейди. У лат ейишдан кўрқарди. Чунки унинг лат еган жойининг битиши қийин кечарди. Олдин ҳам бир-икки марта шунақа бўлган: оёғига кетмон тегиб қарийб бир йилдан ортиқ вақт оқсоқланиб юрган. Энди лат ейишнинг одатий қамоқхона шароитида тасаввур қилиш унинг учун икки барабар оғир эди.

У шу кунгача терговчиларнинг сўроқларидан ростакамига тўйиб кетган, айниқса, Норчаевнинг уйдирмаларига тоқати йўқ эди, ўз ор-номусини ҳимоя қилавериб чарчаган, инсон эканлиги эсидан чиқиб кетган; тухмат устига тухмат, бир гап бошқасини чалкаштириб юборган, тасдиғини топган нарса эса бирпас ўтиб бемаъни нарсага айланган. Унга бетайин, деб бақиринган, ўлганларининг кунидангина ачинишган, холос. Туман прокурори ҳам хиёл ён босарди, кейин билса, уникиям ҳам юзаки, тезроқ айбига иқроп бўлсин, деб ўзини меҳрибон кўрсатар экан.

Хайриятки, ўша кунлар ҳам ортга чекиниб, Худонинг ўзи уларнинг юзини тесқари қилди. Энди шаҳардагилари нима каромат кўрсатар экан? Ҳар ҳолда бу ерда қандайдир умид борга ўхшайди. Яна ким билади дейсиз, ҳибсхона ҳибсхона-да, уни яхши жой деб бўладими? Ҳозирча муомала қилиб туришибди, охири бахайр бўлсин.

Иродаси мустаҳкам, руҳи соғлом инсонни ғам-ғусса енга олмаскан. Шундай одамлар борки, улар ҳар қандай мусибатга чидайди. Намоз ҳам шуларнинг бири, ҳозирча руҳан тетик. Унинг наздида, бу ердагилар эрта-индин: бор кет, сенда айб йўқ экан, деб чиқариб юборишса, ажаб эмасдек.

У ётган камеранинг деразаси кунга қараган, кундузлари ёруғ, кечалари эса ой нури тушиб туради, лекин хонада моғорга ўхшаган ачимсиқ ҳид бор, ўткирлигидан кўзни ачиштиради. Эрталаблари зўрға қадини ростлайди, негаки, зах кишининг қувватини олиб қўяркан. Бугун эрталаб ҳам зўрға бошини кўтарган эди, хонада пирпираб юрган капалак – арвоҳ капалакни кўриб, белидаги оғриқ эсидан чиқиб кетди. Уч кун бўлди, шу капалак хонада ўзини шифту деворга уриб учиб юрибди. Нега шунақа, билмайди. Қани энди унда Сулаймон иқтидори бўлса-ю, капалак билан гаплашиб, нола-сини эшитса!

Йўлакдаги оёқ товуши одам овозига алмашинди-ю, унинг хаёли бузилди. Йўлакда икки киши маслаҳатлашар, зўр бериб ниманидир тортишар эди. Намоз шу овозга интиқ бўлиб қолди. Ҳойнаҳой терговчидир, ҳозир киради-да, эски пластикани айлантиради. Кошки эски гап фойдали ёки бошни қотиришга арзиса. Терговчи халқи вақтнинг қадрига етса? Вақт масаласи етти ухлаб тушларига ҳам кирмайди, ишлари битса бўлди. Биттаси Норчаевми, тергайвериб нимага эришди? Агар унда ақл ёки хоҳиш бўлганида эди, Намознинг жон куйдириб жаврашларидан бирор маъни топарди, йўқ, у бекордан-бекорга шунча вақтнинг бошига сув қуйди. Охири нима бўлди, дов-дастаги пучга чиқди. Бу ердагиси ҳам ўшанинг йўлини такрорламаса-да!

Намоз энгил-бошини тартибга келтириб, эшикнинг очи-лишини кутиб ўтираркан, хаёли яна Норчаевга қочди. Норчаев салобатли, овози йўғон, қўрс одам бўлиб, гапирса овози елкасидан чиқарди. Энди у бор-йўғи битта туманнинг тер-

говчиси, бунисининг сахт-сумбати уникдан ўтиб тушса керак? Сури-салобати босиб, гапини йўқотиб қўймаса бўлгани.

Мана, темир эшик тарақлаб очилди. Йигирма беш-ўттиз ёшли, баланд бўйли, ияги узунчоқ, манглайи кенг, истаралигина, устидаги кийимлари танасига ёпишиб тушган, анчайин дадил ва ўз обрўйини сақлайдиган бир йигитча кириб келди ва қўл бериб сўрашди-да, хонадаги ягона курсига ўтираркан, мулойимлик билан, терговчи Жавдат Олимов, сизнинг ишингизни энди мен кўраман, дейиши билан Намознинг терговчи тўғрисидаги тасавури ўзгариб: Наҳот шу йигитча терговчи бўлса? Наҳот шу йигитча мени тергов қилса? – деб анграйди.

– Хўш, – у қўлидаги папкани очиб, ўзича бир-икки қоғозларни варақлаган, ёзувларни синчиклаган бўлди, кейин папкани шап этиб ёпиб, – айбланувчи Жумаев, ўзингизга адвокат ёллаганмисиз? – деб сўради. Намоз “йўқ” дегач: – Агар адвокатингиз бўлмаса, бугуноқ прокурор номига ариза беринг, талабингиз қондирилади, буни ўзингиз хоҳласангиз, албатта. Олдиндан айтиб қўяй, адвокатнинг чиқими бор, яъни қонунда, адвокат хизматига кетадиган харажатлар унинг ҳимоясидаги миқдорнинг маблағи ҳисоби билан қопланади.

– Буни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Сизга иқдор бўлман, олдин адвокат ҳақида оғиз ҳам очишмаган. Ҳаммаси кундек равшан бўлгач, адвокатга чикора, деб ройиш ҳам қилмаганман, – деди Намоз бўйинини силаб туриб. Назарида унинг омади келгандай бўлди. Сўроқ бошланар-бошланмас, терговчи бу таклифни ўртага ташлаши, жуда камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Чунки бундан олдин ҳақиқатан ҳам ҳеч бир киши адвокат – ҳимоячи ҳақида эслатмаган, фақат савол беравериб уни доводиратишган. – Худо уйғоқ, ҳамма нарсани кўриб турганида, адвокатга ҳожат бормикан, ўғлим?

– Қонуний ҳуқуқларингиздан фойдаланинг демокчиман, – деб кулди терговчи. – Бу ерда қуруқ дийдиё ўтмайди ва бир нарсага эришиб ҳам бўлмайди. Магар адвокат олишни иста-



мас экансиз, ҳар бир бериладиган саволга тўғри ва аниқ жавоб берасиз деган умиддаман. Қўрқманг, бу ерда олдинги томошалар йўқ. Бор ҳақиқатни рўйи рост айтасиз. Фақат тўғри сўзгина сизнинг айбларингизни енгиллатиши мумкин.

Намоз бунақа силлиқ гапларни олдин ҳам эшитган, терговчининг бу каби меҳрибончилигининг тагида қанақа мақсад ётганини ҳам билади. Ҳозир ҳам унинг қулоғи терговчида бўлса, нигоҳи капалакнинг парвозида, хаёли эса беражак жавобида эди. У терговчининг ширин муомаласи учун бор воқеани бир нафасда айтиб бергиси келди-ю, бир-икки саволдан кейин бу бола қандай турланар экан, деб сабрга зўр берди.

– Терговнинг йўриғи шу: ёлгонни ичга ютиб, ростни тилга чиқарган киши бурд қилади. Шундай экан, сизга фақат рост гапиришни маслаҳат бераман. – Жавдат Олимов яна папкани очиб, ҳужжат варақлади. – Мана бу ҳужжатларни ипидан-игнасиғача ўрганиб чиқдим, – деди у қўлидаги қоғозни силкитиб, – жинойт мотиви тўғрисида тахминий тушунчага эгаман. Сиздан кўп нарса талаб қилинмайди, фақат олдинги кўрсатмаларингизни тўғри ёки нотўғрилигини айтиб берсангиз бўлди. Демак, сизни Робия Жумаева, яъни ўз хотинингизни ўлимига айблашмоқда, тўғрими? – Намоз олдингидай, мен ўлдирмаганман, демоқчи бўлди, лекин савол бошқача қўйилгани учун, тўғри, деб жавоб берди. – Унда менга айтинг-чи, уйга кириб хотинингизни жасадини, унинг кўксига тиг санчилиб турганини ва сиз ҳақиқатан ҳам ўша тигни жасад танасидан сугуриб олганингизни кўрган гувоҳ борми? – Намоз, ягона гувоҳ ўзимман, деди. – Гувоҳ ўзингиз, яъни оқловчи ҳам, қораловчи ҳам ўзингиз?

– Мен уйга кирганимда...

– Жумаев, сиз чўпчак айтманг, далил келтиринг. – Намоз гапи кесилгани учун жим бўлиб қолди. Ҳозир унинг қулоғи эшитиб, кўзлари бошқа нарсани кузатиб тургани учун жавоб ҳақида чуқурроқ ўйламабди. Шунинг учун у эшитиш ва куза-

тишдан кўра, ўйлаб жавоб бериши кераклигини тушунди. – Нега жимсиз? Саволга жавоб беринг! Робия Жумаеванинг ўлимига восита бўлган жиноят қуролидан айнан сизнинг бармоқ изларингиз топилган. Буни нима билан изоҳлайсиз?

– Билмадим... Қандай изоҳлашни билмайман. – Намоз, яна ўша гап, яна ўша жумбоқ, деб диққати ошди. – Агар бошқа биров жасадни кўриб, милицияга хабар берганида, унга ҳам шу айбни қўйишармиди? Ахир, мен бу воқеани батафсил айтиб берганман, нега ишонишмайди?!

– Асабийлашманг! Жасадни қай ҳолатда кўргансиз? Қайчи унинг танасида санчилганмиди ёки шунчаки ерда ётармиди?

– Санчилган эди.

– Сиз уни суғуриб олгансиз?

– Қаттиқ ҳаяжонда эдим, нима қилганимни билмайман. Кўчага уриб чиққанман...

– Милиция келганда қайчи қўлингизда бўлган, шундайми?

– Шундай.

– Биринчи сўроқдаёқ, хотинимни Аббос ўлдирган дегансиз ва ҳозир ҳам шу фикрдасиз. Бунга бирор асос борми? Ёки Аббоснинг аёлингизга қасди борлигидан хабардормидингиз?

– Бир-икки марта шу каби иш бўлган. Энди бу Робиянинг олдинги турмуши билан боғлиқ гап-сўзлар.

– Буни ким тасдиқлаши мумкин?

– Фақат Аббос! Яна кимдир билар, лекин унинг кимлигини билмайман.

– Кўнглингизга олманг, ўйлаб жавоб беринг: аёлингиз хиёнат...

Намоз чуқур изтироб билан бошини чангаллади:

– Хиёнат?! Энди хиёнатни топиб олдингизларми? Худо шоҳид, Робия покиза аёл эди! Агар бу ишга хиёнат аралашганида эди, ўз ор-номусим учун айбни жимгина бўйнимга олган бўлардим. Ахир, номус ҳар нарсадан устун туради-ку!

– У ҳозир ўзини оқлаш учун эмас, Робиянинг шаъни тўғри-сида ўйлар экан, қалби зардобга тўлиб кетди. Қанийди Аббос тирик бўлганида, бу можаролар аллақачон барҳам топган бўларди. – Болалигимда бировнинг боғидан олма ўғирлаганимни отамга мақтанган эдим, отам юзимга шапалоқ тортганди. Ўшанда ўғирлик ҳақида ўзим айтмаганимда, отам қайдан биларди? Шундай экан, бир нарсани билмасам, бекордан-бекорга Аббосга тухмат қилармидим?! Сув шарқирагани билан дарёга қўшилгач сокинлашади. Одам ҳам шу: йиғлаб туғилди-ю, ҳаётга қўшилгач мулоҳим тортади. Бир пайтлар қинғир ишнинг қийини қирқ йилда чиққан бўлса, ҳозир қирқ дақиқага ҳам бормаяпти. Аббос қилмишига ярашасини топди. Бир кечада жаҳаннамга равона бўлди. Тақдирнинг ёзуғидан ҳеч ким қочиб қутулолмаган. Тартиб-қондани ким ўйлаб топган, одамнинг ўзи! Уни ким бузади, яна унинг ўзи! Бундан мантиқ излашга ҳожат борми? Бемаъни умрдан маъни излаш бемаънилик эмасми?! Гапга гул қўндириб гапиролмайман, лекин ҳақиқат шундаки, кишини содда билиб унга тухмат қилиш жиноят!

– Хўш, Аббос ҳақида нималарни биласиз?

– Рухсат этинг, ҳаммасини бошидан гапириб бермасам, чалғийдиганга ўхшайман.

– Хўп, гапиринг, қулоғим сизда.

Намоз ҳикоясини бошлашдан олдин бир муддат оёқ-қўларига тикилиб ўтирди. Терговчи унинг гапини икки қилмаслигига, уни жимгина эшитишига ишонарди. У тўғри йўл тутган эди, воқеани айтиб бермаса, албатта чалғиб кетарди.

– Биринчи аелим хўп куйди-пишди, тиниб-тинчимас эди, деди у овози юмшаб, сўнг қўлларини тиззаси устига қўйди. – Бола деса жонини берарди. Рўзгор деди, болам-чақам деди, ўзига қарай олмади, пировардида тўртта болани менга ташлади-ю кетди. У мени, мен уни тўнғич боламизнинг исми билан чақирардик. Кичигимиз Захро: “Отамнинг ҳам,

опамнинг ҳам, сизнинг ҳам исмингиз Зайнабми?” – деб ҳаммамизни кулдирган эди. Куйинчак аёл эди, раҳматли. – Бехтиёр орзиқиб кетган Намознинг кўзлари жиққа ёшланди, лекин юзи жилмайиб турарди. Қизиқ, бир одамда икки хил ҳолат. Ҳам йиғлаб, ҳам кулиш осон эмас. – Беваликнинг иккинчи йили қариндош-уруғдан ақл чиқди-да, мени яна уйлаб қўйишди. Робия хушрўй эди, нега хушрўй аёлга уйландим, деб афсусланганман, чунки унинг чиройидан чўчирдим. Аёлнинг душмани – унинг чиройи... Робия ҳам пешанамга сиғмади. – Намознинг дийдаси юмшадими ёки томоғига бир нима тикилдими, “қилт” этиб ютунди. Маъюслигини сездирмай сўзга сўз улади: – Робия биринчи турмушидан эрта айрилди, тирноқ кўришга ҳам улгуролмади. Эри Насим ота-онага ёлғиз фарзанд бўлиб, аристонда бандаликни бажо келтирган. Уни тухмат билан қаматишган, деб юрардилар. Насимдан бир хат қолган экан. Ўша хатда ўзига нисбатан қилинган тухмат ва уни уюштирган кишилар тўғрисида батафсил ёзилган...

– Хат?! Қанақа хат? Ахир, – Жавдат Олимов папкага ишора қилди, – мана бу папкада хат ҳақида ҳеч гап йўқ-ку?

Намоз сувдаги ўрдакдай бошини силкитиб-силкитиб қўяркан, куфри қўзиб кетди.

– Бу хат тўғрисида прокурорга ҳам, терговчи Норчаевга ҳам бир неча бор айтганман, нега хатлаб қўйишмаган эканлар? – деди у ўзига-ўзи, кейин ажабланиб Жавдат Олимовга савол назари билан қаради. – Нега?

– Эҳтимол, масаланинг ечими ана шу хатдадир?

– Ўша кечаси далада эдим. Ғўза шонага кирган пайтда тажрибали сувчи пайкал бошига кўчиши керак, ғўза сувсиз қолдими – тамом, шона ташлайди, кейин йил – ўн икки ой тўкилган тер увол кетади. Ҳасан қора деган шеригим бор, бирга сувчилик қиламиз. Кечалари сув олсак, биримиз пайкалда қолиб, биримиз уйга бориб овқатланиб келаемиз. Ўша кечаси Ҳасан уйига кетди, мен далада қолдим. Минг қилса

ҳам, сувнинг шилдираши, заҳалаб суғорилган гўзаларнинг шитир-шитири кишини аллалаб, уйқу босавераркан. Мени ҳам уйқу элителибди. Бир вақт кўзимни очсам, қишлоқ тарафда ёнгин, аланга печакдай кўкка ўрмалаб, учқун сачратаётибди. Каллада минг хил ўй-хаёл. Бунақа пайтда кишининг хаёлига энг аввал ўзига тегишли нарсалар келади. Бизнинг уй эмасми, деб кетмонни ташладим-у, жон ҳалпида қишлоққа қараб чопдим. Борсам, хўжаликнинг эски омбори ёнаяпти. Шу жойни Аббос муртад сотиб олиб, цехми, дўконми очаман, деб юрувди, насиб қилмаган экан.

Омборнинг бир ёнида дўкон, иккинчи бир ёнида боғча, одамлар, олов дўкон билан боғчага ўтмасин-да, деб жони ҳалак, пақиру тоғара, белкурагу болта билан оловга ёпишган. Олов қуюндай гоҳ шишакори дўконга, гоҳ боғчага ҳамла қилади. Бинонинг турган-битгани ёғочдан тикланган эмасми, ўт тушибдими, энди охиригача ёнмай иложи йўқ. Аҳвол чатоқ, қишлоқда илгари бунақа фалокат бўлмаган, одамлар шошиб қолган. Уч-тўрт аёл кўйлагини липпа уриб тош қудуқдан сув ташийди, қолганлари боласини кўтариб олиб томошабин бўлиб турибди; эркаклар ҳаракатда, лекин тартибсиз, уларни тартибга соладиган, бирлаштирадиган бош йўқ. Ўт қаердан чиққанини ҳеч ким билмайди: биров электрдан дейди, бошқаси, душманликдан, атайин ўт қўйилган дейди. Мен ҳам энди пайкални ташлаб келганман, аҳволни кўрдим, қайтиб кетиш ёхуд қўл қовуштириб ўтириш ноқулай, шарт ишга киришиб кетдим. Хуллас, дўкон билан боғчани сақлаб қолдигу, омборга кучимиз етмади, катта бинодан бир уюм култепа қолди, холос.

- Ўт ўчирувчиларга хабар берилганда-ку...
- Барибир улар ҳам етиб келолмасди, келганда ҳам шу гап эди.
- Ўтни ўчиргандан кейин нима қилдингиз, далага қайтдингизми?

– Далага қайтганимда бунақа ишлар бўлмасди. Худонинг ўзи шунақа фалокатни тўғирлаб турган эканми, болалардан хабар олиб кетай, деб уйга қараб юрдим. Борсам, дарвоза очик. Болалар зулфинни илишмабди-да, деб ичкарига кирсам, кичкина уйда болалар қаторлашиб ётибди, қаватларида хотин йўқ. Хотиннинг йўқлигини билгач, нима қиларимни билмай, бир оз гарангсираб қолдим. Шу пайт хаёлим ёнгинга қочди: қўшни аёлларга қўшилиб томошага кетган бўлса, ҳали кирмабди-да, дедим-да, болаларни безовта қилмай, қоронғилик қўйнидан шарпа излашга тушдим. Кейин ташқи ҳовлига ўтдим-у, қўққисдан катта уйнинг деразасидан ҳамсояннинг деворига тушиб турган ёруғликни кўрдим. Деразадан мўрала сам, уйнинг ўртасида бир киши кулала бўлиб ётибди.

– Нега шу гапларни биринчи терговда айтмагансиз?

– Нега айтмаган эканман? Айтганман!

– Тергов баённомасида бу гаплар йўқ-ку?

– Терговчи сўзма-сўз ёзиб олган эди, мен кўл қўйиб берганман. Хат ҳақида гап бўлмаса, энди бу ҳангома ҳам қайд этилмаган деяпсиз. Унда мен уларга нима деган эканман?

Жавдат Олимов қинғирликлар бежизга эмаслигини, турган гап, бундан кимдир манфаатдор ва ишнинг ўз фойдасига битишини кутаётган кишилар борлигини ҳам яхши биларди.

– Майли, давом этинг, мен ёзиб оляпман-ку, – деди у.

– Кулала одамни кўрдим-у, тиззам қалтираб, пешанамга совуқ тер тепчиди, – деди Намоз кўзларини юмиб нафас ростларкан, ҳаяжонини босиш учун ўтирган жойида нари-бери қимирлаб олди. – Уриб уйга кирдим-у, бўсағада тимтирис қотдим, – деб деразага тикилиб хаёлга чўмган эди, Жавдат Олимов, сўрашни унутибман, ёнгин пайтида сизни ўша ерда кўрган одам борми, деб сўради. – Ёнгин пайтида ит эгасини танимасди, – деди Намоз бир сўлиш олиб, – мени биров кўрган-кўрмаганини билмайман. Ўша куни кўчанинг чироғи ўчган, уйга бораётиб йўлда кимнидир кўрдим, лекин у мени

кўрдими-йўқми, аниқ айтолмайман. Эҳтимол, ўша одам мени танигандир? Афсус, мен унинг ким эканлигига зехн солмабман.

– Давом этинг-чи!

– Қўрқа-писа ичкарига қадам босдим, – Намоз бош бармогини тишлаб, “имм-м” деганча бир нуқтага тикилиб қолди. Бошқа нарсалар тугул, терговчининг юзи ҳам туманга ўралгандек бўлиб кўринди. – Кулала деганим, аёлим экан. У тун кўйлақда, сочлари елкасини тўлдирганча юзтубан ётарди. Эс-песим чиқиб кетди. Титраб-қақшаб чўккаладим-да, унинг бошини тиззамга олдим ва не кўз билан кўрайки, кўксига қайчи қадалиб турибди. Ушлаб кўрсам, тана совиб бўлган. Мен гумроҳ ўзимни йўқотиб қўйдим ва, шундай қилсам кўзини очади, деб тигни суғуриб олибман. Ўша кечаси тақдир устимдан кулди. Палакат босган қайчини чангаллаганча дод солиб кўчага чиққаним ҳам рост. Милиса келиб сўроққа тутганида тилим айланмади, оғзимдан пойинтар-сойинтар сўз чиқади, денг. Биттаси, ўзинг ўлдиргансан, бизни чалғитмай кўяқол, деганидан кейин ҳушим ўзимга қайтиб, нима қилиб қўйганимни англадим. Тўғри районга олиб бориб қамаб қўйишди. Эрталаб, сиз хотинингизнинг жонига қасд қилганликда айбланасиз, деб Отбозорга жўнатиб юборишди. У ерга боргандан кейин, бу ёғи урҳо-ур, сурҳо-сур бўлиб кетди. Ўзимни-ку ҳимоя қилишга қурбим етмай қолди. Хотинимни Аббос ўлдирган, дедим. Нима қилай, тилимга шу гап ўнг келди.

Жавдат Олимов ёзишдан тўхтаб:

– Ўшанда Аббос Бешимовнинг ўлганини билармидингиз?

– Йўқ, – деди Намоз, – билмасдим. Кейин билсам, у ўша омбордаги ёнғинда қолиб кетган экан. Терговчи, дабдурустдан, омборга сен ўт қўйгансан, деб айтди. Битта қайғум иккита бўлди. Ҳали айтганингиздай, мени кўрган борми, деб кимни гувоҳликка чақиришни билмайман. Худди ана шу ерда хат эсимга тушди. Ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтдим, терговчи айтганларимни ёзиб, қўл қўйдириб олди.

– Дарвоқе, хат! Ўша хатни кўрганмидингиз?

Намоз ўзини дам ухлаб, дам мудроқдаги кишидек сизди. У мана шу терговчининг саволларига жавоб бераркан, кўз олдида содир бўлган воқеаларга ишониш ёхуд ишонмаслигини ҳам билмайди. Хаёлида ўралашиб қолган фикрларни миясидан қувишга, бутунлай бўлак нарсаларни ўйлашга уринмасин, миясида ўша-ўша хаёллар гужғон ўйнарди. Ахир, Робия ўша хатни унга кўрсатган эди-ку! Робия ёлғиз қисмати – куч-қуввати билан эмас, бор вужуди, юраги билан Насимжон учун қасос олмоқчи эди. Қани энди ўша хатда нималар ёзилганини билса эди. Ўқиб кўришга ҳам ҳафсала қилмаган экан, афсус!

– Хатнинг борлиги аниқ эди! – деди у қатъият билан. – Аёлим уни менга кўрсатган, ҳатто судбозликка хезланганида, энди лозимми, деб шаштидан қайтарган эдим. Йўлини тўсганим учун ҳозир минг-минг пушаймондаман. Унга йўл берганимда, тирик қолармиди? Менимча, Аббоснинг хатдан хабари бўлган. Негаки, Робия шу ҳақда бир нима дегандай бўлувди. Эҳтимол, Насимжоннинг ўлимида унинг қўли бордир? Улар “Мулкобод”да бирга ишлашган. Шериклари, сиримиз очилмасин, деб Аббосни гижгижлаб, Робиянинг жонига қасд қилишган, деган хаёлга бораман баъзан. Энди бу Худога аён, бандаси минг фол очсин бефойда.

Намоз яна хатнинг мазмунидан, хотини уни қаерга яширганидан беҳабарлиги тўғрисида гапиргач, Жавдат Олимов унинг чарчаганини сизди ва, бугунга етар, деб ёзув-чизувни тўхтатаркан, хатнинг қаердалигини эсланг, яхшилаб эсланг, деди-да, папкани қўлтиқлаганча ўрнидан турди.

Терговчи чиқиб кетиши билан, Намоз каравотга чўзилиб, анчадан бери эсламай қўйган қизлари тўғрисида ўйлади. Ҳатто қўлига кишан солиб, уни олиб кетаётганларида орқасидан мунғайиб қолган ҳовлисини ҳам кўз олдига келтирди. У қизлари билан хайрлаша туриб: безовта бўлманглар, кечгача қайтиб келаман, деб тайинлаган эди. Лекин у ўша ёки эртаси



кунни ҳам қайтиб келмади. Орадан кунлар ўтди, ойлар ўтди, қизларига берган ваъдаси ҳам эсидан чиқиб кетди. Ҳозир уларни эсларкан, беихтиёр кўзига ёш олди.

### 13

Шаҳарга қайтишни кўзлаган меҳмонлар шомга яқин кўтарилишди. Жамшид ҳар қанча зорланмасин, қайтмасак бўлмайди, режалаштирган ишларимиз кўп, дея Рустам оёқ тиради; Элёр ҳам, бирга келдик, бирга кетмасак бўлмас, деди. Зоримиз бор, зўримиз йўқ қабилида елка қисган Жамшид уларни шаҳарга олиб бориб қўйди.

Рустам каравотга ёнбошлар экан, эртага ишни нимадан бошлашу тезроқ ҳақиқатнинг тагига етиш ҳақида ўйлаб, қачон ухлаганини ҳам билмай қолди.

У тонг отганини дарахтнинг учидан илғаб олди-да, секингина балконга чиқди. Бу ердан тоғлар, тоғлар ортидан қизариб кўтарилаётган қуёш ҳам кўринмасди. Элёр ҳали ширин уйқуда, уни безовта қилгиси келмади. Кийина бошлади. Кийина туриб ҳам, шу ишни тўғри қилаяпманми, деб ўйлайверди. Йўқ, вақтни бекорга ўтказмаслиги керак, чунки сал кеч қолса, ўйлаганлари чиппакка чиқиши мумкин. Қандайдир ички туйғу: йўлингдан қайтма, деди. У ана шу туйғуга қулоқ солишга қарор қилди-да, Элёрга бир энлик хат қолдириб, йўлакка чиқди. Йўлак қоронғи эди. Амаллаб иккинчи қаватга тушиб, ўзига-ўзи, Элёрга Мулкободга кетаётганимни ёздим-у, нима учун кетаётганимни ёзмадим, деди. Кейин, шундай бўлгани маъқул, ҳали ўзим ҳам бу ишнинг натижасини билмайман-ку, деди-да, пастга – фойега тушди. Ички сезгиси уни тўғри йўлга бошлар экан, кунни ҳам, тунни ҳам, ўқишни ҳам ва бошқа ташвишларни ҳам унутиб, фақат мақсад сари йўлга отланди.

Кўрпага ўраниб ётиш Элёрга хуш ёқарди. Лекин эрталаб вақтида уйғонарди. Ҳар ҳолда белгиланган вақтда уйғонган

бўлса керак, ташқари ёришиб, қуёш нури деразадан сизиб кираётган эди. У нега уйғониб кетганини дарров тушунди. Йўлакдан оёқ товушлари эшитиляпти, демак, ҳамма ўқишга, ишга шошиляпти. У ўрнидан турди, оёғининг чигилини ёзиш учун у ёқ-бу ёққа юрган бўлди. Кўзи Рустамнинг бўш каравотига тушди-ю, юришдан тўхтади. Ювинишга чиқдилармикин ёки дўконгами?

У энди вақтни чамалаш учун майкачан балконга чиқди: кеча кечқурун тигизлашган булутлар тарқаб, осмон тўқ кул рангда кўринади, кун салқин. Жунжикиб хонага кираркан, ил-кис стол устида турган бир энли қоғозга кўзи тушди. Хатни олиб ўқиди: “Элёрбек, уйқунгизни бузгим келмади. Зарур иш билан Мулқободга кетяпман. Эртага қайтсам керак. Рустам акангиз”.

Дарвоқе, бугун якшанба: нега ҳамма бир ёққа шошиляпти? У соатга қараган эди, аллақачон тўққиздан ўтибди. Куннинг ранги қоралиги учун соатнинг неча бўлганини билолмабди. Апил-тапил кийиниб кўчага чиқди. Аввал талабалар ошхонасига кириб нонушта қилди, кейин почта бўлимига ўтиб, қишлоққа телеграмма жўнатди.

Ҳавонинг аёзлигигами, кўча сийрак. Унинг бўм-бўш хонага қайтгиси келмади. Ахир, шерик йўқ, бир ўзи зерикади-да. Рустам ака бўлганида бошқа гап эди. Йўлни кинотеатр томонга олди. Бориб, афишаларга қаради: ўндан ортиқ янги фильмларнинг номи қалаштириб ташланган, бирортаси таъбиға ўтиришмади. Ноилож ётоқхонага қайтиб, китоб мутолаасига берилади. Анчадан кейин кўзи илинибдими, вақт чошгоҳга етганда эшик тақиллади. Чўчиб кўзини очди. Эшикнинг зулфи илинмаган эканми, хонага Тожибой кириб келди-да:

– Мана шу ишингга беш кетмадим-да, ошна! – деди таасуф билан. – Сен нима, ойдан тушганмисан? Дам олиш кунни ҳам қамалиб ўтирадимми одам? Ҳойнаҳой, домланг, уйга қараб ўтир, деб ўзи отарга кетмаганми? Тур, кийин тезроқ, битта жойга олиб бораман, кейин раҳмат дейсан.

Элёр ўрнидан туриб, қаддини ростлади.

– Қаёққа бормоқчисан?

– Қанақа боласан ўзи? Айтяпман-ку, кейин раҳмат дейсай деб! Бўл-бўл, тезроқ кийин, вақт кетмасин.

– Йўқ демаяпман, лекин қаерга боришимни билишим керакми?

Тожибой кўзларини ўйнатиб дўнггиллаб кулди.

– Қўрқма, кушхонага олиб бормапман! Битта ҳамқишлоғимиз Чорсуга етмасдан берироқда зўр кабобхона очган. Кеча ўзини Чорсуда кўрган эдим, кабобхўрликка ўт, деб тайинлаган эди. Бир ўзимга ноқулай, иккаламиз борсак, ўтиргандай бўлиб келармидик.

Тожибой айтган ўша кабобхона Пахта кўчада, бировнинг ҳовлисида экан. Уч-тўртта ичма-ич қилиб солинган уй бўлса ҳам, ҳовлиси каттагина, айвон тагида қўра қўйилган, иккита йигит қўли-қўлига тегмай кабоб елпир, кўмир чўгига томаётган гўшт сели хушбўй хид таратиб, иштаҳани қитиқлайди. Ҳовли ўртасида кичкина ҳовузча ҳам бор, фаввора сув сачратиб турибди. Ҳовуз агрофига сим тортиб устига шол тортилган айвон, айвон остида учта ёғоч сўри ва атрофи қамиш девор билан ўралган кичик-кичик хоначаларда стол-стул қўйилган.

Ҳовлида одам турмаса керак, Элёрларни кутиб олган гўлабур, ҳаракатлари чаққон ўттиз ёшлар чамасидаги йигит, ичкарига, деб хоналарнинг бирига бошлади. Ичкарига кирилгандан кейин маълум бўлдики, ичкари дегани хос хоналар бўлиб, нозик мижозлар учун жиҳозланган экан.

– Танишиб қўйинг, Холтўра, – деди Тожибой Элёрнинг елкасига қоқиб, – бу бизнинг курсдош, олдин ҳам бирга ўқиганмиз, исми Элёр, кагга ёзувчи... Ҳа, энди, бизди биласиз-ку, Холтўра ака, кичкина одамлар билан юрмаймиз... Нариги хонангизда нима шовқин?

– Солиқчилар ўтирибди, – деди Холтўра шивирлаб. – Ойда бир-икки ҳақ бериб турмаса, ишлагани қўйишмайди.

Эркаликларини ҳам кўтарамиз-да энди. Бировининг тутилган куними, кайфлари таранг. Майли, эътибор бермай бафуржа ўтиринглар, мен ҳозир ҳаммасини ташкил қилиб юбораман.

Холтўра бир дастёр болани киритиб, ўзи чиқиб кетди. Элёр у ёқ-бу ёққа кўз ташлади. Хона кўримсиз бўлса-да, озода, дид билан тартиб берилган: нариги хона билан бу хона ўртасидаги деразага салқи парда осилган, шабада эсганда парда кўтарилиб нариги хонада ўтирганларни кўриш мумкин эди.

Дастёр бола бирпасда столни тўлдириб ташлади. Кабобни Холтўранинг ўзи олиб кирди. Шу пайт шабада эсиб, парда кўтарилди-ю, эркагу аёлнинг шарпаси кўриниб кетди. Холтўра вазиятни чамалаб тезда деразани ёпиб қўйди-да, шаҳар прокурори хотини билан ўтирибди, ноқулай бўлмасин, деди паст овозда.

Прокурор деганда Элёрнинг кўз олдига негадир Жамшид келди. Ҳали дераза очиқлигидан илғаб олмаганига ачинди. Кейин овозидан илғарман, деб диққатини ўша ёққа қаратиб, кабоб еган-емаганини билмай қолди. Аксига олиб, у томондан фақат пичир-пичир, гоҳ-гоҳ қиқирлаган овоз эшитилиб турди, холос. Устига-устак, Холтўранинг ўзи ҳам ўтириб олиб, Тожибой билан қайси замонда қишлоқда бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, ванғиллаб ҳангомани қўйиб юборишди. Ҳар замон-ҳар замонда Элёрга гап маъқуллашиб, қулоқларига чалинган дунё воқеалари ҳақида ўзаро баҳслашиб, пала-партиш, қовушмайдиган гап-сўзлар сўқишишди.

Нариги хонадагилар қўзғалишдимми, Холтўра уларни кузатгани чиқди. Элёрнинг икки кўзи даҳлизда бўлиб қолди. Даҳлизга аввал тикмачоқ, қадди-басти келишган, кийган гипюр кўйлаги баданига ёпишиб тушган, қип-қизил юзи бўёқдан ялтираб турган жувон, кейин, не ажабки, Жамшид чиқди. Элёр, кўзи тушмасин деб ўзини девор томонга олди. Даҳлиз бўшагач, ўйланиб қолди: аёл хотини эмас! Наҳотки, Жамшид

бегона аёл билан... Йўғ-е, бирорта ҳамкасби билан тушликка чиққандир...

Холгўра қайтиб кирганда Элёрнинг хаёли бўлинди.

– Қизиталоқ, прокурор зўр нарсани топган-да, – деди қошини маъноли силаб, – қаламқош-а! Бу – бизнинг доимий мижозлардан. Тожибой, кўрдингми, бу ерга кимлар келишини? Биз ҳам анойи эмас.

Улар бир-бирларига мақтанишар экан, Элёрнинг хаёли яна Жамшидга эргашиб кетди...

Душанба, ундан кейинги куни ҳам Рустам Қодировдан дарак бўлмади. Машгулотларда ҳам уни ҳеч ким сўроқламади. Элёр ётоқхонага борди, хонада ҳеч ким йўқ. Демак, эртага ҳам бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, Рустам эртаси куни ҳам келмади. Шу бугун машгулотлар пешинда тугади. Элёр ётоқхонага боргиси келмай, шаҳар айлангани чиқди.

Элёрга кўпроқ курант ёнидаги сайлгоҳ ёқарди. Сайлгоҳ доимо гавжум, у ерда турли-туман чехраларни ва бу чехралардаги орзумандликни, ҳо-ю ҳавасни, кибру ҳавони, макру муҳаббатни – ҳамма-ҳаммасини кўриш мумкин. Бу қиёфалар нимаси биландир бир-бирига ўхшаб кетади, ҳатто қувончу қайғулари ҳам ўхшаш, лекин бир-бирини танймайди, ваҳоланки, битта осмон остида, битта шаҳарда яшашади.

Элёр Эски шаҳар майдонига етганида, ранги ўнгиб кетган кенг, ёқаси юпқа пальто кийган, оқ жун рўмолини қўлтиғининг остидан ўтказиб белига танғиб олган кампирни кўрди-ю, талабалигидаги ижара уйининг хўжайкаси Қундуз опоқига ўхшатиб, шоша-пиша автобусдан тушди-да, аввал ўшамикан деб, тусмоллаганча ён томонига ўтган эди, кампирнинг қош-кўзи, ингичка бўйни, юзидаги тангадек холи яққол кўринди. Кампир унга ҳатто эътибор ҳам бермади. Шу пайт меҳри товландими, Қундуз опоқини кўргиси келди ва йўлни кесиб табиат музейи томонга ўтди-да, Сағбон кўчаси ёқалаб бориб, Қўштут тор кўчасига бурилди-ю, бошқа кўчага кириб

қолдим шекилли, деб кўча номи ёзилган лавҳ қидира бошлади. Бир аёл рўпарадаги уйнинг деразасидан бошини чиқариб, сизга кимнинг уйи керак, деб сўради. Элёр манзилни айтган эди, аёл Қундуз опоқини яхши таниркан, уни йўлга солиб юборди.

Элёр мўлжални тўғри олган экан. Фақат кўчани таниёлмай қолибди. Ахир, беш йил олдин бу кўчада қинғир-қийшиқ, тор, томи лой сувоқ, бир-бирига қалашиб кетган пастқам-пастқам уйлар бўларди, энди эса кўча кенгайиб, ҳовли-уйлар чирой очибди. Элёр ҳовлисида катта балх тути бор, атрофи гувала деворли ҳовлининг қапталидан чиқиб, атрофга зехн солди ва атрофи тахта деворли ҳовлини кўрди-ю, юраги гупиллаб кетди. Ўша таниш эшикча ланг очиқ. Бу эшикчадан Жамшид иккиси неча бор кириб-чиққан. Талабаликнинг неча-неча кунлари шу ҳовлида ўтган. Ўзингга таниш жойлар йиллар ўтса-да, барибир кўзингга бошқача кўришиб, узоқ хотираларни эсга солар экан.

У, кўзлари яшнаганча илдам юриб қўш табақали кичкина эшикча ёнига борди-да, бармоғини илмоқ қилиб тақиллатди, жавоб бўлмади. Кейин ичкарига овоз берди, яна жавоб йўқ. Энди сабри чидамай энгашишни ҳам унутиб остона ҳатлаши билан пешанаси эшик кесақисига урилди, лекин ҳеч қандай оғриқни сезмай ҳовли ўртасига бориб, тўхтади. Ҳовлида, ўзига таниш темир каравот устида иккита сочлари патила қизчалар кўғирчоқ ўйнаб ўтиришарди, Элёрни – бегона одамни кўриб турган жойларида таррақдай қотишди.

– Уйда ким бор? – деб сўради Элёр анграйиб турган қизчалардан.

– Дадам ишдала, – деди қизчаларнинг кичиги бармоғини тишлаб, – ойимла кўрпа қавияптила. – Қаттароғи мақтангиси келдими: – Мансур акамга келинча олиб келишади, – деди.

Элёр садага яқин бориб, қулоқ тутди, ичкаридан аёл кишининг ингичка ва қўшиқ хиргойи қилаётган ёқимли овози гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб эшитилди.

– Опоқи ҳам уйдадилар? – деб сўради Элёр. – Катта бувиларингни сўраяпман, уйдадилар?

– Қундуз бувимлани сўраотсизми?

– Ҳа, ҳа, Қундуз бувиларингни!

– Анвар амақимланикига кетди.

Анвар дегани опоқининг катта ўғли, Қорасаройда, домда, иккинчиси – кенжа ўғли шу ҳовлида туради. Демак, Қундуз опоқи катта ўғлиникига кетибди-да?

– Буving уйда йўқ бўлса, ойингни чақир-чи! – деди Элёр ҳовлига яна бир қур кўз ташлаб олар экан, ўзлари турган хонага тикилиб қолди.

Қизчалар чуғурлашганча ичкарига кириб кетишди. Бирпасдан кейин истараси иссиқ, оқ-сарикдан келган тўлача жувон эшикдан чиқди-да, кўришишда айтиладиган уч-тўртта гапни бир нафасда айтгач, келинг, деб қўлини кўксига қўяркан, этагига ёпишиб олган қизчаларга, бирпас тек турунлар, деб танбеҳ ҳам берди. Кейин яна бир марта, келинг, деди-ю, бирдан чеҳраси очилиб кетди.

– Элёр, ўзингизмисиз?! – деди жувон қайта ҳол-аҳвол сўрашиб. – Эсим қурсин, танимабман. Анча кўрмаганимга, кўзимдан чиқиб кетибсиз. Вой, нега турибсиз, қани уйга кириг!

– Раҳмат, – деди Элёр хижолат тортиб ва ҳали қизчалардан опоқининг қаерга кетганини сўраб-билиб олган бўлса-да, гап келмаганда гап бўлсин деб: – Қундуз опоқим кўринмайдилар? – деди.

– Бир ҳафта бўлди, муллакамникига кетганлари, – деди жувон шоша-пиша. – Муллакам қиз чиқаряптилар. Танирминдиз, Мукаррам деган қизлари бор эди, ўшани Андижонга узатяптилар. Ўқишида топишган экан... – Жувон каравотга жой қилмоқчи бўлиб, ҳаракатга тушганида, Элёр, ҳожати йўқ, ҳозир кетаман, бирровга кирган эдим, деб унга изн бермади. – Вой, ноқулай бўлди-да. Аксига олиб Карим акангиз ҳам ишда эди. Шаҳардами ёки бутунлай қишлоққа кетганмисиз?

– Қишлоққа кетганман, бир ҳафтача бўляпти, малака оширишга келгандим. Бугун бир оз санжоб эдим, сизларни кўриб ўтай деб... Опоқининг бўлмаганлари... Ишқилиб, опоқи тузукмилар?

– Тузук, тузук! Фақат аввалгидай оёқлари сим-сим оғриб туради. Бизлар ҳам Мансуржонни уйлантирамиз деб турибмиз. Бир ойдан кейин армиядан келади. Қўшимиз Замирани келин қиялпмиз... Ҳа, ҳа, Воҳид аканинг қизини. Ҳарна синашта қиз, кўз олдимизда катта бўлди. Мансурга бир оғиз айтган эдик, йўқ демади. Кейин билсак, иккиси хат ёзишиб тураркан. Тўйга келасизлар-да, Элёржон... Ҳа, айтамыз, сизларни тўйга айтмай, кимни айтамыз?.. Утирсангиз бўларди.

– Насиб бўлса, Мансуржоннинг тўйига келамиз, Вазира опа.

Вазира бу гапни эшитмаган бўлди.

– Элёржон, одамни хижолатга қўйманг, ўзингиз кўрган уй. Ҳализамон Карим акангиз ҳам ишдан қайтадила. Утирмай кетсангиз, мани уришиб юрадила-да.

– Карим акам ҳали ҳам кўн заводда ишляптиларми?

– Ҳа, заводга ўрганиб қолдилар, – деди Вазира сипо тортиб. – Завод сизга оғирлик қилади, кун бўйи сувнинг ичида юриш бўлмайди, энди бас қилинг, десак ҳам, кўнмайдила. Ўзиз уйландингизми?

– Уйландим, битта ўғилчамиз бор, – деди Элёр оғзини тўлдириб. – Тўйимга опоқини олиб кетмоқчи эдим, бўлмади. Лекин ўғлимни тўйига албатта борасизлар. Адресни биласизлар-ку.

– Майли, тўй бўлсин, борамиз насиб бўлса. А-бу, келин бола ўшами? Оти нимади?.. Ҳа, ҳа, Ойсулув! Ўзиям ҳар кун хат ёзарди. Почтальонимиз Шоберди ака, шу бола учун кўчаларингга келаман, деб куларди. Айтганча, ҳали шу ердამисиз?

– Ҳа, яна бир ҳафта – ўн кун шу ердаман. Энди менга рухсат, яна келарман. Опоқи билан Карим акамни кўрмай кетмайман. Ҳозирча уларга салом деб қўйинг.



– Бир пиёла чой ичиб кетсангиз бўларди, меҳмонни қуруқ қайтариш уят-да, Элёржон. Карим акангизга айтсам, хафа бўладила-да.

– Яна келаман, Вазира опа. Айтдим-ку, опоқи билан Карим акамни кўрмай кетмайман, деб.

– Ҳа, айтгандай, шеригингиз бўларди, оти нимайди?.. Ўша Жамшид каттакон бўлиб кетган эмишми! Ойижон бир куни Чорсуда кўриб қолган эканлар, қовоғини очмади, дедилар. Ўзиям бир шўртумшуқ бола эди-да. Шаҳарда қолган экан, келса кўкрагидан итармасдик. Одам ҳар хил бўларкан-да...

– Янаги келишимда Жамшидни ҳам олиб келаман, – деди Элёр. – Қулоғидан тортиб бўлса ҳам олиб келаман. Келмаганига қўймайман. Энди менга рухсат.

Вазира, Элёр эшикдан чиқиб кетгунча, ўтирмадингиз, уят бўлди, деб юзини ўн бор силади-ёв. Элёр ҳам ўрта йўлга чиққунча Вазирага, унинг этагига ёпишиб олган қизалоқларга қўл силакиб борди. Ҳовли кўздан йитгунча орқасига қараб-қараб қўйди. Ахир, бу ҳовличада кўп яхши кунлари ўтган. Ойсулудан келган мактубларни ўқиб, шу ҳовлига қувончи ичига сиғмаган кунларини эслаб, юраги баттар орзиқиб кетаркан, Вазира айтмоқчи: шўртумшуқ бола – Жамшидни Пахта кўчадаги кабобхонада бегона аёл билан элакишиб юргани эсига тушди ва бу ҳолни тан олишдан уялди-ю, инкор этишга сабаб ҳам тополмади. Жамшидни бунга нима мажбур қилди экан? Наҳотки, Танҳодан кўнгли совиган бўлса? Бунга ҳеч бир эҳтиёж бормикан? Қайнатаси ҳам кичкина одам эмас, ундан нолишига ҳам ҳожат йўқ. Ёки бефарзандлик... Балки шундайдир. Лекин бу ерда... Наҳот, Жамшид хотинини бир оз бўлса-да севмаган бўлса? Озгина бўлса ҳам-а? Тўғри, улар севишиб турмуш қурган эмас, севги мутлақо бўлмаган. Тақдирнинг ўзи уларни бир-бирига яқинлаштирди. Наҳот, кейин ҳам озгина бўлса-да бир-бирига меҳр уйғонмадими?

Элёр Сайлгоҳ кўчасида автобусдан тушганида соат бешга занг урган, қуёш беҳолликдан қизғиш тусга кириб, кунга янгича меҳр бахш этар, осмоннинг бир чети очилиб, оч кўк ранг қуюқлашиб, бахмал каби товланар эди. У атроф манзараларидан лаззатланиб, хила вақт айланиб юрди. Одамлар хурсанд, кун баҳаво, дарахтларнинг сарғайиб пишган япроқлари шабадада чаппар уради. Гўё бу ерга ҳали куз келмагандай.

Кўчанинг нариги бетида хархаша қилаётган ёш боласини овутиш билан овора бўлиб турган аёлга кўзи тушаркан, Элёр уни дафъатан Ойсулугга ўхшатди: қадди-қомати, эғнидаги кийими, узун, билакдай беқарор сочлари ҳам худдики бир томчи сувдай. Лекин аёл бошқа. Элёр ўз ҳолатини дарров тушунди: хотинини соғинибди. Аёл ҳам ўзига қараб турган нигоҳни сездими, Элёр томонга ўгирилди. Бу шу қадар тез содир бўлдики, кўз-кўзга тўғри келганда Элёр беихтиёр жилмайди. Аёл ҳам жилмайди, лекин у боласининг хархашасидан изза бўлганидан жилмайди. “Бас қилсанг-чи, одамни уятга қўйдинг-ку, – деди ёш она боласига зорланиб. – Қара, ана у амаки ҳам сени уят қияптилар!” Элёр ўзини ғалати ҳис этди. Аёлнинг жилмайиши уни шошириб қўйган эди.

Дунёда аёлнинг жилмайишидан гўзалроқ ҳолат йўқ. Мона Лизанинг жилмайишини эсланг! Бу жилмайиш ҳар қандай эркак зотини шошириб қўяди-да. Ҳозир аёл ҳам жилмайиб, ҳам уни яқин олиб боласига танбех бериши Элёрни ҳам эсанкиратиб қўйди-да. Ўзи ҳамма воқеа-ҳодисалар ана шу жилмайишдан бошланади ва ҳамма режаларни бузадиган ҳам худди шу жилмайиш. Аёл жилмайса, бегоналик йўқолиб, яқинлик бошланади. Мана шу яқинликдан узоқлашиш учун Элёр нигоҳини ерга олди. Ер майса билан қопланган, худди соқол-мўйлови ўсиб кетган одам юзини эслатарди. У ана шу майсаларга андармон бўлиб, орқасига қайрилиб ҳам қарамай аста-секин одимларкан, ким биландир суҳбатлашгиси келди.

Соатга қараса, ҳали вақт бор. Агар улгурса, Жамшиднинг ишхонасига ўтиб, чақчақлашиб қайтишга улгуради.

Элёр шаҳар прокуратураси биносига кириб, иккинчи қаватга кўтарилиши билан, йўлак бошида бақир-чақир овоз эшитилди. “Ким айтди ўшанга ишон деб! – бўғиларди овоз эгаси. Син солса, Жамшид бир йигитга танбеҳ беряпти. – Ҳаммаси ўшанинг иши, оёқ-қўлимизни боғлаб қўйди! Нима, ўзларингда ақл йўқмиди? Кўзларинг қаёқда сенларни? Қаерда экан ўзи? Топинглар тезроқ! Ҳали шошмай турсин, унга ўзбошимчалик нима эканлигини кўрсатиб қўяман!..”

Жамшид, Элёрни кўриши билан бирдан ҳовридан тушиб, қучоқ очганча унга қараб кела бошлади. Бу пайтда йўлак ҳам сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган эди. Элёр ҳам унга қараб қучоқ очди. Улар бир-бирларининг елкаларига қоқа-қоқа хонага киришди ва қора чарм қопланган диванга ўтиришди. Элёр ўтирди-ю, аввал хонага бир қур кўз югуртириб чиқди. Хонанинг полдан шифтигача паркет, хил-хил жиҳозлар – узун столнинг устига кўк мовут ёпилган, атрофига стуллар терилган; иш столидаги жиҳозлар ялтирайди.

– Дабдаба зўр-ку! – Элёр лаб чўччайтириб, сарак-сарак қилди. – Бу кабинет олдин ҳам шундаймиди ёки ўзинг безатиб олдингми?

Жамшид, қўйсанг-чи, дегандек қўл силтади.

– Олдин шунақа эди. Мен кабинетга бино қўядиганлардан эмасман. Кейин бу хонада кўп бўлмайман: оператив ишлар кўп. Бўрини оёғи боқади деганларидек, югурганимиз – югурган. Бу хонага бақиргани керамиз, холос. Ке, қўй, гап кабинетдами?.. Сен ўқишдан гапир, чарчамаяпсанми?

– Ўқиш экан-ку! Кетмон чопсакки, чарчасак!

Жамшид бир лаҳза ўйланиб қолгандан кейин мийиғида кулиб:

– Хизрни йўқласа бўларкан, – деди, – ҳализамон худди сени ўйлаб, кечга томон ётоқхонангга ўтай деб турувдим. Ният холис экан, ўзинг келдинг.

– Ўқишлар эрта тугаб, шаҳар айлангани чиққандим, деданг. Тўғриси, аввалги шаҳардан асар ҳам қолмабди. Ўзгаришлар катта. Айтгандай, Чорсуда битта кампирни кўриб қолдим, худди ўзимизнинг Қундуз опоқига ўхшаб кетаркан. Ўшамикан, деб автобусдан тушсам, йўқ, бошқа киши экан.

– Кампирни кўрсанг, энам дейишинг қолмабди-да сени!

– Ўхшаркан-да! – деди Элёр қоши чимирилиб. Кейин товушини бир оз ўзгартирди. – Шу пайт Қундуз опоқини кўргим келса бўладими. Ҳар ҳолда беш йил нон-тузини еганмиз, деб пой-пиёда Қўштутга қараб кетдим. Эски шаҳар томонлар ҳам ўзгариб кетибди, опоқининг уйини зўрға топсам, де. Аксига олиб, опоқи катта ўғлиникига кетибди экан. Келини Вазира опа, хўп одамшаванда аёл-да, ўтиринг деб қистади, йўқ дедим. Жамшид билан келамиз, деб айтдим.

Жамшид тишлари орасидан овоз чиқарди.

– Кампирни бир куни бозорда кўрдим.

– Ҳа, Вазира опа, ойижон кўрган эканлар, деди.

– Гиди-биди қилмасин, деб атай қовоғимни очмадим.

Прокурорлигимни билсами, ёрдам бер, деб қулоқ-мияни еб ташларди-да кейин.

– Опоқи унақа эмас.

– Унақа эмас дейсан, ҳозир замон бошқа, ёрдам бер дерди.

– Замон ўша-ўша, жўра, биз бошқача бўлиб боряпмиз, холос. Мен шу ердалигимда опоқини бирга бориб зиёрат қилсак, боши осмонга етарди-да. Нима дейсан, Жамшид?

– Қани ўшанга вақт, жўра?!

– Ҳа, энди, хоҳиш бўлса, вақт ҳамиша топилади.

– Кўп майда гап бўлиб кетибсан-ей, жўра, – деди Жамшид, кейин ерга қараб хўрсинди. – Майли, бирор кунни белгила, гир этиб бориб-келамиз. – Кейин керилиброқ ўтирди. – Лекин

сен кўнглимни ранжитдинг. Нимагалигини ўзинг топ... Тополмайсан ҳам-да! Ўша куни мухбир иккаланг, мени тоза чайнадиларинг, тўғрими?.. Тўғримас, деб кўр-чи! Жўрачиликда ҳам рўйихотир қолмабди-да!

– Ўзинг-да, гап ковлаб нима қилардинг?

– Майли, бу шунчаки гап экан. Нега қол, деганимда қолмадинг-а?

– Рустам ака кетаман деб турганида, менинг қолишим ноқулай-да.

– Рустам акангни баҳона қилмай кўяқол. Сен, уйингга меҳмон бўлмаганим учун ҳали ҳам кек сақлаб юрибсан!

– Жамшид, ҳадеб битта пластинкани айлантиришдан зерикмадингми? Ўзинг ўйла, бировни меҳмонга олиб борсанг-у, охирида, сен кетавер, мен қоламан, десанг, ярашадими? Бу ғирт беодоблик-ку!

– Бўпти-бўпти, ҳазиллашдим. Сен қишлоқи ҳазилни ҳам тушунмайсан.

– Майли, биз қишлоқилар шаҳарликнинг ҳазилини кўпда тушунмаймиз, – деди Элёр чуқур хўрсиниб ва бир оз гап совитиб кулди. – Тунов куни сени кўриб қолдим.

– Кўриб қолдим?! – Жамшид ажабланиб бошини кўтарди, гавдасини орқага ташлади. – Қаерда?!

– Пахта кўчада! Ёнингда бир бегона аёл бор экан, бориб кўришишга ноқулай бўлди.

– Тўхта, шошмай тур! Тўхта! – деди Жамшид Элёрга бўйнини чўзиб. – Пахта кўча дедингми? – “Кўрибди-да! – деб ўйлади у бошини эгиб. – Мени биров кўрса-ю, мен уни кўрмасам-а? Бирга кўргани чатоқ бўлибди-да. Энди уни бунга кўшиб бўлмайди! – Унинг кўйлак ёқаси терлаган бўйнини сиқа бошлади. Наҳотки, режаси барбод бўлган бўлса? – Барибир қармоқ ташлаб кўриш керак, ажабмас, рози бўлса. Ахир, бу ҳам эркак-ку!” – Э-ҳа, – деб Жамшид ўзини яна орқага ташлади, – у аёл эмас, Малоҳат! Бизда ишлайди, ажойиб қиз, ҳамма билан ҳазиллашиб юради.

– Сенга ўхшабми?

– Кесатмай қўяқол! Шунчаки тушликка бирга чиққандик. Агар хўп десанг, у билан таништириб қўяй, ўқишларинг бит-гунча...

Элёр гапнинг тагига етди.

– Сенинг овозинг сохта, бегоналарникига ўхшайди, Жамшид. Ҳаммани ўзингга ўхшатма-да, жўра.

Жамшид қизариб кетди.

– Бир синаб кўрай дегандим-да. Биламан, Ойсулудан бошқаси кўзингга кўринмайди. Агар менда ҳам Ойсулудга ўхшаган аёл учраганда эди...

У мавзудан узоқлашиш учун бир талай бўлар-бўлмас гапларни қалаштириб ташлади. Гапиряпти-ю, калласида бошқа нарса: Элёр яна чап берди-я! Лекин барибир бошқа бир йўлини топиши керак, йўқса, мақсадига етолмайди. Ўша йўлни бугун, ҳозир тополмаса, кейин умуман тополмайди. Ахир, Элёр шундоққина олдида турибди, қўлдан чиқариб юбориш ношудлик!

– Элёр, – деб гап бошлади у пастки лабини ўйнаб туриб, – бирда айтган эдинг: қани энди ўз қаҳрамоним билан юзма-юз учрашсам деб, эсингдами?

– Энди бу бир орзу-да, жўра, – деди Элёр.

– Ҳозир ўша орзуни амалга ошириш учун имкон бор!

– Хўш, ким экан у бўлажак асар қаҳрамони?

– Танийсан, ўзимизнинг қумработлик – Намоз Жумаев! – Жамшид синчковлик билан Элёрнинг оғзини пойлади. Элёр бир оз ўйланганини кўриб, тиқилинч қилди: – Нима дединг, учрашасанми?

– Қайдам, бундан бирор маъни чиқармикан?

– Сен унинг ҳаётини ўргансанг борми, катта бир асар ёзиб ташлайсан. Бир ҳисобдан, иш пишган, айбини бўйнига олган, бор гапни сенга айтмаса, кимга айтади. Сен ҳам жиноятчи қиёфасида ёнига кирасан-да, аста-секин гапга соласан.

Зора, бизга айтмаганларини сенга айтса. Ёзилажак асарингга масаллиқ тўплаш баробаринда менга ҳам ёрдам берган бўласан.

– Бир йўла айғоқчилик ҳам қиласан, демокчимисан?

– Бу айғоқчиликка кирмайди, буни ҳаётни ўрганиш дейдилар. Агар жиноят мотивини ўргансанг, эртага газетага дурустгина мақола ёзиб, устозинг Рустам Қодировдан ҳам ўзиб кетасан. Ҳечқурса жиноятни очишда ёрдамнинг тегади, бу билан фуқаролик бурчингни бажарган бўласан, ёмонми? Хўш, нима дединг?

Элёр қулт этиб ютинди.

– Нима дердим, қизиқ нарса-ю, бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

– Буни нимасини ўйлайсан? Камерага киритиб қўяман, қолгани ўзингни маҳоратингга боғлиқ. Лекин бу ҳақда устозингга лом-мим демайсан! – Жамшид масалани ноўрин қўйганидан ўнғайсизланиб, сўзини тўғирлаб қўйди. – Айтсанг ҳам майли, ихтиёринг, ўзинг биласан. Бироқ, ҳар ҳолда, ҳеч ким билмагани маъқул.

Элёрнинг бу ишга кўнгли чопди-ю, аммо бирпас нима дейшини билмай қолганидан кейин иккиланган тарзда сўради:

– Жамшид, ҳозир жуда муҳим иш тўғрисида гаплашиб қарор ҳам қабул қилиб бўлдиқ ҳисоб, лекин айт-чи, менинг ўқишим нима бўлади?

Жамшид, шу ҳам муаммо бўлди-ю, қабилида ишшайди, кейин кўзларини ўйнатиб қаттиқ шивирлади.

– Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас. Ўқишингни жазаси бир парча қоғоз – справка берамиз, жон халос.

– Унда мен ётоқхонага бориб, у-бу тайёргарлигимни кўрай! – Элёр ўрнидан кўзгалмоқчи бўлган эди, Жамшид уни тўхтатиб, ётоқхонага бориб нима қиласан, деб сўради. – Тайёргарлик кўрмайманми? – деди Элёр қайта ўтириб. – Ҳар ҳолда тўғридан-тўғри кириб бормасам керак?!

Жамшид кўрсаткич бармоғини “йўқ-йўқ” дегандек ҳавода ўйнатди.

– Нима учун ётоқхонага боришинг сабабини биламан, – деди у билағонлик билан. – Сен тайёргарлик учун эмас, ўша Рустам Қодиров билан маслаҳатлашмоқчисан?! Ваҳоланки, сени ҳалитдан бери огоҳлантиряпман: бу ишимиздан ҳеч ким хабар топмаслиги керак!

– Қанақа Рустам Қодиров? – деди Элёр илжайиб. – Биринчидан, менда ҳам калла бор, нима иш қилишимни ўзим ҳал қиламан; иккинчидан, Рустам ака дала ҳовлидан қайтганимизнинг эртаси куни Мулқободга кетган, уч кун бўляпти, дараги йўқ.

Бу гап Жамшидга яшин ургандай таъсир этди ва хавотирга тушиб:

– Мулқободга дейсанми?.. Нима учун?! – деб сўради.

– Шундай... сабабини билмайман...

Жамшид оёққа қалқиб, лабига сигарета қистирди ва хийла вақт уни ўт олдиришни унутди.

## Иккинчи қисм

### ЖОНСАРАКЛИК

#### 1

Жамшид ўзи бошлаган ишдан кўрқиб кетгандек чўчиди. Элёрни-ку амаллаб қопқонга туширди, энди унга нисбатан қандай чора кўриши керак? У қасоснинг ҳар хил йўллари тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилар экан, ўйлаганлари чорасизликдан нарига ўтмасди. Охири бир тўхтамга келди: чорани қишлоқдан излаш керак! Қандай қилиб? Бунинг чораси осон. Шу осон чорани амалга ошириш учун Мардонни Яккатутга юборса-чи?

Йўқ, агар куни Мардонга қолса, бу ишдан натижа кутмаса ҳам бўлаверади. Нимагаки, Мардон рўйирост: сизни ҳурмат қиламан, лекин мени қинғир ишларга аралаштирманг!” деган.

Қобилани ҳам қишлоққа юбориб бўлмайди. У ҳовлиқма, режани бузиб қўйиши мумкин. Унга ишонмаса, бунга ишон-



маса, унда ўзи борсин. Ҳар ҳолда Яккатутни ўзидан яхши биладиган киши йўқ-ку. Ундан кейин, қасос ўзганинг қўли билан олинса, унинг ҳузур-ҳаловати қаерда қолади? Нарн борса, бир-бир ярим кун вақти кетади. Кейин, Мулқободда ундан ҳеч ким шубҳаланмайди: Намоз Жумаевни иш юзасидан юрибди-да, дейишади. Агар ўйлаган режасини амалга ошира олса, қолган ишни Норчаев билан келишади. Ҳамма нарсанинг табиийсига нима етсин!..

Жамшид, бировнинг кўзига кўриниб бирон миш-миш чиқармаслик мақсадида Яккатутга шом гира-ширасида, қишлоқни четлаб, сой этагидаги сўқмоқ орқали кириб келди, лекин қишлоққа яқинлашганида бу сўқмоқдан юрганига пушаймон бўлди: бу томон жуда ноқулай, Элёрларникига тескари бўлиб, айнан гузарни босиб ўтишга тўғри келаркан. У изига қайтиб, сойнинг катта кўпригидан ўнгга бурилган тош йўлга чиқди. Бу йўл қишлоққа киришга анча ўнғай – ҳам синашта, болалигида бу йўлдан мактабга қатнарди, ёз кунлари тенгқурларига қўшилишиб ана шу йўл билан сойга, чўмилгани келишарди. Ҳозир у болалик хотираларига бериамаслиги керак, акс ҳолда ҳушёрликни йўқотиб, йўлдан чалғиши мумкин. У йўлнинг икки четига дам-бадам кўз қирини ташлаб бораверди. Қабристон олдига келганида юрак уриши тезлашиб, фақат тўғрига қарашга ҳаракат қилди. Шу пайт Элёрнинг, кимки ярим кечаси қабристон олдидан ёлғиз ўтса, суджараёнини кўриши мумкин, деган гапи эсига тушиб, беихтиёр қабристон томонга қараган эди, аллақандай қимирлаган шарпага кўзи тушиб, кўзини чирт юмди. Бирпас тек қотиб, сўнг кўзини очди-ю, яна шарпани кўрди ва чаққон ҳаракат билан ўзини сувсиз ариққа отиб, анчагача ўша ерда юрагини ҳовучлаб ўтирди. Йўлда ҳеч бир шарпанинг оёқ товуши эшитилмади. Жамшид яна юрди, хийла жойгача қабристонга қарамай бораркан, ҳалиги шарпа рўе, йўқ нарса, ваҳима мени чалғитяпти, деб ўзига далда берди.

У бир амаллаб қоронғи ва ваҳимали йўлни босиб қишлоққа яқинлашди-ю, симёғочлардаги чироқларни кўриб, кўрқуви икки ҳисса ортди. Чунки қинғир одам учун қоронғилиқдан кўра ёруғликнинг ваҳимаси кучлироқ бўларкан. Жамшид ёруғликда бора туриб, қоронғини кўз олдига келтиришга ҳаракат қила юраверди.

Ойсулув дарвозанинг бемаврид тақиллашидан ҳушёр тортиб, ҳовлига чиқаркан, йўл-йўлакай калишини тўғирлаб, мана, ҳозир, деганча долонга етиб борди-да, зулфинни туширмай, ким деб, ташқарига овоз берди. Ҳадеганда жавоб бўлмагач, секин дарвозани очиб, бошини чиқарганча кўчанинг ўнгу сўлига қаради, ҳеч ким йўқ. Дарвозани қайта ёпмоқчи бўлганида, кимнингдир йўталгани эшитилди, сўнг қоронғилик қўйнидан бир нима йилт этиб шарпа кўринди. Бу одам шарпаси эди. Шарпа яқинлашганда, Ойсулув уни таниди.

– Бемаҳалда келмоқчи эмасдим, Ойсулув! – Жамшид худди узоқдан югуриб келган кишидек оғир-оғир нафас оларди. – Зарурат бўлмаганда, келмасдим...

– Тинчликми? – деб сўради Ойсулув ранг-қути ўчиб.

– Тинчлик, – деди Жамшид. – Элёр илтимос қилди...

Ойсулувнинг қулоғига сўз эмас, аллақандай шовқин эшитилди.

– Нима гап ўзи? Элёр нимага илтимос қилади?

– Ўзингни бос. Бу остонада гапирадиган гап эмас... Хўп, ана энди эшит...

Жамшид ўзи тўқиган ёлғонларни тўкиб солди. Лекин Ойсулув бу гапларга ишонмади.

– Ишонасанми-йўқми, бу сенинг ишинг, мен элчи бўлиб келдим, холос. Менга рухсат, энди мен борай, – деди Жамшид. У изига қайтиб, дарвоза томон бурилган эди, Ойсулув уни тўхтатди:

– Тўхтанг, Жамшид! – Жамшид шундай бўлишини олдиндан биларди. Нима дейсан, дегандек Ойсулув томонга ўгирилади. – Наҳотки, шу гаплар рост бўлса?

– Ёлгон бўлганида шунча жойдан ҳаллослаб келармидим?

Жамшид тусини ўзгартирди, кўзларида ўйнаб турадиган табассум йўқолди. Ойсулув унда бу қадар одамгарчилик, куйинчаклик борлигига ишонмаган, уни шундай қиёфада тасаввур қилмаган эди. Жамшид эса мақсади сари интилар экан, овозига шикаста оҳанг бериб, Элёр билан яқин ўртоқ, унинг бу ишидан афсусда эканини; энди бу ишнинг олди олинмаса, Элёрнинг обрўйига путур етиб, номи ёмонотлиққа чиқишини; керак бўлса, дўстини бу фалокат ботқоғидан тортиб олиш учун қўлидан келадиган барча ёрдамни аямаслигини қайта-қайта такрорлаб, Ойсулувнинг ичига гулгула солди, уни мулзам қилиб, деярли ташаббусни ўз қўлига олди.

– Билмаган, тушунмаган-да, – деди у Элёрни тамоман айбдорга чиқараркан, Ойсулувга босимни кучайтирди. – Бунақа ишларнинг охири вой бўлишини билмаган. Бир кўришганимизда, қишлоқда иш кўпу ош кам, ишлаганимиз билан ёқамиз оқаришига кўзим етмайди, дегани-да, ҳамма жойда хўроз бир хил қичқиради, ҳеч қаерда тайёр ош йўқ, меҳнат қилган одам оч қолмайди, деган эдим. Тўрт-беш танга кўпроқ топсам рўзгорим бут бўлади, деб қинғир ишга қўл урган-да, бечора жўрам. Сен эса эрингга ёрдам бериш ўрнига, ўзингни орқага тортяпсан. Мен бу гапларни кулиб эмас, куйиб айт-япман, Ойсулув!

Жамшид сўзини тамом қилар-қилмас Ойсулув оёғи куйган товукдек на ичкарига киришни, на кўчага чиқиб кетишни билмай турган жойида типирчилаб қолди. Ичкарига кириб синглисига нима дейди-ю, синглиси нима деб ўйлайди? Эртага бу гап кўчага чиқса одамлар нима дейди? Одамларнинг кўзига қандай қарайди? Уларга нима дейди?

– Мен ўлиб қўяқолай! – деди Ойсулув жиғибийрон бўлиб. У ҳали ҳам Элёрнинг қўлга тушганига ишонмасди. – Ишқилиб, янглиш гап эмасми, Жамшид? Балки бу тухматдир? Элёрнинг қўлидан шунақа иш келишига ишонасизми?

Жамшид Элёр тўғрисида ўзининг олдиндан мўлжаллаган гапини айтди:

– Ўзининг оғзидан эшитганимдан кейин, нима дейсан? Тўғриси, одамнинг жонига қасд қилганида ҳам, бирпасда чиқариб олардим. Гиёҳвандлик... бу энди жиддий масала. Ўртага тушганинг ҳам уйи куяди!.. Шунақа қилиғи борлигини сенга айтганмиди? Ахир, сен хотинисан, айтган бўлиши керак?!

Ойсулув турган жойида қотиб қолди. Алима опасидан хавотирланиб ташқарилади ва долонга томон юзланди. Долоннинг чироғи шуъла таратарди. У чироқ ёруғида опасининг юзида акс этган аламни, юрак-бағрини ўртаётган мусибат ифодасини кўриб турарди.

– Опа, тинчликми?! Нимадан безовтасиз?!

Ойсулув синглисига қараб туриб чуқур хўрсинди, унга бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтламоқчи эди, Жамшид илдамлик билан: Алима, тинчлик-тинчлик, ташқарида турма, ҳозир бизлар ҳам кирамиз, кейин ҳамма гапни сенга ҳам айтиб берамиз, деди. Алима қандайдир нохушликни сезгандек бирпас қараб турди-да, сўнг иккиланиб ўзини ичкарига олди.

– Кошки шу гап ёлғон бўлса... – деди Ойсулув йиғламсираб. – Одам ҳам била-кўра ўзини ўтга урадимми? Шарманда! Шаҳарга шу мақсадда борганмиди? Йўқ-йўқ, ишонмайман! Бу аллақандай душманнинг иғвоси!

Жамшиднинг юраги шув этиб кетди.

– Киши мазахўрак бўлса, парвонадек ўзини ўтга-чўққа ураверади; кўзига бойликдан ўзга нарса кўринмайди, насихатнинг кучи қирқилиб, қулоғи битади. – Жамшид сувга шўнғишдан олдин чуқур нафас олган гаввосдек ўпкасини ҳавога тўлдириб олиб, Ойсулувни аврашда давом этди. – Бўлган иш бўлди, йиғлаб-сиқтаган билан жойига тушмайди. Яхшиси, ақлни ишлатиб, балонинг олдини олиш керак. Дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

– Нима қил дейсиз?!

– Айтдим-ку, йигини бас қил, деб! – хиёл овозини баландлатди Жамшид ва қаерда эканини эслаб қўли билан оғзини бекитиб, қўл ҳаракати билан меҳмонхонани кўрсатди. – Ўша нарсани меҳмонхонага яширганман, деган эди. Юр, кириб кўрайлик, тополсак, бир балодан қутуламиз.

Қалтис пайтда кишининг ақли шошиб, нима қиларини билмайди. Ойсулув шундай шошдики, гўё ўша зормандани олдин кўргану, уни дарров топиб оладигандай меҳмонхонага кираркан, билакдай икки ўрим сочи белида тўлғанар, Жамшид эса ой нурида ярқираган соч ўримида кўз узолмай, унга эргашди. Ойсулув уни меҳмонхонага олиб кириб чироқни ёқди.

Меҳмонхона долон қаптали бўлиб, кенг-мўлгина хона: ерга сидра полос тўшалган, пойгаҳдан сўл томонда стол-стул, ўнг томонда ойнабандли жавон, тўрда – устига бахмал палак ёпилган кўрпа-кўрпачалар терилган қўш тахмон; бир чеккада тик матодан дастурхон ёзилган хонтахта, атрофига шоҳи якандозлар тўшалиб, атлас болишлар деворга суяб қўйилган. Анчадан бери одам нафаси тушмагани боис димоққа нам матонинг ҳиди уради.

Ойсулув жавонни титкилади. Жамшид ўзини тахмонга урди, шоша-пиша кўрпачалар қатига бир-бир қўл соларкан, зум ўтмай, топдим, дея елим халтачага солинган оқ кукунни Ойсулувга кўрсатди.

– Шуми?! – Ойсулув қалтираганча Жамшидга қаради. – Наҳотки?..

Жамшид ҳам гўё ҳайратдан ёқа ушлади.

– Ишонмагандим, ишонгим келмаганди, лекин мана... бунга қандай ишонмай, Ойсулув? Ишонмай бўларканми?

– Йўқ, Элёр, сизнинг бу каби пасткашликка қўл урганнингизга ишонмайман! Бўхтон!

– Бақирма! – деди Жамшид. Унинг овози тишларининг орасидан чиқарди. – Қўни-қўшниларинг эшитмасин. Айниқ-

са, душманларинг оғзига тушмасин. Бўхтон бўлса бордир, аммо буни нима билан исботлайсан? – У қўлидаги нарсани кўз-кўз қилди. – Рад этиб бўлмайдиган далил-ку бу! Сен ўзингни қўлга ол, энг асосийси, уни топдик. Хавф ортда қолди. Агар бу бирор ифвогарнинг иши бўлса, биз унинг ниятини чиппакка чиқардик.

– Энди Элёрни қўйиб юборишадими? – деб сўради Ойсулув илтижо билан. – Қўйиб юборишади-а?

Жамшид унга қаради. Чироқ ёруғидан унинг юзи оппоқ, кўзлари ич-ичига ботиб кетгандай кўринди. Ойсулув изтироб маҳали ҳам чиройли кўринарди.

– Ойсулув! – деди Жамшид топилмани чўнтагига соларкан, иложи борича жувоннинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилди. – Ўзим буни йўқотаман. Бироқ, бу билан иш битди, хавф ортда қолди, деб бўлмайди. Энг асосий иш олдинда, яъни эртага ҳовлиларингда тинтув ўтказилади.

Ойсулув қўрққанидан титраб кетди.

– Яна қанақа тинтув? – Унинг докадек оқарган юзлари чироқнинг хира шуъласида худдики ўлик тусида жилваланди. Жамшид эса унинг бу изтиробидан лаззатланар ва ўзини унга яқин олиб, садоқатини намойиш этишга ҳаракат қилар эди.

– Энди қўрқишингга ҳожат йўқ, – деди у ишонч билан, – ахир, далилий ашёни олиб кетяпман-ку. Милиция айнан оғуни топиш учун келади. Ваҳоланки, биз уларни доғда қолдириб, изламоқчи бўлган нарсаларини йўқ қилдик ҳисоб. Наҳотки, шундай оддий, кўзинг билан кўриб турган нарсанг тўғрисида хулоса чиқармасанг.

– Мен ҳали ҳам бунга ишонаётганим йўқ!

– Намунча битта гапни тўтиқушга ўхшаб қайтараверсан? Ишонасанми-йўқми, энди бефойда. Сен энди продали бўлишинг керак. Мен-ку сенга бегона эмас, лекин эртага тамоман бегона кишилар келади, уларнинг олдида ўзингни йўқотиб қўйма, довдирама. Мабодо савол беришса, мум тиш-

лаб, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, деб туравер. Алимани Бешкапага – онангникига жўнатсанг яхши бўлади; ёш нарса, оғзи бўшлиқ қилиб бирор нима деб қўйса, барча тоат-ибодатларимиз чиппакка чиқиб кетади-я! Ўзинг ҳам тилингга маҳкам бўл, бу ишга бош қўшганимни айтиб, тагин ўзингни ҳам, мени ҳам уятга қўйиб юрма. Ахир, сен билан Элёрни ўзимга яқин олганим учун таваккал қилиб ўтирибман-а.

Жамшид бошқа ҳеч нарса демай, бошини қуйи солганча Ойсулувга эргашиб меҳмонхонадан чиқар экан, ишқилиб, жавонга яхши қарадингми, деб жавоннинг эшигини очиб-ёпиб ташқарилади. Ойсулув эшикни ёпа туриб:

– Қизиқ, кечаги телеграммасида бунақа гаплар йўқ эди, – деди иddaо билан. – Имо қилиб қўйса ҳам бўларди-ку.

Жамшиднинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Кимдан?! Қанақа телеграмма?

– Элёр юборган телеграммани айтяпман-да. Бу гап телеграммадан кейин чиққан бўлса керак-да, бўлмаса айтарди...

– Ўйлаб гапиряпсанми? Қўлга тушган одам телеграмма беришга имкони бўларканми? – Жамшид кулди. – Албатта, у телеграмманг эски-да.

Жамшид, иши битиб, ҳовлидан ими-жимидида чиқиб кетиши керак эди, аммо у буни хоҳламади, Ойсулувга нимадир дегиси келди. Унинг айтмоқчи бўлган гапи балки кулгилдир, аммо унга кулгили туюлмади. Нега шундай қарорга келди билмайди, бирпас олдин бу фикр хаёлига ҳам келмаган эди. Ҳозир шу фикр унга қизиқ кўриниб кетди. Обрўсини ошириш, мўлжаллаган ишини амалга ошириш мақсадида хийла ўйланиб туриб:

– Анчадан бери битта гапинг ҳеч хаёлимдан нари кетмайдиган, – деди юришдан тўхтаб. – Ўша гапинингни унутишга кўп уриндим, бўлмади. Ҳозир шу гапни айтмасам ўзим азоб чекиб юраман. Эҳтимол, бу сенга кулгили туюлар.

– Нима деган эканман? – деб сўради Ойсулув.

– Бойваччанинг ўгли бўлса ҳам тегмайман, деб биз юборган совчиларни қайтаргансан, тўғрими?

– Фақат шуми?

– Бу яхши гапми? – деди Жамшид. – Агар ўшанда биз юборган совчиларга хўп деганинда, ҳозир мана бу савдолар бошингга тушмасмиди?

Жамшид шундай дейиши билан, Ойсулув гап нима ҳақда кетаётганини тушунди. У ҳализамон Жамшид, эски гина-кудуратларни унутиб, Элёр учун қайишаётганига хурсанд бўлган эди, энди совчилар тўғрисидаги қочиримидан кейин ўйланиб қолди. Унда, бу можарони унинг ўзи бошламадимикин, деган шубҳа уйғонди: тулки садоқатли дўст қиёфасида келиб, аслида Элёрни бадном қилиш учун шу ҳийлани ўйлаб топмадимикин?

– Демак, Элёрни қўйиб, сиз юборган совчиларга розилик берганимда, ҳозир Элёрнинг бошига бу каби кўргилик тушмас эди, демоқчисиз-да, а?

Жамшид нима дейишини билмай каловланди.

– Йўқ, мен айтмоқчи эдимки...

Ойсулув унинг гапини бўлиб, давом этди:

– Агар сиз айни дамда мен тортаётган изтиробнинг нақадар қайғули эканини тасаввур қилганингизда эди, бу гапни айтмаган бўлардингиз! Бир томондан Элёрни ҳимоя қилиб бошқа томондан унга хиёнат қилаётганингиз нимаси?

Жамшид кўксига мушт тушгандек бир қадам тисарилди.

– Сен нотўғри тушундинг...

– Йўқ, мен тўғри тушундим. Сиз каби одамлар ўз манфаатини кўзламай туриб, ҳатто ўз отасига ҳам яхшиликни раво кўрмайди. Орадан шунча йил ўтди... Муносабатларимиз бор-йўғи синфдошлик ҳурмати юзасидан. Шундай экан, ўз ҳурматингизни сақласангиз яхши бўларди.

– Ойсулув, агар кўнглингни оғритган бўлсам узр...



Жамшид яна бир гапни унутгандай хиёл ўйланиб турди-да, кейин Ойсулунинг юзига қарашга уялиб, дарвозадан чиқиб кетди. Ойсулун дарвозанинг зулфинини иларкан:

– Сенга қолган кунимнинг уйи куйсин! – деди.

## 2

Намоз кула-кула чарчагани учун худди узоқдан югуриб келгандай ҳаллослаб нафас оларкан, кўкраги санчиб оғриди. У нафасини ростлаб олиш учун қимирламай ўтиради. Бунчалик қаттиқ кулиш керакмасди ўзи, аммо начора, терговчиларнинг ишидан кулишга мажбур бўлди. Айниқса, унга тегишли ишларда терговчилар нуқул адашишади, ёлғон билан ростнинг фарқига боришмайди. Энди билганларини қилишсин, унга барибир. Жавдат Олимов дегани ҳам айёрга ўхшайди. Ҳаммаси шунақа, бошида яхши гап билан терингни орасига кириб олади-да, кейин яна бошингдан эски мағзавани ағдараверишади. Биринчи марта бўлса ҳам майлига, битта гапни қайта-қайта такрорлашади, мойжувозда тортган билан қошки қуруқ қумнинг ёғи чиқса, бекорга вақт кетади, холос. Унинг яна кулгиси қистовди, ўзини тийди, беҳудага куч сарфлашнинг нима кераги бор, ҳали бу кетиш бўлса, кўп куч керак бўлади.

У ўрнидан қийинчилик билан қўзғалди. Ажабо, кеча бунақа эмас эди, муштини каравотга тираб, осонгина туриб кетганди. Бугун негадир қўлларида қувват йўқ, гавдаси ҳам оғир.

Гавдасини кўтарган эди, қовурғасининг ости жиз этди, гўё кимдир қорнию қовурғаси ўртасидан туртиб чиққан чуррани омбур билан суғуриб олгандай, қаттиқ оғриқ берди. Қадини ростлаёлмади, жойига ўтирди, лекин оғриқ баттар зўрайиб, тиззасидан қуймучига ўрмалаб чиқди-да, худди оҳак сутига тушиб кетгандек танаси ўт бўлиб ёна бошлади.

Оғрийдиган пайтни топганини қара-я, деб минғирлаб қўйди.

Оғриқ чумолидай юқорига ўрмалаб белга чиқди, белдан киндик орқали кўкракка тирмашди, кейин мияни суюлтира бошлади. Дард босилсин учун бошини кафтлари орасига олиб қаттиқ сиқди – бўлмади. Бора-бора оғриқ алангага айланиб вужудни тамоман қоплади. Варажанинг зўридан кўзлари ёшланди. Қани энди сув тўла ариққа бир шўнғиса-ю, муздай бўлиб, иситма балосидан қутулса.

“Шамоллаганман, – ўйлади бошқа касалликни хаёлига ҳам келтирмай. – Заҳда ётаверганингдан кейин ичинг нам тортиб, шамоллайсан-да. Ҳамма касаллик шамоллашдан бошланади. Аввал томоғинг қичишади, бирпас ўтиб кўнглинг айнийди, бошинг лўқиллайди-да, қарабсанки, овозинг йўқолиб, титрайсан, бошингни ёстиққа қўйсанг нафасинг қисади. Ухлаёлмаганингдан кейин бошинг ёрилай дейди-да. – Оғриқни хўп мушоҳада қилиб бўлгач, хаёли яна Аббосга қочиб: – Нега ҳамма йўллар менга ёпиғ-у, Аббосга очиқ? – деб ўзига-ўзи савол берди. – Чунки одам ўлганидан кейин азиз бўлади; унинг ёмонликлари унутилади; унга ҳамманинг дили ачийди. Тириклар-чи, тириклар чигириқдан ташқарида. Нега мен ўлиб азиз бўлмадим?..”

У хўрсинганда елкалари бир қаричга кўтариб-тушди. Ич-ичига ботган, атрофи ажин босган кўзлари бир жуфт ялтироқ соққага ўхшаб йилтиллади. Биқинига қайта санчиқ туришидан қўрқиб, секин-аста нафас олди. Бир оз чўзилгиси келди, устига пиджагини ташлаб, шифтга қараганча ётаркан, йўлакда оёқ товушлари эшитилди ва товуш тобора яқинлашиб, охири темир эшикнинг шарақлашига омихта бўлиб кетди. Эшик очилиб, кўрпа-ёстиғини қўлтиқлаб олган бир йигит кириб келди.

Намоз кўзларини катта-катта очиб, ўрнидан турмоқчи эди, йигит кўрпа-тўшагини бўш каравотга ташлади-да, қи-

мирламанг, қимирламанг, деганча Намознинг олдига келиб, унинг елкасидан босди, ёнига ўтириб олиб, тер тепчиган пешанасига қўлини қўйди.

– Тузукмисиз?.. Ийе, иссиғингиз бор-ку?! Дўхтир чақиртирайми? Бу ерда дўхтир келадими ўзи?

Шугина бир оғиз ширин сўз Намозга далда эмас, қувват берди ва худди соппа-соғ одамдай эран-қаран қаддини ростлаб ўтирди-да, кўз ишораси билан сўрашди. Йигит кўрпа-кўрпачасини каравотга солиш билан овора бўлганида, Намоз унга тикилиб туриб: “Шу пайтгача олдимга одам киритишмасди, доим ёлғиз эдим. Бу йигитни нега олдимга киритишди? Жиноятчига ўхшамайди, ҳойнаҳой қулоқ бўлса керак. Бекорга ўзини меҳрибон қилиб кўрсатмаяпти? – деб шубҳаланди. – Меҳр зада дилни юмшатади, йигитча буни билгани учун ҳам меҳрибончилик қилаётибди. Эҳтимол, шу йўл билан мендан гап олмоқчидир? Жавдат Олимов анойи эмас экан, топган ҳийласини-чи? Кўнглини юмшатдим, олдига шерик киритсам, юмшаган кўнгилдаги бор гапни суғуриб оламан, деб мўлжаллаган у айёр. – Унинг кўз олди қоронғилашиб, фикрини бир жойга тўптолмайд қолди. Аъзойи бадани титраб, туклари хурпайди. – Бугун нега фақат хунук хаёлларга боряпман ўзи? Ҳали бу йигитча менга бирор ёмонлик қилмаган бўлса, нега ундан бунчалар хавфсираяпман? Эҳтимол, ростдан ҳам ўзимдай бир нотавондир? Унинг ўзи ҳам мен каби меҳрга муҳтождир? Нега унга далда бериш ўрнига ундан юзимни ўтиряпман?..”

Йигит жойини тартибга келтириб бўлгач, каравотга ўтирди-да, Намоз билан қайта сўрашди.

– Бош мана бунақа ёстиққа текканида, бир қултум сув тутадиган, гирдингда гиргиттон бўладиган киши бўлмаса ҳам чатоқ, – Намоз ёстиқни уриб-уриб қўйди. – Бу ернинг шуниси ёмон-да, худди мусофирчиликда юргандайсан. – Йигит, нимасини айтасиз, деган мазмунда елка қисиб, бошини

қимирлатиб қўйгач, Намоз жилмайди. – Одам ҳам нам тор-таркан. Темирни занг, одамни зах емираркан. Касаллик ёлғиз одамни йиқитади. Сени кўриб танамдаги оғриқ ҳам қочиб кетди-ёв. Менинг ишим дўхтирлик эмас. Оғриқ келади, бир-пасдан кейин ўзи ўтиб кетади. А, ўзинг бу ерга қайси важ билан келиб қолдинг?

Йигит бу саволга тайёр эмас эканми, юраги пўкиллаб, бир лаҳза гангиб қолди-да, сўнг ланжроқ бир товуш билан:

– Ким ҳам бу ерга ўз оёғи билан келарди? – деди хўрсиниб.

– Қанақа касб-кор қилардинг? Хотин, бола-чақанг бордир?

– Шофёрман, юккаш машина ҳайдайман. Ўғилчам бор.

– Сен-ку чидайсан, уларга қийин. – деди Намоз. Бир неча сонияни қаритиб: – Палакат босдимми? – деб сўради.

Йигит бирдан бошини кўтариб, пича аланглаб қолди. Кейин тиқилинч жавоб қилди:

– Фалокат оёқ остида экан. Машинада кета туриб, йўл ўртасида...

Намоз кулимсиради.

– Мусулмончилик қилай деган экансан-да?

– Бу нима деганингиз?

– Йўлдошалининг бошига ҳам шу хил савдо тушган эди. У бизнинг қишлоқдан, шофёр. Кун ойдинда машинасида кета туриб, йўл ўртасида шарпани кўради-да, шарт тўхтаб, қарайди. Қараса, одам, ҳали жони бор. Қайси бир ноинсоф бу ишни қилиб қочган, номаълум. Бунақа пайтда ким-нима, дейишга вақт борми, шартта ёрдам бериш керак. Йўлдошали ҳам ўйлаб ўтирмайди, жабрдийдани олади-да, касалхонага югуради. То дўхтирларнинг қўлигача етиб борган одам операция столида жони узилади... Нега ажабланасан?

– Ҳаммаси бир хил бўлар экан, шунга... Сиз гапираверинг.

– ...жони узилади-да, буёғи югур-югур бошланади. Дўхтирлар Йўлдошалини ўртага олишиб, милиса чақиришадди. Милиса Йўлдошалини олиб кетади. Йўлдошали бир ой

ҳибсда ётади. Ҳақиқий айбдорни излашади, топишолмайди. Энди кимнидир айбдор қилиш керак-ку, бўлмаса, тополмадинглар, деб милисаларга гап келади. Йўлдошали лаққа гўшт, уни олти ярим йилга кесиб юборишади... Худонинг куни ўтмай қолмаскан. Олти йил ҳам ўтиб кетди. Йўлдошали озодликка чиқди. Кимдир ундан, нима бўлди ўзи, деб сўраган экан, мусулмончилик қилдик-да, деб жавоб берибди. Мусулмончилик деганим, бу – Йўлдошалининг гапи. Энди сенинг йўлингни оқ қилсин. Худо де, Унинг карами кенг, бесабаб ҳеч кимнинг бурнини қонатмайди... Айтганча, исминг нима?

– Элёр. Ўзингизники-чи?

– Намоз, Намоз Жумаев.

– Бу ерга келганингизга анча бўлдимми?

– Қачон келганимни айтиб берсам, эртага ҳам гап тугамайди. Қофиясини келтириб ёзса, қизиқ китоб бўлади. Ўша китобни ўқиган киши бу гапларга ишонмайди ҳам, – деди Намоз бошини сарак-сарак қилиб. – Чунки буни қайта-қайта айтиб берсам ҳам, терговчилар ишонмади. Ҳар қандай гап тураверса эскиради, эскирдими, демак, кучи кесилади, таъсири йўқолади. Мен учун-ку барибир, лекин сенга қизиқ туюлиши мумкин. Ҳа энди, далил-исботсиз чиройли сўз ҳам тузсиз ошга ўхшаб қоларкан. Ўзи, ёлғонга ишонмаслик керак, ёмонликка олса, рост гапга ҳам ишонмайдиган одамлар бор. Бошимдан ўтганини айтиб берсам, сен ҳам ишонмайсан.

Намоз гапни гапга улаб, ўша қонли кечада рўй берган воқеани ипидан-игнасиғача айтиб берди. Охирида ранги бўзариб, қизариб кетган кўзларида билинар-билинмас ёш айланди. Йиғламоқчи эди-ю, ичидан сизиб чиққан бир ўкинч томоғига тикилиб, йиғини орқага суриб кетди.

Хонага сукунат чўкди. Элёрнинг қулоғи остидан қайгули ҳикоя тафсилотлари нари кетмас, Намознинг ранги синиқ бўлса-да, аҳволи анча дуруст эди. Хонага гира-шира қоронғилик инди. Илгари қуёшнинг юзини булутлар тўсга-

нидан кейин шунақа қоронғилик тушарди. Ана ўшанда тун қорами-кунми, ажратиб бўлмай қоларди. Ҳозир ҳам худди шундай ҳол рўй бериб, Элёрнинг кўнгли бўш тортиб кетди. У секингина: хотинингизни яхши кўрармидингиз, деб сўради. Тўсатдан берилган савол Намозни шошириб қўйди. Худди шу пайтда унинг кўзлари жиққа ёш эди. Элёрдан уялиб чуқур хўрсинди.

– Ҳаётнинг ўзи бизни эру хотин қилиб қўйди. Мени бегим дерди, нега шундай дейишини билмасдим-у, аммо бегим дегани ўзимга ҳам ёқарди. Биринчи аёлим тўнғич қизимизнинг исми билан чақирарди мени, мен ҳам шу... Робияни яхши кўрардимми-йўқми билмайман, лекин узоқлашсам, уни соғинардим. Ҳозир унинг йўқлигини эсласам, юрагим орқага тортиб кетади.

– У-чи, у...

– Уми? – Намоз бир лаҳза жим бўлиб қолди. “Наҳотки, Робия мени озгина бўлса ҳам севмаган бўлса? – деб ўзига-ўзи савол берди аввал. – Қарийб бир йилдан ортиқ вақт бирга яшагандан кейин наҳотки севмаган бўлса?” У бу саволни ўзига кечикиб бераётганини биларди. – Энди бунинг сира аҳамияти йўқ... Лекин кўзларида меҳрга ўхшаган нимадир бор эди. Охирги кунларида, кўнглим тез-тез айниб турибди, дерди... қорни ҳали билинмасди. Шунини ўйласам, ўзимни ёмон кўриб кетаман. Нега шундай, жавобини тополмайман.

Рамси, одамзод ўзини яхши кўради ва буни яширмайди. Хўп, у ўзини қачон ёмон кўради? Қачонки, истаги амалга ошмаса ёки чорасиз қолса. Намоз чорасиз қолгани учун ўзини ёмон кўрарди.

– Нега бунга ўзингизни айбдор ҳисоблайсиз? – деб сўради Элёр.

– Ҳозир буни охиригача тушуниб етиш қийин, – деди Намоз шикаста овозда. – Бахт дегани кемтик бўларкан... – У чанқади. Пойгаҳдаги пақирдан сув ичиши мумкин. Бир йўла

яна нималар дейишни уйлаб ҳам олади. Шуларни уйлаб, сув ичгани борди. Элёр гўё унинг фикрини сезгандек, бутун диққатини бир жойга тўплаб ўтирди. Намоз жойига қайтар экан, пайлари бўшашганини ўзи ҳам билди, аммо унинг ҳеч қаери оғримасди.

– Бу ерда вақт ҳам тўхтаб қоларкан, – деди Элёр у келиб ўтириши билан.

– Шунақа деб, ўзимизни ўзимиз алдаймиз-да. Лекин юрамизми, турамизми, вақт бизнинг хоҳишимизга қарамайди, ўтиб кетаверади. Уни тўхтатишга, чўзишга, пировардида узоқ яшашга ҳаракат қиламиз. Ваҳоланки, бизнинг умримиз шишиб бораётган шарга ўхшайди, вақти келса, пақ этиб ёрилади-кетади. Одамни вақт эмас, ғам-ташвиш қаритади. Бахтни эса жиловлаб бўлмайди.

Намоз маҳкумлиги учун азият чекаётган бўлса, айби йўқлигини ўйлаган сари азияти икки ҳисса кўпайиб, руҳан эзиларди.

– Тақдир бир томондан олса, бошқа томондан бераркан, – деди Элёр донишмандларга тақдидан билагонлик қилиб. – Ёки тескариси: берса, ўрнига ўрин олади. – Элёр бу гапни шунчаки айтди. Тасодифан айтиб юборди-да, кейин хижолат тортиб, бирпас жим турди, сўнг, агар мен бу одамдан гап оладиган бўлсам, суҳбатни чўзиш учун турли усуллардан фойдаланишга ҳаққим бор, деган хулосага келди. Аммо бу хулоса гуноҳини оқлашга изи берарди. У энди уялиб ўтирмасдан, мулоҳазаларини бемалоо айтаберди. – Бировдан, олдин товуқ пайдо бўлганми ёки тухум, деб сўралса, жавоб топиб беролмайди. Энди бир мулоҳаза: ҳамма билган нарса ҳамма билгани учун аҳамиятини йўқотади, ҳеч ким билмайдиган нарса ҳеч ким билмагани учун қадри. Қадрини йўқотмаган нарса қизиқ, киши эса қизиқ нарса ҳақида ўйлайверади. Жавоб топган кунни ўша қизиқ нарсани унутади. Сизнинг ҳам айбли ёки айбсиз эканлигингиз ҳақида ўйлашяпти. Жавоби

топилган куни бу азобларингизни унутасиз. Эҳтимол, бу саволга жавоб топиш бир оз чўзилар, аммо бу саволга жавоб топадиган зот бордир?

– Шундай зот борлигини билганим учун хотиржаман-да, – деди Намоз. – Кимки ўша зотни билса, ҳар қандай саволига жавоб топади. У зот ҳеч ким кўрмайдиган нарсани ҳам кўради.

Ҳозир сўзни эҳтиётлаб ишлатиш, пала-партиш эмас, ақл билан ишлатиш керак. Элёр миясидан ортиқча фикрларни чиқариб ташлади. Ҳозир унга натижа зарур. У сўзни ўйлаб, кейин айтар, айтганда ҳам суҳбатдошининг ичидаги дардини билиб олишга ҳаракат қилар эди.

– Бу дунёда нимани топиб, нимани йўқотдингиз?

– Бўйимга мос бўй топдим-у, кўнглимга мос кўнгли тополмадим. Мен ҳеч кимга ишонмай қўйдим, – деди Намоз. Бир оздан кейин: – Бу яхши эмас, албатта, – деб бошини эгди. – Мен одамларга ишонсаму, нега улар менга ишонишмайди? Ёлгон гапиролмасам, худодан кўрқсам. Нега одамлар худодан кўрқишмайди? Нима учун?

– Нега бир ёмоннинг айбини кўпчиликнинг бўйнига юклайсиз? Беш панжа бир хил эмас. Мингта яхшининг ичида битта ёмони бор-да.

– Нега мен ўша битта ёмонга учрадим? Нега тўққиз юз тўқсон тўққизта яхши тилини тишлаб ўтирибди? Пешанам шунчалар шўрми?!

– Битта тирриқ бузоқ подани булғайди дегани шу-да. Битта ёмоннинг касри ҳаммага уради. Пешанам шўр экан, деб ўпкаламанг. Ўша битта ёмон кўпчиликнинг лаънатига учрайди ҳали.

– Яна ғалати гапларни қилишяпти-да.

– Бу ишни ўзи қилган бўлса ҳам айбни ўлган Аббосга тўнкаяпти, деган гапни айтяпсизми? Қўйинг, ўйламанг бу бемаза гапни! Ўзингиз айтиб турибсиз-ку, бугунги терговчи яхши



муомала қилди, деб. Эҳтимол, беайблигингизни исботлайдиган бирор далил топилгандир-да. Бўлмаса, терговчилар қачон айбланувчилар билан очилиб-сочилиб гаплашибди? Ҳали қараб тулинг, бу ишларнинг таги чиқади, чиқмай қолмайди.

– Худди ҳамма гапдан хабари бор одамга ўхшайсан-а? Сен шофёр эмас, олимга тортиб кетяпсан.

– Нима, шофёрлар гап билмайди, дейсизми? Сизки, оддий сувчи сўзнинг баргини гулига келиштириб гапиргандан кейин, мендай шофёр сиздан қолсам, уят чиқар?

– Майли, сен ҳам чарчагансан, дамингни ол. Ўзингни дардинг ошиб-тошиб турганда, мен ҳам... Майли, эртага ҳам гап қолсин...

Сухбат шу ерда тугади. Элёр ширин тамшанганча ўрнига чўзилди. Намоз ёнбошлаб, қўлини бошининг тагига қўйиб, хаёл суришга берилди. Аста-секин унинг хаёллари ўйловга, ўйлови эса тушга айланиб кетди...

Намоз ҳар доимгидек ўз вақтида уйғонди, ҳеч қачон тураман деган пайтида ухлаб қолмаган. Гира-шира хона, совуқ этни жунжиктиради.

– Озгина сабр, ҳали иссиқ совуқ ҳавони қувади! – Намоз юпқа адеълга маҳкам ўранган Элёрга далда берди. – Совуқ ҳайдалишини билиб, сендан аламини оляпти. Ҳайдалиш кимга ёқибди? Туриб, озгина ҳаракат қилсанг, танангни захи тўкилади. Ҳозир чинакамига тонг отиб, борлиқ ёришади. – Тонг гира-ширасида каравотдан қўзгалар экан, дераза олдига бориб, сал энгашиб ташқарига мўралади. – Қани энди тонг отишини далага чиқиб томоша қилсанг. Тонгда таровату саховат бор. Тонг оқшомга ўхшаса-да, барибир бошқача, уни оқшомга тенглаштириб бўлмайди, чунки оқшомда айрилиқ бор, тонгда эса туғилиш. Туғилиш – мўъжиза! Тонг борлиққа қуёшни туғиб беради. Шунинг учун ҳам тонг кишини ҳайратга солади. Субҳ шафақини кўриб эмас, ифорида хис этиш керак. Тонгнинг отиши бугун бошқача, нимадир рўй беради бугун...

– Тонгнинг қай тарзда отиши кишининг ниятига боғлиқ. – Элёр туриб ўтираркан, аёлни устидан ташламади. – Яхши ният қилинг, ҳар иккимизга омад кулиб боқсин.

– Тонг ҳеч қачон ёмонлик олиб келмайди. Бугун иккала-мизга тегишли бир янгилик бўлади, – гапини такрорлади Намоз. – Ана кўрасан, кўнглим сезиб турибди.

Намознинг гапи оғзида қолди. Шу чоқ темир эшик тарақлаб кимнингдир бўғиқ овози эшитилди-ю, кичкина тўй-нукчадан юм-юмалоқ, тунд башарали кишининг кафтдекки-на юзи кўринди.

– Тез-тез мискаларингни тут!

Овқат тарқатувчи товоққа бир чўмич сули бўтқаси билан икки бурда қора нон ташлаб кетаётган эди, Намоз уни тўхтатди:

– Шеригимга-чи? Уни ҳисобга киритишмаганми ҳали?

– Рўйхатда йўқ одамга онамникидан олиб бераманми? – У зарда билан бир-икки қадам олдинлаб, бир нимани ўйладими ёки одамийлиги тутдими, яна орқага қайтиб, эшикчани тақиллатди. – Ҳа, майли, мискангни тут, бир чўмич ташлаб берай, озгина овқатни талашиб бир-бирингни еб қўймаларинг тагин. Ўзи, сенлар овқатдан нолимасаларинг ҳам бўлади. Ҳали зонага чиқларинг, кўпчиликдан насиба ажратиб олар-микансанлар? Текинхўрлар!

– Кеча ҳам шундай қилишганди, – деди Намоз жаҳл билан. – Нима, ҳали ҳам рўйхатда тиркашмадими?

– Йўқни йўндираманми?!

Элёрнинг иштаҳаси бўғилди. Худди бировнинг ҳаққига шерик бўлаётгандек ўзини орқага тортди. Фақат Намознинг қистови билан чимчилаб бир нима еган бўлди-ю, тезда қўлини тортди. Намоз унинг ҳаракатини бошқача тушунди.

– Маза-матраси йўқ, деб иштаҳанг бўғилдими? – Намоз эмин-эркин овқат еркан, мийигида кулди. – Ҳали ўрганасан бу овқатларга. Меъданга ўтирмаса ҳам, бу хил овқатларини

севиб ейишга мажбур бўласан. Қани, яна бир-икки қошиқ еб ол, кейин тушликкача ҳеч нарса йўқ. Ахир, бўш қоп тикка турмайди-ку, ука. – Элёр овқатдан яна бир-икки марта чимчилаб, сўнг бас қилди. Шу зайл нонушта ниҳоясига етди. – Энди сайрга олиб чиқишса – чиқишди, сўроқ қилишса – қилишди, бўлмаса, кун бўйи ётамиз-да. Бу ер шунақа жой.

Элёр Намоз билан хиёл яқинлашса-да, ўртадаги суҳбат унчалик қўр олмаган, муносабатлар эса ижобий томонга силжиётган эди. Бунга сабаб меҳр эди чамаси. Намоз шу кунгача, умуман ҳибсга олинганидан бери ширин гапни эшитмаган, унинг дардини сўраб, меҳр кўрсатадиган одам бўлмаган, у бунга кўникиб қолган: олдига кимдир келадими-кетадими, ҳеч ким билан иши йўқ; ундан ҳеч ким ҳайиқмас, тортинмас, бу ҳам майлику-я, уни писанд ҳам қилишмасди. Элёр келди-ю, ҳамма нарса ўзгарди.

Намоз пиджагини елкасига ташлади-да, каравотга чўзилди. У оёғини осилтириб ўтириш ноқулай бўлгани учун ҳам ёнбошлади.

– Агар, эран-қаран одам ким деса, терговчилар дердим, – деди у ва сўзлари Элёрга қандай таъсир этишини кўриш учун бир оз сукут сақлади. Лекин Элёр унинг сўзини бўлгиси келмади. – Хушларига келган пайтда сўроқ қилишади-да, кейин яна бадар кетишади. Битта одамни йиллаб овора қилишдан зеркишмайди ҳам. Нега ҳайрон бўласан, шунақа булар.

– Хато қилиб қўйишдан қўрқишса керак-да.

– Вақт-чи, вақт? – деди Намоз сонига шапатилаб. – Эҳтимол, вақт улар учун иш кунидир, аммо тўрт девор ичида ўтирган одамга вақтнинг ўтиши қанчалар қийин эканлигини ҳисобга олишмайди. Яна, йўнилмаган таёқ, дейишлари ортиқча.

– Энди буларнинг ҳар бир гапига хўп дейсиз, бўлмаса кунингиз ўтмайди, – деди Элёр. – Бўлар-бўлмас гапларга қулоқ солиб асабийлашиш ҳам дуруст эмас. Бекорга ўзингизга

жабр қиласиз. Ҳа, кеча айтганингиздай, бу ерга ётган одамдан кўра, унинг бола-чақасига кўпроқ азият етаркан. Мен-ку тақдиримга тан бериб ўтирибман, хотин, бола-чақам-чи, улар ҳам тақдирга тан бериб ўтиришганмикин? Ҳозир ўғилчамни шунақанги кўргим келяптики, асти қўяберасиз. Айни ширин бўлган пайти-да. Ҳа, айтгандай, учта қизим бор деган эдингиз, улар билан бу яқин орада кўришдингизми?

Болалар деганига Намоз юраги ҳаприқиб кетди.

– Суд бўлган кунни кўрганим, кейин кўрсатишмади... Ўтириб-ўтириб куяман: қандай ота бўлдимки, меҳрга зор пайтда болаларим ёнида бўлолмасам, кўнгилларини кўтаролмасам. Она йўқ, отанинг аҳволи бу, ҳоли не кечди экан уларни? Қўни-қўшни бир кун, ана боринг бир ҳафта қарар, кейин уларнинг ҳам жонига тегади. Ҳозир биров бировга қайишадиган замонми? Аввалги меҳр-оқибат йўқ. Пул, бойлик инсондаги яхши фазилатларни занг каби кемиряпти. Яхшилик, яхшилик деймизу, яхшилик одамнинг ичида бўлмаса, бари бекор экан. Кўп нарса сохталашиб кетяпти, йўқ, унақа эмас, деб ўзимизни ўзимиз алдаб юрибмиз.

– Мендан хафа бўлманг-у, аламзада одамлар шунақа фикрлайди. Бахтиёр одам бунақа нарсалар билан иши йўқ. – Элёр шу фикрни айтишга айтди-ю, кейин ноўрин гапириб қўйдимми, деб ўйланиб қолди. Энди бу гапни юмшатса, бебурда бўлиб қолишдан қочиб, оҳангини ўзгартирмади. – Сиз тигга тегиниб хатога йўл қўйгансиз, бу хато қотилга қўл келган.

– Тўғри айтасан, бу билан ўзимга бало орттириб олдим. Лекин, ўша тигдан Аббоснинг бармоқ излари топилганида нима бўларди? Робиянинг шаънига нисбатан гап-сўз кўпаймасмиди? Бу гап-сўзлар мени тириклай ўлдирмасмиди? Тиг зарбидан сўз зарби оғирроқ. Эҳтимол, мулоҳазаларим мавжуд вазиятга мос келмас. Мен ҳам ўшанда бунақа хаёлларга бормаганман. Жароҳат иссиқлигида одам ҳеч нимани ўйла-маскан. Аммо ўшандаги ўйловим битта эди: тигни суғуриб

олсам, хотиним ўрнидан туриб кетади!.. Э, буларнинг энди кимга кераги бор? Бўлар иш бўлган, буёғи синган. Пешанада борига тан бермай илож қанча?

Намоз балки хотини олдида ўзини гуноҳкор санаб, унга бўлган муҳаббати туфайли, жазога маҳкумман, бу жазо менга адолат юзасидан берилган, деб тақдирга тан бергиси келгандир? Олдин ҳам бир-икки шундай қарорга келган, лекин ҳар доим ичидаги одам, бу қарорга қарши туриб, тақдирга тан беришинг, қотилни яшириш демакдир, деб галаён кўтарган эди. Шулар ҳақида ўйларкан, бир фурсат одатдагидек камгап бўлиб қолди. Унга ёмон таъсир қилган нарса шу бўлдики, ҳаммасига ўзи сабабчи экан. Робия, хат юзасидан судга мурожаат этилса, айбдорлар аниқ бўлади, бунинг учун аввал қонунни яхши биладиган одам билан маслаҳатлашиб, кейин гувоҳлик берадиганлар билан гаплашиш кераклигини айтганида, уни шаштидан қайтарган эди. Уни бу йўлдан қайтармаганида, ҳамма иш қонуний ҳал бўлармиди? Робия барибир унинг қаршилигига қарамай, юридик маслаҳатхонага борди-ю, нобоб одамга учраб, шу балога гирифтор бўлди.

– Ўша куни менга далда берадиган одам топилмади, – деди Намоз бошини ҳам қилиб. – Катта қизим Зайнаб уввос солиб йиғлайди, Заҳроси ундан улги олиб зорланади, кичиги биғиллайди, ўзим чўғни босиб олгандай тўрт томонга югураман, қани энди биттаси ёнимга келса. Ваҳоланки, кўча тўла одам, ҳаммаси ёпирилиб томошага чиққан. Азбаройи дод солганимдан томоғим бўғилган, оёқларимда мадор йўқ, дагдаг титрайман. Бир маҳал кўкрагимга биров мушт туширгандай бўлди, гандираклаб кетдим. Қарасам, билагимдан милиса тутиб турибди. Кейин мени район марказига олиб кетишди... Бир омад кетса, қайтиши қийин бўларкан. Ҳозир тоққа суянсам, тоғ ҳам қулаб кетадигандек назаримда. Нега тигга ёпишдим, дейман ўзимга ўзим. Тирилмас экан, нега тигни суғуриб олдим, дейман. Уни асрай олмадим, лекин асрашнинг иложи

бор эди. Биз турмуш қурган кезлари одамнинг гашига тегадиган турли миш-мишлар пайдо бўлди: эмишки, Насимжондан фарзанд бўлавермагач, Робия уни йўқ қилган эмиш. Кейин билса, ўзининг пушти куйган, бачадони тескаримиш, айбини яшириш учун менга текканмиш. Мен ёши ўтган, содда ва бир гўл одам эканман; Робия менга тегиб олибдиммиш-да, энди бошқаси билан айшини суриб юрибдиммиш. Албатта, бу гаплар Робиянинг этагига ёпишган иснод бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бунга бир-икки бор Аббосни унинг йўлини тўсгани сабаб бўлди.

Хонани деразадан тушиб турган куз қуёшининг хира нурлари аранг ёритиб турарди. Намоз ҳозир айтиб бераётган ҳикоя гўё унинг хаёлида кечаяпти-ю, бу кечинмаларни хона деворлари овоз чиқариб айтаётгандек туюларди унинг назарида. Аслида, унда уят, алам, ўзидан нафратланиш ҳисси кучайиб борган сари, кечмиш воқеалардан тизгинсиз саволларига жавоб изларди. Оғзидаги какраси кетмаган, боши сим-сим оғриб турган бўлса-да, Элёрнинг бирдан эш бўлиб кетганигами, кўнгли кўтарилиб, ўзини анча енгил ҳис этарди. У воқеани шунчалар қайғули тарзда гапириб бердики, олдин бошқага бундай тарзда гапириб бермаган эди. Бунга нима деса бўлади? Агар шу хона деворларида тил битганида улар ҳам худди шу ҳикояни айтиб беришармиди? Гапиролганида эшик-дераза, панжара ҳам гапирарди. Бироқ уларда тил-забон йўқ, гапиролмайдилар. Ўзи азалдан сўзлашга ҳаққи бор нарсалар гапирмайди. Одам боласи оғзига келганини айтаверади. Намоз ҳам бошидан кечганларини сўзлашга сўзлаб берди-ю, кейин ўйланиб қолди: бу билан ҳақлигимни исботламоқчи бўляпманми? Элёр ким, менга ўхшаган шафқатга муҳтож одам. Эҳтимол, мен айтган гапларнинг унга қизиғи йўқдир? Ўзининг дарди ўзига етиб турибди.

– Қозонга қулоқ чиқариш қозончининг ихтиёрида, – деди Намоз сўзида давом этиб. – Бу гапларни сенга нега айтяпман,

билмайман. Олдин кўришмаган бўлсак. Кўча-кўйда кўришганимизда ҳам, салом-алиқдан нарига ўтмай, йўлимизда кетаверардик. Ким билан, дарди бир хил кишилар бир-бирларидан таскин истаб дардлашадиларми? Ит ҳам, қаҳратондан чиқиб олсам, битта амакимга, битта ўзимга уй қуриб оламан, деркан-у, ёз келса яна акиллашдан бўшамаскан. Одамзод ҳам шунақа-да, иш бўлиб ўтгандан кейин бир-бири билан дардлашади, лекин бунинг фойдаси йўқ ҳисоби. Бизнинг ҳам бу учрашувимизда шунга ўхшаш бирон ҳикмат борми, дейман-да?

Бу гапдан Элёрнинг кўнглига ғашлик тушди.

– Э, аристонда ҳикмат нима қилсин?

– Нафснинг дамини тавба кесади, дейдилар. Бу ҳам бир ҳикмат. Йўлимиз равонми, маишатимиз жойидами, тавба эсимизга келмайди. Қачонки бошимизга калтак синсагина тавба деймиз. Дўзахга фақат бир киши сигармиш, деган гап бор, ўша битта киши мен бўлиб қолмай, деб ҳамма ўзини ёмонликдан тияркан. Бу ҳам бир ҳикмат. Одамзод ҳамиша манман, тўғридан-тўғри айбини тан олмайди, ўзини ҳақман деб билади. Айбини топиб бўйнига қўйишса, бу тухмат, бу адолатдан эмас, деб жаврайди. Аристоннинг ҳикмати шундаки, гуноҳимизга олдиндан тавба қилиш. Худо ҳам, бандам ёнимга пок бўлиб келсин, дейди. Биз ҳам ўзимиз билмаган гуноҳларимиздан покланиш учун бу ерда ўтирган бўлсак, не ажаб.

– Қанақа гуноҳ?! – ажабланди Элёр. – Одамнинг ўзи билмайдиган гуноҳлари ҳам бўларканми?

– Одамнинг ўзи гуноҳ қилгувчи-ку. Ким билади, ёшлиқ қизиққонлиги билан ўзимиз билмай гуноҳга оёқ босгандирмиз, буни ўзимиз билмаймиз-ку. Қаноат – жаннатнинг калити, дейдилар. Эҳтимол, шу калитни вақтида тополмагандирмиз? Одам одамга ғанимат: бировимизни алқаб, бошқамизни ерга уриб юришимиз ҳам гуноҳ. Аслини суриштирса, ҳаммамиз бир томир, битта ота-онадан туғилганмиз-у, бир-биримиздан насл-насаб суриштирамиз. Энг катта гуноҳимиз

шудир? Мана, Аббос, гуноҳи улуғ эканми, шу дунёнинг ўзида уни ўтда куйдириб юборди. Унга нима етишмасди, ҳамма нарсаси бут эди. Лекин нафс қурғур уни балогардон қилди. Арзимаган бир парча хатни деб умрини хазон қилди.

– Қанақа хатни деб?

– Насимжон ўлмасидан бурун ёзиб қолдирган хат бор экан. Робия буни олдиндан билганми-йўқми, бўғчасидан чиқиб қолди. Терговчиларга бу ҳақда айтган эдим, хат топилмагандан кейин гапимга ишонишмади. Хатнинг борлигини билардим, кўргандим, аммо мазмунидан беҳабар эдим. Ўша хатни ўқимаганимга ҳозиргача пушаймон ейман. Насимжон ўша Рамазон Наим, Ғани Бозорлар билан ишлаган, ўшаларнинг тухмати билан қамалган деган гаплар юради. Эҳтимол, хатда уларнинг кирдикорлари ҳақида ёзилгандир, буни худо билади.

– Ўша хат туфайли Робия опани ўлдиришган, деб ўйлайсизми?

Намоз соатнинг капкирига ўхшаб тебраниб қўйди.

– Шундай деб ўйлайман, яна нима деб ўйлашим мумкин? Хат уйда қолдимиз, ёки Аббос олиб кетдимиз – номаълум. Хат, хат деяверганимдан кейин, ростми-ёлғонми, терговчи Норчаев, уйингни тинтув қилдик, унақа хат чиқмади, терговни чалғитяпсан, деди. Устига-устак, ўлганнинг устига тепган қилиб, Ҳасан қора: омборга ўт тушган кечада мен далада эдим, Намоз қишлоққа кетган эди, деб кўрсатма берибди. Ростиндан хафа бўлдим, фақирга тақдирнинг лутфу карами шуми, деб куфрим ошди. Кейин, ёшлигимда отам билан масжидга борганимда бўлиб ўтган воқеани эслаб, астағфирулло, дедим. Отам билан намозга чиқсак, одам кўп, бизга пойгакдан жой тегди. Деворга қапишиб қолдим. Мен ўтирган жойда арининг ини бор экан, арилар гувуллаб кириб-чиқяпти, мен, чақиб олади, деб безовта бўлавердим. Орқамдаги киши кузатиб ўтирган эканми, биқинимга туртиб: “Оллоҳ ўзига сажда



этаётган бандасини ўзининг арасига чақтириб қўймайди!” – деди. Шундан кейин хотиржам бўлдим.

Элёр бу гапдан таъсирланиб кетди. Шу билан бирга Намозни чарчатиб қўйганидан истиҳола қилиб:

– Сизни гапга солиб, ярангизни янгиладим, узр, – деди.

– Нега, ўз дардинг ўзингга етарли бўлиб турганда, бошингни қотирдим, бунинг учун мен сендан узр сўрашим керак. Энди буёғига кўнглимизни кўтариб, бир-биримизга сўянчиқ бўлиб кун ўтказамиз-да.

Намоз яна нимадир демоқчи бўлди-ю, дийдаси юмшаб гапиролмай қолди. Унинг терлаган ёқаси торайиб бўйнини сиқаётгандай эди.

### 3

Жамшид худдики ўғри мушук каби дарвозадан чиқиб кетгач, Ойсулув бир сирни англагандай бўлди. “Агар ўшанда биз юборган совчиларга хўп деганинда, ҳозир мана бу савдолар бошингга тушмасмиди?” – деган гапига қараганда, Элёрнинг бошига тушган можарода Жамшиднинг қўли йўқмикин, деган шубҳа уйғонди унда. Демак, у ҳали ҳам ўша эски гапларни эсидан чиқармай, кўнглига тугиб юрган экан-да? Э, бу дунёни бунчалар чигал қилиб яратмаган бўлса-а, бу эгаси?! Бунчалар қора бўлмаса бу тун? Тун дегани қаердан келади-ю, қаерга кетади? Нега у одамларнинг ичига гулгула солади? Нега барча қабих ишлар тунда содир бўлади?

Ойсулув дарвоза зулфинини илаётиб, хаёлида шу саволларга жавоб излади. Меҳмонхона эшигига кўзи тушди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди, гўё бало шу хонага қамалиб олгандай эди. Алима, деб чақирди. Алима опасининг таҳликали овозини эшитиб, жон ҳалпида ҳовлига чиқди ва опа-сингил бир бўлиб меҳмонхона жиҳозларини тимирс-

килаб чиқишди. Охирида яна жавонни титкилаган Ойсулув ўша “бало”ни топди.

– Ахир, ҳализамон жавонга ўзим қарадим-ку! – деди жигибийрон бўлиб. Алима ҳеч нарсага тушунмас, нима гап дегандек, опасига ҳайрон боқарди. – Бу қаердан келди яна? – Ойсулув кафтида чўғ тутгандай типирчиларди. – Йўқ, бу ўшанинг иши! Ахир, чўнтагига солиб олиб кетган эди-ку! Қай йўсин кўзимни шамғалат қилишга улгурди экан? Бу нарса ўз-ўзидан осмондан тушмайди-ку яна!

– Ўша деганингиз ким? Бу нима ўзи? – деб сўради Алима. Ойсулув, уятсиз, деди, тили бошқа сўзга айланмади. Куфри ошиб кўзлари қисилди, лўппи юзлари олма гулига ўхшаган алақандай қизғиштов рангга кирди.

– Э, чархи кажрафтор, толеимни бунчалар паст қилиб яратмасанг! Гуноҳим нима?! – деганча девнинг гурзисидек оғирлашган бошига муштрай кетди. – Дўстига куйиниб, уни исноддан қутқариш учун келибди-да, деб ўйлаган эдим. Мақсади, бизларни бадном этиш экан-да?! – Унинг ўт бўлиб ёнган кўзлари кўп маъно англатарди.

Алима эса саволига жавоб ололмагани учун ер тепинди:

– Ким, ким ҳақида гапиряпсиз, опа?!

Ойсулув захри қотилни кафтида маҳкам сиқаркан, саволига жавоб ололмай йиғлагудай бўлиб турган Алимага, мажҳул бир кайфиятда, мен ҳозир, деганча ўзини кўчага урди. Алима на опасининг орқасидан югурди, на ичкарига киришни билмай, ҳовли ўртасида тек қотди.

Кўчани зулмат чуллаган. Ойсулув бўлмағур хаёлларни бошидан чиқариб, битта-битта қадам ташлаганча сой томонга қараб борар экан, Жамшиднинг хиёнатидан ёзғирарди. Бегонанинг кўзига кўриниб яна бирон гапга сабаб бўлмаслик мақсадида йўлни четлаб, дарахтзор этагидаги сўқмоқдан юрди. У кўрқув ҳақида ўйламас, чунки ҳозир унинг учун ор-номус ҳар қандай кўрқувдан устун келаётган эди. На қабристон

томонга, на ҳар бири шарпага айланган дарахтзор томонга қарамасдан, кўзини йўлдан узмай борарди. Қабристон томонга қарамасликка ҳарчанд ҳаракат қилмасин, кўзининг қири ўша томонга тушар ва тезда кўзини узиб, осмонга қарар эди.

Осмон қоронғилик билан қўшилган, яримта бўлиб қолган ой булутлар йиртиғидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай имиллар, ҳар кўриниш берганида аввалгисидан-да хирароқ, ғамгинроқ бўлиб товланарди. Узоқ-узоқлардан қишлоқ итларининг акиллаши Тентаксойнинг шовуллашига қўшилиб ғайритабиий овоз касб этар, бу эса Ойсулунинг ичига ваҳима солмоқчи бўларди. Айниқса, қабристондаги бойўғлининг қичқириви хунук эшитилмоқда. Негадир Ойсулун кўп юриб қўйгандай эди. Ваҳоланки, йўлнинг учдан икки қисмини босиб қўйса-да, назарида яна шунча йўл босиши керакдай туюларди. Қўрқмаса-да, қўрқувни ҳис этарди, аммо уни тан олгиси келмас, фақат олдинга қараб интиларди. Ҳозир у қўлидаги захри қотилни ярим йўлда ташлаб кетса ҳам бўларди, лекин биров топиб олса, яна гап кўпайишини ўйлаб, йўлидан қайтмади.

Сойнинг шовуллаши кундузгисига қараганда икки ҳисса ваҳималироқ эди, чунки тун сокинлигида ҳар қандай овоз икки ҳиссага ортарди. Шунга қарамай, Ойсулун ўзида куч топиб олға босаверди. Ички овоз ҳам унга: олдинга бос, иродалисан-ку, ўзингга муносиб ҳаракат қил; орқага чекиниш мағлубият билан баробар; энг охирги пайтда қўрқоқлик қилишдан ёмони йўқ, деб далда берарди.

Яна озгина масофа қолди, лекин бу хатарли. Қишлоқ этагидан бошланадиган тош йўл орқали сойга яқинлашиши керак. Худди шу ерга етиб келганида, нега Алимани ҳам ўзи билан бирга олиб келмаганига, у ёнимда далда бўлармиди, деб афсусланар экан, ичида аллақандай нафрат қайнади ва бу нафрат унинг қадамини тезлатди.

Хаёл қанчалар чексиз бўлмасин, унинг ичига инсоннинг ўзи билган нарсалардан ортиғи сиғмайди. Ортиқчаси эса

кўркув билан баробар. Ойсулув ортиқча нарса ҳақида ўйламади.

Сой бўйидан қайтаркан, ҳеч қанча йўл босмаганини сизди. Хаёлидаги вақт ҳам қисқа экан: кўчага чиқибди-ю кирибди. Опасини кўрган Алима ҳовлиқиб сўради:

– Нималар бўляпти, опа? Қаерларга бориб келяпсиз?

– Балони даф қилдим, – деди Ойсулув синглини қучиб. Сўнг уни ўзига қаратиб тайинлади: – Сен уни кўрдинг, кимлигини ҳам билдинг. У Жамшид, бизнинг дўстимиз, айни дамда душманимиз ҳам. Бироқ шуни билгинки, сен уни кўрмадинг, танимайсан ҳам. Энди кириб ухлайлик, қолган гапларни эртага гаплашамиз.

Алима ўринга чўзилди-ю, уйқуга кетди. Ойсулув эса ўйлаб ўйинга етолмади, нима бўлса эртага кўрарман, деб ўринга чўзилди, лекин ҳарчанд ҳаракат қилмасин, кўзи илинмади – дарвозани кимдир тақиллатиб, ҳовлига кимдир кириб келаётгандай бўлиб кўзи очилиб кетаверди. Ўрнидан туриб ташқарига қаради, ҳовлида жимлик. Узоқ-узоқлардан қурт-қумурсқаларнинг чириллаши элас-элас эшитилади. Қайта ўринга чўзиларкан, уйнинг чироғини ёқиб қўйсаммикан, деган фикр хаёлидан ўтди-ю, Алимани уйғониб юбормасмикинман, деб ўйлаб, фикридан қайтди. Қани энди ҳозир Элёр келиб қолса ёки елкасига қанот битса-да, шаҳарга – унинг ёнига ўзи учиб борса? Афсус, ўйлаганларининг бари хомхаёл.

У Жамшид ҳақида ўйлади. Ҳозир Жамшид ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас, ҳарчанд қилса ҳам уни кўз олдига келтиришга мажбур. Ахир, у ҳозиргина хиёнат уруғини қадаб кетди. Эртага у қандай мева бераркан, тасаввурига сиғдиrolмади.

Унинг диққати ошаркан, эртанги кундан эмас, Элёрдан хавотирда эди. Эртага Жамшиднинг режаси пуч бўлиб чиқса, шаҳарга бориб, алам устида Элёрга бирон зиён етказмаса эди. Чаён қайда бўлса ҳам ниш уриш пайида бўлади.

Ҳозир диққатбозликнинг фурсати эмас, агар Жамшиднинг айтгани рост бўлса, эртанги кун бундан-да оғир кечади. Бунинг учун куч йиғиши, яъни ётиб ухлаши керак, уйқу асабни тинчлантиради. У эрталаб вақтли туриши, тўполон бошланмасдан Алимани Бешкапага жўнатиши керак...

Элёр шаҳарга кетишидан бир кун аввал, битта ҳовлида ёш бола билан ёлғиз қолиш кўрқинчли бўлишини ўйлаб, синглисини олдиргани саз бўлди, анча нафи тегяпти: болага, рўзгорга қарашади, айниқса, кечалари бу каби қоровулни қайдан топади киши...

Ойсулув хаёл билан уйқуга кетган экан, бир вақт кўзини очиб, бошини ёстиқдан узиб қараса, ташқарига осмон бўзариб, дарахтнинг учи титраяпти. Ҳовли сутдек ойдин, ёқимли куз шабадаси тонг яқинлашганидан дарак бериб, ўзи аста-секин йироқлашяпти. Қоронғилик билан ёруғлик ўрин талашаётган, тун пардаси кўтарилиб кун юзини кўрсатишга шайланаётган пайт. Бу, албатта, тонг отаяпти дегани. Бироқ ҳозир Ойсулувни тонгнинг отиши қизиқтираётгани йўқ. Унга қолса, тонг кун бўйи давом этсин, иложи бўлса, бугун тонг отмаса ҳам майлига. Лекин минг афсус, тонг бировнинг хоҳишига бўйсунмайди ва ҳеч ким билан ҳисоблашмай отади-қўяди.

Тафтишчилар ҳам тонгла, қуёш чиқмай туриб келмаса керак, деб бошини қайта ёстиққа қўйиши билан дарвоза тақилларкан, Ойсулувнинг юраги шув этди; юзидан қон қочганча ҳовлига чиқди. Иккинчи тақиллашда оёқ-қўли бўшашди. Бошидан сирғалиб тушаётган рўмолини йўл-йўлакай тузатиб, долонга юрди ва зулфинни туширгани ҳамано тўрт-бешта қорага ўранган кишилар ҳовлига бостириб киришди, улардан кейин папка қўлтиқлаган кеккайган киши, орқасидан Шомирза оқсоқол, Акрам ака, яна қишлоқнинг гапга етар уч-тўрт кишиси-ю, укки кўз Қиёмхон остона ҳатлади.

Папка қўлтиқлаган киши ўзини таништирди.

– Майор Хуррам Норчаев бўламан, – Ойсулувнинг юзига бир оз тикилиб турди-да, сўнг папкасидан бир варақ қоғоз олиб, – тинтув ўтказиш тўғрисида рухсатнома, – деб, уни ижиклаб ўқиб берди. – Бизнинг бу ерга келишимизга сабаб бўлган омил нима эканлигини англадингиз-а, Ботирова? – Кейин қўшимча қилди: – Энди Ойсулувхон, ҳар қайсимиз ўз мавқенимиздан келиб чиқиб, бир-биримизни қийнаб ўтирмайлик.

Ойсулув юраги сиқилиб бирпас нима дейишини билмай қолгандан кейин ҳеч гапдан хабари йўқ кишидек:

– Нима учун сизни қийнашим керак? – деди.

– Эрингиз яшириб қўйган нарсанинг жойини айтсангиз, ёки уни ўз қўлингиз билан топиб берсангиз, биз ҳеч бир нарсага тегмай, орқамизга тинчгина қайтиб кетамиз.

Ойсулув бош чайқади.

– Тушунмаётибман, сизларга нимани топиб беришим керак?

Норчаевнинг туси бирдан ўзгариб, сансирашга ўтиб кетди.

– Ўзингни овсарликка олиб, бошимни қотирма! Ҳозиргина ўқиб бердим-ку, эринг қайси статья билан қўлга тушганини. Яна педагогмиш! Ҳақиқий педагог бўлганигда, айбловнинг мазмунини алақачон илғаб олардинг. Айни дамда эрингдан кўра, минг чандон ўзинг айбдорсан. Негаки, эрингга пишанг – унинг жинойи ишига шериксан!

Ойсулув унинг афтига тик қаради.

– Эрим ёхуд мен жиноятчи бўлсак, исботлаб беринг! – Ойсулув, бу гап Норчаевга қай йўсинда таъсир этишини кўриб, овозини яна хиёл баланд қўйди. – Қўлингизда айблашга асос бўладиган далил-исбот йўқ. Қачонки ўша далил-исботни менга кўрсатасиз, ўшанда мени жиноятчи деб аташингиз мумкин. Агар ўша далил-исботни кўрсатмас экансиз, сизнинг устингиздан қаерга арз қилишимни яхши биламан. Мен педагогман, лекин сиз каби қўпол эмасман. Мабодо бу ҳовлидан алақандай жиноят изларини топмоқ учун келган экансиз, ўзингиз енг шимаринг-да, қидириб топинг!

Норчаев бу ҳовлига ишонч билан кириб келган эди, лекин Ойсулувнинг қаршилигига учраб, ўша ишончини йўқотиб қўйдими, бирдан овози сўниб, тили сизлашга ўтиб кетди.

– Ойсулувхон, сизни тушунаман, аламзадасиз. Лекин эрингиз жиноят содир этган, буни ҳисобга олишингиз керак, у ҳозир ҳибсда. Сизга яхшилик қилмоқчиман. Шу масалада ётиги билан гаплашиб олайлик. Мана, олдимизда гувоҳлар турибди.

Норчаевнинг паст тушиши Ойсулувга куч бағишлади.

– Ётиги билан гаплашиш энди ёдингизга тушдими?!

Кўпчиликнинг олдада Ойсулувнинг баланд келиши энди Норчаевнинг жаҳлини чиқарди.

– Аёл деб ҳурматингни қилсам-у, менга гап қайтарасанми? – У қўлидаги қоғозни ҳавода силкитди: – Бу ерга бекорсозликдан эмас, мана бу топшириқни бажариш учун келганман! – Ойсулув “дим-дим” ўйнаётгандек, пинагини бузмай тураверди. Бу Норчаевнинг қонини багтар қиздириб юборди. – Энди ўзингдан кўр, ҳовлингни тити-питини чиқартираман! – дўқ уриб ер тепинаркан, қора кийимлиларга буйруқ берди. – Тинтувни бошланглар! Аввало меҳмонхонани тинтинглар!..

Баъзида тегрангда содир бўлаётган ишлар хоҳишдан ташқарида юз бераркан. Бу сенинг фойдаю зиёнинггами, барибир содир бўларкан, чунки бу ишлар сенинг хоҳишинг билан бўлаётгани йўқ-да. Шундай экан, бунга кўн, иш қай тақлид амалга ошса ошаверсин, бу ҳақда ўйлама, ўйласанг калавангни учи чигаллашиб жаҳлинг чиқади, жаҳл чиққанда ақл кетади, ақл кетса ўз хоҳишингга зид бошқа бир хатога йўл қўясан. Ойсулув бу ҳолни тушунгани учун пинагини бузмади, аммо Норчаевнинг, аввало меҳмонхонани тинтинглар, деганига ажабланди. Нега ажабланмасин? Ахир, Жамшид ҳам кела солиб ўзини меҳмонхонага урган эди-ку?! Бу икки ҳолатда боғлиқлик йўқмикин, келишиб олишмаганмикин? Ойсулув ҳар икки ҳолатдан ҳам хабардор-ку. Ундоқ бўлса, бу ерга қайси

юз билан келишди булар? Мана, Жамшиднинг ҳам, Норчаевнинг ҳам сири Ойсулувнинг наздида фош бўлди ҳисоб.

Хонага аввал гувоҳлар киритилди, сўнг махсус қидирув гуруҳи иш бошлади. Ойсулув уларга бепарво нигоҳ ташларкан, юзида ҳеч бир қўрқув аломати йўқ эди. “Демак, Жамшид хўп ишонтириб кетган, шунга хотиржам ўтирибди бу жувон, – деб ўйлади Норчаев уни зимдан кузатиб туриб. – Ҳозир бу хотиржамликдан асар ҳам қолмайди. Ўшанда кўрамиз ҳолини!”

Кўриниши шароит ва тасодиф таъсирига берилган Норчаевнинг афт-ангориди ғолиблик нашидаси уфуриб турарди, буни айна дамдаги авзойидан илғаб олиш қийин эмас эди. Ойсулувнинг кўзига у пешанасига хоинлик тамғаси босилган махлуқдай бўлиб кўринди.

Махсус гуруҳ қарийб бир соат давомида уйни, ундаги бор жиҳозларнинг ичи-ташини синчиклаб кўздан кечириб, хўп тинтиб чиқишди, бироқ ҳеч вақо топишолмади. Бундан Норчаевнинг жаҳди чиқиб, яна Ойсулувга юзланди.

– Қаерга яширгансан, топиб бер! – деди.

Ойсулув аввалгисидан ҳам бепарво тутди ўзини.

– Сизки топа олмаган нарсани мен қайдан топиб берай?

Бу каби жавобни кутмаган Норчаевнинг буғдой солинган қопга ўхшаган қорни лорсиллаб, дами чиққан пуфакдек бўшашди. Унинг қўллаган тадбири фойда бермади, ҳаракатлари зое кетиб, енгилди. Аммо, енгилган курашга тўймас қабилида мағлубиятни тан олгиси келмади ва тинтувни давом эттириб, ҳовлида неки пучмоқ бор – барини элакдан ўтказишга қарор қиларкан: “Жамшид сездириб қўйган бўлса, бу дирдов ашёни топиб, бошқа жойга яширгани аниқ, – деб ўйлади. – Хўш, қаерга яширган бўлиши мумкин? Кир ўрагами? Кир ўрага бўлса, иш чатоқ: героин буюм бўлсаки, чангак солиб илиб олсанг. Кукун-да, захда эриб кетади...”

Шу маҳал Алиманинг қўлидаги Қувондиқ тўсатдан чинкириб юборди. Алима бир қўли билан боланинг бошидан



ушлаб, бошқа қўли билан уни бағрига босди, юзини юзига қўйганча, аллў, дея уни юпата бошлади. Норчаевнинг Алимага кўзи тушди-ю, миясида бир зийраклик пайдо бўлиб, нечук шундай оддий, шундоққина кўриниб турган имкон тўғрисида олдинроқ ўйлаб кўрмаганига афсусланди. “Бу қизча ҳеч бир айёрликни билмайди, опасининг кечаги ишларидан хабардор, бир дўқ урсам, бор гапни айтиб беради”, деган хаёл билан унга яқинлашган эди, Алима унинг олов сочаётган кўзларини кўриб кўрқиб кетди ва нима қиларини билмай хийла орқага чекиниб, беихтиёр йиглаб юборди. Бола ҳам унга қўшилиб йиғлади.

– Кўрқма қизим, бор ичкарига кириб ўтир, – деди Шомирза оқсоқол Алимани юпатаркан, уни тўдадан узоқлаштириб, Норчаевга ола қаради. – Инсоф борми сенларда ўзи? Болани кўрқитиб юбординглар-ку! Ҳа, энди қидирган нарсаларинг топилмагандан кейин, болада нима айб?!

– Битта ноинсофнинг гапига кириб, эр йигитни бадном қилиш ғирт аҳмоқлик, – деди Акрам ака ҳам оқсоқолнинг гапини маъқуллаб. – Йўқ нарсани бу бечораларнинг бўйнига илмоқчимисизлар? Ўртада бизлар ҳам юзи қора бўлиб қолайликми?

Ойсулув бу хўрликка тишини-тишига қўйиб чидади ва зарда билан:

– Акрам ака, қўйинг, бошқа жойларни ҳам тинтишсин, – деди. – Ҳа, энди булар ҳам шу касбнинг устидан бола-чақа боқишади, нонларини ҳалоллаб кетишсин.

Норчаев заҳарга тўлиб турган бўлса-да, ўзини тийди. Хизмат нуқтаи назаридан ҳовлини тинтиб, Ойсулувни гафлатда солмоқчи, уни қўлга тушириш учун босиқлик қилмоқчи бўлди. Афсуски, катта-кичик уйлар, пешайвону ошхона, огилхонаю қазноқ, хуллас, ҳовлининг ҳар бир пучмоғи кўздан кечирилса-да, шубҳали нарса топилмади.

Энди Норчаевнинг юзлари рस्ताкамига бужмайди, тепа лаби пирпираб, мўйлови тиккайди. У охирги чора – Қиёмхонга им қоқди.

Қиёмхон имога маҳтал турарди, у ўз ролининг ижросига киришди-да:бу гаплардан хабардор эканлигини, ҳозир одамлар тирикчилик важдан қанақа ишларга қўл ураётганликларини, бундан олдин ҳам Элёрнинг шунақа ишларда қўли борлигини, бунга ўзи гувоҳ бўлганлигини, шу ишни қилма, ёмон ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади, деб Элёрни огоҳлантириб, бу йўлдан қайтармоқчи бўлганини гапириб берди.

Бу гапларнинг таги пуч эканлигини билган Акрам ака чидаб туролмади.

– Қани энди замон кўтарса-ку, сен ит эмганни тилингдан осардим! – деди Қиёмхонга томон хезланиб. Оқсоқол, бефойда, дегандек уни анча ергача суриб олиб кетди. Қиёмхон жиртаки отиб, қўйнинг, зўр бўлса, бир шаппот урар, кейин унга кўрсатадиганимни кўрсатаман, деди. Акрам аканинг жаҳди чиқди, оқсоқолнинг елкаси оша тишларини гириҳ қилиб: – Ит, дастингдан бир оила бузилиб кетганини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ! – деди. – Бир куни келиб бу ишларнинг уволи уради сен песни!

Қиёмхон бир-икки тангани деб сохта гувоҳликка ёлланган эмасми, буни ошкор этолмади. Акрамнинг ҳақорати наша қилди, сизни деб шу ишга қўл урдим, нега мени ҳимоя қилмаяпсиз, дегандек Норчаевга маъноли им қоқди. Норчаев унинг панасида туриб Элёрга кесак отаётгани учун:

– Оғзингга қараб гапир! – деб Акрам акага иккиланиброқ ўдағайлаб қўйди. – Тилингни тиймасанг, наряд чақиртириб бериб юбораман. Ўшанда кўрасан, бировни ҳақорат қилиш-нима эканлигини...

Акрам ака кетишни ҳам, қолишни ҳам билмай, турган жойида қотди. Норчаев эса Жамшид ўргатган, ўзи билган ҳамма ишни, ҳамма чорани қўллаб, бирон натижа чиқара олмаганидан кейин, кетар жафосида Ойсулувни бир чақиб олгиси келди.

– Ойсулув, уста экансиз, мени қойил қолдирдингиз, – деди у. – Лекин бир гапни айтиб қўяй: уйингиздан далилий ашё топилмади. Бу – эрингизнинг бўйнидаги айб олиб ташланди, дегани эмас. Ҳали иш давом этади.

Унга жавобан оқсоқол совутмай жавоб қайтарди:

– Қонунни ҳурмат қиламан, болам, – деди у мулоҳазакорлик билан, – шу важдан ишларингга аралашиш ниятим йўқ, аммо мен ҳам бир гапни эслатиб қўяй: Элёрни яхши биламиз, унинг бу ишларда алоқаси йўқ! Шундай экан, биз – Яккатут аҳли унинг ҳимояси учун қаерга деса борамиз, то ҳақиқат қарор топмас экан, тинч ўтирмаймиз! Мен ҳокимга хат билан чиқаман, бу ишнинг тагига етаман. Ахир, қишлоқнинг шаъни ўйинчоқ эмас!

Норчаев истехзоли кулди.

– Кўрқитмай қўя қолинг, отахон. Ҳокимдан каттасига чиқсангиз ҳам, биз ўз бурчимизни бажардик, холос. Ҳозир оғуфурушликка қарши бутун жаҳон курашяпти, буни ҳоким ҳам тушунади. Кейин, одамнинг суратига эмас, сийратига қараб баҳо бериш керак. Ўша Элёр Ботировингиз...

– Олифта гапингни қўй, болам, – деди оқсоқол унинг гапини кесиб, – мен кўп бурди-балоларни кўрганман, сурат билан сийратнинг фарқига борсам керак. Яна такрорлайман: Элёр тилла бола!

– Ичига кириб чиққанмисиз, дейман?

– Одамни билиш учун унинг ичига кириб-чиқиш шарт эмас, бир оғиз гапидан кимлигини билиб олса бўлади. Болам, ўзинг яхши биласан: айби исботланмаган кишини жиноятчи деб бўлмайди, бу қонунда ҳам ёзиб қўйилган.

– Қонунни хўп ёдлаб олган экансиз-да?

– Олдин билмасдик, худога шукр, энди билияпмиз.

– Ҳамма қўлидан келган ишни қилса-да!

– Ҳамма қўлидан келадиган ишни қилганида, аҳвол бошқача бўларди, – деди оқсоқол хўрсиниб. – Афсуски, ҳамма ҳам

кўлидан келадиган ишни қилмайди-да, лекин, кўлимдан келадиган, деб чирангани чиранган. Кундуз куни, кечаси чироқ ўчди, десанг, ҳамма ёқ ёруғ-ку, деб гапга ишонмайдиган нодонлар кўпайиб кетди.

Норчаев ўз наздида Ойсулувни пийпалаб ташлайман, деб ўйлаган эди, бўлмади. Оқсоқол ҳам ўткир чиқиб қолди ва ноилож ҳовлидан чиқиб кетди.

Ойсулув кўзи тўла ёш билан остонада ўтириб қолди. Бир оздан кейин Шомирза оқсоқолнинг ғамгин овози эшитилди. Ойсулув ўрнидан турди.

– Оғир бўл, қизим, – уни юпатган бўлди оқсоқол, – ҳамма кўриб, билиб турипти, бу қайси бир ноинсофнинг қутқуси. Қўй, йиғлама, садқан кўз ёшинг кетсин. Кўрдинг, бари тусмол гаплар, эртан-мертан Элёржон қайтиб келади, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасанлар.

Ойсулув рўмолининг учини тишлади.

– Ахир, худо кўриб турибди-ку, нега одамлар кўрқмайди?!

– Одамларнинг қулоқлари қар, кўзлари кўр бўлса, ким айбдор?

– Эртага бутун қишлоқ Элёрни бармоғи билан кўрсатмайдимми?

– Бирортаси гап чиқарсин-чи, тилини суғуриб оларман! Бўлди қил, қизим, мени айтди дерсан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

– Майли, Ойсулув, майли, – деди Акрам ака ҳам далда берган бўлиб, – мен уста Бақонинг ўғли Авазбой билан бир гаплашай, законни биладиган бола. Хўп деса, қўшилишиб Азимкентга ҳам бориб келармиз. Энди бунақа қилиб ўтирма, бизникига чиқ, Дилиш янганг билан гаплаш, енгил тортасан. Одамга одамнинг сояси тушса, баҳридили очилади, ғами арийди.

Акрам ака уйига кирмади, оқсоқолга эргашиб кўчага қараб кетди. Алима Қувондиқни кўтариб чиқди. Бола онасига

талпинди. Ойсулув болани қучоғига олди. Ойсулувнинг авзойини кўрган Алима уни орқасидан қучиб, йиглаб юборди. Синглисининг қайноқ кўз ёши бўйнига тегиб, вужуди эригандай бўлди, ич-ичидан кўтарилган бир нима томоғига келиб тиқилди-да, кўзлари ёшланиб кетди.

## 4

Кеча Мулқободда гоҳ севалаб, гоҳ шитоб билан ёмғир ёға бошлаган эди. Бугун Азимкентга келса, жала, кенг кўча-ю тор кўчалардан лойқа сув оқаяпти. Бу ҳолдан Рустам ўзини ёмғирдан қутулиб, дўлга учрагандай ҳис этди. Устига-устак, Комилнинг гапи дард устига чипқон бўлди.

Кеча ишлари ўнгланиб, хурсандлигидан терисига сикмасди, бугун дами чиққан коптокдек бўшашиб қолди. Жуда бир қизиқ иш бўлди-да: Азимкентга бораману қизиқ хабарни тегишли идорага айтаман, деб ўйлаган эди. Бугун эса, ундай бўлмади! Бунақа экан, шунча ҳаракати, елиб-югургани қаёққа кетди?

Элёр йўқолиб қолибдимиш. Бутун бошли одам-а?! Комил ётоқхонага борса, Рустам ҳам, Элёр ҳам йўқмиш. Эшик оғаси Махсум ака шундай дебдимиш. Ҳозирча бор гап шу. Ажаб, Элёр қаёққа кетибди?

Ишқилиб, қаерда бўлса ҳам жони омон бўлсин. Лекин бу далда билан иш битадиганга ўхшамайди. Кўнгли сезиб турибди, Элёрга бир гап бўлган. У шундан чўчирди. Чўчигани сайин ўзидан ҳам, ундан ҳам хафа бўлди. Ўша куни нима қилди ўзи, билмайди. Элёрга хат ёзиб қолдирар экан, қаёққа кетаётганини айтди-ю, мақсадидан оғиз очмади. Нега энди бундай қилди? Айтса, осмон узилиб ерга тушармиди?

“Нега шундай, нега уни огоҳлантирмадим? – деди у тез-тез кўтарилиб-тушаётган кўксини силаркан, миясидаги но-

хуш фикрларни чиқариб ташлашга ҳаракат қилди, аммо бунинг иложи топилмади, қайси томондан ўйламасин, фикрлар уни қоронғилик қаърига тортиб кетаверди. – Ундан нимани қизгандим ўзи? Айтмай чатоқ қилдим, ўзимни ўйлабман-у, у билан ишим бўлмабди. Мен хила шошибман. – Бирдан кўксидо оғриқ пайдо бўлди. Йўқ, бу оғриққа ўхшамасди, гўё ичига бир нимадир бор, ўша бир нима тинимсиз ғимирлайди, кўкрак қафасидан чиқиб кета олмайди. – Ким билади, Элёр ҳам Аббосни таниб қолган, у ҳам ўзича иш тутгандир? Агар яна дала ҳовлига борган бўлса, ўзини билдириб қўйган! Аббос биздан ҳам чаққон чиққан бўлса, ажабмас. Унинг одамлари ётоқхонага келган, мен йўқман, Элёрни авраб олиб кетишган. Аттанг, шошганда ўз оёғимга ўзим чалибман-да. Ахир, ўртада Жамшид турган эди-ку, у дўстига ёрдам бермаганми? Унинг бу гапдан хабари бўлмаган, йўқса, қараб турармиди? Эҳтимол, Аббоснинг Рамазон Наим билан тили бирдир, бу ишни у уюштирган бўлса-чи? Жамшид билан албатта гаплашиш керак! Ҳозир тўғри дала ҳовлига борсам-чи? Йўқ, улар Элёрни у ерга олиб боришмайди, бошқа жойга яширишган...”

Рустам мушоҳададан чарчади, гўё эшкаксиз қайиқда уммонга чиққан балиқчидек тасаввур қилди ўзини; назарида, шамол унинг қайиғини уммон ичкарасига суриб кетган-у, энди қирғоққа қайтолмай гаранг, бебош шамол уни қай томонга суриб кетаётганини ҳам билмайди. У поездда келишини, поезд Азимкентга тушликка яқин кириб боришини Комилга кеча кечқурун телефон орқали айтган эди. Поезд вокзалга айтилган вақтда етиб келди. Комил ҳам ўз машинасида келиб кутиб турган экан.

Улар катта ҳалқа йўли билан манзилга томон кетишарди.

– Ҳа, бу гапни менга айтган эдинг, – деди Комил йўлдан кўз узмай. – Сенингча, Намоз айбдор бўлса, ҳукм бекор қилинмасди, шундайми? Лекин ҳукмнинг бекор қилиниши, бу унинг айби йўқ дегани эмас. Бор ана, бу ишда судья хато қил-

ган, дейлик. Бу энди сенинг фикринг. Афсуски, судья ҳам сен билан менга ўхшаган одам, у ҳам хато қилади, адашади. Бундан ташқари, ҳукми ўзи чиқармайди, тергов хулосаларига таянади.

– Терговда ноқислик бўлса-чи? – эътироз билдирди Рустам.

– Судья худо эмас, ҳамманинг ичига кириб чиқадиган. Гувоҳларни эшитади, кўрсатмаларни тергов ҳужжатларига солиштиради, ана ундан кейин хулоса чиқаради.

– Гувоҳлар нотўғри кўрсатма берса-чи? Шунда ҳам бегуноҳ одам айбдор саналиб кетаверадими? Агар у ҳақ бўлиб чиқса-чи? Судья ўз хатоси учун кечирим сўрайдими? Бундан Жумевга нима наф? У бечорани қарийб бир йил азоб бер-да, кетидан узр сўра... жойига тушадими?

Комил бенхтиёр кулиб юборди.

– Худди билмайдигандай гапирасан-а? Судья қонунни атайлаб бузмаса, виждонсизликка йўл қўймаса, унинг иши хато ҳисобланмайди.

Комил бир оз ўйланиб қолгандан кейин:

– Ҳа, судья ўз ҳимоясини билади, – деди. – Қайта терговда-чи? Агар Аббоснинг тириклигини исботласак, Намоз ҳақ бўлиб чиқиши аниқ. Элёрнинг йўқолиб қолгани бизга панд бериб, қўлимизни боғлаб қўйди. Фалокат қўшша келади, у қош билан қовоқ ўртасида, дегани шу-да. Элёрни топмай туриб, сирни очиш... билмадим энди, қай бири тўғри...

– Қадрдонингни бошига кулфат тушса, ундан кўра ўзинг кўпроқ азият чекасан. Бу энди бор гап. Элёр сен учун ким, бегона, лекин унга куйиняпсан, унинг фожиаси учун ўзингни айбдор ҳисоблаяпсан. Ахир, бунда ҳеч қанақа айбинг йўқ-ку! Ундан кейин, ҳали ҳеч гап йўқ, қачон бир гап бўлишини ҳам аниқ билмаймиз. Нега элбурутдан ич-этингни еб кетяпсан? Унинг ҳам бу ишда алоқаси бормиди?

– Нима дейишга ҳам ҳайронман, – деди Рустам елка қисиб. – У билан бировнинг дачасига боргандик. Ҳаммаси ўша

ердан бошланди. Аббосни ўша ерда кўриб қолдим-да. Ўшангача уни ёнғинда куйиб кетган, деб юрардим. Тергов ҳужжатларида ҳам ўлган, деб қайд этилган эди. Лекин у тирик экан.

– Йўғ-е?!

– Нега ажабланасан, тирик экан. Дала ҳовлини кўриқларкан. Уни бир кўришда таниб бўлмади: соч-соқол патакдай, тил-забон йўқ, кар-соқов. Ахир, киши шаклу шамоийлини ўзгартирган билан кўзлари кимлигини айтиб туради-ку. Айниқса, чақчайган кўзлар гиж-гиж маъно. Мен ҳам Аббосни кўзидан танидим. Уни олдин бир-неча бор кўрганман, танийман, адашишим мумкин эмас. Биринчи марта вилоят фольклор-этнографик ансамбллари кўрик-танловида учрашганмиз. Ўшанда мен ҳайъат раиси, Аббос ашула ва рақс ансамблининг раҳбари эди. Танловда унинг ансамбли биринчи ўринни эгаллади. Ансамблда ростокамига истеъдодлар кўп, биринчи ўринга ҳам арзирди. Ўшанда гуруҳ раҳбари сифатида Аббосни ўз исм-фамилияси ёзилган тилла соат билан тақдирлашган эди. Кейин ҳам кўп бор у билан учрашганмиз.

– У-чи, у ҳам сени танигандир?

– Танимаса, қочармиди? Бир кўринди-ю, қораси ўчди. Ўшами-бошқами, деб иккиландим. Бир пайт дачанинг эгаси... Кимнинг дачаси эканлигини ҳам айтмабман сенга. Шаҳар прокурори Жамшид Шарипов бизни таклиф қилди, Элёрнинг синфдош дўсти экан. Аслида дача унинг қайнатасиники, бизда Рамазон Наим деган раис бор эди, ҳозир шу ерда – Азимкентга кўчиб келган, бадавлат одам... Хуллас, Жамшид, қоровул байт-баракка уста, ўқиб кўринглар, деб қўлимга ёзув дафтарини тутқазди. Дафтар тўла шеър. Худдики шеър ўқиб туриб калламга бир фикр келди: агар ҳақиқатан ҳам шеърларни мен гумон қилган одамнинг ўзи ёзган бўлса, дастхатини текшириб кўриш керак, деб ўйладим. Ахир, Аббос туман маданият бўлимини бошқарган, идорада албатта ёзишмалар бўлган, ўша ёзишмаларнинг нусхалари эса табиийки, архивда



сақланади. Дафтар ичидан битта шеърни, маънили экан, газетага босамиз, деб чўнтакка урдим.

– Ҳар ҳолда криминалистикадан хабаринг бор-да.

– Дастхат эгасининг шахси аниқланди. Ҳар икки дастхат ҳам Аббос Бешимовники бўлиб чиқди.

– Ишни-ку боплабсан, лекин уни очишни нега пайсалга соляпсан?

– Ёмоннинг дамини кесаман деб, яхшининг уволига қолмай деяпман. Элёрнинг дараги чиқмагунча, сабр қилишга тўғри келади. Ким билади, бу менга қўйилган тузоқдир?

– Шунақалигини биларкансан, секингина тегишли жойга айтмайсанми, бу ҳақда уларнинг ўзи бош қотиришмайдими? Сен ҳам тиниб-тинчимайдиган одамсан-да! Элёрга бир нарса бўлса, биламан сани, дунёни бузасан. Ҳалитдан шунча ваҳима, бир гап бўлса нима қиларкансан?

– Бир жойга ўт кетса, ўт ўчирувчиларнинг иши, деб қараб ўтиришим керакмиди?

– Шунча ишни бажарибсан, ҳуқуқ органларига ҳам иш қолдиргин-да.

– Хўп, нима қил дейсан?

– Ётоқхонага борайлик, вазиятни билайлик. Ким билади, Элёр соппа-соғдир. Қишлоғига кетгандир. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку? Нимага ҳам айтдим шу гапни сенга?

– Ундай бўлса, қишлоқдан суриштириб билайлик.

– Суриштирдик ҳам дейлик, кейин нима бўлади? Мабодо у қишлоққа бормаган бўлса, хотин, бола-чақаси нима деб ўйлайди? Ваҳимага тушиб, тўрт томонга югурмайдими?

– Тўғри, гапингда жон бор, – деди Рустам, кейин калласига бошқа бир фикр келди. – Вилоят газетаси муҳаррири Файзиевга қўнғироқ қилсам, туман газетаси билан боғланиб, вазиятни аниқлаб берар, балки.

– Бу гапинг ҳам тўғри. Унда алоқа бўлимига борайлик.

– И-йе, ана алоқа бўлими! – Рустам қўлини бигиз қилиб рўпарадаги бинони кўрсатди. – Кўрдингми, пешанасига “Телеграф” деб ёзиб қўйибди. Тўхтат машинани!

Комил машинани йўл четига олиб тўхтади. Ҳар иккиси кичкина алоқа бўлимига киришди. Залнинг бир томонида учта, иккинчи томонида ҳам учта телефон кабинаси бўлиб, бир-бирига тақаб қўйилган иккита скамейкада ўнча одам навбат кутиб ўтиришарди. Кабинада қамалиб олган одамларнинг бақироқ овозлари қулоқни қоматга келтирар: кимдир хурсандлигини изҳор қилар, кимдир бўғиқ чийиллаган овозда койинар, кимдир алоқа яхши эмаслигидан нолиб операторга шикоят қиларди. Қойил-э, кичкинагина хонада шунча ғала-ғовур, бунинг олдида бозор ўтаверсин. Шовқиндан гап айириб бўлмайди. Лекин, қайси линияда алоқа яхши бўлса, кутишнинг ҳам ҳожати йўқ экан.

Рустам ҳам кўп кутмади. Оператор қиз, Мулқобод учинчи кабинага кириб, деганида унинг юрак уриши тезлашгандай бўлди. Олдин бунақа ҳолга тушмаган. Бироқ, гаплашиб бўлгач, рангу туси тубдан ўзгариб кетди: бужмайган ва салқиган юзлари бўғриқиб, кўзлари тингандай бўлди. Ҳозир кимдир қўлтиғига кирмаса йиқилиб тушадигандай.

Комил чаққон суяб уни ташқарига олиб чиқди. У чексиз ҳасрат ва надоматда эди. Кўча унинг кўзига кимсасиз бўшлиққа ўхшаб кўринди. Индамай қолди. Чамаси Комил ундан жавоб кутарди.

– Иш чатоқ! – ўйловда қолган кишидек кўкрагини силаркан, ўзича койинди у. – Элёр “дори” билан қўлга тушибди-миш. Қишлоқда, уйда тинтув ўтказишибди. Мулқобод тугул вилоят марказида ҳам шу гап, деди Файзиев. Менинг ишонгим келяпти... Файзиев алдамаса керак... рад этиб бўлмайдиган далил, дейди.

Комилнинг аъзойи бадани титради. Рустамнинг елкасида турган қўли ҳам қалтиради, шоша-пиша қўлини тортиб чўнтагига тикди-да, пешанасини тириштириб, қовоғини уйди.

– Кечирасан-у, ўша Элёрни олдин билармидинг?!

– Гап-сўзидан туппа-тузук болага ўхшаган эди.

– Ташига қараб баҳо берма-да. Қаердан биласан, шунақа ишлар билан шуғулланиб юргандир?

– Бунчалар тубан кетмаса керак! Ақл бовар қилмайди. Журналист-а?

– Қўй, касофати ўзига урсин. Унга яқинлашма, бошинг балога қолади.

Рустам худдики ўзини йўқотиб қўйган кишидек гарангсиради. Унинг жаҳли чиққан сари ичидаги тугёнлар кучаяр, кўз олдида Элёрнинг қиёфаси гавдаланар эди.

– Шармандалик! – шундан бошқа гапи йўқдай жим қотди у. Анчагина чўзилган сўзсизликдан кейин: – Ичимни шубҳа тирнаяпти, – деди. – Кўнглим сезяпти, бу қандайдир ўйин.

– Ўйинми, ўйин эмасми, буни аниқлашнинг битта йўли бор, – деди Комил машинаси томон юриб. – Юр-чи, Ички Ишлар ахборот марказига бориб, буни аниқлаймиз. Қаерда қанақа жиноят содир этилган бўлса, барчаси ҳақидаги маълумотлар ана шу марказда тўпланади.

– У ердагилар тўғри келган одамга маълумот бермаса керак? Комил машинага газ берар экан, йўл-йўлакай марказда яқин бир таниши борлигини, унинг ёрдам беришини, керак бўлса, йўл-йўриқ кўрсатишини батафсил, ишонч билан гапириб борди.

Рустамнинг эса нигоҳи йўлда, қулоғи сўзда, хаёли Элёрда эди. Бироқ одам бир йўла уч ишни: кўриш, эшитиш ва ўйлашни бажариши қийин экан. У Элёрнинг ҳақлигига чин дилдан ишонар, бундан бошқача вазият юз беришини ҳатто хаёлига келтирмас эди. Комил унинг пешойнадаги бўздай оқарган аксини қараб, гўё бу чехрани биринчи бор кўраётгандай қўрқиб кетди.

– Ҳай, ўзингни қўлга олсанг-чи! Рангинг бўздай оқариб кетибди-ку! Қўрқма, ҳаммаси жойида бўлади.

Рустам ҳаяжонини яшириш учун машинанинг ён ойнасини туширди-да, бошини ташқарига чиқарди. Юзига муздек шамол урилди-ю, совқотганидан дарҳол бошини ичкарига олди.

– Жин урсин, пасткашликка қўл урган бўлса-я?

– Ўзинг-ку, бўлмағур гап, дединг! Яна нега иккиланяпсан?

Рустамнинг ичига гулгула тушди. Эшик фақат кириш учун эмас, гоҳо кимдир чиқиб кетиши учун ҳам очилишини уяхши биларди. Айни дамда Элёр эшикдан кирдими ёки чиқиб кетдими, номаълум. Эй, худойим, унинг номи жиноятчилар рўйхатида бўлмасин, худо кўрсатмасин, рўйхатга тушган бўлса, жуда хунук иш бўлади-да. У Элёрнинг бундай номаъқулчиликка қўл уришига ишонмасди-ю, лекин шу ишончни йўққа чиқарадиган далил йўқ эди ва шунинг учун қиёфасида иккиланиш аломати акс этарди. Керак пайтда умиднинг сўниши ва бунга ишонишнинг даҳшатини ҳис этиш нақадар оғир.

– Демак, у асир. Нима қилиш керак?

Манзилга етиб борганларида Рустам машинадан чунон шошиб тушдики, сабрсиз кишидек олдинга интилди. Назарида, атрофдаги ҳамма нарса: дарахтлар, кўп қаватли бинолар, дарахт шохларида қўнган қушчалар – барча-барчаси Элёр ҳақидаги ҳақиқатни биладигандай туюлар, йўлни Комил эмас, ўзи бошлайдигандек олдинга тушганди. Лекин Комилнинг фикри бошқача бўлди.

– Сен машинада ўтира тур, ўзим аниқлаб чиқаман. – Рустамнинг юзига қон тепди. Унга диққат билан тикилган Комилнинг ҳам ранги оқариб кетди. – Кўнглингни хотиржам қил, ҳаммаси яхши бўлади.

Қани энди шундай бўлса!

Комил ичкарига кириб кетди. Рустам машинада ўтириб хаёлга берилди. Айни дамда у ўзини ёмон ҳис этар, Элёр билан кечаётган воқеалар диққатини оширар, аммо воқеани қай йўсин тартибга келтиришни ўйлаб боши қотарди. Фақат

битта йўлдан бошқасини билмасди, у ҳам бўлса, Элёрнинг дарагини топмагунча Аббос ҳақидаги ҳақиқатни унутиши керак. Сир аввал очилса, калаванинг учи чигаллашади. Лекин яна бир хатар бор. Агар ўша куни Аббос буларни ҳам таниб қолган бўлса, турган гапки, ўз жойини ўзгартирган ва уни топиш янада қийинлашади. Албатта, Рустам бу ишларни ўзи ёки виждони пок бўлиб қолиши учун қилаётгани йўқ. Бу унга бошқа мақсадда керак. У ҳам бўлса, шу иш қўлидан келадими-йўқми? Кейин буни уйдalasа, журналист ишини бир поғанага кўтаради. Аббос топилса, Намоз ҳам, Элёр ҳам юзага чиқади. Шу билан бирга ўз-ўзини ўлимга ҳукм этган Аббосга ҳам яхшилик қилган, уни ҳаётга қайтарган бўлади. Бироқ, Аббос ҳаётга қайтишни истамаса-чи? Унда Намоз билан Элёрнинг тақдири нима кечади?.. Йўқ, ҳеч ким ўз хоҳиши билан ҳаётдан кетмайди, буни Аббос яхши тушунади.

Майли, ҳозир Комил чиқсин, ҳаммаси аёнлашади. Шундай бўлармикин, э, худо! У Комилнинг ичкаридан тезроқ чиқишини кутар, кутарди-ю, кўрқарди. Бирдан Комил “иш пачава” деб ҳафсаласини пир қилса-я?

Ва ниҳоят, Комил баланд зинадан пастга туша бошлади, у шунчаки юриб эмас, учиб тушаётган эди. Рустам ойпараст-дек каловланганча унга пешвоз қадам ташларкан, элбурутдан оғиз жафтлади.

– Хўш, нима гап?!

Комил дўстининг ғамгинлигини тарқатиб юбормоқчи бўлиб:

– Ҳамма нарса кўнгилдагидек, – деди. – Бехудага ваҳима қиляпсан экан. Хом хаёлликни йиғиштир энди. Элёрнинг бунақа ишларга алоқаси йўққа ўхшайди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаётиман, – деди Рустам.

– Кел, яхшиси, Элёрни топайлик, бекорга хаёл суришнинг ҳожати йўқ. Ҳозир ётоқхонангга борамиз-да, у-бу кишидан суриштирамиз. Уни охириги марта кўрган киши бордир!

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Комил ич-каридаги таниши Жасур Тўғоновга бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапириб бермаган десак, бу уйдирмадан бошқа нарса бўлмай қолади.

– Демак, рўйхатда Элёр йўқ, шундайми? – сабрсизлик билан сўради Рустам.

– Йўқ дедим-ку, – деб кулимсиради Комил. – Бир ҳафталик маълумотларни титкилаб қарадик, Элёр деган исм чиқмади.

Бундан Рустамнинг димоғи чоғ, кимдир унинг томирларига янги қон қуйгандек бўлди.

– Оббо, итваччалар-эй! – деб сўкинди у. Лекин кимни сўкди ўзи билади. – Ўзлари яшириб, орқасидан шунақа шовшув кўтаришган. Ўз айбларини хаспўшлаш учун шундай йўл тутишган. Вой, қаллоблар-эй!

Комил орага бошқа сўз сифмаслигини билди шекилли, ортиқ индамади. У айтилиши керак бўлган маълумотни айтиб бўлди. Рустам ҳам бошқа савол бермади, жимгина, ўз хаёлларига берилди. Уйқусизлик ёхуд чарчашдан эсанкирадими, боши бош эмас, ошқовоққа айланди. Шу ҳолида ҳам, ўзини айбдор санаб, ўзини-ўзи койир, ва лекин, алами ҳеч кесилмас, афсус-надомат сўнгги пушаймон каби ич-этини кемирарди. Бўлар иш бўлган, энди буёғини ўйлаш, кучни ҳам, вақтни ҳам тўғри тақсимлаб иш кўриш керак. У ўзини қанчалар омадли, ақлли санамасин, ҳозир худди чўлу биёбонда адашган кишидек қаёққа бош уришини билмасди. Фақат битта умид бор: ўша кун навбатчиликда турган эшик оғасидан бирон янгиликни билиб олиш мумкиндир?

– Энди бир иш қиламиз, – деди Комил гўё ўзи зарар кўраётган ҳамкордай Рустамга юзланиб. – Жонли нарса жонсиз нарсадан нон сўраганида, жонсиз нарса, майли, нон бераман, лекин эвазига жонингни оламан, деган экан. Хўш, бу нима? Жонли нима-ю жонсиз нарса нима?

– Шошма, мен тушунмаяпман. Шундай топишмоқ айт-  
япсанки, ечишга ақлим ноқислик қиляпти.

– Йўқ, бошингни қотирмоқчи эмасман. Сен гапни охи-  
ригача эшит, кейин фикрингни айтасан. Бу жумбоқнинг жа-  
воби жудаям оддий: сичқон билан қопқон. Ана энди, омади  
гапни эшит. Мабодо чўнтагингдаги нарсани тополмасанг,  
дарров, йўқотибман, дейсан, тўғрими? Агар Элёрни қидир-  
маганинга, уни йўқолган, демасдинг. Элёр дала ҳовли воқе-  
аси сабаб йўқолган бўлса, демак, бу сенга қўйилган қопқон.  
Қопқонга эса хўрак қўйиш керак. Хўрак эса Элёр. Улар сени  
хўракка интилишингни билишади. Биз ҳам хўрак тутай-  
лик-да, эвазига уларни қопқонга туширайлик. Энди қопқонга  
қўйиладиган хўрак сен бўласан.

– Нима қилмоқчисан ўзи? – деб сўради Рустам.

– Сен ётоқхонада эканингни маълум қиласан – тамом. Шу  
ердалигингни билишса, улар сени албатта излаб келишади-да,  
қопқонимизга тушишади. Қарабсанки, бу зўр ҳузур-ҳаловат  
бўлади, – деди Комил, гўё ўз саволига ўзи жавоб бераётган-  
дек. – Улар қўлга тушишдими, Элёрнинг дараги чиқади, барча  
сирлар очилади. Энди ҳам бирор нарсага тушунмадингми?

– Ҳа, ҳа, тушундим!

– Режа қалай, ёқдимми?

– Албатта! Нега ёқмас экан?

– Агар шу режамиз иш берса, тез кунда Элёрнинг да-  
раги чиқади.

Машина катта йўлда қушдай енгил борарди. Талабалар  
шаҳарчасига яқинлашиб, кинотеатр олдидан ўтаётганларида  
йўл четида турган мовут пальтоли таниш чеҳрани кўришди.

– Комил, тўхтатиб юбор-чи, – деди Рустам Комилнинг  
елкасига қоқиб.

Комил тормозни босди, машина тўхтади. Рустам машина  
эшигини очди, лекин ерга оёқ қўймай, бекатдаги кишига овоз  
берди:

– Қани, бу ёққа чиқинг-чи, Тожибой! Ётоқхонага бораётганга ўхшайсиз, ўтиринг, чақчақлашиб борамиз.

Тожибой шартта олдинги ўриндикқа ўтирди-да, аввал Рустам билан, сўнг Комил билан қўл олишиб сўрашди, уларга миннатдорчилик билдириб, суҳбатлашиш ўнгай бўлсин учун Рустам томонга ярим ўгирилиб олди.

– Хўш, Тожибой, жаҳон пештоқида нима гаплар? – деб сўради Рустам машина юра бошлагач. – Ўқишга бориб турибсизми?

– Айтарли янгилик йўқ, – деди Тожибой кулимсираб, – фақат негадир сиз билан Элёрдан дарак йўқ. Уч-тўрт кундан бери эшигинглар берк. Тунов куни ўқиш жойига сизни бир одам сўраб келди, танимадим. Кейин ўша куни кечга қараб Элёрни сўраб келди. Биласиз, Махсум ака биз билан яхши. Кечга пастга тушсам, сиз билан Элёрни сўраган одам прокуратурадан экан, деди. Хаёлимга Элёрнинг ошнаси келди, ўша келган-да, сизларни яна тоққа олиб кетган-да, дедим.

– Ўзи, Элёрнинг дўстини кўрганмисиз?

– Кўрганман, – деди Тожибой, – талабалик пайтларида кўрганман. Элёр билан ижара уйда туришарди. Энди беш-олти йилда одам ўзгариб кетмас. Лекин сизларни сўраб келган одам у эмас эди.

Тожибойнинг деярли кўп нарсадан хабари бўлмаса-да, озгина билганини ҳам фавқулодда жиддийлик билан ҳикоя қиларди.

– Бир кўнгилсиз гап эшитдим, лекин ростлигига ишонмайман.

– Сиз ишонмайдиган нима гап экан? – деб сўради Рустам.

– Элёрни қамаб қўйишибдимиш.

Рустам Комил билан маъноли кўз уриштириб олгач, Тожибойга юзланди.

– Буни кимдан эшитдингиз? Нега қамашибди?

– Энди одам сабабсиз айб қилмайди. Одамнинг айби бошқа айбларидан келиб чиқади. Беайб – Парвардигор. Талаба-



ликда жуда баодоб бола эди. Бирор зарурат уни мажбурлади-  
микин, “дори” билан қўлга тушибдимиш.

– Йўғ-е, кимдан эшитдингиз буни?

Тожибой бу янгиликни аслида Рустамдан эшитишни мўл-  
жаллаган эди, Рустамнинг саволга савол билан жавоб берга-  
нига шошиб қолди.

– Элёрнинг Мўмин деган ҳамқишлоғини танийсиз-ку,  
ўшандан эшитдим. Тўғриси, бу бировнинг иғвоси бўлса ке-  
рак, деб ўйладим.

– Э, тақсир, – деди Комил эътироз билдириб, – бу гапин-  
гиз пучга ўхшайди. Чунки ҳеч қандай воқеанинг ўзи йўқ.

Рустам Элёрнинг бошига тушиши мумкин бўлган ҳам-  
ма фожиаларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказаркан, Элёрни  
қайси бир зах ертўланинг бурчагида ёхуд қайсидир хандақда  
ҳушсиз ётгандек тасаввур этар ва кутилмаган бу ҳолатлардан  
юрак уриши тезлашиб кетарди.

– Шошма! – хитоб қилди у Комилга сўз қотиб. – Иш жид-  
дийлашяпти. Ҳа, жудаям жиддийлашяпти! Бу ёлғонга ўхша-  
майди. Мўмин деган бола бизнинг хонага бир-икки келган.

Бундан Тожибой қайта жонланди.

– Мўминни мен ҳам сизларникида кўргандим-да. Ўтган  
куни фойеда кўриб, Элёрни сўраган эдим, у шунақа деб қол-  
ди. Ҳайрон бўлдим. Мўмин нимадандир кўрқиб қолган эди.  
Агар тагини суриштирсангиз, у сизни қидириб келган экан.  
Сиз эса йўқсиз. Бечора хафа бўлиб қайтиб кетди.

– Уни қаерда ўқишини биласизми?

– Билмадим... Камоли ҳайратимдан, қаерда ўқишини  
сўрамабман.

– Э, аттанг! – чуқур хўрсинди Комил. – Билганингизда  
болани топиб, ундан гап олармидик...

Афсуски, суҳбат чигаллашиб, кўринмас қўл эгаси ким эка-  
нини аниқлаб бўлмади. Рустамни ҳатто титроқ босди, қалби-  
да уйғонган нафрат ҳисси бутун вужудини қамраб олди. Бу

пайтда кузги оқшом чўкаётган, уфқ туси ўзгариб, ёқимли хушбўй иси билан тўйинган хазонрез шамол дарахтларнинг сарғайган барглари ўйнатар, қоронғилик кўк юзига ўзининг қора пардасини тортишга тарадду кўрмоқда эди. Тожибойни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ тер босар, нима бўлаётганига ақли етмаса-да, бошини чайқаб, афсус билан бир нималарни тушунтирмоқчи бўлади. Ҳали ҳам кўчалар гавжум, машиналар шовқини эса унинг овозини босиб-босиб кетади.

Ниҳоят, машина ётоқхона рўпарасида тўхтади. Ётоқхона ташқи кўринишдан унчалик салобат касб этмаса-да, тўрт қаватли, узун, бежирим ғиштин бино, ташқаридан оддий, ичкарисада эса ҳаёт қайнамоқда эди: муסיқа садолари, шовқин-сурон, йигит-қизларнинг қувноқ овозлари очиқ деразалардан эшитилиб турарди. Рустам бошини орқага ташлаганча ўзини тетиклаштириш, қалбини қийнаётган хавотирни ҳайдаш мақсадида ҳадеганда машинадан тушмай жимгина ўтирарди. Комил унга, ҳаммаси яхши бўлади, қабалида сўз қотди, аммо унинг далдаси унга ҳеч қанақа ҳамдамлик ҳиссини уйғотмади. Тожибой эса бу сўзсизликка тушунолмаб бир зум каловланиб ўтирди-да, сўнг нима қиларини билмай, мен энди бо-рақолай, деб машинадан тушди-да, Комил билан хайрлашиб, ётоқхонага кириб кетди. Худди шуни кутиб тургандай, Рустам юзида ишончсизлик ифодасини сақлаган ҳолда:

– Бу боланинг олдида ҳамма нарсани гапириб бўлмайди, – деб, яна қўшимча қилди. – Ичкарига кир, бирпас ўтириб кетарсан.

Комил кетмоқчи эди, лекин дўстининг зўр ҳаяжонда эканини идрок этиб, унга ачиниб кетди. Бу ачиниш шунчаки эмас, бутунлай бошқача ҳиссиёт эди. У машинадан тушди-да, дўстига эргашди.

Эшикдан киришлари билан қоровул чол ўрнидан турди-да, шу заҳоти қайта ўтирди. Унинг кексаликка хос ажинли юзида ҳайратли ифода бор эди. Чол пакана, озгиндан келган

бўлиб, катта ва кенг будкада янада кичкина кўринарди. Сўнги вақтларда қизгин меҳнат фаолиятини тугатиб нафақага чиққан, эрмак учун қоровуликка жойлашиб, ҳар уч кунда бир постда турар ва у қизиқарли воқеа-ҳодисаларга ўч одам эди. Унинг думалоқ, ҳамиша кулиб турадиган қуруқшоқ лаблари бирдан тундлашиб, Рустам билан одатдагига нисбатан бошқача салом-алик қилди. Бу кўришишда қандайдир жиддий сабаб борлигини Рустам дарров сезди ва ўзини анча ноқулай ҳис этди. Чол ҳозир гапни Элёрдан бошлайди, деб ўйлади Рустам, аммо у курсисида қулай ўрнашиб, ҳадеганда пинагини бузмади. Рустам ҳам биринчи бўлиб сўз очгиси йўқ эди.

Ниҳоят чолнинг сабри чидамади, ўнг қўл бармоқларини чап қўл бармоқларига жуфтлаб қисирлатди, сўнг:

– Окоси, ўқиш баҳона кайфу сафо экан-да? – деди Рустамга диққат билан тикилиб туриб. – Камнамо сиз? Қаерларда юрибсиз?

– Юрибмиз-да, – деди Рустам истамайгина, сўнг чолни ошкора суҳбатга тортиш мақсадида: – Хўп, биз йўғимизда нималар бўлди? Одамлар биз ҳақимизда нималар дейишяпти?

Чол бир оз иккиланиб туриб:

– Сиз ҳақингизда нима гаплигини билмадим-у, лекин ҳам-хонангиз, оти нимайди... Элёржон ҳақида ёлгон-яшиқ гаплар юрибди.

– Қанақа гаплар экан? – Рустам аввал орқасида турган Комилга маъноли қараб олди. – Қани, эшитайлик бизам, Махсум ака.

– Айтишга тил айланмайди, денг, – деди чол чайналиб. – Сизга нима десам экан. Ўқиган одамсиз, ўзиз биласиз, йигитчиликда ҳар хил шўхликлар бўлади, йигит борки, шўхлик қилмай қўймайди... Мен ҳам кўзим билан кўрмадим, эшитдим. Бўлмаган гап, одамлар гапираверади, парво қилмаслик керак. Шўхлик бўлса, биринчи бизди сўроққа тутардилар. Бизди саволга тутмадиларми, демак, бари бекор гап. Яна худо билади.

– Тушунарли, – деди Рустам бошини ликиллашиб. – Фақат айтинг-чи, Махсум ака, Элёр қанақа шўхлик қилган экан?

– Вой худойим-ей, нималар деяпман ўзи. Ҳақиқатан ҳам, қанақа шўхлик? Англашилмовчилик, холос... Йўқ, уни ҳеч ким босиб олиб кетгани йўқ. Ўз оёғи билан чиқиб кетган. Ўша куни ҳам ўзим постда эдим. Мана, калитни ўзимга топширган, ҳалиям шу ерда осиклик турибди. Айтяпман-ку, хунук иш бўлганида, хоналарингни тит-питини чиқарар эдилар.

Комилнинг кўзлари қизиқиш билан ёнди: бу чол афтидан ниманидир биладиганга ўхшайди.

– Амаки, ҳақиқатан ҳам у қанақа шўхлик қилган экан?

Чол, бу ким бўлди дегандек, Рустамга юзланди. Рустам Комилни таништирди.

– Э-ҳа, шундайми, – давом этди чол, – кўриб-билиб юриб-мизки, ҳозир замон шунақа, бир-икки танга топай, деб одамлар йўқ жойдан имкон қидириб юради. Ҳаммада ҳам нафс бор-да. Нафс қурғур томоғи бор жонни ўйнатади. Парво қилманг, бугун-эрта боши айланиб ўзи кириб келади. Бундоқчигин арзимас нарсага аҳамият бермаслик керак.

– Сиз буни арзимаган нарса деб ўйлайсизми?

– Ҳа-да! Агар сизга Элёржонни шу ердан босиб кетишди, деганимда, арзирли гап бўларди, ахир, ўз оёғи билан чиқиб кетди, дедим-ку... Мана, ҳозир битта ўртоғи кириб кетди, – чол Тожибойнинг изидан ишора берди, – ўшандан ҳам сўранглар. Кеча кечқурун пича гурунг берди. Мен ҳам ўшандан эшитдим.

Рустамнинг юзига аччиқ истехзо ифодаси қалқди. У чолни ўзининг шубҳалари билан таништиришни мутлақо истамди. Бу чолга ҳам гап керак. Тожибойдан эшитганларидан ташқари ҳеч нарсани билмайди чоғи. Ўша эшитганларини семиртириш пайида гап кавляпти, холос.

– Майли, – деди Рустам кетишга чоғланиб, – Махсум ака, мен билан Элёрни прокуратурада ишлайдиган бир одам

сўроқлаб келган экан, ҳечқурса ўша одам сизга исм-фамилиясини айтгандир?

– Памилиясини айтмади-ку, лекин исмини Мутал, деди.

– Ўйлаб кўринг, эҳтимол, Жамшид дегандир?

– Қари бўлсамам, памитим бинойи, – деди чол кемшик тишларининг орасидан хуштак чалгандай овоз чиқариб, – эшитганим миямда михланиб қолади. Жамшид деса, Жамшид дердим. Ана шу қулоғим билан эшитдим: унинг исми Мутал!

Рустам туш кўраётгандай, чолни эшитиб туриб, унга Жамшиднинг кўринишини тасвирлаб берган эди, чол мутлақо бошқа қиёфадани тавсифлаб, яна бир бор, унинг исми Мутал эканини такрорлади.

Рустамнинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди. Сухбат ҳам шу нуқтада ниҳоясига етган эди. Чолнинг рухсати билан Комил билан Рустам тепага кўтарила бошлади.

– Комил, биласанми, бу ерга Жамшид келган, чалғитиш учун исмини Мутал деган, – деди Рустам зинани босиб йўлакка тушишгач. – Ахир прокуратурадан бўлса, Жамшид-да. Элёрни у сўроқлаб келиши мумкин.

– Хўп, ким бўлса ҳам, Элёрни шунчаки сўроқлаб келгандир?

– Бу иш сен ўйлагандек жўн эмас. Элёрни ўша одам олиб кетган. Топшириқ Аббоснинг одамларидан бўлса керак. Ким билади, бундай ишга пихини ёрган Рамазон Наим бош кўшгандир. Шахсан менинг фикримча, бошида улар бу ерга шунчаки келишган, кейин олдиларидан Элёр чиқиб қолган. Танийдигани, бу бола ҳам дала ҳовлига борган, деган бўлса, бундан усталик билан фойдаланишган.

– Э, қизиқмисан. Нималар деяпсан? – деди Комил хонага кира туриб. – Нимаики бўлмасин, бизни ҳеч ким мағлуб этолмайди ва биз охир-оқибат енгиб чиқамиз. Ахир, сенда инкор этиб бўлмайдиган далил бор-ку. Шундан хурсанд бўлишинг

керак. Улар шунчалик заифки, Элёрга бирор зиён етказишга юраклари дов бермайди... Яхшиси чой ичайлик, – деди у Рустамга стол устида турган чойнак-пиёлага ишора қилиб.

Рустам мезбон мақомида ошхонадан сув олиб чиқиб, чой қўйди. Чой қайнагунча жавонни титкилади, қанд билан печенье топиб, столга қўйди. Улар чой ҳўплар эканлар, бундан деярли лаззат олишмади: фикру хаёллари бугунги воқеаларда эди. Рустам, бу ишлар муқаддима, асосийси вақт пардаси ортида яшириниб турибди, деб ўйларди.

– Бугунги кун биз учун оғир бўлди, – деди Рустам.

– Мен ҳам анча-мунча нарсаларни билиб олдим, – деди Комил чой ҳўплаб туриб. – Лекин, бугун ҳақиқатан ҳам оғир бўлди.

Алам билан нафас оларкан, Рустам титраб кетди.

– Эртага, – деди у қатъий қилиб, – биринчи навбатда Жамшидни топишимиз керак. Эҳтимол, ундан бирор тайинли гап чиқар. Муталнинг кимлигини ҳам айтиб берар.

– Мўминни ҳам топишимиз керак. Унда ҳам бир бало борга ўхшайди. Ахир, асосий хабарни Тожибойга у етказган-ку.

– Уни ҳам можарога тортган бўлишлари мумкин. Бўлмаса, у Элёрнинг қўлга тушганини қаердан билади?

– Бир оз сабр қил, эртага калаванинг боши қаерда-ю, оёғи қаердалигини аниқлаб оламиз... – Комил кетишга чоғланди. – Чой учун раҳмат! Энди мен борай, эртага эрталаб шу ерда бўламан. – У эшиқдан чиқа туриб ҳам Рустамга далда берди: – Кимки бизга қарши турса, у рўшнолик кўрмайди...

Рустам Комилни кузатиб, яна совуқ ва тунд хонага кираркан, у ёқ-бу ёққа аланглади, сўнг дераза олдига бориб, ташқарига разм солди. Осмонни қалин булут қоплаган, оқшом чўккан-чўкмаганини ажратиш амримаҳол. Булутлар четидаги қирмизи ранг элас-элас кўзга ташланади. Куз шамолининг забти дарахтларни чайқатиб, баргларини шитирлатар. Рустам шитир-шитирга қулоқ тутаркан, бугунги воқеалар юрагига тобора чуқурроқ кириб борарди. У энди барча гумонлари

ҳақиқатга айланишига заррача шубҳа қилмас, кўнгли бундан таскин топар, келажақда ҳаёт янада гўзал бўлишига умид пайдо бўларди.

## 5

Рамазон Наим Кабирни кутиб ўтирган эди, телефон қўнғироғи уни шошириб қўйди. Ҳовлиққанча гўшакни кўтарди-ю, овозни эшитган сайин юзидagi қайғули ифода ошиб бораверди; ўпкаси пўкиллаб, гўшак қўлидан тушаёзди. Юраги худди қафасдаги қушчадек қовурғаларига урилиб, қон босими гоҳ миясига, гоҳ чеккасига, гоҳ кўзига қуйила бошлади. Қоннинг бетартиб ҳаракати ўй-фикрларини айқаш-уйқаш қилиб юборди. Буни қандай тартибга келтиришни билмай, гўшакни жойига қўйди-да, йиқилаёзган кўйи курсига суянди, беихтиёр кўксини силади. Хона салқин бўлса-да, воқеалар гирдобида унинг вужуди ёна бошлади. Аранг чақирув тугмачасини босди. Эшиқдан котиба кириб келди-ю, унинг аҳволини кўриб, шоша-пиша мажлислар столи устида турган биллур графиндан бир пиёла муздай сув қуйиб берди.

Рамазон Наим тилининг остига тугмача дори ташлади, орқасидан бир қултумгина сув ичди. Афсуски, ҳаяжоннинг зўридан дори таъсир этмади. Котиба вазиятни баҳолаб, “тез ёрдам”га сим қоқди.

Кўп ўтмай “тез ёрдам” етиб келди. Дўхтир беморнинг қон босимини ўлчади, томирига укол санчди, сўнг, касалхонага олиб кетмасак бўлмайди, деди. Рамазон Наим, биринчи марта эмас, бирпасда ўтиб кетади, деб дўхтирга ройиш бермади. Дўхтир, менинг ҳам калламни кундага қўйманг, бир гап бўлса жавоб беришим керак, деб ўз тинчини ўйлади, ялиниб-ёлворди, бемор барибир кўнмади. Думалоқ, пастки лаби осилган кекса дўхтир афсус ва надомат билан бошини тебратганча, ўзингизга қаранг, ака, деб кетди.

Рамазон Наим кейинги пайтларда, айниқса, дала ҳовли-сига янги қоровул олгандан бери сезиларли даражада ўзини олдириб қўйган: ҳамиша ярқираб турадиган юзлари сўлгин, кенг пешанасига ажинлар чизик ташлаган, кўзлари аввалги тийраклигини йўқотганми, хушчақчақ одам хафақонга айланган; илгариги гар-гар кекиришлари йўқ, овози ҳам ингичкалашиб, мусичадек кукулайди; дилида хавотир, умидсизлик, безовталиқ ҳукмрон. Ҳозир айти шу хавотирни, умидсизликни йўққа чиқарадиган одам топилса борми, унга бисотининг ярмини беришга тайёр. Бошига шунақа кунлар тушишини қачон хаёлига келтирибди? Хўп даври даврон сурди, кўзлаган мақсадига эришди, энди шуларнинг барини бир кунда бой бериб қўйса ачинарли-да. Балки бунга сабаб – Ғани Бозорнинг ноғорасига ўйнагани, унинг йўриғига юрганидир? Ҳар қадамда қўрқиб яшаш ҳар куни бир ўлиб-тирилиш билан баробар.

Ғаму ташвиш қўшша келгани чатоқ экан. Битта муаммони бир ёқлик қилай деб турганда, иккинчиси оёқ остидан бодраб чиқади. Ёқуббойни нима жин урди ўзи? Битта-бинойи, чалишмай юрадиган бола ўзига-ўзи панд бериб турса-я! Ҳа, бу болани ичкилик адо қилди. Шу ичкилик деган дарду балони ўйлаб топганнинг падарига минг лаънат!

Ёқуббой йигитларнинг сараси эди. Ўтган ҳафта четга “юк” олиб чиқиб қўлга тушибди. Харидор норози, қўнғироқ ўшандан бўлди: шартнома бўзилди, дейди. Ҳаром нарса охир-оқибат ҳаромга ураркан-да. Илгари бунақа майда-чуйда ишлар чикора эди, хоҳлаган кишининг оғзига урарди, бировга ҳаққини шунчаки бериб қўймасди, унга нима бўлди ўзи? Олдин ҳам шундаймиди ёки энди шундай бўлдими? Агар буларнинг бари қарилликка бориб тақалса, демак, куч-қуввати кетяпти. “Авалло Ёқуббойнинг қўлга тушганига ишонмайман! – деди у ғижиниб. – Тегирмондан бутун чиқадиган бола бирдан... Йўқ, бўлмаган гап! Агар ростдан ҳам ишқал чиқар-



ган бўлса-чи? Уни қистовга олишса, мени сотиб қўймасмикан? Сотса-чи?... Э, художон, ўзинг даф қил бу балони!.. Эҳ, аттанг! Биринчидан ўзим аҳмоқ, кейин Ёқуббой аҳмоқ! Энди нима бўлади? Мол кетса – кетсин, жон ёнда қолсин-да ишқилиб...”

Ва ниҳоят, кутган одами келди. Бу – Кабир эди. Унинг нохуш кайфиятини кўриб, ичидан зил кетди, аммо пинак бузмади, зўраки кайфият билан уни кутиб олди.

– Чақиртирибсиз, келдим, – деди Кабир креслога ўтириши билан. Рамазон Наим унга кулимсираб боқаркан, соғлиғи ва ишлари ҳақида сўради. Кабир шу заҳотиёқ жавоб берди: – Кўриб турибсиз-ку ишларим қандайлигини... Куёвингиз яна қовун тушириб қўйибди-да. Мени кечирасиз-у, куёвингиз мижғов-да. Мижғовлардан бир иш чиқиши қийин-ов.

– Хўп, майли... Ўтган ишга саловат, – деди Рамазон Наим. – Бундай олганда унда ҳам айб йўқ. Тўғри, у куёвим, муаммо фақат у билан битмайди-да, бунинг устига, ёш, ўзидан чўчийди. Уни кўндирдим-ку, ҳозир ҳаракатда. – Ортиқ ўзини тутиб туришга илож тополмаганидан ўрнидан турди, юриб келиб Кабирнинг елкасига қўл ташлади. – Яхшиси эндиги иш ҳақида гаплашайлик... Бу ерга нима учун чақирганимни биласан-а?

– Ҳар ҳолда куёвингиз номидан кечирим сўраш учун чақиртирмаган бўлсангиз керак? – пичинг қилди Кабир. – Кимларни меҳмонга олиб борган экан? Нима, отамни танимасмиди?

– Отангни ўзи, айтманг, билмасин, деган эди. Мен ҳам отангни унга қоровул, деб таништиргандим. Ҳақиқатни билганида, у ҳам беақл эмас, ҳамқишлоқларини меҳмонга олиб бормасди. Билмаган-да. Отанг ваҳимачи. Рустам Қодиров мени таниди, дейди. Эҳтимол, танимагандир?

– Отам, таниди, танимаса, синчиклармиди, деяпти-ку.

Рамазон Наим ёйилиб кулди.

– Бор, ана, таниган бўлса нима? Қўлидан нима келади?  
Отангни жойини алмаштирамиз – тамом-вассалом.

– Хўш, қаерга кўчирмоқчисиз?

– Гаплашиб қўйганман, Жинғилдига олиб борасан.

– Жинғилдига?! Э-ҳа... тупканинг тагига, денг?

– Бор-йўғи юз элик-икки юз чақирим йўл. Энг муҳими овлоқ, у ёқлар бировнинг хаёлига келмайди. Вазият юмшагунча ўша ерда тура туради. Шундай қилмасак бўлмайди.

Кабирнинг кўзларидаги учқун сўнди.

– Яхшиси, чет элга кетсалар маъқул эмасми?

– Бошида мен ҳам шундай деган эдим, сени ҳеч ким танимайдиган юртда яшашда қандай мазмун бор, деб кўнмаганди. Отангни четга юборсанг, унинг эртаси нима бўлади?

– Отамнинг эртаси йўқ энди, фақат ўтмиши бор, холос.

– Бу катта маблағ талаб этади.

– Маблағ топилади.

– Майли, қаерга жўнатсанг ҳам, бугундан қолмасин, – деди Рамазон Наим юрагига бостириб келаётган қўрқувни ҳис этиб. – Ҳар дақиқа ганимат. Рустам Қосимов дегани тинчийдиган эмас. Мулқободдан кўнғироқ бўлди, архив титкилаб юрганмиш. Иш пишиб турганда шўримизга шўрва тўккан одам ҳам шу бўлади. Олдиндан эҳтиётимизни қилмасак, яна панд еб қоламиз. Ўзим бош бўлардим-у, гурбат чиқиб қолди. Йигитларимдан бири... майли, бунинг сенга ҳеч қизиги йўқ. Бировнинг айби учун жабр кўриш...

– Отамни назарга тутяпсизми?

– Эй, гапни чувалаштирма, вақт ўтяпти, шошилиш керак.

Бир лаҳзалик сукунатдан кейин Кабир нимадир демокчи бўлди, аммо Рамазон Наим ундан олдинроқ:

– Нимани кутяпсан энди?! – деди девордаги соатга ишора қилиб. Унинг овозида қандайдир хунук оҳанг сезиларди. – Отангни яхши кўрасанми, ўзи?!

Кабир чиқиб кетиши билан котибага, ҳеч кимни ёнимга киритма, деб тайинлаган Рамазон Наим дам олиш хонасига

кириб, диванга чўзилди, лекин кўзи илинмади, хаёли қочди. Гапни кўпайтиради-я, бу довдир бола. Ишқилиб, отасини бугун олиб кетсин-да... Хўп, ўтган иш ўтди-кетди, изсиз йўқолди. Эҳтимол, изсиз йўқолмаган, шунчаки ёддан кўтарилган ёки кейинги хатоларга дебоча бўлиб келаётгандир? Дебоча қандай бошланган эди, ўзи? Эслади. Ҳаммаси эсида экан. Ҳеч бир иш изсиз кетмайди. Ҳаммасига Ғани Бозор айбдор... Э, тўхта-чи! Ёқуббойнинг қўлга тушиши ҳам ўшанинг найранги эмасмикан? Ахир, Ёқуббой молни ундан олади-ку. Ёқуббой орқали Рамазон Наимни мот қилмоқчидир? Шунақа ҳам бўлиши мумкинми? Ғани Бозорнинг унга нисбатан азалдан адовати бор эди, қулай пайтни пойлаб юрарди. Унинг қулай пайти шудир-да...

Унинг нафаси қисилди, уриб ўрнидан турди. Ўзича тор хонада у ёқдан-бу ёққа бир-икки бориб келди, сўнг деразанинг пардасини бир ёнга суриб ташқарига мўралади, осмон туси қуюқлашиб, кун чироғи ўчган уйдек қорая бошлабди. Ҳаво ҳам кишининг кўнглига қарарканми, кун хуфтон – кўнги хуфтон.

Тор хонага сиғмаган Рамазон Наим яна иш кабинетига чиқди. Қаҳва ичгиси келди. Котиба, қаҳва сизга мумкин эмас, деб аччиққина кўк чой дамлаб берди. Чой ичиб ҳам маза қилолмади. Кўнги хотиржам бўлмаса, кишига ҳеч нарса татимаскан. Ёқуббойнинг ишини нима қилса экан-а? Бу ёқда қоровул. Икки қайиқнинг учини ушлаб олган кишига ўхшайди. Унисини ҳам, бунисини ҳам қўйиб юборолмайди, қўйиб юборса, сувга фарқ бўлиши тайин. Қоровул ҳам бошга бало бўлди, озгина безътибор қолдирган эди, Жамшиднинг меҳмонлари ишнинг пачавасини чиқарди. Рустам Қодиров уни танибди. Ана энди қоровул, жойимни ўзгартирмасанг, ҳаммаси чатоқ бўлади, деб қутқу солиб юрибди. Энди Кабир ақл қилиб, пайсалга солмай айтганини қилса – хўп-хўп, чўзса – урди худо.

Рамазон Наимнинг кайфияти бузилди. Унга кабинети ҳам торлик қилди. Агар ўтмиш хотираларига берилиб ўтирса, боши ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас. У пальтосини шкафдан олди-да, биллагига ташлаб кабинетдан чиқди. Котиба дик этиб ўрнидан турди.

– Қизим, мен зарур иш билан кетяпман, сўраганларга ўзинг бир нима дерсан, – деди у тушкун кайфиятда. – Биров сўраса қўнғироқ қиларсан. Бу ёғи ўзингга қолди.

– Хўп бўлади, – деди котиба қўлини кўксига қўйиб. – Қўнғироқларга ўзим жавоб бериб тураман.

– Хона очиқ қолди, қайтмасам, ўзинг бекитиб кетарсан.

– Албатта!

У эшик томонга ўгирилганида ноҳос тошойнага – ўзининг аксига кўзи тушиб, бир зум тўхтади. Нақадар ҳорғин чеҳра. Агар ойнадаги аксига тил битганида, биринчи навбатда таскин берарди. Бироқ у ўз аксига хаёлан савол берди: хўш, айт-чи, мен қаерда хатога йўл қўйдим? Ойнадаги акси жим. Биласан, лекин айтгинг йўқ. Сен ҳам менга қаршисан. Вақти замонида не-не газеталарнинг биринчи бетини беагансан, суратинг остида “донгдор”, “миришкор”, “илғор”, “тадбиркор” деган сўзлар ёзилган бўларди. Эгарда эдинг, жилов қўлингда, истаган томонингга от чоптирардинг. Энди-чи, энди турқингдан қандай маънони ўқиш мумкин? Аввалги мағрурлигинг қани?.. Э-ҳа, қалбинг ўзингдан олдин қариганга ўхшайди.

– Хўп, мен кетдим, – котибага, кейин ойнадаги аксига яна бир бор истехзоли қараб олди-да, худди ичган одамдек гандираклаб эшикдан чиқди.

Ғаму ташвиш одамни муштдеккина қилиб қўяркан. Рамазон Наим хизмат машинасининг орқа ўриндигига бели синган тулкига ўхшаб ўтираркан, орқасига қарамади, орқага қарашга қўрқарди. Ҳайдовчи пешойнага маъноли назар ташлади, Рамазон Наим, уйга, деди.

Машина юрди, у ойнадан ташқарига боқар экан, қуёшнинг секин-аста уфққа оға бошлаётганини кўриб, ҳайрати

ошди. Ажойиб манзара. Бамисоли ҳаёт бошқатдан кулиб боқаётгандек, кўчада юрган одамларни энди-энди кўраётгандек, изтиробу ғам-ташвишлар ортада қолгандек. Лекин қандайдир номаълум туйғу уни еру кўкда содир бўлиши кутилаётган ўзгаришлардан огоҳ этаётгандек. Бу қандай ўзгариш, у нима беради, буни тасаввур ҳам қилолмади. Ёқуббой масаласида ҳамма танишларга сим қоқди, натижа ҳам, умид ҳам йўқ.

Ҳайдовчининг икки кўзи йўлда, камгап, хўжайиннинг кайфияти билан қизиқишни хаёлига келтирмайди, ўзини хотиржам қиёфаси билан уни ҳеч нарса ташвишга солмаётганини намойиш этаётгандек бўлди. Рамазон Наим ўзи сезмаган ҳолда ҳайдовчини унутди ва яна эрталабдан бери юз марталаб ўйлаган хаёлларига берилди. Сўнгги бир ой ичидаги воқеаларни хаёл кўзгусидан ўтказар экан, шундай қарорга келди: бу кунлар ҳам ўтиб кетар, ўйлаган билан ғам арирмиди!

Уни сирнинг беҳос очилиб қолиш тасодифи қўрқитарди. Аббоснинг айни дамда қаердалигини билса-да, ўзича уни аллақачон дала ҳовлини тарк этган, энди бу ташвиш унутилади ва қайтмайдиган воқеага айланиб кетади, деб ўйларди. Шундай бўлса-да, бағри ўртанар, ичидаги дардини кимгадир тўкиб солгиси, кимдандир таскин эшитгиси келарди.

Мана, унинг уйи. Шу уйга кириши билан ҳозир барча диққатбозликлари барҳам топади. Бу унинг мустаҳкам қўрғони, бу қўрғонга ҳеч бир кимса дахл қилолмайди. Ишонч, хотиржамлик, меҳр-муҳаббат – буларнинг бари ана шу қўрғонда, фақат ана шу ердагина ҳақиқий ҳаловатни ҳис этади, ўзини беҳавотир сезади; ўз яқинларининг овозидан бошқа ҳеч нимани эшитмайди. Тинч-осуда нафас олади. Ўз ўйинг – ўлан тўшагингга нима етсин! Бироқ эрталабдан бошланган дилсиёҳлик юрагини ҳамон изтиробга солади, масъулият юки елкасидан босади, тинчлик бермайди, турли ўйлар миясини тинимсиз пармалайди.

У қўнғироқ тугмачасини босди.

Эшикни Кибриё хоним эмас, бегона кимса очди. Бегона кимсани кўриб, адашдимми деган ўй билан эшик рақамига қаради. Йўқ, адашмаган экан.

– Кираверинг, адашмадингиз, – деди бегона худди унинг ўй-хаёлларини уқиб олгандек жилмайди ва унга йўл берди. – Марҳамат!

Рамазон Наим ҳам жилмайиш билан жавоб бериб, нимагадир эътироз билдирмоқчи бўлди, лекин бегона уни эшитмади. Уйга кириши билан яна икки бегонага кўзи тушди. Бегонанинг важоҳати бошқача эди. Рамазон Наим гангиди, елка қисди: булар ким, менинг қўрғонимга нима учун келишди экан, деб ўйлади. Наҳотки, Ёқуббойнинг дарагини эшитишган бўлишса? Қаердан эшитишди экан?

Унинг туси ўзгарди, тиззалари билинар-билинемас қалтиради. Йўлакда, деворга суянганча Кибриё хоним рўмолининг учини лабига босиб турар эди. Хотинининг рангу рўйини кўриб ачинди, аъзойи бадани совиди, титради, титроғини яшириш учун шоша-пиша қўлларини чўнтагига тикди.

Эҳ, агар Аббос билан Ёқуббойнинг савдоси бўлмаганида, нималарга қодирлигини кўрсатиб қўярди-я!.. У ўз ўйлари билан узоқ қололмади. Жасур Тўғоновнинг овози янгради:

– Нимани ўйлаб қолдингиз?

Рамазон Наим ичида Аббосни лаънатларкан, Жасурнинг саволига эътибор бермаётган киши каби кўрсатди ўзини. Жасур безътибор эмас эди:

– Биламан, нима ҳақда ўйлаётганингизни.

Рамазон Наим кечирим сўраган кишининг оҳангида савол берди:

– Нимани биласиз?

Жасур Тўғонов чорпаҳил, миқтидан келган, кўзлари ўткир йигит папкасидан буйруқ варақаси чиқариб кўрсатди.

– Қоғозингни қўй! Кимлигимни биласанми? – бир оз овозини баланд кўтарди Рамазон Наим. – Бу қоғозни ким берди

сенга? Айт-чи, ўша марднинг оти борми? Шаҳар бедарвоза эканми?

Жасур ҳам улоқни шунчаки бериб қўядиганлардан эмас экан.

– Хулосага шошилманг! Биз ҳали ўз сўзимизни айтганимиз йўқ. Ҳурматингизни сақланг.

Рамазон Наим бир оз ҳовридан тушди.

– Қанақа айб иш қилибмиз экан?

– Балки бу ҳақда Тиктепага борганда гаплашармиз.

– Шу ерда гаплашиб бўлмайдими?

– Ҳар гапнинг ўз ўрни бор. Сиз хотиржам бўлинг, ишимизга шубҳа ҳам қилманг. Биз фақат қонун доирасида иш юритамиз.

– Ҳечам шубҳа қилаётганим йўқ.

– Вазифамиз эл осойишталигини сақлаш, холос. Бировдан ўч олиш ёки бекордан-бекорга ранжитиш ниятимиз ҳам йўқ.

– Бунга ҳам шубҳа қилмайман, – деди Рамазон Наим. Кейин, буйруқ варақасини кўрай, дегандек қўл чўзди. Жасур қоғозни унга берди. Рамазон Наим уни синчиклаб ўқиди.

– Хўш, фикрингиз қандай? – деб сўради Жасур ва буйруқни олиб папкасига солди. – Мақсадимизни англаган бўлсангиз керак?

Рамазон Наим Жасурнинг юзига тикилиб туриб:

– Сафсата! – деди-ю, қалтираб кетди. – Унақа одамни танимайман. Сизларда бирорта далил-исбот борми?

У яна аввалгидек дадиллик қилмоқчи бўлди, аммо яна ўзини йўқотди ва сарғайган баргдек шалвираб қолди. Кибриё хоним: шундай салобатли, важоҳатли эркак оғзидан она сути кетмаган йигитчалар олдида ночор одамга айланиб қолганига ажабланди ва хўрлиги келиб, эрини биринчи марта кўраётгандек, унга эътибор қаратди. Ажаб, сочига оқ оралаб, ёноқ суяклари бўртибди, юзига кексайиш нуқси урибди. У эрига

бир нима демоқчи бўлган эди, ичидаги одам унга индамай туриш лозимлигини уқтирди ва изтиробли туйғулар қалбини кенгроқ чулғаб олди.

Кабир билан учрашган вақтни ҳозирги вақтга чамалаб кўрган Рамазон Наим бир оз енгил тортди: тўрт соатдан ошибди-ку. Бу вақт ичида Тиктепага бемалол икки марта бориб келса бўлади. Ишқилиб, Кабир пайсалга солмай, ишни дўндирган бўлсин-да. Улгурмаса, уйи куйди, умр бўйи қилган тоат-ибодати ҳавога учиб кетди.

У вақтдан ютишга ҳаракат қилиб кўрди:

– Бемаҳалда шу шартми, эртага ҳам кун бор-ку?

Жасур Тўғонов унинг айёрилигини сизди.

– Ҳар бир ишнинг охири бор, – тагдор гап қилди у.

– Албатта, ҳар бир ишни шошмасдан ҳал қилса бўлади, – деди Рамазон Наим.

– Фикрингизга тўлиқ қўшиламан, – деди Жасур қўлидаги папкани титкилаб туриб, – аммо бу ишни шошилиш амалга оширмаса бўлмайди. Бу жуда ҳам муҳим... мана бу суратдаги кишини танийсизми?

Рамазон Наим суратни қўлига олди-ю, солқа арқондаги дорбоздек қалқиди, аммо тезда ўзини ўнглади-да, кўзларини хиёл қисганча суратга гоҳ яқинлаштириб, гоҳ узоқлаштириб қаради.

– Танимасканман, – деб суратни қайтариб берди.

Кибриё хоним дув қизариб кетди, эрининг нигоҳини тугтиб, унга ишора беролмагани учун афсусланди. Чунки суратни унга олдинроқ кўрсатишган, у суратдаги кишини танишини, дала ҳовли қоровули эканини айтган, бундан эса эрининг хабари йўқ. Жасур суратни ола туриб Кибриё хонимга маъноли қараб қўйди.

– Демак, танимайсиз? – истехзо билан қаради Жасур. –

Ўзини кўрсангиз-чи, танийсизми?

Рамазон Наим елка қисиб, ўзини бефарқ қиёфага солди.



– Майли, бораверайлик-чи, бир гапи бўлар. Қани, марҳамат, – эшикка ишора берди Жасур. – Айтганингиздек, бе-маҳалда қолиб кетмайлик...

Тиктепа узоқ эмас, шаҳардан бир соатли йўл. Вақт эса шом қоронғилиги тушаётган пайт. Кузнинг майин шабадаси нам ҳавони суриб, оқшомни янада қорайтиряпти, атрофдан таралаётган доғланган ёғнинг аччиқ ҳиди димоққа урилиб, беҳузур қилмоқда. Ҳамма ишдан қайтмоқда, йўллар тирбанд, машиналар қатнови суст.

Жасур олдинда, Рамазон Наим орқа ўриндиқда, икки киши қуршовида бораркан, миясини қизилиштон чўқийди, ҳар чўқиганида оғриқ бошидан тўпиғигача, тўпиғидан бошигача зир югуради; икки кўзи Жасурда, дам-бадам шляпасини бошидан олиб, ичини рўмолча билан сидириб, яна кияди. Ўз уйи – ўлан тўшаги ортда қолди. Бу ёғи нима бўлади, – тасаввурига сиғмайди. Сирлар очилса, обрў-эътибори-ю мол-ҳолидан биратўласи айрилади-қўяди, бу бўладиган гап. Наҳотки, ҳаммаси чиппакка чиқса? Нега энди бундай бўляпти? Шундай бўлгач, хотини билан қизининг ҳоли нима кечади? Ўзи-чи, ўзи уларсиз қандай яшайди?

Бу саволларга жавоб битта: ҳозироқ айбини бўйнига олиши керак. Ўзи бошида хато бўлган. Аббосни ҳайдаб солганида олам гулистон эди. Бироқ ундай қилолмади, айбим очилиб қолади, деб қўрқди ва пировардида ўзига ҳам, унга ҳам ёмонлик қилди. Аввалги ёмонликларининг натижаси яхшилик билан тугаган эди, Аббосга ён бергани яхшилик эмас, аксинча, ёмонлик бўлиб чиқди.

Секин-аста унинг диққати сочилиб, вужудини енгил титроқ қоплади, Жасурнинг гаплари туман ичра узоқларда қолиб кетгандай туюла бошлади. Диққатини бир жойга тўплашга уриниб кўрди, қўлидан келмади.

– Шундай қилиб, танимайман, денг? – Жасур гаплашишга ўнгай бўлсин учун хиёл ўгирилиб олди. – Сизни, хотира-

си кучли, дейишганди. Аббос Бешимов деган киши ҳақида эшитганмисиз?

Рамазон Наим елка қисди.

– Эшитмаган эканман.

– Наҳотки?

– Негадир эшитмаган эканман.

– Буни қаранг-а?! Дала ҳовлингизнинг қоровулини биларсиз?

Рамазон Наим юзига ҳеч нарса англамаётган одам тусини берди.

– Минг афсус! – Жасур афсус билан лабини тишлади. – Одам ҳам ҳар куни ошу қатиқ бўлиб юрган кишисини бирпасда унутса-я? Одам танишда сиздан кўра кеннойи уста экан, суратдаги кишини дарров танидилар-а.

– Шундайми? – Рамазон Наим энсасини қашиди ва айни дамда тилига бошқа сўз келмади.

Жасур яна кулди.

– Баъзилар зарарига бўлса, туққан онасини ҳам танимаскан. Яна бир гап: барқарорлиги жиҳатидан ихтиёрий хотира ихтиёрсиз хотирадан самаралироқ, дейишади. Судланувчи жиноятни ёхуд шу жиноятга алоқадор кишилар қиёфасини хотирасида тиклай олмаса, суд бу ҳолни шароит ёки ҳаяжонланиш таъсиридан, деб изоҳлайди. Сиз-чи, сиз жиноятчини била-кўра яширишяпсиз. Уни танимаётганингиз боиси ҳам шунда.

– Мендан нима истайсизлар ўзи?! – Рамазон Наим силтаниб қўйди. – Етти ёт бегона учун нега мен жавоб беришим керак?

– Аббос сиз учун бегонами? Ҳақиқатнинг шаклини ўзгарган билан моҳияти аслича қолаверади.

– Танийман, десам, қутуламанми?!

– Тутиласиз! – қофия қилди Жасур. – Бир пайтлар Аббос қўлингизда ишлаган-ку?..

Рамазон Наимнинг қанчалик турқ-таровати ўзгарганини қоронғида билиб бўлмасди.

– Куйиб кетган Аббосми? – минғирлади у.

– Таниркансиз-ку! Лекин, куйиб кетган, деганингиз шу ерда ортиқча бўлди.

– Ўлган одамни ўлган дейди-да!

Жасур масалани кўндаланг қўйди.

– Биттаси айтган экан: олмани есанг – онанг, емасанг – отанг ўлади, деб. Ҳозир сиз шунақа аҳволга тушиб қолдингиз.

– Ҳақиқатни айтсам, бундан менга нима наф тегади?

– Наф тегиши-тегмаслиги кейинги масала. Сиз яна бир киши ҳақида маълумот беришингиз керак.

– Ким экан у?

– Элёр Ботиров. Уни қаерга яширгансизлар?

Рамазон Наим ҳушёр тортди.

– Куёвимнинг дўсти эканини биламан, лекин худо ҳаққи, бошқа гапдан хабарим йўқ!

– Эҳтимол, куёвингиз билар унинг қаердалигини? Ахир, уни Тиктепага меҳмонга олиб борган-ку... кейин Рустам Қодировни ҳам.

– Меҳмонга олиб боргани рост, менга айтган эди. Қоровул ҳақида ўшалар сизга хабар етказдими?

– Нега энди улар?

– Негаки, бирови Аббосни таниб қолган.

– Рустам Қодировми?

– Ҳа, ўша! Ўша таниб қолган... Лекин қасам ичаман, Элёрнинг қаердалигини билмайман!

– Асабийлашманг, биз Элёрни топдик.

– Нега унда мендан сўраяпсизлар?

– Хабарингиз бормикан, деб сўрадик-да, – деди Жасур инкор маъносида қўл силтаб. – Унда айтинг-чи, Аббосни қачондан бери яшириб келасиз?

Рамазон Наим Жасурнинг синчков нигоҳидан кўзини олиб қочиб, бир муддат индамай турди. Жасур унинг нотинч, безовта ва чарчоқ кўзларига тикилиб, саволини такрорлагач, ноилож гапирди:

– Шунчасини билибсизлар, буёғини ҳам билсаларинг керак?

– Унда Насим Норматов ҳақида нималарни биласиз? Ёки уни ҳам танимайман, дерсиз?

Рамазон Наим ўқ еган бургутдай жонсарак бўлди.

– Ҳаммасига Ғани айбдор, – бошини чангаллади у. – Ўша чалғитди мени.

– Насимнинг айбсиз эканини билармидингиз?

Рамазон Наим қилт этиб ютунди.

– Илон экан Ғани Бозор! – бўғилди у. – Мени алдади... қаердан билибман, ахир... Мен болага тегма дедим, у билганидан қолмади.

– Нега ўша заҳотиёқ тегишли жойга хабар бермадингиз? – Рамазон Наим қўрдим дейишга тили бормади. Шундай ҳам унинг жавоби маълум эди. – Қўрққансиз, – давом этди Жасур, – сирингиз фош бўлишидан қўрққансиз!

Рамазон Наим мум тишлади. Назарида, воқеалар ўнгида эмас, тушида кечаётгандек эди. Бу дунёда ҳеч бир сир очилмай қолмас. Шафқатсиз ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўяр экан-да!

У нима ҳақда ўйламасин, тақдирни ҳам, тарихни ҳам ортга қайтариб ёки унга ўзгартиш киритиб бўлмаслигига ақли этиб қолди.

Улар ҳали йўлда кетишарди. Рамазон Наим шунчалар хаёлга берилиб кетган эдики, дунёда ўзининг борлигини ҳам унутганди. Бирдан кўз олдига Аббос гавдаланди. Ҳозир у қаерда экан: ҳали ҳам дала ҳовлидами ёки ўғли билан валақлашиб Жинғилди томонга кетиб бораётибдимикан? У албатта ўғлига ўзини хокисор кўрсатиб, бошқалардан шикоят қила-

ётган ёки Рамазон Наимнинг шохи синганини, илгариги об-  
рўйдан асар ҳам қолмаганини, шунинг учун ҳозир ҳеч жойга  
сўзи ўтмаяпти, деган фикрни ҳам айтаётган бўлиши керак.

Узоқдан мўл-кўлгина ҳашаматли бино кўриниши билан  
Рамазон Наим ичкарига ўзини нима кутаётганлигини кўрқув  
билан кўз ўнгига келтирди. Оқшом аллақачон чўкиб бўлган,  
ҳаво ёқимли ҳидларга тўлган, осмоннинг кулранг қорамтир  
булутлари оша ой хира нур сочиб борарди. Назарида, ҳозир  
бораётгани дала ҳовли айна ғурбатхонанинг ўзгинаси эди.  
Қоронғилик қўйнида у янада ваҳимали кўринарди. Машина  
тўхташи билан, қора ёпинган киши югуриб келиб машина-  
нинг олд эшигини очди, Жасур Тўғонов ерга оёғини қўйиши  
билан киши ҳайқириқ билан хитоб қилди. Унинг хитобини  
Рамазон Наим эшитмади, лекин Аббоснинг шу ерда эканли-  
гини, у аллақачон қўлга тушганлигини ҳис этди.

Жасур унинг қўлтиғидан олиб ичкарига бошлади. У катта  
дарвозадан ичкарилар экан, безовталиқ ва хавфсираш туйғу-  
си уни бир лаҳзага бўлса-да тарк этмади.

Вестибюлда Аббос бошини эгиб ўтирарди, у Рамазон  
Наимни кўриши билан ўрнидан илкис туриб, бор важоҳати  
билан олдинга ташланди:

– Ўзинг бошлаб келибсан-да, хунаса!

Агар икки йигит унинг йўлини тўсмаганида, Рамазон  
Наимга етиб, унинг ёқасидан олган бўлар эди. Рамазон Наим  
бир қадам орқага тисарилар экан, рангу рўйи докадек оқариб  
кетди. Аббоснинг қўллари қайрилган, боши тиззасига эгила-  
ган бўлса-да, жаҳли сўнмаган, бор оғирлигини ташлаб, икки  
йигит қўлидан чиқишга уриниб кўрди ва лекин, омбурдай  
чайир қўллардан чиқа олмади. Аламидан ўзини ва Рамазон  
Наимни бўралаб сўкди.

– Мен аҳмоқ сен хумсага юкундимми? Кетингга шам  
ёқиб қўйиб ичингдаги ёғни эритиб олиш керак сени!.. Қилган  
яхшилигинг шу бўлдимми, хунаса?! Айт, қанчага сотдинг?!

Рамазон Наим дарров ўзини оқламоқчи бўлди:

- Тушунсанг-чи Аббос, мен буларни бошлаб...
- Ҳеч нимани билишни истамайман. Сен палит...

Бу суҳбатни Жасур Тўғоновнинг кескин овози бўлиб қўйди:

– Бас! Эртага ҳар бир ҳаракату ҳар бир сўзингиз ўзларингизга қимматга тушади.

Аммо Аббоснинг жаҳли босилмасди. У ҳеч нимани: Рамазон Наимнинг эътирозини ҳам, Жасур Тўғоновнинг дўқ-пўписасини ҳам эшитмас эди.

– Сезиб турибман, сен буларга ўзингни оппоқ кўрсатгансану, буни мендан яширишга ҳаракат қиляпсан... Балки мен сендан, Ғани Бозордан оппоқроқдирман, – деди Аббос хирллаб. – Сенлар қилган жинойтлар ҳақида сенлардан кўпроқ нарсани биламан.

– Нимани биласиз? – деди Жасур Аббосга қараб. – Хўш, айтинг, нимани биласиз?

Аббос ўзини бу жинойтга алоқаси йўқдай кўрсатмоқчи бўлди.

– Сен аввал ҳам шундай эдинг, – деди Аббос оғриқдан юзлари буришиб. – Ғани ҳам, сен ҳам дунёдаги энг кўрқоқ одамсанлар! Иккалангни ҳам турқларингни кўришни истамайман. Ўзларинг-ку мени шу йўлга бошлаган, энди бўлса, сотиб ўтирибсанлар. Майли, сотинглар, ҳамма нарсаларингни сотинглар: харидор топилса, кетларингни ҳам сотиб, эвазига базму жамшид қилинглар. Аммо бир нарсани – мен билан баравар жавоб беришни унутманглар!

Бўйнида айби борнинг тиззаси қалтирайди дейдилар. Рамазон Наим мушукни кўрган сичқондек қалтираб қолди.

– Сенинг жаҳлингни чиқарадиган нима иш қилдим?

Аббос кескинлик билан унинг гапини бўлди:

– Сени ўлдирса ҳаққи кетади одамнинг. Нима қилдим эмиш-а...

– Аббос, эсингни йиғ, сен бўлмағур гапларни гапир-япсан...

– Бўлмағур гап?! Ўзинг ўйла, эртаси йўқ одамнинг гап яширишидан нима маъно чиқади? Бу ўз-ўзини алдаш эмасми? Мен ўлган одамман, гапирсам нима қилибди. Энди менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ, ҳеч нарсадан кўрқмайман ҳам. Бизнинг ўйинимиз тугади!

Қовоғи ерга қадалган Рамазон Наим бошини кўтаролмади.

– Тушунаман, мен итлик қилдим, лекин...

– Сен илгари ҳам ит эдинг, фақат битта думинг йўқ эди, холос...

Рамазон Наим совуққина жавоб қилди:

– Бир кам дунё, ким янглишмайди дейсан?

Аббос чурқ этмади. Унинг томоғи қуруқшаб гапини давом эттиришга ҳоли қолмади, шунинг учун Рамазон Наимдан юз буриб, тақдирга тан берганини билдиришга ҳаракат қилди.

Жасур Тўғонов юзини ишқалади, бир-икки у ёқ-бу ёққа юрди-да, сўнг Рамазон Наимга юзланиб:

– Хўш, сизни бу ерга нима учун олиб келганимизнинг маънисига энди тушунган бўлсангиз керак? – деди.

Рамазон Наим нима деярини билмай қолди. Энди уни ҳеч нарса қизиқтирмай қўйди, атрофдагиларнинг нима ҳақда гапираётгани ҳам қулоғига кирмасди. У мағлубиятини тан олган, кечаги ютуқлари совун кўпигидек ёрилиб кетган эди.

Жасур Тўғонов бўйдор, елкалари кенг йигитга:

– Олиб чиқинглар! – деб буйруқ берди.

Аббосни олиб чиқишди. Рамазон Наим ҳам унинг орқасидан эргашди. Ташқари қоронғи эди ва мана шу қоронғилик унинг ички дунёсини ҳам чулғаб олди.

Танҳо ўзини қанчалар ёлғиз ҳис этса, кунлар шу қадар зерикарли ўтарди. Уйда қамалиб ётиш ҳам унга малол келар ва онасига турли баҳоналарни рўкач қилиб, одатий ўй-хаёлларига ғарқ бўлганча кўча айлангани чиқарди. Ёшлик ўтиб боряпти, аини ўйнаб-куладиган, меҳр-муҳаббатга ташна пайти, у бўлса ғам-ғуссага ботган. Биринчи муҳаббат дарди бедаво экан, у бир марта тушингга кираркан-у, кейин сени бир умр ўзига саргардон этиб юраркан. Муҳаббатсиз турмуш – умидсиз ҳаёт. Ҳатто келишган, бекаму кўст жуфт топганда ҳам барибир юрак қониқиш ҳиссини билмаса, яшадинг нима-ю, яшамадинг нима!

Севмаганинг билан бир уйда яшаш муттаҳамлик, ўз-ўзини алдаш билан баробар. Танҳо буни шундай тасаввур этади ва бу муттаҳамликнинг охири бормикан, бундай яшаш қачонгача давом этаркан-а, деб ўзини ўзи қийнади. У ҳар сафар ёлғиз қолганида эрини эмас, аксинча, Дониёрни – илк муҳаббатини, у билан кечган ширин онларнинг тафсилотини орзиқиб эслар ва ўша онлар яна қайтиб келармикан, деб умидланар эди. Ҳар сафар кўчага чиққанида, Дониёр билан яккама-якка учрашиб қолиш тасодифи унинг хаёлини чўлғар, ўзини у билан кўча айланиб юргандай ҳис этарди. Мана, у шу ерда, шундоққина ёнма-ён юргандай бўларди.

Усиз ортиқ яшай олмайди. Отасининг қаҳр-ғазаби ҳам уни бу йўлдан қайтаролмайди. Фақат Дониёр унинг излагани – ҳаётининг мазмуни. Ўз орзусига етишиш учун ҳар нарсага тайёр у. Жамшид-чи? У кўнглига яқин бошқа аёлни топади... Аммо у билан яшолмайди, энди ўзини ортиқ алдаёлмайди, алдаса, бор умри изтиробда ўтади. Унинг юраги ҳеч қачон бунчалар меҳр-муҳаббатга талпинмаган эди...

Танҳо уйга кириб, онасининг кипригидаги намни, хонадаги ўлик сукунатни кўрди ва сокин юраги булутсиз осмонда



момақалдироқ гулдурагандек ура бошлади. Кибриё хоним қизига диққат билан тикиларкан, юзига қайғу соя ташлаган, қуруқшаган лаблари эса пир-пир учарди.

– Сен қизга қачон ақл битади! – Кибриё хонимнинг хуноби ошди. – Эринг бинойи, кўнглингга қарайди, сени дейди, барча эркаликларингни кўтаради, ўз ҳаловатидан ҳам воз кечиб...

– Биламан, сиз ҳамиша у томондасиз, – Танҳо юзини буриштирганча онасининг гапини бўлди. – Шундан бошқа гапирадиган гапингиз йўқми?

– Гап йўгида гапираман-да! – жеркиб берди она. – Сенинг касринг отангга ҳам ураётганидан кейин нима дей?

– О худойим-эй! Гапингизга тушунмаяпман, менинг касрим нима учун отамга урар экан? Нима, мен гармидимки, палакатим отамга урса! Ёки яна юраклари безовта қияптими?

– Юраги оғриси уйда ўтирарди, барига кўнардим, лекин... – кўзига ёш олди Кимриё хоним, – отангни милиса олиб кетди.

Танҳо яшин ургандай титради:

– Нима?! Нега олиб кетар экан? Қайси гуноҳи учун?

Кимриё хоним одатда қизининг гапларига, эркаликларига жиддий эътибор бермаса-да, ҳозир уни ўзининг қайғусига шерик деб билди ва, қизим озгина бўлса-да дардимга ҳамдард, кўнглимга таскин бўлармикан, деб унга дилини очди:

– Отанг қулоқсиз бўлиб қолган...

– Нега бунақа деяпсиз? Отам қулоқсиз бўлиб, нима қилдилар?

– Менинг гапимга кирмай қўйди.

– Ойи, сиз ниманидир мендан яширяпсиз. Отамни нега олиб кетишди?

– Ўша турқи совуқни йўқотинг, деб минг бор айтдим, қулоқ солмади отанг. Ўшани деб бир кун бошига гавго ортириб олишини кўнглим сезиб юрарди-я. Мана, охири айтганим бўлди-да.

– Ким? Ким ҳақида гапиряпсиз? Отам кимни йўқотиши керак эди?

– Сенам керак пайтда йўқсан. Яна ўша гўрсўхтанинг думида юргансан-да? Уйдан чиқиб кетганинг қачон эди?

– Сизга неча марта айтдим, гўрсўхта деманг деб! Яхшиси, отамдан гапиринг! – Кибриё хоним йиглаб-сиқтаб катта уйга йўналди. Танҳо унга эргашаркан, онасининг тушунуксиз хатти-ҳаракатларидан сиқилди. Катта уйнинг кўчага қараган деразаси очиқ, шамол пардаларни ўйнайди, дераза ортидаги дарахтнинг шоҳларини қисирлатади, осмоннинг қовоғи солиқ, гўё бу уйда бўлаётган воқеалардан у ҳам норозидай. – Турқи совуқ деганингиз ким ўзи? Гапирсангиз-чи бундоқ!

Кибриё хоним диванга оғир чўкди:

– Нега ота-онангнинг аҳволи сени ташвишга солмайди-а?

– Бошқа ташвишларим ҳам етарли...

– Нималар деяпсан ўзи! Ахир, эчкига шох битса, ота-она керакмасми?

– Сиз менга тасқара кимлигини айтинг?

– Дала ҳовлимизнинг қоровули. Ўшани топиб берасан, деб отангни олиб кетишди.

Танҳо бу гапга ҳазил сифатида қараб, бир оз тинчланди.

– Ваҳимангиз қурсин. Мен, отам бирор ишқалга қўшилибдиларми, деб эсим кетди. Иллат қоровулда экан-ку.

Қандил шуъласи тушиб Кибриё хонимнинг ёшли кўзлари янада ёнди.

– Албатта, бундан мен ҳам хурсандман... Аммо, биласанми, қоровул билан отанг ўртасида бир гап борга ўхшайди, хавотирим шундан. Отангни ранги ўчган. Ўша одамни қишлоқда ҳам кўрганман. Отангга шундай десам, бошқа одам, деб мени енгди.

Танҳо далда бергандай онасини қучоқлаб олди.

– Ўзимнинг ойижоним, бегона одам учун нега биз қайғуришимиз керак? Бирор айби бордир-да. Бунинг бизга дахли

йўқ. Сиз ҳамма нарсани кўнглингизга олаверманг, миянгиздан чиқаринг. Ана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади.

– Менга қара, – қизининг қучоғидан юлқунган Кибриё хоним унинг гапини кесди, – ўз уйимга сиғмаяпману, сен бўлсанг, кўнглингизга олманг, дейсан. Отангга бир гап бўлса, кейин нима бўлади, тасаввур қиляпсанми?

Кибриё хоним жиғибийрон бўлса-да, хавфни сезмасди ва бунинг учун қайғуришга ҳожати йўқ, деб ўйларди. Бунақа хатарларга ўрганиб қолган, бу каби хатарлардан эри доимо омон чиққан. Кибриё хоним қачонки бошига ғам тушса шунақа томоша кўрсатар, қизига бақирар, хатар чекингач, яна аввалги ҳолатига қайтар, шукрни унутиб, хотиржам юраверар, ҳатто эрининг соғ-омон қутулганидан ғурурланар, унга нисбатан қўзғатилган ишни адолатсизликка йўярди. Ахир, Рамазон Наим бир пайтлар номи тилга тушган раис эди, ҳозир ҳам министрдан кам эмас. Уни неча бор оёғидан чалмоқчи бўлдилар, лекин у ҳар сафар чап бериб, сувдан қуруқ чиқарди. Мана шу данғиллама уйни айтмайсизми? Қишлоқдан битта кўйлак билан келиб, бирпасда ватанли бўлиб ўтирибди. Ваҳоланки, у билан келганлар ҳали ҳам ижарадан боши чиқмайди. Таниш-билишлар сероб, бу уйдан меҳмон аримайди. Бу ютуқларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини ҳис этган Кибриё хоним худодан эрига доимо омад тилайди. Гоҳида эрининг теграсида кечаётган воқеаларга ўзича баҳо берганида, кўзикмаганмикин, деб азайимхонга югуради. Мана ҳозир ҳам миясида шу гап.

– Отанг кўзиккан, қизим! – ишонч билан хитоб қилди у. – Анчадан бери ўқитмай қўйдим отангни. Хўп бепарволикка берилдим-да. Ойда бир суратига дам солдириб келганимда ҳам, шунақа палакатлардан нари юрармиди...

Танҳо онасини койиб берди:

– Иримчилигингиз қолмади-да! Мени деб қаерларга бормадингиз, хўш, бирор натижаси бўлдики? Ўша дуохонларин-

гиз худо эмас, ҳаммага бахт улашадиган! Аввало пешанага берсин, бошқаси бекор. Ҳаёт шунақа: гоҳида ундоқ, гоҳида бундоқ. Худо бизларни ҳам унутмас...

– Дуонинг кучини билмайсан-да, сен нодон қиз!

Танҳо қарши жавобга оғиз жуфтлаганда, туйқус эшик кўнғироғи чалинди. Эшикни очди-ю, остонада Жамшидни кўриб, совуққонлик билан, келардингиз, деб кесатиб, йўл бўшатди. Кибриё хоним хомуш эди. Хотинининг кесатиғи, қайнанасининг хомушлиғи Жамшидни ўйлатиб қўйди ва шуни сездик, бу ерда қандайдир кўнғилсизлик рўй берган?

– Тинчликми? – Кибриё хонимга юзланди у. – Дадам ҳали ишдан қайтмадиларми?

Кибриё хоним йиғи билан жавоб берди.

– Нималар деяпсиз?! – Жамшиднинг кўзлари чақчайиб кетди.

– Ўша соқовни деб-да...

– Қоровулми? – Жамшид гап нимада эканини дарров тушунди. Агар қоровул қўлга тушган бўлса – тамом. Нима қилиш керак?

– Ўғлим, дачага боринг-чи, нима гап? – Кабриё хоним ялинчоқ овозда деди. – Соқов бировникига ўғриликка тушганми?

– Менми?! – деди-ю, Жамшид тезда ўзини ўнглаб олди: – Ҳа, мен!.. Ҳозир... ҳозир бораман-да, дадамни...

Жамшид Тиктепа сари юраркан, ғамгин ўйлар хаёлидан нари кетмай қолди. Қизиқ, битта нохушликдан қутулса, бошқасига тугилади-я. Шу пайт қулоғига: “Нега мен Элёр бўлиб туғилмадим?” деган сўз чалинди. Бу сўзни қачон ва қаерда эшитган эди-я? Ким айтган эди бу сўзни?.. Ахир, ўзи айтган эди-ку! Ўшанда нима воқеа бўлган эди?.. У воқеа қандай рўй берганини эсламоқчи бўлганди, осонгина кўз олдига кела қолди. Воқеа ёзнинг ўрталарида бўлган эди. Июль ойида қора чиллаки пишди-да, икки кун ёмғир ёғди, бутун меваларга шира тушиб, сойнинг суви кўтарилди.

Жамшид тепаликдаги дарахт соясида Элёрни кутиб ўтирарди. Бир пайт сой бўйида қий-чув бўлиб кетди. Сойда бузоқча оқиб келяпти, қирғоқ бўйлаб бир гала қизлар чувурлашиб келяпти, улар орасида Ойсулув ҳам бор. Кейинроқ маълум бўлишича, қизлар сугир боққани чиқишган-да, Ойсулувнинг бузоғи сойга тушиб кетган. Жамшид сувнинг важоҳатини кўриб, бузоқчани деб жонимни хатарга қўяманми, деб ўзини дарахт панасига олди. Қарангки, қаердандир Элёр пайдо бўлди-ю, ўйламай-нетмай ўзини сувга отиб, бузоқчани қутқариб чиқди. Шунда Ойсулув Элёрнинг олдига келиб, унинг елкаларини рўмоли билан арта бошлади. Худди ана шунда Жамшид ҳавас билан: “Нега мен Элёр бўлиб туғилмадим?” деган эди.

Ҳар бир одамнинг бу ҳаётда ўз мақсади бўлади, Жамшидники эса йўқ. Ҳар бир одамнинг суйган ёри бор – у эса ўз хотинига бегона; ҳар бир одам турғун уй-жойига эга – у бўлса, ҳали ҳам бегонанинг уйига сиғинди. Шу аҳволида хиёнатга қўл урган. Элёрга тухмат қилиши шартмиди? Энди нима қилсин: Элёрни балога гирифтор қилсинми ёки тинч қўйсинми, Ойсулувни унутиш учун қаҳвахоналарда санғисинми ёки Нурияникидан паноҳ топсинми, ё Танҳонинг кўнглини овласинми? Мақсадсиз тентираш, сиқилиш ва эзилиш, ҳадеб битта саволга – энди нима қилсам экан, бу яна қанчагача давом этиши мумкин, деган саволга жавоб излаш билан умри ўтиб кетаверсинми? Хотини бору, муҳаббат йўқ. Хотин ўзи билан ўзи овора: эри борми-йўқми – қизиқмайди, ташвишланмайди. Албатта, Танҳо у орзу қилган аёл эмас, устига-устак, кўнглида ҳали ҳам Ойсулувга бўлган севги ҳисси гоҳ-гоҳида жўш уриб туради, лекин бу севги сароб эканини ҳам яхши билади. Яхши билса ҳам, йиқилган курашга тўймас, қабилада олдинга интилаверади.

Йўқ, у ҳаёти давомида кимни чин дилдан севди, нимани қўлга киритдию кимга яхшилик қилди? Аёл муҳаббатини қо-

зониш учун битта севгининг ўзи етмайди, кўр-кўрона севги эса кишини хароб қилади. Ана шу кўр-кўрона севгининг оқибатида у ҳеч нарсага эришолмади, ҳеч бир кимсага меҳр ҳам кўрсатолмади. “Ҳа, инсон ғам-андухининг чеки йўқ, – деган қарорга келди у, – лекин ҳар қандай қайғу-аламларга қарамай, олдинга интилиш, қурбонлик бериб бўлса ҳам курашиш керак!”

Жамшид тезда эсини йиғиб, хаёл суришни бас қилди, чунки манзил яқин, муҳим иш устида ҳушёрлик лозим. У дала ҳовлига етмай, Бўзсув бўйида машинадан тушди-да, кўзи қоронғиликка мослашгунча ҳовли томонга қараб турди, кейин мушукча зийраклик билан ҳеч бир шарпани кўздан қочирмай олдинга босди. Шом еб чиққан ой йўлни ғира-шира ёритарди. Бу унга анча қулайлик – фонарь вазифасини ўтади. Зимистонда фонарсиз юриш ноқулай.

Яқин дўнгликка чиқиб, ҳовлига кўз ташлади. Дўнглик қўшни томондаги яйдоқ ер бўлиб, пояли ўтлар қовжираб ётар, оёқ босса шитирлаган овоз чиқарарди. Оёқ остига қарамаган киши ўзини билдириб қўйиши мумкин. Яйдоқ ер Бўзсув томонга энган, қирғоқ билан майдонча этагида ғов бўлиб, ғовнинг нарисида ёлғизоёқ йўл, ундан сув бўйига тушилади. Ҳовлида чироқ ёхуд бирор шарпа кўринмайди: бу ерга келишмаган ёки келиб кетишган...

Нохос қоронғилик қўйнидан бойўғлининг ёқимсиз овози эшитилди. Диққати бўлинган Жамшиднинг аъзойи бада ни совиган оҳак каби карахт бўлди. Бойўғлининг овози тун қизғин паллага кирганидан дарак берарди. Жамшид койинди ва қуриган бутани шитирлатмай деворга яқинлаша бошларкан, ҳар қадам ташлаши олдингисидан ўн чандон эҳтиётроқ эди... Туйқус йўтал овози эшитилди. Жамшид мумдек қотди. Ким бўлди экан?

Жамшид эҳтиёт шарт бир оз эгилиб, овоз келган тарафга син солди. Вақт ўтиб борарди. Ҳаво салқин, этни жунжиктиради. Нафас олиш анча енгил. Кўкда сокин сузаётган ой

атрофида юлдузлар ҳам милтиллаб қолди. Жамшид бу ерда ёлғиз эмаслигини сезиб, хиёл чапга бурилган эди, қоп-қора шарпани кўрди.

Шарпа секинлик билан ғовга яқинлашди. Жамшид уни диққат билан кузатди. Ҳатто ўзини билдириш учун йўталмоқчи ҳам бўлди, аммо тезгина бу таваккалдан қайтиб, шарпанинг яқинлашишини кутди. Шарпа яқин келганида у ўрнидан турди ва нигоҳлар тўқнашди.

Ғаройиботни қаранг! Бу – Кабир эди.

Улар бир муддат бир-бирига қараб турди. Афт-ангорларини, қош-қовоқларини қанчалик уйиб олганларини қоронгида билиб бўлмасди.

– Жамшид, бемаҳалда бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? – деб сўради Кабир эҳтиёт шарт паст овозда. Унда бесаранжомлик бор эди. – Бир ўзингизми?

– Бир ўзим, – пичирлади Жамшид. – Дардимиз биттага ўхшайди: сиз истаган одамлар менга ҳам керак.

– Пешинда келишим керак эди, аксига олиб ишлар кўпайиб қолди... Атрофни айланиб чиқдим, ҳеч зоғ кўринмайди... Сиз қачон келдингиз?

– Ҳозиргина келдим. Рамазон Қосимовични шу ерга олиб келишган экан.

– Ким?

– Орган-да! – Жамшид энди шивирлагандек бўлди. – Ҳаммаси равшан, афтидан, уларни бу ердан олиб кетишган кўринади.

Кабир титраб, кўзлари тинди.

– Нималар деяпсиз?! Қанақасига шундай бўлади? – қизишди у. Жамшид лоқайдлик билан бош қимирлатди:

– Вақтида келганингизда-да.

– Бундай бўлишини қайдан билибман?! – бўғилди Кабир. – Шошганда ҳам, улгуролмасканман. Шунини биларканлар, Рамазон Қосимович кеча айтмайдиларми? Аслида, ҳаммасига сиз айбдорсиз ўзи.

Бундай фикрни эшитиш Жамшид учун аянчли эди.

– Мен?.. Жим, кимдир келяпти!

Қоронғиликда яна бир шарпа гавдаланди ва у кўча чироғи нури тушиб турган ёруғлик томонга ўтди. Эркак киши экан. Бир қарашда унинг уйқуси қочиб кўча айланиб юрган шу ерлик киши эканини билиб олиш мумкин эди. У яқинлашгунча булар индамай туришди.

– Мирфаёз ака, ўзингизми? – Жамшид эркакни таниб қолди ва у билан қўл олишиб кўришди. – Ҳа, уйқу қочдимми?

– Одатим шунақа, ётишдан олдин бир айланиб келаман, – деди Мирфаёз ака Кабирнинг қўлини ола туриб, Жамшидга юзланди: – Укамни танимайроқ турибман, меҳмон бўлсалар керак-а?

– Ҳа, меҳмон, исмлари Кабирбек.

– Хўп яхши, хўп яхши.

– Тиктепада нима янгиликлар?

– Деярли янгилик йўқ, – деди етти қоққан кунжутдек нимжон, кўзлари киртайиб, юз суяклари бўртиб чиққан, гавдаси қанорга ўхшаган тўни ичида гугурт чўпидек қалтираб турган Мирфаёз ака ингичка қўллари енгига тикиб олиб. – Хотин билан қолдик, болалар бугун шаҳарга тушиб кетишди, қулоғимиз тинчиди-эй. Ўзларингда нима янгилик?

Жамшид ҳозиргина келганини, ҳали ичкарига ҳам кирмаганини айтгач, Мирфаёз ака атрофга назар ташлаб олди:

– Бир соатлар бурун “02”нинг машинаси кўринди шу ерда. Рамазон ака безовта. Қоровулинларни машинага босиб кетишди. Ҳайрон бўлдим, нима гап ўзи?

Кабир, афтидан нима дейишини билмай қолди. Жамшиднинг ақли югуриб, саволга ўзи жавоб берди:

– Қоровулар милисанинг учётида туради, уларни вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб туришади, шунга бўлса керак-да.

– Шунақами? – деди Мирфаёз елка қоқиб. – Мен ўйлабманки, бирор ўғрилиқ бўлибдимми, деб. Узр, сизларга халақит бермай, яхши дам олинглар.



Жамшид Мирфаёз акани узоқлаштириб, қандайдир асабий ва қалтироқ овозда:

– Бу мен учун ҳалокат, ҳар қандай ҳалокат катта фожиа. Агар фалокатнинг олди олинмаса, – деди. Унинг миясида эндиги воқеалар тафсилоти чарх урарди. – Рамазон Қосимовични шамол учурибдими, отангизни осмонда, деб фараз қилаверинг!

Кабирнинг юраги безовта ура бошлади. Нақд фалокатнинг ўзи рўй берган эди-да. Оҳ, мана энди Жамшиднинг хатосининг оқибати маълум бўлди.

– Эҳ сиз, илон экансиз, ука! Ҳа, ҳа, мен сизни энди билдим. Биринчи кўришгандаёқ ихлосим қайтган эди сиздан. Қайнатангизга ишонганим ҳам чакки бўлибди. Ишни пайсалга солаётганингиз етмагандай, бу ерга мухбир ҳам олиб келибсиз. Атайлаб қилгансиз буни!

– Қаердан билибман, улар отангиз билан таниш эканини, – деди Жамшид ўзини оқлашга ҳаракат қилиб. – Мен шунчаки дўстимни меҳмонга таклиф этгандим, холос. Унда отангизни танимасдим. Сиз ҳам, Рамазон Қосимович ҳам бир оғиз айтиб қўймаган экансизлар. Яшириш ниятларинг бор экан, нега олдинроқ мени огоҳлантирмадинглар? Шунчалар уста экансизлар, бу ишга мени аралаштириб нима қилардингизлар?

– Ёш боланинг гапини қилманг, – деди Кабир хўмрайиб. – Ҳатто шундай бўлганда ҳам бирор чора кўришингиз керак эди. Ахир, ҳамма имконият қўлингизда-ку.

– Қўлимда бўлгани билан, қонундан четга чиқолмасдим. Яна айтаман, ҳаммасига сизлар айбдор. Айбингиз бўла туриб, яна иддао қиласизлар-ей? Демак, отангиз ҳам, Рамазон Қосимович ҳам қўлга тушгани аниқ. Энди ҳаммаси бошидан бошланади. Ҳали уларнинг шалтоғига тойиб кетмасам гўрга эди.

Кабирга энди ҳеч ниманинг фарқи йўқдай эди ва шу билан бирга фикрига қатъий қололмасди, бунинг устига, умидсизлик уни ўз домига тортиб борар экан, йўқ жойдан илинж

излар эди. У кўп сабабларга кўра, отамни қутқариб олишга қурбим етади, деб ўйларди.

– Қўлга тушди дегани, ҳаммаси тамом, дегани эмас, – деди у қайсарлик билан. – Бу дунёда фақат ўлимга чора йўқ, холос. Ҳалиям вақт бор, айбни ана у Намознинг бўйнига қўйинг-да, ишни ёпинг. Агар шу ҳам қўлингиздан келмаса, одам топиб беринг, гаплашай. Оғзига сиққанини бераман. Пул масаласида муаммо йўқ.

– Йўқ, – эътироз билдирди Жамшид, – мен ҳам қайсарман. Тилла берсангиз ҳам, бу ёғига ҳеч ким кўмак беролмайди! Отангиз бир эмас, икки кишининг жонига қасд қилган, буни қўш жиноят дейдилар. Энди тақдирга тан беришдан бошқа илож йўқ.

– Имкониятдан фойдаланиб, шахсий ишларингизни ҳам бажариб олсангиз бўларди. Ақлли одам каллани ишлатади. Аини замонда ҳалол одамнинг косаси оқариши қийин.

Жамшид ғазабдан тутоқиб кетди.

– Бойлигингиз ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам сал ўзингизни босиб олинг, – огоҳлантирувчи оҳангда деди у. – Шукр денг, шунақа ҳалол одамлар борлигига. Худо ўшаларнинг ҳисобига бу дунёни сақлаб турибди. Бўлмаса, дунёнинг аллақачон ағдар-тўнтари чиқиб кетарди.

– Чакки эмассиз-ку! – кесатди Кабир. – Сўрашга рухсат этинг, ўзлари ҳам ҳалоллар тоифасиданмилар ёки қайнатангизга ўхшаб-а...

– Очик айтаман, ҳар қандай ёлғон бир кун келиб албатта миси чиқади.

– Борингиз шуми? – Киши олдиндан бир нарсани ўйлаб туради-да, ўйлагани амалга ошмаса, андишани йиғиштириб, юмма талашга ўтади. Аини дамда Кабирда ҳам шундай ҳол юз берди. – Йўқ, хўжайин! – деди сансирашга ўтиб. – Энди бу битта отамнинг муаммоси эмас, бунда сенинг отангни ҳам оладигани бор. Ҳалол-палол деган чўпчакларингни йиғиштир!

Ҳозир иккимиз ҳам чўғ босиб турибмиз, шамол турса лов этиб ёнамиз. Борадиган жойимиз ҳам битта. Энди айтганимга юрмасанг – тамомсан!

Сўз одамнинг ичида занжирбанд, ташқарига чиқдими, кишини хурсанд ёки хафа қилади, ё уни сўлдиради ёки ўлдиради.

Кабирнинг сўзи Жамшиднинг иззат нафсига тегиб, уни хафа қилди.

– Кўпам чиранманг, қўлингиздан ҳеч иш келмайди.

– Агар отангни қилмишларини очсам-чи!

– Отам тоза. У томонини михлаганман!

Кабир қисилган пружинадек сапчиди:

– Элёр-чи? Уни ҳам михлаганмисан?.. Нега жимсан? Баъзи бир ишлардан бизнинг ҳам хабаримиз бор. Хиёнатни хаспўшлаш қийин.

– Бу билан нима демокчисиз?

– Ё ишни бажар, ёки...

– Ахир, отангизни сотган Элёр-ку. Унга раҳмингиз кел-яптими?

– Йўқ, отамни сотган у эмас, бошқа биров. Мўмин деган бола бор, у ҳаммасини билади... Шунақа, ҳаёт сену мен ўйлагандан ҳам бошқача. Ўлигимиз ҳам, тиригимиз ҳам битта энди.

Ҳа, бундай баҳс узоқ давом этиши шубҳасиз эди. Жамшид қанчалар инкор эмасин, айби бўйнида, бунга асло бепарво бўлиши мумкин эмас. Бепарво бўлдими, енгилиши муқаррар. Ҳозир тақдири ҳал бўлаётган пайтда унинг учун битта йўл бор – муроса. Масалани ўз фойдасига ҳал этиш учун Кабир билан муроса қилиши керак.

– Унда, – муросага ўтди у, – мен кўндим, фақат бир шарт билан.

– Қанақа шарт? – деб сўради Кабир.

– Мен эртага қишлоққа кетаман. Шартим, мен қайтгунча Мўминга кўз-қулоқ бўлиб турасиз. Мўминни кўздан қочирсангиз, отангизга жабр бўлади.

– Бу шарт менга маъқул, – розилик билдирди Кабир қў олишиб. – Энди қайтсак ҳам бўлар. Мен отамни қидириб топишим керак. Қишлоққа қайси масала бўйича боряпсиз?

– Албатта, отангизнинг иши бўйича-да...

У тағин бир нима демоқчи эди, кўчадан қадам товуши эшитила бошлади.

## 7

Тўртинчи кун ҳам яримлаб қолдики, Жамшиддан дарак йўқ. У икки кунга, деган эди, икки кун ўтиб бўлди. Ишқилиб, бу кечикиш ҳам яхшиликкамикин? Рустам ака Мулқободдан қайтган бўлса, мени излаб юргандир, а? Хўп, у-ку қайга кетганини маълум қилиб кетди, мен-чи, мен нега маълум қилмадим? Жамшид хизмат сафарига кетган бўлиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам, бу ернинг бошлиғи мени билади-ку. Нега ундан ҳам дарак йўқ? Наҳотки, мени унутишган бўлишса?

Бир ҳисобдан унутишгани ҳам маъқулдай кўринди Элёрга. Икки кунда Намозни ўрганиб бўлмасди, дарди кўп эди. Лекин, Элёрни қийнаётган нарса, тўртинчи кундирки ундан хабар олишмайди, кўнги сўрашмайди – шуниси алам қилади!

Элёрнинг шубҳалари қалбида ғашлик уйғотди. Сохта маҳбуслик қимматга тушмаса эди. Негадир бўлаётган воқеалар мавҳум, тушуниб бўлмайди, ҳар куни хаёлнинг минг кўчасига кириб чиққанда ҳам тайинли жавобни тополмайсан. Элёрнинг ташвишига фақат Намоз шерик бўлса-да, у ҳам ўз қайғусидан ортмайди: озиб кетган, рангпар, кўзлари киртайиб, ҳансираб нафас олади.

– Сизнингча, буёғи нима бўларкин? – деб сўради Элёр хаёлдан чалғиб.

– Ҳаммаси худодан, нима бўлишини фақат у билади.

– Биз-чи, биз қараб тураверамизми? – тағин сўради Элёр.

– Биз сабр қиламиз. Сабрли инсон мукофотга лойиқ.

– Сабр-бардош ҳам эви билан-да.

– Нима ҳам қилардик, – эринчоқлик билан кўзларини сузди Намоз. – Сабр ва яна сабр. Келажакда бизни нима кутаётганини билмаймиз.

– Ҳеч нарсани билмасак-да, назаримда келажак мавҳумликка юз тутгандай. Бизнинг сўзимизга ишонишармикинлар? Ишонишмаса, нима қиламиз?

– Ўзлари ишонишмаса ҳам қалблари ишонади. Бунинг учун аввало биз ўзимизга ишонишимиз керак. – Намознинг тасаллиси кор қилдими, ҳар қалай, Элёрнинг чеҳраси бир оз ёришди, қалин қошлари хиёл ёйилди. – Менинг чекимга фақат ютқазилган, – деди у. – Бўларим шу энди. Сен эса ўзингни ўйла. Ёшсан, ёш умрингни беҳудага хароб қилма. Яхши бир одам топ, сени ҳимоясига олсин, кафилик берсин.

– Ўз-ўзингни ҳимоя қилолмайсан, демоқчимисиз?

– Мен бундай деяётганим йўқ.

– Унда нега кафиликка одам топ, деяпсиз?

– Ўзинг айтяпсан-ку, тўғриман, лекин тўғрилигимни исботлаб берадиган гувоҳ йўқ, деб.

– Ростдан ҳам айбим йўқ!

– Хафа бўлма, айбинг бўлмаса, кипригингга гард тушмайди...

Элёр ҳорғин кўзларини юмганда, хаёлида беихтиёр болалик хотиралари жонланди. Бола ёшидан гам-алам уни чирмаб, ёш бошига ташвиш юклайверди. Отасининг рангу рўйини кўрмади. Кимдир уни бўйдор, қорачага мойил киши эди, дейди: мироб бўлган экан. Кўпроқ отда юргани учун пиёда юрса ҳаққат қадам ташлаб, қаватидагилар кетидан югуриб юраркан.

Элёр икки ёшида онасидан ҳам айрилиб, тоғасининг кўлида катта бўлган. Онасининг ҳам юзини эслай олмайди. Тоғасининг хотини – Ойжамол янгаси, онанг қурғур гўзал эди, бахти чопмай ўлиб кетди, дегувчи эди. Рўзиқул тоғаси

яхши одам, жиянимнинг кўнгли яримта бўлиб қолмасин, деб кўп қатори кийинтирди, едирди-ичирди: эртага ўз нонини ўзи топиб есин, деб ўқитди, тўғри тарбия берди. Битта тоға еттита отанинг ўрнини босади, дегани шудир-да. У тоғасидан бир умр миннатдор бўлса арзийди.

Еттинчида ўқирмиди, дарахтдан йиқилиб оёғи синди. Шунда тоғанинг жон-пони чиқиб, дарахтни кесиб ташлади, сўнг дарахт экканни бўралаб сўқди, ваҳоланки, дарахтни ўзи ўтқазган эди. Янгаси, дарахтда нима айб, ҳамма айб ўзи-да, жудаям талтайтириб юборгансиз, ўз болангизга йўқ нарсани, етим деб шунга олиб берасиз, деб алампдан чиққан ва яна, етим кўзи асрасанг – оғиз-бурнинг мой қилар, етим бола асрасанг – оғиз-бурнинг қон қилар, ҳали кўрасиз шу етим оғиз-бурнингизни қон қилишини, деган.

Элёр тоғасининг бурнини қонатмади. Унинг кетидан тоғаси фақат раҳмат эшитди: шундай жияним бор, деб давраларда керилиб ўтирди. Афсус, умри қисқа экан, тоға жиянининг ҳузурини кўрмай ўтиб кетди. Ҳозир қариндош-уруғдан тоғасининг хотини, унинг икки қизу икки ўғли қолган. Одамларнинг кўзига Ойсулувнинг онаси қайнана бўлса ҳам, Элёр уни она деб билади. Ризвон хола ҳам куёвини тўнғич ўғлим, дейди. Қайнана касал эди, ҳозир аҳволи қандай экан?.. Элёр жуда афсусланади: олдида-ку Ойсулув бор, орқасида эса суянадиган ҳеч кими йўқ. Бир куни шундай вақт келадики, ҳар бир тирик жон йиқилиб, орқасига қарайди. Орқасида ҳеч кимни кўрмаса, олдида ҳам ҳеч ким кўринмайди... Хайрият шу Ойсулув ҳам бор...

Ойсулувни севиб қолганида, у фаҳми идроки ҳали оддий, майда-чуйда нарсалардан нари ўтмаган содда, маъсумгина бир қиз эди. Севги деган туйғу унга туман ичида қолган шамдек хирагина кўринарди. Қиз дуркун, истараси иссиқ бўлганида, Элёрнинг туйғулари жўш уриб кетди. Қиз отаси вафот этганидан кейин анча маъюс боқадиган бўлди. Элёр унинг маъюс

нигоҳларини ёқтириб қолганди, чунки маъюслик унинг ўзига ҳам хос бўлиб, шу қизга кўнгли чопарди-ю, аммо унга дилни очолмай, фақат зимдан кузатарди, холос. Ўзи-ку камгап, қизни кўрди дегунча, баттар соқовланиб қоларди. Туйғуларини дўстларидан яширарди, ҳеч кимга кўнгли ёрмаган бўлса-да, бутун синф унинг дардини аллақачон билган, айниқса, қизлардан севги борасида гап яшириб бўлмайди, ташингда яширсанг ҳам, ичингдагини кўзингдан билиб олишади.

Ёзнинг бошларида уларнинг синфини хўжаликнинг маккапоясига сўта йиғиштириш учун ҳашарга олиб чиқишди. Элёр Ойсулув билан ёнма-ён жўякка тушди-ю, ҳамманинг нигоҳи уларда бўлиб қолди. Пешиндан кейин бир-бирига дил розини айтиб олсин, деган ўйда йигит билан қизни холи қўйиб, болалар ҳар ёққа тарқаб кетишди. Иккиси бир соатдан кўпроқ вақт ёлғиз ўтиришса ҳамки, севги тўғрисида эмас, майда-чуйда – қайси фан осону қайсиниси қийин қабилидаги нарсалар ҳақида гаплашдилар. Гоҳ-гоҳ кўзлари тўқнашганда анордек қизариб кетишарди. Бироқ ҳар бири бошқаси севгидан сўз очишини кутарди.

Ўша куни гап очилмади. Эртасига Элёр катта тайёргарлик билан келди ва Ойсулувнинг холи қолишини кутди. У бир этак сўтани тарозига олиб бораётганини кўриб, ёрдамга шошилди. Табелчи сўтани тортиб олгач, иккиси бирга-бирга қайтишаётганда, у ўзида куч топиб, сени севаман, деди-ю, қизнинг жавобини ҳам кутмай ўзини маккапояга урди ва анча кун қизнинг юзига қаролмай юрди. Рўпара келганларида ҳам бошини эгиб ўтиб кетарди.

Ҳашар мавсуми тугаб мактабга қайтишди, яна ўқишлар бошланиб кетди. Бир куни Элёр синф навбатчиси бўлди, қолганлар эрталабки линейкага чиқиб кетаётганда, Ойсулув бир оз орқада қолди ва эшикка яқин бориб, Элёр томонга қайрилди-да, сизга йўқ демайман, деб чиқиб кетди.

Элёр ўша куни ўзида йўқ эди: икки кўзи Ойсулув томонда, ўзидан-ўзи жилмаяди, биров гапирса қулогига кирмайди,

танаффусда ёлғиз қолади – оёқ остига қарамайди, дарбадар ит-дек гангийди. Уни гангитган қудратли куч қизнинг нигоҳи эди.

Дарслар тугади, ҳамма уйига шошилди, Элёр бўлса ҳали ҳам мактабда. Қуёш нурига чулғанган мактаб биноси унга кулимсираб қарагандек бўлади. Одатда бахтидан масрур кишигина шундай қарайди. Жонсиз нарса ҳам киши қалбида қувонч ҳиссини уйғотадими? Севган кишининг кўзига ҳамма нарса жонли бўлиб кўринаркан-да. Элёр олдин бунақа ҳолатга тушмаган, атрофга бефарқ қарарди. Энди ҳамма нарса унинг кўзига чиройли бўлиб кўриняпти. Мактаб биноси назарида уни қутлаб, олқишлаётгандек. Бундан юраги ҳаприқадди, қулоғи остида Ойсулунинг, сизга йўқ демайман, деган қўнғироқдай овози жаранглайди.

У уйига қандай келганини ҳам билмади: ҳавонинг очиқ ёки булутлигини ҳам, йўлда бировни учратган-учратмаганини ҳам пайқамади. Шунчалар хурсанд эдики, дод деб юборгиси келарди. Ҳовлига сиғмай кетди, кўчага чиқиб, боши оққан томонга қараб кетаверди. Унинг боши Ойсулувларнинг ҳовлиси томон оққанини боғ этагига етганидагина сизди. Сизди-ю, қалбини уят ҳисси қамраб, ўзини боғ ичига урди. Боғ Ойсулувларнинг дала ҳовлиси бўлиб, ўртада девор бор эди. Бирорта дарахтга чиқса, ҳовли саҳни кафтдек кўринарди. Элёр дарахтга чиқиб, кўзи олма тергандек, Ойсулувни излай бошлади: уни яна кўргиси келди... Шу-шу, у кунда бўлмаса ҳам, кун ортиб, уч кунда бир дарахтга чиқиб, қизни пойлашга одатланди. Ҳатто бир сафар Ойсулувнинг онасига қўлга тушиб, “ўғри бола” деган лақаб ҳам олди...

Темир эшикнинг гижирлаши унинг ўй-фикрларини тўзгитиб, ҳар ёққа сочиб юборди. Остонада соқчи турарди. Элёр унга эътибор бермай, жойида ўтираверди. Ҳатто соқчи унинг исм-фамилиясини тилга олганини ҳам эшитмади. Соқчи гапини иккинчи бор такрорлагандагина ҳушёр тортди.

– Элёр Ботиров ташқарига!



Соқчининг хитоби унга ҳеч бир маъно англамади. Жамшид чақиряпти-да мени, деган ўй билан олдинга тушди. Йўлакка чиққандан кейингина Намоз билан хайрлашмагани учун ўзини ноқулай сизди ва, Намоз ака энди нима деб тушунаркин, деган ўй уни тегирмон тошидек босди. Ахир, тўрт кун сурункасига ҳамхона бўлди, дил-дилга боғланди...

Соқчи уни шип-шийдам хонага олиб кирди ва хона тўрида ўтирган кишига маълумот берди-да, Элёрни қолдириб ўзи чиқиб кетди.

– Қани, ўтиринг-чи, мулла йигит! – қарама-қарши курсини кўрсатди юзи чўзинчоқ, ўрдақбурун, биққи жуссали киши кесатиб. Элёр ўтириши билан: – Терговчиман, исм-фамилиям Мардон Мардиев, – деб ўзини таништирди ва чарм сумкадан қоғоз жилд чиқариб олдига қўйди: – Ҳа, йигит, журналист бўлсанг ҳам, ор-номусни жигиддонингга урган экансан-да! – деди жиддий оҳангда.

Элёр бепарволик билан:

- Нима учун номус қилишим керак? – деди.
- Қизиқ, айбингни ҳали билмайсанми?
- Қанақа айб ҳақида гапиряпсиз, тушунмаяпман?!
- Шунақами?
- Шунақа!
- Яхши, – терговчи истехзоли кулди, – айтсам, доводирамайсанми?
- Нега доводирарканман? Ўзингиз доводирамасангиз бўлгани.
- Тилинг бурро экан-ку!
- Айбим бўлмагач, тилим бурро бўлади-да.
- Демак, сенга ҳали айтишмаган?
- Ким нимани айтиши керак?!
- Тилинг бурро десам, ҳазилкаш ҳам экансан-ку!
- Сиз адашмаяпсизми, ишқилиб?
- Мен-ку адашаётганим йўқ, лекин сен нима учун ҳибсдасан, шунга ҳайронман. Айбингни билгач, менга тўхмат қи-

лишяпти ҳам дерсан? Шоир халқи хилватни хуш кўради, деб эшитгандим. Нима, хилват жой деб шу ерга келдингми?.. Кел, ади-бадини қўяйлик-да, мақсадга ўтайлик: сенга қора дори савдоси бўйича жиноят иши қўзғатилган, тушунарлими? Энди қайсарликни йиғиштир-да, саволларга бурро-бурро жавоб бер! Айбингга иқрор бўлсанг, суд буни инобатга олиб, жазони енгиллаштиради. Қайсарлик қилсанг, фақат ўзингга зиён қиласан, холос.

Мардон Мардиевнинг гапида бир ҳақиқат борга ўхшайди, деб ўйлаган Элёр шундай ҳолатга тушдики, бундай ҳолат-да ноҳос бир ёлғонни айтиб юборсанг бас – қарши томонда мурод ҳосил бўлади-қолади, баъзида эса ўша ёлғонни суқсанг ҳам, мурод ҳосил бўлмайди. Ҳозир эса муроднинг ўзи борми, йўқми – буни билиш учун ё ақл, ё вақт – иккисидан бири керак.

Элёр кўз олди қоронғилашиб, юраги увушиб кетди.

– Кимдир сиз билан ҳазиллашибди. Рост, шундай! Мен ҳеч бир саволингизга жавоб бермайман!

– Ишонганинг борми, дейман?

– Эҳтимол, бордир.

– Ишонганинг мабодо Жамшид эмасми? Агар ўша бўлса, у билан ҳоли қудрат гаплашиб, маслаҳатлашганмиз. Бemasлаҳат, прокурор қарорисиз айбланувчи терговга тортилмайди...

Элёр ҳайрон: қанақасига Жамшид бунга кўнди? У ҳақиқатни билади-ку! Ёки бу терговчи мени биров билан адаштиряптими? Гапнинг учини очсаммикан?.. Йўқ, охирини кўрайлик-чи, нима билан тугаркин?.. Бироқ Мардиевнинг тикандек қадалувчи, чуқур маънога тўла кўзларига боқиши биланоқ Элёрнинг вужудини ваҳм ҳисси эгаллади.

– Шубҳаларингиз ноўрин, – деди у юраги темирчининг босқони каби гупуллаб, пешанасига совуқ тер тепчиркан. – Менда гуноҳ йўқ, ишонаверинг. Қасам ич десангиз, қасам ичай, лекин ростдан ҳам бегуноҳман.

Терговчи унинг нима демоқчилигини сизди-да, ичида, ошириб юбормадиммикин, деб ўйлади ва сал мулойимлашди, аммо буни сездирмай, синовни давом эттирди.

– Мўмин Холбоевни қачондан бери танийсан?

– Ким у?! – ажабланди Элёр.

– У билан йўлда танишгансизлар, ҳамқишлоғинг, талаба... эсладингми? Қорадорини ўшанга сотгансан...

– Э, ана у қамчикўллик Мўминми?.. Уни танийман, ҳақиқатан ҳам у билан йўлда танишганмиз, лекин олди-бердимиз йўқ. Буни ким ўйлаб топган бўлса ҳам, ғирт ёлғон! Ким айтди бу гапни?

– Мўминнинг Чуқуркўприкдаги ижара уйида меҳмон ҳам бўлгансан.

– Тўғри, – деди Элёр, – меҳмон бўлганман! У ҳам бизнинг ётоқхонамизга келган. Гиёҳвандфурушлик ҳақидаги гап қаердан пайдо бўлди, бундан хабарим йўқ. Мен шундай чиркин ишга қўл уришим мумкинми?.. Буни ўзимни оқлаш ёки зиёлигимни пешлаш учун айтмаяпман... Қизик, нима дейишга ҳам ҳайронман.

– Мўмин шундай деб кўрсатма берган, – Мардиев папкадан бир варақ қоғоз чиқариб Элёрга берди. – Мана унинг кўрсатмаси, ўқиб кўришинг мумкин.

Элёр кўрсатмага кўз югуртириб чиқди-да, босиқлик билан:

– Ёлғон! – деди. – У билан юзлаштиринг!

– Юзлаштирамиз ҳам, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, – Мардиев папкадан яна бир варақ қоғоз чиқарди. – Мана бу Мўминнинг иккинчи кўрсатмаси. Бунда у аввалги кўрсатмасини рад этиб, сендан қорадори сотиб олмаганини ёзган. Хафа бўлмайсану, биринчи кўрсатма бўйича ҳовлингда тинтув ўтказилган.

– Тинтув?! Қанақасига?..

– Биламан, бундан хабаринг йўқ, албатта.

– Ахир... – Элёрга сўз қаҳат келиб, бошини чангаллаб ингради. – Ёлғон...

– Ўзингни бос, – уни тинчлантиришга ҳаракат қилди Мардиев. – Мен яна, бу ерга нима мақсадда ва кимнинг кўмагида кирганингни ҳам биламан. Жамшид Шарипов олиб кирган бу ерга, шундайми? – Элёр ноилож иқрор бўлди. – Энди айт-чи, у сенга ким бўлади?

– Яқин дўстим.

Мардиев бир муддат хаёлга берилиб, сўнг деди:

– Яқин дўстим, дейсанми? Ўша дўстинг билан сан-манга бормаганмисан, ораларингда гап қочмаганми?.. Ҳозирми, бундан олдинми, фарқи йўқ, очигини айтавер.

– Қанақа гап қочиши мумкин? Орамизда бирон гап қочганида, мени бу ерга киритармиди? Мақсадим яхши, бу ерга киритишини ўзим хоҳлаганман.

Мардон Мардиев мийингида кулди.

– Мақсадинг яхши, лекин дўстингни мақсади билан қизиқмаганмисан?

– Нималар деяпсиз?! Унинг менга нисбатан қандай гараз мақсади бўлиши мумкин? Бунинг исботи борми?

– Қаршимда турганингни ўзи исбот эмасми? Садоқатли дўст эканиннга шубҳам йўқ, лекин садоқат кўрсатган дўстинг сенга нисбатан хиёнатга қўл урганини ҳазм қилолмаяпман. Дунёда хиёнатдан ёмон нарса йўқ. У дўстликдан ҳам кучли. Наҳотки, сен дўстингни ҳаракатларида жинойат яширинганини сезмаган бўлсанг? Бу ерда узоқ қолишингга сабаб – дўстинг қочган, унга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Элёр қулоқларига ишонмади. Энг яқин дўсти хиёнатга қўл урганини тасаввурига сиғдиролмади. Мардиев унга бу хиёнатнинг сабаби ва сири нимада эканини, Жамшиднинг тутган йўли ва мақсадининг мазмун-моҳияти, ҳатто Намоз Жумаев иши бўйича унинг амалга оширган қинғир ишлари ҳақида гапириб бергач, Жамшид билан ораларидан қандай

гап ўтганини эслай бошлади ва кўп ўтмай у билан кечган бир воқеа эсига тушди.

Жамшид ҳам вақтида Ойсулугга оғиз солиб, совчи юбортирган эди. Наҳотки, шу воқеа ораларида совуқчилик тугдирган бўлса? Битта қизга юзта йигит ошиқ, қиз уларнинг биттасини танлайди, бунинг учун тўқсон тўққизтаси бир-бири билан юзкўрмас бўлиб кетмайди-ку. Наҳотки, Жамшид шу сабаб кек сақлаб юрган бўлса? Ёки бунинг бошқа сабаби ҳам бормикин? Бошқа сабаб эса ҳеч кўринмаяпти.

– Аҳвол ҳар қалай жиддий, – деди Мардиев Элёрнинг ўйга толганини кўриб. – Сен ўйлаётганингдан ҳам жиддий. Қандай тасаввур этаётган бўлсанг, ҳақиқатан ҳам шундай. Жамшиднинг ҳамтовоқлари айбларига иқроор, бўйинларини қисиб туришибди. Барини назоратга олганмиз. Хотин, бола-чақангдан ҳам кўз-қулоқ бўлиб туришибди.

– Балки бу жиноятга мен ҳам шерикдирман? – кутилмаган гап қилди Элёр худди ҳаммасига ўзи айбдордай. – Бировнинг дардини бошқага ибрат қилиш учун ҳибсхонага кирганимнинг ўзи жиноятдир? Кишининг ўзи тасаввур қилган нарсаси ўзига чиройли кўринаркан. Зеро, бир одамга чиройли нарса бошқасига хунук кўринар? Бахт-иқбол, орзу-ҳавас, гўзаллик – бари мавҳум, уни ҳар ким ўзича тасаввур этади. Шу ваядан ҳеч қачон ўзим орзулаган мақсадга етиша олмасам керак...

– Инсонда нима кўп – орзу кўп, – деди Мардиев. – Битта орзуси рўёбга чиқмай туриб, бошқаси чиқади ва кўзига буни-си унисидан гўзалроқ кўринади. Мавҳумлик эса киши қалбида чексиз орзу-истакларни уйғотади.

– Тўғри, орзу-ҳавас кишида ҳаёт қадрини оширади. Бирор орзуси амалга ошмаса, ўтмишдагиси билан юпатади ўзини. Жамшиднинг хиёнатни мени ўтмишга қайтишга мажбур этяпти.

– Нега орқага қайтар экансан? Киши бирор қийинчиликка дуч келиб, ишни юришмай қолса, оғир аҳволга тушади.

Шундай пайтда орқага қайтиш, бу – мағлубият билан баробар. Бахт бор жойда бахтсизлик, ҳақ бор жойда ҳақсизлик ҳам бор. Бирининг қадрига етиш учун бошқаси йўлингга тўғаноқ бўлади. Кураш эса тўғри йўлни танлашингда кўмак беради. Курашсиз чинакам бахтга эришиш қийин.

– Тўрт кундан бери шу ердан, назаримда шу тўрт кун юз йилга чўзилгандай. Баракалло Намоз акага, бир йилдан бери миқ этмай ўтирибди.

– Сенинг ҳаракатинг бекорга эмас. Сен туфайли жиноят очилди. Намоз Жумаев ҳам тез кунда озодликка чиқади. Ҳозирча бу ҳақда унга айтмайсан. Рустам Қодиров ҳам бизга анча ёрдам берди. У сени қидириб юрган экан, қаердалигингни айтдик.

Элёр бу янгиликдан қониқиш ва хурсандчилик ҳиссини туйса-да, умри бино бўлиб шу бугунгидай изтиробга тушмаган эди.

– Ҳонисдан ўрнак олибди-да, бу Жамшид жўрамиз.

– Ҳонис? Ким у Ҳонис? – деб сўради Мардон.

– Ўтмишда шунақа бир хиёнаткор ўтган. Ўз дўстини ноҳақ дорга торттириб, сўнгида халқ тақви лаънатга учраган.

– Қидирса, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам сен айтган Ҳонислар топилади. Энг асосийси, уларга имкон бермаслик керак. Бугун ким дўсту ким душман эканлигини билиб олдинг. Энди бу ерда ортиқ қолишингга ҳам ҳожат йўқ эди ўзи. Бироқ, яна бир хавф бор: Жамшид қўлга тушганча бир оз сабр этишингга тўғри келади. Келишганимиздек, бир-икки кун шу ерда бўлиб турасан...

Элёр жойига қайтди ва ўз қобигига ўралганча, Намозга ҳам эътибор бермай каравотига чўзилди. Намоз эса, бунақа пайтда кишини ўз ҳолига қўйиб бериш кераклигини, совиганидан кейин дард енгиллашини, иссиғида ярага тегиб бўлмаслигини, қолаверса, Элёрнинг кўнглини кўтариш кераклигини ҳис этарди-ю, аммо муносиб сўз тополмай мумтишлаб ўтирарди.

Элёрнинг сабри чидамади, ичидаги нафрат жўш уравердими, ўрнидан туриб ўтирди ва захрини сочиш мақсадида каравотга муштламоқчи бўлди, лекин қандайдир куч уни ўзига келтирди ва мушт бўлиб тугилган қўлини шунчаки силтади. Шу тахлит анча-мунча каловланди, диққати ошди. Аламига чидолмай энди ўрнидан турди-да, дилида кечаётган машъум ўй-хаёлларни даф қилиш ниятида у ёқдан-бу ёққа юра бошларкан, хаёлини Мардиевнинг умидбахш сўзлари билан чалғитди. Аммо барча уринишлари беҳуда кетди. Хаёли яна Жамшиднинг хиёнатига қочиб, унинг башараси кўз олдида гавдаланаверди. Кейин шундай пайтда уни эслаганига номус қилди.

– Асабий кўринасан, нима гап ўзи? – деб сўради Намоз охири сабри чидамай. – Бирор ёмон гап айтишдими?

Элёр жон ҳолатда бу саволга жавоб бериш учун каравотга ўтирди-да, гайришуурий равишда тишларини гижирлатди.

– Албатта! – деди хаяжондан бўриқиб. – Ҳар ҳолда бу ерда яхши гап эшитиш анқонинг уруғини излаш билан баробар. Қарангки, маст ҳолда рулни бошқариб, ўша одамни туртиб кетган эканман. Ҳатто гувоҳ ҳам топишибди. Ўша гувоҳ билан бирга ичганмишман!

Элёр шундай деб, дувва қизарди ва ҳолатини яшириш учун бошини эгди.

– Йўғ-э! Наҳотки?.. Сен шу гапга ишондингми? – Намоз тутақиб кетди. – Ҳа, буларнинг иши киритиб олгунча экан-да. Фақирнинг бошида тегирмон юргизишни яхши кўришаркан булар... Ёлғон – катта фожиа, унинг фойдаси ҳам, зарари ҳам гуноҳ! Агар ўзингга тўғри бўлсанг, ари воқеасини эсласанг кўнглинг таскин топади. Ёлғондан фойда кўрган одам охирида зарар, ростдан зарар кўрган, сўнггида фойда кўради... Уни-буни қўйки, аварияни қаерда қилган эдинг ўзи?

– Шу ерда – Азимкентда, – Элёр яна ёлғон гапирди ва яна дувва қизарди. Бироқ ёлғон гапиришдан бошқа иложи ҳам

йўқ эди. Ростини гапирса сир очилиши муқаррар. Майли, гуноҳ бўлса ҳам ёлгон гапириб тургани маъқул. – Мулқободдан юк олиб келгандим бу ёққа. Юкни топшириб питакка бораётганимда шу фалокат юз берди-да.

– Ўзинг мулқободликмисан?

– Ҳа, – деб юборди Элёр ва бирдан тилини тишлади. – Асли...

– Асли Мулқободнинг қаеридан: Бешкапа, Яккатут, Қумрабат, Мингчинор ёки Қамчикўлданмисан? – деб сўради Намоз жонсарақ бўлиб. – Қайси қишлоқдансан?

– Яккатутдан, – деди Элёр зўрға эшитиладиган қилиб.

– Йўғ-э?! – кўзлари чақнаб кетди Намознинг.

– Ҳа, ўхшамайманми?

– Ким ўхшамайсан деяпти, ўхшайсан... Кимнинг ўғлисан?

– Бобожон миробни эшитганмисиз?

– Бобожон мироб?! – деди-ю, шу заҳоти Намознинг тилига калтак синди. Гапиришни ҳам, савол беришни ҳам билмай тек қотди, бир нафас олдин юзидаги сумбул бўйли ғамгинлик ўрнини хушнудлик эгаллади ва бўйдор, тўрва соқол, истараси иссиқ отасининг сиймоси кўз олдида гавдаланиб, Элёрдан унга ўхшаш белгиларни излади ва охирида, отанг ҳаётми, деб сўради.

Орага хийла вақт жимлик чўкди. Элёр секин кафтига йўталди ва Намознинг савол назари билан қараётган кўзларига, титраётган қўлларига тикилди. Унинг кўзларида ёш томчилари йилтирарди. Элёр ўзини тутиб олди-да, ўртага чўккан ноқулай жимликни бузди.

– Рости, отамни ҳам, онамни ҳам кўрмаганман. Уйимизда суратлари ҳам қолмаган. Кўрганлар, савлатли киши эди, дейишади. Қошу кўзни отамдан олган эканман, лаб-даханимнинг ингичкалиги онамникига ўхшармиш. Нега сўраяпсиз, ёки кўрганмисиз у одамни?

Намознинг нигоҳи равшанлашиб, Элёрнинг гап-сўзлари илиқ тус олаётганидан мумнун бўлди.



– Бир марта кўргандайман. Отам ҳам мироб эди, кўпгина ҳамкасблари бизникига меҳмонга келишган, ўшанда кўрганман, ҳақиқатан ҳам савлатли одам эди, соқоли оппоқ, киндигига урарди. Миробларнинг иши ҳам қизиқда, улар кеча-кундуз ариқ ёқалаб юриб, хўжалигига ажратилган сувни қўриқлаб чиққан. Ҳафталаб, ойлаб бола-чақасини кўрмаган. Биз ҳам отамизни гоҳ-гоҳ кўриб турардик. Ўшанда онам раҳматли: “Бошқа хотин топиб олгансиз, уйдан қадамингизни узилиши шундан”, деб ҳазиллашиб қўярди. Отам: “Бошқасини топган бўлсам, қўлингдан нима иш келарди?” – деб куларди. Албатта, бу гапни онам ҳам, биз болалар ҳам ҳазил деб тушунардик. Кейин эшитсак, отам чиндан ҳам сойбўйилик бир аёлга уйланган экан. Бундан хабар топган онам чунон томоша кўрсатди, отам бечора саранглаб қолди...

– Кейин-чи? – қизиқсинди Элёр.

– Кейинми?.. Кейин ҳаммаси вақтга қадалиб қолди. Вақт ўтган сайин онам тақдирига кўника бошлади. Наврўз байрами арафаси эди чамамда, отам тап тортмай ўша хотинини уйимизга олиб келди: қошлари пайваста, юзлари думалоқ, бурнининг ўнг томонида анор донасидек холи ҳам бор эди. Отам уни бизга янги ойича, деб таништирганида, онамнинг тишлари бир қарич бўлиб кетганди... Кейин уни қайта кўрмадик. Отам қазо қилди, бир йилча ўтиб ўша аёлни ҳам ўлибди, деб эшитдик. Ўртада борди-келди, юз иссиқлиги бўлмагач, аёлни сўраб-суриштирадик. Биз болалар истаган билан онам бунга рўйхушлик бермаганди. Эсимни таниган пайтларим, ўгай уканг бор, деган гапларни ҳам эшитганману, бу шунчаки гап, деб ишонмаганман, чунки шундай бўлган тақдирда, онам бизга бир нима дерди-да. Отамнинг ўлиmidан тўрт йил ўтиб онам, кетидан опачам зотилжамдан ўлди, битта ўзим сўппайиб қолдим. Одамзоднинг боши тошдан экан, кўп хўрликларни кўрдим...

Элёр бу гапни эшитиб гўё ўрнидан турмоқчи бўлгандек қадини ростлаб, кутилмаганда ҳадик билан қўлини чўзди:

– Ўша аёлнинг исми нима эди?

Элёрнинг кўнглидан нимадир ўтганини сезган Намоз, аёлнинг исмини билса ҳам билмаганга олди.

– Исми эсимда йўқ, – деди гапни мухтасар қилиб. Кейин илова қилиб қўйди. – Аёлнинг анор донасидек қора холи ҳамон кўз олдимда. – Орадан хийла вақт ўтказиб яна деди: – Зотан, сендан тўрт-беш кўйлакни ортиқ йиртгандирман, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотдим... Ўзингдан қолар гап йўқ, ёш умрингни қамоқда ўтказиш ачинарли...

Шунда Элёр мағрур қиёфада ўрнидан турди. У ўзини шод-хуррам ва бахтиёр сезарди. Унда Намоз акаси эканлигига шубҳа қолмаган эди. Бунинг учун худога шукур қилиб, Намозни бағрига босди.

– Сиз каби отадан ёлғизман, – деди у ҳаяжонини яширишга ҳаракат қилиб, Намознинг елкасини силар экан, ўзининг ҳам кўллари титраб кетди, – ака-укам йўқ. Келинг, менга ака бўлинг, бир кун мени ука сифатида қабул қиларсиз. Ўзингиз айтганингиздек, ҳаммамиз битта ота-онадан туғилганмиз-ку.

– Албатта, албатта, – деди Намоз ҳам меҳр билан Элёрнинг елкасини силаб, – кулфатда ака-ука тутинган кишилар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлар экан. Сендай ука орттирганимдан хурсандман, ишқилиб.

Шу дамдан бошлаб ҳар иккиси ҳам ўзини қаерга қўйишни билмай, тоқатсизланар, тил учида турган гапни гуллаб қўйишдан ҳадиксирар эдилару, аммо ҳар бири бошқаси ҳақиқатдан сўз очишини илҳақ бўлиб кутарди.

Суҳбат эса яна давом этди.

## Учинчи қисм

### ХИЁНАТ

#### 1

Рамазон Наим кузни яхши кўрарди, куз – жўжани санайдиган, меҳнатнинг роҳатини кўрадиган, олқиш олинадиган фасл. Айниқса, “Мулкобод” хўжалигига раис бўлиб сайлангач, куз фаслини адолат фасли

деб атади, негаки, куз иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, мўътадил; адолат ҳам шундай. Ахир, бошқа фаслларнинг ҳам ўз жозибаси, таровати бор-ку. Майли-да, ҳар кимнинг табиати ҳар хил, лекин Рамазон Наимга барибир куз ёқарди. Куз ҳеч нарсага тобе эмас, мустақил. Уни ҳеч бир фаслга тенглаштириб бўлмайди, бошқа фасллар фақат кузга хизмат қилади. Куз фасллар пошшоси.

Кузда ҳам баҳорнинг хислати бор, чунки қовжираган майса-гиёҳлар қайта кўкаради, яъни бош кўтаради, бу жасурлик белгиси, улардан ибрат олиш керак! Бу фаслнинг яна бир хусусияти – воқеа-ҳодисалар тез ривожланади, уларни илғашга улгуролмайди киши, аввалги ҳамма ҳодисалар унга боғлиқ. Масалан, баҳорда гуллаб, ёзда етилган дарахтлар фарзанд кутаётган аёл каби кузни кутади. Кўзи ёриган аёлнинг қувончи эса оламга сиғмайди. Шунинг учун ҳам Рамазон Наим кузни яхши кўрарди. Унинг кузни яхши кўришининг яна бир сабаби, айти кузда омади чопиб, хўжаликка раис бўлди.

Тақдирнинг ўйини қизиқ-да, Рамазон Наим кузни яхши кўрса, ундан олдинги раис Халлоқ Ҳамробоев ёзни яхши кўрарди. Сабаби – бошқа фаслларнинг бари намгарчилик билан боғлиқ, унга нам ҳаво ёқмасди, урушдан орттирган жароҳати – оёқ оғриғи зўрайиб, тинкаси қурирди. Бундай пайтда ҳеч кимга билдирмай тишини-тишига қўйганча оғриқ билан курашарди. Бир неча йил оғриққа чидаб келди. Унда жароҳати янги, куч-қуввати бор эди, дардни осон енгарди, ёш ўтгач, оғриқ зўраяверар экан, уни енгиш қийинлашкан, оғриқ ўтиб кетади, деб киши ўзини алдаёлмаскан. У шу ҳолида қарийб ўттиз без йилдан ортиқроқ вақт хўжаликни бошқарди. Охири ҳоли келмай, раисликни топширға аҳд қилди. Қизиқ, раисликни топширгани билан оёғининг оғриғи босилармиди? Нима бўлса-да, у раисликни топширишга қарор қилди-ю, ўйланиб қолди: кимга топширса бўлади? Раисликка лойиқ номзод борми?

Номзодлар-ку сон мингта, афсус, уларнинг ичида таъбга ўтирадигани йўқ: бири чаққон, аммо муомаласи чатоқ; бирининг ҳисоб-китобга уқуви зўру хулқи яхшимас; бошқаси ҳар томонлама тузук, бироқ нафси бузуқ... Бунақаларнинг ичидан муносибини танлаб олиш Ҳамробоевни шошириб қўйди. Ишга ҳам, гапга ҳам, ҳисоб-китобга ҳам чечанлари бор эди, лекин уларда тажриба йўқ, ёшлигига борарди. Ана шундай пайтда Рамазон Наим Ҳамробоевнинг назарига тушди. У қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, олти йилдан бери бош агроном бўлиб ишларди.

Рамазон Наим Ҳамробоевнинг ниятидан сал олдинроқ хабар топиб, ўзини ҳар томонлама кўрсатишга, янги-янги ташаббус билан кўзга ташланишга ҳаракат қила бошлади. Ҳамробоев ташаббусни, голибликни ёқтирарди. Рамазон Наим раиснинг қитиқ патини топиб, қўшни хўжалик билан меҳнат мусобақасини уюштирди ва ўзи бош бўлиб, “Мулк-обсд”ни шоҳсупага олиб чиқди. Унинг ана шу иши Ҳамробоевнинг тезроқ қарор қабул қилишига туртки бўлди.

Рамазон Наим “Мулкобод”га раис бўлди-ю, хўжаликни кенг тармоқли хўжаликка айлантириб, тез орада туманда, кейин вилоятда довруқ таратди. Пахта ўз йўлига, сердаромад лимончилик, паррандачилик, асаларичилик, кўчатчиликка ва бир қатор “чилик-чилик”ларни ривожлантириб, Мингчинорда узумчилик бригадасини ташкил қилди ва яна у ерда қўш қаватли ҳам қишки, ҳам ёзги шийпон, шийпон олдида февралли катта ҳовуз қурдирди. Ишчи-деҳқонлар учун шахсий уйлар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, борингки, кинотеатр қуриб берди. Бу, албатта, унинг обрўйини ошириб, халқ меҳрини қозонишига омил бўлди.

Энди у кечқурунлари кабинетдаги диванга ўтириб олиб келажакнинг бир-биридан катта режаларини тузарди. Ўзини гоҳ сон-саноксиз хўжаликлар олдида машъал кўрсатган ҳолда уларга қолоқликдан чиқиш учун ибрат йўлини кўрсатиб бера-

ётган донгдор раис сифатида, гоҳ далама-дала юриб дехқонларга тўғри йўлни кўрсатувчи йўлбошчи сифатида кўришни истарди. Баъзан ўзини орқасидан барча хўжаликларни эргаштириб бораётган байроқдордек ҳис этарди. Хуллас, шу каби хаёллар қалбини забт этиб, руҳини кўтарар эди.

У жон-дили билан ҳаракат қилар, лекин тезроқ бир натижага эришишни билмай хуноб бўларди. Оёғига бир ботмон тош боғлаб қўйилгану, парвоз қилолмай хуноби ошди. Охири парвоз йўлини топди – таниш-билишчиликка муккасидан кетди. Мингчинордаги боғни меҳмон кутадиган масканга айлантирди. Шундан кейин ишлари юришиб кетди, қўл чўзса истаган жойига етадиган бўлди. Машқи зўрайиб, иштаҳаси кундан-кунга ҳакалак ота бошлади, қўшни хўжаликни ҳам қўшиб олгиси келди. Афсуски, бунинг иложи йўқ экан. Иложи йўқ нарсага бош қотиргандан кўра, иложи бор нарсага ҳаракат қилди. Мингчинорнинг тепаси бўз ерлар эди, ўзлаштирди, уларни қоғозда кўрсатмай, ҳосилдорликка зўр берди, машъалга, ҳақиқий Рамазон Наимга айланди. Ҳеч қачон ўзини баднафс деб ҳисобламасди, чунки ҳар бир ишни пухта ўйлаб, бадастир қилиб қўяр, бунинг учун қўлидан келган барча чорани қўлларди.

Раис шундай тезлик билан олға босар экан, йўлда жиндай хатоликка, эҳтиётсизликка йўл қўйди ва бу хатоликни кейинчалик билиб қолди.

Ғани Бозорни бош ҳисобчи вазифасига кўтарди. Ғани Бозор қўшни хўжаликда оддий ҳисобчи бўлиб, Рамазон Наимнинг мусобақада ютиб чиқишида унинг хизмати катта эди. Рамазон Наим у билан келишган: ютқазиб берсанг, курук қўймайман, деб сўз берганди. Раислик курсисига ўтиргач, сўзининг устидан чиқди-ю, бора-бора шу ишидан пушаймон бўлди. Ҳамробоев ҳам фирромликдан кейинроқ хабар топиб, у ҳам ўз танловида хатога йўл қўйганидан афсусланди, лекин вақт ўтган, яра битган, битган суякни тузатишнинг иложи йўқ.

Рамазон Наим энди ўзича ҳаётдаги йўлини топиб, устозга мутлақо эътибор бермай қўйди. Хаёлан унга осмону фалакдан назар ташлар ва уни кўзга илинмас зарра деб биларди. “Мансабга минишнинг йўллари кўп, – дерди таъна қилувчиларга. – Амал асов от, жиловлаб олсанг, у сеники. Шундай экан, отни қашлайсанми ёки бўш этагингни тутиб алдайсанми, бунинг айби йўқ, энг муҳими, отга миниб олсанг бўлгани!”

У ҳатто ўзига кўмак берган дўстларини ҳам писанд қилмай қўйди. Ғани Бозор унга бод-бод ўша мусобақадаги ғирромликни эслатиб турарди, аммо бунда ўзининг ҳам ҳиссаси борлиги учун сирни бошқаларга баралла айтолмасди. Рамазон Наим унинг таъна тўла гапларига чек қўйиш учун:

– Мен бу мавқега ўз кучим ва ишбилармонлигим орқали эришганман, сен ўзингни пеш қилаверма! – деди. Шунда Ғани Бозорга алам қилиб:

– Шундай деб ўйлайсизми? – деди. – Бир кун келиб омадингиз чопмай қолганда, яна кўмагимни қўмсайсиз, ўшанда салом берамиз.

– Жуда ошириб юбординг!

– Худди шундай, одам одамга ғанимат. Кирадиган эшигингизни қаттиқ ёпманг, ўзингиз сарсон бўласиз.

– Сен шунақа қиларверсанг, думингни тугаман!

– Ҳар нечук, орқам тоза, – деди Ғани Бозор жилмайиб. – Мени ҳайдаёлмайсиз, чунки сиримиз битта, буни эсдан чиқарманг.

Холмурод ферма мудирини, раиснинг қаватида юради. Омади бор экан, кўп ўтмай туман тайёрлов идорасига бош бўлиб кетди. Бу ҳам Рамазон Наимнинг хизмати шарофатидан. Раис моҳир шахматчи каби қайси донани қаерга қўйишни биларди. Холмуроднинг ўрнига туман банк бошқаруви раиси Матмуса Барноевнинг жияни Аббосни қўйиб, унинг кўмагида банкдан қарз кўтариб, бўрдоқчиликни кучайтирди.

Ғани Бозор ўз ишига пишиқ эди, сохта ҳужжатларга ўзи эмас, ёрдамчиси Насим Норматовга: “Жуда узоқдаман, раис тезлаштир, деб қўймапти, столимда ҳисобот қоғозлари бор, уни тезда оққа кўчиргин-да, аввал раисга, сўнг менинг ўрнимга ўзинг имзо чек-да, зуд бошқармага етказгин, гап чиқса ўзим жавоб бераман”, деб қўнғироқ қиларди. Албатта, Насим бу топшириқни бош ҳисобчи айтганидек ростонига етказарди.

Бир йили Рамазон Наим курортга борадиган бўлиб, хўжалик муҳрини бош ҳисобчига топширди. Курортдан якказанг амалдор билан улфатчилик баҳона жўра тутиниб қайтгач, мушугини ҳеч ким пишт демайдиган бўлди. Энди ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам унга: айтгани – айтган, дегани – деган.

Бироқ ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлгани каби, интиҳоси ҳам бор экан. Халқ: кўза кунда эмас, кунида синади, деб тўғри айтган, Рамазон Наимнинг кўзаси синди, кўзани ким синдирди – ҳеч ким билмайди.

Хўжаликни ревизия босди. Одатда, бунақа текшир-текширлар Мингчинорда ими-жимиде келишилар эди. Бу сафар “оғзи йўқ” тафтишчилар келдимиз, ҳеч кимга қулоқ бермай, ўзларига маҳкам, ҳар бир рақамни ижикилаб текширишар, раисдан тортиб идора қоровулигача юрак ҳовучлаб, ўзларини қўярга жой тополмай тўрт томонга югуришди. Ана шунда Рамазон Наим учун сичқоннинг ини минг танга бўлди, қаерга бош урмасин, кимга қўнғироқ қилмасин, нажот тополмади. Аббос қочди, Холмурод Шариф қудуққа тушиб кетди, Ғани Бозор, мен тозаман, деб ўзини четга олди. Насим кичкина одам, унга кўпам зуғум ўтказишмади.

Раис яккаланиб қолди. Наҳотки бу чиғириқдан ўтишнинг иложи бўлмаса? Наҳотки уни қўллаб-қувватлаб турган танишлар ойнанинг орқасига ўтиб кетишган бўлишса?.. Ҳамиша ҳаракатдаги одамни тўхтатса, у турган жойида ҳам юраверади. Рамазон Наимни ҳам тўхтатишди, лекин у юришдан,

ўйлашдан тўхтагани йўқ. Унингча, омаду ҳаёт, атрофдагилар ундан юз ўтиргандай.

Ўйлов юрагини омбурдай сиқиб, хириллаб нафас оларкан, Ғани Бозорнинг пичинг гапларини эслади: ҳамма можароларнинг сабабчиси, тафтишчиларни менга қарши гиж-гижлатаётган ҳам шу, деган қарорга келди. Қизик, бир дастурхондан туз еганлар ҳам бир-бирига ўчакишаркан-да!

Начора, энди бор умиди текшириш натижаларидан. Борди-ю, камомад чиқмаса, қутулиб кетади, агар тескариси бўлса... Ҳозирча фақат Насимнинг кўрсатмаси эшитилди, бошқалар жим, демак, ҳамма хавф олдинда ҳали. Ким билади, текширувчилар масаланинг туб моҳиятини билишга астойдил киришишса, балки Ғани Бозор ҳам айбига иқрор бўлар?

Ростини айтганда, Рамазон Наим ҳеч кимнинг бурни қонамай, ҳамма иш яхшилик билан ниҳоя топишини жуда-жуда хоҳларди. Ҳақиқатнинг ичига кириш уни васвасага солса, хавотир йўлдан қайтарарди. Бошига тушган бало қанчалар муқаррар бўлса, ундан қутулиб кетиш шунчалар мавҳум эди. У хатони бошқалардан эмас, ўзидан қидириши керак.

Почтальон унинг қўлига суднинг чақирув қоғозини тутказганида мурдадек оқарди: ҳамма нарса ошкор бўлибди-да! Ҳойнаҳой, бу чақирув қоғози ҳам Ғани Бозорнинг ишидир?..

Нохос телефон жиринглади. Гўшакни кўтариб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Кўнғироқ банкдан бўлиб, олинган кредитни тезроқ тўлаш кераклигини маълум қилишди. Тўғри, бундан икки йилча бурун Аббосни восита қўйиб, хўжалик туман банкидан паст фоизда кредит олган эди. Қарз унинг назарида аллақачон қайтарилган бўлиши керак. Чунки бир сўраганида, бош ҳисобчи, кредитни фоизи билан қайтарганмиз, деб ҳужжатларни кўрсатганди.

Қарз қайтарилган бўлса, бу яна нимаси? Уйи куйгур Ғани Бозор ҳамма нарсани чалкаштириб юборганга ўхшайди. Тозаман, деб орқасига сийган бу, муттаҳам. Тиқилинча бу



тўлов қаердан чиқди? Устига-устак, тафтиш деб хўжаликнинг банкдаги ҳисоб-рақами ёпиб қўйилган. Тоза ғавго бўлди-ку бу ёғи.

Қарз тўлашнинг фақат битта йўли бор – тўлов муддатини чўзиш. Матмуса ака муддатни чўзиб берармикан?..

Шу пайт эшик очилиб, бўсағада Ғани Бозор кўринди.

Раис аввал, ишга ўртоқ, бошга тўқмоқ мутаассиб устимдан кулишга келган, деб ўйлади, кейин тўлов қоғози ҳақида сўради:

– Икки йил бурун олинган кредит нега тўланмаган?

Ғани Бозор ўзини овсарликка солди.

– Қайси кредитни сўраяпсиз? – деди у ва бирдан эсига тушди. – Мен ҳам тўланган деб юрсам, Насимнинг эсидан чиққан экан. Бир оғиз менга эслатмабди ҳам.

– Бу ҳам Насимнинг айбими?

– Кимники бўларди? – Ғани Бозор шу ва шунга яқин гапларни гапириб, ўзи ҳам масъулиятсизлик қилгани, Насим ёшлигига бориб хўжаликка кўп ташвиш келтиргани, энди бу ташвишдан қутулиш учун қандай чора кўриш кераклиги, тафтишни тўхтатиб, ишни бости-бости қилмаса, бошларига катта фалокат тушиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирди. Раиснинг назарида унинг овози қарғанинг қағиллашига ўхшаб эшитилди.

– Қорашақшақдек бунча шақилламасанг? – деб жеркиди. – Айтган гапларингни турган-битгани ёлгон, алдайман деяпсанми? Менга ҳаммаси аён – ипидан игнасигача. Бу айнан сенинг ишинг. Майли, бунинг борди-келдиси йўқ. Мен аллада азиз, тўрвада майиз қилиб юрсаму, сен кўзимни шамғалат қилиб, устимдан мағзава тўқмоқчимисан?.. Бўлди, бўлди, рост гапингни судда айтарсан энди...

Ғани Бозор ўзини ташвишманд ва ҳамдард кўрсатишга уринди:

– Нега ундай дейсиз? Мен шунақа одамманми? Ҳеч ким азият чекишини истамайман. Яхшиси, жаҳдан тушинг-да,

мендан бу ёғи нима бўлади, деб сўранг. Биринчидан, тафтишда мутлақо алоқам йўқ; иккинчидан, ўзим ҳам сиз каби жабрдийдаман; учинчидан, хато мендан ўтган бўлса, тузатаман.

Раиснинг ростакам жаҳди чиқиб тургани, ўзини босди.

– Шу бугунгача кўзинг қаерда эди? – деди у мулойимлик билан. – Хатони тузатишдан аввал хато қилмаслик керак эди. Эсингдами, сенга, ўзинг учун жавоб бер, ўзгани қўй, деб неча марта айтиб эдим... Энди бу ёғи нима бўлади, ёлғиз худога аён! Аввал хато қилиб, сўнг уни тузатиш йўллари қидириш, бемаънилик. Ҳаёт судраган томонга бориш ва у айтган гапга кириш керак. Тентакларгина ҳаёт қонунига қарши бориб, уни ўз измимга соламан, деб чиранади. Охи, ревизияни билган экансан, нега гўрингни олдинроқ қазиб қўймагансан?

– Ревизияни сиз эшитган куни эшитганман. Худди шу хатони тузатмоқчиман-да.

– Майли, бу гапингга ҳам ишондим, сенга олдин ҳам ишониб барака топмагандим... Балки бу сафар... Хўш, хатони қандай тузатмоқчисан?

– Майлими ўтирсам? – раис рухсат берганидан кейин бели синган мушук боласидай судралиб келиб, стулга ўтирди-да: – Биламан, сизга оғир, – деди бўйнини чўзиб. У овозига атайин шикасталик оҳангини берди, – лекин сиз буюрдингиз, камина бажардим. Бунинг учун сизни айбламоқчи эмасман, мендан ўтган жойи ҳам бор. Шундай экан, мен шеригини ярим йўлда ташлаб кетадиган номардлардан эмасман ва сизни бегоналарга талатиб ҳам қўймайман... Хато қилганимни тан оламан. Ким хато қилмабди, дейсиз. Кўпам сиқилаверманг, ўйлаб қўйган режаларим бор. Муштни бир жойга урсак, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайди.

Ғани Бозорни эшитиш асносида нима қилаётганини билмай столнинг тортмасини тортиб-тиқаётган раиснинг қўллари қалтиради. У тортмани ўрнига тикаётиб бирдан ҳушига келди-ю, худди уйқудан уйғонгандек сўради:

– Хўш, қанақа режанг бор?!

Ғани Бозор эшикка ўғринча қараб олди.

– Айбни Насимнинг бўйнига қўямиз...

Раис ақлдан озгандек аланглади ва бисотига тажоввуз қилган ўғрини уриб бошини ёриш учун бирор нарса қидираётгандек ўтирган жойида типирчилади ва у ҳам йўғон бўйинини чўзиб эшикка қаради.

– Эсингни еганмисан? – деди ўшқириб. – Бўлмайдиган ишни қўйсанг-чи! Насимда гуноҳ йўқ ахир! Бегуноҳ одамга туҳмат қилиш яхши эмас, Ғани. Одам деган вазият қалтис пайтда ҳам одамийлигини йўқотмаслиги керак. Ана бор, Насим ёшлигига борди ҳам, дейлик. Ахир ҳар қандай масалага яхшиликча, ётиғи билан ечим топиш мумкин-ку! Қўрқоқлик ярамайди, ҳамма бало қўрқоқ одамдан чиқади. Насим ёмон бола эмас, гайратли, фаросатли, ўз ишини яхши билади. Шундай болани бадном қилиш... қўй бу гапингни...

Ғани Бозор хиралигини қўймади. Итдек вафодорлик билан бир неча дақиқа раисга ўқрайиб қараб турди, кейин, мана буни эшитинг-а, дегандек, гапида давом этди:

– Ишончли режа бу. Насимга, айбни бўйнингга ол, кейин ўзимиз сени қутқариб оламиз, десак кўнади. Яна қўлига бир нима берсак...

Барибир бу режа раисга ёқмади.

– Насим кўчада юрган овсармидики, бу гапингга лаққа ишонса.

Ғани Бозорни кўрган одам элликка борган дейди. Кўзлари қисик, кўк, қув, бурни катта, шалпангқулоқ. Ҳамма тулкилигини билса-да, идорада ишлагани учун ҳурмат қилишарди. У раисни ишонтиришга давом этар экан, тулкилик санъатини намоёниш қилишда давом этди. Қайтага тезроқ кетиши кераклигини билиб турса-да, худди боғлаб қўйилгандек ўрнидан турмади, худди калхатдек у ёқ-бу ёққа олазарақ боқаверди.

– Сиз хўп денг, қолгани билан ишингиз бўлмасин, – деди. Раис индамади. У гўё раиснинг фикрини билиб олгандек ўзини сипо тутганча ўрнидан турди. – Ундай бўлса, мен кетдим! – деб елка қисди. Раис ҳали ҳам эсанкираб ўтирар, башараси синиқ ойнадан қараб турган шарпадай қийшайган эди. – Бир нима денг, шунга қараб ҳаракатимни қилай. Эртага кеч бўлади кейин...

Раис орадан бир зумлик сукунатни ўтказиб бошини кўтарди.

– Бор, билганингни қил-э! Фақат бу ишингга мени қўшма. Ҳеч нима демадим, ҳеч нимани эшитмадинг... Уятинг йўқ экан сени... Кўзингни олайтирмай кет... Сенга қолган кунимга минг лаънат!

– Нолиманг, буни фақат сиз учун, сизни балодан халос этиш учун қиялман. Ўзим учун куярмидим. Айбим бўлса, бошимни ўзим кундага қўярдим. Мендан бекорга ўзингизни четга тортяпсиз. Биламан, раҳбарларга қийин. Хатони биров қилади-да, жавобига раҳбар балогардон... Сизга сираям ғаразим йўқ, кекчи ҳам эмасман. Шунчалик, ака-укачилик учун... Инсофимни еб қўйганим йўқ ҳали.

– Кўриб турибман, қанчалар инсофли эканингни.

Ғани Бозор кетаётган жойидан қайтди ва бўсағада туриб сўради:

– Насимни олдингизга қачон олиб келай?

Раис қўлини силтаб, чиқиб кет, ишорасини бергач, у бўйнини қисиб кетди.

Раис ёлғиз қолди. Ташқарида аллақачон оқшом чўккан. Табиат гўё унинг қайгусига шерикдай сокин, ҳар вақтдагидек мафтункор. Дарахт барглари ой нурида олтиндек товланади, борган сари сарғиш-қорамтир тун ер устига қора чойшабини ёймоқда, атрофда кишини сархуш этувчи бўй таралмоқда.

Раис қоғозлар уюлиб ётган столига кўкрагини бериб, чўт-ни шақиллатиб сеҳрли рақамларни турли мақомга сола бош-

лади. Ҳар бир рақамни деб дасталаб дафтарларни варақларди. Бироқ бош ҳисобчининг гапи мясида муҳрланганми, ҳар рақамда унинг қийшайган башарасини кўрар, қулоғи тагида эса “Айбни Насимнинг бўйнига қўямиз”, деган хитоби янграрди. Идора сув қуйгандек жимжит. Фақат раис уйғоқ, бошқалар баҳузур ухляпти. Очиқ деразадан куз шамоли эсади. У гўё қоронғилик қўйнида нималар содир бўлаётганини кўриш учун қўлини орқасига қилиб дераза олдига келди. Нигоҳи идора ҳовлисидаги гулзор ўртасида қад ростлаб турган тош ҳайкалга тушди. Ҳайкал қоронғилик қўйнида шу қадар баҳайбат кўринардики, узоқдан қараса девга ўхшаб кетарди. Маза-маза, ҳайкалга маза, ҳеч нарсани ўйламайди, ҳисоб-китоб билан иши йўқ, ҳеч кимдан кўрқмайди ҳам.

У ҳайкалга қараб тураркан, ҳайкал туйқус Ғани Бозор қиёфасига кирди ва унинг “Айбни Насимнинг бўйнига қўямиз” деган хитоби янгради. Шу заҳоти кўнглида бош ҳисобчига нисбатан нафрат ҳисси уйғонди-ю, уни уриб пўла қилгиси, тилини суғуриб олгиси келди. Афсуски, кўз-очиб юмгунча ҳайкал яна ўз ҳолига қайтиб, тошдек қотиб тураверди.

Раиснинг хаёли сочилиб, кўнгли ҳувуллаб қолди.

Наҳотки, битта тафтиш билан шунча меҳнати чипакка чиқса?

Хўш, у раис бўлиб келганида хўжаликнинг аҳволи қандай эди? Тўғри, олдинги раҳбарнинг хизматини инкор этиб бўлмайди, унинг ҳам ишлари чакана бўлмаган. У фақат пахтани ўйларди, халқнинг эҳтиёжи билан қизиқмасди. Энди-чи, хўжаликнинг ҳозирги аҳволи қандай?

Рамазон Наим янги қурилишларни кўз олдига келтирди, хаёлан ҳар бир ҳовлига, ҳар бир маиший ва маъмурий бинога кириб чиқди, далаларни, бог-роғларни кезди, ишчи-деҳқонлар билан суҳбатлашди, қалби қувончу шодликларга тўлиб, кайфияти тоғдек кўтарилди. Бу кайфият нохуш хаёлларни четга сурди. Рост-да, унгача хўжаликда бор-йўғи ўн иккита

коттеж бор эди. Ваҳоланки, кўпчилик чекка қишлоқлардан қатнаб ишларди. Энди эса хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий уй-жойига эга – янги биноларда яшашади, завқ-шавққа тўлиб меҳнат қилишади. Агар шу тафтиш панд бермаса, э-ҳе, қанча орзулари бор ҳали...

У ҳаётда маълум мақсад билан яшаш кераклигини яхши англади-ю, ён-верида бирон суюнчиқ тополмай хуноби ошарди. Суюнчиқлар кўп эди, унда иши авжида, омади чопиб турганди, бошига кулфат тушди-ю, ҳаммаси ўз қавагига кириб кетди. Ёнингда ёр-дўстларинг бўлмаса, хоҳ олдинга қара, хоҳ орқага қара, кўзингга ҳеч нарса кўринмайди, турган жойинг совуқ ва ваҳимали бўшлиққа айланади.

Раис охири муҳим жумбоқни ечгандек хурсанд бўлиб кетди: ўзининг изтиробидан кулди, гўё ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган ҳукмни ўқиди.

## 2

Тун билан куннинг мувозанати бузилиб, тун кундан устун келди. Мағлубиятга учраган қуёш уялганидан қора булутлар орқасига яширинди. Қуёшни кўрмаган куннинг туси ўзгариб, совуқ бошланди. Дарахтлар ҳали бутунлай баргини ташламай туриб, ўтинга айланди, мўриларидан чиқаётган тутун кўкка ўрлади. Аёллар сандиқ очиб, қиш ёпинчиқларини чиқаришди. Илиқ кунларга ишониб юрган кишилар алданди.

Насимга ҳам қийин бўлди. Суд мажлиси белгиланган кун яқинлашган сари унинг юраги пўкиллай бошлади. Шунча елиб-югургани, хўжалик деб жонини жабборга бергани қаёққа кетди? Емаган луқмасига ҳақ тўлаш учун судьялар қаршисида сарғайиб ўтирса-я! Бунинг турган-битгани шармандалик-ку! Бўйнида айби бор қора курсида ўтиради. Бундай кунга тушгандан кўра ўлгани яхши эмасми?

У қамоққа тушгандан кейин бирон-бир яхшиликка умид боғламай қўйди. Қайта ишга тикланмаслигига ҳам, қамоқ жазосидан қочиб қутулолмаслигига ҳам кўзи етди. Йўқсил йўқчиликка кўниккани каби у ҳам тақдирга кўниккиси келади, лекин аллақандай куч унга тинчлик бермайди: кўнса нима бўлади, кўнмаса-чи? Мана шу ўй-хаёл унинг юрагини қитқилайди. Бу ерга қандай келиб қолди ўзи? Ғани Бозорнинг ҳамма гаплари ростми ёки у буларнинг ҳаммасини тўқидими? Нега унинг ваъдаларига ишониб, қилмаган ишимни қилдим деб, ҳамма айбни бўйнига олиб ўтирибди?

Насимни Рамазон Наим ва Ғани Бозор билан юзлаштиришди. Улар Насимга бошдан-оёқ ҳадиксираб разм солишаркан, терговчининг олдида дабдурустдан, сени бунақа очафот эканингни билмаган эканмиз, дейишди. Бу гапни эшитган Насимнинг авзойи бадани қизиби, тили оғзига сигмай қолди.

Рамазон Наим ҳаммаси яхшилик билан битишига умид боғларди, бу бола фириб бериб қолмасин-да, дея ичини ерди, унинг фикр-ўйларини ўқиб олгиси келарди, аммо бўйнида гуноҳи борлиги учун тили қисик, фикрини бир жойга тўплотмас, ҳатто керакли сўзни тополмасди. Ғани Бозор кўзи билан гаплашарди, унинг нигоҳларидан аниқ бир маънони англаб бўлмасди. Насимнинг кўнглидан эса, ҳар иккисини ҳам адабини бер, ҳақиқатни судга ҳавола эт, деган фикр ўтади, лекин Ғани Бозорнинг нигоҳидан чўчиб, паст овозда: ҳаммага ўзи инсоф берсин, деб қўйди.

Раис билан бош ҳисобчининг қовоқ-тумшиғи осилди. Насимнинг пичинги уларнинг юрагига наштардек санчилди. Кўчага чиққанда ҳам бир-бирининг кўзига қараёлмай анча жойгача жим боришди. Охири Ғани Бозорнинг сабри етмай сукунатни бузди.

– Шундай бўлиши керак, – деди у ер остидан ҳамроҳига қараб. – Насимнинг пешанасида кўргилик бор экан-да. Энди

бу ёғига бошингизни кўтаринг, ҳеч нарсани ўйламанг, миқ этмайди. Ваъдани қуюқ қилганман...

– Биласанми, назаримда ҳозирча ўзини мардликка олиб ўтирибди. Лекин ўз ёғига ўзи қовурилаётгани кўзларидан шундоқ кўринади. Яхши иш қилмаяпмиз, Ғани. Бу ишимизнинг уволи бор, кўнглим негадир ғаш.

– Судгача сабр қилинг, кейин изига тушиб кетади...

– Ишқилиб, худо юзини тескари қилсин-да. Барибир болага жабр бўляпти...

– Қутқарамиз дедик-ку, яна нимани ўйлайсиз? Суд ўтгунча чидаб берса бўлди бизга, кейин худо пошшо.

Рамазон Наим билан Ғани Бозор кетгандан кейин Насимнинг ранги қум ўчиб, ўри ҳам, қири ҳам бир бўлиб қолди. У оддий бир дехқоннинг боласи эди, институтни тамомлади. Ўз кучи билан ўқиб, аълочи бўлгани учун уни ҳамма мақтарди. Миш-мишларга қараганда, институт домлалари иқтидорини юқори баҳолаб, уни аспирантурада олиб қолишмоқчи бўлишган экан, лекин у қари ота-онасини кўзи қиймай, қишлоғига қайтиб, хўжаликда оддий ҳисобчи бўлиб иш бошлабди. Орадан икки йил ўтмай бошига тушган бу савдо уни шошириб қўйди. Ғани Бозорнинг гапидан кейин у кўрқди, жонини азиз билиб, унинг гапига кўнди. Энди эса на раисдан, на Ғани Бозордан дарак бор, иккиси ҳам, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, қабилада гум бўлишди. Бу унинг ҳамиятига тегди, айбсиз айбдор бўлгани алам қилиб, жизибадор дунё кўзига сароб бўлиб кўринди. Ўзидан ўзим ўч оламанга тушди. Ҳаёт манзараларининг ранглари бир-бирига қўшилиб кетди. Энди ўзи манзара: томоша ҳам, томошабин ҳам ўзи. Суд бир ойча чўзилиб, декабрнинг охирларида уни етти йилга кесиб юборишди. Ўшанда ота-онаси туғаётган ит жон-жаҳди билан ер тимдалагандек, типирчилади. Адвокат Насимнинг ишини атайин эмас, шунчаки онгсиз равишда содир этилган, деб исботлаб берса-да, Насимни барибир шунча муддатга



кесишди. Хукми эшитиб, залда ўтирган ҳамқишлоқлар ох деди-ю, кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Чунки одамлар ким ҳақу ким ноҳақлигини дарров билиб олишди. Ғани Бозор билан раиснинг тарафдорлари уларни ўраб-чирмаб, айбларини яширишга қанча уринса, уларнинг бадкирдорлиги шунчалик бўртиб кўзга ташланарди. Насимнинг даладовурлиги, соддалигини кўриб унга раҳмлари келар ва хаёл гази билан унга берилган етти йил муддатнинг азоб-уқубатларини ўлчаб, этлари увушиб-увушиб кетарди. У ҳеч нарса юз бермайди, бутун қишлоқ менинг ёнимни олади, деб ўйларди, лекин одамлар худди унинг ўзи каби ўз дарди билан оворалигини, ҳаёт эса гўё у ёруғ оламда йўқдек парвойи фалак давом этарди. У уйқудан уйғонгандек, уни шу кўйга солган қаллобларга бўлган нафрати яна аланга олди. Суддан олдин унга, биз сени қутқариб оламиз, дегани, аммо кейинчалик у ўликми-тирикми деб хабар олмай унутиб юборганларини эслади ва аламу ўкинч ичини ёндирди: ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса. Ахир ҳамманинг кўзи олдида шармадаи шармисор бўлди-я!

Шунақа, уни қўлайдиган одам чиқмади. Насимнинг чўтига қараганда, иш бу зайлда тугаши мумкин эмас эди. У нималар қилиб қўйганини жуда кеч тушунди ва ўз-ўзига: “Борди-ю, ёзув-чизувда хатога йўл қўйган бўлсам, хато рақамлар остидаги нарсалар қани? Раис ва бошқалар ўйлаган талон-тарожлик рост бўлса, бундан чиқди, мен гирт ўғри, фақат алдоқчилик билан кун кечириб, энг эзгу орзу-ниятларимни ўзим топтаган эканман-да!” – деди.

У бу аламзадаликни нимага йўйишни билмасди. Ахир берухсат ердан хас олмаган одам, қанақасига ўғриликка қўл урсин? Балки унинг хатоси – ўғрининг номини яширганидир? Эҳтимол, юлғичларга ён берганидир? Албатта-да... У нотўғри йўл тутганига ишонди. Алданганини билди, жуда кеч билди... Осмону фалакда учиб юрганида, ўғрилар ерда туриб ишни бажариб қўйишибди-да...

Кейин замин дарди уни хаёлот олаמידан юлиб, ҳақиқий ҳаёт измига солди. Эсида, бир куни эрталаб идорага келса, қаҳру ғазабга миниб олган раис Ғани Бозорни тикка қўйиб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилаётибди: “Сен ҳўкиз, ҳўкизларни нима қилдинг? Бир ҳафта бурун терисига сиғмайдиган қорамоллар бир кунда чўп бўлиб қолди-ми?” Маълум бўлишича, ферманинг моллари семиртирилиб, пинҳона бозорга сотиларкан-да, пули арра қилинар, ҳисобга тўғри бўлиши учун ўрнига ўрин ферма яна озғин моллар билан тўлдирилар экан. Ниҳоят, бир соатча давом этган дўқ-пўписадан кейин раис сўкина-сўкина, бош ҳисобчига, ҳужжатини тўғрилаб қўй бўлмаса, деб елка қисиб қўяқолди. Яна бир куни худди шунга яқин ғалва узумчилик бригадири билан бўлди. Бош ҳисобчи қирқ тонна узумни ҳисоботга йигирма беш тонна қилиб ёзибди. Ғани Бозор, адашгандирман, деб бу ғалвадан ҳам қуруқ чиқиб кетди. Айниқса, раиснинг кўрсатмаси билан берилган ўн минг дона олма кўчати ҳеч бир ҳужжатда кўрсатилмай, гум қилишгани боғбоннинг ҳамиятига тегиб кетди. Оппоқ салқи мўйловли, қўй кўзли бу чол идорани бошига кўтарди.

– Сиз ўртоқ Бозоров кўп ножўя иш қилгансиз! Мана, раиснинг ёзиб берган қоғозчаси, биз шунга асосан кўчат бериб юбордик. Лекин, негадир бу сизнинг рўйхатингизга тушмабди. Нимага бундай?

– Отам, ишингизни билинг, – деди Ғани Бозор калонди-моғлик билан, – ҳисоб-китобни бизга қўйиб беринг.

– Мен талон-тарожликка тоқат қилолмайман! – деб кичқирди боғбон. – Кўпчиликнинг насибасига кўз олайтириш гуноҳи азим!

– Э, гап бу ёқда денг. Катта бузгунчи ўзилари эмасми?.. Жуда соз. Буни ҳисобга оламиз... Энди жўнанг-чи!

– Сиз аввал менга ҳужжатни кўрсатинг, кейин кетаман, йўқса...

– Хўш, йўқса нима қиласиз?

– Мен бу ишни шундай қўймайман.

Бу гапдан Ғани Бозорнинг жон-пони чиқиб, сўкишга оғиз жуфтлаган эди, раис пайдо бўлди-ю, нафаси ичига тушди. Раис вазиятни дарров баҳолади ва боғбонни юпатиб, унга жавоб берди, бош ҳисобчини хонасига олиб кирди. Раиснинг хонасидан анчагача бақир-чақир овозлари эшитилиб турди.

Кейинчалик бу эшитганлари ҳолва бўлиб қолди. Раис билдими-йўқми... билмай ўлибди энди... Ғани Бозорнинг кирдикорлари бир дoston бўларлик экан. Бир куни керак бўлар деб, бир-икки далилларни дафтарига ёзиб қўйганди, айти шу пайтда ўша дафтар эсига тушди-ю, нега олдин шу дафтарни эсламадим, деб афсусланди-да, ўтириб бир хат ёзиб, унда барча билганларини баён этди. Шундан кейин қалбида умид ва ишонч уйғонди, гўё қоронғидан ёриққа чиққан кишидек кўзлари чақнаб, дунё яна чиройли кўриниб кетди. Бу ёғига кунлар ҳам бир оз жўнашиб, баҳорнинг иккинчи чораги бошланди. Лекин у шу ўткан кунларда бўлари бўлди. Етти йилнинг олти ойи бир азобда ўтди. Ота-онасини, хотинини кўргиси, улар билан дилдан суҳбатлашгиси, уларга чин ҳақиқатни айтгиси келди ва қалби шу чексиз ҳис-туйғулар, қувончу соғинчлар нашъу намоси билан ёнди.

Оиласи билан учрашувга рухсат ҳам тегди, бундан унинг кайфияти кўтарилиб, танасида қизиқ бир жўшқинлик пайдо бўлди.

Чолу кампир ҳам олти ойдирки ганг бўлиб, бош кўтаролмай қолишган, айниқса, Кимсан бобонинг алами ичида, ўғрининг отаси, деган иснодни кўтаролмай, боши ҳам, ўғлидан жуда хафа бўлиб юрар ва қариган чоғида худонинг ғазабига учрагандай бели букилиб қолганди. Етмишга яқинлашган чолга бундай борди-келдининг ўзи оғирлик қиларди.

– Ҳақ экансан, нимага жим ўтирибсан? – Кимсан бобо ўғлининг гапини чўрт кесиб насиҳат қилди. – Ўйлама, ишни

қайта кўринглар, деб судга шикоят хатини ёз-да, далилларингни кўрсат! Агар менга айтган гапларингни ярми тўғри бўлганда ҳам, сен бу ерда ўтирмаслигинг керак. Бу ерда бир кун ўтиришнинг ўзи бўладими? У тирриқлар ҳа-ҳа, ҳо-ҳо деб юрсин-да, сен қон ютиб ўтиравер. Қаернинг гапи бу ўзи?..

– Ўғри бўлсам тақдирга тан берардим... Заррача айбим йўқ, ишонинг менга. Айтган гапим гап, отажон.

– Ишонаман, болам. Сени айблаётганим йўқ, лекин одам деган бунчалик содда бўлмайди-да. Энди ҳаммасига тушундим, тинч ўтирмайман мен ҳам... Оббо итлар-э, оббо кўппаклар-э!

– Адолат борми ўзи бу дунёда! – деди кампир оҳ чекиб. – Ҳеч бир диёнатли киши бундай қабоҳатга бормайди.

Бундай ҳамдардлик Насимга хуш ёқса-да, барибир унинг ичида чироқ ёқса ёришмасди, чунки бу ҳамдардликнинг унга фойдаси борми-йўқми, билмасди-да.

– Энди мен кечирмайман! – деди Кимсан бобо бўғилиб. – Судлашамиз, ўғлим! Уларнинг бурнини ерга шундай ишқалайликки, бир умр эсларидан чиқмасин! Қишлоққа борай, бу мартадларни айбини бўйнига олишларига мажбур қиламан! Бутун қишлоқ олдида шармандаларини чиқараман!

– Уларни ўзимга қўйиб беринг, ўзим таъзирларини бераман, – деди Насим қўлларини мушт қилиб. – Улар мени бадном қилишдими, энди шошмай туришсин, оёқларини осмондан келтираман!

Насимнинг гаплари Робиянинг аъзойи баданини қалтиратиб юборди ва ҳатто жаҳли ҳам чиқди. Ер чайқалиб, остин-устун бўлиб кетгандек туюлди. Бироқ чолу кампирнинг олдида сир бой бермади, эрига термилганча ёлғиз қолишларини кутди. Ёлғиз қолганларида эса, суд жараёнидан гап очиб, нега ёлғон кўрсатма бергани-ю барча айбни бўйнига олганини сўраб, Насимни йиғлаб-йиғлаб койиди.

Насим ўзини мардликка оларди-ю, аммо кўнгли хатарли бир нарсани сезиб тургандай гаш эди. У хотинининг бошига

шунча кулфат тушганига сабабчи ўзи эканини, унга ёрдам бериш қўлидан келмаслигини ўйлаган сари эзилаверди. Чамаси, у Робиянинг тортаётган изтиробларини, минг хил гап-сўзлардан қулоқлари қоматга келаётганини ич-ичидан ҳис этарди. Робиянинг аёллик иродаси матонат рамзидай кўринди ва у барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, ҳеч нарсадан нолимай, фақат яхшиликка умид боғлаб келаётгани Насимни ҳайратга солди. У борди-ю, мен бу ердан чиқолмай қолсам, хотинимнинг ҳоли нима кечади, деб ўйларди...

Тонг отар пайтда чолу кампирнинг олдига қайтаётганларида Робиянинг оёғи зил-замбил, этикчаси аза тутаётгандек гирчиллар, қалби эса музлаб борарди. Насим лайлак юриш қилиб келар, худди қўшдан бўшатишган ҳўкиздай пишқириб нафас олар, атрофга аланг-жаланг паришонхотир назар ташлар, кўзи иллаган нарсаларни энди ёки охирги марта кўраётгандек бўларди... Бошига қўндириб олган қора шапкаси мотам белгисига ўхшарди. У Робияга қарамай, бошини эгиб келарди.

Насим ота-онасию хотини билан юраги хун бўлиб хайрлашди. Худди уларни охирги марта кўриб тургандек меҳр ва ихлос билан қайта-қайта қучоқлашди. Чолу кампир ўғиллари билан тез кунда шодликда учрашишни ният қилиб, бениҳоя хурсандчилик билан қайтишди. Нафсиламрини айтганда, ота-онанинг ишонган тоғлари ва кўнгил қувончлари шу ўғиллари эди...

Қишлоққа қайтганидан кейин Кимсан бобо камгап бўлиб қолди. Чечак момо хўп суриштириб, чолининг камгаплиги сирини билолмай юрди. Чол ўғлини ўйлаб, икки кеча эрталабки ошга борадиган ошхўрлардек сергак ётди. Кампирининг безовталигини кўриб, унга сирни очмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди, тилини тишлади.

Кимсан отасиз ёлғиз онанинг қўлида ўсган, рўзгорлари ҳам ҳаминқадар эди. Ёши ўттизга қараб кетаётган бўл-

са-да, ҳали уйланмаган. Унинг тенгқурлари эса аллақачон икки-учтадан болали эди. У ҳам уйланишни орзу қиларди-ю, кўл калталиги панд берарди, бундан онаси ҳам азият чекарди, камбағалчиликдан ёзғирарди. Кимсан далада кетмончи эди, Чечакнинг бригадасида ишларди. Чечак кўзга қанчалик яқин бўлса, шунча эркакшода қиз эди, кўпгина йигитлар унга яқинлашишга юраклари бетламасди. Қизнинг ёши ўтиб борарди. Кимсан шу қизга кўнгила бериб, уни зимдан кузатиб юрди. Бир куни омбор мудирининг ўғли унга илашиб юрганини, одамлардан қизнинг тўйи бўлмоқчилигини эшитиб, ҳаракатга тушди-да, ҳаш-паш дегунча совчи юборди. Ўзи азалдан қизнинг ҳам кўнгила бор эканми, совчилар бир боришда оқлик олиб қайтишди. Кейин маълум бўлишича, Кимсаннинг жўралари, бир ҳийла ўйлаб топмасак, бу бола уйланмай юраверади, деб омбор мудирининг ўғлини ўйлаб топишган экан.

Тўй файзли ўтди, келин-куёвнинг қалби шодлик ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди. Улар бир йил... икки йил севгидан бошлари айланиб юрди. Кейин... Кимсан бирдан камгап ва хомуш тортиб қолди.

– Э, қизиқ экансан-ку сен, – деб жеркиб берарди қишлоқ чоллари. – Уй-жойинг бор, хотининг бор, яна нима керак? Болами? Ёшсан, ука, белинг ҳали тўла бола. Ҳали жўжабир бўлиб кетасан, буни ўйлайдиган жойи йўқ.

Кимсаннинг юзи кулиб турса ҳам ичи қоронғи эди, кўзига дунё тор, ҳар бир кун минг йилдек узун, бахтсизлик муттасил таъқиб қилаётгандек туюларди. Чечак ҳам аста-секин ўзини иргитиб юборилган қуп-қуруқ ҳамёндек бўм-бўш ҳис эта бошлади. Кимсан уни бундай ҳолатда кўриб, баттар сиқиларди. Кейинчалик Чечак онасиникига боришни қанда қилмай қўйди, нима учун у ёққа бориб-кетаётганини ўзи ҳам тушунмас, бунинг сабабини Кимсан ҳам ундан сўрамасди. Бир куни Чечак энтика-энтика гап бошлади:

– Сизнинг бахтингизни қирқиб юрибман, Кимсан ака. Мен рози, бошқасига уйланинг. Агар болали бўлсангиз, болаларингизга ўзим қарайман.

– Нималар деяпсан, Чечак, – деди Кимсан оғриниб, – сендан ўзга бахтим йўқ мени. Яхши ният қил, ҳали қанча ўтди, бизга ҳам худонинг боққан куни бордир...

Улар “худонинг боққан куни”ни яна ўн йил кутишди ва Насимжон дунёга келганида қувончлари оламга сиғмади. Бугун кимдир ана ўша қувончни улардан тортиб олди. Кимсан бобо ана шу адолатсизликка чидаёлмай меҳмонхонага кириб яширинча йиғлаётганида, орқасидан кампири кирди-ю, ҳечдан-ҳеч ўзи ҳам чолига қўшилишиб мунгли-мунгли йиғлади. Чол унга, йиғлама, деб далда беролмади. Охири йиғидан тийилди-да, кампирдан сир яшириб нима қилдим, дегандек, Насимдан эшитганларини кампирга айтиб берди. Чол, келин эшитмасин, деб овозини пастлаб гапирарди. Бироқ, тасодифан даҳлизга кирган келин ҳангомани эшитиб, ўзини кўярга жой тополмади. Бу каби ўй-фикрлар бир ҳафта – ўн кунлар чамаси унга тинчлик бермади ва охири раиснинг олдига боришга қарор қилганини қайнатасига айтиб, дакки ҳам эшитди.

Бир куни дарвоза шу қадар аянчли гийқиллаб очилдики, Робиянинг юраги шиг этиб кетди. У енгларини шимариб олганча офтобшувоқда кир юваётган эди. Ғани Бозор билан Рамазон Наимни кўриб бир зум ишдан тўхтаб, уларга қараб турди, гўё икки суймаган кишига қарагандек қовоқ-тумшуғи осилди. Меҳмонлар ҳовлининг нари-берисини кўздан кечирди. Ҳовлининг йўғон ходалардан қилинган девори паст, қўл узатса етадиган даражада эди. Ходалар тирқишидан қуёшнинг сариқ нури тушар, унда минглаб чанг заррачалари жилваланарди. Ходаларнинг бирига боғлаб қўйилган озгин сигир нишхўрд кавшарди, бузоқчаси атрофида диконглаб ўйнардди. Ошхонанинг эшиги ланг очиқ, ичкаридан буруқсиб тутун чиқар, ҳовли этагидаги боғдан болта товуши ва чум-

чуқларнинг безовта чирқиллаши эшитиларди. Кимсан бобо боғда дарахт бутар, кампир уйда йўқ эди.

Робия ўрнидан туриб, қўлини артди-да, енглари тушириб, чолни чақиргани боғ томонга юрганида, бобони безовта қилма, биз бирровга кирдик, дея Ғани Бозор уни тўхтатди. Робия, хўш, сенларга нима керак, дегандек катта, хотиржам ва маъюс кўзлари билан уларга қаради.

– Овора бўлма, келин, биз кетамиз ҳозир, – деди Ғани Бозор қўлидаги ноз-неъмат тўла қоғоз халтани катга қўяркан, катга аввал ўзи ўтирди, кейин раисга, ўтиринг, дегандек ишора берди. Раис катнинг бир четида оёғини саланглатиб ўтиргандан сўнг Ғани Бозор гапида давом этди. – Кеча эшитдик, Насимжонни кўриб келибсизлар, аҳволи дуруст эканми?

– Раҳмат, – деди Робия истамайгина қўлини кўксига қўйиб.

– Биз ҳам, ана борамиз, мана борамиз, деймиз-у, ҳеч қўл бўшамайди, – деди раис каловланиб. – Иши бор одам уйдан чиқолмайди-да. Айниқса, ҳозир далада иш қизиб ётган бир пайтда қимирлашнинг иложи ҳам йўқ. Хай, чолу кампир ўғилни кўриб, хурсанд бўлгандир?

Робиянинг энсаси қотди.

– Қайси ота-она боласини қамоқда кўриб хурсанд бўлади?

– Мен бошқа маънода сўрадим.

– Ҳа, сизнинг гапларингиз ҳамиша икки маъноли.

– Учуриқ қилма, келин, – деди Ғани Бозор. – Биладан, эримнинг қамалишига шулар айбдор деб, бизларни кўрарга кўзинг йўқ... Биздан бекорга хафа бўляпсан. Ахир, судда ўзинг кўрдинг, биз бирор нарса дедикми? Насим ўз оғзи билан айбдорман, деди. Кўрдинг, эшитдинг, унга гап ўргатмадик. Тўғри, унга биз ҳам сизлардан кам ачинмадик, лекин қўлимиздан келмаса нима қилайлик. Пешанасида бор экан, кўнишдан бошқа чора йўқ.

– Насим акамни айби йўқ эди, нега шуни айтиб, ёнини олмадинглар?



– Ўқигансан, қонунни биздан яхши биласан. Суднинг гапи гап экан-да...

Кимсан бобо, булар ким бўлди экан, деб супага томон кела бошлади ва яқин қолганида уларни таниди-ю, саломга алик олмай, юзларига ҳам қарамай:

– Сенларга нима керак яна? – деди пўнғиллаб. – Битта одамнинг ҳаётини жувонмарг қилдиларинг, яна уялмай ҳовлисига бостириб келганларинг нимаси?

– Биз... биз...

– Қовоқарига ўхшаб кўп биз-бизламай, тезроқ кетларинг! – чолнинг чапани жаҳли чиқди. – Қилмишларингга жавоб берасанлар ҳали! Насимнинг ҳамма гапдан хабари бор экан, хат ёзибди, суд ишни қайта кўрармиш. Қани, бу сафар нима важ кўрсатар экансанлар? Мен аҳмоқ билмай юрган эканман, энди кўзим очилди.

Раиснинг тарвузи қўлтигидан тушди, энди бадном бўламан, шунча йил жонбозлик кўрсатиб ишлаб эришган обрўйимдан айриламан, деб юраги пўкилади. Чолнинг астойдил ишонтириб гапиришидан, энди ишнинг яхшилиқ билан битишидан умидини узди. Ахир ўтган гал озгина бўлса ҳам умид бор эди, бу сафар худо билади. Гарчи у хавф-хатарни сезса ҳам, фикрлари чувалашиб, бу тўғрида бирор қарорга келолмади. Ўзига ўзи, гапимни бериб қўймайман, деди, кейин мулоҳаза юритиб Насим билан муросага келишни, унинг овозини ўчириш ҳақида ўйлади. Зотан, айна дамдаги унутлаёзган ҳадик қайта жонланиб, юрагини ларзага келтира бошлади.

– Сиз, ота, кўрқитмай қўяқолинг, – деди раис истехзо билан. – Иш қайта кўрилганда ҳам, судья лафзидан қайтмайди. Билиб қўйинг, судларимиз одил, айби йўқнинг бурнини беҳудага қонатмайди. Шундай экан, бизнинг айбимиз нимада? Кечирасизу, сиздан кўнгила сўраб келгандик, сиз раҳмат дейиш ўрнига қувиб соляпсизми?

– Сенларга ҳали раҳмат дейми?! Каззобларга раҳмат дейишим керакми? Сенлар оқ, ўғлим қора бўлиб қолдимиз? Э, йўқ, энди ҳаммасига жавоб берасанлар. Насимда барча далиллар бор, ҳатто ҳисоботларингни қораламаси ҳам, уларни судга топширмакчи. Хуллас, кафанларингни бичаверинглар...

Кимсан бобо нақ нишонга урди-ю, шу билан бирга илоннинг ҳам бошини қимирлатиб қўйганини билмай қолди. Ғани Бозор, кетдик дегандай раисга имо қилди ва иккиси дарвозадан чиқай деганда, кампир уларнинг йўлини тўсди:

– Сен иккаланг тайёрга айёрсанлар, – деди у ғазаб билан. – Хўжаликни аслида биз оёққа қўяётганда сенлар кесакни қака деб юргандинглар! Ҳамробоев жилови сенларга бериб хўп адашган экан-да. Инсоф, диёнат борми сенларда ўзи! Ўғлимни нима қилиб қўйдиларинг? Кимни иши бу?

– Мен эмас, худо ҳаққи! – Ғани Бозор бир қадам орқага тисарилди. – Ёлғон гапирсам ёрилиб ўлай. Рамазон ака, ўзингиз бир нима денг.

– Сенларни эшитишни ҳам хоҳламайман! Иккалангни ҳам турқингни кўрмай бу ҳовлида! Билиб қўйларинг, суд энди бўлади... Қасам ичиб айтаман, судга ўзим бориб, башарангни очиб ташламасам юрган эканман!

Улар хавф гўё ёқаларидан олгандек ўзларини кўчага уришди.

– Хафа бўлма, хотин, – кампирга далда берган бўлди Кимсан бобо, – бу бўйнинг узулгурларнинг ичига гулгула тушди, энди ётиб-туришу еб-ичишларидан ҳаловат йўқолиб, еганлари ичларига тушмайди. – Чол бирдан Робиянинг шишага ўхшаб қолган жонсиз кўзларидаги ёшни кўриб, баттар эзилди. – Сен йиғлама, садқайи кўз ёшинг кетсин булар!

Чол шундан кейин сиполик билан бошини лиқиллатди-да, пинагини ҳам бузмай катда турган қоғоз халтани кўтариб ахлат яшиги томонга кетди.

Омади келмаган одам қаҳру ғазабдан кўкаради, кўзи қонга тўлади, захрини кимга сочишни билмай саранглайди. Худ-

ди шундай Рамазон Наим ҳам йўлда саранг бўлиб, идорага киргач, хонани бошига кўтариб чинқирди. Ғани Бозор, бунга жин тегдими, деб олдинига ҳайрон бўлди, кейин у нимага шама қилаётганини тушуниб етди:

– Насимни қутқаришнинг битта йўли бор: биз айбимизни бўйнимизга олсак, уни қўйиб юборишади, тамом-вассалом. Шундан бошқа йўли йўқ. Шунга кўнсангиз, уни қутқариб оласиз.

Рамазон Наим устидан муздек сув қўйиб юборгандек ҳовуридан тушди. Бироқ кўрқоқлигини яшириш учун:

– Суд ишни қайта кўрса, қанақа важ кўрсатасан? – деди-да, аччиқланган кишидек дераза томонга қараб олди. – Вақтида хабар олганингда бу гаплар йўқ эди.

– Ярим йилгача учрашиб бўлмаса, қандай қилиб ундан хабар олиш мумкин эди? Мана, ярим йил ўтди, энди биз ҳам хабар оламиз, – деган Ғани Бозор йўл-йўлакай Кимсан бобонинг мулоҳазасига ўтиб кетди. – Ҳайронман, бу чол ё хаёлотли бўлган, ё ўзини овсарликка солади. Намунча битта гапга ёпишиб олмаса, йўқотаман, йўқотаман.

– Унинг ўрнида сен бўлсанг, нима қилардинг?

– Балоси ўзига урсин, мени унга ўхшатманг-э. Майли, бақирсин-чақирсин, айби йўқ, ўзингиз кўриб турибсиз, бақир-чақир билан бирор иш битяптими ҳозир?.. Ё зўринг, ё заринг бўлмаса, “ишш” десанг, эшак тўхтамайди... Замон шунақа... Шундай экан, бу гапларга парво қилманг. Шунчасига чора топдикми, бу ёғига ҳам топамиз.

Буни эшитиб, рансинг пешанаси тиришди: “Ҳойнаҳой бунда бир гап бор, – деб ўйлади. – Шаштини синдирсам, бирор фалокат юз бериши тайин. Қани эшитайлик-чи, бу ёғига қанақа чора топаркин?”

– Эндиги умидимиз Аббосдан, – деди Ғани Бозор бамайлихотирлик билан. – Ўзингиз айтгансиз, шу боланинг қўлидан ҳар бало келади, деб. Бир марта ўтириб чиққан, ичкари-

нинг пасту баландини яхши билади... Текшир-текширда-ку қочди, бир оғиз индамадик. Бинойидай юрибди яна, ҳеч ким мушугини пишт деётгани йўқ, ишлари беш. Агар хўп десангиз, ўзим гашлашай. Қаловини топса қор ёнади, деган.

– Бас қил! – ўшқирди раис. – Қарқуноқдан чиқмаган бўлбул молбоқардан чиқадими? Аралаштирма уни... тоғаси бор. Ўзинг биласан-ку, Матмуса ака шу жиянини яхши кўради, доимо ҳимоя қилиб юради. Бир нарса бўлса, яна бу учун ҳам жавоб бериб юрмайлик.

– Матмуса аканинг ҳурматини қилиш, у билан ош-қатиқ бўлиш яхши, жуда яхши... Лекин Аббос қачонгача тоғасини орқа қилиб юради? Бир куни, қочдинг-а, деб сўраганимда, менга анча-мунча эланиб, энди нима ишингиз бўлса қиламан, деб ваъда берган.

– Кўндира олсанг, маъқул, фақат эҳтиётини қилиб қўй, яна ишқал чиқариб юрмасин.

Гани Бозор эндигина жавобга оғиз жуфтлаган эди, бирдан кўзи деразадан идора ҳовлисига тушди. Ҳовлида бир тўда одам бир-бирига гап бериб турарди. Булар кечки мажлисга чақирилган соҳа кишилари эди.

### 3

Насим бандаликни бажо келтирибди, деган хабар келди. Бешкапада олдин бунақа воқеа содир бўлмагани учун бутун қишлоқ безовта, ҳайрон эди. Шум хабар тез орада Қумработ, Сармижон, Яккатутга ва бутун туманга ёйилди. Ҳамма бирдек Насимга ачинди, дилкаш, ишчан, ақлли йигит эди, деб алқади, бир йўла Робияга ҳам ичлари куйди, ўзларича, ишқилиб худо сабр берсин ёш келинга, деб ғойибона тасалли беришди.

Дафн маросимига етти қишлоқ келди, кўча одамга тўлди. Баҳор шабадаси ҳар томондан райҳоннинг ёқимли ҳидини

олиб келади. Аёлларнинг узук-юлуқ гаплари қулоққа чалинади. Тобутнинг бир томонида Кимсан бобо, бошқа томонида оқсоқол гуноҳкордек бошларини ҳам қилиб туришибди. Юрак-бағри эзилган дийдаси қаттиқ кишилар ҳам, эссиз бола-я, деганча уф тортиб кўксини силаб-силаб қўяди.

Маййит тобутга қўйилаётганда фавқулодда шовқин-сурон кўтарилди. Ичкари ҳовлидан ўқдек отилиб чиққан Чечак момо тобутни қучоқлаб чунон додладики, оху фарёди ҳамманинг дилини эзиб юборди, на кўни-қўшнидан, на қариндош-уруғдан бирови онанинг олдига боролмади. Фақат унга яқин турган Кимсан бобогина юрак бетлаб аёлини оёққа қўймоқчи бўлди-ю, аммо уни тобутдан узиб ололмади.

– Шаккоклик қилма, кампир, қара, ҳамманинг кўзи сенда. Тур ўрнингдан, тур, уят бўлади-я! – Кимсан бобо амаллаб тобутдан узиб олган кампирини бағрига маҳкам босиб, унинг ноласига ўзи ҳам қўшилиб, далда бера бошлади. – Кўнасан энди, кампир! Ўзи берди, ўзи олди...

– Ўзи олар экан, нега берди?! – деди кампир.

– Ўзи берди, ўзи олди... Минг бора худога шукр де, бермасанима қилардинг?

– Кўнардим!

– Кўниб бўпсан, кампир, кўниб бўпсан!.. Болангни ўзига азиз қилди. Агар дод-вой билан боланг тирилса, кўзим тешилгунча йиғламасмидим, кампир. Одамнинг умри лолақизғалдоқдек гап, бугун очилади, эртага шамол учириб кетади. Энди сабр, сабрдан ўзга юпанч йўқ...

– Кўзим оқди-ку, тўрам! – сочини юлди кампир. – Тобуткашимдан айрилдим-ку!

Кампир чолнинг қўлидан юлқиниб, яна тобутга ташланмоқчи бўлди, лекин чолнинг чайир қўлларидан чиқиб кетолмади.

Чечак момони ичкарига олдилар.

Ҳовли сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди.

– Жанозани шу ерда ўқиймиз, – деди оқсоқол жамоага юзланиб.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Жаноза тадбири бошланди. Кимсан бобо хаёли жойида эмас, имомнинг саволи-ю жаноза сураларини гўё тушида эшитаётгандек бўлиб турди. Маййит қабрга қўйилаётганда ҳам алақандай нигоҳ уни таъқиб этиб, бераҳмларча қийноққа солар, қалбидаги барча гам-андуҳларини икки ҳиссага орттирарди. Уни таъқиб этаётган нигоҳ ўғлининг болалиги эди.

Қабристондан қайтгач, одамларнинг: бандалик, худонинг иродаси, бардам бўлинг, бу дунёда ҳаммамиз меҳмон, деган сўзларини эшитганида, ичи ўт бўлиб ёнди.

Кун қиёмга яқинлашганда бир тўп кишилар кириб келди ва тиловатдан кейин Кимсан бобо бошини кўтариб ўзига ўқрайиб турган Рамазон Наим билан Ғани Бозорга кўзи тушиб, тўсатдан орқа мияси қўрғошин қуйилгандек оғирлашди ва рўпарасида хунхор душманни кўргандек ҳар икки нусхага совуқ кўзларини тикди. Азбаройи нафратдан боши зирқиллаб, чекка томирлари қонга тўлган зулукдай лиқиллаб қолди. Таҳдид солаётган хавф-хатар, тортаётган азоб-уқубатларининг сабабчиси – қаршисида мўлтираб ўтирган шу икки нусха, деб қўллари мушт бўлиб тугилди. “Бу икки нобакор менинг устимдан кулгани келган!” – миясида пайдо бўлган фикрдан аъзойи бадани баттар аланга олдики, биров бошига гурзи билан туширгандек бир сапчиб тушди ва жон аччиғида шундай бақирдики, дераза ойналари зириллаб кетди гўё.

– Эй, худойи бокарам, қайси гуноҳларим учун мени бунчалик хўрлайсан?! Юрагимни суғуриб олган кишиларга мени кулги қилганинг нимаси! Мени ақддан оздирмоқчимисан?!

Шундай деб, чол қўрқув ичида мўлтираб турган Рамазон Наимга хезланган эди, хайрият ёнида ҳушёр одамлар бор экан, чаққон ҳаракат билан унинг икки елкасидан босиб қолишди. Чол боши айланиб йиқилди ва оғриқ забтидан гужа-

нак бўлиб, совқотгандек дағ-дағ титради. Рамазон Наим чўчиб тушди ва орқага тисарилиб бориб, Гани Бозорга урилиб тўхтади. Гани Бозор худди жиркангандай тезда ундан ўзини четга олди.

– Ҳа, фарзанд доғи ёмон-да! – Рамазон Наим айбини яшириш учун ёнидагиларга зўраки қараркан, чолнинг аҳволига маъни берди. – Ҳозир кўзларига ҳамма ёвдай кўриняпти-да. Жойи жаннатда бўлгур ўғиллари яхши бола эди.

– Нимасини айтасиз, раис, – деди оқсоқол истехзо билан. “Раис” деган сўз Рамазон Наимга айилдек ботди, бироқ гапдонлиги тутиб турган бўлса-да, индамади. – Худонинг марҳамати ҳам, қаҳри ҳам кенг, ким яхши, ким ёмон – амалига қараб ажрини бераверади. – Сўнгра оқсоқол меҳробда туриб ваъз айтаётгандек, гап эгасини топади қабилда бош силкиб кўйди.

Йигитлар Кимсан бобони кўтариб ичкарига олиб киришди. Рамазон Наим турган жойида қотди, кўз олди қорайиб, қулоғи ҳам том битди, лабларини қимирлатганда овози ҳам чиқмади. Кимдир унинг енгига қўл ташлаганда бир чўчиб тушди. Қараса, Гани Бозор экан, кетдик дегандай қош қоқди у, лекин Рамазон Наим миқ этмади. Чунки ҳозир ҳовлидан чиқиб кетса, чолнинг заҳри таъсир этиб, айби билиниб қоларди.

Кимсан бобо кўзини очганида, оёқ томонида келини Робия рукуда ором олаётгандек ўтирганини, бошида эса кампирри соме турганини кўриб эзилди ва уларга нима деб далда беришни билмай, шифтга тикилиб пичирлаганча бир нималар деди. Чечак момо унинг нима деганини эшитмаса-да, бўлди, кўп гапирманг, чарчаб қоласиз, деб чолнинг пешанасига ҳўл докани босиб:

– Эй, мушфиқу меҳрибон, таъзияда ётқилиқ қилма, – деди хўрсиниб. – Қимирламанг, одам бор. Келувчилар ҳам анча сийраклашиб қолди.

Дарвоқе, Робия машъум хабарни эшитганидан кейин тилдан қолган, муттасил инграр эди. Унинг бу аҳволга тушгани чолни ҳайратга соларди. Чол келинига бир қараб олди-да:

– Барибир ҳам уят-да бундай ётишим, – деди. Бироқ кампирнинг довдираб қолганини, қўрқа-писа алланарсалар деб ёлдираётганини, Робиянинг заҳил юзини кўриб, ҳализамон бўлиб ўтган ҳодисани элас-элас эслади. Эслади-ю, ҳамма гап унга аён бўлди. – Ана у даюслар кетдими?

– Кимни айтаётибсиз?.. – Чечак момо чолга, ҳар гапни гапираверманг, дегандек им қоқиб келинни кўрсатди. Кейин гап ким ҳақида кетаётганини эслаб: – Э-ҳа, уларнинг ўша заҳоти қоралари ўчган эди, – деб бир оз яниб ҳам қўйди. – Сизникиям шу пайтда тутганини қаранг... Айтмасангиз ҳам, одамлар ҳамма гапни билади.

– Билсин! Билмаганлар ҳам билсин! – деди чол. – Қўрқишга-ку қўрқиб юришибди. Чунки ёлғоннинг бир кун миси чиқади. Лекин бу тарзда панд ейиш менга уят-да. Бундай хўрликдан кўра гузарда калтак еганим минг марта афзал эмасми?! Ҳечқичи йўқ, баттар бўлишсин! Шу билан ваҳималари икки ҳисса ортади, йўқса, босар-тусарларини билмай, бурунлари кўтарилиб кетади! – Кимсан бобо ўрнидан кўзгалди. – Мен ташқарига чиқай, келиб-кетувчиларни хижолатга қўймай.

Чечак момонинг ҳай-ҳайига қарамай, чол ҳовлига чиқиб кетди...

Намозгар, қуёш пастлаб, соялар чўзилди. Баҳорнинг беқарор шабадаси юзларни сийпалаб ўтар. Кимсан бобо бу ҳаётни ким бундай қилиб яратгани ҳақида ўй суради. Унингча, ҳаёт ўз маъносини йўқотган, худди ҳозир ҳам, олдин ҳам ўғли бўлмагандай туюлади ва бундан юраги ёнади, шамол эса оловни ўчириш ўрнига баттар алангалатади. У беихтиёр кўзларига ёш қалқиганини сезиб, енги билан кўз милкларини артар экан, ўтирган жойида бир-икки мункайиб кетиш асносида кўксида ғалати оғриқни сезди. Оғриқ босиш учун қадини



ростлаб кўрди, лекин оғриқ босилиш ўрнига баттар бўлиб танадини қақшата бошлади. Нажот кутгандай ён-атрофга қаради, ҳеч нарсани кўрмади, шарпалар туманга қоришди. Оғриқ зўрайди, аъзойи баданидан тер қуйилди, қовурғалари орасида типирчилаётган жон оғзидан чиқиб кетадигандек, тишини-тишига босди. Шу пайт икки киши келиб қолди, уларнинг ҳурмати ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, мувозанатини саришта қилолмай, таги кесилган дарахтдек ёнбошига қулаётган эди, ҳарқалай ёнидаги одам уни суяб олди...

Касалхонада унга юрак етишмовчилиги ташхисини қўйишди.

– Бу қанақа бемаъни касаллик бўлди? – Кимсан бобо катта кўзойнак таққан, барваста, семиз, кулча юз дўхтирга савол назари билан тикилар экан, ҳансираб-ҳансираб нафас ола бошлади. – Юрак етишмаса нафас сиқилар эканми?

Дўхтир кулимсираб чолнинг қўллари устига қўлини босди, кейин гина қилгандек гап қотди:

– Ҳамма нарсани юракка олиб бўлмайди, отахон. Ўзи муштдеккина нарса, биз унга бутун дунёнинг ташвишини юклаймиз. Одамзод ўзига ўзи шафқат қилмайди-я... Нафас етишмаслиги юракнинг нотекис уришидан. Дехқонча қилиб айтганда: битта шох томир ўпкадан ўтади, у кислородга тўйинган қонни юракка етказди. Мабодо юрак ана шу қонни вақтида сўриб ололмаса, ўпка кўпикка тўлиб, нафас йўли бекилади, пировардида юрак етишмовчилиги юз беради. Бунақа пайтда танадаги сувни чиқариб олиш керак, бўлмаса...

– Э, болам, бунақа гапларингни тушунмасам, – деди Кимсан бобо. – Тушунмаган одамга гапирдинг нима, туянинг қулоғига танбур чертдинг нима – бир гап. Мен ҳатто ичимдаги аъзоларнинг ўрнини ҳам билмайман. Фақат кўкракнинг чап томонида юрак туришини биламан, холос.

– Яхши, яхши, – деди дўхтир жилмайиб. – Ҳартугул юрак қаерда жойлашганини билар экансиз-ку, отахон. Энди ўзин-

гизни кўп уринтирманг, яхши нарсалар ҳақида кўпроқ ўйланг.

Ахир, борлигини йўқотган киши қай йўсин яхши нарсалар ҳақида ўйлай олади? Дўхтирлар ҳам ўйламай-нетмай гапиравераркан-да.

– Э, бу фоний дунёнинг ўйлайдиган яхши нарсаси қолибдими?

– Дардингиздан хабарим бор, ота. Лекин, начора, бизнинг вазифамиз қайғудан шодлик яратиш. Ахир, дардни қайғу эмас, шодлик тuzатади. Тириклар барибир яшаши керак. Ҳали бахтли ва шодиёна кунларингиз кўп бўлади, ота.

– Бахт дегани хаёл экан, болам, уни ҳар ким кўйлак каби ўзида ўлчаб кўради. Ким билсин, шу кўйлак менга тор келдими?

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – кулди дўхтир. – Куйинманг, ҳаммаси яхши бўлади. – Дўхтир эшик томон юрар экан, гўё мурувват кўрсатгандек бошини эгиб, оҳиста оҳангда, тезроқ соғайиб кетинг, ота, деди.

Кимсан бобо барибир дўхтирнинг гапларини ҳазм қилолмади ва ўз хаёлларига берилар экан, қамоқда ҳам одамлар йиғирма йиллаб ўтиради-да, яна соғ-саломат уйига қайтади. Нега менинг ўғлим қайтмади, деб ўзига ўзи савол берди... Шундан кейин ўғлининг ўлимига сабабчи бўлганлар билан қандай мураса қилишим керак, уларнинг башарасини очиб ташлаш қўлимдан келармикан, деган саволлар соясида қолди. Эс-ҳуши жойида одам таъзияда ҳам шундай ножўя қилиқ қиладими? Кўча дайиси бўлган жўги ҳам ўзини мендек тутмас, айтар сўзини ҳам ўйлаб гапирар... Бўлар иш бўлди, энди ҳар иккиси ҳам ўзини қўярга жой тополмайди. Уларга бундан-да баттар томоша кўрсатаман ҳали... Назарида кўрсатган томошаси ўғли, хотини ва келинининг ҳасратининг ўрнини босолмасди. Ўғли-ку энди йўқ, унинг на юзини, на кўзини кўради; кампирига, айниқса, келинига ачинмаслик, улар ҳақида ўйла-

маслик, улар учун қасос олмаслик мумкин эмас. Кеча кампир келинини бошлаб келди. Шўрлик ўтган бир ҳафта ичида чўпдек қурибди. Ғам-ҳасрат занг темирни емирган каби одамни кемираркан-да? Бўз бола келинни муштдеккина қилиб қўйибди-я!

Бобойнинг келинга раҳми келди, ундан ҳол-аҳвол сўраганида, ундан на яхши, на ёмон жавоб эшитди ва бундан баттар эзилди... Кейин кечаси билан ухлаёлмай чиқди. Кўзини юмди дегунча кимдир ёқасига чанг солади-да, уни сўроққа тутуди ва бостириқиб туради. Келинни ўзи топгани учун ҳам унга ичи ачишади, ўзини айбдор ҳисоблайди. Шундай келин-а! Ўн гулидан бир гули очилмай тул қолса-я? У кетиб қолса, аввалгидай чол-кампир шумшайиб қолаверишадими? Бечорагина! Эндиги ҳаёти қандай кечади, тенги топилармикин? Ҳаётдан умиди бор, илоҳим тенги топилсин-да. Ҳали ёш, яшаши, яшаганда ҳам бахтли ҳаётдан мамнун бўлиб яшаши керак. Ахир, одамзод бу дунёга бахт излаб келади-ку!

Шундай келинни қўлдан чиқариб юбориш ҳам осон эмас, кампир адо бўлади-ку, деди у, кейин бир кун келиб кампирга шу ҳақда гапириши кераклигини ўйлаб, чойшабни бошигача тортиб гужанак бўлиб олди. Бир тутам кун унга йилдек туюлар, кампири кўргани келганида ўзини йўқотиб қўяр, унинг ҳар бир гапидан маъно ахтарар, келин масаласида гап очмасин-да, деб илтижо қилар, кампир, келин дейиши билан ҳали уни-ҳали бунга баҳона қилиб, гапни олиб қочар эди. Қани энди тезроқ кампир кетса-ю, шу дарддан қутулса... Ҳаёт ғам-ташвишу қайғу-аламларига парво қилмай ўз йўлидан оғишмай кетавераркан-да. Йилнинг ўн икки ойи, элик икки ҳафтаси, ҳафтанинг етти кунни, куннинг беш бўлаги, соатлари, дақиқаси-ю сониялари вақт шамида эриб боравераркан.

Орадан икки ҳафта ўтиб, Кимсан бобонинг ранги заъфарон тортиб, юзларига доғ тошди. Ўғлини ўйлагани сари мияси тирсиллаб, бош оғригидан қийналиб кетди.

Насим хушрӯй чақалоқ эди. Кўзикмасин, деб онаси унинг юзига қоракуя суртиб кўярди. Бола улғайган сари онанинг унга нисбатан меҳри шунчалар ортиб борар, меҳрини ҳеч кимдан яширмас, битта онада қанча меҳр бўлса, барини шу ёлғизига берди, бошидан сув ўгириб ичди; қўлидан иш келадиган бўлганида эса Насимни оғир ишга йўлатмади, нимаинки юмуш бўлса, барини ўзи удаларди. Баъзида хотинининг тутган йўлини ота хушламасди, болани текинхўр қилмоқчимисан, деб койирди. Чунки у ўғлини пишиқ-пухта, бадастир одам бўлиб вояга етишини истарди. Шундай бўлишига қарамай, ўғил зехнли, кўзларидан ўт чақнайдиган йигит бўлди. Мактабни битирди, кейин институтда ўқиди. Кимсан бобо ўшанда ҳам, ҳозир ҳам ўғлининг нима учун айнан қишлоқ хўжалик институтида ўқишига розилик берганини эслаёлмайди. Балки ўзи далатоб бўлгани, ёки институтни тамомлаган болалар қаторасига шаҳарда қолиб кетаётганидан хавфсираб, қишлоқ хўжалигини битиради-да қишлоққа қайтади, деган ниятни кўзлаб розилик бердимикан?.. Насим таътилга келган пайтлари у билан деҳқончилик, дала ишлари тўғрисида баҳслашарди, мақсад-муддаоларини сўраб-суриштирар, ҳаммиша ҳалол-покиза, адолатли инсон бўлишини уқтирарди.

Институтни тамомлаш арафасида онаси Насим билан келин, дабдабали тўй ҳақида пичирлашадиган бўлиб қолди. Ўшанда Кимсан бобо бир чеккада ўтириб олиб она-боланинг суҳбатига ўғринча қулоқ тутар, хотини унинг гап ўғирлаётганини сезиб қолса, атайиб овозини кўтариб гаплашар эди. Отанинг қалбида қўрқув билан умид тинмай олишарди. Қайтага хотинининг гапи ҳам унга маъқул кўринарди. Ўғлини уйлантирса, ёнида бўлади, унинг йўлини пойлашдан қутулади. Ахир, кутиш ҳар қандай азоб-уқубатдан қийин-ку. Келинлик бўлишни хотини қанчалар хоҳласа, Кимсан бобонинг қалбини, кимнинг қизини келин қилсам экан, деган савол тегирмон тошидек босиб турарди. Буни қарангки, келинни ҳам унинг

ўзи танлади. Насим ўқишни битирган куни дўст-ёрларига кичкина зиёфат уюштирди. Турган гапки, ота ҳам қишлоқдан тўлиб-тошиб борди. Ахир, ёлғиз ўглининг хурсандчилик кунда ёнида бўлмаса, унинг орзу-ҳаваслари қаёққа кетади? Хуллас, ана шу кичкина базмда бўлажак келин – Робияни кўриб, кирови келининг бўлса, шундай бўлса-да, деб орқаворатдан ҳавасланди... Базм тарқагач, уч-тўрт қизнинг ўртасида ўтирган Робиядан гап очиб, ўглининг кўнглига қўл солса, ўглининг фикри ҳам ўзиники билан вобаста чиқди. Суриштирса, қиз қўшни Сармижон қишлоғидан бўлиб, ўғли билан аҳду паймони бор экан. Ўшанда Кимсан бобо шаҳардан бир қоп семириб қайтди-да, зуд хотинини олдига солиб, Сармижонга боришди. Робия холасининг қўлида экан, жиянининг бахти очилганидан хурсанд бўлиб, тихирликка бормай, дарров розилик берди. Тўй ҳам узоққа чўзилмади, бир ойнанинг нари-берисида келинни тушириб келишди... Қандай бахтли кунлар эди ўшанда... Уф-ф-ф...

Кимсан бобо ўғлини қарийб йигирма уч йилдан бери биларди. Чунки Насим унинг ўғли, бошқа бунақа ўғил энди йўқ, бўлмайди ҳам. Ўғлим – ёлғизим, суюнган тоғим, белимининг қуввати, наслимининг давомчиси, деб ўзига ишонарди. Наҳотки, шу ишончи ҳавойи бўлиб, насли шу бола билан тўхтаса? Наҳот нобакор ажалнинг кўзи фақат унинг ёлғизгина боласига тушган бўлса? Ахир, худо унинг сабру қаноатини хўп синади-ку. Етимликда ўсгани, тўрт йил уруш оловларида жизғанак бўлгани, йўқчилик азоби, ўн беш йил деганда фарзанд юзини кўриши синов эмасмиди?.. Ҳай-ҳай-ҳай, худога шак келтириш гуноҳи азим-а! Берганига шукр, олганига қаноат қил...

Насим ҳали яшар эди. Яшар эди, лекин унга яшашга имкон беришмади. Кимсан бобо шундай деб ўйлайди. Нима қилган бўлса ҳам, ҳаммасини Рамазон Наим билан Ғани Бозор қилди, боланинг бошига етди. Чол шу ҳақда ўйларкан,

қони жунбишга келди, ўзини букилган, хўрланган деб билди ва нафрати ошиб, калласига минг хил фикрлар ғужғон ўйнай бошлади. Ҳар бир янги фикр унинг нафратини янада оширар эди. Бироқ, битта нафрат билан қалб изтиробини сўндириб бўлмаслигини чол яхши биларди. Нафрат бу – ғазаб аралаш жирканиш, холос. Нафратни енгиш учун курашмоқ керак!

– Боланг жувонмарг бўлди-да, кампир, – деди чол кўргани келган аёлига гап очиб. – Ўлсам, икки қўлим раиснинг ёқасида бўлади.

Чечак момонинг вужуди жимирлаб кетди.

– Шайтонга ҳай беринг. Ўзингиз бу аҳвол, бошингизга яна бало орттириб олинг! Ёмон охиратда ажрини олади. Худонинг ишига аралашманг!

– Ўн йил олсам ҳам, шундай қўйманман!

– Бўлди, дадаси!

– Тирик қўйманман!

– Э, бўлди-да! Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Соғайиб чиқинг, кейин бир гапи бўлар...

Чол бу гапни касалхонадан чиққанидан кейин ҳам бир неча бор айтди. Ҳар сафар кампир уни ҳовуридан тушириб қўярди.

Насим борида ҳовлилари бадастир эди, энди бўлса, ўғри урган дўкондек ҳувуллайтиди. Бунга чол-кампирнинг кўникишлари қийин кечар, тушларида нуқул ўғилларини кўрар, уйғонгач юраклари туздек ачишиб бир-бирларига тушларини айтиб овунишарди. Қўни-қўшни уларнинг яқин кишиларига айланди. Кўчадан ким ўтса, уларни зиёрат қилмай ўтмайди. Албатта, гап орасида Насимни эслаб, бундай бола дунёга бир келиб-кетди-да, деб ичлари ачишар, орқасидан, энди шу келин сизларга ҳам қиз, ҳам ўғил ўрнида, деб тасалли беришарди. Шу биргина тасалли учун Чечак момо азиз меҳмондек уларга дастурхон ёзар, яна ўғлим ҳақида яхши гап эшитармиканман, деб уларнинг оғзини пойлайди. Ўзи ҳам ўғлидан эрта

жудо бўлганини, қариганда ороми бузилганини айтиб, ҳасрат қилади.

Барака топсин, йил бўляпти, келин нолигани йўқ, дардини ичига ютиб одоб сақлайди, ишга бориб-келиб чарчадим демайди, дарров чол-камбирнинг кўнглини олишга киришиб кетади. Нафсиламр уларнинг ишонганлари, кўнгила қувончлари шу келин бўлиб қолган эса-да, бирибир бир кун келиб ундан ажралишимиз тайин, деган ҳадиклари йўқ эмас эди. Худдики уларнинг фикрини ўқигандек, келин: қизингизман, ихтиёрим сизларда, ўл десангиз ўламан, қол десангиз қоламан, дерди. Буни эшитиб камбир, албатта, қизимизсан-да, деб пешанасидан ўпиб, бағрига босар, унинг сабр-бардошини, садоқатини айтиб, кўни-кўшнига, ўзимнинг қизим бўлиб қолди, дея алқаб кўярди. Аксари кўшнилар Робиянинг таърифини ўзидан ҳам ўтказиб мақтаганида унга бу мақтовлар хуш ёқарди ва Робияни худди ўзи туғиб олгандай хурсанд бўлиб кетарди.

Бугун Робия касб-корини қилиб, уйга қайтаётганида осмонда ҳали қуёш шуъласи бўлгани учун ўн беш кунлик ой оқиш варақка ўхшаб теракнинг орқасидан кўзга ташланаркан, қишлоқ устида тумандек ҳарир парда сузар, дарахтлар оралаб енгил шабада сарсари кезиб, дала юмушларидан бўшаб катта йўлда ҳорғин қадам ташлаб қайтаётган кишиларнинг овози қулоққа чалинарди. Шундоққина ёнидан бошини эгиб, думини гажак қилган ит хазонларни ҳидлаганча йўртиб ўтиб кетди. Ҳавога бир хил хушбўй ҳид таралар, бу ҳиднинг нимадан келаётганини Робия яхши билади. Ҳар йили мана шу пайтда йўл четидаги беҳилар пишиб, атрофга хушбўй ҳид таратади. Куз эмасми, далалар яйдоқ, шудгорланган ерлар узра қарғалар чарх уради. Ҳосилдан бўшаган жўяклар киши танасидаги очик жароҳатга ўхшаб кўринади.

У атрофдан кўз узиб, осмонга кўз тиккан эди, осмон кўзига бошқа бир дунё бўлиб кўринди. Хаёлининг учқур оти

бошқа дунёни яшин тезлигида кезиб чиқди, лекин у ерда ҳам Насимни учратмади. Демак, Насим ҳалиям тирик, у ўлмаган. Шундай ҳисларга чўлганган вужудини ларзага солган соғинч азоби, умидбахш орзу-истаклари юрагининг бир четини қитқаб ўтгандай бўлди.

## 4

Робия Насимни севиб қолганидан кейин ўзини бошқача ҳис эта бошлади, гўёки бахт қуши унинг бошига ўз-ўзидан қўнгандек эди. Табиатан сипо қиз янада маънос тортиб, хаёл сурадиган одат чиқарди. У азалдан рисоладагидек турмуш ўртоғи бўлишни орзу қиларди. Кўп нарсага қўли ўралашса-да, қишлоққа борганида, мана бу овқат қандай пиширилади, тузлама қандай тайёрланади, кўйлак қандай бичилади каби саволларни беравериб холасининг холи-жонига қўймасди. Холаси жўжабир эди, онаси ўлгач, Робия унинг қўлида қолиб кетди. Эртага Робия куёвга чиқмоқчи бўлса, холаси унга сеп тайёрлаб беролмаслиги аниқ ва шунга яраша яхши фазилатлари билан қайната-қайнасини қойил қолдиришни кўзларди. Унинг ягона мақсади Насимнинг муҳаббатига муносиб севги билан жавоб қайтариш. Ахир бу дунёда севгидан юксак қувонч борми?

У Насимга умр йўлдоши бўлиши ҳақида ўйлаганида қувончдан боши айланиб кетарди. Уни севгилисидан бошқа ҳеч нарса, ҳатто мутолаа ҳам қизиқтирмасди, чунки ҳар бир сатр орасида тобора кўнглига яқин бўлиб бораётган Насимнинг суратини кўрарди ва бу суратни юрагига жо этиш учун фақат у ҳақда ўйларди, шундай йигитнинг қалбида ишқ ўтини ёқа олганидан ўзига сизмай, ҳар сафар янги-янги ноз-карашмалари билан Насимнинг ўтли туйғуларини янада аланга олдириб, бундан яшнаб, гул-гул очилиб кетарди. Айниқса, ўғлини кўргани келган Кимсан бобо бир кўришда, уни келинликка



танлаганини билгач, ўзини қўярга жой тополмай, бахти бутун эканига ишонган эди. Ҳозир-чи? Ҳозир у Насимнинг ҳар куни ётоқхонага келишини орзиқиб кутганларини, ҳар бир сўзини жон қулоғи билан эшитганларини, яйраб-яшнаб сайр этганларини эслади... Бу хотиралар уни безовта қилар экан, ўшаларнинг барчаси бахт бўлмаса, нима ахир, деб ўйлади...

Мана, Насим уни ташлади-ю кетди. Уни севганида ҳаддан зиёд хурсанд бўлган экан-да, ўз бахтига ўзининг кўзи тегди. Бундан чиқди, севгини ҳам, бахтни ҳам ўзгалардан сир тутиб яшаш керак экан-да... У биринчи бўсадан кейин ўнгайсизланиб эҳтирос билан дил розини шивирлаб изғор этганида юзлари қизариб кетганди. Ҳозир ўша лаҳзаларни эслади-ю, кўнгли бузилди... У муҳаббатни илоҳий туйғу, пинҳоний эҳтиросларга йўғрилган, бахтдан сармаст хаёллар суришдек ниҳоятда ширин лаззат, сени суйган киши билан ҳамиша ёнма-ён бўлиш, деб биларди. Энди-чи? Энди мангу айрилик дамида, хотиралар ичида Насимни барваста, хушрўй ва меҳрибон қиёфада кўрар, гўё жавобсиз саволларига жавоб топмоқчидек узоқ ўйга ботиб қолар, бироқ ҳар қанча ўйлама-син истаган жавобини тополмаяпти. Худонинг берган куни Насимни эслайди ва бундан юраги эзилади, хотиралар унутиладиган кун келишидан жуда-жуда қўрқади. У кимгадир кўнглини очиши, токи у одам унинг дардини англаб, унга тасалли беришини истарди-ю, лекин ўшандай кўнглига яқин кишини тополмасди. Энг яқин сирдош кишисига ҳам дардини айтолмасди. Дардига малҳам, ёлғизликда ҳамдам, йўл-йўриқ кўрсатадиган йўлчи юлдуз қайнанасн бўлса-да, унга-да дил ёролмасди. Чунки қайнанасининг ҳам унга айтар сўзи бордек, ўша сўз қайнанасининг оғзидан чиқиб кетса, ҳамма орзу-умидлари йўқлик қаърига чўкиб кетадигандай бўлаверарди...

Йўқ, у охири ўзига сирдош топди, унга ўзига ишонгандай ишонса бўлади. Тун чўкиб, дарахтлар учига кумуш ёғду қўниши билан ташқарига чиқади-да, топган сирдоши – ой-ла

суҳбат қуради. Иккисининг жисми бир-бирига чирмашади ва интиҳосида ой Насимга айланиб, у ўзини унутади: “Насим ака, – дейди юраги ҳаприқиб, – сизни қанчалар севмай, барибир мени ташлаб кетдингиз-а? Ахир, сизни ўзимдан ҳам қизғонардим-ку. Борар манзилингизни ҳам айтмадингиз, хайрлашмадингиз ҳам. Лекин қайда эканингизни биламан: ойнинг орқасига яширингансиз. Мени кўриб, овозимни эшитяпсиз, буни ич-ичимдан сезиб турибман. Нега гапирмайсиз, ёки севмайсизми?.. Ҳечқурса мен сени севаман, денг! Учтагина, бир нафасда айтса бўладиган сўзни айтиш шунчалар қийинми?.. Тушларингизда мени кўряпсизми? Мен эса сизни ҳар куни кўраман, кейин соғинаман. Мен нурдан яралганман дердингиз, охири нурга айландингиз-а? Энди ой шуъласи бўлиб сочимни тараяпсиз, чунки қўлингизнинг тафтини сезяпман... Сизни унутолмасам керак, унутиб бўларканми сизни!.. Оҳ, пешанамда шу кунлар ҳам борақанми?! Сабри чидамайди деб хомтама бўлманг, сизни кутавераман, кутишдан чарчамайман...”

Ой унга тикилиб, нурсизланиб, қоғозга ўхшаб қолади, камайиб-камайиб, охири йўқлик қаърига шўнғиб кетади. Шунанга пайтда остонада ноҳос Чечак момо пайдо бўлиб қолади.

– Келин! – дейди олдинга босишга иккиланиб. Кўзлари қоронғида машъалдек ёнади, унда минг маъно яширин бўлади. Робия минг маънодан бир маъно ахтаради. – Менга яқинроқ кел-чи! – Робия индамасдан унинг иқболига юради. – Нималар бўляпти ўзи? – дейди кампир бирпасдан кейин. – Етти қават осмонга умид боғлагандан кўра, ердан бирор иш топсанг-чи. Кап-катта аёлсан, тушунишинг керак, Насим йўқ, у сени эшитмайди энди. Ўзингни ҳам, бизларни ҳам қийнашни бас қил, қизим. Насим деб бир куйсам, сени кўриб икки куяман. Бунақа қилаверсанг, эшитганлар нима дейди? Савдойи бўлиб қолибди, деб кулмайдими?

Робия мум тишлагандек индамай туради. Ойнинг кумушдек шуъласи сочларини ёритади. У ҳарчанд уф тортишни ис-

таса-да, ўзини тутиб туради. Пешанаси шўр экан, рўшнолик кўрмади, бахтимни топдим деганда, йўқотиб қўйди. Ҳаёт унга саробни кўрсатиб лақиллатибди, қалбида фақат аччиқ алам ва ўкинч қолдирибди. Ер сузиб турган кўзларидан икки томчи ёш қалқиб чиқади.

– Ҳар куни аҳвол шу, бирор нарса ўзгардимиз? – деди Чечак момо хўрсиниб. Сўнг нурсиз кўзларини ҳовли тўрига қадади-ю, ўглининг сурат-шаклини кўрди, қўлга илинмас нарсани пайпаслаб-ахтараётгандек қўлларини бўшлиқ томонга чўзган эди, шарпа ўз-ўзидан эриб кетди. – Қўй, биз аёлларга худо азоб чекишни буюрган... Тишингни тишингга қўйиб чида! Энди хонангга кир, қизим, ҳаво салқин.

Кампирнинг овозида шунчалар меҳр-муҳаббат бор эдики, Робиянинг музи эриди ва юзини унинг тиззасига қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди, лекин ўзини аранг босиб, ичкарига кириб кетди. Чечак момо уни нигоҳи билан кузатиб қўйиб, турган жойида ёлғиз қолди.

Робия оҳиста ўринга чўзилиб, кўзларини катта очганча яна маҳзун хаёлларга берилди. Дераза ойнасидан тушаётган ой ёғдуси унга далда-ю дармон бермоқда эди. Қайнанасининг гапларини эслар экан, хаёл оти учқур қанотларига ўтқазиб уни олис-олисларга олиб кетди. У дарди аригунча иложи борица одамлардан ўзини олиб қочиб, ёлғиз қолишни жондидан истар эди. Ҳозир эса хаёл уни авраб-авраб уйқуга тортиб кетди.

Эрталаб тонгда ой ўрнини қуёш эгаллади. Қуёшга эса қараб бўлмайди, қараса кўзидан айрилади, на куни, на туни – ҳаммаси бир-бирига қоришиб йўқ бўлади. Робия кўча эшик олдини супурди, соғилган сутни пишириб, чой қайнатди, дастурхон тузаб, чол-кампирни кутаётиб, қайнанаси айтган гапларини эслади: йиғлаб-сиқтаган билан айрилиқ дардини аритиб бўлмаскан, тирик одам яшаши, йўқотганини осмонлардан эмас, ўз қалбидан излаши даркор экан-да, деб хулоса-

ланиб, аламзадалигу ваҳима, паришонлигу умидсизлик юкни елкасидан улоқтириб ташлади.

Худди шу аснода Чечак момо енгини шимарганча каравотга чиқаётиб, Робиянинг гапхонасини очгиси келди.

– Яхши ухлаб турдингми, қизим?

– Раҳмат, онажон. Ўзингиз яхши дам олдингизми?

– Мен норозиман, сен яна айтганимга кирмаяпсан, – деди Чечак момо кечки ҳангомани эсга солиб. – Ахир неча бор айтиш керак... Ахир ўзинг оқ-қорани таниган аёлсан, унча-мунчага ақлинг етади...

Робия кампирнинг гапини қулоққа олмаётгандек чой қайтарди. Кимсан бобо келган эди, унинг ҳурмати ўрнидан туриб, ундан кейин жойига ўтирди-да, чой қуйиб, биринчи унга тутди. Чол пиёлани ола туриб, кампирга ола қараб олди, кейин келинга юзланиб:

– Гапларимга яхшилаб қулоқ сол, қизим, – деди ўсмоқчилаб. – Биз ошини ошаб, ёшини яшаган одамлармиз, умримиз давомида кўп хўрликларни кўрдик. Худога шукр, бирор марта бировга нолимаганмиз. Ўзингдан қолар гап йўқ, сени эзилганингни кўриб индамаслик биз учун ҳам ноқулай. Мана мен хўп танамда ўйлаб кўрдим, зотан, дунёда сендан азиз кишимиз йўқ. Бошимизга тушган кунларни душманзимизга раво кўрмаймиз, ҳаммаси худога аён... Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Робия чолни тушунди. Унга гапирмоқчи, йиғламоқчи, ялиниб-ёлвориб оёғига бош урмоқчи бўлди, бироқ унинг меҳру шафқатга тўла нигоҳларини кўриб тили сўзга айланмади, хомушланди, томоғига тиқилган дийдиёни қулт этиб ютди ва паришонлик билан ўрнидан турди-да, хўп, дадажон, мен ишга бораё бўлмаса, деб кўчага чиқиб кетди. Бора-боргунча чолнинг гапларини ақл тарозисида ўлчади-ю, ғовлаб кетган калласига на бир фикр, на тайинли хулоса келди, оёғининг амрига бўйсунганча кетаверди. Уни ўйга толдирган нарса чолнинг, энди нима қилмоқчисан, деган сўрови эди.

Робия чиқиб кетгач, иккала томон – Кимсан бобо ҳам, Чечак момо ҳам бир-бирига тикилиб қолди.

– Э, мияси айниган чол, – деди Чечак момо кўрсаткич бармогини чеккасига нуқиб айлантларар экан, бир йўла пастки лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди. – Энди нима қилмоқчисан, деб бекорга айтдингиз? Бу гапингиз билан кет демоқчи бўлдингизми? Эсингиз қурсин сизни бир...

– Сенинг миянг айниган, хотин! – жеркиб берди Кимсан бобо. – Бир йил бўлди, буни шунақа олиб ўтираверасанми? Тул хотинни иддаси чиқдимми, эрга бериб юбор деган гап бор. Мен бўладиган гапни айтдим, тушунган бўлса тушунди, тушунмаган бўлса, ўзинг тушунтир. Биламан, борадиган жойи йўқ, холаси сиғдирмайди. Бу ёғи ўзимизга қолган. Тузукроқ жой чиқса, гап-сўзи чиқмай эгасига топширайлик. Агар бирорта ўзининг тенги топилса ичкўёв қилайлик. Бу ҳовли-жой шуникида энди. Ўзинг ҳам лаллайиб юрмай, кўнглига қўл солиб кўр. Аёл аёлнинг тилини тушунади. Сўрамаганингга ўзи айтолмай уялиб юргандир. Бу дунёда ҳамма нарсани жуфти билан яратган. Жуфти йўқ одам бахт нималигини билмайди. Биз эса, кўра-била туриб бир банданинг бахтини яримта қилиб ўтирибмиз. Бу гуноҳ, ахир!

– Ҳадеб сўраш ҳам ноқулай, – деди Чечак момо кўзига ёш олиб.

– Олдин сўраганмидинг?

– Бир сўраганимда, кўнглингизга тегдимми, деб йиғлаган эди.

– Бир марта сўраган билан иш битмайди-да. Никоҳ пайтида домла ҳам келиндан уч марта сўрайди. Яна сўра, бир мартага хўп демайди.

– Қўни-қўшни аёллар ҳам сўрайди, нима дейишимни билмайман.

– Ана кўрдингми, бугун яхшиликча сўраса, эртага ҳар хил гап тарқатишдан ҳам қайтмайди бу қўшнилари. Сен, йўқ деганига қарама, секин-секин этини ўлдириб йўлга сол.

– Нима дейишга ҳам бошим қотди, дадаси... Қайси бирига куяй!

Шу тариқа кунлар ўтди, ойлар ўтди.

Кимсан бобо авлиё экан. Одамлар асаларидек Робияга ёпишиб олишди. Қўлига бирор марта китоб олмаган эркаклар ҳам кутубхонага кирадиган бўлди. Тўғриси, уларга бир бало бўлган эди. Йўқ, айб уларда эмас, айб Робиянинг кўзларида, унинг муомаласида, юзларида, лабларида, сочлари-ю қадди-қоматида эди. У чиндан-да хушрўй эди: юзи ширмой, хушқомат, суюғи йирик; зулукдай сочлари тақимини ўпади. Кимсан бобо ҳам унинг узун сочларига ҳаваси келиб, келинликка танлаган эди.

Робия ҳам ҳамма аёллар каби бир аёл-да. Турмуш кўрган аёллар эркак зотининг қош-қовоғидан унинг ичида нима борлигини дарров билиб олади. Аммо шуниси борки, улар ҳамма гапни билишга билади-ю, индамайди. Индаса эркини бериб қўяди. Робия ҳам оғзига кучи етмайдиганларга чурқ этиб оғиз очмайди. Шундай бўлса ҳам, гийбатчилар бундан бошқача маъно чиқаришади. Айниқса, қишлоқ аёллари гўё эрларини рашк қилиб, орқаворатдан Робияга ҳасад қилишни бошлашди. Робия, ўзимга тўғриман, гап-сўзларга нима ишим бор, деб чурқ этиб оғиз очмас, мудом жим, мудом маънос юрaverди. Бу гийбатчилар учун дастак бўлди. Индамайдими, бир гапи бор, деб миш-миш тарқатишди. Бу миш-мишларнинг ким тарқатгани номаълум бўлса-да кўплар бунга ишонарди. Гийбатга ўч аёллар нима бўлганини батафсилроқ билиб олиш учун сўраб-суриштириб бир-бирининг холи-жонига қўйишмас, эшитганларини чайнаб, ёнига қўшиб-чатиб, хўп бичиб-тўқишар эдилар. Миш-миш оғиздан-оғизга ўтиб, қайнатанинг ҳам қулоғига етиб келди. У миш-миш худога ҳам, бандага ҳам малол келишини, келини ҳақ йўлда, беайблигини яхши билгани учун оиласи шаъни, ўғлининг руҳи олдида масъуллигини ҳис этиб, миш-мишларга қарши исён кўтарди,

қишлоқни ҳам маломатдан қутқаришга бел боғлади. У мақсадини амалга оширишдан олдин, шошқалоқлик эвазига панд еб қолмай тагин, деб обдан ўйлади ва ажойиб йўл топганига ўзини ишонтира бошлади. Агар шундай йўл тутмаса, гап-сўзлар унинг белини букиб қўйиши тайин эди.

Кимсан бобо кампирини олдига ўтқазиб қўйди-да:

– Оҳ-воҳингни қўй-да, келинни кўндир! – деди. Чечак момо аввалига тушунмади, кейин довдираб қолди:

– Нима бало, куёв топдингизми?

– Ўзингдан қолар гап йўқ, тул хотин қопқоғи йўқ қозон, ит ҳам, бит ҳам тегиनावеради. Олдин ҳам, ҳозир ҳам айтаман, гап-сўзни кўпайтирмай, келинни эгасига топшириб қўяйлик.

– Мен ҳам хўп дейман, лекин қани ўша эгаси? – жавради кампир.

– Қумрабда Намоз деган одам бор. Хотини бир йил бурун қазо қилиб, учта бола билан қолиб кетган экан. Тагини сўраб-суриштирдим, ёмон одам эмас: мўмин-қобил, одамшаванда; мироб – сувчи; ҳовли-жойи бинойи, тоза-озода дейишди. Агар келинни кўндирсанг, у томонни ўзим гаплашаман.

– Агар иш шунга борадиган бўлса, уят-андишани йиғиштириб, келинни ўз қўлингиз билан олиб бораркансиз-да?

– Керак бўлса, шундай қиламанам. Ахир, тушунсанг-чи, келин ҳали ёш, қони жўшиб турибди. Бир ноинсоф йўлдан урса, додингни кимга айтасан? Хўп, ўғлимизни яхши кўраркан, мана бир йилдан бери ҳурматини жойига қўйиб ўтирибди. Энди уни ҳам тушуниш керак-да. Битта муҳаббат билан иш битмайди. Муҳаббат бу – хайр-эҳсон, холос.

– Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ чойи, хайри йўқ, эҳсони йўқ бойи қурсин.

– Жуда галатисан-да, кампир. Асл муддаомни билиб турибсан. Келинни турмушга берамиз деганим, ундан юз ўғриш керак деганим эмас-ку.

– Хўп, – деди Чечак момо мойиллик билдириб, – билдирги беринг, совчи юборсин, элда расм-русум деган гап бор. Ўзимиздан ўзимиз бир иш қилмаймиз-ку, қўни-қўшнига бир оғиз билдириб қўйишимиз керакми?

Кимсан бобо, бу ҳам бир гапни билиб айтаётгандир, деб ўйланиб қолди. У ўзининг, кампирининг ва келинининг келажагидан хавотирланиб ташқарига чиқиб кетди.

Келишув бўйича совчиликка икки аёл келди. Улардан бири серажин юзли, жавдираб турувчи қўй кўзли, сочи силлиқ таралган, туси ноаниқ озгин, шеригининг елкасидан келар, овози бўшашганроқ, гапирса изн сўрагандек ҳадеб ёнидагининг оғзига қарайди. Ёнидагиси ҳойнаҳой унинг опаси ё синглисидир, бир-бирига жуда ўхшайди: қизил юзидан кулги аримайди, қошлари пайваста, қадди тик, кийик кўкрак жувон, нуқул куёвни мақтаб куйиб-пишади. Робия шу бугун уйда эди, ичкарига кириб, ташқарига чиқиб хизмат қиларди. Ҳар кириб-чиққанида аёллар унга бошдан-оёқ разм соларди. Биринчи аёл-ку, кўзининг қири билан сал-пал қараб қўйса, иккинчиси Робиядан кўзни узмайди. Охири, Робия бир оз тин олиб, меҳмонлар олдида ўтириб, чой қуйиб берди. Аёллардан гапга чечани, она қизим, хафа бўлмай юрибсанми, деб сўради. Унинг овозида ўкинч ҳам, илтижо ҳам, истак ҳам бор бўлиб, олдинда ўтириб йиғлайман, лекин дардимни сенга айтмайман, деган маъно ҳам яширин эди. Робиянинг кўнгли бир нимани сезди-ю, қайнарасининг ҳам юзига қарамай, ўрнидан туриб чиқиб кетди ва меҳмонлар олдига қайтиб кирмади.

Меҳмонлар кетгач, Чечак момо Робияни ёнига ўтқазиб:

– У дунё-ю бу дунё сен менинг келинимсан, – деди. Бундан, албатта, Робиянинг пешанаси тиришди, чунки гап ўзининг кўнглидан ўтган гап эдики, унинг ўзи ичкаридаги ҳангомани оқизмай-томизмай гапириб берди. Нимагаки, у ҳам эшикнинг орқасида туриб ҳамма гапни эшитиб олган эди. – Хўп, шунга нима дейсан? – деб сўради Чечак момо.



– Мен қайдан билай, – деди Робия қатъий қилиб. – Ҳали йил тўлмай қайси юзим билан хўп дейман?

– Тақдир, қизим. Насимжон сенга эр бўлса, менинг ўғлим эди. Шўрлик болам! Пешанасига ёзилгани шу экан. Ўлим – у ёқдан-бу ёққа солишдир. Бу дунёда ана шу олиб-солишдан бошқа дарднинг давоси бор. Қизим, сенга бу гапни айтиш менга ҳам оғир, лекин начора, айтмасам бўлмайди. Жонимни қоқай, ёлғизлик Оллога ярашади. Шундай экан, ўжарликни қўй. Ўлган қайтиб келмайди.

– Нима, мендан шунчалар безор бўлдингизми?

– Ундай дема. Ҳеч ким сендан безор бўлгани йўқ. Ёлғиз кўкармайди... Айтганимга кўнишинг керак. Отанг суриштирибди, Намоз деган киши бор экан. Хотини ўлиб, учта қизи билан қолган экан. Хокисоргина одам дейишибди, бунақалар хотин қадрига етади. Сен қанча тинч бўлсанг, биз ҳам шу. Бизларни ўйлама, худонинг берган кунини кўрармиз.

Робия бу гапни эшитиб бўшашди. Аввалига кампирнинг гапидан хафа бўлди, кейин ҳар қалай унинг аҳволини тушунди. “Ғам-алам уни эзиб юборган, мен бўлсам унинг бошини қотиряпман. Ҳатто уни бирор нарсадан умидвор ҳам қилолмаяпман. Бу табиий ҳол, чунки нима исташимни ўзим ҳам билмайман!” У нима исташини-ку оз-моз тушунар, лекин орзу-истаклари кампирнинг орзу-истакларига мос келади-ми-йўқми, буни ҳам билмайди. Фақат, учта қизи билан қолган экан, деган гап унинг кўнглига Намозга нисбатан аллақандай илиқлик уйғотди-да, ўйланиб қолди.

Шу пайт эшик қия очилиб, Кимсан бобонинг қораси кўринди-ю, майли, халақит бермай, деб эшикни ёпмоқчи бўлди, кампир киринг, деб қолди. Чол истамайгина ичкарилади.

– Кечаги совчиларнинг маслаҳатини қилиб ўтирибмиз. Сиз қандай қарорга келдингиз? – деб сўради кампир чолдан.

– Ўзинг-чи? – саволга савол билан жавоб берди чол.

– Бўлишайлик, деб турибман. – Кейин Робияга ишора қилди. – Гап мана бунга қолди, нима деса шу. – Робия уялди ва ўрнидан туриб эди, кампир чаққон унинг билагидан тутди. – Ўтир! Отанг-ку, нега уяласан?

– Ёмон одамлар эмас экан, – деди Кимсан бобо, – онанг ҳамма гапни айтган бўлса керак... Бу ёғи Қумработ бир қадам, келиб-кетаверасан...

Кампир келинининг феълени яхши биларди, шу гапдан кейин нима бўлишини ҳам тахмин қилган эди, мана худди ўйлаганидек бўлди. Робия шарт ўрнидан туриб, остона ҳатлади-да, бор эътиборини тўплаб қоронғи тун қўйнига тикилди ва қаршисида юлдуз мисол Насимни кўрди. Гўё кўкдаги юлдуз сабри чидамай, осмон чокини йиртгану, пастга – ерга тушиб келгандай туюлди. У қўл чўзган эди, Насим қиёфасидаги юлдуз мумдай эриб, йўқ бўлиб кетди. Робиянинг тасаввур уфқида шаклсиз, хаёлий бир сурат қолди, холос.

## 5

Бугун ой сийрак булут орқасига юзини яширди. Гўё қишлоқнинг ғариб хонадонида ғариб бечора бир киши ўз қилмишидан шармисор, ич-ичидан куйиб-ёниб, эски, йиртиқ-ямоқ чодирига ўралиб унсиз азоб чекади.

Кимсан бобонинг уйида тонг отгунча чироқ ўчмади. Бахт-саодатдан айро тушган оиланинг боши ҳам. Бор қувончларидан айрилганларини, бошларига қандай кулфат тушганини улар энди чинакамига англашди. Чолнинг чехраси ғамдан хуфтон, гўё бахтиёрлик бир умрга унинг юзини тарк этгандай; Чечак момо кўзи ёшланиб оғзига талқон солиб олган, лом-мим демайди, ҳаяжонини зўр-базўр босиб, ўкириб йиглаб юборишдан ўзини тийиб лабини қаттиқ тишлаб ўтирарди.

– Мана хотин, келин-куёвлик дамларимиздек яна ёлғизмиз, – деди Кимсан бобо ва бирдан жим бўлиб қолди. Кейин

аста-секин суҳбат бошланиб кетди-ю, чол бўлиб ўтган ишларни бир бошдан ҳикоя қила бошлади. Чечак момо зўр бериб унинг барча даъволарини инкор этиб, далда бериб ўтирди. Бу суҳбат иккала жабрдийдани бир-бирига янада яқинлаштирди. – Намоз ажойиб одам, келинимизни хўрлатиб қўймайди. Э, худоим-э, ахир бундай куёвга етишиш бахт-ку.

– Илойим, охири бахайр бўлсин-да, – кампир бундай эътироф дилига озор етказганини яшириш учун хўрсиниб қўйди. – Эрта апоқ-чапоқ бўлиб кетишгач, бизларни ҳам эсларидан чиқаришар... Сиз ҳам қаёқдаги бемаъни қилиқларни қилдингиз. Ичкуёв топганингизда келин ўзимизда қолармиди.

– Сендан бошқа одам бўлганда, бунақа куёвнинг бошидан сув ўгириб ичарди, шундай бахтга мушарраф қилгани учун худога шукурлар қиларди. Сен бўлса нолиганинг-нолиган. Ҳали томоша қиласан, бу ҳовлидан келин-куёвнинг қадами аримайди. Бизга худоини таоло қандай қобил куёв ато қилганини ўшанда кўрасан... Энди илож қанча, кампир, биздан хабар олишадими-йўқми, жонлари омон бўлсин.

Кампир чуқур хўрсинди:

- Одамларга кулги қилиб, дунёга келтириб нима қиларди?!
- Бўлди, қўй, тинчлан, ахир биз ҳамиша биргамиз-ку!
- Майли, пешана экан-да, нима қиламиз, дадаси, – деди кампир. – Энди ухлайлик, шунча алаҳлаганимиз ҳам етар, эртагаям қолсин!

Барибир чол-кампирнинг баҳслари чўғи сўниб бораётган ўт сингари гоҳ заиф, гоҳ куч билан тонггача чирсиллаб турди.

Кимсан бобо кейин ҳам кампирига, ўзига қанчалар таскин-тасалло бермасин, қадам олиши сусайиб, кун сайин орқага кетаверди. Ёзга чиқиб ўзини тамоман олдириб қўйди: уйдан чиқса бирпасга ҳовлига чиқади, бўлмаса, ётган жойи. Аксига олиб, ёз жуда иссиқ келиб, соя-салқинда ҳам жон сақлаш қийин бўлди. Офтобнинг сели мияни эритиб, танадаги сувни қуритай дерди. Дов-дарахтларни-ку офтоб уриб

баргларини оқартирди, мева-чева бир-бирига чирмашиб, дарахт шохида туршакка айланди; ўт-ўланлар кўмирчи бола сингари қорайиб кетди. Соппа-соғ кишилар бундан ранжишмади, бунақа иссиқни энди кўряпмизми, одамга иссиқ ҳам керак, деб яйраб-яшнаб юришди. Бироқ қариялару касалмандларга қийин бўлди.

Кўни-қўшни, ёр-биродарлари кўришга кирса, Кимсан бобо нуқул нариги дунёдан ҳангома бошлайдиган бўлиб қолди. “Ҳамма роҳат-фароғат у дунёда, бу дунёнинг ишлари, кетаман нусха, пажарагул – чиранишдан бошқа нарса эмас”, деб фалсафа суқади. Хуллас, қайси мавзудан гап очилмасин, гапни, албатта, ё ўлимга, ё охиратга, ёки жаннату дўзахга олиб бориб тақар ва бу ҳангомаларни анча ваҳима билан айтса-да, барибир бу дунёдан умидворлигини ҳам яширмасди. Нимагаки, одамнинг ўзи шунақа яратилган, ўлим ҳақида гапирса ҳам, ўлишни истамайди, бир кун бўлса ҳам яшай дейди, бир кун ўтгач, яна бир кун яшай, деб умид қилади.

Кимсан бобо бир марта элдан, тенгқурларидан номус қилиб ўлимига рози бўлган, сабаби – тирноққа зор пайтлари ҳаётдан безиб, яшагиси келмаган ва бу истагини ҳеч кимга айтмаган, айта олмас ҳам эди. Насим туғилгач эса, яшагиси келган, ҳаёт кўзига гўзал кўриниб кетган. Энди уни яшашга чорлаган, чексиз қувонч бағишлаган мужда йўқ, яшашга бўлган иштиёқи сўнган, ҳатто бу сафар видолашувнинг вақт-соатини ҳам биладигандек, оғзини тўлдириб гапиради. Албатта, кампир унинг ўлим ҳақидаги гапларидан ранжиб:

– Ўлимни ўйламанг! Худо хоҳласа ҳали-вери ўлмаймиз, олтин тўйимизни ўтказамиз. Ўшанда Робиянинг бола-чақаларини йиғиб хўп ўйин-кулги қиламиз. Фақат сабр қилинг! – дейди-да, кетидан: – Биринчи бўлиб кетаман деманг, сиздан олдинроқ мен кетаман, – деб чолнинг жиғига тегиб қўяди.

Чол ҳам бас келмайди.

– Тегирмон навбати билан, навбатни бузишга ҳеч бир ҳаққинг йўқ, – деб кулади.

Робиянинг канда қилмай муттасил хабар олиб тургани чол-кампирининг бу каби “навбат талашиш”ларига барҳам берар, кундан-кунга ҳаётга бўлган меҳрларини орттирар эди. Робиянинг ҳар икки томон – ҳам оиласи, ҳам чолу кампирининг кўнглига йўл топаётгани Чечак момонинг: энди ўзи билан бўлиб бизларни унутади, деган хавотирини пучга чиқарди. Энди қош қорая бошлаши билан – ўчоқ бошида бўладими, уйни йиғиштираётган бўладими, икки кўзи эшикда; кўча-кўйда, меҳмонда бўладими, Робиям келиб мени кутиб қолмадимикин, деб ҳовлисига шошади. Робияни кўрди дегунча кўзи жиққа ёшга тўлади, лекин тезда ўзини тийиб, ҳижронни соғинчга айлантиради-да, худди ўз қизини кутиб олаётгандек, кўзлари тўла меҳр билан очилиб-сочилиб қарши олади. Агар Робия бирор баҳонайи сабаб билан келмай қолса, эшик тик этса югуриб ҳовлига чиқади ва азбаройи соғинчнинг кучидан мияси ғовлаб, кечалари мижжа қоқмай чиқади.

Ҳаво айниган кунлардан бирида Кимсан бобо бир бўлак томорқасини чопиб, баҳорги экинга тайёрлаб қўйиш учун елкасида кетмон олиб далага чиқди. Ҳамма ерига қўш солади, Кимсан бобо эса қўшни кутиб турмай, ўзи эрмак қилади. Томорқаси энсизгина – бир вақтлардаги катта ернинг қийқими эди. Томорқангизни сотиғи кўп деб, ер ўлчовчилар ярмини кесиб олиб, хўжалик ерига қўшиб юборишган эди. Дарвоқе, бу икки бўлак ерни битта жўякча ажратиб турарди. Унинг кўзи илгари ўзининг, ҳозир эса хўжалик ҳисобига ўтган ерга тушди-ю, бир эгат еримдан қўшиб олай, деб ўйлади ва бирдан юзи қизариб кетди. Ҳа, ер қурсин, кўз тўймайди-я!

Чол, ўзимни еримни чопсам ҳам катта гап, деб кетмон чопишга киришди. Бўз ер палахса-палахса бўлиб ағдарила бошлади. Бир-икки эгат чопиб, кейин кетмоннинг дамига ўтириб, сопга орқа берганча пешана терини артаётиб, кўксидан санчилгандек бир оғриқ сезди-ю, иссиғида уйга етиб олай, деган мақсадда даладан қайтиб келди. Далада сизга нима

бор эди, деб кампири уни яниб берди. Кимсан бобо: ваҳима қилма, ўтиб кетади, деб уйга кириб чўзилди. Бироқ чолнинг кўриниши кампирнинг ваҳима қилганича бор эди.

Чол бир нима бўлишини кўнгли сездими:

– Робияни чақиртир, бир келиб кетсин, – деди. Унинг лаби секинроқ ва ишончсиз шивирласа-да, мияси тиниқ, равшан ишларди. Ич-ичидан бир нарса томоғига келиб, оғритиб орқага қайтар, аъзойи бадани лов этиб ёнар, кўзида чақмоқ чаққандек ёруғлик пайдо бўларди-да, унутилиб кетган хотиралар: болалиги, ота-онаси, мактабга боргани, далага чиққани-ю қўш ҳайдагани, кейин жанггоҳлардаги манзаралар... азоб-уқубатлар, Чечакка кўнгил бергани, Насимнинг туғилиши – бари-бари хаёл кўзгусидан пайдар-пай ўта бошлади. Аллақандай чийиллаган овоз эшитилди. Овоз аста-секин пасайиб-пасайиб чўлда сар-сари кезган шамолнинг ҳуштагига айланиб кетди.

Икки кун кетма-кет шундай бўлди, шу икки кунда Робия унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмади. Намоз, дўхтир чақирайлик, деганида ҳам чол кўнмади. Учинчи куни бир оз ўзини енгил ҳис этса-да, тиканнинг устида ётгандек тўлғанар, икки кўзи Робияда бўлиб, унга нимадир демоқчи бўларди. Робия унинг нима демоқчилигини билгандай:

– Отажон, менга ҳамма нарса аён! Ҳаммаси! Ипидан игнасигача! – деди чолни безовта бўлмасликка ундаб.

– Қа-қанақаси-га?! – Кимсан бобо ўзини йўқотаёзди. – Сенга нима аён?

– Айтмоқчи эдим – айтолмадим. Мен буни билишингизни сезган эдим. Энди аминманки, тахминим тўғри экан. Албатта, бунинг борди-келдиси йўқ. Насим акамга тухмат бўлган. Сиз бўлсангиз, мени аяб ҳақиқатни то ҳануз яшириб келгансиз. Бир куни сиздан буни сўраганимда, ёлғон-яшиқ гапларни гапириб, овутгансиз. Шўрлик Насим акам!.. Боёқиш Насим акам! Қанчалар олийжаноб, қанчалар хокисор

эди. Бошига тухмат тоши ёғилса-да, гиринг демади, ҳеч кимга шикоят ҳам қилмади, ўзининг ёғига ўзи қовурилиб адо бўлди. Илоё бағритошлар дўзахда куйсин!..

– Мени айблама, қизим. Ҳаёт сен ўйлаганингдан ҳам мураккаб нарса. Бошига ёққан қорни ҳар ким ўзи куради. Рост, Насимга тухмат бўлди, бунга бир ҳисобдан ўзи ҳам айбдор эди. Нечунким, қўлида бир даста далили бўла туриб, ўз бошини ўзи кундага қўйиб берди. Ўша далиллар зикр этилган қоғозлар борлигини менга айтган эди, уларни вақтида тополмадим... Ҳаво бунча дим-а? – чол нафас етмаётгандек ёқасидан қўл тикиб кўксини силади. – Унинг қутулиб чиқишига ишонгандим, нима бўлди ҳайронман...

– Бу айрилиқ мен учун қанчалик бахтсизлик эканини ҳаёлингизга келтиролмайсиз. Ўшанда менга бир оғиз айтганингизда, ўша ер ютгур қоғозларни топиб, жилла қурса, унинг нима эканлигини кўрардик!

Чол, шунча вақтдан бери бу ҳақда гапирмагани учун ўзини койиди. Бундай эҳтиёткорликдан ўзи ор қилди, фақат ҳафтафаҳм кишиларгина шундай йўл тутиши мумкин, деб ўзига-ўзи дакки берди.

– Мен сенга бу ҳақда кейин ҳам айтмоқчи бўлдим... – деди у кўзига ёш олиб. – Худо жазолайди, ўзи тагин қарам қилади. Пешанангни шўрлиги шуки, бу ишга раис бош қўшган экан. У мудаббир деб ном чиқарган, қўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган одам эди. Бутун дунёни қидирганингда ҳам у каби муттаҳамни тополмайсан: итдек қаҳрли, шайтондек айёр... ўчакишиб барака топиб бўлмасди... Ҳа, ҳа, ўша Рамазон Наим! У ҳозир шаҳарда, каттакон одам бўлиб кетган.

– Айбдор ўша эканлигини билсангизам шунча вақтдан бери индамай юрганингизни қаранг?! – хитоб қилди Робия.

– Э, жин урсин уни! – деди Чечак момо аччиғи чиқиб. – Энди сенинг оиланг бор, ўчакишма, у сени ҳам аристонга тикади-я. Насим тирик бўлганда-ку, ҳеч гапмасди... Насимни

ўлдиртирган ҳам ўша, тагин уни ер кўтариб юрганига ҳайронман. Унинг бизга нима хусумати бор экан...

– Энди мени холи қўйинглар, – деди чол, ё гапиришга холи келмади, ёки айтадиган гапи қолмади. Бироқ унда ҳали ҳамма нарса тамом бўлгани йўқ, деган умид бор эди. Одатда бундай умид одамни то унинг жони чиқиб кетгунча ҳам тарк этмайди. Ҳатто юраги уришдан тўхтаб, танаси музлаганда ҳам кўзларида милтиллаб туради. – Мен бир оз дам олай. – Кейин Робияга жилмайгандек қаради. – Қизим, кетмай тур, сенга иш бор...

Шундай деб, Кимсан бобо кўзини юмди ва қайта очмади. Эртаси кун пешинда уни ўзи ардоқлаган ерга топширишди, одамлар навбати билан келиб бир сиқимдан нам тупроқни гўрга ташлагандан кейин чолнинг бу дунёдан насибаси буткул узилиб, ундан узук-юлуқ хотиралар қолди, холос.

Чолдан кейин катта ҳовлида – алдамчи умиднинг учқуни – Чечак момо қолди. Лекин у ҳам яқинларидан айрилгач, ўзини ўнглай олмади. Ҳукми орқага суришнинг имкони йўқ эди. Робия чолнинг қирқи ўтгунча, кампирнинг ёнида бўлиб, кейин уни Қумработга олиб кетаман деганида, кампир, уйимнинг чироғини ёқиб ўтираман, деб унамади... Афсуски, ажал фариштаси ким ҳақу ким ноҳақлигини ажратиб ўтирмас, вақт-соати етгач, олиб кетаверар экан. Чечак момо ҳам чолининг қирқлик маъракасидан икки кун ўтиб азиз жонини Ҳақнинг ҳукмига топширди.

Катта ҳовлининг чироғи тамоман ўчди.

Робия учун ҳам бу ҳовлига талпинадиган ҳеч бир мужда қолмади. У эшикни ёпишдан олдин аланглаб ҳовлини бир қур кўздан кечириб, бир пайтлар бу ерда кечган шўх-шодон ва бахтли кунларини эслади. Ҳовлидаги ҳар бир пучмоғдан Насимнинг меҳр-муҳаббатга тўла нигоҳини, чолу кампирнинг ҳадик-хавотир билан янграган овозларини эшитди. Насимнинг кўз қарашларини хотирлади, лекин унинг қиёфа-



сини кўз олдига келтиролмади. Унинг қиёфасини унутибди. Қандай унутибди экан-а?.. Юраги гурсуллаб томирларида қон кўпирди. Олма таги воқеаси эсига тушди. Ана, ҳовли этагида ўша олма дарахти мунғайиб турибди. Узоқ ёз кечаларида ана шу олма остида Насимнинг елкасига бош қўйиб ширин орзулар қиларди, унинг иссиқ қучоғидан баҳраманд бўларди. Баъзан Насим идорадан кечроқ қайтган кунлари уйқуси қочиб, тик этган овозга қулоқ тутиб, бетоқатлик билан кутганлари, дарвоза тақиллаши билан Чечак момодан илдамроқ, қувончу бахтиёрликдан чехраси гул-гул ёниб эшикка югурганларини эслади. Она-да, ундан кейин Чечак момо албатта ҳовлига чиқарди ва ўғлининг ишдан қайтганини кўриб кўнгли хотиржам бўларди-да, яна ичкарига кириб кетарди.

Насим онасининг одатини билгани учун, эшикдан кира солиб Робияга тегажоғлик қилмас ва супагача тиргалмай борар, Робия эса барибир шўхлигини қўймас, қайнанасининг кўзини шамғалат қилиб Насимнинг қўлини сиқар, елка қоқар, лабини чўзиб ҳавойи бўсалар ҳадя этар, кейин унинг қўлига сув қўйиб, сочиқ тутар; овқат маҳали ҳам эрининг сочини тўзғитиб, ноз-карашма билан ҳис-туйғуларини яширмас, соғинганини иддао қиларди... Бу ёшликнинг энг лаззатли онлари эди. Наҳотки, ўша кунлар туш мисол ўтиб кетган бўлса? Наҳот бахт дегани алдамчи бўлса?

Робия ҳовлининг эшик-деразаларини маҳкамлаб, ўз уйи томон кетиб бораркан, ўзганинг хасми бўла туриб, ўтмишини, Насим билан кечган кунларини эслаш унга эриш туюлди, эрлик хотин ўзга эркакни қўмсаганидек ўз-ўзидан уялди. Ўлан тушагига айланиб улгурган уйига етиб келгач, ҳали чилласи чиқмай остона ҳатлаб биринчи марта кўчага чиққан ва қайнанасидан гап эшитган ёш келинчаклардек кўзига ёш олиб кўнглидан кечган дарду ҳасратларини Намозга рўйи рост айтиб берди. Намоз унинг аҳволини тушунди ва унинг гапларини маъқуллаб:

– Бу каби ранжу аламини мен ҳам тотиб кўрганман, ҳаёт шунақа, ширин хаёлларингни баъзан пучга чиқаради, яқин кишиларингдан жудо қилади, – деб унга далда бераркан, қўшиб қўйди: – Энди сен менинг хасмимсан, менга ўтмишингни пеш қилаверма, менда ҳам эркаклик ғурури бор. Ўтган ўтди энди, бу ёғи ўзингни ҳаётинг...

Робия тўсатдан тинчланди, эрига ўтмиши ҳақида гап очганидан афсусланди, ич-ичидан эзилди: “Ахир шундай бўлишини ўзим билган эдим-ку, нега дардимни ичимга ютмадим? Энди Насим менга номаҳрам, уни ҳадеб эсга олиш ножоиз. Эримнинг гап оҳангидан билиниб турибди бу ҳолат. Бекорга айтдим шу гапларни. У ҳозир кечирди, энди кечирмаса керак!..”

Шу-шу бўлди-ю, у Насимдан бошқа гап очмади. Лекин ишдан қайтар пайтида Кимсан бобонинг ҳовлисига кўзи тушиши билан: “Э, ғариб кулба! Озмунча вақтдан бери ҳувуллаб қолдинг-а! Оз эмас, кўп эмас, олти ой-а... Ҳазилми бу?” – деб ҳовлига меҳр билан қараб ўтарди.

Ҳовлини ўт босиб кетган, қаровсиз қолган дов-дарахтлар ўз билгича ўсиб ётарди. Уй бўғотларидаги ўргимчак инлари кўёшда ялтирар, деворларнинг баъзи жойларидаги шuvoқлар кўчиб тушган эди. Ҳар жой ўз эгаси билан обод. Одам бўлмаса катта-катта шаҳарлар ҳам вақт шамолида соврилиб кетиши тайин.

Робиянинг ҳовлига ичи ачишиб, бир куни Намозга маслаҳат солди:

– Ҳовли қаровсиз қолди, вақт топиб тартибга келтириб қўйсак. Агар харидор топилса, сотсак ҳам бўлади.

Намоз рози бўлди ва бир якшанбани белгилаб, давдасдак билан уч қизини, Робияни етаклаб Қуйиқишлоққа боришди. Дарвозага солинган қулф занглаган эканми, калит аранг айланди. Ҳовлига киришлари билан зах ҳиди гуп этиб димоғларига урилди. Робия ўзига ўрганиш бўлиб қолган ҳовлини кўздан кечирди, уҳ тортди.

– Супадаги ўтларни юлиб ташлаш керак, – деди Намоз қизларига иш буюриб, – Қани бошланглар-чи! Онаси, сен хоналарни шамоллатиб, тартибга келтир, мен дарахтларни бутаб қўяй. Ҳақиқатан ҳам одам қарамаса, жаннат ҳам хароб бўларкан-да...

Ҳаммалари ишга киришиб кетишди. Робия уйларни шамоллатгач, сандиқ очди-ю, латта-путталар қатидан бир даста қоғозларни топиб олди. Картон жилд жуда таниш кўринди. Бир пайтлар уни Насимнинг қўлида кўргангани эслади. Жилддан бир хат чиқди. Хатни очиб, ундаги ёзувларга қараса, Насимнинг хуснихати билан ёзилган. Ҳаяжондан ҳарсиллаб кетди ва ташқарига хавотир билан қараб-қараб, хатни ўқиб, Кимсан бобонинг айтганларини эслади: ўша далиллар шу экан-да!

Мактуб билан танишиб бўлгач, шуни англадики, Насимни қутқарадиган нажот калити шундоққина ўз кафтида турган экан-у, қисмат унга фирромлик қилибди-да? Насим нега буни отасига айтмабди? Агар тақдир кажбахтлиқ қилмаганида, бу далиллар вақтида топиларди. “Бахтингиз ўз қўлингизда экан-ку, Насим ака! – деди у афсус билан. – Ҳақ экансиз-у, ҳақдигингизни исботлай олмабсиз. Нишонни олибсиз-у, зарба беришга кечикибсиз!”

Робиянинг боши қотди. Орадан анча вақт ўтган, замон ўзгарган, эски тузум йўқ энди, бу ҳужжатлар юзасидан иш қўзғатилса бирор натижа чиқармикан? Ҳечқурса Насимнинг номи оқланиб қолармикан?

Робия деразадан бошини чиқариб, минг истиҳола билан Намозни имлаб чақирди. Намоз нима гап деб, ичкарига кирди.

– Сандиқдан чиқди, – деди Робия қоғозларни кўрсатиб.

– Бу нима? – деб сўради Намоз ҳайрон бўлиб.

Робия тарихдан гап очди, сўнгида:

– Судга берса, Насимни оқлашармикин? – деди.

– Яна бошимни қотиряпсанми? – Намознинг юзи буришди. – Менга-ку барибир, ўзингга ёмон. Одамлар, ҳали ҳам

ўтмишини қўмсаб юрибди, деб гап чиқарса, мен қандай бош кўтариб юраман? Шу керакми сенга?.. Хўп, судга бердинг ҳам дейлик, нима, суддагилар Насимни тирилтириб берармиди? Эски гапни қўзғашга кимнинг кўзи учиб турибди ҳозир? Айбдорлар ҳам йўқ, Насим ишлаган хўжалик ҳам йўқолиб кетган. Энди сен излаётган ҳақиқат етти қават ернинг остида.

– Ахир, инсон шаъни-чи? Бутун бошли одам қора бўлиб кетаверадими?

– Йўқ одамга оқу қоранинг нима фарқи бор?

– Кўнгил-чи?..

Кўнгил-чи?! Бу сўз айилдек ботиб, Намоз чурқ этмай қолди. Робия эса ҳамон унга савол назари билан қараб тураркан, бирдан унинг кўзларида рашк учқунини кўрди-ю, ҳамма гапни тушунди, гапини ниҳоясига етказмай, сиз нима десангиз шу, қабилида елка қисди.

Деразаларни арта туриб, ноҳос олма дарахтига кўзи тушди. Хаёлида олма барглари унга таъна қилаётгандай шитирлади. Шитирлаш Насимнинг овозини эслатди ва у илон чаққандек сапчиб тушди. Ахир, мана шу олма дарахти остида Насим унинг юзу кўзларидан қайноқ бўсалар олмаганмиди, оламга сизмас орзу-ниятлар қилмаганмиди?

У ўзига олам-олам қувонч бахш этган олмадан кўзини узди, чунки назарида орқасидан Намознинг қўли чанг солмоқчидай юраги така-пука бўлди, лаби кечирим сўрагандек пичирлади. Ўзини энди ана шу эркакнинг хасми эканини, бундан буён унга итоат этишини, унда ҳам рашк борлигини ҳис этиб, бемаврид ҳиссиётга берилмаслигини, гапирганда эҳтиёт бўлишини тушунди ва хатосини тузатиш, ўнғайсиз вазиятни юмшатиш учун эрининг кўз ўнгида қоғоз тўла жилд-ни қайта сандиққа солиб, устига кўрпаларни йиғиб тахлади, сўнг ҳовлига чиқди-да, гўё кайфиятини шу суҳбат паймол қилгандек кечгача дили сиёҳ бўлиб юрди...

Робиянинг паришонлигини кўриб, Намоз уни қадам-бақаддам кузатиб, изидан соядек изғиди, бироқ ҳеч бир хавфни ёки

ножўя ҳаракатни сезмади. Хотин одатдагидек ишга борар, ишдан келиб рўзғорга шўнғир, ўзи билан ўзи овора эди. Буни кўриб, Намоз, гапим кор қилибди-да, деб хотиржам бўлди. Бироқ Робия учун тун билан куннинг мувозанати бузилди, наздида тун кундан устун кела бошлади. Мағлубиятга учраган кун тун олдида юзи шувут бўлди, булутлар пардасига ўраниб, жамолини кўрсатмай қўйди. Кун кўринмагандан кейин ердаги нарсаларнинг туси ўзгарди: дарахтлар мунғайди, жониворларнинг юриш-туриши секинлашди, сайроқи қушлар эса сурма ютгандай сайрамай қўйди. Кун гулларни, майса-гиёҳларни эркаламай қўйгач, уларнинг кўзларидаги ёш пойларига оқиб тушди.

Кун кўринмагач, одамларнинг ҳам кайфияти тушди, лабларидаги кулги ўрнини маъюслик эгаллади. Дарахтларни бутай бошлашди, ҳатто болалар дарахт шохларини синдириб улардан камон ясаб, мўлжални олмай хоҳлаган томонларига ўқ узишга тушишди. Хотин-халаж борки, оғзининг таноби қочиб, қишлоқ бўйлаб турли миш-миш гапларни тарқата бошлашди. Насимни бир пайтлар алқаб, унинг тақдирига куйиниб юрганлар энди уни очиқ-ойдин қоралашар эди. Бутун қишлоқ узлуксиз, туганмас ғийбатбозлик гирдобига тушди. Ғийбатчилар бора-бора Робиянинг юзига ҳам тўғридан-тўғри гапирадиган бўлишди:

– Оббо Насим-е, ичидан пишган экан-а?! Катта хўжаликни ўпириб йўқ қилди-я! Лекин шунча бойлик ўзига татимаган бўлса-да, орқасида қолганлар ҳузурини кўриб юрибди Робияхон, уй-жой ҳам сизга қолди, энди Насимдан қолган пулларни бемалол ишлатаверсангиз бўлади, сизга ҳалол. Намознинг ҳам пешанаси ярқираган экан. Қандини урсин!..

Бу гаплардан Робия бир қизарса, бир оқариб кетарди. Орадан шунча вақт ўтгандан кейин бунақа гаплар чиқишини билмаган, хаёлига келтирмаган экан. Гап эскирган сари юзага чиқавераркан-да, а?

Ғийбат одам тугул табиатга ҳам хуш ёқмаскан. Қишлоқ ғийбатхонага айлангач, дарахтдаги қушлар ерга тушиб дон чўқимай қўйди, нағмалари ҳам тинди. Иккитасининг боши қўшилдими – бас, ўша ерда ғийбат: бирови ундоқ, бошқаси бундоқ дейди, охирида гур этиб кулги кўтарилади. Айниқса, Робияни кўриб қолишса, бу кулгининг кучи икки ҳиссага ортади.

Ана шу миш-мишларнинг урчиб кетишида Робия ўзини айбдор деб ҳисоблаб, алаmidан ёнди, бир нима деб жавоб қайтаришга тили айланмади, ўзини ожиз сизди. Бир неча кун шундай юрди ва бирдан ўзлигидан узоқлашди, кўзида қасос ўти алангаланди, эрининг қутқусини ҳам унутиб, Кимсан бобонинг уйига борди, сандиқни очди, жилдни оларкан: “Тинчланинг, Насим ака, – деди кўзларини бир нуқтага тикиб. – Сиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, номингизни оқлаб, ҳалол одам эканингизни исботлайман. Номингизни булғамоқчи бўлганларнинг таъзирини бериш пайти келди!..”

Робия, бу ҳақда эримга айтсамми-йўқми, деган ўйлов билан тунни тонгга улади. Айтса, яна бир гап эшитади. Айтмаса нима бўлади? Осмон узилиб ерга тушадими? Ахир, ҳақиқат қарор топса, гап-сўзлардан қулоқлари тинади-ку. Деразадан хонага тонг қуёшининг нурлари ёғила бошлади. Жилвагар нур унинг қалбига сингиб, аллақандай жасурлик ҳиссини уйғотди. Шу пайт Насимнинг илтижоли овози эшитилиб, юраги жизиллади. Кўз ўнгида тўсиқ намоён бўлди. Тўсиқ катта эди, бу тўсиқ олдида ҳамма ҳам ўзини ожиз сезиши, изтиробга тушиши, қўрқув-ҳадиги, умид-истаги билан жуда кичкина хасга айланиб қолиши мумкин эди. “Йўғ-е, нега ўзимни бунчалар ожиз сезяпман? – ўзига ўзи савол берди. – Худо миттигина чумолининг ғамини еб турган бир пайтда, наҳотки бандасидан мурувватини аяса?” Шундан кейин кўз ўнгидаги тўсиқ ҳам, ичига кириб олган ваҳима ҳам чекинди ва жилдни қўлтиқлаб дарвозадан кўчага чиқди.

У бугун ишга эмас, тамоман қарама-қарши томонга – туман марказига қараб йўл оларкан, ўз-ўзига бекорга ўжарлик қиляпман, бундан кўра яхшилик билан бамаслаҳат иш кўрган-ним дуруст эмасми, деб ўйлади. У Мулқободга бориб фалон идорага йўлиқишдан аввал бирон адвокатга маслаҳат солсам-микан, деган фикрга ҳам келди. Бу фикр унга маъқул тушди.

Туман марказига бориб, сон-саноксиз бинолар орасидан адвокатлик идорасини излаб, икки қаватли бино пештоқида ўқлоғи ҳарфлар билан “АДВАКАТУРА” деб ёзилган идоранинг олдидан чиқди. Бироқ бинога яқинлашгани сари, гарчи оёғи олдинга босаётган бўлса-да, юраги така-пука бўлди, нохуш фикрлар пайдар-пай хаёлини чўлғади. Бундан бирор натижа чиқармикан, деб ўзида ҳужжатларга нисбатан ишончсизлик уйғонди. Лекин барибир умид кучлилиқ қилди. Агар ҳаётда одам умидга суюнмаса, нимага суюнади?

Остона ҳатлаб ичкарига кирди. Йўлакда одам гавжум эди. Нафасини ростлаб, фикрини бир жойга йиғиб олиш учун йўлакдаги скамейкага ўтирди ва қарама-қарши томондаги скамейкада суҳбатлашаётган икки кишига кўзи тушди. Улардан бири, шу ернинг ходими бўлса керак, куйиб-пишарди:

– Ҳужжатларингиз билан танишдим, аҳвол анча мураккаб, битта-яримта таниш орқали судьяга тайинлаб қўйилса, яхши натижага эришамиз.

Пайтавасига қурт тушган иккинчиси:

– Акажон, ўзингиздан қолар гап йўқ, – дерди ўзидан ёш ходимга безовта ва ялинчоқ оҳангда. – Хизмат бўлса, мана мен тайёр!

Ходим таранг қилади:

– Биласиз-ку, бор кучим билан сизни ҳимоя қиляпман, лекин барибир охирги сўзни судья айтади-да.

– Ўша судья билан ўзингиз тиллашинг. Мен судьяларнинг тилига тушунмасам. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйгани яхши-да.

– Ҳаракат қиламан, лекин харажати...

– Харажатни ўйламанг деяпман-ку! Иш битсин, ака!.. Ҳар қандай хизматга тайёрман! Шу иш учун жонимни ҳам беришим мумкин! Болам жувонмарг бўлиб кетмасин!..

Робиянинг хуши учди. Назарида оёғи остидаги ер чайқалди. Орқага қайтмоқчи бўлганида, “Бошлиқ Сиёвуш Афзалов” деб ёзилган эшик очилиб, ўттиз ёшлар чамасидаги қаншари кенг, кўзлари чақчайган, ориқ юзли, саватбош йигит чиқиб:

– Опажон, хизмат? – деб мурожаат қилди кетишга чоғланаётган Робияга юзланиб. – Қани, ичкарига марҳамат!

Робия нима деярини билмай йигитнинг юзига бир муддат тикилиб турди-да, беихтиёр унга эргашиб хонага кирди.

Хона энсизгина бўлса-да, икки кишилик. Тўрда бошлиқнинг ўрни, пойгакда малла соч, кўк кўз жувон қаншаридан пастга туширилган кўзойнақдан қараганча қанақадир ҳужжатни титкилаб ўтирибди. Робия жувонга салом берди, бошлиқ суриб берган стулга ўтирди. Бошлиқ ҳам ўз ўрнига ўтириши ҳамоно, Робияга:

– Қани, қўлингиздаги папкани беринг-чи! – деб қўл узатди. Робия қўлидаги папкани унга берди. У папкани олгач, ўзини таништирди: – Исми Сиёвуш, фамилиям Афзалов. – Кейин папкадаги қоғозларни кўздан кечира туриб, пойгакдаги жувонга қаради, жувон хонадан чиқиб кетди. Сиёвуш жувонни узоқлатиб, Робияга олазарак боқди: – Бу нима? Буларни қардан топингиз?

– Эскирган эканми?! – Робиянинг оғзига келган биринчи сўз шу бўлди.

– Эскирмаган-у, – чайналди Сиёвуш, – нега шу пайтгача буларни яшириб юргангизга ҳайрон бўляпман. Ўшанда судга тақдим этиш керак эди-да.

– Яқинда топилди.

– Нима дейишга ҳам ҳайронман, – Сиёвуш қоғозлардан кўз узмай ўйланиб қолди. – Агар иш қўзгатмоқчи бўлсангиз,



кечиккансиз деса ҳам бўлади. Ахир, ҳозир кўп нарса ўзгарган, хўжаликлар тарқаб кетган. Тўғри, хўжаликлар йўқ бўлса-да, ҳужжатлар архивда сақланади. Лекин бундан нима фойда?

– Менга бунинг борди-келдиси йўқ, – деди Робия андиша билан. – Мақсадим битта: Насим Норматовнинг номини оқлаш, холос.

– Сизни тушундим, лекин мана бу рўйхатда номлари келтирилган кишиларни...

– Йўқ, мен бировни жазолансин деяётганим йўқ.

– Одамлар-ку топилар, лекин ҳужжатларнинг асл нусхасини йўқотишган бўлишса-чи?

– Бу иш оғир туюляптими?

– Оғир эмас-ку, югур-югури кўп. Харажати ҳам катта бўлади. Биламан, бунақа катта харажатга қурбингиз етмайди. Маслаҳатим, бекорга вақт сарфламай, бу фикрингиздан воз кечинг. Ўйлайманки, ўзингизга ҳам, чўнтагингизга ҳам фойда.

– Йўғ-э! Сиз шундай деб ўйлайсизми? – Робия истехзоли жилмайди. Унинг кўзларида нафрат ифодаси зоҳир эди. У бир-икки нордон сўзлар билан йигитчани сийламоқчи бўлди-ю, ноҳос телефон жиринглаб, гапи оғзида қолди.

Сиёвуш гўшакни кўтариб, гаплашишга андармон бўлганида, Робия стол устида турган жилдни олди-да, эшикдан чиқиб кетди. Кўчада қуёш хира нур сочар, атроф-теварак жимжит, қабристонга ўхшаб кўринар, у ёқдан-бу ёққа ўтаётган машиналар эса ўликларни олиб кетаётгандек туюларди.

## 6

Сиёвуш бўшгоблик қилгани аниқ. Робия кетгач, у ижирғаниб: жин урсин сени, ақллиман, ишбилармонман деб керилишингни қара, деб ўзини ўзи коийди, ўчакишганидек пушаймон бўлди: энди у аёл ҳеч иккиланмасдан судга мурожаат этади, деган хаёлга борди.

У бугунгача тоғанинг кўмагидан баҳраманд бўлди, уни шу даражага кўтарган ҳам тоға. Агар тоға қамалиб кетса, Сиёвушнинг ҳам иши касодга учрайди, суюнчигидан жудо бўлади. Одамнинг кунига одам ярайди-да.

Аёлнинг қўлидаги ҳужжатларда қайд этилган маълумотларни бир-бир эсларкан, энди тамом, дегандек калласини асабий чайқади ва туйқус тоғасининг “башарти эркакнинг ишига хотин аралашса, бу ишни ҳатто шайтон ҳам ўнглаёлмайди” деган ҳикматини эслади. Кейин ўрнидан туриб дераза олдига борди, кўчага назар ташлади. Шундоқ кўчадан гизиллаганча ғала-ғовур овозларга тўла катта автобус ўтиб кетди. Ҳойнаҳой аёллар қиз узатиб тўйга боришяпти, деган фикр кўнглидан ўтди. Чилдирма жўрлигида сурнайда шунақанги шўх куй чалиб ўтишдики, шодликдан дераза пардалари қилпирагандек бўлди.

Сиёвуш чуқур хўрсинди ва кун туйнуги ёпилган уйдек қоронғилашаётган кўчадан кўз узиб: “Мингчинорга бормасам бўлмайди, – деган қарорга келди. – Қаранг, табиат ҳам хавфни сезгандек қовоғи солинган. Ҳозир бормасам – тамом, эртага кеч бўлади!”

Эндиликда ҳамма нарса тезликка боғлиқ эди. Ҳар ҳолда Сиёвуш шундай деб ўйлади. Аёлнинг бўй бермагани айниқса унинг ҳамиятига қаттиқ тегди. У ўзини учарларнинг олди деб ҳисобларди, буни тан олмаганларни ўзига ашаддий душман деб биларди. Бу хусусият унга йўрғақда тоғасидан ўтган. Тоғаси Ғани Бозорнинг ақли чакки эмас, уришқоқ бўлмасаям, салобати бор, давлати бор, жаҳли чиқса одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди. Шу билан бирга у абжир ва қув, обрўсини сақловчи, тиришқоқ, ишчан ва пишиқлик борасида ён-верида унга тенглашадиган одам йўқ. Абжирлиги боис собиқ “Мулк-обод”нинг Мингчинордаги теплицасини ўзиники қилиб олган, бугун унинг даромади ана шу теплицадан. Мушугини пишт дейдиган одам йўқ эди, фермер бўлгач, ошиғи яна олчи

бўлиб кетди. Қани энди унга биров яқинлашиб кўрсин-чи... Хулласи, ҳозир шундай одамнинг тақдири хавф остида. Мабодо унинг иши судга ошса, юзи шувут бўлиб, ҳурмат-эътибори йўқолади, обрўсига путур етади. Шуларни ўйлаб, Сиёвуш кеч тушишига қарамай машинага ўтирди-да, Мингчинорга – теплицада макон қуриб олган тоғасининг олдига қараб йўл олди.

Мингчинорнинг йўли яйдоқ, атрофда на бирор уй-жой, на бирор дов-дарахт бор, зулмат қоплаган яланглик бўлса-да, чўл томондан эсадиган тоза ҳаво кишига ҳузур бахш этади.

Сиёвуш машина ойнасидан бошини чиқариб юзини намхуш шамолга тутса ҳам, ҳаяжондан терлаган юзидаги нам қотай демасди. У тоғасининг суюкли жияни эди, тоғаси курортгами, шаҳаргами, сайру саёҳатга – қайга борса жиянига албатта бирон совға олиб келар, суйиб-эркалар эди. Мактабда, талабалигида қўллаб-қувватлаб, ишга жойлашишида суюнчиқ бўлган тоғаси ҳарчандки рўбарў келиб қолишса унинг чўнтагига албатта бир нима солиб қўяркан, ҳазиллашиб, бу қарз, жиян, қачонки қарисам менга қарашиб турасан, дерди. Мана, ўша қарзни қайтарадиган вақти келди чоғи...

Ғани Бозор суюкли жиянига қучоқ очиб пешвоз чиқди.

– Буни қара-я, бизди жиян тоғасини эсидан чиқармаган экан! – деди кўзлари яшнаб. – Бемаҳалда йўқлабсан, тинчликми?

– Тинчлик, тоға, – деди Сиёвуш тоғасининг бағрида яйраб.

Тоға гўё бирор хизматга эҳтиёж сезгандек қўл қовуштириб турган қоровулга юзланиб:

– Қани, Шомурод, бизга бирор нарса келтир-чи, жиянни иситайлик, қара, жуда совқотиб кетибди, – деди тез-тез қўлини ишқаб. – Ўйлайманки, жиян, қиттак-қиттак қилишга қарши бўлмаса керак?

Қоровул қушдек учиб кетди-ю, ҳаялламай бир шиша мусаллас билан тақсимчада парракланган лимонни столга қўйди-да, тоға-жиянни холи қолдириб чиқиб кетди. Тоға му-

салласни пиёлаларга қултилладиб қуяркан, жиянининг кайфиятидан норозидек:

– Нега шаштинг паст? – деб сўради бир муддат унга тикилиб. – Бирон-бир шўхлик қилдингми?.. Соғлигинг дурустми, ишқилиб?

Искандарнинг шохини кўрган деҳқондек безовта бўла бошлаган жиян дарров муддаога ўта қолди:

– Тоға, аҳвол чатоқ!

– Бу нима деганинг?

– Насим тирлибди!

– Нима?! Қайси Насим?

– Ёрдамчингиз Насим Норматов-да.

– Тушунтириброқ гапир... Қанақасига?

– Бугун десангиз, аёли олдимга бир даста қоғоз кўтариб келди. Қарасам, сизларга қарши далиллар, ҳисобот нусхалари, кўриб кўзим чиқиб кетди.

– Йўғ-э?! Қаердан олибди у қоғозларни?

– Яқинда сандиқдан топиб олдим, дейди.

– Дарди нима экан?

– Эримнинг номини оқлайман, дейди.

– Оқласа оқлайверсин, ким унинг қўлидан тутиб турибди?

– Насим оқланса нима бўлишини тасаввур қиляпсизми, тоға?!

– Нимани тасаввур қилишим керак?

– Қопқонга тушасиз-ку!

– Ваҳиманг қурсин! – беписандлик билан қўл силтади Ғани Бозор. – Хўжаликлар тугаб, ном-нишон ҳам қолмади-ку. Ким ҳам аҳлат титкилайди энди? Заифа бир чақмоқдай гап, чақнайди-ю, лип этиб ўчади-кетади.

– Тўғрику-я! Чақмоқ ялт этса-да, хўлу қуруқни куйдириб кетиши ҳеч гап эмас, тоға.

– Сен кўрқма! – мийиғида кулди тоға. – Шу пайтгача бўш келмаганман, энди ҳам бўш келмайман. Тоғанни энди би-

либ турибсанми? Насимнинг қўлидан нима келди-ю, хотини нима каромат кўрсатарди? Сўқир кўзга сурма сургандай гап. Уч пуллик ваҳима, холос. Эҳтимол, у аёлга пул керакдир. Пул керак бўлса, бир-икки танга берамиз, олдимга келсин.

Сиёвуш кўнглини тўқ қилиш ва қалбини тирнаётган шубҳани тарқатиш мақсадида:

– Кўринишидан пулга эҳтиёжи йўқ, важоҳати чатоқ. Кимдир унга шов берганга ўхшайди. Ҳар ҳолда хавфнинг олдини олиб қўймаса, эртага бир гап чиқиши мумкин, – деди.

– Сени тушундим, жиян! Мени огоҳлантирганинг учун раҳмат! Энди бу ёғини менга қўйиб бер, хўпми?..

Жиян, рудаман, деб мусалласга қўл урмади, Ғани Бозор эса иккита пиёладаги мусалласни шишага чўқиштириб ичди.

Сиёвуш алламаҳалда кетиш учун ўрнидан турди...

Замон янгилангандан кейин, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Катта-кагта хўжаликлар бир кунда барҳам топиб, ўрнига ширкатлар тузилди, орадан бир-икки йил ўтиб ширкат ҳам йўқ бўлди, фермерлик авж олди. Фермерлик қулай эканми, ҳосилдорлик кўтарилди, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайди, маҳсулот сифати ошди, эл дастурхонига барака кирди. Аввалига фермерлик хўжалигини хушламаган одамлар вақт ўтгач, унинг фойда-зиёнини англаб, ер қидиришга тушиб кетишди. Ғани Бозор вақтида эсини йиғиб олган экан, “дунёда ҳар хил одам бор, ҳар бири ўзича ҳақ; агар ҳар бири ўзини ҳақ деб билса, демак, бу дунёнинг ишлари айна ҳақиқат экан-да”, деб қандини уриб юрган эди, жияннинг ваҳимасидан кейин, ана шу қандни кимнинг ҳисобидан еб юрганини эслаб қолди. У ўзини қанчалар бепарво ва қўрқмас кўрсатмасин, жияни Насимдан гап очган пайтнинг ўзида ичидан қиринди ўта бошлаган эди.

Сиёвушни кузатиб қайтгач, вақт ярим кечадан ошса ҳамки, ўзи билан ўзи савол-жавоб қилиб чиқди. Кўзи илинганда Насимни туш кўрди. Насим безовта эмиш, Рамазон Наим

ўртага тушгани учун унинг гирибонидан олганмиш, гўё раис унинг пойига тиз чўкиб кечирим сўрар, бутун қишлоқ раиснинг устида кулармиш. Сиёвуш эса қовоғидан қор ёғиб, айтмаганмидим, дегандек бир чеккада мўлтайиб турармиш...

Эртасига шанба эди. У машинага ўтирди-да, шоша-пиша қишлоққа жўнади. Олдин бунақа оғир вазиятга тушмаган, фақат ўзгалар қўли билан иш битириб юрган эмасми, юраги пўкиллаганча Аббоснинг эшигини тақиллатди. Ўз ишлари билан ўралашиб, кўпдан бери Аббос билан учрашмаган эди. Бироқ шунга қарамай, Аббос уни кўча-кўйда кўриб қолса, қоқинмасдан ўтолмас ёки сўрашмаслик учун юзини тескари буриб кетарди. Насимнинг ўлиmidан кейин уларнинг орасига совуқчилик тушган эди.

Аббоснинг димоғи чоқ эканми, ёки эшик қоқиб келгани учунми, Ғани Бозорни очик юз билан кутиб олди.

– Э, келинг, Ғани ака!.. Келмай қўйганингизга ҳам анча бўлди. Қандай хуш шамоллар учирди?

Аббоснинг бунчалик очик чеҳра билан кутиб олганидан таажжубланган Ғани Бозор, зарур гапи борлигини билдириб:

– Сенга икки оғиз гапим бор эди, – деди.

Аббос, марҳамат, бемалол, деб меҳмонни ичкарига таклиф қилди. Лекин меҳмон худди игна устида ўтиргандек, ичкарига киришни лозим топмади.

– Холи, четроқ жойда гаплашсак деган эдим. Агар вақтинг тиғиз бўлмаса, теплицага борсак, баҳонада ўзим сени бир меҳмон қилардим.

Аббос олдинига бир кўнгли унга бирор терс гап айтиб, вақти йўқлигини айтмоқчи ҳам бўлди, аммо юз иссиқ, майли, деди.

Улар Мингчинорга – теплицага боришгач, мезбон меҳмонга бир пиёла мусаллас қуйди.

– Қани, ол, сенинг соғлигинг учун, илоҳим мингга кириб юр! – дея тилак билдириб бир кўтаришда пиёлани оқлаб, гапни узоқдан бошламоқчи эди, бироқ меҳмоннинг қулфи дили

очилганини кўриб дарров муддаога кўча қолди. – Мен кўп чўзмай, бор гапни очиқ-ойдин айта қолай, токи кейин дилси-ёҳлик бўлмасин. Хулласи, сенга яна бир хизмат чиқиб қолди, ука.

– Қанақа хизмат экан? – деди Аббос ширин сўзлик билан.

– Ўзинг биласан, Насимни ерга тикдинг, энди қанжиғи бош кўтарибди.

– Йўғ-е?! Нима деётган экан?

– Қўлида бизга қарши далиллар бор эмиш, шуни олиб беришинг керак!

Аббос хижолат тортган кишига ўхшаб:

– Маъқул кўрсангиз, энди шу ишга мени аралаштирманг, – деди. – Шундай ҳам эри туфайли битта юзим қора, бунисини ҳам қорайтирмай.

Ғани Бозор босиқлик қилди.

– Сен аввал гапни эшит. Насим учун кам бўлмадинг. Бунисига ҳам қуруқ қўймайман, омадингдан юз ўгирма, бола.

– Омад бир чопди, ҳадеб чопавермайди-да, ака... – Аббос яна бир нима деди-да, юраги орқасига тортиб кетди. У яна ёлғон сўзлаб жабрини тортсам-а, деб хавотирланди. Насимни ўлдиртирмаганман, дегани журъат этолмади. Шунинг учун хийла вақт ич-этини еб ўтирди-да, охири: – Бу ишга бироррта аёл кишини топиш керакдир, – деди.

– Эркакча ишга аёлни аралаштирма! – деб қичқирди Ғани Бозор. – Ҳар ишнинг қийинчилиги бор, буни тушунаман. Бироқ хоҳиш бўлса, бўлмайдиган ишни бўлдириш мумкин... Аёлнинг тили бўш, бундай пайтда тилни тийиш ҳам фойдадан холи эмас. Биз жуда эҳтиёт бўлишимиз даркор, йўқса, сирни ўзимиз очиб қўямиз. Аввалги вақт бўлганда бунақа икир-чикирлар чикора эди. Ҳозир қирқ йиллик ишларни ҳам очишяпти. Қаловини топсанг – хўп-хўп, тополмасанг – кетдинг. Камига экранга чиқариб шарманда ҳам қилишдан ҳам қайтишмайди.

– Бу сафар менга тегманг, жон ака, илтимос! – деди Аббос бош чайқаб.

– Ўзингни қўлга ол, Аббос, болаликни қўй, сўтак эмас, эркаксан ахир!.. Ундан кейин, бу ёғига тақдирдан қочиб қутулолмайсан. Энди бўрисан, есанг ҳам, емасанг ҳам оғзинг қон. – Аббос юзига қўнаётган пашшаларни ҳайдаётгандек қўл силтади, лекин бу ерда пашша йўқ эди, модомики, пашша йўқ экан, унинг бу ҳаракатлари асабдан. Ғани Бозор тил-ёғламаликни давом эттирди: – Мен қон тўк деяётганим йўқ, ўша қанжиқнинг қўлидан қоғозларни олиб берсанг бўлди, кейин тўрт томонинг қибла. Танангга ўйлаб кўр: қуруқ қўймайман. Бундан ташқари, Рамазон акага айтиб, ундан ҳам бир нима ундириб бераман. Қарабсанки, ошиғинг олчи, қорнингни дўмбира қилиб юраверасан!

Аббос мум тишлаганча, тиззасига тирсагини тираб, бошини чангаллаб оёғининг учига лоқайд қараб ўтирар, шифтдаги лампочканинг шуъласи унинг бўйнини ёритар, ҳарчанд ўзини орқага тортса-да, ичидан ташига чиқишга ботинолмасди. Пешанаси шўр экан, бир марта ёлгон гапириб ҳозиргача боши ғурбатдан чиқмайди. Ҳаёт уни тоза лақиллатди: бир фалокатдан қутулса, ўша заҳоти бошқасига тутилади.

Бу иш кўнгилли бўлса ҳамки, у дарров жавоб бермади, чунки масъулият катта эди. Қолаверса, таваккал қилиш ўз бошини кундага қўйиш билан баробар. Бироқ тарозининг бошқа палласини босадиган нарса ҳам бор эдики, бу – шахсий манфаатдорлик, нафс васвасаси.

Бир пайтлар одамнинг ўрни мол-ҳолининг кўп-камлиги, болохонаси борми-йўқлиги билан белгиланган бўлса, кейин бу нуфуз ҳашамдорлик, томнинг тунука ёки лой шувоқлиги билан ўлчанган, бора-бора томидаги телетарелканинг катта-кичиклиги, машина русуми, дўконлар сони-ю даромадга бориб тақалади. Аббос ҳам жузъянинг дарагини эшитиб хаёли қочдимиди, қалби жўшиб кетди. Ўшанда ҳам нафси ҳакалаб отиб, юрагини тошга



айлантирган жузъя гулобдек майин, болдек ширин туюлган эди. Гулоб эса киши танасига аста-секин таъсир этади-да, кишини ўлдирмайди, виждонини емиради.

– Майли, розиман, – деди у хаёл билан, – лекин вақт беринг.

Унинг муҳлат сўраши Ғани Бозорни анча бўшаштирди.

– Ишни пайсалга солиб бўлмайди, қулай фурсатни қўлдан берсак, тамом бўламиз! Жуда муҳим ҳужжат. Унда сенинг ҳам номинг бор эмиш. Бунинг қанчалар хавfli эканини биласанми?

– Ўзингиз кўрдингизми?

– Сиёвуш кўрибди, – деб ёлғонлади Ғани Бозор. – Бизлар-ку осонгина қутулиб кетармиз, лекин сенга қийин, ука. Шунинг учун бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани маъқул.

Бу гап Аббоснинг ичига ғулғула солди. Энди уни қутқарадиган куч йўқ, Ғани Бозорнинг қўлидан қочиб қутулолмаслигини ҳам билади. Ночор одам йўқчиликка кўникканидек, у ҳам ўз ожизлигини тан олди. Уни фақат бир нарса – кейин нима бўлади, деган савол қийнади, холос. Бажони дил ўзини қонун ҳукмига топширарди-ю, тагин ўзимни бир балога гирифтор қилмай, деб кўрқарди.

У ўз билганича ҳукм чиқарди. Ўзини олдинги кўра биладиган киши ҳисоблаб, тақдирини ўзича талқин қилди. Қишлоққа қайтаётиб ҳам шу ҳақда ўйлади. Оғзига сўз олиб қўйди, энди орқага йўл йўқ. Тўғриси айтиши керак эди. Худо шоҳид, у Насимга ҳеч нима қилмаган, фақат нафсининг йўлига кириб: Насимни мен тинчитдим, деб Ғани Бозордан мукофот олган. Нима бало тилини қарға чўқидими, шу гапни айтолмади. Айтганида, биров уриб ўлдирармиди? Йўқ, Ғани Бозорнинг гап-сўзидан эсанкиради.

Кечқурун ўринга чўзилгандан кейин ҳам эрталабгача кўзи илинмади. Эрталаб айвонда ўтириб, Ғани Бозор билан бўлган суҳбатни бир-бир кўнглидан ўтказиб, боши ғовлаб кетди ва бир хаёли бор ҳақиқатни айтиш учун Ғани Бозорнинг олдига бормоқчи ҳам бўлди. Кейин ўйлаб кўриб, ҳақиқатни айтган

билан айби енгиллашмаслигини тушуниб бу фикридан қайтди ва умидсизлик билан: “Ҳаммасига ўзим айбдор, нафснинг домига тушиб оёғимнинг остини йўқотиб қўйдим”, деди.

Хотини Санобар эри айвонда хаёл суриб ўтирганини кўриб, бирор кор-ҳол юз берганини фаҳмлаб, унинг гапхонасини очишга жазм этди:

– Сиз хаёл суриб ўтираверинг! Ўзингизга ёқмаса, битта-яримта одам олиб келиб тоқларни кўмдирсангиз-чи! Ақли бутун одамлар алақачон қишнинг ғамини еб бўлди, битта биз қолдик.

Заҳрини кимга сочишни билмай игна устида ўтирган Аббос жекирди:

– Ўчир овозингни! Тоқ кўмишнинг ташвиши сенинг елкангга тушяптими?

– Бўлди! Битта менга керакми шу? Менга қолса, кўмимай кетсин... Билганингизни қилинг!

Аббос дарров ҳовридан тушди.

– Жирлама, эртан-мертан кўмармиз, ҳали совуқ тушгани йўқ-ку.

Хотин яна чақиб олди.

– Хўп, эртани ҳам кутамиз.

– Бунча хира пашшадек ёпишмасанг? – Бир дақиқа хотинига ўқрайиб қараб турди-да, кейин қонни кўрган буқадек қутурди. – Кўп тирғалма, таъзирингни бермасимдан бурун йўқол кўзимдан!..

Аббос имтиҳон олдида ҳаяжонланган талабадек асабийлашди. Ҳозир, ҳозир, деб керакли жавобни топгандек бўлди. Хотини кириб кетган эшикка қараб, калласига антиқа фикр келди: хотинни ишга солсам-чи? Бироқ тезда бу фикрни кўнглидан қувди-ю, кўз олдида оппоқ юзли Робия намоён бўлди: ҳамма ишим учун ўзим жавоб бераман!

У эҳтиёт юзасидан товуш чиқармай даҳлизга кириб туфлисини кийди, кейин пальтосини олиб, оёқ учида дарвозадан чиқиб кетди.

## Тўртинчи қисм

## АДОЛАТ ТУМОРИ

## I

Ҳаёт дарёси ўз ўзанича оқар, қуёш елкаларни аранг қиздиради. Тинтувдан натижа чиқаролмаган Норчаев кетаётди: “Бу ишлоқни ҳали тўнғиз қўпади”, деб эди. Бироқ Яккатутни тўнғиз қўпмади, ҳаёт ўша-ўша – бир маромда тинч-осуда ўтмоқда, гўё қишлоқда ноҳуш воқеа содир бўлмагандай.

Ойсулув кечаси билан қадалиб ўтириб Элёрга мактуб ёзди. Мактубида тухмат, тухмат сабаб уйларида тинтув ўтказилганини, иложини топсангиз, мактубни олган заҳоти йўлга чиқинг, қолган гапларни келганингиздан кейин айтиб бераман, деб ёзди-да, ўзини бир оз хотиржам сезиб, комил ишонч билан, мактубим эртада етиб бориб, кечгача Элёр эшиқдан кириб келади, деб умид боғлади-ю, негадир хотири жам бўлмади. Эҳтимол, ростдан ҳам Элёрни қамаб қўйишган бўлса-чи? Мудроқ босган ҳақиқатни ҳушёр ёлгон енгса-чи? Шу ўй билан хатни ўқиб кўрганда ўзига бачкана кўринди, кейин хатни юборадиган аниқ манзилни билмагани учун уни йиртиб ташлади. Бир ҳафтаки чидадими, яна бир неча кунга чидайди. Шунда учрашув янада кўнгиллироқ бўлади...

У кўрқинчли туш кўраётганда биров ноҳос уйғотиб юборгандек қалтираб кетди. Худдики бўрон ҳамма нарсани остин-устун қилиб кетгандек, уни ҳам ердан шартта юлиб узоқ-узоқларга олиб бориб бижгиган ботқоққа ташлагандек эди. Ботқоққа чўкмайин, деб нажот тилагандай қўлини чўзиб, додламоқчи бўлди-ю, овози чиқмади. У ҳозир қўғирчоғини йўқотиб қўйган қизалоққа ўхшарди, биров далда берса, йиғлаб бериши турган гап эди. Айни дамда унинг йиғиси кимга керак? У иродали ва меҳнаткаш эдики, буни бировга пеш қилиб, мақтов эшитишни ёқтирмас, камтаринлик билан,

ўз бурчимни бажаряпман-ку, дерди. Ҳар қалай ўзига яраша камчилиги ҳам йўқ эмасди. Тўғри келган билан бирдек – очилиб-сочилиб гаплашар, айниқса, дугоналарини кўрганда дилидагини тилига чиқарарди-да, эртаси куни тилини тиймагани учун ўзини ўзи койирди. Ахир машойихлар “ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга”, деб бежиз айтишмаган-ку.

Ҳозир у барча гам-ғуссасини ичига ютиши, Элёрни кутиши керак. Кунлар ҳам қишга чиқиб, хазонрез шамоллар бошланган, қуёш ҳорғин қиёфада шарқдан ғарбга ўтиб турибди, қарғалару зағчалар қағ-қуғ этиб кўкдан қор сўрайди. Ойсулувнинг бурунги кулгилари йўқ, қовоқлари қора талоқдай кўкарган, лўппи юзларида маъюслик кўланка ташлаган, ҳаракатлари суст.

Тўрт фасл – баҳор, ёз, куз ёки қишми, унга тонг отсин, тонгда ўзини доимо тетик сезарди, янги кунни кулги билан қарши олар, тонгни ҳеч бир пайтга тенглаштирмас ва уни сирли мўъжиза, деб атарди. Бугун яна битта мўъжиза юз кўрсатмоқда эди. Қуёш олтин аравасида мулки амлокини айланиб келиш учун йўлга чиқиш арафасида, кишилар бомдод савобидан баҳраманд бўлиш учун масжид томон ошиқар, кўчадан анғизга интилаётган қўй-қўзиларнинг ёмғирдай шивалаб ўтиши тонгга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Узоқдан хўрозларнинг заиф ва бўғиқ қичқиргани эшитилади, бир неча дақиқадан кейин яқинроқдагиси қичқиради, унга бошқалари жўр бўлиб, қу-қу овозлари бутун қишлоқни босиб кетади. Охири хўрознинг ўткирроқ ва дадилроқ қичқиргани эшитилади:

– Қий-қи-қи-қу!

Келинчаклар бошига рўмолини боғлаб чаққон-чаққон ҳовли ва йўлакларни супуриб-сидиришга киришади, она, тонг отгани қачонийди, деб уйқучи боласини уйғотади, бола эринчоқлик билан уйқусини қочириш учун кескин ҳаракат қилиб ўрнидан сакраб туради. Елини тирсиллаган момақаймоқ сигир, сутимни соғиб олсанг-чи, дейди. Қушлар

янги тонгни қутлаб чирқиллайди... Хуллас тирик жон борки, тезроқ тонг отишига ўз ҳиссасини қўшади ва бир пайт тонг сутга монанд бўй таратиб ота бошлайди-да, бутун қишлоқни қий-чув овозлар босиб кетади.

Яна бир неча дақиқалардан кейин елкаларида жилд, ҳовлима-ҳовли бир-бирини мактабга чорлаб, бир-бири билан қувалашганча гурра-гурра болалар ўқишга ошиқади. Уларнинг шовқин-сурони анчагача тинмайди, кейин катталар ҳаракатга тушади. Кўча борган сари одамга тўлиб боради. Улар тўдалашиб, дам-бадам Элёрнинг уйини кўрсатганча бир-бирларига гап маъқуллашади: бирлари ҳайрон бўлса, бошқалари ташвишли кўринади. Бир оздан сўнг қишлоқ сукунат пойига бош қўяди. Бироқ Ойсулувнинг юраги бу сукунатга бош эгмайди.

Алима опасиникига келганидан бери анча-мунча ўзгарди, ҳали ёши ўн олтига етмаган бўлса-да, катталардай мулоҳаза юритади. Бўйи ҳам хиёл чўзилиб, шўхлиги барҳам топган, кўзлари гўё нохуш воқеаларни яширишга чоғланади. Аксарият опа-сингиллар кўпроқ гижиллашади, лекин улар бир ҳафта – ўн кун бадалида жиндак бўлсин сан-манга боришмади.

Ойсулувнинг юзи ёруғ бўлса-да, кўнгли ғаш, ўзини чалғитган сари қалби яна аллақандай хатарни сезиб туради. Кимдандир таскин кутади, лекин таскин берадиган кимса йўқ. Назарида атрофидагиларнинг ўзи унинг каби таскинга муҳтож, ҳаёт ҳеч кимнинг қайғу-ғамига эътибор бермай йўлида парвойи фалак кетиб бораётгандай. Қайғу ва шодлик, меҳр ва нафрат, ҳавас ва ҳасад, яхшилик ва ёмонлик бир-бирига ҳамсоядай туюлади.

Кўшни ҳовлидан аёл кишининг овози эшитилади:

– Тур, болам, гўзапояни ичкарига ташиб олмайсанми, ёмғир ёққудай бўлса ҳаммаси нес-нобуд бўлади...

Ойсулув зуд ёстиқдан бошини узиб:

– Вой, мактабга боришим керак, талтайиб ётишимни... – дейди.

Ўрнидан тураркан, куни кеча бутун вужудини ларзага солган воқеани унутиш, одамларда шубҳа уйғотмаслик, уларнинг гап-сўзларини жиловлаш учун ҳам бугун ёруғ юз билан мактабга бориши керак.

Ҳовлига чиққанида алақачон тонг отган, сингиси Алима ўчоқ бошида куймаланиб юрарди. Опасини кўриши билан:

– Вой, нега турдингиз? – деди опасига ачиниб. – Ахир кечаси билан ухламадингиз, дам олсангиз бўларди.

– Ув-в-в! Шармандалик! – деди Ойсулув даҳлиз деворидаги соатга қараб. – Қара, соат еттидан ошибди, ишга боришим керак-ку!

– Биладан! Лекин ҳали вақт борлиги учун атайин уйғотмадим. Ахир биринчи дарсингиз йўқ-ку, иккинчисига бемалол улгурасиз.

– Барибир уйғотишинг керак эди... Эҳтимол, тўғри қилгандирсан... Сенга ўхшаган сингиллар кўп бўлганида эди, дунёдаги барча опалар бахтдан юраклари ҳаприқиб кетарди... Сен Алима, ўлай агар, бошқачасан!

– Э, унчалик эмасдир?

– Йўқ, барибир сен бошқачасан!

– Хўп, башарти уйғонибсиз, чой дамлай, – деди Алима ва бирдан эсига тушдими: – Опа, ўқишга-ку пешиндан кейин бораман, кун ёйилмасдан онамни кўриб келсам, девдим. Иккисидан ҳам дарак бўлмади, деб кўзлари тўрт бўлиб ўтиргандир? – деди. – Қувондиқни ҳам ўзим билан олиб кетсам майлими?

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим, – деди Ойсулув юз-қўлини юва туриб, кетидан тайинлади: – Яна онамга кечаги гапдан оғиз очиб юрма, мазаси қочади. Борди-ю, худо кўрсатмасин, касал бўлиб қолсалар, билиб қўй, сенга кун бермайман-а, уқдингми?

– Хабаркаш эмасман-ку!

– Бўпти, чойингни дамла... Э-ҳа, эсим борида айтиб қўяй, боғча пешиндан кейин бола қабул қилмайди, онамни кўриб

келганингдан кейин Қувондиқни Дилиш янгага қолдир. Эшик-тешикларни қулфлаш эсингдан чиқмасин.

– Хўп бўлади, ўртоқ камандир!

– Жуда шаддодсан-да, Алима...

Ойсулув бир пиёла чойни пуфлаб-пуфлаб ичди-да, Алимага, онамга салом деб қўй, деганча эшикдан чиқиб кетди.

У кўчанинг гапидан беҳабар, ҳаётидаги энг диққинафас ўтган кун ҳаёли билан бораркан, бир неча жуфт кўз уни кузатар, юриш-туришига, афту ангорига разм солар, инсофлилари эса ачингандек лабини тишлар эди.

Мактаб кўчасига бурилаётганда ғаразли бир товуш эшитилади:

– Кўзингни оч, Ойсулув! – деб мингирлади бир аёл. – Эрингни бўш қўйиб бошингга бало орттирдинг. Менинг назаримда, ўн йилга кесишади-ёв. Сенга тўзим берсин...

– Вой худойим-э, томингиз кетганми, Тошхон опа! – деди Ойсулув жеркиниб. – Ўйлаб гапиряпсизми?

– Мени эмас, эрингни томи кетган... Сен хафа бўлма, яхши одамни худо ярлақайди... Сен яхши аёлсан, шунинг учун худо эрингни ярлақаса ажабмас...

– Тошхон опа, эримнинг ташвишини қилмай қўяқолинг. Ҳар бир киши ўз айби учун ўзи жавоб беради!

Ойсулув гап талашиб ўтиришни эп кўрмай, йўлида давом этди.

– Худо одамнинг ақлини кўтоҳ қилса, шунақа бўлади, – деди Тошхон унинг орқасидан захрини сочиб. – Бунга ичим ачиниб гапирсам-у, тумшуқ қилганига ўлайми... Истайсанми-йўқми, ўн йил эрингни кўрмайсан энди... Сенларни қишлоқдан ҳайдаб юбориш керак ўзи!..

Ойсулув орқасига қайрилиб ҳам қарамади, Тошхоннинг гаплари қулоқлари остидан шамолдек ўтиб кетаверди. Ё халлоқ, мактабга борганида ҳамкасблари ҳам шу йўсин қарши олишса, қандай аҳволга тушар экан-а?

Кўнгли сезган экан, гап анча бижғибди.

– Ғамга туғилган экансан, Ойсулув! – деди аёллардан бири. – Пешананг қурсин, шўр экан! Эринг бир балони қўзгаган, бўлмаса нега бунақа бўлади?..

– Шундай дейишга қандай тилинг борди, Хонзода, – уни жеркиб берди бошқаси. – Ичи қора одам экансан! Сенга ўхшаган ғийбатчилар бегуноҳ одамни ҳам бадном қилади-да, кейин унинг жабру жафо чекишидан хурсанд бўлиб юради.

– Сиз менинг тилимни қичитманг, Сора опа, – деди Хонзода. – Мен бор гапни айтяпман. Ҳовлиқманг, ҳали гап олдинда. Агар эрининг айби исботланса, бу оймтиллани ҳам мактабдан ҳайдашади. Ана, мени айтди дерсиз.

– Йўғ-е, бу гапни қаёқдан хаёлингга келтира қолдинг?

– Қўяверинг, яхшилаб таъзирини бериб қўйишсин, айб ўзида!

– Заҳар экансан, Хонзода. Баракалла сени хотин қилиб юрган эрингга!

– Менинг эримга тил теккизманг...

– Нима гап, ниманинг жанжали? – эшиқдан бақириб кирди завуч Эргаш Неъматов. Кўзи Ойсулувга тушиши билан тинчлангандек бўлди. – Э, Ойсулув қизим, аҳволларинг яхшими? – Кейин нима дейишини билмай бир оз каловланди. – Хотиринг жам бўлсин, қизим, бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасан. Тухматчининг юзи шувут бўлиб, ҳолига маймунлар йиғлайди, бутун элда шармандаю шармисор бўлади ҳали... Нега келдинг, Ойсулув?

Ойсулув нима дейишини билмасди, чунки завуч ундан яхшиликча сўраяптими ёки ёмонликка олибми? У кутилмаган қўрқув ва ҳадик билан йиғламсираб:

– Келдим, Эргаш ака... Ишга келдим, – деб юборди.

– Ишга?.. Нима қилмоқчисан? Узр, мен ножўя гапириб юбордим... Эҳтимол, жўяли гапиргандирман. Демокчи эдимки, сен бир оз дамингни олсанг, иш қочиб кетмайди... Шундай



бўлсин, қизим! Сенга айтадиган гапим шу!.. Йўқ, дарс ўтаман десанг, қаршилигим йўқ, ўзингга қара.

Неъматовнинг гаплари анча жўяли чиқди. Хонзода пис бўлиб қолди. Ойсулувнинг эса елкасидан тегирмон тоши ағдарилгандай бўлди. Иккалалари ёлғиз қолгач, Сора опа:

– Бўлди, қизишма, Хонзода шунақа аёл, – деб далда берди. – Нима деганини ҳам ўзи билмайди. Бутунлай ақлдан озибди, қуриб кетгур!

Ойсулув қўли билан лаби ва бурнини силаб қўйди.

– Бунга сира ажабланмайман! Бундайлардан ҳар балони кутиш мумкин.

– Тинчлан... Тили заҳар бўлгани билан бировга ёмонлиги йўқ. Бечоранинг ташвиши бошидан ошиб ётибди, жаҳл устидан нималар демайди киши!.. Энди дарсингга бор, омадингни берсин, қизим...

Ойсулув хурсанд бўлишдан кўра кўпроқ хафа бўлди. Хонзоданинг Элёр устидан гап очиб таъна қилгани айниқса унинг кайфиятини бузди. Дарсга киришга кирди-ю, танаффусда ўқитувчилар хонасига кирганида боши айланиб гандираклади, ўзини саришта қилолмади. Кимдир уни суяб қолмаганида йиқилиб ўсал бўлиши мумкин эди. Тиббиёт хонасидан навшадил топиб келишди, бошқа биров пешанасига муздай графинни босди. Мактаб директори Қаҳҳор муаллим келганида, Ойсулув ўзини ўнглаб олган, лекин азбаройи бадани қалтирар ва ўзини ноқулай сезарди.

– Аҳволинг қалай, қизим? – деди Қаҳҳор муаллим илиқ дўстона оҳангда.

– Худога шукур! – деди Ойсулув зўраки жилмайиб.

– Эшитдим ҳаммасини. Ғаламислар кўп-да. Эрингни билмасак эди... Сен қизим, ҳамма нарсани ўзингга олаверма. Бунақа вазиятда бир оз бепарворок ҳам бўлиши керак. Кеча... хабар беришмаганига қара... ўша Норчаевнинг падарига пайтава... Ўзи тоза бўлса эканки... Майли, қўй бу гап-сўзларни...

Ойсулув хўрсиниб, кўрқувдан сўнган кўзларини Қаҳҳор муаллимга тикиб:

– Ҳожати йўқ, устоз, – деди. – Пешанада шунақа кунлар ҳам бор экан-да.

– Энди пича тузукмисан?

– Тузукман, устоз.

– Тузук бўлсанг, уйингга бор.

– Яна икки соат дарсим бор-ку.

– Дарсни ўйлама. Дарсингни Валиева ўтади. Беҳижолат.

– Қандоқ бўларкин?

– Ҳа энди бир кун қарзингни узарсан-да.

– Раҳмат.

– Раҳматни кейин айтарсан, ҳозир уйингга бороласанми ёки одам қўшиб юборайми?

– Ўзим...

– Уялмай айтавер, – гапга қўшилди Ҳожар Валиева. – Ўқувчилардан бирортаси қўшилиб борсинми?

– Ҳожати йўқ, ўзим. Узоқ эмас-ку.

– Ўзинг биласан. Бир гап чиқмасин дейман-да...

– Қанақа гап чиқарди. Анча тузукман...

Киришга қўнғироқ чалиниши билан Ойсулув сиполик билан ташқарига чиқди. Йўлда кетатуриб, тавба, ҳушимни йўқотиб қўйганимга қаранг-а, кутилмаган ҳолат, деб кўзига ёш айланди. Кўз ёшимни биров кўрмасин, дедими, рўмолини кўзигача тушириб, оёғига зўр берди.

Йўлни қисқартириш учун эски боғни кесиб ўтмоқчи бўлиб қайрилган эди, шундоққина биқинига енгил машина келиб тўхтади. Мотор овозини сезган бўлса-да, эътибор бермай юришда давом этаркан, ўз исмини эшитиб шарт орқасига ўгирилиб, Латифни кўрди.

– Ҳа, дугона, қаёққа шошяпсиз бунча? – деди Латиф ҳазиллашиб. – Бирга кетамиз, йўлимиз бир экан, уйингга ташлаб ўтаман.

– Жоним билан, дугона! – Ойсулув ҳам ҳазил билан жавоб берди. Кейин орқа ўриндиқда ўтириб: – Бу ерларда нима қилиб юрибсан? – деб сўради.

– Сендан ҳол сўрай дедим-да, – Латиф пешойнадаги Ойсулувнинг аксига қараб гапирди. – Элёр йўқ, қийналмаяпсизларми?

Ойсулувнинг лабида сўник жилмайиш пайдо бўлди.

– Эшитгандирсан?

– Эшитмадим, – деди Латиф ўпкаланиб, – балки менга алоҳида хабар беришар... Яхши иш бўлмабди. Майли, зарари йўқ, буни аниқлаштирамиз. Жамшидга битта қўнгироқ қилсак, дарров аниқлаб беради.

– Ҳа, аниқлаб беради... аниқлаб беради! – деди Ойсулув хўрсиниб.

Бу хўрсиниқни тўғри маънода тушунган Латиф гапида давом этди:

– Аниқ, битта-яримтанинг қутқуси бу, ёмон одамлар камми дунёда?! Бу кимнинг иши бўлса, илоҳим кўзи чиқсин ўшанинг!.. Чўлда эгим, келсам шу гап, югуриб Шомирза отаникига чиқдим, кейин Усмонга учрашдим, у ҳам эшитмаган экан, ҳайрон бўлди. Эрталабгача ўйлаб ўйимнинг тагига етолмадим. Нима гаплигини ўзингдан сўрай-чи, деб мактабга борсам, Қаҳҳор муаллим, ҳозиргина уйига жўнатвордим, деганига орқангдан югурдим... Ойсулув, нима гап ўзи?

– Эй, мушфиқу меҳрибон худо, ким ёмонлик қилган бўлса, икки ҳисса қилиб ўзига қайтар! – деди Ойсулув қарғай-қарғай рўмолини тузатар экан. – Ўзимиз ҳам нима гаплигини билмай қолдик. Нима дердим, аҳвол сен ўйлагандан ҳам расво. Худо кўрсатмасин-ку, Элёрга бир гап бўлса, хону монимиз куйиб кетади.

– Нафасингни иссиқ қил, ҳаммаси яхши бўлади.

Латифнинг нигоҳида синчковлик бор эди. Бироқ Ойсулув пинагини бузмай:

– Ҳеч кимга айтмаган эдим, сенга айтаман, тинтувдан бир кун олдин, ярим кечаси бизникига Жамшид келди... – деб гап бошлади-ю, ўшандан кейин бўлиб ўтган мудҳиш воқеа тўғрисида муфассал сўзлаб берди.

– Вой, шайтон! Буларнинг бари ўшанинг иши де? – деди Латиф ўйга ботиб. – Униям сенга даъво-достони бор эди, шунинг учун Элёрдан қасд олмақчи бўлибди-да. Эси паст бола, шу пайтгача билмаган эканмиз. Қора кўпшакни ҳар қанча ювма, барибир оқармайди, деганлари шу-да. Сен ҳам бир бўштобсанки... Нега уни уйингга киритдинг?

– Ваҳима кўтариб келганидан кейин нима қилишим керак эди? Айт, қандай йўл тутишим керак эди, Латиф?

– Эрқаги йўқ уйга қайси аёл бегона эркакни киритади? Бахтинг шундаки, ёнингда синглинг бўлган, бўлмаса, одамлар нима деб ўйларди?

– Тўғри, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир ҳол бу, – айбини тан олди Ойсулув. – Зарурат бўлмаганда, унга эшик очмасдим!

– Майли, ўтган ишни орқага қайтариб бўлмайди, – деди Латиф йўлдан кўз узмай. – Умрим бино бўлиб бировга қасд қилмаган эдим, энди бўлса, охирги кўйлагимни сотиб бўлса ҳам, ўша Жамшидни танобини тортиб қўймасам юрган эканман! Усмонни олдимга солиб бугуноқ йўлга чиқамиз!

– Мен ҳам бораман!

Ойсулувнинг шижоатини кўриб, Латиф илон чаққандек бир тўлганиб қўйди.

– Ҳеч қачон! Аёллар қаёқдан ҳам... Маъзур тутасан, қилгиликни қилибсан, бу ёгини энди бизга қўйиб бер.

– Борди-ю, қилгилик менинг бўйнимда бўлса, ҳар қандай жазога тайёрман! Лекин ўзим тўғри деб билган ҳақиқатдан асло чекинмайман! Ахир сизларга қўшилишиб бормасам, эртага Элёр нима деб ўйлайди?

– Элёр нима учун сендан гина қиларкан? – деб эътироз билдирди Латиф ва жаҳл билан қўшиб қўйди: – Жамшид хиёнаткор! Унинг бу иши кечириб бўлмайдиган шаккоклик!

Улар бир муддат жим бўлиб қолишди. Хавф гўё ёқаларидан олгандек нафаслари бўғиларди гўё. Уларнинг кўзларида қахр тўла, қалбларида нафрат жўш урардики, одатда кишида ганим қаршисида шу тахлит ҳис-туйғу уйғониши мумкин эди.

Ойсулув афв сўровчи оҳангда деди:

– Ўзимда ҳам айб бор эди, Латиф. Нима қилай, карахт эдим, кўзим очиг-у, ҳеч нарсани кўрмасдим.

– Сени Жамшидга бўлган ишончинг Элёрни жиноятчига айлантирган.

– Аввалида унинг Элёр учун куйинишининг ўзи менга эриш туюлди. Кейин юборган совчиларидан гап очгач, шубҳалана бошладим.

– Ҳали айтган-ку, сенда даъво-достони бор эди, деб. Сен бунинг аввалроқ сезишинг керак эди. Меҳмонхонадан ким биринчи бўлиб чиқди?

– Бунинг нима фарқи бор?

– Фарқи бор-да... Қўй, айтганим билан барибир тушунмайсан.

Улар деразалари оқариб турган Ойсулувнинг уйига етиб келдилар. Ойсулув машинадан тушмай туриб:

– У мендан кейин чиқди, – деди чала қолган саволга жавоб бериб. – Эшикдан чиқаётиб жавонни очиб-ёпгандай бўлди.

Латиф нима дейишини билмай, шап этказиб тиззасига урди.

– Кўрдингми, ўшанда у ишни бажарган. Хўш, энди фарқ нимада эканлигини тушундингми? – деб пичинг қилди Латиф. – Хайриятки кейин ақлинг ишлаб қолибди, эмаса, шарманданг чиқарди. Худо кўнглингга солганини қара.

Ойсулув уйқусизликдан карахт бўлган одамдай:

– Уйимизда тинтув ўтказилишини ҳам тайинлаб кетди, – деди. – Шундан кейин мен саросимага тушдим-да. Қайдан билай унинг ҳийласини?

Латиф ўзини қийнаётган саволга жавоб топишга уриниб, фикру хаёлини Жамшид ўйлаб топган режага қаратди-ю,

бирдан хаёлига кутилмаган фикр келди ва унинг чакка томирлари ўйнаб кетди.

– Муғомбир тулки-э, гўё сенга яхшилик қилиб, Элёрни чоҳга итармоқчи бўлган. Ўйлаб топганига қара: сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай дебди-да.

Латифнинг мулоҳазасидан кейин Ойсулувнинг кўзи дафъатан мошдек очилди ва гафлат уйқусидан уйғонгандек бўлди. Жамшиднинг нима сабабдан бундай пасткашликка бориб, кўмак бериш баҳонаси билан уйига келганининг сабабини энди янада яхшироқ билди ва шундай хулосага келди: “Демак, менинг пайимда юрган экан-да? Четдан қараган одам уларни қадрдон дўст деб ўйларкан, аслида эса Жамшид Элёрни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ экан. Мақсадига етиш учун Элёрни жиноят устида қўлга тушириб, ўч олиш иштиёқида ёнар экан-да?”

– Энг қизиғи, келганлар тинтувни айнан меҳмонхонадан бошлашди.

– Демак, бу Жамшиднинг иши, – деди Латиф тишини гижирлатиб. – Одамнинг олasi ичида, дегани шу-да. Элёр, уни меҳмон қилолмадим, деб ич-этини еб юрувди, садқаи меҳмон кетсин у, уятсиз! Энди нима қилишни ўзим биламан... Бўпти, сен уйингга кир, мен Усмоннинг олдига борай.

Ойсулув машинадан тушаркан:

– Қачон йўлга чиқишларингни мен билай, – деди. Латиф унинг овозини эшитди ё эшитмади, қўл силкиб кетиб қолди.

Ойсулув уйига томон бурилганида, мактабга бораётган бир тўп бола “Ассалому алайкум” деб ўтиб кетди.

Жамшид кўпдан бери Элёрга тиш қайраб юргани учун ундан ўч олиш пайида қулай фурсатни кутарди. Ўзини дўст қиёфасида намоиш этса-да, ич-ичидан Элёрни ёмон кўрар, унга нисбатан кундан-кунга адовати кучайиб борарди. Ахир унинг касри-касофатига Ойсулувдан айрилди-да. Борди-ю, Элёр унга уйланмаганида ўзи уйланиб олган бўларди ва бу

ҳолда ҳозиргидек ҳижрон ўтида куйиб, қандай қилиб Ойсулунинг висолига етишар эканман, деб тентираб юришига ҳожат қолмасди.

Ўч олишнинг биринчи уриниши чиппакка чиқди, чунки нишонни тўғри олмаган экан. Жамшид, рўбарў курашман, Ойсулунинг кўнглини олиб, Элёрга зарба бераман, деб режа тузди, афсус, режасида ноқислик бор экан, пировардида мағлубиятга учради. Эндиги режани хуфия тарзда амалга оширишни кўзлади. Элёр ҳали ҳам шаҳарда, ҳибсхонада ётарди, Ойсулув мактабда бўлишини билиб, фитнани пешин пайтига мўлжаллаб келди. Эшикдан киришга жазм этолмай, ҳовли орқасидаги ёғоч тўсиқдан ҳатлаб боғга, боғдан осонгина ҳовлига кирганида, хавфни сезиб қўшни ҳовлида ит акиллади, дарахтлардаги қушлар пар этиб ҳавога кўтарилди.

У яна ишни меҳмонхонадан бошламоқчи бўлди-ю, долонга етганида фикридан қайтди. Қорадорини яна меҳмонхонага ташласа, режа ишончли чиқмаслигига ақли етди. Бошқа уйни кўзлаб орқага қайтаётиб супада қоқилиб ўтакаси ёрилаёзиб, шундай исиб кетдики, юз-кўзидан тер қуйилди. Бир томчи тер қўлига томган эди, худди чўғ теккандек сапчиб тушди.

Ойсулув қўлини теккизиши билан дарвоза ўз-ўзидан гийк этиб очилди. Алима Бешкападан қайтган бўлса, ҳалиям мактабга кетмаган экан-да, деган фикр хаёлидан ўтиб, остона ҳатлади. Дарвоза очилганда, Жамшид қадам товушидан Ойсулув эканини чамалаб, пана жойга ўтишга ҳам улгурмай:

– Алима! Хув-в, Алима! – деган овоз эшитилганда, Жамшид эсанкираб қолди, оёқ-қўли бўшашиб, жойидан қимирлашга чоғи келмай, деворга қапишганча кўзини чирт юмди.

Ойсулув яна бир бор синглисини чақирди, бу сафар ҳам жавоб бўлмади. Шу пайт Жамшид лип этиб қазноққа томон ўтишга улгурди. Бу ҳол шундай тез юз бердики, Ойсулунинг юраги қопчасидан чиқиб кетай деди. “Ҳойнаҳой, бу Элёр, уни қўйиб юборишибди-да, – деган фикр ўтди дилидан. – Мен

билан ҳазиллашгиси келган, қани мен ҳам шайланай-чи”, деб сумкасини деразанинг рафига қўйди-да, эҳтиёткорлик билан аста-секин қазноққа яқинлаша бошлади. Қазноққа бир қадам қолганда, бир қора шарпа ичкаридан чунон отилиб чиқдики, Ойсулув турган жойида михланди. Ҳатто шарпанинг тусини ҳам англаёлмай қолди. Танаси қизиди, боши айланиб, гандираклаб кетди-да, шилқ этиб ёнбошига йиқилди.

## 2

Қош аллақачон қорайган бўлса-да, осмон очик, сон-саноксиз юлдузлар қоронғилик кучини синдириш учун зўр бериб милтилаб, гулхандан сачраган учқундек йилт-йилт этади. Йўл четидаги дарахтлар шамол билан ўйнашиб гувуллайди, қорайган кул ранг тусли тош йўл кўзга аранг кўринади.

Аббос ўзини ҳамма ишга қодир деб ўйлар, унинг фикрини қўллайдиган, унга туртки берадиган одам бор. У оғзига олиб қўйган сўзини ҳар қанча инкор этмасин, ўнгайини тополмаяпти, режаларини тарозига солиб кўрди, афсус бирорта режаси тош босмаяпти. Унинг вазифаси оғир, башарти, вазифа бажарилса ҳам, бажарилмаса ҳам – икки ўн беш – бир ўттиз. Мақсадини амалга оширишдан олдин, шошқолоқлик қилиб панд еб қолмай тагин, деб обдан ўйласа-да, соат сайин ажойиб йўл топишига кўпроқ ишона бошлади. Робиянинг йўлини пойлади, эшигигача бориб ҳовлисини кўздан кечирди, кир-маса-да, кутубхона атрофида гирдикапалак бўлди, аммо унга рўбарў бўлишга юраги бетламади. Бундан, албатта, жиғибийрони чиқиб Ғани Бозорга, кўнглим чопмаяпти, мени аралаштирманг шу ишга, деб рўйи рост норозилигини баён этмоқчи ҳам бўлди, лекин бунга имкон тополмади, муҳимроғи, журъати етмади. Шунда ҳам у жиртакиликка бормай:

– Майли, бўйин товлаётганим йўқ... Лекин бир-икки кун муҳлат беринг, ўйлаб олай, – деб эланди. – Жуда тиқилинч эмасдир...



Ғани Бозор қўлларини асабий силтади:

– Бир-икки кунда гап оғизга тушиб кетса-чи? Ахир ҳаммаси яхшилик билан битсин, деб жоним ҳалак. Сен бўлса орқага тортасан...

Аббоснинг ҳафсаласи пир бўлди ва шу дақиқадан бошлаб ўзини қаерга қўйишни билмай тоқатсизлана бошлади. Энди унинг назарида вақт жуда тез ўтарди. Бирор кимса режамни бузиб юбормасин-да, деб рўй бериши керак бўлган муқаррар ишнинг йўлини топгандай эди. Ўзининг ўйлаб топган режасидан иситма устида алаҳлаган каби кулиб, ўзига-ўзи, энг осон йўл – ўғирлик, деб таъкидлади. Шу мақсад йўлида юрагини ҳовучлаганча борар манзилини мўлжаллаб йўлга тушти.

Намознинг ҳовлиси қишлоқ чеккасида, тўғри йўлдан юриш хавфли, кўча ёруғ, биров кўриб қолса ноқулайчилик туғдиришини билиб, йўлни дала томондан солди. У ўзича мақсад сари элтувчи йўлни топиб олгандай атрофга мутлақо эътибор бермай, хаёлан осмону фалакдан назар ташлаб манзил томон бораркан, тун қуюқлашиб, фақат юлдузлар туфайли даладаги нарсалар ғира-шира кўзга чалинарди. Намоз уйда бўлса-ю, ҳовлисига ўғри тушганини билиб, сўраб-нетиб ўтирмай болта билан унинг миясини чиқариб қўйишини билгани учун ҳам дала томондан юриб, бир йўла Намознинг далада эканига ишонч ҳосил қилди-да, сўнг йўлида хотиржам давом этди, йўл-йўлакай ҳамма шарт-шароитларни ҳисоблаб, бу ишни ҳеч қандай можаросиз, йиғи-сиғи ва тўс-тўполонсиз бартараф этишни кўзлаб келди.

Ҳовли пусиб ётган девга ўхшаб унсизгина уйқуга чўмган. Ҳовлига киришдан олдин аланглаганча атрофни кўздан кечирди, сўнг девор ошиб супага тўп этиб тушди. Ҳовли ички ва ташқига бўлинган, ташқини фарқлаш учун “орқа ҳовли” деб аталган ичкарида тандир, оғил ва қазноқ қаққайиб турибди. Бу ташқи – ҳовли эмас, шунчаки уй билан боғ ўртасидаги

бўлтак ер, ораликни эса лўмбози уваланган пахса девор ажратиб турибди.

Аббос вазиятни хомаки чамалади, кейин овоз чиқармай аста-секин даҳлиз эшигигача борди. Эшик ланг очик, ундан беш харили ва тўғридаги тўққиз харили уйга кирилади. Даҳлизга қадам қўйишдан олдин Аббос супа томондаги деразадан беш харили уйга мўралади: бола-бақра бир қаторда, ёнбошларида оналари ётибди. Хонада қуруқ наматдан бошқа жиҳоз йўқ. Ҳамма нарса тўққиз харили уйда бўлади. Даҳлиз орқали кейинги хонага ўтди. Уй дид билан ясатилган, жиҳоз ҳам бисёр: оёқ остида палос, равоқдаги сандиқ устига кўрпа-тўшак теришиб, бахмал палак билан ўралган, ўртадаги равоқчада чойнак-пиёла – чинниворлар терилган. Пойгаҳнинг ўнг томонида ойнали шифоньер, чап томонида комод – тумбочкадан хиёл тетикроқ шкаф бор. Қоронғи, деразадан тушиб турган ой нури хонани ғира-шира ёритади. Чироқни ёқиш мумкин эмас. Қўл чироқ олмагани чатоқ бўлибди. Энди начора, қийналса ҳам излаган нарсасини топиши керак.

Кўзи қоронғиликка кўниккунча тимирскиланди. Кейин тахмонга кўзи тушиб, кўрпачаларни ағдар-тўнтар қилди, ҳеч вақо тополмади. Сандиқни очди, латта-путтадан бошқа зот йўқ...

Шу онда эшик аста ғийқиллаб, уйга пусиб кираётган аллакимнинг оёқ товуши эшитилди. Бирон шарпани эшитмай қолишдан кўрққандек Аббос қимир этмай гумгурс қотди. Гўё қадам товуши тиниб, юракни эзувчи сукунат чўмди-да, туйқус ярқ этиб кўзни қамаштирувчи чақин чақилди ва остонада тункўйлакда Робия кўринди. Унинг кўзлари худди бўриникидек ғалати йилтиллар эди.

Аббос эҳтиётсизлик қилди, энди вазиятдан чиқиши керак, аммо қўлидан ҳеч нарса келмайди. Уят гўё тинка-мадорини куритгандек бўлди, кўзи шу қадар катталашдики, кўрсангиз кўзойнак дейсиз. Бегона бўлса ҳам майлига эди, уятнинг қад-

ри тушиб кетарди. Робия уни таниди ва нима учун атрофида пашшахўрда бўлиб юрганининг сабабини билди.

– Аббос ака, – деди у зардаси қайнаб, – орқамдан шарпадек изғиб юрганингизни сезардим-у, мақсадингизни билмасдим. Мана энди билгандай бўляпман.

– Мен... мен ҳозир... ҳаммасини тушунтираман... – чулчитланди Аббос. – Насим менга ўз укамдай... Унга ёмонларга қўшилма деб... Насим ҳалол йигит эди...

– Насим ҳақида яна нима биласиз?

– Насимнинг душманларидан ўч олмоқчийдим. Улар мени ҳам хонавайрон қилишди. Бошимга тушган кунни душманимга ҳам раво кўрмайман. Ҳаммаси худога аён...

– Насимнинг душманлари ким экан?

– Уларни билмайсан, билганинга... Қўрқма, гапимга кирсанг, бирпасда бойвучча бўлиб кетасан. Бу қишлоқда мушугингни биров пишт демайди кейин. Ахир бошингга бахт қуши қўниб турибди.

– Тушунмаяпман, нега бирдан бу гапларни менга айтяпсиз?

– Агар Насим қолдирган қоғозни менга берсанг...

– Менам айтдим-а, бу одам бекорга келмаган, деб. Гап бу ёқда денг! Кечирасиз, Насим қанақа қоғоз қолдирган экан?

– Қолдирган... қолдирган у...

– Бу гапни ким айтган бўлса-да, алдапти. Агар шундай қоғоз бўлганида эди... Ҳа, майли, ўша қоғоз бор ҳам дейлик, нима учун кундуз кунни келиб сўрамадингиз?..

– Мен... мен сўрамоқчи эдим...

– Бекорга овора бўлибсиз.

– Бу нима деганинг?

– Шунақа қоғоз бор, деб гап чиқарган эдим. Бу бор-йўғи тузоқ эди. Афсуски, тузоққа сиз тушдингиз. Энди Насимга нима бўлганини судда айтиб берасиз.

Аббос гапга тушунди ва биров бошига тўқмоқлагандай бўлди. Бироқ қулоғига ҳеч нарса кирмади: бу жувон алда-

япти, деган фикр миясида айланаверди. Одатда йиртқич ҳайвонлар ўлжасини кўзлари билан сеҳрлаб, сўнг уни тилка-пора қилиш учун ваҳшийларча тиш қайраб туради. Аббос ҳам ўз ўлжасини сеҳрлаб, кейин унга яқинлашиб, бирдан ҳамла қилиш фурсатини пойлади.

– Ёлғон! – деди у аёл томонга бир қадам ташлаб. – Ўша қоғоз сенда! Олов билан ўйнашма, қоғозларни менга бер-да, мен бу ердан тинчгина чиқиб кетай. Бўлмаса ўзингга жабр қиласан, нодон аёл! Мен қуруқ қўл билан чиқиб кетмайман. Бақирсанг ўзингга жабр. Қўни-қўшнинг кириб қолса, ўзи чақирди, дейман. Қани, жонидан, қоғозларни чўз. Қопқонга мен эмас, сен тушдинг.

Робиянинг паришон сочлари тўзиган эди, тўдасидан ажралган бир неча тола соч сутдек оқ бўйнига тушиб турар, тункўйлакнинг бир енги сирғалиб биққи елкаси очиқ эди. Ёқасини ғижимлаган нозик бармоқлари сийна устида ором олаётгандек пирпирарди. Бу ҳусн-лагофат, бу нозик манзара, албатта, эркакнинг ақлини шоширди. Аёл уни ўзига жалб этар, ҳам қўрқитар эди. Аббос эҳтирос билан олдинга ташланаркан, шу қадар ҳаяжонга тушдики, пайдар-пай тепаётган юрагининг дукурлаши аниқ эшитиларди. У аёлнинг жозибадор танасидан бошқа нарсани кўринмай, эс-хушини йўқотди.

– Тўхта, жойингдан жилма! Тўхта! – деди аёл иккала қўлини чўзиб. Эркак ноҳос шиша синиқларини босгандек жойида қотди. – Яқинлашма!..

Аббос ғазабга миниб унга томон яна бир қадам ташлаб:

– Жон деб турибсан-ку, ноз қилганинг нимаси?

Шундай деб, у яна олдинга силжиди, Робия эса шошди, эшик қолиб, кунжакка томон сурилиб-сурилиб охири комодга тақалиб, “яқинлашса дод солиб шовқин кўтараман; қўшнилари уйготаман”, деб ўйлади, лекин бу билан хавф чекинмади. “Ўртамизда озгина масофа қолган бўлса, – деб ўйлади у, – бу беномус бир сапчиб мени маҳкам ушлаб олса-да, оғзимни қўли билан бекитса ёки бўғса, унда нима қиламан?..”

Аббос эса секин-аста, билинтирмай яқинлашганда, Робиянинг овози томоғига тиқилиб, дир-дир титрай бошлади. Аббоснинг баданига ҳам титроқ кирди... Оралик бир қадам... Иккаласи юзма-юз туриб бир-бирининг кўзига тикилди. Бундай пайтда эркак билан аёлдан фақат биттасининг мияси ишлаб қолади. Шунда Робиянинг мияси ишлади, у Аббоснинг чўзилиб келаётган қўлларини итариб ташлади ва чаққон ҳаракат билан комод устида турган қайчини қўлига олиб, уни ўзига тўғирлади.

– Яна бир қадам боссанг, ўзимни ўзим ўлдираман!

Бу овоздан гўё уйқудаги шамол уйғониб, ланг очиқ эшикни қарсиллатиб ёпди, аёл эшикка қарайман деб палосга чалишиб йиқилди ва жон аччиғида ингради. Аббос бирдан ҳушига келди-ю, шоша-пиша аёлга яқинлашди.

Робия даҳшатдан ғужанак бўлиб олиб хона ўртасида кўзларини уйқу босаётгандек ётар, ўз ҳимояси учунми ёки ёлворибми Аббосга телба қараш қиларди. У кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, пастки лабини тишлаганча узала тушди. Жон ҳалпида чўк тушган Аббос унинг бошини тиззасига олди-да, тахта бўлиб қолди. Аёлнинг кўзлари бир нуқтага тикилганча қотиб қолган эди. Аббос жонсиз танани аста ерга қўйди ва хонадан чиқди-да, яна ўзини далага урди.

Шошганни шайтон қувлабди, деганидек, у орқасига қарашга ҳам юраги бетламай, қишлоқни энлаб қоронгилик қаърига интиларкан, ҳарсиллаб нафас олар, чеккаларидан ва юзларидан шариллаб тер қуяр, бир гала пашша эса тепасида гингиллаб чарх урарди. Гарчи пашшалар тепасида ғужғон ўйнаб, терлаган салқи бетларига қўнса ҳамки, пинагини бузмай олдинга интилаверди. Бирдан-бир мақсади тезроқ уйига етиб олиш ва донг қотиб ухлаш-у, кўрганларини тушга айлантириб, эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек уйғониш. Бироқ у уйига бориш фикридан қайтиб, қадамини секинлатди. Агар оғир сиқилиш ҳолатида уйга кириб борса, ундаги нохуш кайфият

сири очилиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Эрталаб бутун қишлоқ тунги воқеадан ларзага келиб уйғониши тайин. Бунинг учун эрталабгача ўзига келиб олиши керак.

У оғир аҳволга тушса, вазиятдан чиқишнинг минг бир йўлини изларди ва пировардида барибир иши чаппасига айланар; мабодо оқибатини ўйламаса, ўша иши ўзидан-ўзи ўнгланиб кетарди. Ана шу жиҳати билан у бошқалардан фарқ қиларди. Ҳозир ҳам ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилди-ю, аммо уддасидан чиқолмади, калласида минг бир хаёл гужғон ўйнарди. Гоҳ-гоҳ ҳаводан юлдуз ёғилаётгандек ялт-юлт қилади. Ўз ўйи билан банд бўлган Аббос йўлида давом этади: “Ҳамма нарсам бадастир эди, нима қилардим жонсарак бўлиб? Очкўзлик ёмон, юҳолик одамни хароб этади ўзи... Ҳеч қандай натижа йўғ-у, қўлимни қонга ботирдим. Ғани акага нимани кўрсатаман? Қуруқ гапимга ишонадими у? Ишонмайди!.. Э, шошма, ҳозир омборга ўтиб, ўша қоғозни ўзим қораласам-чи, Ғани ака билиб ўтирибдими? Ахир у аввал кўрмаган нарсасига ишонади...”

Аббос омборга келганида, ой тунги мудроқлик билан ўз йўлида давом этар эди. Аста эшикни қоқди. Шу заҳоти ичкарида қоровул бола – Масрурнинг равшан ва шаҳдам овози эшитилди:

– Ким у, бемаҳалда юрган?.. Ким?

– Жим, жим, секин...

Овоз шубҳали эшитилди.

– Ким у?

– Жим-м-м!.. Ўзингмисан? – деб сўради Аббос. Масрур хўжасининг овозини аранг таниди-ю, хушёр тортиб:

– Ҳа, ўзимман, – деди ва эшикни очиб, ташвиш билан сўради: – Тинчликми, Аббос ака, ярим кечада нима қилиб юрибсиз?

– Ўтиб кетаётувдим, сени кўргим келди... Нима бўлди сенга, нега қалтираяпсан?

– Ҳеч нарса, – билакларини ишқалади Масрур, – эшикни очганимга совқотдим. Баҳай, ичкарига киринг! – Аббос ич-

карига кирди. Масрур чироқни ёқди-ю, болаларча шодланиб сўради. – Ие, Аббос ака, сизга нима қилди?

Гўё ўғрилиқ устида қўлга тушгандай Аббос қалтираб кетди. Юраги гурс-гурс уриб, кўзлари ўйнаб Масрурга тикилди:

– Нима қилибди менга?

– Кийимингиз қон-ку!

Аббос эсанкиради, қовоқлари пирпиради, чакка томирлари дўппайиб, асабийлашди. Нима дейишини билмай бирпас саранглади-да:

– Э, ҳа, буми! – деди зўраки жилмайиш билан кийимидаги қон доғини аввал кўргандек бўлиб. – Йўлмат тегирмончиникида худойидан олдинги сабзитўғрар эди. Эрта пешинда ош боракан. Ўшаникидан келатувдим. Қўй сўйган қассобга қарашиб эдим, савил қон сачрабди-да. – У дастрўмолига туфлаб қон юқини арта туриб, эҳтиётсизлик қилгани учун ўзини ўзи койиди. – Қип-қизил овсарман-да, ўзимга қарамайман. Ҳечқиси йўқ, янганг тоғорага солса ювилиб кетади.

Оғзининг суви қочиб, Масрур кафтларини бир-бирига ишқалади:

– Эрта пешинда ош муфт экан-да!

Аббос шу ерда ҳам яна хатога йўл қўйибди. Ахир у маъракани омади гап тариқасида айтди, эртага ҳеч қандай маърака йўқ-ку. Эрталабдан қишлоқни милнса босиб, ҳаммани сўроққа тутуди-ку. Масрурдан ҳам гап олишса, бола-да, қонни айтса нима бўлади? Фалокат бир келса устма-уст келаверар экан-да. Ўзига ўзи фалокат орттириб олди. Бу ёғи тоза чигал бўлди-ку!

Ғам-ғусса худди инс-жинс сингари Аббосни қуршаб, азоб бера бошлади. Қаердан ҳам калласига шу фикр келди-а? Бошқа баҳона топса бўларди-ку. Ўша ўлгур қоғозни ёзиш учун оморга кириши шартмиди? Уйида амалласа ҳам бўларди. Энди нима қилади?

У игна устида ўтиргандек азоб чекаётганида Масрур овозини баланд қўйиб, ҳамон эртанги ош ҳақида оғиз кўпиртириб, савоб тўғрисида сафсата сотарди. Унинг овози Аббоснинг қулоғи тагида хира пашшадек гинғилларди.

– Албатта ошга чиқ, Масрур!.. Билиб қўй, чиқмасанг Йўлмат бобо хафа бўлади-я, – деди у ва шайтонларча тамшанди. – Томоқ ҳам қақраб кетди. Примусда битта сув қуйсанг, ака-ука чойхўрлик қилсак, нима дейсан?

Масрур дик этиб ўрнидан турди-да, сув олиб келгани ташқарига чиққанида, вассага тиқиб қўйилган кетмонга кўзи тушиб, Аббоснинг феъли айниди, калласига мудҳиш фикр келди ва тимирскилаб кетмонни суғуриб олиб, қулайроқ жойга қўйди. Масрур сув тўла чойдўшни примус устига қўйиб, ўт ёқиш учун чўққайганида, Аббос кетмонни икки қўллаб ушлади-да, боши устидан ошириб, бор кучи билан боланинг бошига зарба туширди. Кетмоннинг дами ҳавода визиллаб, сўнг гурс этиб мўлжалга тегди-ю, бола пақирнинг танаси қопдек гурсулаб тушди. Одам қонни кўрса жазавага тушарканми, суриштириб ўтирмай иккинчи марта зарба берганида, инграшга ҳам улгурмай бола жон таслим қилди.

Аббос турган жойида бир неча муддат тек қотди, кейин нима иш қилиб қўйганини билди-да, қўлидаги кетмонни бир чеккага улоқтирди. Уни қўрқув ўз исканжасига олди. Агар ҳозир ойнага қараса ўзини таниёлмайди у. Қўрқув одамни кучсиз қилиб восвосга солади, восвосга тушган одам эса соясига ҳам ҳадиксираб қарайди.

Тун ёришиб келарди, тонг отишига ҳийла вақт бор.

Энди нима қилади?

Жасадни шундай ташлаб қўёлмайди-ку! Нима қилиб бўлса ҳам жасадни йўқотиши керак. Сойга оқизсинми? Йўқ, сой узоқда, устига-устак, боланинг суюғи йирик, сойгача кўтариб боролмайди; қабристон ҳам узоқ.

Хўш, нима қилсин?



У тонггача вақт бор-йўқлигини билиш учун билагидаги соатга қаради-ю, баттар восвосга тушди. Калласига шундай бир фикр келдики, бу фикрнинг натижасига ўзининг ҳам ақли етмасди. Шайтон уни яна шоширди. Мудҳиш фикри ҳақида мушоҳада юритмади. Ахир у ўзини ўзи ўлимга маҳкум этипти-ку, наҳотки шунга ақли етмаса?

У билагидаги соатни ечди-да, қайси ақл билан уни жасаднинг қўлига тақди, сўнг примусдаги керосинни жасад устига сепиб, ўт қўйди-да, ўзи боғ ичига яшириниб, ёгинни кузатиб ўтирди.

Омбор бус-бутун тахтадан қурилган, часара-чусур овоз эшитила бошлади. Кўп ўтмай аланга шафагида одам шарпаси кўриниб, у оғзини катта очганча дуч келган нарсани юҳо каби ямлаб ютарди. Синчиклаб қаралса, ўша шарпа Масрурнинг шаклига ўхшаб кўринди. Эҳтимол бундай эмасдир, лекин Аббоснинг кўзига шу тахлит намоён бўлди. Инсон қўли етмайдиган жойда эса аччиқ тутундан бўғилаётган ой совуқ нур таратар эди.

Аланга тинай демас, аксинча, авжига чиқар, тафти кўзни қамаштириб, танни қиздирарди... Ана, яккам-дуккам одамлар пайдо бўлиб, ғала-ғовур бошланди. Аббос уларни аниқ-таниқ кўролмас, аланга шафаги ичида қолган одамлар айюҳанносдан бошқага ярамас, чунки олов уларни ўзига йўлатмас, ўчириш учун сепилган сувни буғлатаркан, қамрови товланишига мутаносиб келиб, ягона кучга айланарди.

Қизиги шундаки, одамлар мағлубиятни тан олмас, таслим бўлишни истамас, қайта-қайта оловга ҳамла қилар, миттигина хас бўлса-да унинг оғзидан тортиб олишга интилар, қизу жувон ҳам кўйлагини липпа уриб, эркаклар қатори жавлон урарди.

– Ҳой, қулоғинг том битганми, омборнинг эгасини топиб кел! – дея қичқирди эркаклардан бири шеригига қараб. – Кўзи билан кўрсин, эртага бенават қилиб юрмасин бизни!

– Қоровул бола қай гўрга йўқолди экан! – овоз берарди бошқаси.

Охири, қўлидаги челақдан сув ичиб олган киши:

– Оҳ, энди фойдаси йўқ! – деб наъра тортиб юборди.

Аланга бу пайтда деворни қулатиб, пойдеворни емирар, одамлар қўл силтаб орқага чекинади. Бирпасда уларнинг кўз ўнгида бир уюм қорақуя қолди, холос. Ана шундагина Аббос нафақат омборга, балки ўзига ҳам ўт қўйганини англаб етди ва қайси ақл билан бу ишга қўл урганидан пушаймон бўла бошлади.

Ана, уфқ бўзарди, ҳадемай тонг отади. Қоронғилик пардаси кўтарилгач, Аббос қаерга боради? Ёрқанот эмаски, кавакка кириб, ёруғликдан яширинса? Қолаверса, энди у бу дунёнинг кишиси эмас, узлатга чекинишдан бошқа чораси йўқ. Лекин ўша узлат қани? Одамларга энди кўринолмайди. Хўш, қаерга боради? Э, ҳали бунга Ғани Бозор нима дейди?

Тўсатдан тарс этган бир овоз эшитилди. Аббос ўз юзига ўзи жон-жаҳди билан бир тарсаки туширган эди. У ҳамма вақтдагидек қандайдир мавҳум нарсадан кўрқиб, дир-дир титрарди. Энди вақтни ғанимат билиб, атроф ёришмай Мингчинорга етиб олиши, Ғани Бозордан паноҳ тилаши керак.

У қоқилиб-суқилиб, ғира-ширада йўлга тушди. Ишқилиб, уни биров кўриб қолмасин-да. Кўриб қолишса, тамом, бор хатти-ҳаракати чиппакка чиқади. Шу боис жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Йўл босган сари унинг пешанасидаги битик катталашиб, жуссаси кичрайди ва ўзлигидан узоқлашди.

Ғани Бозорнинг эшигини тақиллатганида эса тонг ёйилиб, кун юз оча бошлаган эди.

– Уй-бай, намунча ҳансирамасанг! Қопқондан қочган бўридай аҳволинг бунча танг бўлмаса?.. – деди Ғани Бозор уни пайдар-пай ичкарига олиб. – Гапирсанг-чи, нима гап?

– Шўрим қуриди, ака! – Олган нафаси қайтиб чиққунча ҳам бўлмай, Аббоснинг бетисидаги қизиллик ўчди, ранги пахтадек оқариб, қўллари титради, сўнг тутқаноқ тутгандек ву-

жуди ларзага келди. У Ғани Бозордан кўзини узмай зўрға деди: – Қўлларим қон!.. Яна қўлларим қонга ботди...

– Бесаришта экансан-да! Одамга ўхшаб гапир, қанақа қон?

Аббоснинг хўрлиги келиб, лабини тишлади, йиғлағудай бўлиб бехосдан, ака, деб юборди. Гапиришга-ку тоби йўқ, лекин гапирмаса бўлмайди. У гапиряпти-ю, ҳозир мени эшикдан чиқариб итдек ҳайдаб юборади бу одам, деган ўй хаёлидан нари кетмасди. Бироқ у ўйлаганчалик Ғани Бозор даргазаб бўлмади.

– Хиёл эҳтиётсизлик қилибсан-да, – деб жилмайди. – Аммо соат масаласида андак шошибсан. Бало бормиди ўлган одамнинг қўлига соат тақиб?! Нариги дунёда соатнинг нима кераги бор?.. Ҳазил... Шу ишни чакки қилибсан. Яна, соатнинг орқасида исмим ёзилган эди, дейсан.

– Энди нима бўлади? – жонсарақларча сўради Аббос.

– Нима бўларди: ўлиб гўрда, тирик бўлиб тўрда ўтиролмайсан... Мени қўрқиб кетди, деб ўйладингми?

– Мен қачон ўйлабман шунақа деб?

– Бўлар иш бўпти... энди биров кўриб қолмасин. – Ғани Бозор бир муддат ўйланиб, сўнг “юр қани буёққа” дегандек, Аббосни ертўлага бошлади. – Тўрда жой бўлмаса, ертўлада сенбоп жой бор.

– Ертўлада?!

– Ҳа энди ўликнинг жойи ер остида-да.

– Кулманг, Ғани ака, кулманг. Агар мен кулсам, сиз йиғлайсиз.

– Ана холос!.. Одамзод қизиқ-да, бўлган сари бўлгиси келади, лекин кафти қичиганида гарданини ҳам қашиб қўйишни унутади. Ахир асосий юк гарданга тушади-ку. Сенга вабо тегибди. – Ҳеч нарса тушунмаган Аббоснинг кўзлари жовдиради. – Ҳа, вабо, – такрорлади Ғани Бозор. – Қўрқма, ҳамманинг устига дўл ёғиб, қизамиқ чиқиб ўлса ҳам сенга бало ҳам урмайди... О, шўрпешана, афт-ангорингга қара, бозорга солишга ҳам ярамай қолибди-ку.

– Кулинг, ҳа, кулинг...

– Нега кулар эканман? Жабрни-ку ўзингга ўзинг орттириб олдинг, яна иддао қилганинг нимаси? – Ғани Бозор қўлидаги қартани рақибдан яширган қартабоздек ҳаракат қилди. – Ўзингча бир нарсани ўйлагансан-у, орқасини ўйламагансан. Шошма, бир-икки кун ертўлада яшириниб тур, мен Рамазон ака билан гаплашай, бир йўли топилиб қолар.

– Лекин олдиндан айтиб қўяй, – деди Аббос зинадан пастга тушаётиб, – қўлга тушсам, сиз ҳам, Рамазон ака ҳам кетасизлар. Менинг тақдирим сизларнинг қўлингизда, сизларники менинг қўлимда-я.

– Кўрқитдинг-ку... Сен аввал далилни кўрсат, кейин дўқ ур.

– Мана ўша далил! – Аббос чўнтагидан хатни чиқариб кўрсатди.

– Қаний-й, – Ғани Бозор қўл чўзди.

Аббос хатни қайтиб чўнтагига солди.

– Буни сизга беролмайман.

Ғани Бозор истехзоли кулди.

– Ана холос! Мен сени ўйласам-у, сен менга шарт қўйяпсанми? Тентак экансан! Аравани қуруқ олиб қочяпманми? Янглишасан!..

– Эҳтиёт шарт.

– Сенинг эҳтиётингни мен қияпман. Мана, ўзинг бир мулоҳаза қил. Сен ўша аёлнинг жазманисан, у билан учрашиб юрасан. Эри учрашиб юрганларингни сезди-ю, алаmidан хотинини ўлдирди, сўнг сендан ҳам қасос олиш мақсадида омборингга ўт қўйди ва у яна бир киши, яъни қоровулнинг жонига ҳам зомин бўлди. Бу – битта вариант. Иккинчиси, сен даволангани шаҳарда юрибсан, ёнғиндан асло хабаринг йўқ. Соатингни эса қоровул болага бергансан ёки йўқотгансан, бола уни топиб олган. Шундай бўлиши мумкин-ку. Ҳамма айб аёлнинг эрининг бўйнига тушиб турибди. У, албатта, қамалади. Сен қишлоққа қайтганингдан кейин бу воқеалардан хабар топган бўласан, тамом-вассалом.

- Бу гапларга биров ишонадими?
- Мен бир нарсани билиб айтаман.
- Ишониш қийин.
- Ишонавер!.. Сени яширинча шаҳарга юбораман, бирпас ўша ерда бўлиб турасан. Агар Рамазон ака билан учрашсанг янада яхши. Маъқулми?

Аббос гўё қаршисида мўъжиза яратувчи кимсани кўриб тургандек, Ғани Бозорга “Ҳарна қилсанг қил, мени бу балодан қутқар. Бу дунёда сендан ўзга нажоткорим йўқ!” деётгандек бўлди.

- Маъқул, – деди у кўнгли таскин топиб.
- Унда чўнтагингдаги қоғозни менга бер.
- Қоғозни олиб, феълингиз айниб қолса-чи?
- Хумпар, нега айниркан?
- Ўртада шайтон бор, ака. Ўзимда турса ишончли бўлади...

Ғани Бозор бир нима деёлмай Аббоснинг чақноқ, айнаи дамда айёр кўзларига тикилди...

### 3

Жамшид Мулкободга келиб оқ Салимийни йўқлади: уч кундирки ишда йўқмиш. Норчаев гапни чўзмади: “Мен истеъфо бериб, ўйиндан чиқдим. Ғани Бозор ҳам қўлга тушган”, деди.

Демак, шўрлик Ғани Бозорнинг бошига шундай кўрғилик бор экан-да. Шунча сурган даври даври қайга кетди? Айниқса, Норчаевнинг истеъфога чиққани чакки. Яна битта шерикдан маҳрум бўлибди. Унинг ўрнига ўтирган киши ўлса ҳам қингир йўлда юрмайди, у одамни яхши билади. “Ҳечқиси йўқ. Шундай бўлишини ўзим билган эдим, – деди у оёқ-қўли бўшашиб. – Бунга имоним комил эди. Шунча пайт имиллаб юрганга ҳайронман. Дунёда ўз дардингни биров билан дардлаша олмагандан ёмони йўқ”.

Анчадан бери кўкда учиб, ердаги ташвишларга бепарво бўлган Жамшид, назарида гирдобга тушиб, ундан сира чиқа ололмайдиганга ўхшайди. Ўзи охирги кунларда нуқул бир хил тушлар кўриб, тақдири тушга аён бўлаётгандай, гоҳ қайната-си билан уришиб зиён кўрар, гоҳ Танҳо ундан юз ўгириб До-ниёр тарафига ўтиб, ажралишни талаб қилар. Лекин Нурия хусусидаги тушлари миясига мумдай ёпишиб қолган. Уни ўй-ласа юраги орзиқиб кетаверади.

Нима қилсин энди, орқага қайтсинми ёки Элёрнинг ишини бирёқлик қилсинми? Ҳамма фалокат унинг касрига бўляпти-ку ўзи, ўшани бир ёқлик қилиш керак. Ундан оз-мунча азият чекдими, қачон қараса, ҳеч нарсадан ҳеч нар-са йўлида тўғаноқ бўлиб тураверади. Уни ҳали ҳам ёмон кўради, бир балога гирифтор қилмагунча кўнгли таскин ҳам топмайди. Ўша биринчи уриниши чиппакка чиққани-да, ўзича, кел, уни тинч қўяй, деган эди-ю, аммо қалбида тугён ураётган бошқа бир истак қинғир йўлга бошлайве-ради. Бу қинғир истак – Ойсулувнинг васлига етиш ва усиз ҳаётини тасаввур этолмаслик.

Шу истак яна Яккатут томонга етаклади.

Бу сафар ишни хуфия тарзда бажаришни кўзлаб, яширин йўллар орқали Элёрнинг ҳовлисига яқинлашди. Элёр шаҳар-да, Ойсулув айни дамда мактабда эканини билиб, ҳовлига боғ орқали кирди. Аммо кутилмаганда Ойсулувнинг пайдо бўлиши уни шоширди, режасини бузди. Ўзича Ойсулувга яна кўриниш бермоқчи бўлди, аммо олдинги ишидан юзи шувут-лиги учун пана жой излаб қолди. Пана жой ҳам уни шарманда-ликдан қутқариб қололмади. Ноилож қочишга мажбур бўлди.

Ойсулув пайқадими-йўқми, орқа эшикчадан чиқди-ю, боғ оралаб ўзини тўғри далага урди. Дала – қишлоқдан икки баравар катта майдонни эгаллаган ёбони Қушбеги – Тентак-сойнинг сўл соҳилидаги ҳосилдор ер. Ёбоннинг сойга эниб кетган томонида финча дала шийпони, ундан нарироқда сар-

жина – тўғон боши, унинг теварак-атрофи тутзор, тутзордан ўтса, нариёғи эски машина-трактор парки, ундан кейин қаровсиз, сувоғи нураб, ғишлари уваланган, усти дуд босган қамиш билан ёпилган, айнаи дамда бўлиб ётган эски қоровулхона – ғариб кулбача кўзга ташланади.

Тутларнинг барги тўкилиб, очиқ даладан фарқи қолмаган, у ерда яширинишга жой йўқ, шийпонда, машина-трактор паркида, тўғон бошида эса одам бор, жуда хавфли. Шу каби ноқулайликларни ҳисобга олган Жамшид ғариб кулбача – чалдиворни танлаб, ўша ерда жон сақламоқчи бўлди. Ичкарига мўралади, назарида хилват, кишининг эътибори тортмайдиган жой. Талмовсираб кулбачага кирди-ю, ажриқ босган бир кунжакка чўзилди. Кулбача томининг ярми йўқ, тепадан қуйилаётган куз қуёшининг нурлари оралаётган бўлса-да, кўнгилда шубҳа уйғотмайди. Кўриниб турган осмоннинг бир парчасида сузиб бораётган булутлар унинг ҳам хаёлларини ўзи билан эргаштириб кетди.

Жамшид ўзини қўлидан ҳеч иш келмайдиган ожиз одам ҳис қилди. Қалбини тимдалаётган алам гўё тинка-мадорини қуритди. Ўзини Ойсулувга бўлган муҳаббати билан чалғитишга уринди, фойдаси бўлмади. Фикру хаёли кўрқинчли воқеаларга қайтавериб, вужудини ваҳима қамради ва шундай таҳликали пайтда умидсиз севгини эсга олгани учун ўзини койиди, ўзига кўйга солган Ойсулувга нисбатан қалбида биринчи марта нафратга ўхшаган алақандай ҳис уйғонди.

“Шу ташвиш менга керакмиди?” деб ўзига ўзи савол берди. Хўп, Ойсулув унинг севгисини рад этган бўлсин, Танҳо хуш кўрмаса – кўрмасин, Танҳо уни писанд қилмасин, лекин Нурия унга муносиб қайлиқ бўларди-ку. Ахир жувон шўрлик неча вақтдан бери хушомад қилади, аммо ҳар сафар муродига етолмайди. Нега унга парво қилмайди? Нурия сулув, ундан шундай ҳид тараладики, бу хушбўй ҳид кўнгилга муҳаббат оташини кўзғатади, у билан ширин гуфторлик қилиш, ўйнаб-ку-

лиш ёқимли. Буни у яхши билади, фақат Танҳонинг хурмати у билан масофа сақлашга мажбур, уни йўқотиб қўйишдан қўрқадди ва тез-тез уникига кириб туради.

Нурия ҳам кечаю кундуз уни ўйлаб ҳаяжонланади, азоб чекади ва бу азоблардан роҳатланади, Жамшидни кўриш, унга ишқ тўла кўзларини сузиш, юрагига севги оташини солиш учун кунора бир баҳона топиб дугонаси Танҳонинг олдига боради.

Бир куни Нурия аччиқ-аччиқ йиғлаб унга бошидан ўтган мусибатлар ҳақида гапирганида, “бошга тушганни кўз кўрар, тақдирга тан бериш керак”, деб таскин берган ва “шайтон йиғи қияпти, асил мақсади мени қармоққа илинтириш”, деб ўйлаган эди. Нима бўлганда ҳам, ўшанда Нурия унинг диққатини тортгани рост, буни айна пайтда ҳис этяпти. Башарти Нурия билан ошу қатик бўлганида, ким билсин, ҳозир мана шу харобада юрагини чангаллаб ўтирмаган бўлармиди...

Хаёл хаёл билан кўз очиб-юмгунча икки-уч соат ғир этиб ўтиб кетди. Жамшид барибир сирини ошкор бўлишини биларди ва бу мудҳиш онни кутиш унга қилмишидан баттар азоб берарди. Кеч киришини интизорлик билан кутгани сари кузги бир тутам кун унга йилдек ўта бошлади. Қани энди тезроқ кеч тушса-ю, бу ердан кетса. Вақт ўтказиш ва мудҳиш хаёллардан чалғиш учун ёндошлаб олиб, ердаги хас-чўпларни титкилай бошлади, шунда вужуди ўзига гоҳ шу хасдан ҳам енгилроқ, гоҳ ер-кўкдан оғирроқ туюлди. Битта чўпни ушлаб ерга тақдир ўйини – турли чизиқчалар чизиб санади ва ҳар гал санаганида чизиқлар тоқ – йўли берк чиқаверди. Охири тутақиб чизиқларни ўчириб ташлади-да, яна хаёлга берилди.

Келинг, азиз китобхон, биз Жамшидни ўз хаёллари оғушида ёлғиз қолдирайлик-да, қишлоққа қайтиб Ойсулувнинг ҳолидан хабар олайлик.

...Алима дарвозани очик кўриб, кўнгли ғашланди. Ҳовлига кириб бир-икки “опа”лади. Жавоб бўлмади. Ҳовлида оғир сукунат чўккан, фақат ташқарида қолдирилган ширали пиёла



атрофида парвона бўлиб юрган ариларнинг гингиллаши ана шу сукунатни бузиб турарди, холос.

Агар опаси мактабдан қайтмаган бўлса, дарвозани ким очиқ қолдирди экан? Эҳтимол, опаси эртароқ қайтгану, ҳозир қўшниникида ўтиргандир. Қани, қўшни ҳовлига бир мўралаб кўрсин-чи.

Шу фикр домига тушган Алима Қувондиқни даҳлиз остонасида қолдириб, ўзи қўшни ҳовлига ўтиладиган дари-ча томон бир қадам ташлаши билан ари чаққандек чинқариб юбордики, овози тоқу равоқлардан ошиб кўчадагиларга ҳам эшитилди. Албатта, унинг зорланиши кишининг раҳмини келтирарди. Бу овоз қўшни ҳовлиларга довур етиб бориб, шов-шув кўтарилди. Охири бу овоздан Дилиш янга ҳам хабар топди ва, нима экан, деб сарпойчан, бошига рўмолини елвагай ташлаб чиқди-ю, ерда чўзилиб ётган Ойсулунни, уни силкитганча, “опа”лаётган Алимани кўриб, эсхонаси чиқиб кетди.

– Вой, шўрим! – Дилиш янга Алимани нари суриб, Ойсулуннинг бошини тиззасига олди-да, силкита бошлади. – Ҳой, кўзингни оч. Кўзингни очсанг-чи, жоним! Сенга нима бўлди?

Алима опаси билан Дилиш янганинг атрофида чўғ босиб олгандек чир айланиб, овози борича чинқирарди:

– Опажон!.. Опамдан ажралиб қолдик!..

Дилиш янга Ойсулунга бир куйинса, Алиманинг қилигидан жаҳди чиқар, унга танбех берар эди.

– Қулоғимни қоматга келтирдинг-ку, ҳой қиз! Опанга нима бўлди ўзи?!

Алима жавоб бериш ўрнига тинимсиз йиғлар, томоғига бир нима тиқилгандек гапиролмай дудуқланар, нима демоқчи эканини англаб бўлмасди.

Дилиш янга Ойсулуннинг кўксига бош қўйиб, юрак уришини эшитишга уринаркан:

– Бирпас жим бўл, тентак, ҳеч нарсани эшитиб бўлма-  
япти-ку, – деб Алимани койиди. – Бадани иссиқ-ку ҳали, на-  
мунча дунёни бошингга кўтармасанг. Ундан кўра, югуриб  
бизникига чиқ-да, Акрам акангни чақир бу ёққа!

Акрам ака – Дилиш янганинг эри, мулойим одам. У Али-  
мага эргашиб келганида нариги ҳовлидаги қўшни – Райим шов-  
воз, унинг хотини Фотима чеча ҳам нима қиларини билмай  
типирчилаб турган экан, Акрам акани кўрган Фотима чеча:

– Аввал ана у қизгинани тинчитсанг-чи, – деб Алимага  
ишора берди. Унинг овозида шикоят ҳам, илтижо ҳам, яли-  
ниш ҳам бор эди. – Овози бунча ўқ бўлмаса буни, қулоқ-мия-  
ни тешиб юборди-ку... Ўзи бу ҳовлига жин текканга ўхшай-  
ди. Ўтган куни ков-ков, бугун ўлим-йитим... Қандай ёмон иш  
бўлди бу...

Акрам ака Фотима чечанинг гапига эътибор бермай хоти-  
нининг бошига борди.

– Нима гап ўзи, Дилшода?

– Ҳеч гап йўқ ҳали. Бадани иссиқ, ҳушидан кетган ча-  
мамда. Заҳда ётавермасин, тезроқ ичкарига олиб киринглар...  
Ҳой, ярамас қиз, бирпас овозингни тийсанг-чи, ҳовлини қо-  
матга келтирдинг. Ўчир овозингни, ҳали опанг тирик... Қани,  
Райим язна, сиз ҳам қарашиб юборинг.

Акрам ака Райим шоввоз иккиси қўлма-қўл Ойсулувни  
уйга олиб кирдилар. Алиманинг овозини эшитган аланг-жа-  
ланг кишилар кириб келишди. Ҳовли тумонат одамга тўлди.  
Алиманинг дийдаси баттар юмшади, унга Қувондиқ жўр бўл-  
ди. Кўнгли бўшлар ҳам йиглаб юбормайлик, деб лабларини  
қаттиқ тишлашди. Гап-сўз кўпайди: бу ожизани ғам еди, деди  
биров, бошқаси, номус қилган, деди. Суҳбатга яна бирови  
кўр ташлаб, бунинг барига Элёр сабабчи, деб сўкинди.

– Кеча бинойидан юриб эди, – деди Дилиш янга. Унинг  
гапи ҳамма дийдиёларни босиб кетди. – Неча марта айт-  
дим-а: ҳой қиз, бўлар-бўлмас гапларни ўзингга олаверма, деб.

Ҳаҳ, нодон, қишлоқнинг орини сақлайман, деган-да. Элёр-ку ори бундан баттар, ҳали келсин роса томоша кўрсатса ажаб-мас. Менинг юрагим така-пука: қўшни қишлоқ эшитса, нима дейди бу ҳангомаларга... Яккатутнинг обрўйи тўкиладиган бўлди-и...

Уртада Мойра отин тушиб, ҳай-ҳайлаб қолди.

– Ҳай, оқсоқол қаерда? Катталарга тиши ўтади, айтдириб, Элёрни олдирсин бу ёққа. Ҳай, оқсоқолни чақириб кел биравинг!

Фотима чеча бурун парраklarини кериб, у ҳам оқсоқолга бир тош отмоқ ниятида оғиз жуфтламоқчи эди, бўрини йўқласанг қулоғи кўринади, деганларидек, дарвозадан Шомирза оқсоқолнинг қораси кўринди-ю, ҳамманинг нафаси ичига тушди-кетди. Оқсоқол ҳам чақиб оладиган кишисини мўлжаллаб келаётган эканми:

– Ҳамма нодонлик сендан ўтган, – деб Акрам акага бармоғини бигиз қилди. – Битта девор-а... Бу нима деган гап? Деворнинг нари томонидан бўлса ҳам, ҳолинг надур, деб қўйсанг, сазанг ўлармиди, а? Дармиёна қўшнига уят-ку... Эшитган нима дейди?

– Шомирза ака, – Акрам аканинг кўзлари косасидан чиқаёзди, – Эри кетган кундан хотинимнинг битта оёғи мана шу ҳовлида. Лекин биз ҳам худо эмасмиз, эртага нима бўлишини билмаймиз.

– Бо худо! – кўкрагига муштлади Дилиш янга. – Эй, оқсоқол сизми ёким мани эримми? Аввали бошидан элдан хабар олиш сизга тан. Иби, айтинг қани, кав-кавдан кейин, ҳолинг не, деб шу ҳавлига кирдингизми?.. Ҳа ана, одам аввал ўзига қарасин, кейин бошқага гап отсин. Охи, кун бўйи чойхонада тўртта одамни оғзига қаратиб ўтирасиз. Ўша тўртта одамни қаватингизга олиб, биздан нима хизмат, деб шу ҳавлигинага кириб-чиқсайиз, бирор жойиз камаядимми? Набарот савобни тагига қоласиз, ёки гапим ялғонми? Қани, ака Райим, ўзиз айтинг-чи, мани гапим тўғрими?

Гурури жўш уриб турганда ҳам оқсоқолнинг ҳурмати-ни унутмаган Райим шоввоз гапнинг посангисини баравар сақлаган ҳолда:

– Ўтган ишга саловат, – деди муросасозлик билан. – Бўлар ишнинг бўёғи синди, тортишиб нима қиласила. Уннан кўра, дўхтир чақирингла. Ҳай, Саъдуллони баласи, отинг нимайдими?.. Ҳа, Сайфулло, машинангга мин-да, амбалатўрага бориб, дўхтирни олиб кел. Буёғи пишиб турибди, булани сан-мани ортуқча...

– Ман бориб нима қиллим, тилпон қиллик, дўхтирди ўзи келопти, – деди унга жавобан Саъдулла.

– Уннай бўса яхши... И-я, битта мошин келиб тўхтади, дўхтир келли хиёлимда, қарангла қани.

Дарҳақиқат кўча томондан машинанинг овози эшитилди-ю, ҳамманинг кўзи дарвозада бўлиб қолди.

Долонда Усмон билан Латиф кўринди. Ҳар иккиси бошини эгиб, кўзларини ерга тикканча, лабларига муҳр босилгандай миқ этишмай келишарди. Улар билан бирга йигирма беш-йигирма олти ёшлар чамасидаги норғул, кўзлари кишига синчков боқувчи бир йигит ҳам бор эдики, уни кўриб ҳамманинг тилида бир савол туғилди: Бу йигит ким бўлди? Ҳойнаҳой у милициядан ёки нотаниш идорадан, билиб бўлмайди.

Учаласига йўл бўшатишди, Учаласи Ойсулув ётқизилган хонага кириб кетишди. Эркаклар ташқарида қолди, аёллар эшик орқасига ўтиб олди. Дунёда ҳамма аёлларнинг жойи эшик орқасида, гап пойлашга яхши.

Усмон Ойсулувнинг аҳволини кўриб, эсхонаси чиқиб кетай деди. Дўхтир-да, бир қарашда беморнинг аҳволини билиб олади. Ойсулувнинг юзида бир томчи ҳам қон қолмаган, гўё баҳор кўрмай хазонга айланган бойчечак сингари сарғайиб кетган. Унинг қўрқиб кетгани шундоққина кўриниб турибди. Усмон аввал унинг товонини ишқалади, сўнг бурнига наша-

тир ҳидлатган эди, бир қалқиб кўзини очди-ю, бизга нотаниш йигитга тикилиб қолди.

Йигит хиёл эгилди-да:

– Нима бўлди сизга, опа? – деб сўради.

– Мен қайдан билай, – деб шивирлади Ойсулув. – Ҳовлига кирсам, бир одам орқа эшикчадан отилиб чиқиб кетди, кейин нима бўлганини билмайман.

– Унинг кимлигини билдингизми?

– Менимча, у...

– Яна ўшами?

Ойсулув энтикиб нафас олди ва олган нафаси қайтиб чиққунча ҳам бўлмай, юзи пахтадек оқариб, йигитдан кўзини узмай туриб:

– Ўша, – деди.

– Менинг ҳам тахминим шу эди, – деди йигит ўйчанлик билан. – Ўтган сафар сизга айтган эдим, пайига тушганмиз деб. Начора, бўри яна бир бор қишлоқ оралабди-да. Бу гал уни албатта топамиз. Биламиз қандайлигини!..

Латиф йигитнинг елкаси оша Ойсулувга қараб турган эди, “ўша”нинг кимлигини дарров билди ва: “Энди ўзидан кўрсин, биз ҳам шундай қилайликки, бу томонларга қайта оёқ босмасин, – деди. – Мушук йўлни кесиб ўтса, бу шайтоннинг иши деймиз, ваҳоланки, шайтон анойи эмас, магар мушукнинг йўлни кесиб ўтиши ёмонлик аломати экан, у ҳеч қачон мушук қиёфасига кирмайди, аксинча, бизга хуш ёқадиган бошқа бир нарса кўринишда намоён бўлади. Жамшид ҳам йўлимизни мушук эмас, дўст кўринишида кесиб ўтди...”

Йигит касб-корини бажариб кетганида уфқда ялтилаган қуёш оқиш варракка ўхшаб кўзга ташланиб, булутлар қонталаш тусда эди.

Ойсулув пиқ-пиқ йиғлар, бошидаги рўмоли сурилиб кетганидан сочлари тўзғиб ётар, жон аччиғида: “Қайси гуноҳим учун бунчалик хўрлик?” деб худога ёлворарди.

Дилиш янга унинг ёнига ўтириб рўмолини тузатди, кўз ёшидан ҳўл бўлган юзларини силаб юпатди ва ҳамдардлик билан деди:

– Қўй, жоним, қўй, сабр қил, ҳаммаси яхши бўлади, мени айтди дерсан. Эринг қандоқ кетган бўлса, бо худо, яна ўшандоқ қайтиб келади, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасизлар. Бу ҳам худонинг синови-да, қоқиндиқ.

Унинг овозида шунчалик меҳр-муҳаббат бор эдики, Ойсулунинг юраги эриди, юзини Дилиш янганинг тиззасига қўйиб, йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатаркан, “янга эҳтимол бир нарсани билиб айтаётгандир”, деб ўзига ўзи таскин берди.

Тўпланганлар аста-секин кўчага чиқа бошлади. Ойсулун кўз ёшларини артиб бошини ёстиқдан узганида, унга кўзи тушган Шомирза оқсоқол “Оҳ, онам!” дея наъра тортиб, кетидан “яхши, ҳаммаси жойида” деб дарвоза томон йўналди. Кимдир чиқиб кетаётиб, “ҳақ, ҳаромзода, тухматчи дегани илгари мусулмон бўлгану, кейин кофирга айланган”, деди.

Бу гапга ҳамма кулиб юборди.

Майли, бу ердагилар кулишсин, ҳаммаси жойида, биз эса Жамшиднинг аҳволдан хабар олайлик-чи, нима қилаётган экан.

Жамшиднинг бир оз кўзи илинган эканми, қўрқинчли туш кўрган одамдай ётган жойидан салчиб турди-да, девордаги кичкинагина туйнукдан ташқарига мўралади. Кун қорая бошлабди, лекин ҳали оқ ип билан қора ипнинг фарқига борса бўлади. Далада тирик жон кўринмайди. Шундай бўлса ҳам, қочқиндаги одам – ичида қўрқув билан ҳадик олишади. Қайтага қўлга тушгани маъқул эди, қўрқувдан қутуларди, ахир қўрқув ҳар қандай азоб-уқубатдан даҳшатлироқ-да. Бироқ одамзодда қўрқув ҳисси ошган сари жони ўзига ширин туюлаверади. Ана шу ширин жоннинг касрига ўзини тўрт томонга уради, ишқилиб қўлга тушмаса бўлгани.

Кичкина қапа Жамшидни сиқиб қўйди. Энди жойини ўзгартирмаса, далада қолиб кетади. Катта йўлга яқин бориб

олиши керак. Ҳозир аини пайти, ҳамма даладан қайтган, уни ҳеч ким кўрмайди.

У аста-секин сой бўйидаги тўқайга қараб юрди. Тўқайда бирпас нафас ростлаб, кейин сув ёқалаб Чилдухтаронга чиқди. Қабристон катта йўл ёқасида, қоронғи тушиши билан йўлга чиқиб олиш ўнғай. Лекин бунинг учун пича қабристонда жон сақлаши даркор. Бунақа пайтда қабристон бир оз кўрқинчли тус олади, кишининг ичига гулгула солади. Начора, ширин жон кўрқувдан устун келганда, киши ҳар қандай ваҳимага ҳам қарши боради. Жамшиднинг ҳам шундан бошқа чораси йўқ.

Ўзини минг хотиржам ҳис этмасин, тепаликдаги якка тутнинг туриши ич-этини жимирлатиб юборди. Тут ўлжа пойлаб ётган, яқинлашган жонни ямламай ютишга шай турган аждарҳонинг ўзи эди гўё. Айниқса, юлгун аралаш саксовулзорга айланган қабристон шом қўйнида янада ваҳима касб этиб, чексиз ўрмондек кўрқинчли кўринарди. Аксига олиб, қуёш сийрак булут орқасига яшириниб, эски чопонига ўраниб олгандай. Шом тушишига хила вақт бор. Ҳозир кун билан тун бир-бирига юзма-юз турибди, тун ва кун шафақлари ўйнашмоқда. Лекин ҳозир Жамшидга бу қизиқ эмас. Қизиқ нарса энди рўй беради, буни у борлиги билан ҳис этмоқда. Осмон уфқда кўриниб турган замин узра тўқ зангори қабр тоши каби осилиб турибди. Аслида бунақа қабр тошлари йўқ, мана бу қабристондан ҳам топиб бўлмайди. Ҳар қалай, осмон қабр тошларига тўлиб кетган, гўё ердаги қабр тошларининг акси осмонга ургандай.

Ғир-ғир шамол эсмоқда. Чўл томондан оппоқ жажжи қушчалар учиб кела бошлади. Шундай туюлдики, гўё узоқларда, минг-минг чақирим нарида ўйнаб юрган болалар қоғоздан қуш ясаб, уларни бу ёққа учириб юбораётгандай.

Қушчалар ҳам ажойиб, чиройли, патлари товус патидек майин, тўқ кўкимтир тусда. Улар яқинлашган сари каттариб

кўринар эди. Булар қанақа қуш ўзи? Аксарият қушлар қағил-ласа, булар ҳақ-ҳақ дейди. Қизиқ, сони нечта экан буларни: бир, икки, уч, тўрт... йигирма беш... ўттиз икки... қирқ, роп-па-роса қирқта экан. Нега энди қирқта? Қирқ сони нимани англатади? Қирқ, қирқ... Бу Элёр тўқиган ривоятдаги адолат туморининг маҳрамлари эмасмикин?

Қушлар бирин-кетин пастлаб, қанотларини шалдиратиб ерга қўна бошлагач, уларнинг бор бўй-басти яққол кўринди. Балх тутдан ғалати – одамнинг товушидек овоз эшитилди. Ажаб, бу қанақа овоз?

Ҳойнаҳой, қушлар Жамшидга ўхшаб кун ботишини кутаётгандек эди. Шу пайт яқин йўлдан ваҳима солиб юккаш машина ўтганида қушлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Бўшашиб ўрнидан қўзғалган Жамшид ҳозиргина қушлар ғойиб бўлган жойга тикилганча ҳайкалдек қотди...

Тун тонгга қадам қўйган пайтда Азимкентга кириб келган Жамшид эҳтиёт шарт уйга кирмай, Нуриянинг эшигини тақиллатди.

Уйқунинг ширин жойида Нурия чўчиб уйғонди. Гандирак-лаб ўрнидан турди-да, чироқни ёқиб, тумбочкадаги соатга қаради: тўрт ярим.

Эшик иккинчи марта тақиллади.

Ким экан бемаҳалда эшик қоққан?

Нурия эҳтиёт юзасидан товуш чиқармай эшикка яқинлашди.

Эшик учинчи марта тақиллади.

Нурия ёлғондакам тил учида:

– Ким? – деб товуш берди.

Ташқаридан бўғиқ овоз эшитилди.

– Мен.

Овоз жуда таниш эди.

Нурия ҳаприқиб эшикни очди. Севинчини яшириш учун лабини тишлади.



– Э, худойим-ей, сизмисиз? Нима бўлди сизга? Дугонам уйдан ҳайдаб юбордим, дейман...

Жамшид ўзини тош ойнага солди-ю, афту ангоридан ўзи уялиб кетди. Қоронғида билмаган экан, кийим-боши афтода.

– Нима бўлди сизга? – қайта сўради Нурия.

– Махфий топшириқни бажариб келяпман.

– Қорнингиз очқагандир?

– Сўрама. Бўридай очман.

– Ювиниб чиқинг, унгача бир нима тайёрлайман.

Жамшид ўз оёғи билан кириб келгани яхши бўлди. Агар у бугун-эрта келмаганида Нурия андишани бир четга суриб, унга бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишни мўлжаллаган эди. Ҳақиқат шундан иборат эдики, Жамшид эшитса, ўзини йўқотиб қўйса ажабмас. Яхшиям ўз оёғи билан келди. Хўш, энди ҳақиқатни айтсинми ёки яна бир оз кутсинми? Ҳозир айтса, Жамшид бу янгиликни қандай қабул қиларкин? Йўқ, ҳозир айтмайди, мавриди эмас. Негаки, Нурия бир хил доғули аёллар сингари бор-йўғини бир йўла намоиш этмайди, мақсади бошқа. Бу мақсад ноз-карашма, ҳусну жамол, латофату шарму ҳаёдан устун бир нарсаки, уни бирдан эмас, аста-секин, оз-оздан, охирида тўла-тўкис намоён этмоқчи, ўшанда Жамшид “ҳа, бундай экан-да!” деб юборсин. Яъни ой дастлаб ярмини кўрсатиб, кейин секин-аста тўлишиб боради, охирида бор-будини кўрсатиб, ҳаммани ҳайрон қолдиради.

Жамшид ваннадан чиққанида Нурия ошхонада туриб сўради:

– Қанақа топшириқ дедингиз?

– Махфий дедим-ку, – хиёл қўполроқ жавоб берди Жамшид. – Сенга борини айтсам, топшириқнинг махфийлиги қаерда қолади?

– Ҳа, энди, сизнинг ҳамма ишларингиз махфий-да, – пичинг қилди Нурия. – Кўрслик қилмай айтсангиз ҳам тушунардим. Эркалашни ҳам билмайсиз.

- Ҳозир кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди.
- Тўғри, қорин очганда кўнгил тораяди. Хиёл сабр қилинг, нонушта тайёр бўлади.
- Овора бўлма, бирровга кирдим, кетаман!
- Қўрқитманг, бирровга кўникиб қолганман.
- Пичинг қилаверма-да, Нур!
- Бир нима дедимми? Ошкора савобдан пинҳона гуноҳ яхши...

Жамшид бу гапни эшитди-ю, жим бўлиб қолди. У одамда маълум мақсад бўлиши кераклигини тушунарди, бироқ ўша мақсадни амалга ошириш учун ўзига ишончли ҳамдам тополмай хуноб эди. Шунча ёшга кирибдики, ҳеч нарсага эришмабди, ҳаёти бўшлиқдан иборат. Наҳотки, беҳуда умр кечирган бўлса? Шундай экан, бу дунёда нимага яшаб юрибди ўзи?

– Қалбимда муҳаббат ўти сўнди, Нур, – деди у димоғи куйиб. – Балки менда ўша муҳаббатнинг ўрни-таги бўлмагандир? Борди-ю, мендаги муҳаббат ҳақиқий бўлганида эди, Танҳодан ажраганим учун дард чекардим... Йўқ, мендаги муҳаббат муҳаббат эмас, шунчаки мажбурият. Танҳони севмасдим, у ҳам мени севмасди. Шунга қарамай биз гаплашардик, вафодормиз, деб онт ичардик ва пировардида бир-биримизга ёлгон сўзлардик... Нақадар кулгили! – Жамшид илгари Танҳо билан ўзи ўртасида юзага келган зиддият тўғрисида миқ этмаган, негадир ҳозир гапиргиси келди. – Ҳатто, фарзандли бўлсак бир-биримизга кўникиб кетамиз, деб айтдим, лекин у бунга кўнмади... Бундай ўйлаб қарасам, дунёда сендан азиз одамим йўқ экан, эшитдингми, Нурия? Эшитдингми?

Ошхонадан жавоб ўрнига пиқ-пиқ йиғи эшитилди.

Жамшид ошхонага чиқиб, Нуриянинг елкасидан тутганида, у Жамшид томон ўгирилди-ю, кўзларини сузиб шивирлади:

– Мен сизни сева...

Жамшид унга сўзини тамомлашга имкон бермади, уни бағрига босди. Нурия ҳам унинг бўйнидан қучиб, ҳарорат

уфуриб турган бор вужуди билан унга ёпишиб, безгак тутгандек даг-даг қалтиради. Жамшид унинг юз-кўзларидан ютоқиб ўпди.

– Сен барибир гўзалсан!

– Устимдан кулманг... Боринг жойингизга...

Жамшид ортига қайтди. Диванга ўтирди-да, хонадаги буюмларни бир-бир кўздан кечира туриб, нохос сервантдаги суратга қараганча тош қотди. Бу суратни энди кўришими ёки олдин кўрган бўлса ҳам эътибор бермаганми, айти дамба кўзига чўгдек кўринди. Суратда Нурия ширингина болакайни тиззасида олиб ўтирарди. Болакай қошу кўзни Нуриядан узиб олгандай эди.

Жамшиднинг юраги ҳаприқди, беихтиёр суратни олиб, узоқ синчиклади.

Нурия унинг ранг-рўйига бир оз қараб турди-да, сўнг:

– Кимга ўхшатдингиз? – деб сўради.

– Ширин бола экан, – Жамшид бир суратга, бир Нурияга қаради. – Жиянингми?

– Ўзингиз топинг-чи.

Нурия шундай деб, яна ошхонага чиқиб кетди.

Жамшид суратга тикилиб туриб, кўнглидан бир нима ўтди.

Нурия чой олиб кирди.

– Тополдингизми?

– Шаҳар бердим, ўзинг айти қол.

– Ўзимни болам.

– Йўғ-е?!

– Ўхшамайдими?

– Шунақа экан, буни шу пайтгача нега айтмагансан?

– Айтганимда, бирор нарса ўзгарармиди?

Гап тагида гап борлигини билган Жамшид кулиб юборди.

Унинг кулгисидан Нурия изза бўлди, жаҳл устида сирни очгиси ҳам келди-ю, шайтонга ҳай берди.

Жамшид таажжубланди: мен-ку гапнинг маънисига тушуниб кулдим. Бу кулгининг замирида қандай маъно борлигини Нурия билдимикин, ахир баъзан кулиш валдирашдан кўра мазмунлироқ-ку.

– Ҳеч нарса ўзгармасди, – кечикиб жавоб берган Жамшид суратни жойига қўяр экан, яна иккиланди: – Ҳақиқатан ҳам ўзингни болангми?

– Ўзимни болам.

– Отаси ким?

Нурия ёлгонни кулги билан яширди.

– Қўрқманг, жияним... Ўтиринг энди, нонушта қилиб олинг.

Жамшиднинг қорни очқаган эди, таомни кўриб, бола ҳақидаги гапларни унутди. Иссиққина қуймоқнинг ҳиди димоғини китиқларди. Санчқида бир бўлак қуймоқни оғзига соларкан, кўзи Нурияга тушди. Нурия ҳам ундан кўз узмай ўтирарди.

– Эркакнинг жонига тўзим берсин, – деди Жамшид оғзида чайнаб турган луқмани ютиб. – Аёлга сал эътибор бермаса, эркакни бевафога чиқаради; борди-ю, эркак унинг атрофида ўралашса, суюлиб кетяпсиз, дейди. Ёки эркакнинг иши юришмаса, сизга тегиб нима рўшнолик кўрдим, деб нолийди, мабодо бойиса, сени мен бой қилдим, деб дунёга жар солади. Эркакнинг ўлмаган жони-а! Қачон сенлардан раҳмат эшитамиз, худо билади.

Нурия бўянмаса янада чиройли бўлиб кетарди. У ҳозир мисоли тўлин ойдай кўринди. Гўё ой бўянишга сабри чидамай, шошиб-пишиб булутлар чокини йиртгану, пастга, ерга тушгандай.

– Аёл ҳеч қачон ичидагини ташига чиқармайди, унинг раҳмати юрагида, – ойдек жилмайди Нурия. – Бу борада сиз нолимасангиз ҳам бўлади.

– Эркакдан миннатдор аёлни энди кўришим. Ишқилиб, муболаға қилмаяпсанми?

– Муболага бўлса, эшик очармидим. У сиз, гапни олиб қо-  
чадиган.

Жамшид бир қизариб, бир оқарди ва Нурияни қучоғи-  
га тортди. Икки жисм бир-бирига чирмашди, икковининг  
нафаси тезлашиб интиҳосига етмасдан, Жамшид нафаси-  
ни ростлади:

– Сени севаман, Нур, – деди.

– Севасиз, бу севги мени ёлғизликдан қутқаролмайди.

– Нега ёлғиз бўларкансан, ёнингдаман-ку!

– Ёнимда бўлганингиз билан хаёлингиз бошқа ёқда! – Ну-  
рия унинг бўйнидан қучиб, сочларини ҳидларкан, астагина  
деди: – Тамоман меники бўлишингизни хоҳлайман!

– Бошингга урасанми мени?

– Қаеримга уришни ўзим биламан!

– Кечир. Мени кечир, – деди Жамшид қайта-қайта. Сўнг  
девордаги соатга кўз қирини ташлаб, кетиш вақти бўлганини  
билди. Кун ёришмай Муталнинг уйига етиб олишни билиб  
турса-да, қўл-оёғи боғлаб қўйилгандай ўрнидан туролмасди.  
Ташқарида эса машиналарнинг шовқини, одамларнинг ган-  
гир-гунгурлари эшитила бошлади. – Энди мен турай, ишхо-  
нада кутишяпти, – деб ўрнидан турган Жамшид яна суратга  
қаради. – Болакай жуда ширин экан!

– Бу сурат, ўзини кўрсангиз, маҳлиё бўлиб қоласиз. Ҳозир  
жудаям ширин бўлиб кетган.

– Ширин бўлаверсин-чи, ҳали кўрсатарсан.

Жамшид эшиккача бориб, орқасига ўтирилганда Нурия-  
нинг ақиқ лабидан ҳовур уфураётганини, узун мижжалари  
пирпираб, ёноқлари қизарганини, кўзларида порлаган қу-  
вонч ўрнини маъюслик эгаллаганини кўриб, юраги эзилди ва  
бунга айнан ўзи сабабчи эканини ҳис этиб, койинди.

Нурия унинг кетидан эшикни ёпиб, хўнграб юборди.

Жамшид учун Мулқобод ҳам, Азимкент ҳам тор бўлиб қолди. Маслаҳатимга кириб, ўғлим бахтини топди, деб юрган Холмурод Шарифнинг боши ҳам, кўчага чиқолмайди. Бир пайтлар гап уриниб келди дегунча ўғлига, замон ҳукми, ҳар одам ҳаётда ўз ўрнини топиши даркор, кимда-ким ёшлигида ишламаса, қариганида хор-зор бўлади, – деган мазмунда насиҳат бериб, – келажагим порлоқ бўлсин десанг, устознинг этагидан маҳкам тут, – деб унга Рамазон Наимнинг этагини тутиб берган эди.

Рамазон Наимнинг этагини тутган ўғил бугун ҳамма нарсасидан мосуво бўлиб ўтирибди, бу унга алам қияпти. Намоз Жумаевнинг ишига аралашмаганида Элёр билан қасдлашиб, Рустам Қодиров билан ўчакишмасди. Мана, энди уларнинг ҳаммаси уни кўрарга кўзлари йўқ. Бунга, албатта, ўзи сабабчи. Ошқора душманлик кишилар орасини бузиб юборишини энди-энди англаб турибди.

У Муталникига етиб боргунча яна кўп нарсалар ҳақида ўйлади...

Қайси одам ўз яқинини кўрганда қувонмайди?

Мутал Жамшидни кўриши билан қувонди, чунки йигирма учларга кирган кенг манглай, қабарик кўкракли, чапанинамо бу йигит айни пайтда алақайси қурилиш участкасида қоровул, даромадининг мазаси қочган: ҳафтада уч кун уйда чўкиб ётади, унинг устига чап кўзига оқ тушиб, кўлмакда чўмиладиган каптарга ўхшаб ўша кўзи пирпирайдиган бўлиб қолган.

Унинг учун Жамшиднинг ташрифи, албатта, яхши бўлди. Ҳозир ҳеч вақоси йўқ, чўнтагида шамол ўйнайди. Олдин ҳам шунақа ҳолга тушган. Қўшнилари ёмон одамлар эмас, ёрдамга муҳтож пайтлари унга кўмак бериб туришар, гали келганда у ҳам яхшиликка жавоб қайтарарди. Бу гал муҳтожлик узоққа чўзилиб, пул тушишига умид ҳам қолмаганди.

Жамшид унинг сўнган умидини жонлантирди.

Ҳар ҳолда, у бинойидек йигит: иш бўлса ишлайди, тиришқоқ, итоатли, фаросатли. Одам бўлгандан кейин янглишади-да. Уни осонгина ёмонга чиқариб қўймайлик, дардига қулоқ тутайлик.

Жамшид саломга жавобан эринчоқлик билан алиқ олди-да, Муталнинг, аҳволларингиз қалай, деган сўровини эшиттар-эшитмай, куни-кеча бошидан кечирган воқеаларни сўзлай кетди. Кейин ўзининг омади келган кунларини хотирлаб, ўқинди. Лекин Муталнинг оғзига ҳайрон қараб турганини пайқаб, ўзини оқлагандек, ўтмиши, амалга оширган ишлари, кимлар билан ош-қатиқ бўлганлари тўғрисида гапирди. Дадироқ гапира бошлагач, кўнглида гурур пайдо бўлди: ахир у ҳам бир вақтлар омади чопган одам эди-да. Сўнг овозини пасайтириб, бу дунёни, замонни ва уни шу кўйга солган одамларни ғазаб билан сўқди, ҳали ўша яхши кунлари яна қайтиб келишига умид боғлади.

– Эшитган бўлсанг керак, – деди охири.

– Ҳа, эшитдим, – жавоб берди Мутал чап кўзини пирпира-тиб. – Яхши иш бўлмапти. Лекин Рамазон ака охириги пайтларда ҳаддидан ошиб кетаётганди. Одам бунчалик бўлмайди-да. Ишқилиб, бу сизга таъсирини кўрсатмайдими? Органда ишлайсиз, ҳар қалай ишингиз нозик, таъсири бўлиши мумкин-да.

– Гапирма ўшани! – Жамшид зарда билан яна бир балолар деганида турқи қорайиб кетди. – Мени хароб қилган ўша-ку!

Жамшиддаги тушкун кайфият Мутални шошириб қўйди.

– Ҳа, энди, ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг-да. Иш деганини поёнига ким етибдики, сиз етасиз. Одамзод нариги дунёга кетар чоғида ҳам орқасидан яна уч кунлик иш қоларкан. Шундай экан, соғлиқни ҳам бундай ўйланг-да, ака. Тунов куни идорангизга қўнғироқ қилиб эдим, хизмат сафарига, дейишди. Қишлоққа кетган экансиз-да...

– Шу ердан қўнғироқ қилдингми?

– Ҳа, шу ердан, нима эди?

– Чакки қилибсан-да!

– Нега?

– Биласан-ку, бизда ҳамма қўнғироқлар ёзиб олинади.

Рақаминг тушмаган бўлсин-да.

– Тушса нима қипти? – Мутал бепарво қўл силтади. – Қорнингиз ҳам очқагандир? Мен ҳам ҳали нонушта қилганим йўқ.

Жамшид зўраки кулди ва биров кўкрагидан итариб юборгандек диванга ўтирди.

– Бошоғриғига бирор нарсанг борми?

– Бир дақиқа, мен ҳозир... – Мутал ошхонага кирди-ю, шу заҳоти қўлларини ишқалаб чиқди. – Айбга буюрмайсиз, холодильник ҳам ҳувуллаб ётибди. Агар хўп десангиз, ғир этиб бозорга тушсам-да, ошлик ола келсам, ака-ука битта қўлбола паловни дамласак-да, ана ундан беш-беш о-ли-иб шакаргуфторлик қилсак, нима дейсиз?

– Маъқул, – деди Жамшид чўнтак кавлаб. Мутал ёлғондакам эътироз билдириб, қўйинг, қўйинг, деган эди, меҳмон уни жеркиб берди: – Аҳволингни билиб турибман. Мана буни олда, тез бориб-тез қайт, ҳаяллама!

– Унда, мен келгунимча сиз дамнингизни олинг! – Мутал эшикдан чиқиб кетаркан: – Устингиздан қулфлаб кетаман, шуниси беҳавотир, бемалол дам оласиз.

– Яхши, шундай қил!

Мутал кетди. Жамшид диванга чўзилди-ю, ҳадеганда уйқуси келмай, хаёлга чўмди. Ёлғиз қолганигда хаёл суриш мароқли-да. Бундай пайтда ёлғизлик содиқ дўстга айланиб, хаёлни зингиллатиб юборади.

Унинг кўз олдида Нурия гавдаланди. Назарида, суратдаги бола унинг жияни эмас. Агар жияни бўлса, нега болам деб ҳазиллашди? Бу ерда яширин бир сир бор. Қизиқ, бола



нега хаёлимдан нари кетмаяпти? Синчикламадим-да, яна бир оз қистовга олганимда ҳақиқатни билиб олган бўлармидим? Агар бола меники бўлганида борми... Ишқилиб, Нурия уялтирмасин-да.

Кўз ўнгидан Нурия билан кечган кунлар бирма-бир ўтди ва шу билан бирга, бола билан боғлиқ қандайдир бир аломат кўринди. Худди ана шу аломат унга: Нурия сени севади, сенга ишонади ва, сен нимани лозим топсанг, шунга кўнади, деб белги берарди. Нуриянинг бир муддат йўқ бўлиб, аллақайси касалхонага ётганини, уни интизорлик билан кутганини эслади. Ўшанда у бир марта бўлса ҳам Нурияни кўргани бормабди-я. Кейин Танҳодан эшитгани: уни хотини ўлган тоғасининг ўғлига бермоқчи бўлганларини, бу никоҳга Нурия қаршилик кўрсатганини, бунинг учун қариндошлари ундан воз кечганини ва тақдирга қарши бориб, ўз бахтини топажagini, бу ҳаётини бахтли деб билганини – ана шуларнинг ҳаммасини бирма-бир эслади. Ўзи ҳам касалхонага тушганида, хотини Танҳо эмас, аксинча, рўзғоридаги буюмларини сотиб бўлса ҳам, Нурия кўпроқ борганини, йиғлаб-йиғлаб, Жамшид ака, энди ҳаётим сизнинг қўлингизда, деган сўзлари қулоғи остида жаранглади.

Буларнинг ҳаммаси яшин тезлигида хаёлидан кечди ва ўзини қувноқ кўрсатиш учун ўзига-ўзи: дадил бўл, наҳотки келажагингга ишонмасанг, ақлли бўл, деб далда берди ва хурсандчиликдан юраги орзиқди. Назарида ўзига узатилган Нуриянинг қўлини ҳаяжон билан ушлаб, бармоқларининг иссиқлигини ҳис этди, худди болаларникидек кулча юзларидан кўзини ололмай, унга миннатдорлик ҳамда муҳаббат нигоҳи билан қаради. Қўлидаги болага меҳр билан қараб, уни яхши кўришини ҳис этди ва бунга ишонди: “Ҳой Нурия, сирингни фош қил, садоқатингни кўрсат! – деб ўзича илтижо қилди. – Севги нималарга қодирлигини кўрсат! Бола ўзимники, ўзимизнинг боламиз, деб айт! Ахир сени мард деб билардим. Ўтинаман, мардлигингни кўрсат! Агар ўша бола меники

бўлса, ўтмишинг билан ишим йўқ, бошимга кўтараман сени. Мени қийнама, истаганим ўша сўзни қулоғимга яна бир марта шивирлаб айт... фақат айт, айтмай қўйма!.. ”

Унинг кўзи илинмаганда, ким билсин, яна қанча вақт хаёл сурарди.

Пешинга яқин кўзини очди-ю, ҳалиям ёлғиз эканини кўриб, эринчоқлик билан ўрнидан турди, дераза пардасини қиялатиб кўчага назар ташлади. Кўчада худди оппоқ пўстинини елкасига ташлаб олган чоллардек бир жойда қаққайиб турган дарахтлар кўринди, енгил шамол қор заррачаларини забтига олиб чирпиратар, уч ёшлар чамасидаги болакай чапакчалар, ердаги каптарларга нон ушоқларини сочар, каптарлар эса жон деб ушоқларни чўқир, болакай яқинлашса пар этиб учганида болакай кўзларини юмиб олиб, жарангли товушда қиқир-қиқир кулар, дунё ташвишларидан хабарсиз, ўз гўдаклигидан лаззатланар эдики, бу манзара моҳир мусаввирнинг оқ рангларга урғу бериб чизган маҳобатли асарига ўхшарди.

Шу пайт мусаввир шоҳ асарга мўйқалам теккизгандек, манзара ўзгарди.

Кўп қаватли уйнинг йўлагида енгил машина келиб тўхтади. Машинадан қўлтиғида қўш халта билан Мутал тушди.

Бир оздан кейин гижирлаб кўча эшиги очилди.

– Жамшид ака, кеннойини акалари бор эдими-а? – деб овоз берди Мутал йўлакда туриб. – Бозорда кўрдим, ёнларида бир йигит, апоқ-чапоқ... Танимадилар, ёнларидан индамай ўтиб кетдим.

– Адашмаяпсанми?.. Кеннойинг арзанда-ку.

– Нега адашай, кўрганман-ку. Оқлонлик Аждар зўрнинг тўйига бирга боргансизлар, тўғрими?

– Ёнидаги тентакнинг турқи қанақа?

– Қотмадан келган, ўрдак бурун, истараси иссиққина. Кеннойи унинг биллагидан тутиб олган. Мен акалари деб ўйлагандим. Унда ё амакивачча ёки холаваччалари бўлса керак.

Мутал гапириб-гапириб ошхонага ўтиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмаган Жамшиднинг ранги оқариб-қизарди. Кейин ўрнидан турди-да, ошхона эшиги олдига бориб тўхтади. Мутал гапида давом этаётган эди, чапак чалиб, уни тўхтатди:

– Тўғриси айт, уларни кўрганинг ростми?

– Худога шукур, кўр эмасман-ку, ака. Йўлбарснуса шуба-да. Шунақа шубалари борми, ахир?

– Сен бола, алдаяпсан! Шунақа шуба битта менинг хотинимда бор эканми?

– Нимага айтдим шу гапни... Сизга гапириб қочиш керак. Ҳа энди... унда бирор танишлари билан юрган бўлсалар керак-да, шунга шунчами. Ўша ўрдак бурундан намунча хавф-сираяпсиз?..

Жамшид иягини силаганча бир муддат ўйга толди, сўнг ўзига-ўзи гапираётгандек: ўрдак бурун... ўрдак бурун... бу ўша, – деб шундай тикилдики, Мутал беихтиёр кўзларини олиб қочди.

– Бир-бирини яна топибди-да, мочағарлар! – деди деворни мушглаб. – Менга қара, агар хўп десанг, бир гап айтаман. – Мутал унинг юзига қаради. Жамшид гап бошлади: – Ўзи, шу хотинга азалдан кўнглим йўқ эди...

– Йўғ-е! – Муталнинг баданига титроқ туриб кетди. – Бу нима деганингиз? Ахир ўзингиз севиб уйланганман, дегандингиз-ку!.. Йўқ, йўқ, буни калламга сиғдиrolмайман.

Мутал шундай деди-ю, ўзидан-ўзи “йўқ, йўқ... йўқ, йўқ”, деганча овқатга уннаб кетди.

– Рост, унинг ҳам менда кўнгли йўқ эди, – давом этди Жамшид. – Мен буни биринчи кундан билганман. Сен у билан бирга кўрганинг ёшлиқдаги жазмани. Отаси унга эмас, менга берган... Танг вазиятдан фойдаланиб топишишибди-да, энағарди болалари...

– Ие, ана холос! Мен нима деяпману, сиз нима деяпсиз. Мен алқасам, сиз сўкасиз! Нега жаҳдингиз чиқяпти бунча?

– Ҳозирча меникими, жаҳлим чиқади-да! Никоҳимда туриб... Ҳаммасининг думига челак боғлаб чўлга ҳайдаш керак – бошида эри бори ҳам, эри йўғи ҳам саёқ итдек изгигани изгиган, исноди эса эркакка тегади.

– Қўйинг, хафа бўлманг, – далда берди Мутал. – Бор-да бунақалар: оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юришга ўрганган. Сиз йўқ бўлиб кетгандан кейин, иссиғида...

Бу гап Жамшидга қамчи билан ургандек таъсир қилди, кўзлари қаҳру ғазабдан чақнади, овози сал қалтираб, киноя билан сўради:

– Нега йўқ бўлиб кетарканман?

Аввалига Мутал, майли, ҳаволаси худога, кайфияти йўқ-да, бунинг устига ҳар қалай меҳмон, деб ўйлади. Қараса, меҳмоннинг кўзи чўғдек ёнаяпти, попугини пасайтириб қўйиш учун елкасини қисиб-қисиб деди:

– Ҳали жаҳлингиз чиқади, деб индамагандим: идорангизга қўнғироқ қилганимда, гўшакни Мардон ака кўтариб, сизни қидирувда эканингизни айтганди.

– Шунақа дегин? Бундан чиқди, Мардонни кимдир тезлатган?

Мутал қилт этиб ютинди.

– Сен тезлатгансан, демоқчимисиз?.. Ёш бола эмасман-ку! Нима қилишимни, ўзимни қандай тутишимни биламан... Худо ҳаққи, рост! Очиғини айтсам, ўша Мардон меъдамга зиғир мойдек урган, керак эмас менга у билан ош-қатиқ бўлиш. Унинг кимлигини сиздан олдин билганман, исқоти бир бола-да.

– Аблаҳ, зимдан иш битириб юраркан. Менга қўйилган “қулоқ” экан, кеч билдим. Орқамдан қишлоққача борибди-я. Яхшиликка ёмонлик экан-да, Мутал? Чиппа-чин ишониб ўтирибман-а унга. Ахир уни одам қилган мен эмасмидим! Энди ақлим кирди...

– Тузингни еб, тузлиғингга тупурадиганлар бор-да, ака, – деди Мутал зирвакнинг мазасини кўра туриб. – Қалб

тилаганни ақл инкор этмаскан. Одам, мен бу дунёнинг ҳукмдориман, деб мақтанади-ю, дунё уни бешафқат қўллари билан эзгилаб ташлашини билмайди.

– Гап берасан-да! Хотини бор файласуф десам, бўйдоқ ундан ошиб тушаркан-ку?

– Э, ака, менинг дардимни билмайсиз-да. Билганингизда, калака қилмасдингиз. Мен ҳам хотин кўрганман, билсангиз... Мана сиз хотиндан нолияпсиз. Нега? Негаки, у сизнинг юзингизга оёқ босди. Сиз-чи? Сиз ҳам шу! Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради. Ўзингиз-чи... Нурия опа билан-а...

– Эркакнинг йўриғи бошқа!

– Йўқ, йўриқ битта: эркак истаган нарсани аёл ҳам иштайди. Унга ҳам, бунга ҳам нафсни бир хил қилиб яратган. Гуноҳ гуноҳни бошлаб келади. Биров йўқчиликдан, бошқаси тўқчиликдан шу йўлга киради. Тагига қарасангиз, ҳаммамиз шайтоннинг макрига учган Одам Ато-ю Момо Ҳавводан туғилганмиз. Шундай экан, олма тагига қачон шафтоли тушган? Беайб – Парвардигор, бандаси маъзур.

– Сени бунчалик муллавачча эканлигингни билмаган эканман.

– Ҳамма гапдан хабарингиз бўлганда, бундай демаган бўлардингиз! – деди Мутал бош чайқаб. – Ҳаёт мени мулла қилиб қўйди, ака... Қандай қилиб, деб сўрамайсизми?

Жамшид ўтирган жойида Муталнинг гапида яширин маъно борга ўхшайди, деб диққатини оширди. Ҳозир иккови ҳам бир-бирининг дилидагини билмасди. Шундай ҳол юз берган эдики, бундай вазиятда баъзида нима бўлса ҳам, айтиб юборсанг бас – ўзингни енгил ҳис этасан, баъзида эса ҳар нарса десанг ҳам, муродинг ҳосил бўлмайди. Айни дамда эса муроднинг ўзи борми-йўқми – буни билиш учун ё ақл, ёки вақт – икковидан биттаси керак. Лекин бу икки нарса унда ҳам, бунда ҳам етарли эди.

– Қандай қилиб? – сўради Жамшид.

Мутал қўлларини кўкрагига қўйганча деворга суяниб турардики, юз-кўзидан ичини ит тирнаётганлигини аниқ-равшан кўриш мумкин эди. Шу пайтда уни кўрган одамнинг раҳми келар, чунки кишининг юрагини муҳаббат ёки нафрат қамраб олганда шунақа ҳолга тушади.

– Онам касалманд, ётган жойи – на тура олади, на юра олади, уйнинг шифтига термилиб ётгани ётган эди, – деб ҳикоясини бошлади у. – Ҳафта оралатиб бир кун холам, бир кун опам келиб, уни чўмилтиради, тагини алмаштириб кетишади. Отам кичкиналигимда ўлиб кетган, онанинг аҳволи бу, менга ҳай дейдиган одам йўқ – жойим кўча, сангиганим сангиган. Уйга киришга юрагим безиллайди, онамнинг инграшига тоқат қилолмайман, шартта яна кўчага чиқиб кетаман, шайтонваччанинг ўзиман... Ўн саккизга кирганимда, сенга қозиқ, онангга табиби ҳозиқ, деб гул юзли бир қизга уйлантириб кўйишди. Қизиталоқ гўзал деганча бор эди. Чиройлисига уйланма, умринг кўриқчилик билан ўтиб кетади, деганларича бор экан. Кўчага чиқиб кетсам ҳам кўзим орқамда бўларди. Кейин, инсофни ўзига берсин, деб ўзимни овутардим. Онаси чатоқ эди, барибир қон жўшаркан... Бўйнимга ола хуржун тушгач, аҳволим қийинлашди. Топиш-тутишимнинг чўғи паст, тўйни деб олинган қарз-қавола ҳам бўйнимда. Икки танга топсам, бир тангаси қарзга, бир тангаси рўзғорга кириб кетади. Битта қарздан қутулсам, кетидан бошқаси юз кўрсатади. Нима қилай, кичик бошимда катта ташвиш. Тоғамнинг кўмагига суяниб заводга ишга кирдим. Ўша кунлари мендан бахтли одам йўқ эди. Ҳар ҳолда мардикорчиликдан маош олиб ишлашдан яхши эди-да. Лекин нафсиламбр битта маош рўзғорга учма-уч етарди, холос. Шундай бўлса-да, онам бошида хотиним – иккимизни дуо қилиб, шундай келин берганига худога шукрона келтирди.

Энди мен кундузи заводда ишлаб, қўшимча даромад, деб кечалари ёнма-ён иккита дўконга қоровулчиликка ёнландим:

итда тиним бор, менда эса йўқ. Уйда кам бўламан. Бора-бора онам топиш-тутишимдан қувониш ўрнига, норози бўла бошлади.

– Болам, кўп бўлса – кетади, оз бўлса – етади, – деди бир куни мени алқаб. – Мулку давлат топилади, меҳр-оқибат топилмайди. Хотинингга бир оз меҳр кўрсат, кечалари ёлғиз қолдирма, болажоним.

Мен унинг насиҳатларига қулоқ тутмай, биттангани икки қилиш пайдан қайтмадим. Онамнинг хархашаси эса кучайгандан кучайди. Кексалик, инжиқ бўлиб қолган, деб парво қилмай юравердим.

Охири сабр-косаси тўлдими, онам этагимдан маҳкам тутиб олди-да:

– Хотинингга қара, болам, оёқ олиши бежо бўлиб қолди, – деб кўз ёш қилди. – Мени ётган жойим, унинг нима иш қилиб юрганини кўролмасам, билмасам... Бир дўконга чиқиб кетса, соатлаб йўқ бўлиб кетади... Ётоққа кириб олиб телпонда ким биландир нозланиб гаплашади. Тавба, тавба! Гумон иймондан айиради деганлар, яна ўзинг биласан, болагинам...

Мен сўқир, онамнинг бу гапини, келинидан ўғлини рашк қиляпти, деб тушунибман. Кейин билсам, онамнинг гапида жон борга ўхшади... Пешанамга битта урдим.

Шундай деди-да, Мутал қозон тагидаги ўтни ўчирди.

Жамшиднинг қорни таталаб турган бўлса ҳам, негадир унга монелик қилмади.

Уни Муталнинг ҳикояси қизиқтириб қўйган эди.

– Ҳийла бўлса, ҳийла-да: бир куни атайин хотинга, – Мутал сўзни сўзга уриштиришда давом этди, – улфатлар билан тоққа чиқмоқчимиз, бу кеча ўша ерда қоламиз, дедим-да, уйдан чиқдим-кетдим. Кўчада сангиб-сангиб, кунни хуфтон қилдим. Кўкда бирин-кетин юдузлар заиф милтилай бошлади. Шаҳар устига тушган оқиш тумандан тун бир оз ёришгандек бўлган чоғда ёнимдаги калит билан эшикни очдим-да, тўғри

онам ётган уйга кирсам, онам ётган жойидан тураман деб тўлғанди. Мени кўриб, тили калимага келмай, нуқул ётоғимизга қўлини бигиз қилганча шивирлаб мени қаргади. Нима гап экан, деб ётоққа кирсам, хотиним... Энди эркак киши бу гапни гапиргандан кўра, ўлгани яхши. Ўша пайтдаги ҳолатимни кўрсангиз эди... Баданимдаги ҳар бир тук ништардек кийимларимни тешиб чиққан; газабдан титрайман... Миямга қон қуйилиб, ўзимни жиловлаб ололмадим. Онам ётган жойидан туриб: болам, бошингга бало орттирма, жавобини бер-да қутулгин, деб худонинг додини қилди. Мени эса жаҳлим кесилмайди, йиғирма йил олсам ҳам иккисини ўлдирмай қўймайман, деб хотинимни бир шапалоқ уриб, кейин унинг жазманига ёпишдим. Бир пайт ҳай-ҳайлаб қўшнилари чиқди...

Қўшнилари мени ерга босди, эркак эшикдан чиқиб қочди, мегажин уй бурчагига тикилиб олиб қалтирайди. Мочағарнинг юзига қарамай, эшикни кўрсатдим: чиқ, йўқол, ювиқсиз! Шу гапни кутиб турган эканми, тугунини қўлтиғига урдиди-да, чиқиб кетди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, менинг номимга суддан чақирув қоғози келди. “Хотиним ажрашиш учун ариза берибди-да”, деб борсам, судда ҳисоб-китоб бошқача. Рўзгоримни бузган эркак жабрдийда мақомида, мени калтаклади, деб устимдан шикоят ёзибди, ҳатто хотинимни гувоҳ қилиб кўрсатибди.

Мени шартта авахтага тикдилар, кунора сўроқ бераман. Суд ишни анча чўзди, бундан баттар эзилдим. Назаримда бу пайсалга солишнинг замирида қаттиқроқ жазо бордек туюлди. Душман ёмонликка олса, жазо ҳам шунга яраша бўлади-да?.. Пешанамга ёзилгани шу экан, деб ўзимга ўзим тасалли бердим.

Хулласи калом, олти ойлик сўроқдан кейин икки йилга кесишди. Бу вақт ичида онам оламдан ўтди, хотин ўша эркак билан турмуш қурди, уй-жойимни ҳам тортиб олишди... Ҳа



энди, ана шундай савдоларни бошимдан ўтказгандан кейин мулла бўлмай, нима бўлай, ака?

Жамшид ҳаяжонини босолмай:

– Дардинг зўр экан, – деб хўрсинди. – Нега шу пайтгача буни менга айтмагансан?

– Ҳаммага айтадиган гапми бу, ака. Жойи келди, кўнглимни бўшатиб олдим-да.

Жамшид вужудини ўкинч ҳислари чулғагандек бошини эгди, гўё Муталнинг ҳикояси унинг аллақачон тоб ташлаган қалб торларини чертгандек бўлди.

– Бўлмайдиган иш ҳеч бўлмас экан-да, – деди у бўш-баёвгина. – Лақма одамлармиз, ҳамма бало шунда. Худо шундай жазоимни бердики, нари-бериси йўқ, буни ўзинг ҳам кўриб турибсан. Гуноҳқорман, катта гуноҳқорман, буни ўзим ҳам яхши биламан.

– Ҳм! – деди Мутал томоқ қириб, ўйловда қолган Жамшидга раҳми келди. – Гап бундай, Жамшид ака, ҳаммасига ту-пуринг-да, ҳукмга итоат этинг. Эгилган бошни қилич кесмас, деганлар. Одам ўлдирмаган бўлсангиз, сизга нима ҳам дейишарди? Айбингиз бўлса, бўйнингизга олинг, юзингиз ойдин бўлади, бир йўла виждон азобидан ҳам қутуласиз. Агар хафа бўлмасангиз, мен сизга бир гапни айтай: ҳар нарсага ақлингиз етади, лекин қўрқоқсиз. Қўрқоқлик кишининг хоҳиш-и-родасини синдиради.

Жамшиднинг жаҳли чиқди, кўкрагига муштлаб:

– Мен қўрқоқ эмасман!.. Уларнинг олдига боргандан кўра, ўзимни жарга отганим минг марта афзал! – деди жиғибийрони чиқиб. – Ўша жипириқ Мардоннинг олдига бош эгиб борсам, гурурим қаерда қолади? Сенга ўхшаб тақдир ҳукмига бўйсуниб кетавермайман!

– Ўзингиз биласиз, айтдим-қўйдим. Тўғриси, дўстингизга туҳмат қилганингиз, бу – минус. Нима кераги бор эди шуни? Ўшани деб, ғалва ишингизга мени ҳам қўшдингиз. Мен ҳам

қўшилиб кетаверибман. Худо одамнинг ақлини олиб қўйса, шунақа бўларкан.

– Буларнинг бари битта Ойсулувни деб бўлди.

– Нима, Ойсулудан бошқаси қуриб қолганмиди ёки хотин зоти анқога шафе эдими? Йўқ, тўхтанг, мен ҳеч тушунмаяпман, Ойсулув дейсиз, унда нега Нурия опага илакишиб юрибсиз? Ёки у Нурия опадан ҳам ортиқ жойи борми? Мана сизга мисол: Лайли осмондаги оймиди? Бўлса, новвот ранг бир машак эди. Мажнун шуни деб девона бўлди.

– Сен Лайлига Мажнуннинг кўзи билан қарасанг унинг чиройини кўрасан.

– Битта қорамағиз арабни пеш қилаверманг. Одам ҳамма нарсага ўз кўзи билан қарашни ўрганиши керак. Мажнуннинг кўзи билан қарасамиш?

– Оббо сен маккор-эй! Сени содда мугамбир десам, гирт хотиншунос экансан-ку! Сендан дарс олишим керак экан. Айтганларинг соғ одамнинг гапи эмас.

– Э, акам-эй, севги домига бир тушасиз-да, кейин бир умр овораю сарсонсиз.

– Сен соғ эмас, девонасан!

– Девоналигимни ўзим ҳам энди биляпман. Кўнгил иши ёмон, ҳадеб унинг гапига кириш ҳам яхши эмас. – Баҳс қизигандан қизиди. Бу аҳволда ўтириш тонггача ҳам тугамаслигини билиб Мутал ҳаракатга тушди. – Қумни эзгилаган билан ёғи чиқмайди барибир. Ундан кўра, кетингизни кўтаринг-да, аччиқ-чучукнинг ҳаракатига тушинг. Мен қозонга гуручни босай, ҳангома-ҳангома қорин ҳам онасиникига кетди...

Шу аснода эшик қўнгироғи жиринглади. Жамшид чўчиб тушди, безгак тутгандек қалтиради. Унингча вақт тўхтаб қолгандек бўлди. Ваҳима ичра бирон шарпани сезмай қолишдан кўрққани учун нафасини ичига ютиб, икки қулоғи эшикда, қимир этмай таррак мисол қотди. Мутал бўлса:

– Ўббо, ошга пашша тушадиганга ўхшайди, – деб эринчоқлик қилди.

Эшик очилиши ҳамоно шовқин-сурон кўтарилади, Му-  
талнинг жон аччиғида инграгани, кетидан оёқларнинг бетар-  
тиб тапир-тупури қулоққа чалинди.

Жамшид саросимага тушиб, ўзини балконга урди ва қай-  
си қаватда турганини фаҳмига бормаи, пастга қараб сакра-  
ди, ҳавода визиллаган овозни аниқ эшитди, ерга кучли зарб  
билан урилганини билди-ю, аммо оғриқни сезмади, танаси  
лов этиб ёнди, миясида ўт чақнади, алаҳлаётгандай хаёлидан  
хотиралар пайдар-пай ўта бошлади: катта мактабга боргани-  
ни, илк бор Ойсулунни кўрганини, сўнг институтда ўқиганини,  
Танҳога қай йўсин уйланганини, Нурияга кўнгила қўйганини-ю  
суратдаги болани, Элёр, Усмон, Латиф, Рустам Қодиров, Рама-  
зон Наим, Кибриё хоним ва ниҳоят Мардон Мардиевни эслар-  
кан, барча ҳаракатлари зое кетганига ачинди...

Кўзини очганида қанча вақт ҳушсиз ётганини, нималар  
бўлганини англолмади, фақат танасига оғриқ киргандаги-  
на бўлган воқеани эслади-ю, яна кўз олдини туман қоплади.  
Атрофида юрган шарпаларни, боши устида кимдир энгашиб,  
кейин ғойиб бўлганини ғира-шира англади; баданига минг-  
лаб ниначалар қадалиб оғриқ бера бошлагач, танаси бир  
қалқиб тушди. Бу оғриқ шунчаки оғриқ эмас ва у қачонгача  
давом этиши номаълум эди. Кимдир жонсарак: “Тез ёрдам,  
тезроқ дўхтир чақиринглар!” – деб хитоб қилди. Ўткир овоз  
соҳибининг овози жуда таниш эшитилди.

Бу овоз Мардонга тегишли эди.

## 5

Қиш кутилмаганда қуюндек бос-  
тириб келди. Бир кечада ер оқарди. Кейин совуқ бошланди,  
қор юкини кўтаролмай қолган дарахтларнинг бели қисирла-  
ди, совуққа чидаёлмай ўтин бўлгилари, тандирда исингилари  
келиб кетди. Мўрилардан чиққан қора тутун кўкка ўрлади.  
Бир кун лайлак қор ёғса, эртасига майдалаб, гирдибод билан

ўйнашади. Мўйсафид замин раҳм-шафқат сўрагандек оху нола чекди.

Намоз суд белгиланган кун яқинлашгани сари юраги тобора қаттиқроқ ура бошлади. Қарийб бир йилдан бери сўроқ бериб ётса-да, бу сафарги сўров олдидан ҳаяжонга тушган. Ярим асрдан зиёд яшаб, ҳали бунақа ҳаяжонланмаган эди. Назарида суд мажлиси унга ўтакетган шармандаликдай туюлди. Ахир жиноятчиларни суд қилишарди, унда нима айб? Бундай қийнаганларидан кўра, сўзсиз-сўроқсиз отиб ташласалар яхши эди. Битта гапни гапиравериб эси кетди: бири у дейди, бошқаси бу дейди, азобни эса бу тортади.

Бу сафар суд унинг ишини бир ёқлик қилишига умид боғласа-да, ўртада бошқа бирон найранг чиқариб, фириб бермасалар бўлгани эди. Судьялар билан ўйнашиб бўладими? Бир марта уларнинг совуғини еган, энди эҳтиёт бўлиши керак. Унинг юраги тошиб ҳамма нарсани суриштириб билиб олишни истарди-ю, азбаройи ночорлигидан фикрини бир жойга тўплаёлмай, керакли сўзни тополмай ҳайрон эди. Устига-устак терговчи чурқ этиб оғиз очмайди, соқов бўлганми, нима бало. У тақдирга тан бериб, ўз ихтиёри билан бор айбни бўйнига олиб, қамасанг қама-е, деб тақдирини суд ҳукмига ҳавола этишни кўнгли тусаб қолган бир пайтда аллақандай куч, вақт борида яхшилаб ўйлаб ол, тақдирга осонгина тан бериб кетаверасанми, дегандек кўкрагидан итарди.

Терговчи ундан, адвокат керак-керакмаслигини сўради, у эса елка қисди.

– Кечгача ўйланг, бир ҳафтадан кейин суд, – огоҳлантирди терговчи. – Агар ўзимни ўзим ҳимоя қилишга қурбим етади, деб ўйласангиз, бу ҳам ўз ихтиёрингизда, ҳеч ким сизга зуғум ўтказмайди... Э-ҳа, яқинда бир гуруҳ жиноятчилар терговга тортилди. Уларнинг иши айнан сизнинг... Майли, ҳозирча бу ҳақда гапириш эрта... Хўп, амак, гап шундай бўлса начора. Кўрайлик-чи, суд бунга нима деркин?

– Майли, – деди Намоз хўрсиниб, – кўрсак кўраверамиз. Эрга навбат – шерга навбат деганлар, навбат менга ҳам келди, ўтмас пичоқ билан сўймасалар керак.

Шундай бўлса-да, у ўзини чалғитишга йўл қўймай мақсадига эришишга маҳкам бел боғлади. Намоз юзига маъноли тус берди. Афтидан унинг сўзлари терговчига тариқчалик таъсир қилмагандай эди. У адвокат ёллашни истарди, лекин унинг харажатини ким кўтаради, деб ўйланиб қолди. Қани энди шунақа пайтда ёнингда елкадошинг: акангми, укангми бўлса, қандай яхши-а!

Элёрнинг йўқлиги ҳам чакки бўлди. Ҳар ҳолда дилкаш суҳбатдош эди, дардлашиб ўтирарди, устига-устак ака-ука чиқиб қолса-чи. Аттанг, укамсан, акамсан деб бир-бирини бағрига босишмабди-я. Сўроққа, деб олиб кетишгани, қайтиб келмади. Қўйиб юборишдими ёки бошқа жойга олиб кетишдими, номаълум. Пешана экан, аввалгидай яна бир ўзи мунгайиб қолди. Энди дардини кимга айтсин, тўртта деворгами? Кошки девор одамнинг дардига тушунса экан...

Ташқарида шамол гувуллайди, нам деразадан хира, сўниқ нур тушяпти. Пастак ҳовлилар ва кўм-кўк туманга бурканган кўча кўзга чалинади. Симёғочга осилган қалпоғли чироқ зарда қилгандай ваҳимали гижирлайди. Намоз кўлини кўксига чалиштирганча, ранги унниқиб кетган деразадан ўйчан қараб, шамолнинг гувуллашини эшитиб, гўё бепарво фалак чархпалагини орқага айлантришга кучи етмай, ҳаёт шиддатига қулоқ соларкан, совқотгандек ўхтин-ўхтин жунжикиб қўяди.

Бир ҳафта ичида бўладиган суд роппа-роса бир ойга кечикди. Бир ойдирки Элёрдан ҳам дарак йўқ. У ҳақдаги хотиралар ҳам аста-секин унутила борди. Бироқ... бироқ Элёр ҳеч нарсани унутгани йўқ. Бир ойдан бери ўз касб-кори ҳам эсдан чиқиб, Намознинг иши билан, унинг гуноҳсизлигини исботлаш учун елиб-югуряпти. Унинг наздида Намознинг

беайблигини исботлайдиган битта далил бор, у ҳам бўлса, унинг ўзи айтиб берган ҳужжатлар, ўша Насим ёзиб қолдирган хат. Уни топса, марра уники. Хат ҳамма воқеалар сирини очувчи олтин калит. Бу калитнинг топилиши нафақат воқеалар сирини очади, балки жинойтчиларнинг кирдикорларини фош этиб, Робиянинг ҳақиқий қотилини ҳам топилишига хизмат қилади.

Робиянинг қотили Аббос эканлиги маълум-ку! Элёрга яна нима керак? У излаётган хат ҳам Аббоснинг ёнидан топилган, ҳозир хат терговчининг қўлида.

Хўш, Элёрга нима керак?

Унинг фикрича, ўша хат ҳақиқий эмас. Намоз унга бошқа гапларни айтган эди. Лекин топилган хатда унақа гаплар йўқ-ку. Намоз уни алдамаса керак? Бу унга тинчлик бермай қўйди. Гўё икки хат ўртасида ҳаддан ташқари баланд девор бордек ва уни бузиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайдигандек эди. Намоз жинойтчилар қўлида бир ўйинчоқ эканлигини тушуниб қолгандек бўлди. Бу фикр уни изланишга ундади. У машинага ўхшар, тиним билмай, жонини жабборга бериб ишларди.

Аёзли ва рутубатли қиш кунлари, бот-бот қор учқунлайди. Элёр собиқ милиция майори Хуррам Норчаев билан учрашди. Норчаев бир оз сукут сақлади, кейин қандай қилиб Жамшиднинг таъсирига тушиб қолганини батафсил ҳикоя қила кетди. Умуман, у эшитадиган одам топилса, ичидагини тўкиб солишга тайёр эди. Аламзада эди, аламзада одам жаҳл устида дилидагини тўкиб, ҳовурини босар экан. У Жамшиднинг қинғир ишлари ҳақида гапира туриб, унинг Элёрни қандай қилиб ҳибсхонага тикқанини, орқасидан тухмат уюштирганини, уйда тинтув ўтказиш учун кўрсатма берганини, бу тинтувда Норчаевнинг ўзи бош бўлганини афсус билан тан олди. Давомида Жамшидни қоралаш баробаринда ўзини оқламоқчи эмаслигини, хатоси учун қонун олдида жавоб беришга тайёр эканини ҳам таъкидлади. “Унинг касрига

қолиб, ишимдан, йиққан-терган обрўйимдан айрилдим”, деди ва бунга бошқалар эмас, айнан ўзи айбдорлигини таъкидлаб, ўкинди. Лекин хат ҳақида тайинли гап айтолмади.

Элёр Рустам Қодировга маслаҳат солиб, унга хат тўғрисида гап очганида, у хатни Намознинг уйидан қидириш керак, Робия уни қаергадир яшириб қўйган бўлиши мумкинлигини айтди ва:

– Нимани кутиб ўтирибмиз, қани бошла, Намоз Жумаевнинг уйига борайлик, – деди.

Улар ҳаёт-мамот жангига кетаётгандек Қумработга қараб йўлга тушишди. Ташқарида қор юзга игнадек санчилиб, кўзга урар, изғирин хуштак чалар, оёқлар остида қор ғарчиллар эди.

Шу об-ҳавода улар Қумработга етиб келиб, қишлоқ чеккасида қор кўмган том, деразалари катта-катта, пахса деворли ҳовли олдида машинадан тушишди. Улар ичкарига киришдан аввал қишлоқ оқсоқоли ва яна икки кишини гувоҳ сифатида чақириб, сўнг ишга киришдилар. Уларни қарши олган Намознинг катта қизи Зайнаб оғзидан нафас чиқарди-да, Қодировга зимдан қараб қўйди. Элёр унинг юзига тикилиб қолди. Оқсоқол улардан икки қадам олдинга ўтиб, Зайнабга мақсадни тушунтирди.

Зайнаб, одатдаги сўроққа келишган-да, деган ўй билан жавоб бермай, ичкарига кириб кетди. Элёр унга эргашди. Қолганлар ҳам тапир-тупур юриб уйга киришди. Пойгакда шамол учириб кирган қор ётарди. Ичкарида яна икки қизча бор эди. Қизлар печка олдида тик оёқда пастки лабларини оппоқ тишлари билан тишлаганча туришарди. Элёр уларга гапирмоқчи бўлди-ю, лекин гапни нимадан бошлашни билмади.

Катта-кичик уйлар бари тинтиб чиқилди, аммо ҳеч бир қоғоз чиқмади. Шу пайт Зайнабнинг эсига Кимсан бобонинг уйи тушди-ю:

– Аячам ўша ҳовлига тез-тез бориб турардилар, – деди, – сизлар излаётган қоғозлар ўша ҳовлидадир?

– Ҳа, ҳа, ҳақ гап, – деди оқсоқол Зайнабнинг гапини маъқуллаб. – Буни қаранг-а, шу нарса эсимизга келмабди-я. Қани, ўша ҳовлига борайлик-чи...

Хат ва бошқа қоғозлар ўша ҳовлидан топилди.

Хат мазмуни билан танишиб чиққан Рустам Қодиров:

– Мана қаерда экан калаванинг учи, – деди Элёрга маъни бериб. – Намоз Жумаев тўғри кўрсатма берган-у, унга ишонмаганлари чакки бўлган экан. Бу ҳужжатлар унинг бегуноҳлигини тасдиқлайдиган ягона далил бўла олади.

– Бу галваларнинг бошида Рамазон Наим турибди экан-да? – деди Элёр дарғазаб бўлиб. – Айбларини яшириш учун Жамшиднинг қўлтиғига сув пуркаб юргани рост экан. Балки Жамшид мен билан Намоз ака ўртамиздаги яқинликни билиб, унга қўшиб мени ҳам қаматиш пайида бўлгандир?

– Буни қаердан билиши мумкин?

– Рамазон Наим отам билан бирга ишлашган. Жамшидга у айтган бўлиши мумкин-ку?

– Эҳтимол, эҳтимол, – ўйланиб қолди Қодиров. – Лекин ҳозир Жамшиднинг ҳаёти қил устида, ундан гап олиб бўлмайди. Рамазон Наимов бу ҳақда барибир гапирмайди. Агар Жамшиднинг сенга қилган ёмонлигини айтмаса, бошқа ишларда унинг алоқаси йўқ, уни бу ишга мажбурлашган. Қайнатаси бу ишларга ҳеч бир дахли йўқ, деб кўрсатма берган. Унинг биринчи марта ётоқхонага келганини эслайсанми? Ўзини жуда баланд тутганди... Қара-я, оқ-қорани таниган одам ҳам ўз дўстига шунақа бетамизлик қиларкан-а!

– Рустам ака, адолат тумори ҳақидаги ривоятни эслайсизми?

– Нимади?

– Ўша ривоятдан Жамшиднинг ҳам хабари бор эди. Ҳозир ўйлаб қарасам, у ўша ривоятдаги воқеаларни такрорлагандай бўляпти назаримда.

Қодиров гап худди арзимаган нарса устида кетаётгандек, очиқ-ойдин деди:



– Шундай деб ўйлайсанми? Эшитишимча, Жамшид ҳам Ойсулувга оғиз солган экан, шу гап ростми? Сенга қилган тухматининг сабаби ҳам шуми?

– Сизга бу гапни ким айтди?

– Дўстинг Латифдан эшитдим... Шу ростми?

– Буни сизга айтолмай юргандим. У фирибгар, ўша гаплар учун менга нисбатан кек сақлаб юрган экан.

Хижолатдан юраги гупуллаб ураётган Қодиров:

– Қўй, бу сўкишга ҳам арзимайдиган иш, – деди далда бериб. – Ўзинг биласан, битта қизга юзта йигит ошиқ бўлади, ваҳоланки, қиз уларнинг биттасига кўнгил беради ва бахт улардан биттасига кулиб боқади. Ўша битта бахт кулган сен экансан, бундан хурсанд бўлишинг керак... Майли, бу гапларни бир чеккага қўйиб турайлик. Энг муҳим иш ҳали олдинда. Фурсатни ўтказмай, Азимкентга боришимиз керак. Бутун умидимиз мана шу топилган қоғозлардан. Борди-ю, бу ҳужжатларда жиндай ҳақиқат бўлса, аканг бегуноҳ бўлиб чиқиши аниқ. Бироқ умидимиз ҳозирча шу қадар заифки, ҳатто менинг ўзим ҳам бунга шубҳа билан қараяпман.

– Нега?! – ажабланиб сўради Элёр.

– Нимагаки, Аббос терговда, хатни олганман, деб кўрсатма берган. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик, Аббоснинг қўлидаги хат ҳақиқийми ёки буми, аниқлик киритиш керак бўлади. Бунга аниқлик киритилмас экан, иш олдинга силжймайди, ҳақиқий жиноятчилар сувдан қуруқ чиқиб кетишади. Мени айтди дерсан, Рамазон Наим айёр, у бир балони бошлайди! Мана кўрасан! Мени жиним сўймайдиган одам доим ғаламис бўлиб чиқади!

Элёр талмовсираб қолди:

– Ҳарқалай, жиноятчини яширгани унинг айбдорлигини тасдиқламайдими?

– Унинг айёрлигини билганинга эди, бу гапни айтмаган бўлардинг.

Улар Азимкентга келиб, аввал Комил Назаровга учрашиб, топилмани унга кўрсатишди.

– Бу жуда ноёб топилма! – деди Комил Назаровнинг ҳайрати ошиб: – Буларни судга ҳавола этсак, бир неча кундан кейин ҳамма иш саранжом бўлади, – деб хулоса чиқарди. Кейин Элёрнинг елкасига қоқди-да, қўшиб қўйди: – Дунёнинг иши қизиқ, ҳеч бир нарса сирлигича қолиб кетмас экан.

Иккала журналистнинг баҳридили очилиб кетди. Назаровнинг гапи ҳар икковининг юрагига малҳамдек таъсир этди. Улар кўчага чиқиб, тўғри шаҳар прокуратурасига киришди. Намоз Жумаевнинг ишини кўраётган терговчи бўлиб ўтган гапларни батафсил сўзлаб беролмади ва буни қўлга олинган жинорий гуруҳ ўз айбларини ҳали тан олмаётганларини далил сифатида кўрсатди. Демак, Намоз Жумаевнинг иши ҳали чатоқ. Учовлон, борди-ю, терговчига янги далилни кўрсатсак, ҳамма иш жойига тушар, деб ўйлашди-да, хатни кўрсатишди.

Терговчи хатни кўздан кечираркан:

– Тўхтанг, тўхтанг, – деди “папка”ни титкилаб, – бу хат негадир менга таниш... Ҳозир, ҳозир... мана, мана, топдим! Қаранг! Дастхатга қаранг, буни бир киши ёзмаган. Хатнинг мазмунида қандайдир ўхшашлик бўлса-да, унда кўрсатилган саналарда қарийб икки йиллик фарқ бор. Бу хатларни экспертиза қилдириш керакми...

Комил Назаров шу ўринда ўзи билан бўлиб ўтган бир латифанома ҳангомани эслади.

– Мактабда мен билан бирга, – деб ҳикоясини бошлади у, – Самад деган бир бола ўқирди. Билим эгаллаш даражаси ҳаминқадар эди. Самад Машрабнинг туғилган йилини билмагани учун, адабиёт ўқитувчимиз унинг қўлига бўр бериб, шоирнинг туғилган йили – 1640 санасини доскага юз марта ёздирганди. Шу-шу Самадни ўйқусидан уйғотиб сўрасангиз ҳам, Машрабнинг туғилган йилини айтиб берарди... Нима са-

баб бўлди-ю, бир йил бурун маҳалла идорасидан справка оладиган бўлдим. Борсам, Самад дўстимиз маҳалла идорасида котиб экан. Бир-биримиз билан қучоқлашиб кўришгач, хўш, хизмат, деб сўради, мен мақсадимни айтган эдим, ҳозир ёзиб бераман, деганча ишга киришиб кетди. У ҳам ёзар, ҳам гапирар эди. Шу пайт унинг ёдига ўқитувчимиз унга Машрабнинг туғилган йилини эринмай юз марта ёздиргани тушди... Хуллас, воқеа шундай тугади: Самад справкани ёзиб бўлди, маҳалла раисига имзолатиб, муҳр ҳам босди-да, сўнг уни кўлимга тутқазди. Мен справкага кўз ташласам, дўстим ҳамма нарсани тўғри ёзибди-ю, менинг туғилган йилимни 1640 деб кўрсатибди... Айтмоқчи эдимки...

Терговчи қорнини ушлаб шундай хохоладики, ўтирган стулидан йиқилиб тушай деди.

– Бўлган гапми бу?

– Айтмоқчи эдимки, қўлингиздаги хатни ёзган киши Насимнинг қачон қазо этган кунини унутган ёки бизнинг Самаддай эси оғиб қолган.

– Мен ҳам дўстингиз Самадга ўхшаб ноқулай аҳволга қолмаслик учун ҳар икки хатни экспертизага юборай, – деди терговчи кулиб. – Ўйлайманки, экспертиза хулосаси кўп нарсаларга ойдинлик киритади...

Янги йилнинг биринчи чорагида белгиланган суд мажлиси бир ойга кечикиб, февралнинг охирларида бошланди.

Суд жараёнида Рамазон Наим ўзини йўқотмади. Суд ҳайъати совуққонлик билан ишга киришаркан, биринчи ўринда Аббос Бешимов сўроққа тортилди. Судья:

– Робия Жумаеванинг хонадонига нима мақсадни кўзлаб кирган эдингиз? – деб сўради.

Аббос бир муддат кечиктириб гап бошлади ва воқеа тафсилотларини батафсил гапириб бергач, охирида:

– Иш бунақа бўлади деб ўйламаган эдим, – деди қўллари титраб. Кейин кўзлари хиралашиб, юзи докадек оқарди. –

Бор-йўғи хатни деб киргандим... Ҳаммаси кутилмаганда юз берди... шошиб қолдим... Унга қўлимни теккизганим йўқ... Унга ёрдам бермоқчи эдим...

– Хатни топдингизми?

– Топдим... – Аббос яна бир нима демоқчи бўлди-ю, овози чиқмади.

Прокурор иккита хатни барабар кўрсатди.

– Қўлимда иккита хат турибди, буларнинг қайси бирини топгансиз?

Аббос довдираганча адвокат Бўриевга қаради.

Бўриевнинг бундан хабари йўқ эканми, аввал елка қисди, сўнг рухсат сўраб ўрнидан турди.

– Ҳимоямдаги кишига чалгитувчи савол берилишига қаршиман! Ахир, хат ягона, у ҳеч қачон иккита бўлмаган.

– Ташвишланманг, ўртоқ Бўриев, – деди прокурор. – Мижозингизни ҳеч ким чалгитмоқчи эмас. Начора, бизнинг қўлимизда иккита хат турибди. Судланувчи билса керак, қайси хатни топганини? Хуллас, хавотир олманг, ҳаммаси жойида бўлади... Хўш, судланувчи Бешимов, бу икки хатнинг қай бирини топдингиз? Бу хатларнинг бири айнан сизнинг ёнингиздан чиққан, шундайми?

Аббос жавоб бермай, бошини қуйи эгди. Унинг жим туриши Ғани Бозорнинг жаҳлини чиқарди ва ўрнидан сапчиб турди-да:

– Бизга кўрсатган қоғозинг сохтамиди?! – деб Аббосга ташланди. – Алдабсан-да, итвачча! Бизларни шунча пайтгача аҳмоқ қилиб юрган экансан-да?.. – У телбаларча алланималар деб сўкиниб, Аббосга ёпишди. Ҳеч ким Ғани Бозорни бу аҳволга тушади деб ўйламаган эди. Рамазон Наим ҳам бу ишлар бежиз эмаслигини тушуниб, қўрқиб кетди. Қўриқчилар уларни ажратиб қўйишди.

– Ҳа, у сенга ростини айтади, деб ўйлайсанми? – деди Рамазон Наим Ғани Бозорни гиж-гижлатиб. – Мана шу гапим қулоғингда бўлсин, ҳали бу бизнинг бошимизни ейди, лекин ўзига ҳеч бало урмайди. Айт, қайси бир хатни топгансан?

– Миқ этмайди-я! – деди Ғани Бозор тишини гижирлатиб. – Қани энди итдай нимта-нимта қилиб ташласанг!

Аббос қутураётган Ғани Бозорнинг башараси, чақчайган кўзларини кўрмаслик учун алам билан залга қаради, кўзи бир гала одамларга тушди. Одамлар бепарво, тузсиз кўринди кўзига. Бирдан унинг аъзойи баданини қалтироқ босди, вужудида ёввойи куч пайдо бўлиб, шарт ўрнидан туриб, худди пичоқдан кўркмай қўйган ҳўкиздедек бўкирди:

– Ҳа, Ҳа! Мен сенларга кўрсатган хат сохта эди! Ўша хатни ўзим ёздим! Нима қилай, йўқ дейишимга қарамай, мени жиноят қилишга ундадиларинг! У аёлни ҳам сенлар ўлдирдиларинг! – деди у аламини босолмай хирилларкан, Ғани Бозорга тўрсайиб қаради. – Қилғиликни қилишга қилдим, лекин сенларни ишонтириш учун далил кўрсатишим керак эдим, ҳа, керак эди! Насимни мен ўлдиртирдим, деб сенларга ёлгон гапиргандим. Ўшанда нафсим ҳакалак отиб, сенлардан мўмайгина даромад олмақчи эдим, олдим ҳам. Гал хотинига келганда, ўша гапим ёлгон эканини минг марта айтдим, лекин ишонмадинглар, арзимаган берган давлатни юзимга солиб, мени яна жиноят кўчасига итариб юбординглар. Ё ёлгонми?.. Нега индамайсанлар, ёлгонми!.. Ўзимни ёлгоним бўйнимга илинган тош каби ўзимни сувга чўктирди. Қасам ичиб айтаман, Насимни ҳам, унинг хотинини ҳам ўлдирмаганман!

Ғани Бозор индамади. У орқасини курсига бериб, миқ этмай ўтирарди. Рамазон Наим дам у оёғига, дам бу оёғига тикилиб, ер чизарди. Бир вақт Ғани Бозорнинг жавоб қилиш нияти йўқлигини пайқаб қолди-да, Аббос хижолат тортиб, теварак-атрофга олазарак қарай бошлади. Худди шу пайт прокурор унга навбатдаги саволни берди:

– Масрур Имомовнинг жонига қасд қилганингизни тан оласизми?

Аббос чайқалиб кетди, бир зум кўз олдини зулмат қоплаб, ақли ҳам ишламай қолди. Хиёл фурсат ўтиб чироқ ёқил-

гандай зал ярқ этиб ёришиб кетди. Унинг кўзига бу ёруғлик ёнғиндек кўринди. Оламни ёнғин қамраб олибди-ку, деб ўйлади у, ҳатто оловнинг тили унинг юзларини ялаётгандек бўлди. Кутилмаганда аланга ичида одам қиёфасига ўхшаш қорамтир бир нарса кўринди ва бу ҳол унга иккинчи марта кўринди. Назарида ўша қора нарса ўзига қараб югуриб келаётган Масрурни эслатди. Уни таниди-ю, ваҳимага тушгандек шарпани анчагача жим кузатиб турди. Қачонки, судьянинг, саволга жавоб беринг, деган хитобидан кейин ўзига келиб, ақли ёришгандай бўлди.

– Кўрқдим. Нима қилай, кўрқдим, кўрққанимдан... Айбдорман... Мени кечиринглар!.. Менда айб йўқ... Айб йўқ...

Аббос бундан ортиқ сўз айта олмади, бошини чангаллаб жойига ўтирди, айиққа ўхшаб тебрана бошларкан, миясига, йиғла, йиғласанг-чи, йиғласанг, суднинг раҳми келади, деган фикр келди. Лекин қани энди кўзларига йиғи келса. Ҳамма унга бегона, ўзи эса бу дунёнинг одами эмасдай туюлди.

Сўроқ навбати энди Рамазон Наимга келди. Айни дамда у бутунлай нотавон эди.

– Судланувчи Наимов? – деди судья унга юзланиб. – Аббос Бешимов сизга хатни кўрсатганида, унинг сохта эканини билганмисиз?

– Билмагандим.

– Кейинроқ ҳамми?

– Билмаганман...

Прокурор суд раисидан сўз сўради:

– Мумкинми, Наимовдан бир нарсани сўрасам?

– Марҳамат!..

– Айтинг-чи, Наимов, Холмурод Зарипов кимингиз бўлади?

– Қудам...

– Демак, Жамшид Зарипов сизга куёв бўлади?

– Шундай.

– Айтинг-чи, мана бу хатда Холмурод Зариповнинг номи қаердан келиб қолди? Насим Норматов қолдириб кетган хатда ҳам, бошқа ҳужжатларда ҳам унинг фамилияси учрамайди. Экспертиза хулосасига кўра, унинг номи хатга кейин киритилган. Бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

Рамазон Наим илон чаққандек безовталанди, ширин хаёллари ва орзу-умидлари ҳавога соврулганини сизди ва ҳақиқатни айтишдан бошқа иложи қолмади.

– Куёвимда айб йўқ, ҳамма айб менда, бу ишга уни ўзим тортдим. Аббос, Намозни ўз хотинининг ўлимида гумон қилиб ҳибсга олишди, деганидан кейин калламга бир фикр келди. Уни ҳам қотилликда, ҳам омборга ўт қўйган жиноятчи сифатида қаматиб юборишни Аббос иккимиз режалаштирдик. Мулкобод судида биз бир қадар мақсадимизга етган эдик, бироқ... бироқ ўртага мухбир Рустам Қодиров тушиб ишимизни чиппакка чиқарди. Намознинг ишини қайта кўриб чиқиш шаҳар судига ўтказилди. Ана шу пайтда Жамшиддан бу ишни қўлингга ол, деб илатимос қилдим ва ҳатто бу ишда ўзим ёрдам беришимни ҳам айтдим. Бу иш амалга ошди, буни уддаладик. Қарасак, иш чўзилиб кетяпти. Мен ишни тезлатиш учун Жамшидга мақсадимни билдирдим. Шу орада газетага Рустам Қодировнинг иккинчи мақоласи босилди-ю, Жамшид ишдан бош торта бошлади. Уни қўрқитиш, ичига гулгула солиш, ишни ниҳоясига етказиш учун хатга унинг отаси, яъни қудам Холмуроднинг исмини киритдик-да, унга “бу ишда отангни ҳам қўли бор, агар ишни уддалаёлмасанг, отанг ҳам қамалади”, дедик.

– Турган гапки, Жамшид бунга рози бўлган?

– У ўйланиб қолди.

– Холмурод Зарипов ёзуви кимга тегишли?

– Уни Аббос ёзди.

– Шунда ҳам ёзув бир хил эканини сезмадингизми?

– Сездим... – Рамазон Наим бир оз тин олиб, ютунганча давом этди. – Сездим, дарров сездим. Аббосга, дастхатинг

Насимники билан бир хил экан-да, дедим. У аввал ўхшатиб ёздим-да, деди. Мен ишонавермагач, охири “ҳеч қандай хат топилмади, лекин далил кўрсатишим ва сизларни бунга ишонтириш учун бу хатни ўзим ёздим”, деди. Хатнинг ўзи умуман йўқ бўлса-чи, деб сўрадим ундан. У хатнинг борлигини, Ғанининг жияни Сиёвуш ўша хатни ўз кўзи билан кўрганини ва мазмунини гапириб берганини айтиб, қўшимчасига, “энди тиригимиз ҳам, ўлигимиз ҳам бир, мен қўлга тушсам, сизларни ҳам тортаман”, дегач, таклифига кўнишдан бошқа иложим қолмади. Кейин ўша хатни Жамшидга кўрсатдик...

– У бунга дарров ишондимми?

– Ишонди, ишонмай қайга борарди, дастхат бир хил бўлса... Ҳа, шундай бўлган эди. Насимнинг ҳалоллигини билардим, лекин Ғани мени йўлдан чиқариб юборди...

– Қанақасига?! – Ғани Бозор кўрқиб кетганидан ўзини йўқотиб қўйди.

– Сўзимни бўлма, илтимос, – Рамазон Наим унга ўқрайиб қаради. – Бу ишлар бошқа одамнинг эмас, айнан сенинг ишинг... Мен сени дўст деб юрсаму, сен мени бадном қилмоқчи, обрўйимга путур етказмоқчи бўлган экансан-а? Бу билан менинг ҳеч бир айбим йўқ, демоқчи эмасман, албатта, айбдорман... Сидқидилдан иқрор бўлиш, ҳалигидек... Ғани, тан олишимиз керак, биз енгилдик. Биласанми, бизни ким енгди? Бизни нафс енгди!

Рамазон Наим, бошқа гапим йўқ, дегандек жойига ўтирди. Ғани Бозорнинг эса боши ҳам эди. У ич-ичидан бу дунёнинг бебақолигига тан берган, ундан бир гап сўрамасларидан олдин судья ёнига бориб ундан кечирим сўрамоқчи бўларди-ю, лекин азбаройи ҳаяжоннинг зўрлигидан миқ этолмас, судьянинг қатъият билан тикилиб турган кўзларидан ҳайиқиб бунга журъат этолмас эди.

– Судланувчи Бозоров, – кутилмаганда прокурор ундан сўради, – хат тўғрисида биринчи марта жиянингиз Сиёвуш



Афзаловдан эшитганингиз, бу ҳақда кўрсатма ҳам бергансиз. Айтинг-чи, бундай хат борлигини билганингиздан кейин қандай аҳволга тушдингиз?

– Тўғриси, шошиб қолдим... – мингирлади Ғани Бозор. – Энди тамом, қамалиб кетаман, деб қўрқиб кетдим.

– Кўрқдим деманг, Бозоров, бизга ҳамма нарса аён! – деди прокурор мулойим, лекин тантанали овоз билан. – Сиз кўрқмагансиз, аксинча, Сиёвушга “ўша аёлинг чақмоқдай гап, чақнайди-ю, лип этиб ўчади-кетади”, дегансиз. Жиянингиз яна ваҳима кўтаргандан кейин, унга, “кўрқма, шу пайтгача бўш келмаганман, энди ҳам бўш келмайман. Насимнинг қўлидан нима келди-ю, хотини нима каромат кўрсатарди?” – деб далда бергансиз. Кейин режангизни амалга ошириш учун Аббос Бешимовни чақиртиргансиз-да, кўрқитиш мақсадида уни хат мазмуни билан таништиргансиз... То есть, бир йўла Рамазон Наимовга ҳам хат мазмуни ҳақида гапиргансиз. Аббос Бешимов бундан унумли фойдаланган ва ҳар иккингни ҳам лақиллатган. Сиз Рамазон Наимовга хат тўғрисида айтганингиздан кейин, у сизга нима деган?

Ғани Бозор прокурорнинг бу гапларини ҳанг-манг бўлиб тинглади ва жавоб беришдан олдин Рамазон Наимга бир қараб олди.

– Қандай қилиб бўлса ҳам, хатни топасан, деди. Мен бу вазифани Аббосга юкладим, чунки Насим билан боғлиқ воқеа туфайли унинг тили қисқ жойи бор эди. Аввалида у саркашлик қилди, мен ўша воқеани юзига солиб, зуғум ўтказдим...

– У сохта хатни кўрсатганида, ўша хатни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Кўрдим.

– Ўқиб ҳам кўрдингизми?

– Хатни кўрсатди-ю, ўқигани бермади.

– Нега сиз ундан талаб қилмадингиз?

– Гўё унинг қўлидан мен хатни олиб қўядигандай, бермади. Кейин, мени яширасиз, иш тинчиб кетгач, хатни сизга бераман, деди. Мен, албатта, унга нописанд қарадим, шунда у, агар мен қўлга тушсам, бор гапни айтиб бераман, деб пўписа қилди. Ноилож шартларига кўнишга мажбур бўлдим.

Прокурор яна Аббосга юзланди:

– Судланувчи Бозоров, эшитганларингизни тасдиқлайсизми?

– Ҳа, шундай гап бўлган эди, – деди Аббос. – Мен ҳам ўзимнинг ҳимоямни ўйлаган эдим.

– Бешимов, сизга яна битта савол: Тиктепадаги дала ҳовлига ёлғиз бордингизми ёки биров олиб бордимиз?

– Ўзим бордим.

– Тирик эканингизни оила аъзоларингиздан бирортаси билармиди?

– Билмасди.

– Ўглингиз Кабир Бешимов ҳам билмасмиди?

– Билмасди.

Прокурор судьядан судланувчи Аббос Бешимовнинг ўғлини суд залига чақирилишини сўради. Судья прокурорнинг талабини қондирди.

Кабир минбарда туриб, фақат рост гапиришини таъкидлаганидан кейин прокурор унга савол билан юзланди:

– Кабир Бешимов, шу пайтгача отангиз тирик эканини билармидингиз?

– Йўқ, билмасдим, – деди Кабир. – Биз аза ҳам очгандик. Тирикликларини эшитиб, рост, хурсанд бўлдик.

– Яхши, ҳозирча жойингизга ўтиринг! – Прокурор яна судьяга мурожаат қилди. – Рухсатингиз билан яна бир гувоҳни сўроқ қилсак.

– Албатта, марҳамат! – рухсат берди судья.

– Гувоҳ Мирфаёз Ғуломов минбарга таклиф қилинсин!

Кабир гувоҳни кўрди-ю, донг қотди.

Прокурор гувоҳга сўз берди.

– Ўзингизни таништиринг!

– Тиктепада Рамазон ака билан қўшнимиз, – деди Мирфаёз Гуломов ўзини таништираркан, Кабирга ишора бериб сўзида давом этди. – Бу укамни Рамазон аканинг дачасида кўрганман, ўша – оталари қўлга тушган кечаси. Бундан олдин ҳам бир марта, сув бўйида ота-бола гаплашиб ўтирганларига гувоҳ бўлганман. Ўшанда буларнинг ота-бола эканликларини билмасдим... Мени эсладингизми, Кабиржон?.. Менга унақа қараманг, ахир шунақа бўлганди-ку, ука?..

Кабир хийла вақт мум тишлагандек лом-мим демай ўтирди...

Судья суд мажлиси эртага давом эттирилишини эълон қилиб, зални тарк этди.

Суд мажлисининг иккинчи куни жамоат фикрини эшитиш билан бошланди. Бу сафар Намоз Жумаев ҳам жабрланувчи, ҳам гувоҳ сифатида иштирок этаётган эди.

Судья Мубашир Калонов Мулқободдан чақирилган, дастлабки терговда Намоз Жумаевга қарши кўрсатма берган Ҳасан Бердиевни сўроқ қилишдан бошлади.

– Қани айтинг-чи, бу ерга сизни нима учун чақиришди?

– Аҳмоқлигим учун-да.

Залда баралла кулги кўтарилди.

Бундан олдин минбарга чиқмаган эканми, Ҳасан Бердиев худди йиқилиб тушадигандек минбар суюнчилигини маҳкам ушлаганча аввал Намозни мақтаб қақшади, кейин унга нисбатан қилган ноҳақлиги учун ўзини койиди.

– Ҳа, буни ўзимам биламан, – деди у лабини ялаб олиб. – Ман илгариги Ҳасан қора эмасман энни! Намозни билмай, унга тескари гапирганимга пушаймонман. Сабаби, у ваҳда Норчаев милиса шуноқа дейсан, деб мани хекирдагимдан олли. Ҳозир алламайман, ўша кечаси Намоз обдорлик қилиб юрган эди, айби йўқ уни. Энни қишлоғимизда бир расвогарчилик бўлли-да, башқа бўмайди. Аббосди буноқа деб ўйлама-

ган эдик. Бурун маданиятчи эди, бир беақллилик сабаб кесилди. Қамоқдан чиқиб, ўрга-берга бинойндай ишлаб юриб эди, унга нима бало урди, ман ҳам билмай қолдим. Одамди ичига кирмасанг қайдан биласан, хай... Хай майли, Намозди гуноси йўқ, ман башқасини билмайман. – Кейин Намозга қаради. – Жўражон, кечир, мани Норчаев йўлдан урди-да, бўмаса бу п... емасдим. Манга башқа гап йўқ...

– Раҳмат, ўтиринг, – деди судья унга рухсат бериб.

– Кўп гапираман деб кегандим, – у айиқ юриш билан жойида бориб ўтираркан, ёнидаги одамга гап маъқуллади: – Бир оғиз гапга шунча жойдан овора қилиб олиб келлила-эй. Телпон қисалаям шу гапни айтайдим.

– Ҳа, энди сизнинг юзингизни ҳам кўргилари келганда, амак.

– Нима, була қора одамни кўрмаганми?

– Тинчлик сақлансин! – судьянинг таҳдидли овози янгради. – Эндиги сўз Рустам Қодировга... Марҳамат!..

Рустам Қодировнинг мулоҳазалари нафақат айбланувчиларнинг, балки суд ҳайъати аъзоларини ҳам ҳушёр тортириб қўйди. Унинг суд очерклари, айниқса, Намоз Жумаев иши бўйича матбуотдаги чиқишлари жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлган эди. У бурро-бурро гапирди, ҳар бир сўзини далил билан изоҳлаши ўз мижозлари ҳимояси учун чақак ураётган, уларни қўй оғзидан чўп олмаган, қордек оппоқ ва мутлақо айбсиз эканликларини исботлашга ҳаракат қилаётган адвокат Келдиёр Бўриевни ҳам шошириб қўйди. Бердиев ҳализамон Насим ҳам, Робия ҳам, Масрур ҳам аллақандай бахтсиз тасодиф қурбонлари эканини исботлашга уринаётган эди. Куйинди ичидан топилган соатни Аббос хиёл олдинроқ йўқотиб қўйгану, уни Масрур топиб олган, деган фикрни илгари сурганди. Ҳатто Аббосга қўйилаётган айбнома унга нисбатан уюштирилган тухмат, дейишгача борди. Қодиров унинг ҳамма далилларини чиппакка чиқариб, Намознинг беайб эканлигини исботлаб берди.

Суд залида Элёрнинг пайдо бўлиши Намоз учун янгилик бўлди. У Элёрнинг юзига худди янги ойга қарагандек тикиларкан, миждалари намланди. Наҳотки, тақдир шундай укани унга халоскор сифатида юборган бўлса? Энди у ёлғиз эмас, укаси, суянчиги бор, энди уни ҳеч ким енга олмайди!..

– Менга у ҳақ, бу ноҳақ, деб ҳукм чиқаришга ваколат берилмаган, – деди Элёр сўзининг ниҳоясида, – бу суд ҳайъатининг иши. Лекин судланувчилар ўз айбларига ихтиёрий равишда иқрор бўлишибдими, демак, улар одам эканликларини унутишмаган эканлар. Мен жамоатчилик номидан гапирар эканман, кундан-кунга ҳуқуқий онги ўсаётган кишиларимизга, бунақа ишлар фақат қонун ҳимоячиларининг иши, деб қўл қовуштириб ўтирмай, ўзимиз ҳам уларга ёрдам берсак, жиноятнинг олдини олган бўламиз, дегим келади. Чунки, бепарволик, лоқайдлик бор жойда ёмонлик урчиб, яхшилик сўниб бораверади. Яна шуни айтмоқчиманки, инсон умри қисқа, худди чигирнинг кўзачаси сувга тўлиб-тўкилган фурсатча ҳам эмас. Биз чигирнинг бир марталик айланишига тенг умримизни ҳам сувга оқизиб юборяпмиз, наҳотки, бунга ачинмасак? Кундан-кунга бир-биримизга бўлган ишонч, меҳр-муҳаббат жўнлашиб, лафзсизлик деган иллат одатий тус олаётгани ачинарли ҳол. Шу кетишимиз бўлса, эртага оғзимиздан чиққан ҳар бир сўзга муҳр босишга тўғри келади, бўлмаса, бир-биримизга ишонмай қоламиз.

Ҳўкизда ақл нима қилсин, эртага семирса кушхонага етаклашларини билмайди, нима беришса еяверади, ейишдан тўхтамайди. Шайтоннинг иши ҳам шу, одамнинг йўлини чиройли ва равон қилиб қўяди. Лекин одам ҳўкиз эмаски, шайтон уни кушхона томон етаклашини била-кўра туриб, унга эргашиб кетаверади. Одамзодга қачонки боши деворга бориб тегса, ўшанда ақли кириб, тавбани бошлайди. Ҳаёт ўз оқимида давом этаверади, тун кетидан кун келади, чигир айланавера-

ди, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам сувдек оқаверади, лекин ҳаёт-да ҳеч қандай мўъжиза содир бўлмайди, негаки, ҳаётнинг ўзи мўъжиза. У янада мўъжизали тус оляпти, буни кўриб кўрмаганликка олиш кўрнамаклик билан баробар. Энди юмилган кўзларимизни каттароқ очиб, қулоқларимизга тиқилган пахтани олиб ташлайлик-да, кўриш ва эшитишни ўрганайлик...

Элёр тўлқинланиб, кўзлари пирпиради, юраги шунчалар ҳаприқиб кетдики, дам дод дегиси, дам ёшлиги ўтган ерлардан аллақаяёққа олиб кетаётган аравадан сакраб тушиб қолгисин келди. Бироқ шу дамда меҳрибон бир қўл уни билагидан тутди. Бу қўл ҳаяжонга тушган йигитга зўр тасалли бўлди. У юзини Рустам Қодировга ўгирди-ю, унинг кўзида оташин меҳр ифодасини кўрди. Кўрди-ю, бутун губорларини кўнглидан чиқариб ташлади.

## ЭПИЛОГ

Жамшиднинг яшаб кетишига умид йўқ эди. Бир ҳафтадан ошдики, ўлим билан олишади. Бир ҳушига келади, бир ҳушидан кетади – ҳуш-беҳуш тана.

Бугун ҳушига келиб, кўзини очди, лекин ҳеч нарсани кўрмади, кўз олдини туман қоплаган, атрофида кимлардир гнмирлаб юрганини сезади-ю, кўрмайди; қулоғи жиппа битган; қўл-оёғи қимирламайди; кўкрагига харсанг бостирилгандай, нафас олиши ҳам оғир. Оғриқнинг зўридан инграйди, пешанасига совуқ тер тепчийди, хиёл вақт ўтиб ваража тутади-ю, қалтираб-қалтираб яна ҳушини йўқотади, гўё руҳи танасидан чиқиб кетгандай бўлади.

“У узун қора туйнук ичида учиб кетаверди, кетаверди ва анчадан кейин ўзини чексиз саҳрода, от устида кўрди. От кўпиклаб кетган, оёқ олиши суст. Бу от уни қай манзилга олиб боряпти, номаълум, тўрт томон қибла, йўлда на қудуқ, на тангадек соя бор – қизиб ётган малла ранг қумлик.

Ташналикдан ҳалқуми қуриган, ютунса томоғи тақиллайди. Аксига олиб, кун ҳам қизигандан қизиди, қуёш бир жойда михлангандай.

Бу қанақа жой ўзи? Ахир ҳар нарсанинг охири бор-ку, нега бу саҳронинг чеки йўқ?

Отнинг ҳам мажоли қолмади. Ўзини-ку кўзи тинди, боши айланиб, нафаси бўғилди. Борлиқ эриб, еру осмон бир-бирига қоришиб кетгандай гўё. Мана шу қумтепадан ошиб ўтса, нариёғи гулаган водий – гўзал боғ, шарқираган сой. Ҳар бир тепаликка чиқаётиб шу фикр хаёлидан кечади, лекин ҳар сафар умиди саробга айланаверади.

Навбатдаги тепаликка чиққан от тиззасигача қумга ботиб, юролмай қолди. Отни юришга қичади, яғринига урди, эгардан тушиб жиловни тортди, орқасидан итарди – бўлмади. Жониворнинг бадани дир-дир титрайди. Афтидан юргиси келди-ю, оёқларини қумдан тортиб ололмади. Охири ярим белидан синган дарахтдек ёнбошига қулаб, кўзларида рангсиз осмоннинг акси қолди, холос.

Бу ёғига уловсиз янада қийин бўлади.

Наҳотки, шу биёбонда ном-нишонсиз улоқиб кетса?

Бир пайт боши узра баҳайбат бир қуш чарх ура бошлади. У бир-икки айланиб ердаги ўлжасини нишонга олгандай қанотларини йиғди-да, мисоли ботмон тошдек пастга ўқдек шўнғиди. Қуш яқинлашган сари катта боши, кўкимтир, кул ранг қанотлари, узун тирноқли панжалари аниқ-таниқ кўринди. Унинг бўйни узун, тумшуғи қайрилган, кўз атрофидаги туклари тўкилган, чангали туёққа ўхшайди, қанотлари икки метрдан зиёд. У ерга қўниши билан гўзал қизга айланди. Қиз жудаям гўзал, юзидан нур ёғиларди.

– Кимсан? – деб сўради Жамшид.

– Адолат туморининг маҳрамларидан бириман, – деб жавоб берди соҳибжамол.

– Бу ерга нега келдинг, мендан нима истайсан?

– Сени судга олиб бормоқчиман.

– Қанақа суд?

– Борганинга биласан!

Қиз яна қушга айланди-да, Жамшидни даст кўтариб, осмону фалакка учди. Қуш узок учди ва зим-зиё бир ерга қўнди. Гулхан ёқилди. Атроф ёришди. Дарахт шохларида мудраётган қаргалар қағ-қуғ этганча тепага кўтарилиб, қайта қўнишди. Бойқушнинг хунук қичқириғи эшитилди. Гулхан атрофини қирқ нафар баҳодир қиз ўраб олди. Балх тут шохида адолат тумори осиклиқ турарди.

Жамшидни ваҳима босди.

– Нега мени бу ерга олиб келдинг?

– Сени суд қилишади! – деди маҳрам.

– Қайси гуноҳим учун?

– Хотиринг жам бўлсин, бу суднинг одиллигига шубҳа йўқ. Фақат адолат қонунлари асосида иш юритилади!

Маҳрам айбномани ўқиб эшиттирди.

Жамшид далилу гувоҳ талаб қилди:

– Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинмайди. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир кишининг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилади ва айби аниқланмагунча айбдор саналмайди. Жиноят далилу гувоҳлар билан фош этилади. Мен гувоҳлар бўлишини истайман!

– Гувоҳ керакми? Мана бу кўзгуга қарасанг, гувоҳларни кўрасан!

Жамшид кўзгуга Элёр билан Ойсулувни кўрди.

– Булар ҳам гувоҳ, ҳам судья! – деди маҳрам ва хитоб қилди: – Туринг, суд келяпти!

Кўзгудан Элёр билан Ойсулув чиқди.

Жамшид тошдек қотди.

Суд мажлиси бошланди.

Элёр тилга кирди:



– Сен дўстликка хиёнат қилдинг, Жамшид! Мени тухмат билан енгмоқчи бўлдинг, лекин мақсадингга етолмадинг, му-  
родинг ҳосил бўлмади!

Ойсулув сўзлади:

– Сен муҳаббатга хиёнат қилдинг, Жамшид! Ўз жуфти ҳа-  
лолинг бўла туриб, мени суйган ёримдан жудо этмоқчи, шаъ-  
нимни булғамоқчи бўлдинг, лекин ниятингга етолмадинг!

Адолат тумори сўзлади:

– Айт, кимни ҳимоя қилдинг? Қай бир сохтакорни фош  
этдинг? Неча бир пасткашни уялтирдинг? Кимга яхшилик  
қилдинг? Бир бегуноҳ кишига ёрдам қўлингни чўзиш ўрнига,  
уни яна ботқоққа итардинг, унга жабр кўрсатдинг! Энг асо-  
сийси, ўз касбингга ва адолатга хиёнат қилдинг!

Жамшид бошини қуйи солди.

– Афсусдаман!

– Афсусдасан! Демак, айбингга иқрорсан?

– Иқрорман!

– Эй сен, жабрдийда! – Элёрга юзланди тумор. – Хиёнат-  
корга қандай жазони лойиқ кўрасан?

– Ҳайронман, – деди Элёр.

– Эй сен, жабрдийда! – Ойсулувга юзланди тумор. – Хиё-  
наткорга қандай жазони лойиқ кўрасан?

– Ҳайронман, – деди Ойсулув ҳам. – Лекин мен шуни  
биламанки, айбдорнинг иши адолатдан эмас. Шундай экан,  
одил ҳакам сифатида лойиқ жазони ўзинг берасан!

Шунча қилган ёмонликлари эвазига на Элёр, на Ойсулув  
унга жазо белгилай олди. Бу Жамшидга оғир ботди, орияти  
қўзиди, уятлик бир ҳолатга тушди.

– Эй, адолат қўриқчиси! – деди у. – Уятдан юзим қора  
бўлди, ҳар қандай жазога тайёрман! Лекин, менга тушунти-  
риб бер-чи, дунё нега бундай яралган? Нега биров бахтга,  
бирова бахтсизликка маҳкум? Нега мен бахтли одамлар сафи-  
да бўлолмадим? Нега ўзимга бу саволларни олдинроқ бер-

мадим? Мана энди кўзим очилди. Касбимга, ёру дўстларим, оилам ва яқинларимга ёмонликни раво кўрибман, уларнинг қалбида ўзимга нисбатан нафрат уйғотибман. Менинг нодонлигим боис дўстим, дўстларим азият чекди. Бир айбсиз кишини ҳимоя қилолмай, қўрқоқлик қилдим. Инсон ҳамиша олий мақсад сари интилади. Мен ўз мақсадимни ҳасаду нафратга алмаштирдим. Пировардида шуни англадимки, ҳар қандай бойлик севги-муҳаббатга озуқа бўлолмаскан. Севилмаган бадавлатлигида ҳам бахтсиз, севилган оч-юпунликда ҳам бахтиёр экан. Руҳий зўриқиш пайтидаги ҳаракати учун кишини айблаб бўлмайди. Баъзан шундай вазиятлар юзага келадики, кўзга ҳеч нарса кўринмайди, эс-хушингни йўқотиб, ўзингни бошқаролмай қоласан. Хўш, бундай пайтда кимни айблайсан? Ҳеч кимни! Ўзимни ҳақ деёлмайман. Дўстларимдан жазо сўралди, аммо улар менга раҳм қилишди. Нега мен уларга раҳм кўрсата олмадим? Энди уларнинг кўзига қандай қарайман? Эй, адолат ҳукмдори! Мен сендан шафқат эмас, ўзимга ўлим тилайман. Дўстлари кўзига тик қараёлмайдиган киши ўлимга маҳкум! Мен ана шундай жазога лойиқман!

Ўртага қабристон сукунати чўқди. Суд маслаҳатидан кейин адолат тумори ҳукмни ўқиди:

– Суд ҳайъати далилларга суяниб, гувоҳлар кўрсатмасига асосланиб, ҳукм қилади: Айбдорга энг олий жазо – виждон азоби тайинлансин! Жазони ўташ муддати...”

Жамшид бир тўлғониб кўзини очди-ю, тепасида турган ҳамширани кўрди ва ундан:

– Мен қаердаман? – деб сўради.

– Касалхонадасиз, – деди ҳамшира. – Босинқираганга ўхшайсиз... Ўзингизни яхши ҳис этяпсизми? Сизни кўргани келишган, ҳозир айтаман, киришади.

Ҳамшира чиқиб кетиши билан, ҳаяллатмай эшикдан бола етаклаган Нурия кириб келди ва болакайнинг қулоғига нимадир деди. Болакай қиқирлаганча Жамшидга интилди, ка-

равотга тирмашди, лекин бўйи етмади, кушчадек вижирлади. Жамшид болакайнинг биргина “Да-да” деган сўзини илғади-ю, вужуди титраб кетди. У болакайнинг юз-кўзларидан ўпишни, сочларини силаб эркалашни шунчалар истадики, афсус, бунинг иложини тополмай, йиғлаб юборди.

2011 июль – 2016 декабрь

*Адабий-бадний нашр*

**Илхом Зойир**

**ХУКМ**

*Роман*

Мухаррир *Санжар Турсунов*  
Бадний мухаррир *Иззат Йўлдошев*  
Техник мухаррир *Екатерина Корягина*  
Мусаххих *Фотима Ортиқова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашриёт лицензия раками А1 № 290. 04.11.2016.  
2017 йил 15 февралда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Апо Pro гарнитураси.  
Офсет босма. 21,84 шартли босма тобок. 18,6 нашр тобок.  
Адади 2000 нусха. 148 ракамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

*Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29*

*Факс: (371) 241-82-69.*

***www.gglit.uz,***

***e-mail: info@gglit.uz***





*Хукм*



ISBN 978-9943-4798-9-0



9 789943 479890